



ИСОҚЖОН НИШОНОВ

АФҒОН ШАМОЛИ

ҚОРА АФҒОН

КУЛРАНГ БЎРИЛАР

Эттинчи ва саккизинчи китоблар



ИСОҚЖОН НИШОНОВ

АФҒОН
ШАМОЛИ

ҚОРА АФҒОН

КУЛРАНГ БЎРИЛАР ИЗИДАН

Эттинги ва саккизинги китоблар

“Yosh kuch”
2020

УЎК: 821.512.133-31

КБК: 84(5Ў)6

Н – 69

Нишонов, Исоқжон

Афғон шамоли: роман. Қора Афғон. Еттинчи китоб. Кулранг бўрилар. Саккизинчи китоб. Исоқжон Нишонов. Тўлдирилган қайта нашри. – Тошкент: Ёш куч, 2020. – 448 б.

ISBN 978-9943-6353-2-6

«Афғон шамоли» роман-сериалининг еттинчи қисмида ёритилган воқеа-ҳодисалар асосан Афғонистон ҳудудида рўй беради. Мазкур қисмда ўқувчи толибларнинг қурол-яроғларини йўқ қилишда гумон қилинган Бўроннинг ўз Ватани равнақи, тинчлиги ва афғон халқини террор балосидан қутқариш йўлида учраган оғир синовларни бирга бошдан кечиради, толибонларнинг манфур башараси ва ғайриинсоний жиноятларига яна бир бор гувоҳ бўлади.

Романнинг саккизинчи китобида ўқувчи Қўлдошали, Сабина, Латиф, Расул, Кутузов каби янги қаҳрамонларни кашф этади, урушнинг аччиқ қисматини улар билан бирга бошдан кечиради.

Воқеалар ривожининг асосий қисми бош қаҳрамон Бўроннинг Мулла Умар топшириғи билан Чеченистонга юборилиши билан боғлиқ бўлиб, ўқувчи чечен жангарилари билан бўлиб ўтган ҳодисалар, рус-чечен музокаралари билан боғлиқ тарихий воқеалардан хабардор бўлади.

УЎК: 821.512.133-31

КБК: 84(5Ў)6

ISBN 978-9943-6353-2-6

© Исоқжон Нишонов, «Афғон шамоли». Еттинчи-саккизинчи китоблар. «Наманган», 2013 йил.

© Исоқжон Нишонов, «Афғон шамоли». Еттинчи-саккизинчи китоблар. «Ёш куч», 2020 йил.



ҚОРА АҒҒОН

Еттинчи китоб

GULISTON DAVLAT PEDAGOGIKA
INSTITUTI

AXBOROT RESURS MARKAZI

inv №

873

ШОШИЛИНЧ ХАБАРНОМА

19 июнь куни кеч соат 23:30 да Башир Қирғизистон ҳудудига яшириниб олган мулла Абдулло билан алоқага чиқади ва ўрнига Маҳдий лақабли ёрдамчисини қолдириб, зудлик билан Қундузга етиб келиши тайинланади. Дала командири Маҳдийга Қирғизистон орқали Ўзбекистоннинг Чимён дам олиш зонасига кириб бориш ва бу ердаги одамлари билан бирлашиш вазифаси топширлади.

Маҳдий. 1955 йилда туғилган. Асл исми Убайдулло Хўжаев. 1994 йили Тожикистон орқали Афғонистонга ўтган. Қундуз вилоятидаги жангарилар тайёрлаш лагеридан Покистонлик йўриқчи Аббос Нур қўлида тайёргарликдан ўтган. Бир неча жанговар ҳаракатларда толибонлар сафида иштирок этган.

КОБУЛ

Техрон халқаро аэропортида Хелмарнинг одами Фафурни кутиб олди. Ўзини таништиргач, меҳмонни машинасига ўтказиб, чегара томон жўнашди. Кеч бўлишига қарамай, йўлда машиналар қатнаб турарди. Улар тун ярмида чегарага келишди.

– Мана шу сўқмоқдан тўғри пастга тушсанг, қаршингдан чангалзор чиқади. Уни кесиб ўтасан. Тошлар устидан икки чақирим юрсанг эски машина кўринади. Олдинги филдирак остида калит бор. Йўл нотекис, эҳтиёт бўлиб, машинанинг изидан юрасан. Довондан

ошиб ўтганиндан кейин қора саллали чол қўл кўта-ради. Ундан керакли топшириқларни оласан. Худо ёр бўлсин! – деди сирли йўл бошловчи у билан хайрлашар экан.

Фафур чангалзор ичига кириб кетди. Осмонда ой кўринмас, чангалзор ичи қоп-қоронғи эди. Оёқ излари кўринмасди. Одам бўйидан баланд ўсимликлар орасида юриш азоб эди. Кўп бор адашди, ниҳоят чангалзор тугаб, қаршисидан тошлоқ йўл чиқди. Икки чақирим юргач, ўша айтилган машина кўринди. Айтилган жойдан калитни топди. Моторни ўт олдириб йўлга тушди. Бу пайтда тонг бўзарганди. Ярим чақиримча юргач, йўлнинг ўртасида ўтирган одам кўринди. Фафур сигнал чалди. Бироқ у ўрнидан турмади. «Чол экан, у айтган одам бўлмаса керак бу» ўйлади Фафур. Тормозни босди.

– Пастга туш! – буюрди чол.

Фафур машинадан тушди. Атрофда тирик жон кўринмасди.

– Менда ишингиз борми, амаки? – Фафур мўйсафидни ўзини кутаётган одам эканлигига ишонгиси келмади.

– Ишим бордир-ки, тўхтатдим, – қўрслик билан жавоб қайтарди чол. – Тунда қишлоқни толибонлар босди. Ҳамма ёқ алғов-далғов. Қўлга тушган одамнинг кимлигини суриштирмай, бўғизлаб ташлашапти. Яшашни истасанг, ортимдан юр.

– Машина нима бўлади?

– Анави жарга ташлаб кел!

Фафур топшириқни бажариб, чолнинг олдига қайтди. Иккиси тошлар устидан юриб, юқорига кўтарилишди. Булутлардан тозаланган осмонда офтоб ўзини кўрсатди, даштга нурина тўкиб, жон киргазди. Фафур чолга ўғринча нигоҳ ташлади. Шунда унинг пахмоқ соқоли ясамалигини билди. Кўзлари, қадини тутиши, қадам ташлашлари ўрта ёшлардаги одам эканлигини билдирарди.

– Шу ерда хайрлашамиз, – деди у. – Мана шу тоғдан ошиб ўтсанг, қишлоқ кўринади. Пастга тушасан, у ерда машиналар бисёр. Юз долларга пойтахтга ташлаб кўйишади.

– Менга яна қандай топшириқ бор?

– Хелмарнинг топшириғи бекор бўлди. Эргашга тегмайсан. Лагерда ўзингга яқин одамлар борми?

– Топса бўлади.

Чол Фафурга катта-катта кўзларини тикди.

– Бу нима деганинг?

Унинг вазоҳатидан кўрқиб кетган Фафур:

– Топилади, – деди

– Уларни ишга сол. Мирзааҳмаднинг тириклигини ва айни пайтда Баширнинг паноҳида яшаётганини унинг қулоғига етказишсин!

– Мирзааҳмад ўлган.

– Тирик!

– Бўлиши мумкин эмас.

– Яқинда кўзинг билан кўриб, тириклигига ишонсан.

– Шу ердами?

– Бошқа қаерга борарди.

– Мен ишонишим мумкин, аммо Эргаш ишонмайди!

Чол кўйнидан сурат олиб, Фафурга узатди. Ундан «Калашников»ни елкасига илиб олган, ялпоқ юзини қора соқол босган Мирзааҳмад боқиб турарди.

– Сурат сохта дейиши мумкин.

Чол ўйланиб турди-да:

– Бўйнининг чоп томонида чандиғи борлигини айтишсин, – деди.

– Адашмасам, пешонасида нўхатдек холи бўларди.

– Одамларинг албатта Ҳиротга боришсин ва ўша ерда кўриб қолишганини айтишсин.

– Яшаётган манзилени айтинг.

Чол Мирзааҳмаднинг қаерда ва кимлар билан туришини маълум қилди.

– Мен лагерда қолишим керакми?

– Одамларингга топшириқни берганингдан кейин Кобулга қайтасан. Келган кунинг телефон орқали тўққизта саккиз рақамини терасан. Жавоб берган одамга қаердалигингни маълум қил. Кейинги топшириқни ундан оласан!

– Мен Венага қайтишим зарур.

Чол хўмрайди:

– Бундан бу ёнига саккизинчининг ихтиёридасан. У нимани айтса, шуни бажарасан!

Фафур ўйланиб қолди, хотинининг сўзига қулоқ солмаганидан илк бор афсусланди.

Чол қўлидаги қопни узатди.

– Ичида пул ва керакли буюмлар бор. Пулни ишончли одамларингга тарқат!

У орқага қайтди.

«Нахотки Хелмар мени алдаган бўлса? Энди нима қиламан?» деб ўзига-ўзи савол берди Фафур. Қулоқлари остида Пайванинг «Борма, яхшиси бу ердан кетамиз» деган сўзлари жаранглади.

У йўлга тушди. Пешиндан кейин кишлокқа кириб келди. Уйлар кўп, одамлар кам эди. Машина эгасини амаллаб юз долларга кўндирди. Пойтахтга жўнади. Туни билан йўл юришди. Тонг ёришганда Кобулга келишди. Фафур чойхонага ўтди, қорни очганди. Овқатланди, егуликлар харид қилиб, бошқа машинага ўтириб, Саманганга жўнади. Ҳали етиб бормасдан юраги қалтирай бошлади. Эргашнинг ишончли одамлари бу шаҳарга тез-тез келиб, егуликлар харид қилиб кетишарди. Фафур уларнинг қаршисидан чиқиб қолишдан чўчирди. Шаҳарга кираверишда машинадан тушди. Танишларининг кўзига ташланиб қолмаслик мақсадида ўзига таниш қир орасидаги йўлдан лагер томон яёв

жўнади. Тезда қоронғи тушди. Паст-баланд тепаликлар ой нурида қорайиб кўзга ташланарди. Қайсидир жойларда чиябўрилар ув солишди. Лагерь ҳали кўринмасди. Окшомлари дашт тамомила ўзгариб, бошқача тусга кирарди. Ранг-баранг турланиб турган паст-баланд қирликлар ой нурида ёришиб, кейин қоронғилаша бошлади. Ўт-ўланлар тунги эпкинда чайқаларди. Ҳозир кетиб бораётган бу сўқмоқни қачонлардир Фафурнинг ўзи очганди. Шу сабабли йўлдан қийналмай борарди.

Ярим тунда қирни ортда қолдириб, тош босган тепаликларга етиб келди. Шу ердан пастликдаги беш олти-та тош фонарлар милтираб турган лагерь кўзга ташланиб турарди. Фафур чодирлар атрофида тўп-тўп бўлиб ўтирган жангариларни кузатди. Уларнинг сўзлари кулоқларига чалинмаса-да, бундай кечаларда гулхан атрофида ўтирганларнинг нималар ҳақида суҳбатлашиши унга маълум эди. Фафур бугун бўлмаса эртага улардан бирортаси шу йўлдан ўтишига умид боғлади. Тонг отишига ҳали анча вақт бор эди. У чарчаган бўлишига қарамай, ўзи учун кулба ясашга киришди. Катта-катта тошларни кўтариб келди ва ёрга ўхшаган уйча тиклади. Икки жойида дарча қолдирди. Бу дарчалардан лагерь ҳам, сўқмоқ йўл ҳам кўриниб турарди. У ёр уйчага кирди ва бошига халтани қўйиб уйқуга кетди. Кўзини очганда қуёш ботаётган эди. Кўп ухлаганидан кўзлари шишиб кетганди. Ташқарига чиқиб лагерьни кузатди. Икки кунни шу сўқмоққа кўз тикиб ўтказди. Бирорта тирик жон ўтмади. Тош кулбада яшаш жонига тегди.

«Нима қилиш керак, – ўйларди Фафур. – Жойни ўзгартирайми? Бошқа йўлдан жангарилар тўп-тўп бўлиб ўтади, ўзимни сездириб қўйиши мумкин».

Фафур узоқ бош қотирди. Шошилмасликка, яна икки кун кутишга, шунда ҳам ҳеч ким ўтмаса, жойни ўзгартиришга қарор қилди.

Тушдан кейин момақалди роқ гумбу рлаб, ёмғир ёғди. Жангарилар чо дирларига кириб кетишди. Фафур ҳам уйчасига беркинди. Туйнукдан шитирлаб ёғаётган ёмғирнинг овозига қулоқ тутиб ўтирди. Бир пайт одамнинг қадам товушларини эшитиб қолди. Юраги дукуллаб, ташқарига қаради. Бошига ёмғирпўш ташлаган одам қўлидаги автоматни ҳасса қилиб, тепаликка тирмашиб чиқарди.

«Нега у ёлғиз?»

Фафур ташқарига чиқди ва ўзи учун ҳимоя қалқони деб билган харсанг ортига чўнқайди. Бегона кимса яқин келганида, оёғидан тортди. У йиқилди, «ҳасса» анча нарига бориб тушди. Фафур унинг бошидаги ёмғирпўшини юлиб олди ва ичкарига тортди. Шу пайт момақалди роқ гумбу рлаб, яшин жуда зўр куч билан ярқираб, ичкарини ёритиб юборди. Жангарининг пахмоқ соқоли, чўяндек қоп-қора юзи, нурсиз кўзлари Фафурга таниш кўринди.

– Саттор!

– Кимсиз? – бўғзига ханжар тираб турган одамни танимаган Саттор ҳам таажжуб, ҳам кўрқув билан сўради.

– Эргаш қаерда?

Саттор қаршилиқ кўрсатмади, қимирласа ханжар бўғзига санчилишидан кўрқди. Фафур унинг жим туришига имкон бермади.

– Гапир!

Сатторнинг қулоғига тепасида бўғзига пичоқ тираб турган одамнинг овози танишдек туюлди.

– Фафур ака, бу сизми?

– Қаёққа кетаётганинг?

– Пичоғингизни олинг, нафас ололмаёпман.

Фафур пичоқни олди.

– Эргаш қаерда?

– Лагерда...

– Нима қияпти?

– Ҳаммани қонига ташна қилиб юрибди!

– Қанча одам қолди?

– Юз эликтача.

Саттор ўрнидан туриб ўтирди.

– Лагерда нима гаплар?

– Эргаш сизни «Юз эллик килограмм героин билан кенгаш томонидан озиқ-овқат, кийим-кечакка ажратилган уч миллион долларни ўғирлаб қочиб кетди» деб гап тарқатиб юрибди!

– Итнинг боласи, итлигига борибди-да!

– Сиз кетганингиздан кейин лагерга озиқ-овқат келмай қўйди. Йигитлар оч. Ҳамма Эргашдан норози.

– Файбулло нима қияпти?

– Эргаш унинг бошини дорга илди.

– Дилмурод тирикми?

– Юрибди юрагини ҳовучлаб.

Ташқарида ёмғирнинг ёғиши тезлашган, тошларга урилиб чирсиллаган овози ичкарига эшитилиб турарди. Олисларда момақалди роқ гумбураб, чақин чақнади.

– Айт, эртага тунда олдимга келсин!

– Айтишга айтаман, аммо келади деб ваъда беролмайман!

– Келмаса, ўзинг келасан!

– Кетсам бўладими?

– Иккала қулоғинг билан эшит, – деди Фафур қўлидаги ханжарга ишора қилиб. – Мана бу қаерга яширинмагин, сени топиб боради ва юрагингга санчилади.

– Бусиз ҳам ортимдан ажал қувиб юрибди. Эргаш аллақачон менга ўлим ҳукмини ўқиган.

Саттор ўрнидан турди.

– Қуролимни беринг!

Фафур автоматни узатди.

– Қаерга кетаётганинг?

– Ўртоқларимдан бири касал, егулик олиб келиш учун қишлоққа кетаётувдим.

– Шундай ёмғирда-я?

– Очликдан ўлиб қолиши мумкин!

Фафур халтадан икки дона қаттиқ нон олиб узатди. Саттор олтин топган одамдай суюниб кетди.

– Раҳмат, ака!

Икки кун ўтса-да, Дилмуроддан дарак бўлмади. Фафур умидини узди. Учинчи куни ёмғир тинди. Осмон очилди. Қуёш чарақлаб чиқди. Фафур дурбинни олиб, ташқарига чиқди. Пана жойга ўтиб лагерни кузатди. Жангарилар ҳаракатга тушиб қолишганди. Тўда-тўда бўлиб, қаергадир жўнашди. Эргаш кўринмади.

Қоронғи тушди. Қайтиб келган жангарилар гулхан ёқишди. Яна тўп-тўп бўлиб давра қуришди. Гарчи уларнинг овозлари эшитилмаса-да, ҳаракатларидан мамнунликлари билинарди. Фафур бошига халтани қўйиб, тош устида ётганча ўйга толди. «Дилмурод келмаса, кетаман. Чол айтган одамга телефон қиламан. Танишларимни тополмадим дейман».

Қулоғига чалинган ғўнғир-ғўнғир овоз Фафурнинг хаёлини тўзитди. Туйнук оғзига борди. Пастдан чиқиб келаётган икки кимсанинг қораси кўринди. Сатторни юришидан таниди. Ёнидаги Дилмурод эди.

Бу йигит муҳтарам ўқувчиларимизнинг ёдига тушган бўлса ажаб эмас. Шундай бўлса-да, бир-икки оғиз унинг яқин ўтмишдаги ишлари хусусида сизларни ҳабардор этмоқни жоиз топдик.

Дилмурод ит юрмас жойлардан ўтиб, қўшни давлат худудига кириб келди. Бу ердаги танишлари уни Эргашнинг тўдасига келтириб ташлашди. Ўзининг айрим қилиқлари билан тўдабошининг ғазабига дучор бўлди. Унинг талончилик йўли билан топган бойликларини ўғирлашда иштирок этиб, ўлимга маҳкум этилди. Тўдабоши икки нафар ўғриларни жазолашнинг янги усу-

лини ўйлаб топди. Уларнинг қўл-оёқларини чилвирда боғлаб, ўттиз метрли чуқурга боши билан ташлашга фармон берди. Соқчилар гуноҳкорларни жар ёқасига келтиришди. Қирғоқнинг нариги томонидаги тошга арқон илишди. Ўғрилардан бирининг оёғини боғлаб тортишди. Айбдор жар ўртасига келганида арқонни кесишди. У еру кўкни ларзага келтиргудек бўкириб, пастга шўнғиди. Боши тошларга урилиб, мажақланиб, атроф-теваракка қон аралаш мия суюқлиги сачради. Тушган жойида тошдек қотди. Навбат Дилмуродга келганди. Фарёд кўтариб тавба-тазарру қилиб омон қололмаслигини, бу билан Эргашнинг юрагида раҳм-шафқат уйғотолмаслигини тушунди. Ёнида Фафур турганди.

– Хизматингизни қиламан, жонимни сақлаб қолинг, – деди ёшга тўлган кўзларини унга тикиб.

Фафур у томонга қайрилди. Айбдорнинг тупроқ ёпишган юзига тикилиб, негадир жилмайиб қўйди.

– Бу гапни илгарироқ айтишинг керак эди.

Дилмуроднинг юрагида умид шами липиллади:

– Сизнинг бир оғиз гапингиз. Йўқ деманг, илтимос.

– Илтимос билан иш битмайди.

– Вақти келиб оғир кунингизга қор келиб қоларман!

Фафур унга қараб турди-да, кейин Эргашнинг ёнига борди. Дилмурод кўз қири билан кузатиб турди. Фафур тўдабошига нималардир деди. Эргаш бош чайқади. Бу орада соқчилар келиб, уни жар ёқасига судрашди. Оёғини боғлашиб, орасидан арқон ўтказишди. «Фафур тўдабошини кўндиролмади» деб ўйлади Дилмурод. Уни кўтариб жар ёқасига олиб келишди. Пастда қонига беланиб ётган шеригининг жасадига кўзи тушди-ю, баданини совуқ тер босди. Қўрқиб кетганидан кўзларини юмиб олди. Жангарилар унинг оёқларини боғлашди. Орасидан арқон ўтказиб, арқоннинг нариги томонига ўрнатилган ғалтакни ҳаракатга келтиришди. Боши пастга қаратилган Дилмурод силкиниб-силкиниб

борарди. «Хозир арқонни кесишади» деган фикр ҳар сонияда қўнглидан кечди. Жарнинг қоқ ўртасига етганда бир муддат туриб қолди. Еган овқатлари томоғига тикилди. Оғзидан суюқлик оқди. Арқон кесилмади. Кейин бирдан уни орқага тортишди...

Дилмурод қўл-оёғидаги чилвир кесиб ташланганидан кейин Фафурнинг олдига борди.

– Бугундан бошлаб туғишган инингизман, – деди бошини эгиб.

Шу воқеадан кейин Дилмурод қандай қилиб бўлмасин, Эргашдан ўч олишни ўйлаб, пайт пойлади. Фафурга эса худди Худога сифингандек сифинди. Кунлар, ойлари ўтди. Дилмурод уни кўрганида «Бирор топширик берармикин?» деб оғзини пойларди. Лекин халоскори индамасди.

... Саттор «Сени Фафур сўраяпти» деганида қош қайтармай келганининг боиси шунда эди.

– Атрофингга ўзингга яқин одамларни йиғ. Яқин кунлар ичида Эргашни тинчитиб, лагерни қўлга оламиз, – деди Фафур Дилмурод билан кўришиб бўлгач.

– Унинг яқинлари қолмади, – деди Дилмурод халоскорининг сўзларидан мамнун бўлиб. – Қочиб кетмоқчи бўлганларнинг бошини ҳар куни дорга иляпти.

– Лаънатининг куни битгани шундан маълум... Хозир уни кимлар ҳимоя қиляпти?

– Нотаниш одамлар...

– Ўзимизникилардан-чи?

– Икки-учта тансоқчилари...

Фафур қўйнидан суратни олиб, Дилмуродга кўрсатди.

– Мана бу йигитни танийсанми?

Дилмурод расмга тикилиб турди-да:

– Кўзимга иссиқ кўриняпти, аммо кимлигини эслаёлмаяпман, – деди.

– Бу Мирзааҳмад, Эргашнинг ашаддий рақиби.

– Уни ўлиб кетган деб эшитгандим.

– Мен ҳам шундай ўйда эдим, лекин тирик экан!
– Буни тўдабоши биладими?
– Афсуски, билмайди. Уни сизлар билдиришларинг керак.

– Қандай қилиб?

– Хиротга ўтишнинг иложи борми?

– Топса бўлади!

– Ўзингга ишончли одам билан Хиротга борасан. Шу ерда Мирзааҳмадни кўриб қолганларингни айтасанлар. Табиийки, у сенларнинг гапингга ишонмайди. Бўйнида чандиғи, пешонасида нўхатдек холини кўриб қолганингни айтасан. Кейин қаерда яшашини тушунтирасанлар.

– Биз унинг қаерда яшашидан беҳабармиз-ку?

Фафур Мирзааҳмаднинг манзилени айтди.

– Лекин бу ишга шошилманглар. Қанча вақт бўлса кутинглар.

– Сиз шу ерда бўласизми?

– Кетаман, лекин тез орада қайтиб келаман!

Фафур қопчадан минг доллар олиб, Дилмуроднинг қўлига топширди.

– Ўзингга қарашли йигитларга тарқат. Оч юришмасин!

– Бу ишни ўзим қойил қиламан, ака!

– Бўрон нима қиляпти? – кутилмаганда Фафурнинг хаёлига Зори Бозордаги хазинадан хабардор бўлган йигит келди.

Дилмурод уни Мулла Умарнинг одамлари келиб, олиб кетишганини биларди. Билганларини эшитганларига қўшиб айтиб берди.

– Ўлдириб юборишмаганида шу пайтгача қайтиб келарди, – деди.

– Чатоқ бўлибди, у Эргаш тўплаган бойликларнинг қаерга кўмилганини биларди.

– Ўзимиз топамиз!

- Бу атрофда эмас у!
- Бир пайтлар қулоғимга чалиниб қолганди. Астойдил ҳаракат қилсам топаман!
- Майли, бу ҳақда кейин гаплашамиз. Ҳозир орқага қайтинглар, тонг бўзариб қолди. Ҳадемай қуёш чиқади. Йигитлар ўринларидан туришди.

ОЛТИНТОПАР ҚИШЛОҒИ

Баҳодирхон касалхонада узоқ ётмади. Терговчи келганида «Холмат оиламизнинг яқин кишиси, кексайиб қолган. Қамалса одамларнинг қўнгли қолади мендан. Адолат билан айтиш керак-ки, ўзимдан ҳам гуноҳ ўтди. Жаҳл устида уни ҳақоратладим. Бағрикенг раҳбар бўлганим учун кечирдим. Унга нисбатан қўзғатилган жиноят ишини ёпишингизни сўрайман» деб терговчига тушунтириш хати ёзиб берди. Холмат ҳам Баҳодирхоннинг олдига келиб, «Хўжайин, сизга нисбатан ношукурлик қилдим, яхшилигингизни билмадим» деб қўз ёш тўқди. Шундай қилиб Холмат устидан очилган жиноят иши ҳаракатдан тўхтатилди. Бу Баҳодирхоннинг обрўйини оширди. Одамларнинг унга бўлган меҳри товланди.

* * *

199... йилнинг кузида Олтинтопар қишлоғига темир тобут келди. Ўттиз минг аҳоли яшайдиган қишлоққа шу пайтгача аскарнинг жасади солинган бундай тобут келмаганди. Каромат опа билан Баҳодирхоннинг Афғонистонда хизмат бурчини ўтаётган фарзанди душман билан бўлган жангда нобуд бўлганди. Тобутни олиб келган ҳарбийлар ва туман раҳбарлари ота-онанинг зорларига қулоқ солишмади.

– Тобутни очиш мумкин эмас, буйруқни бузишга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ! – деб фарзандларининг дийдорини кўрсатишмади.

Қодирнинг душманлар билан бўлган жангда қаҳрамонлик кўрсатгани бутун вилоятга шов-шув бўлди. Марказий газеталар унинг жасорати ҳақида ёзишди. Туман раҳбарлари, ҳарбий комиссариатдан келганлар Баҳодирхоннинг оиласига ҳурмат кўрсатишди. Марҳум жангчининг қабрига мармардан ёдгорлик қўйилди. Кўп ўтмай «Қизил юлдуз» ордени билан тақдирлашди, маҳаллий ҳокимият мактабга унинг номини берди.

Қаҳрамоннинг отаси раҳбарларнинг эътиборидан четда қолмади. Қишлоқ хўжалиги олийгоҳини амалтақал битириб олган Баҳодирхонни туман партия кўмитасига чақиришди.

– Сиздек қаҳрамон ўғилни тарбиялаган инсонни партия ҳамиша қадрлайди. Сиз кўплаб оталарга ибрат бўлдингиз. Барча сизга ҳавас қилмоқда. Энди қишлоқда таниқли одамга айландингиз. Халқ гапларингизга қулоқ тутади. Биз партия активлари маслаҳатлашиб, сизни колхоз раиси лавозимига лойиқ топдик.

Котибнинг сўзларидан Баҳодирхон боши осмонга етгудек қувонди. Йигирма йилча оддий ҳисобчи бўлиб ишлаган, шу пайтгача келган-кетган меҳмонларнинг қўлига сув қуйиб, чой ташиб хизмат қилган Баҳодирхон бундай таклифни асло кутмаганди. Раис ҳам, бош ҳисобчи ҳам унинг ишларидан камчилик топиб, йиғилишларда дашном эшитар, ишдан ҳайдаб юбормасликлари учун тилини тишлаб ишларди.

Хўжалик раҳбари лавозимига тайинланиши Баҳодирхон учун кутилмаган бахт эди. Котибнинг қўлидан чой ичиб, у билан юзма-юз суҳбатлашиб ўтирганига ишонгиси келмасди.

Котиб Қодир ҳақида кўп илиқ гапларни айтди. Бироқ отанинг қулоқларига котибнинг сўзлари кирмасди. Ўзини аллақачон хўжалик раҳбарининг бир ойдан бери бўшаб қолган курсида ўтиргандек ҳис этарди. Қўз олдидан арзимаган камчиликларини топиб, жер-

киб ташлайдиган бош ҳисобчи, иш буюравериб, жонига теккан шериклари ўтар, улардан ўч олиш йўлларини ўйларди.

– Жонажон партиямиз мени шу лавозимга лойиқ тошган экан, албатта унинг тошшириғини бажонидил бажараман, – деди янги раис. – Ахир биз партияннинг аскарларимиз. Аскар қаерга ва қайси вазифага лойиқ топилса, лаббай деб бажариши шарт, – деди.

– Партиямиз ўзининг ишонган ва содиқ аскарларини қаерга ишга қўйишни яхши билади, – уни қувватлади котиб, – Сиз албатта ўзингизга тошширилган вазифани уддалайсиз деган умиддамиз.

Баҳодирхоннинг хўжалик бошқаруви раиси лавозимига тайинлангани ўша кунидек туманга овоза бўлди. Табиатан мақтов ва улфатчиликни хуш кўрадиган янги раис мансаб курсисига ўтиргани ҳақида таниш-билишларини сим қоқиб хабардор қилди. Ўша пайтнинг ўзидаёқ улар раиснинг хонадонига ёпирилиб келишди. Яқинда майит чиққан ҳовли тўй кунидагидек ўйин-кулгига тўлди.

Инсоннинг обрўйи, ҳурмати у эгаллаб турган мансабга боғлиқ эканлигига ҳамиша ишониб келган Баҳодирхон ўзининг фалсафаси нақадар тўғрилигига бу гал ҳам иқрор бўлди. Фалакнинг гардиши гир айланиб, кечагина унга иш буюрган одамлар эшиги олдида қўл қовуштириб, хизмат буюришини кутиб ўтиришарди.

Аламзада онанинг кўнглига қил сиғмасди. Ичи зимистон онанинг юраги айрилиқ дардида ковуриларди. Эрининг янги мансабга кўтарилганига мутлақо аҳамият бермади. Фарзандининг дарду алами билан яшарди. Назарида, боласи ўлмагандек, эрта-индин остонасидан кириб келадигандек туюлаверарди. Кечалари Худодан ўғлининг дийдорини ҳеч бўлмаса тушида кўрсатишини илтижо қилиб сўрарди.

Ўшанда ўғлининг тобутини очишларини, унинг дийдорини охириги маротаба кўриб қолишни қаттиқ туриб

талаб қилмаганидан энди афсусланарди. Ахир бунга ҳақи бор эди-ку, нега топшириқ шундай деса, осонгина кўна қолди? Боласини бир бор кучоқлаб, бағрига босганида бу қадар алам қилмасди. Юрагини бу қадар айрилик оташи куйдирмасди. Майли эди жигаргўшасининг қўл оёқлари бўлмаса ҳам, майли эди унинг кўзларини ўйиб олишган бўлса ҳам, майли эди жисми танк филдираклари остида мажақланиб кетган бўлса ҳам, бунга чидарди. Бугунгидек изтиробларда юраги қовурилиб, тақдир бошига солган қаро кунлардан озор чекмасди. Бир бор фарзандининг чириб, кўланса ис анқиб турган, аммо ўзи учун дунёдаги барча ҳидлардан тотли, ёқимли бўлган исини искаб, жасади устида фарёд чекиб, ўпкаси тўлгунча йиғлаб, кўнглини бўшатиб оларди-ку. Она уйда танҳо қолган пайтларида шу ҳақда ўйларди ва ўша пайтдаги йўл қўйган хатоларига чидамай, сочларини юлгудек оқ урар, бахтиқаролигидан нолиб, юзларини тирноқлари билан юмдалаб ташлагудек афғон чекарди. «Бу қандай кўргулик, Худойим? Айтчи, бошига мусибат балоси келган онага фарзандининг дийдорини кўрсатишга нечук рухсат беришмади? Ахир уларни ҳам она тукқан, она тарбиялаган, она катта қилган-ку. Нега бундай қилишди? Қайси айбим, қайси гуноҳим учун берилган жазо бу?».

Она бу ҳақда қанчалик ўйламасин, ўйининг туби кўринмасди. У мисоли қуёш нури етиб бормайдиган тубсиз жарга шўнғиб бораётгандек эди. Ўғлининг жасадини кўзи билан кўрганда балки унинг бағри устида оташлар ёнмасиди? Тақдирга тан бериб, кета олармиди?

Онанинг ўйлари чек-чегарасиз эди. Аламига чидамай кабристонга чиқар, боласининг ҳали совуб улгурмаган кабрига сийнасини босиб, узоқ вақт юм-юм йиғлар, қош қорайганда бир аҳволда уйига кириб келарди. Бошқалар тақдирга тан бериб кетиши мумкин бўлган ҳолга Каромат опа асло кўна олмасди.

Бир ойдаёқ озиб-тўзиб, эти устихонига ёпишиб қолган, ўтган кунлар дардига малҳам босмаган Каромат ўғлини баттар соғинар, расмини рўпарасига қўйиб, унсиз бўзлаётган пайтларда Баҳодирхон барча ғам-ташвишларни эсдан чиқарганди. Мансаб курсисида боласини ўйлашга вақт қаерда эди дейсиз. Зиёфатлар, тадбирлар, турли маросимлар шу даражада кўпайиб кетганидан ҳатто ҳайит кунлари ҳам қабристонга чиқишга фурсат тополмасди. Аёлининг «Болангизнинг қабрига чиқиб қўйинг» деган сўзлари унга оғир ботар, юракларга ғам соясини ташлайдиган бундай нохуш сўзларни эшитишни асло истамасди.

– Бас, энди ҳадеб сиқилаверишнинг фойдаси йўқ, бунақада касал бўлиб қолсан, – дерди раис бува насихатомуз хотинини юпатиш мақсадида. – Худога шукр қил, фарзандимиз жангда қаҳрамонлик кўрсатиб ўлди. Давлатимиз унинг жасоратини орден билан тақдирлади. Кимсан «Қизил юлдуз» ордени билан мукофотланган қаҳрамоннинг онасисан. Агар ўғлинг жасорат кўрсатмаганида, мен раис бўлармидим? Сен шундай қошона уйларда ўтирармидинг?

– Болам ўлмаган, у тирик. Қачондир «Онажон мен келдим» деб бағримизни тўлдирадигандек. Кечалари тушумда аён бўлаяпти, ҳа, менинг болам тирик, у ўлмаган, ўлмайди ҳам, – дея баттар кўз ёш тўқарди Каромат.

– Бундай гапларни тилингга ола кўрма. Мендек раиснинг хотини қаердаги ирим-сиримларга, тушларга ишониши партиямизга нисбатан ҳурматсизлик. Ўғлинг тирик бўлса, биз хонавайрон бўламиз. Мансабдан олишади мени!

* * *

Бой берилган бойликларни ҳисобга олмаганда раис хотиржам эди. Қандай қилиб бўлмасин ўша бойлик-

ларнинг ўрнини қоплашни ўйларди. «Уйимга келган кимса-ашаддий учига чиққан фирибгар, бойлигимни олиш мақсадида ўғлимнинг суратини қалбакилаштирган. Болам тирик бўлганда, Эргашнинг орқасини ялаб юрганда, аллақачон ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари пайқаган бўларди. Демак, боламнинг жангда қаҳрамонлик кўрсатиб, командирининг ҳаётини сақлаб қолиб жон бергани рост. Давлат бундай аскарнинг жасоратини унутмайди. Унинг соясида мен ҳали баландроқ мансабларга кўтарилишим мумкин».

Орадан кўп ўтмай, Шўро давлати парчаланиб кетди. Бундан Баҳодирхон қаттиқ афсусланди. Шундай бўлса-да, уни қишлоқда барча қаҳрамоннинг отаси деб ҳурмат қиларди. Байрамларда боласининг ҳайкали остига гуллар қўйиларди. Орада колхозлар тугатилиб, ерлар фермер хўжаликларига тақсимлаб берилди. Хўжалик ҳисобидаги мулклар колхозчиларнинг иш ҳақлари ҳисобига ётқизилди. Баҳодирхон «Бунёдкор» фермер хўжалиги уюшмаси раиси лавозимига тайинланди. Катагина бойлигидан айрилган раиснинг қайтадан бойиш имконияти туғилганди. Хўжалиқда трактор ва техникалар анчагина эди. Раис уларни қўшни тумандан келган харидорларга енг ичида пуллади. Шу йўл билан йўқотган бойлигининг маълум қисмини йиғиб олди. Бу талаб кетилган илгариги бойликларнинг олдида урвоқ бўлма-са-да, раис учун юпанч эди.

САМАНГАН

Бошлиғим билан бўладиган учрашув бир ҳафта кейинга қолдирилди. Бунга об-ҳавонинг ўзгариб, узлуксиз ёғаётган ёмғир сабаб деб ўйлагандим. Кунлар совуқ бўлса-да, у келди.

– Кенгаш ўзининг ишончли одамларини йўқотганидан кейин, Башир билан Амирий танг аҳволга тушиб

қолди. Россия орқали Европа давлатларига «дори» олиб ўтиладиган йўллар ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳодимларига аён бўлди. Энди улар «дори»ларини четга олиб чиқишлари учун янги йўлак очишга тўғри келади, – деди Махмудов.

– Лагердаги аҳвол кун сайин таранглашиб бормоқда. Тез кунлар ичида ёрдам келмаса, жангарилар ҳар томонга сочилиб кетади.

– Гап-сўзларга қараганда, Усама ўз одамларидан бир қисмини Хаттобнинг ҳузурига жўнатмоқчи. Бироқ русларнинг ҳалқасини ёриб ўтиш йўлини топишолмаяпти. Усама Кавказдаги одамларига йўлак очиш вазифасини топширган.

– Бу масала Мулла Умарнинг ҳам бошини қотирган. Дўстумнинг зарбасига учраб, кўп одамларини йўқотди. Бир қатор қишлоқ ва вилоятларни ташлаб чиқиб кетишга мажбур бўлмоқда. Усама «Мен ўтти нигоҳимни Америкага қаратдим» деб жар солмоқда.

– Агар Усаманинг одамлари жангариларни чегарадан ўтказиш мақсадида изғиб юришган бўлса, яқин орада Хаттобга иккинчи мактубни жўнатади. Балки яна сени танлашар? Агар жилд қўлингга тушса, ўша захотийёқ бизни хабардор қил.

– Тушунарли! – дедим.

– Бизга келиб тушган маълумотларга қараганда, яқинда Башир мулла билан алоқага чиқиб, уни Қундузга чақириб олган. У ўрнига Махдий лақабли ёрдамчисини қолдириб, Қундузга қайтган.

– Уни бежиз чақириб олишмаган. Эшитишимга қараганда ҳозир Қундузда бешта лагер бор. Башир Туркияда Эргашга лагерларни бирлаштириш лозимлигини, раҳбарликни унга топширмоқчи бўлганини айтганди.

– Бунинг сира иложи йўқ. Бешта лагернинг тўртта-сида Африка давлатларидан келган ашаддий жиноят-

чилар тайёргарликдан ўтишмоқда. Улар Эргашга бўйин эгишмайди. Таъминот Усаманинг чўнтагидан.

– Муллани қандай мақсадда чақириб олишган?

– Жангарилар орасида мулланинг хурмати баланд, буни Башир яхши билади.

– Нега Махдийни Қирғизистонда қолдирди?

– Махдий давлатимиз чегарасини бузиб ўтиши керак. Отишма чоғида асирга тушса, Башир ҳеч нарса йўқотмайди. Маълумотларга қараганда, кенгаш раиси Туркияга келиб Чегечининг қизини ўлдирган ва уйдан ҳужжатларни олиб, қаёққадир ғойиб бўлган. Тахминларимизга кўра, у Башир билан учрашиш мақсадида Кобулга ташриф буюрган бўлиши мумкин.

– Мулла Умарнинг одамлари Қирғизистон ҳукумати раҳбарларидан иккитасини ушлаб, Хиротга келтирган, кейин қўйиб юборишибди, – дедим янги хабарлардан бошлиғимни хабардор қилиш мақсадида.

– Бу қачонги маълумот?

– Икки кун бурун ишончли одамлардан эшитдим.

– Уларни бежиз қўйиб юбормаган. Шу пайтгача толибонлар бирорта хорижлик тутқунни қўйиб юбормаган. Катта маблағ талаб қилган ёки ўлдирган. Бу ерда қандайдир ўйин бор. Ҳозир Қирғизистоннинг жанубида вазият мураккаблашиб бормоқда. Қандайдир қора кучлар миллатлар ўртасида қонли низо чиқариш ҳаракатида.

Махмудов кейинги кунларда нима ишлар қилишим кераклиги тўғрисида кўрсатма берди. Ёнидан икки дона сурат олиб:

– Бу одамларни яхшилаб эслаб қол. Улар шу атрофда бўлиши мумкин. Балки Бурҳоннинг одамлари орасидан топилиб қолар, – деди.

Суратларни кўздан кечирдим. Улардан бирини танидим. Бу Бурҳоннинг тўдасидан ўтган Акмал эди. Биз икки-уч бор кўришганмиз. Дардини ҳам айтганди. Ҳо-

зир бу ҳақда Маҳмудовга айтиб ўтиришни лозим топмадим.

– Булар республика прокуратурасининг айбловига кўра узоқ муддатга қамоқ жазосига ҳукм қилинган, – деди бошлигим. – Қандай йўл билан бўлса-да, уларни топишимиз ва юртга қайтаришимиз шарт!

– Ватан топшириғи албатта бажарилади! – дедим ишонч билан.

– Қодир ҳақида янгилик борми?

– Суриштирдим, афсуски, сиз айтган Бол Зиё Бадабердан қайтмаган. Айрим маълумотларга қараганда, у вафот этган.

– Фафур ҳақида бирор янгилик борми?

– Ҳозирча ҳеч гап йўқ!

– Уни ҳар қандай йўл билан бўлса-да, топишимиз керак. Қодирнинг тақдири фақат унга аён.

– Назаримда, у Афғонистондан чиқиб кетган.

– Россиядаги ҳамкасбларимиз изига тушишган.

– Махдийнинг одамлари орасидан чиқиб қолиши ҳам мумкин.

– Эслатиб яхши қилдинг. Қайтиб боргач, албатта унинг одамлари билан шуғулланаман.

Биз хайрлашдик. Лагерга келиб, Акмалнинг изига тушдим. У ҳамон дум каби Эргашнинг ордидан эргашиб юрарди...

«Қандай қилиб у тўдага кириб қолди? Бу юртга ўтишига кимлар ёрдам берди?»

Бу савол ўқувчиларимизда қизиқиш уйғотиши табиий. Унинг лагердаги ҳаёти тўғрисидаги ҳикоямизни кейинги бобларимизга қолдириб, шу икки саволга жавоб бериб ўтсак...

Приморий ўлкаси ички ишлар бошқармаси томонидан жўнатилган хабарномага кўра, барча вилоят ва шаҳарларда қидирув ишлари бошлаб юборилганди. Кейинги икки йил ичида республика ҳудудига кириб

келган чет эл фуқароларининг қайси шаҳарларда ва кимникада бўлганлиги ўрганилди. Суриштирув ишлари олиб борилаётган кунларнинг бирида шаҳар ички ишлар бўлимига трактор таъмирлаш паркидаги ишчилардан бири қўлбола тўппонча тайёрлаганлиги ва бу қурол ҳозирда Акмал исмли шахснинг уйида сақланаётганлиги тўғрисида хабар келиб тушди.

Автобуснинг ёқиб юборилиши ва унинг ичидаги беш нафар аскарнинг фожиали ўлимида Акмалнинг одамларининг қўли борлигидан милиция хабар топганди. Бироқ далилий ашёлар ҳамда гувоҳларнинг кўрсатмалари етарли бўлмаганлиги сабабли, милиция уни қўлга олишга шошилмаётганди. Қурол сабабли жиноят қидирув бўлимининг ходимлари ҳамда прокуратура терговчиси унинг уйига кириб боришди.

– Келиб-келиб мендан шубҳаланяпсизларми? Наҳотки беш вақт намозини қанда қилмайдиган, муқаддас жойларни зиёрат қилиб келган одам уйида қурол сақласа? Ё Худойим, қуруқ тухматлардан ўзинг асрагин, – деди Акмал асабийлашиб. – Ахир мен маҳалланинг имомиман! Устимдаги мана бу муқаддас кийимларнинг ҳурмати йўқми? Ким айтган бўлса ҳам бекорларнинг бештасини айтибди. Чақимчи, ифвогарларнинг гапига учманглар! Одамлар мени кўролмайди!

– Топшириқ шундай, амаки, уйингизни кўздан кечиришимиз керак, – деди изқуварлар бошлиғи. – Биз ҳам сиздек обрўли одамнинг уйида қурол сақлашига ишонмаймиз!

– Отангизга раҳмат, мана бу ҳақиқий мард йигитнинг гапи бўлди. Афтидан, китоб кўрган одамнинг фарзандига ўхшайсиз, иним. Борганда бошлиғингизга «Ҳожи бобом маҳалланинг каттаси экан, улардан гумонсирашимиз уят» деб айтинг, хўпми!

– Амаки, бир ўзим бўлганимда, гапингизни икки қилмай қайтиб кетардим, бироқ ёнимда шерикларим

бор. Шунчаки расмиятчилик учун уй ичини кўздан кечириб қўйсак. Хизматчиликда!

– Шунчаки кўздан кечириш бўлса, нима ҳам дердим, марҳамат, киришлар!

Жиноят қидирув бўлими ходимлари аввал ҳовлини, кейин уйни кўздан кечиришди. Негадир улар тўғри Акмалнинг ётоқхонасига киришди. Уй эгасини хавотир босди. Бетоқатланиб, ўзини қўйгани жой тополмай типирчилади. Изкуварлар диванни суришганида, кўрпа орасидан қўлбола тўппонча ерга тушди. Гиламни кўтаришганда эса юмшатишган тупроқ кўринди. Изкуварлар белкурак билан ерни қазишди. Бу ерда хандак борлиги тупроқнинг юмшоқ кўчишидан билиниб турарди. Изкуварларнинг бутун эътибори қазилаётган чуқурга қаратилганди. Шу сабабли улар Акмалнинг уйдан чиқиб кетганини пайқашмади. Кўчага чиқиб олган Акмал йўловчи машинани тўхтатиб, шоҳбекатга жўнади. У ердан такси ёллаб, Қўқонга йўл олди. Шаҳарга келганида атрофни шом қоронғилиги босганди. Акмал изкуварлар уйидаги ўрадан олти дона қўлбола тўппонча, ўн бешта қилич ва йигирма олти дона ханжар топишганини, ҳозирда унга нисбатан қидирув эълон қилинганини биларди. Қинғир-қийшиқ йўллар билан ярим тунда чегарага етиб келди. Чегарани кесиб ўтишдан аввал тўхтади. Ерга ўтириб ортидаги зулмат босган йўлга хўрсиниб, кўзлари мўлтираб боқди. Кейин эса худди чегарачилар тутиб оладигандек шоша-пиша йўлида давом этди. Эрталаб Хўжандга кириб келди. Бир кеча тунаб, Душанбега жўнади. Бу ердаги танишларига «мелисаларнинг дастидан» қочиб келганини айтди. Улар Қоратегиндаги жангарилар лагерини кўрсатиб қўйишди. Шу ерда Бурҳон билан танишди. Унинг қанотида яшай бошлади. Тақдир бу ерга ҳам сиғдирмади. Бурҳон ўтда куйиб кетгач, тақдир уни Эргаш билан юзлаштирди. Тўдабошининг пинжиги кирди. У Акмални

қози қилиб тайинлади. Лагерда тартиб-интизомни бузганларни, қочмоқчи бўлганларни, юртини соғинганларни «шариат» ҳукми билан жазоларди. Акмалнинг жангарилар тўдасига келиб қўшилишининг қисқача тафсилоти шулардан иборат эди.

* * *

Кунларнинг бирида уни холи жойда учратиб қолдим. Бир пайтлар айтган гапини яна ёдимга солди.

– Бачам, илтимосимиз нима бўлди, эсларидан чиқиб қолмадимми?

– Хушxabар бор, қози почча, – дедим овозимни пасайтириб.

Акмал тулкидай эшилиб, қулоғини оғзимга тақади.

– Хўш, қандай хушxabар экан, бачам? Юрагимни ўйнатмай тезроқ айта қолинг.

– Сиз айтган аёлни топдим.

– О-о-о! Тилларига новвот. Хўш, гаплашдиларми? Ожиза завжаликка рози бўлдиларми?

– Рози бўлдилар...

– Учраштирадиларми?

– Фақат бир шарт билан.

– Бош устига.

– Бунга фақат иккимиздан ўзга одам билиши мумкин эмас.

– Шартлари шу холосми, бачам?

– Шу холос.

– Камина рози. Қачон ожизамнинг дийдорини кўрсатадилар?

– Ўзим айтаман.

– Дилимга ғулғула ташлаб қўйдингиз-ку, бачам. Шу ондан эътиборан қози поччангиздан халоват қочди.

– Сабр қилинг, сабрнинг таги олтин деганлар. Кампирни кўрсангиз, мени бир умр дуо қилиб ўтасиз.

– Ҳай-ҳай, кампир дедиларми?

– У қадар кекса эмас...

– Ёшларини айтинг?

– Ўттизларда!

– Бале! Ҳай майли, бўлади, менбоп эканлар, бачам...

Қози почча қўлларини дуога қўтарди:

– Омин, илоҳо, не ният қилган бўлсангиз муродингизга етинг, бачам!

Маҳмудов билан боғланиб, Акмални топганим, одамларини жўнатадиган куни уни булоқ бўйига бошлаб боришимни маълум қилдим. Акмал ипсиз боғланиб қолганди менга. Бироқ унинг яқинлашиши хатарли эди. Кузатувчиларда шубҳа уйғотиб қўйишдан чўчирдим.

– Ҳар куни ёнимга келаверманг, қози почча, атрофдагилар шубҳланиб қолишлари мумкин. Учрашув кунини ўзим маълум қиламан.

– Хўп бўлади, бачам, аммо зориқтирманг, бўладиган ишнинг бўлгани дуруст. Илдамлатинг!

Маҳмудовнинг одамлари келадиган куни Акмални холи жойда учратиб, қулоғига пичирладим.

– Қози почча, янгамиз билан гаплашдим. Қўришмоқчи бўлганингизни айтдим.

– Қўндиларми?

– Зўрға кўндирдим.

– Илоҳим, юзга киринг, бу яхшилигингизни ўла-ўлгунимча унутмайман, бачам! Қачон оразларини кўриш бахтига мушарраф бўламан?

– Эрталаб ҳов анави қирнинг ортига ўтиб туринг. У ёғига ўзим бошлаб кетаман!

– Маъкул, бачам. Мен рози, айтган жойингизда ҳозир бўламан!

– Бировга оғиз очманг.

– Хотиржам бўлинг, тилимиз сиз ўйлагандек текинга айланавермайди.

Эртаси куни айтилган пайтда ўзига оро берган Акмал ҳеч кимга сездирмай лагердан чиқиб, мен тайинлаган жойда яшириниб турарди. Мени кўриб, беркинган жойидан чиқиб келди.

– Куёвларга ўхшаб кетибсиз-ку, кози почча!

– Энди бачам, аёлларнинг кўнгли нозик бўлади. У ёқ-бу ёғингизга қараб олмасангиз кўнгли қолади-да!

Акмал қишлоққа кетаётганини ҳеч кимга айтмаганига ишондим. Ҳатто соқчилар ҳам кўрмаганди. Биз булоқ томон йўл олдик. Қишлоқдан чиқиб кетаётганимизда кози шубҳалангандек бўлди.

– Бачам, мени қаёққа олиб кетяпсиз, қишлоқ орқада колди-ку?.

– Янгамиз сиз билан қишлоқда, бутун элнинг кўз ўнгида учрашмайдилар-ку, кози почча. Сизни булоқ бўйида қутмоқдалар!

– Шундайми? Ундай бўлса қадамингизни илдамлатинг!

Булоққа етиб келдик. Қозининг кўзлари аланг-жаланг, теварак-атрофга боқар, учрашмоқчи бўлган аёлни изларди. Бир оз ўтиб, тошлар ортида турган Маҳмудовнинг одамлари чиқиб келишди. Акмалнинг кўнглига фулғула тушди.

– Анавилар ким?

– Ўзимизникилар!

– Нотаниш одамлар, мен уларни лагерда ҳеч қачон кўрмаганман!

– Хавотир олманг, кози почча, булар ҳақиқатан ҳам ўзимизникилар!

Маҳмудовнинг одамлари яқин келишди.

– Шунча пайт қонундан яшириниб юргангиз етар, – деди улардан бири. – Энди юртга қайтамиз. Қилган гуноҳ ва айбларингизни ўз тилингиз билан халқимизга сўзлаб берасиз!

Акмал қўлга тушганини сизди, қаршилиқ кўрсатиш фойдасизлигини тушунди...

Лагерга қайтганимда соқчилар Баширнинг одами мени сўраётганини айтишди. Бундай ҳолларга кўни-киб, кўрқувдан ҳам, ўлимдан ҳам, қийноғу азоблардан ҳам чўчимай қолгандим. Қилаётган ишларим, айниқса, ашаддий ватанфурушлардан қасос олаётганим, уларни тутиб, ватанга қайтараётганимдан фахрланиб яшардим.

Эргашнинг хонасига кирдим. Унинг олдида ўтирган дарозгина одами кўрдим. Бу Баширнинг одами эканлигини афтидан билдим.

– Сени Кобулга олиб кетиш учун келишибди. Тезда ишингни йигитлардан бирортасига топшир, – деди тўдабоши.

– Менга Кобулда нима бор. Шу ерда тинчгина юрибман-ку!– дедим норози бўлган одамдек ковоқ-тумшуғимни осилтириб.

– Башир жанобларининг буйруғи, гап қайтармай, тезда ишингни топшир!

Мен аравани ўзимга қарашли бўлган йигитлардан бирига топширдим. Эрталаб тонг ёришмай Баширнинг одами билан йўлга чиқдик. Шом қоронғиси тушганда Ҳиротга етиб бордик. Мени Баширнинг олдига олиб киришди. У қўлимга пакет тутқазди.

– Буни ўзинг таниган одамга топшир! У сени аввалги жойда кутмоқда! – деди дилтанг оҳангда. – Пакетни топширишинг билан тезда лагерга қайт. Эргашнинг ишларидан хабардор бўл!

Пакетни олиб, ортимга қайтдим. Учрашадиган жойга бориш учун икки кун йўл босишим керак эди. Кечки пайт Маҳмудовга хабар жўнатдим.

– Баширдан пакет олдим. Уни аввалги одамнинг қўлига топширишим керак экан.

– Учрашув жойини айт.

– Аввалги жойда.

– Яхши, пакетни топширавер!

У бошқа гап айтмади. Нега бундай қилганини тушунмадим. Мен не машаққат ва азоблар билан олиб бораётган пакет нахотки унга аҳамиятсиз бўлса деб ачиқландим. Руҳим тушиб кетди. Айтилган жойда мен бир пайтлар учрашган, ўзимга ўхшаган қора одам кутиб турарди. У қўлимдан жилдни олди ва бир сўз айтмай, ўзини тоғлар ичига урди. Мен эса лагерга шошилдим.

ЮРИШ

Илонғордаги қуроолларнинг йўқолганидан хабар топган Амирий шу қадар қаттиқ ғазабландики, буни қалам билан тасвирлаб беролмаймиз. Бизга шуниси маълумки, агар ўша пайтда Эргаш қаршисида бўлганда, бўридай ғажиб ташлаган бўларди. У Башир билан боғланиб, муллани зудлик билан Қундузга қайтаришни ҳамда ёрдамчиси Махдийни жангариларни олиб, илгари ишлаб чиқилган тизимга биноан Қамчиқ довони орқали Ўзбекистонга кириб боришга топшириқ берди.

Олтмишга яқин жангарилар билан ҳеч нарсага эришиб бўлмаслигини, улар чегарани кесиб ўтса, омон қолмаслигини Башир яхши тушунса-да, эътироз билдиришга ўзида куч тополмади.

– Ҳазратим, биз олтмиш киши билан ҳеч нарсага эришолмаймиз. Уларни жангга эмас, қурбонликка жўнатмоқдамиз, – эътироз билдирди Башир. – Назаримда, бу ишни жиддий ўйлаб кўрмоғимиз керак!

– Башир жаноблари, Илонғордаги қурооллардан айрилиш менга нақадар оғир мусибат келтирганини тушунарсиз деган умидда эдим. Ахир бу хабар дунёга овоза бўлди. Фанимларим қўллари қолиб, оёқлари билан чапак чалишмоқда. «Амирий одамларидан айрилгани етмагандек, катта миқдорда харид қилган қуроолларидан ҳам жудо бўлди, унга ҳамдардлик билдириш керак»

деб мазах қилишмоқда. Бунга сиз чидашингиз мумкин, бироқ мен тоқат қилолмайман. Юрагим ўрмонга ўт кетгандек гуриллаб ёнмоқда. Уни ўчиришга уммоннинг суви етмайди.

– Сизни тушунаман, ҳазратим, бироқ...

– Мени тушунсангиз, топширигимни тезда муллага етказинг. Минглаб чақирим олисда бўлсам-да, чегарада узилган ўқ овозини эшитиб, юрагимни ёндираётган олов босилади. Шунда ўзимни эркин ҳис этаман. Шунда душманларим устидан, ҳа, мени масҳара қилиб, қулаётган душманларим устидан тантана қилган бўламан!

– Ҳазратим...

– Агар мени юпатиш мақсадида ниманидир айтишга чоғланаётган бўлсангиз, яхшиси бунга уринманг. Сиздан «хўп, бажарилади» деган сўзни эшитишни истайман, азизим.

Башир тилини тишлаб қолди. Одамларидан бирини мулланинг ҳузурига юборди. Орқага қайтишдан мамнун бўлган мулла жангчиларини Махдийнинг ихтиёрига топшириб, Қундузга жўнади.

Жангарилар Чимён дам олиш зонасидаги Чорбоб қишлоғига жойлашиб олганларидан кейин Махдий бошлиқларига хабар юбориши, бошлиқлар эса зудлик билан қўшимча куч жўнатишлари лозим эди. Кейинги топшириқ ким томонидан берилиши эса очиқ қолганди. Жангарилар 20 июль куни эрталаб соат беш яримлар чамасида бир неча ой яшириниб ётган ғорларини тарк этишди. Уларнинг афтига қараб бўлмасди. Барчалари худди оғир хасталикдан тургандек беҳол ва мадорсиз эди. Озиб-тўзиб кетишганди. Кийимлари йиртилиб, моғор босганди. Ташқарида майдалаб ёмғир ёғар, изғирин шамол эсарди. Жангарилар аввалдан хавфсиз деб топилган йўлдан боришлари лозим эди. Сўқмоқ хатарли бўлиб, чегарачилар уларни пайқаб қолишлари ҳеч гап эмасди. Бироқ жангарилар чегарачиларга сездир-

май шарпасиз холи зонага чиқиб олишди. Шундай бўлса-да, уларни олдинда хатарли тоғ йўллари кутарди. Ўша йили апрель ойи охиригача тоғларни қалин қор босганди. Кунларнинг бирдан илиб кетиши натижасида чўккиларга қор кўчкилари тушганди. Тубсиз ўр-жарларнинг оғзи беркилиб қолди. Одам бели баробар қор кечиби юришга тўғри келарди. Ўйламай қўйилган қадам учун табиат ҳеч кимни кечириб ва аяб ўтирмасди. Тубсиз жарлар домига тортиб кетиши ҳеч гап эмасди. Жангарилар буни яхши тушунишар ва эҳтиёткорлик билан қадам ташлашарди. Чуқурларга тушиб кетган одамларни арқон ташлаб, қутқаришга имкон ҳам, вақт ҳам йўқ эди. Уларнинг ох-зорларини мангу музликлар эшитарди, холос.

Жангарилар йўлда ўзларининг аввалдан ишлаб чиқилган темир қонунларига риоя қилишди. Дала командири чегарачилар ўқиға учса ёки фалокат рўй бериб чуқурга тушиб кетса, ўрнини эгаллайдиган ёрдамчи командирнинг кимлиги олдиндан маълум эди. Абдурашид ва Саид исмли жангарилар Махдийнинг ишончли ўринбосарлари эди.

Бир неча кун тинимсиз йўл юришди. Шом қоронғисида ўзларига таниш бўлган дам олиш зонасига етиб келишди. Бу ерда уларни Махдийнинг эски таниши, Гитлер номи билан танилган ашаддий жинойтчи – Равшан исмли кимса кутиб олди. Чарчаб келган жангариларни яхши дам олиб, куч тўплашлари учун барча шароитларни яратиб қўйилганди. Қунига биттадан қўй сўйди, қозонларда шўрва ва ош дамланди. Жароҳат олганларга, совуқ урганларга тиббий ёрдам кўрсатилди. Кийим-кечаклар билан таъминланди.

Бир ҳафта ўтиб, куч тўплаб олган жангарилар яна йўлга чиқишди. Энди қаршиларидаги кўкка бўй чўзиб турган Туро довонидан ошиб ўтишлари лозим эди. Йўл хавфли эди. Тепаликларга жойлашиб олган Қирғизистон ҳамда Тожикистон чегарачиларининг нигоҳлари-

га тушиб қолмаслик мақсадида фақат тунда юришди. Кундуз кунлари ғорларда, тошлар панасида нафасларини ютиб ётишди. Овқат захирасининг таги кўришиб қолганди. Айрим жангарилар очлик азобидан қийнала бошлади. Маҳдий айбни ошпазга юклади ва кўпчилик олдида уни қаттиқ ҳақорат қилиб, дўппослашдан ўзини тия олмади. Ошпаз ҳақоратларга ҳам, калтакларга ҳам чидади. «Шошмай тур, сен билан ўзим ҳисоб-китоб қиламан, унда тавбаларинг сариқ чақага арзимаё қолади, айбингни қонинг билан ҳам юволмаёсан» деб бармоқларини мушт қилиб тугиб қўйди.

Маҳдий Умматали исмли жангарини озиқ-овқат харид қилиб келиш учун Шайдон қишлоғига жўнатишга мажбур бўлди. У қишлоққа тушда кириб келди. Бегона одам ерликларда шубҳа уйғотди. Уни тутиб қишлоқ участка инспекторига топширишди. Нозир Умматалини туман марказига олиб кетди. Бу ерда бир ой давомида сўроқ қилинди. Бироқ Умматали йўлдан адашиб қолганлигини айтиб, тоғда қолиб кетган шерикларини фош қилмади. Шундан кейин уни Ўзбекистон ҳуқуқ-тартибот идораларига топширишди. Суриштирув жараёнида Умматали 1999 йилда Боткентда қўлга олингани, ёнидан АК-74 автомати, кўплаб миқдорда ўқ-дорилар чиққанлиги, дала командири мулла Абдуллонинг жангчилари сафида Боткенга бостириб киргани ойдинлашди. Ўшанда Қирғизистон ҳуқумати жангарилар етакчиси Эргаш билан сулҳ тузиб, жангарилар қўлида сақланаётган Япония фуқаросини Умматалига алмаштирганди.

Маҳдий одамнинг қўлга тушганидан хабар топган бўлса-да, уни қутқаришга ҳаракат қилмади. Жангариларни эргаштириб, йўлда давом этди. 5 август куни кеч соат етти яримларда 1000 чақирим масофани яёв босиб ўтган жангарилар Қамчиқ довонига етиб келишди. Бу белгиланган вақтдан ва кундан анча кеч эди. Маҳдий радиоолоқа ёрдамида бошлиқлари билан боғланиб,

манзилга келганини маълум қилди. Бошлиқлар унга қўшимча куч жўнатиш, унгача яширинча Чимёнга кириб бориб, ўзларига аввалдан таниш бўлган кимсалар билан бирлашиш вазифасини топширди.

КОБУЛ

Лагерга келган беш нафар толибонлар Юнус Холисининг ишончли одамлари эканлиги ҳаммага аён бўлди. Улар Эргашни кўпчилик ўртасида сўроқ қилишди.

– Йигитларингиз ичида устара тиғи отиш билан ким шуғулланган?

Тўдабошининг қути учиб, рангидан қон қочган бўлса-да, ўзини йўқотиб қўймади. Бундай одам борлигини билса-да, ўзини фош қилишни истамди. Лагерга яқин жойда бўйнига тиғ санчилган мурдаларнинг топилиши, қурол ортилган машинанинг портлатиб юборилиши уни ваҳимага солиб қўйганди. Агар улар айтган одам йигитлари ичида бўлса, бошига қандай савдолар тушишини яхши биларди.

– Сизлар гумон қилаётган кимсани мен ҳам кўпдан бери изламоқдаман! Афсуски, тополмадим.

Эргашнинг сўзига толиблар ишонишмади.

– Бу гапингизга биз ҳам ишонмаймиз!

– Йигитларимнинг ҳар бири менга беш панжамдай аён. Уларнинг ҳаммаси чиғиримдан ўтган!

– Саволимиз жиддий!

– Менинг жавобим ҳам жиддий!

Толиблар бир-бирлари билан кўз уриштириб олишди.

– Афсуски, синоларингизни (аскарларингизни) билмас экансиз, – деди сўроқ қилаётган қора саллали кимса. – Бизга Бўрон билан ўша куни машинага қурол юклаган йигитни топиб беринг.

– Улардан ўринсиз шубҳаланяпсизлар. Бўрон шу ерлик, менинг ёрдамчим, Башир жанобларига садоқат билан хизмат қилмоқда!

– Қўлимизда ҳар иккисининг одамларимизни ўлдиришда ва машинани портлатишда иштирок этганлигини тасдиқловчи далиллар бор!

Эргашнинг тили айланмай қолди. Ўртада бўлиб ўтган гап-сўзлардан, айниқса, толиблар томонидан менинг номим тилга олингач, атрофдагилар бир-бирлари билан кўз уриштириб олишди. Очиғи, ўзим ҳам уларнинг мендан гумонсирашларини кутмагандим. «Айбдор деб билишларига қандай асос топишдийкин? Кимнинг назари тушган? Юк ортган одамларнинг ҳаммаси ўлиб кетганди-ку?».

Толиблар тўдабошининг қаршилигига қарамай, Мурод иккимизнинг қўлларимизни боғлаб, бир-биримиз билан гаплашмаслигимиз учун тесқари ўтқазиб, идораларига олиб кетишди. Хаёлимдан ҳар турли ўйлар кечарди. Гувоҳ билан юзма-юз қилишса, ўзимни қандай оқлайман? Гуноҳим йўқлигини исботлашга бирор-та сабаб топа оламанми? Сўроқ тегирмонидан чиқиб кетишим ва уларни ишонтирадиган баҳона хаёлимга келмасди. Толиблар шубҳаланган одамларини аяб ўтиришмайди. Жазолари Эргашникидан оғир. Аввал қийнашади, кейин қилич солиб, жисмингни нимта-нимта қилиб жонингни олишади. Мен топадиган баҳона Мурод иккимизни ана шу қилич домидан сақлаб қолиши керак. Машинадан ташлаб қочишнинг иложи йўқ. Қўлим боғланган, икки ёнимда қуролли навқарлар қимирлашимга имкон бермай ўтирибди.

Шаҳарга ярим тунда етиб келдик. Бизни кичкинагина нимқороғи уйчага олиб киришди. Деворга осилган тош фонар хонани ёритиб турарди. Бошларига қора салла ўраган, эгниларига қора кийим кийган олти нафар барзанги бизни кўриб жонланди. Уларнинг афт-ангори, важоҳатлари қўрқинчли эди. Айбимизни бўйнимизга олсак ҳам, тонсак ҳам бу одамларнинг қўлидан омон чиқмаслигимизга ақлим етди. Муроднинг ранги оқариб кетганди.

– Қайси биринг устара тиғи отиш билан шуғуллангансан? – савол ташлади ўтирганлардан бири.

– Бундай ишлар бизнинг қўлимиздан келмайди! – дея жавоб бердим. Мен кўпроқ ўзимга ва зехн-идрокимга умид боғлашим керак. Бунинг учун аввало айтадиган гапларимни пухта ўйлаб олишим лозим эди.

– Ораларингда шундай иш билан шуғулланадиганлар борми?

– Беҳабармиз, тақсир.

– Менга қара, кўзларинг ҳамма нарсадан боҳабарлигини фош қилиб турибди. Яширяпсан! Бу ердан тирик чиқиб кетишни истасанг, одамларимизни ким ўлдирганини, машинани портлатишга ким топшириқ берганини айтасан!

– Билганимни айтдим, тақсир...

– Ёлғон гапирма, ит! – жеркиди иккинчи толиб.

– Бизнинг гумонимиз икковингдан. Бу ишни сенлар қилгансан! Гапир, одамларимизни қайси биринг ўлдирдинг? Сенларга топшириқни ким берди?

– Ўлимдан хабарим бор, аммо бу ишлардан беҳабарман!

– Айтишни истамадинг, ўзингдан кўр!

Ўтирганлардан бири ўрнидан туриб олдимга келди. Ёнидан ханжарини олди.

– Ростини гапир, итвачча, алдасанг кўзларингни ўйиб оламан!

Пўлат ханжар кўз қорачиқларим олдида ялтираб турарди. У жим қолди, ниманидир кутарди. Вужудимдан совуқ тер чиқди. Юрагим кўкрагимни ёриб чиқиб кетадигандек гурсиллаб урарди. Ёнимда турган Мурод хаёлимга келди. «Хамма ишни шу қилган» десам бас, омон қоламан. Гранатомётни қаерга яширганини, жангариларни қаерга кўмганини биламан. Бироқ бировга қилинган хиёнатнинг азоблари бир умрга виждонимни кийнашидан қўрқардим. Борди-ю бу саволни Муродга бе-

ришганда у қандай жавоб қайтарарди? Мени сотармиди? Сотарди! Ватанни сотган одам тирик қолиш учун ҳамма нарсага тайёр. «Устара тиғи отиб, одамларингизни ўлдирган, машинага портлатгич моддани солган мана шу, иста-саларинг бунни исботлаб бераман» деса бас, унинг сўзига ишонишади. Шу ондаёқ қаршимда турган хунхўрнинг ханжари бўйнимга эмас, юрагимга санчилади.

Жангари ҳамон қон иси келаётган ханжарни кўзларимга яқинлаштириб, мендан жавоб кутарди. Сукутга чўмиб хато қилганим, атрофимдагиларнинг шубҳасини кучайтираётганимни бирдан тушуниб етдим. Улардан бири жонимга оро кирди ва бир оғиз сўзи ханжар тутган кимсанинг қўлларини пастга туширишга мажбур қилди.

– Агар бу ишни сен қилмаган бўлсанг, унда ким қилганини биларсан? Сени яхши биламиз, бизга хизмат қиляпсан. Лагердаги ишлардан хабардор бўлишинг керак. Бекорга Башир жаноблари сени Эргашбойга ёрдамчи қилиб тайинламаган. Ўша пайтда машина ёнида турганингни кўрган одамларимиздан бири тирик. Афсуски, ҳозир операция столида ётибди. Ўша айтди бизга. Сенларни сўроқ қилиб ўтирмаймиз. Яхшиликча ўз тилинг билан айбингга иқрор бўл. Ким топшириқ берганини айт!

Унинг саволларидан ҳақиқий айбдорнинг ким эканлигини, ҳатто бизни «кўрган» одам ҳам ўша айбдорни билмаслигини, булар шунчаки шубҳаланиб сўроқ қилишаётганини сезиб қолдим.

– Ўша куни машина олдида турганим рост, аммо уни ким портлатганидан беҳабарман, – деб жавоб қайтардим.

– Ҳа, ит эмган шайтон, шеригингни сотгинг келма-яптими?

Жангари эшик олдида турган соқчига имо қилди. У бош ирғаб, ташқарига чиқиб кетди. Бир оз ўтиб ёшгина чақалоқни кўтариб кирди. Юрагим шув этиб, вужудим-

ни қалтироқ босди. Толибон болани ерга ётқизди. Шунда уни танидим. Бу менинг ўғлим Ёдгор эди.

– Танидингми? – савол ташлади мени сўроқ қилаётган кимса совуқ жилмайиб.

Соқчи боланинг кийимларини ечиб, яланғочлади. Хона бир оз совуқ эди. Ойнаксиз деразадан шамол кериб турарди. Ўғлим уйғониб, йиғлай бошлади. У томон талпиндим. Бироқ кўзим аралаш юзимга тушган муштан ерга йиқилдим. Бир оз ўтиб ўзимга келдим. Бу пайтда бадани қизариб, кейин кўкариб бораётган ўғлим аввалгидан қаттикроқ додларди.

– Агар болангни яхши кўрсанг бизга ҳақиқатни айт!

Қулоқларимга қўлларини мушт қилиб, оёқларини типирчилатиб йиғлаётган жигаримнинг фарёдидан бошқа товуш кирмасди. Уни бағримга олишга талпинардим. Толиблар қўлларимни қайириб, мени ерга тиз чўктиришди. Қимирлашимга имкон беришмади.

– Болангга раҳминг келса, шеринг кимлигини айт! – бояги талабини такрорлади улардан бири. – Хўш, ким эди улар?

Ўғлим чинқириб йиғларди. Совуқ баданига ўтганди. Териси кўкара бошлаганди.

Бир оғиз сўзим фарзандимни ҳаётини сақлаб қолиш учун кифоя. Муродга қараб қўйсам бас, ўғлим бағримда бўлади. Бағримга олиб иситаман... Толибларнинг кўзи менда эди. Тилимдан чиқадиған сўзни кутиб, кўзларини ўқдек тикиб туришарди. Тилимни тишларим орасига олдим. «Худойим, сотқинликдан ўзинг асрагин, ўзинг куч бергин, чидам бергин!». Шунда болам Ватан бўлиб кўринди кўзимга. Толибонлар сардори жавоб ололмагач, эшик олдида турган соқчига ишора қилди. У маъноли бош ирғаб ташқарига чиқиб кетди ва кўп ўтмай жом кўтариб кирди. Ичи тўла чўғ ловуллаб турарди. Иссиқ тафт бир неча қадам нарида бўлсам-да, юзимга урилди. Нима қилмоқчи?! Наҳотки? Ич-ичимдан инграган то-

вуш тишларимнинг орасини ёриб чиқди. Соқчи ўғлимнинг оёғидан ушлаб, калласини пастга қилиб, жомдаги чўғ устига яқинлаштира бошлади. Қайноқ ҳовур шу захотиёқ унга таъсир қилди. Ўғлим чинқириб юборди.

– Нима қиляяпсизлар?!

Болам томон отилдим, бироқ икки соқчи йўлимни тўсиб, қўлларимни қайириб, девор олдига олиб боришди.

– Айтмагунингча болангни боши пастга тушаверади. Охир чўғ устига ташлаб юборамиз! Кўз ўнгингда кабоб бўлади.

– Ундай қила кўрманг, болага раҳмингиз келсин!

– Ҳақиқатни айт!

Иссиқ ҳовур бошига урилган ўғлим боягидан баттар чинқириб йиғларди. Сочлари сарғайиб, калласи кип-қизил жишга айланди. Юзи буғриқиб кетганди. Оғзидан суюқлик томарди. Соқчининг кўзи менда бўлса-да, гўдакни аста пастга туширишда давом этарди. Назаримда ўғлимнинг нафаси ичига тушиб ўлиб қоладигандек эди. Ўтирганлар кўзларини ўқдек қадаб, оғзимга тикилиб, нафасларини ичларига ютган кўйи жавоб кутишарди.

Булардан раҳм-шафқат кутиб бўлмайди. Одам ўлдириш, тириклай ўтда ёқиб юбориш булар учун оддий ҳол. Ўзимни қандай аҳволга тушганимни ҳозир эслай олмайман. Қутурган ҳайвондек бўқириб, қўлларимни қайириб, елкамдан босиб турган соқчиларнинг чангалидан чиқиб, икки қадам нарида биғиллаб йиғлаётган боламнинг бошини қайноқ чўққа тутиб турган соқчининг олдига етиб боришга, унинг қўлидан зурриётимни тортиб олиш учун тинмай талпинардим. Улар болани чўғ устига ташлаб юборишади. Уволига қоламан, виждон азобида яшагандан ўлганим афзал. Яхшиси айбни бўйнимга олиб, ўғлимнинг ҳаётини сақлаб қоламан! Соқчиларни туртиб, ўзимдан нарилатиб, толибонлар бошлиғига юзландим. Бироқ оғзимни очишга улгурмадим.

– Болани қийнаманглар!

Бу Муроднинг овози эди. У мендан аввал тилга кирганди. Унга қарадим. Мурод мен танймайдиган қиёфага кирганди. «Сотиб қўйса-я» деган қўрқинчли фикр хаёлимдан ўтди.

– Одамларингни бўйнига устара тиғи қадаган, қурол ортган машинани портлатган менман! Бу ярамас ўшанда халақит қилмаганида, иккита минани жойлаган бўлардим.

Ўтирганлар бирдан жонланиб, бир-бирларига қараб қўйишди.

– Ким топшириқ берганди сенга? – савол берди толиблардан бири.

– Виждоним!

– Шерикларинг кимлар?

– Ҳеч кимни шерик қилмаганман. Мақсадим манави малайларингни ва ювиндихўр Эргашни ўлдириш эди! Бугун бўлмаса, эртага шерикларим буни ҳам, тўдабошини ҳам ўлдиради!

– Сен кимга қарши курашмоқчисан?

– Сен каби қон сўргувчиларга!

Қўлларимни қайириб турган жангарилар шеригимга қарашди. Ҳамманинг кўзи Муродда эди. Соқчилар мени қўйиб юбориб, Муродга ташланишди. У нима деганини, айтган гапи учун соқчилар қандай жазолашини яхши тушунарди. Қийноқлардан чўчимай, боламнинг хаётини сақлаб қолиш мақсадида бутун айбни гарданига олди. Мен биғиллаб йиғлаётган, чўғдан бадани жиш бўлиб, қизариб кетган боламни соқчининг қўлидан юлиб олдим. Унинг қайноқ танасини бағримга босдим. Муродга қарашни унутган эканман. Болам билан овуниб турганимда, у оёғим остига йиқилди. Қўксига қадалган ханжарга кўзим тушди. Мурод соқчининг қўлидаги ханжарни олиб, ўз юрагига санчганди...

Башир соқчилар ҳамроҳлигида Юнус Холиснинг қароргоҳига келди. Баширнинг келишини у хаёлига келтирмаганди. Туркини кўрганда юраги орқага тортиб кетди.

– Бўрондан шубҳаланганингизнинг сабабини менга тушунтириб берсангиз? – деди ғазабини ичига ютиб. – У икки йилдан бери менинг назоратимда. Шу пайтгача бирорта ножўя ҳаракат қилганини пайқамагандим.

– Каминани маъзур тутинг, Башир жаноблари. Англашилмовчилик бўлди. Бизга гувоҳлик берган жангчининг маълум қилишича, қурол юклаган машинанинг ёнида Бўрон бўлган экан.

– Унинг бўлиши табиий. У қуролларни манзилга беҳатар етиб бориши учун қайғурган.

– Биз ўтказган терговдан кейин фикрингиз асосли эканлигига ишонч ҳосил қилдик.

– Хўш, машинага портловчи мосламани ким қўйган экан?

– Мурод!

– Мурод?

– Шундай!

– Ким у? Бўронга нима алоқаси бор?

– У Эргашнинг одами.

– Айбига иқрор бўлдимиз?

– Ҳа, тан олди.

– Уни кўришим керак!

– Бахтга қарши, ўлди.

– Нега ўлдирдингиз?

– Юрагига ўзи пичок санчди!

– Тушунмадим.

– Кутилмаганда соқчининг ханжарини олиб кўксига урди.

– Бўрон қаерда?

– Боласининг олдида. Энди у бизга ишлашдан бўйин товласа керак.

– Сабаб?

– Одамларим уни керагидан ортиқроқ жазолашди. Келмаганингизда боласига қўшиб гумдон қилардик!

– Уни ўлдирганингизда шаҳар ўртасидан ўзингизга дор ўрнатишингизга тўғри келарди.

– Бўронни бу қадар ҳурмат қилишингизнинг боисини билсам бўладими?

Башир Юнус Холиснинг маккарона кулиб турган кўзларига тикилиб:

– Яхши кўришимнинг сабабини билишни хоҳласангиз, марҳамат, хабардор бўлинг. Усама жаноблари Мулла Умар ҳазратларига муҳим топшириқ берганлар. Мана шу нозик топшириқни сиз жонини олмоқчи бўлган йигит бажариши керак!

Бин Ладеннинг номини эшитган Юнус Холиснинг юраги товонига тушиб, оёқлари қалтираб кетди.

– Уни ва боласини азоблаганингиз ҳазратимнинг қулоғига етиб боргудек бўлса, билмадим сизни қандай «мукофот» лашаркин!

Ранги кўкариб кетган Юнус Холис олов устида турган одамдек типирчилаб қолди.

– Мен ҳозироқ Бўрондан кечирим сўрайман...

– Кечирим сўраш билан иш битмайди... У энди бизнинг топшириқларимизни бажармаслиги мумкин.

Юнус Холис Баширнинг сўзидан коса тагида ним коса борлигини тушунди. Ҳамёнини кавлади. Қўлига ёнғоқдан каттароқ олтин илинди.

– Тақсир, сиз билан эски қадрдонмиз. Бу ишлардан ҳазратимнинг беҳабар бўлганлари дуруст...

Холис олтинни Баширнинг чўнтагига солиб қўйди.

Ўғлимнинг сочлари иссиқдан куйиб, териси кизариб, айрим жойлари шилиниб кетганди. Қип-қизил этдан қон аралаш сарғиш суюқлик томарди. У бағримда бўлса-да, оғриқдан биғиллаб йиғларди. Қўрқувдан катта-катта бўлиб кетган кўзларидан қийналаётганини билиб, юрагим сим-сим оғрирди. Боламни қандай юпатишни билмай нукул баданини силардим. Унинг жонига фақат доктор оро кириши мумкин эди. Зудлик билан касалхонага жўнатиш, жароҳатларига малҳам суртиш ва оғриқ қолдирадиган дориларни бериш керак. Акс ҳолда жароҳат жиддий асоратлар қолдириши мумкин.

Ёдгорни бағримга босиб, ташқарига чиқдим. Эшик олдида Башир билан тўқнашдим. Унинг башарасига тупургим келди. Вазоҳатимни қўриб:

– Юнус Холис сендан кечирим сўради, – деди шоша-пиша.

– Одамларингизни мендан шубҳаланишларини билмаган эканман, оға! – дедим нафрат ила.

– Бу шунчаки англашилмовчилик, – дудуқланди Башир.

– Англашилмовчилик бўлса, гўдакда не гуноҳ?

Башир яқин келиб бағримдаги гўдакка қаради. Бошига мато ташлаб қўйгандим. У матони кўтарди ва боланинг жиш бўлиб қизариб кетган бошига қаради. Юзи бирданига ўзгарди.

– Ортимдан юр! – Башир мени ташқарига бошлади. Изидан эргашдим. Ташқарида машина турарди.

– Ўтир! – деди Башир орқа эшикни очиб. Мени қаёққа олиб боришини тушундим. Ўғлим хали ҳамон биғиллаб йиғларди.

– Касалхонага! – Башир ҳайдовчисига шундай топшириқ берди Башир.

Болам юпанмасди.

Касалхонага келдик. Шифокорлар ўғлимни олиб, ичкарига кириб кетишди. Башир уларнинг ортидан эргашди. Мени қўйишмади. Эшик олдида оёғи куйган товуқдек икки қадам жойни айланавердим.

Ёдгорнинг овози қулоғимга чалиниб турарди. Бир оздан кейин Башир чиқди.

– Ўғлинг тузалгунча шу ерда қоласан! – деди. – Докторлар сенга жой қилиб беришади.

– Аҳволи оғир эмасми? – сўрадим.

– Беш-ўн кун ичида териси аввалги ҳолига қайтади дейишди...

Баширга миннатдорчилик изхор қилдим. У жаҳлдан тушганимни сезди.

– Боланг тузалгач унга энагалар тайинлайман, парвариш қилишади.

– Уни олиб кетаман, – эътироз билдирдим.

– Биламан, ҳозир қўнглингга қил сизмайди. Аммо айтишга мажбурман. Ҳазратим сенга муҳим топшириқ бермоқчилар.

Бугундан бошлаб Баширга ҳам, Мулла Умарга ҳам хизмат қилишдан воз кечмоқчилигимни айтмоқчи эдим, бироқ бу ҳаракатим ўзимга зиён келтиришини ўйлаб, тилимни тишларим орасида маҳкам тутдим.

– Қандай топшириқ экан?

– Бу ҳақда кейин гаплашамиз!

– Рухсат берсангиз, ўғлим тузалгач, уйимга олиб кетаман!

Башир кўзларимга тикилди. У нигоҳларимдан қаттиқ хафа эканлигимни уқиб олганига аминман. Шу сабабли дилимни ранжитишни истамади.

– Ўғлингга ким қарайди?

– Тоғаси!

Башир бир зум жим турди-да, деди:

– Бунни ўйлаб кўрамиз!

У ташқарига чиқиб, машинасига ўтираётди:

– Ҳозир ёрдамчиларим янги кийим олиб келишади,
– деди.

Кийимларимга қон сачраганини, энглари йиртилиб кетганини шунда билдим.

Ўғлимнинг аҳволи кун сайин яхшиланиб борарди. Лекин аввалгидек қувноқ ҳамда ўйинқароқ эмасди. Кўзларига қўрқувнинг шарпаси муҳрланиб қолганди. Бағримдан чиқишни истамасди. Митти қўлчалари билан мени кучоқлаб ухларди. Тушларига юзини соқол босган, қўлларида олов тутган кимсалар кирса керак баъзида алахсирарди, айрим пайтлар чўчиб тушар ва чинқириб йиғларди. Бундан юрагим баттар эзиларди. Гўдакни азоблаган кимсаларга нисбатан нафратим кучаярди.

«Сенлардан қасос олмай, юртимга кетмайман» дердим ўзимга-ўзим.

Бир неча кун ўтиб Башир келди.

– Докторлар билан гаплашдим, – деди у ўғлимга қараб. – Болангнинг аҳволи яхши экан. Бемалол уйга олиб кетишинг мумкин.

– Қачон жавоб беришар экан?

– Бугун.

– Ҳозироқ жўнайман!

– Ташқарида сени машина кутиб турибди. Ўғлингни тоғасига топшириб, тезда Кобулга қайтасан!

– Нега?

– Топшириқ шундай!

– Мен...

Башир боламга маъноли кўз ташлаб қўйди.

– Кенгашда ичган қасамингни унутма!

Ўйланиб қолдим. Таклифни рад этсам, бошимга бундан баттар мусибатларни солишга тайёр. Фарзандимни нақадар яхши кўришимни билади.

– Тўдабошига учрайми?

– Ҳожати йўқ, ўзим у билан гаплашаман!

Ноилож машинага ўтирдим. Қалламда биргина савол айланарди: «Мулла Умар менга қандай топширик бермоқчи?»

Оёғим Афғонистон тупроғида турганлиги боис, Башир томонидан бериладиган ҳар қандай топширикни бирорта баҳонаю сабаб ишлатмасдан бажаришга мажбур эдим. Модомики унинг сўзини рад этиб, лагерга қайтадиган бўлсам, Эргаш мени қандай кутиб олишини яхши билардим. Мулла Умардек одамга қарашли бўлган қурол-аслаҳа ортилган машинани портлатиб юборишда айбланган гумондорни улар қучоқ очиб қарши олмасликлари беш қўлдек аён. Баширнинг топшириғига кўниш мен учун лагерь дарвозасини очиш, аввалгидек ўз обрўим билан яшаш имкониятларини яратарди.

Таклифни қабул қилган бўлишимга қарамай, Башир мени «Қочиб кетади» деган шубҳада ўзининг соқчиларидан бирини кўшиб, Саманганга жўнатди. Йўлда хаёлимдан турли-туман ўйлар ўтди. Ёдгорни эртароқ ватанимга жўнатиб юбормаганимдан афсусландим. Энди имконият бой берилганди. Алоқа воситаларим лагерда – тошлар орасида қолиб кетганди. Икки ҳафтадан буён Маҳмудов билан алоқага чиқмаганим учун қандай хаёлларга бордийкин? Нима қилиб бўлмасин, тириклигимни билдириб қўйишим керак.

Қишлоққа кириб келганимизда, оқшом қоронғилиги тушганди. Валий уйда экан.

– Мен зарур иш билан Кобулга кетяпман. Қачон қайтишимни билмайман. Ўғлимни сенга, сени Худога топширдим, – дедим.

– Хавотир олманг, келгунингизча жиянимни қўз қорачиғимдек асрайман!

Ёдгорнинг боши бинт билан ўраб қўйилганидан Валий ташвишланди.

– Чўғ атрофида ўйнаётиб, йиқилиб тушибди. Ҳар куни мана бу маздан куйган жойига суртаб турасан, – деб халтамдаги малҳамни унинг қўлига тутқаздим.

Ўғлим бағримни тарк этгиси келмай, кўйлагимдан маҳкам чангаллаб олганди. Ортимга қайрилдим, кўча томон чопдим. Машинага ўтираётганимда ҳам боламнинг овози қулоғимга эшитилиб турди.

– Тезроқ ҳайда! – дея ҳайдовчига буюрдим.

У машинасини шамол каби елдириб кетди. Ортимиздан чанг қувди. Ана шу ғубор ортида ўғлим чопқиллаб келаётгандек туюларди.

Эрталаб Баширнинг қароргоҳига етиб келдик. Ичкарига кирдим. Хонада нотаниш одамлар ўтирарди. Мени кўриб ўринларидан туришди.

– Бу киши Усама бин Ладен жанобларининг ёрдамчилари – Носир ал-Баҳрий бўладилар, – Башир ёнида ўтирган ўзи тенги одамга ишора қилди. Кейин қуйи-роқдаги икки йигитга ишора қилди. Улар нари борса мендан икки-уч ёш катта эди. – Булар сенинг ёрдамчиларинг!

Мен бош ирғаб қўйдим. Йигитларнинг гавдасидан, пайларининг таранглигидан ҳамда қоматларини тик тутишларидан уларни узоқ муддат жисмоний тайёргарликдан ўтганини билиш мумкин эди. Башир уларга қарата:

– Энди сизларга рухсат, эрталаб шу ерда кўришамиз! – деди.

Йигитлар ўринларидан туришди. Хонада уч киши қолдик.

– Яқинда Зелимхон жаноблари Бин Ладен ҳазратларидан жуда катта миқдорда маблағ сўради. Ҳазратим унинг талабини қондириб, юз миллион доллар ажратдилар. Жаноблари Мулла Умарга «Чеченистонга маблағни бизнинг ишончли одамимиз олиб борсин, нима мақсадда сарф қилинаётганидан бизни хабардор қилиб

туради» деб тайинлабдилар. Биз узоқ муддат бош қотириб, сенинг номзодингни маъқулладик.

Бош ирғаш билан унинг сўзини маъқуллаган бўлдим.

– Яндарбиев илгари ҳам жанобларидан катта миқдорда қарз олганди. Бироқ одамларимизнинг маълум қилишича, пулларни бошқа ишларга сарф қилиб юборган. Сенинг вазифанг Зелимхон пулларни қандай ишларга сарф қилаётганини аниқлаш эмас, балки унинг ишончига кириш, атрофида бўлаётган ишлардан бизни хабардор қилиб туриш. Зелимхон Мулла Умар жаноблари билан бўлиб ўтган учрашувда рус давлатининг раҳбари Борис Ельцин билан юзма-юз мулоқот ўтказиб, уни Чеченистон давлати худудидан аскарларини олиб чиқиб кетиш ва янги давлатнинг ички ишларига аралашмаслик, унинг мустақиллигини тан олишга рози қилишга ваъда берганди. Афсуски, шу пайтгача ваъдасининг уддасидан чиқмади. Зелимхоннинг Борис Ельцин билан бўладиган учрашуви нима сабабдан кечиктирилмоқда? Нима тўсқинлик қилмоқда бунга? Чеченларнинг Зелимхонга бўлган муносабати қандай? Мана шу нарсаларни аниқлаш – сенинг вазифанг!

– Борган кунингоқ қўл телефони сотиб оласан. Жўнашинг олдидан биз сенга ишончли одамимизнинг телефон рақамларини берамиз. Зелимхон қачон Ельцин билан учрашади? Бу учрашув қаерда бўлади? Кимлар иштирок этади? Қандай масалалар кўрилади? Ҳар якшанба куни бизнинг одамимизни бу янгиликлардан огоҳ қилиб турасан.

– Демак, асосий вазифа пулнинг қандай мақсадга ишлатилаётганини назорат қилиш эмас!

– Мени тўғри тушунибсан. Лекин улар сенинг хатти-ҳаракатларингдан «Пул билан қизмқаяпти» деб ўйлашсин!

– Зелимхон мени яқинига йўлатмаслиги мумкин...

– Йўқ, биз у билан тузган шартномамизда сени ха-миша ёнида олиб юришга ваъда берган! Бундай имко-нийат шу пайтгача бирорта одамимизга насиб қилмаган!

Чеченистондаги вазият бу ердагидан оғир эканлиги-ни билардим. У ерга борадиган бўлсам, Афғонистонга соғ-омон қайтиб келишимга буларнинг бирортаси кафо-лат бера олмайди.

– Бояги йигитлар сенинг ёрдамчиларинг. Уларнинг вазифаси сени чегарадан ўтказиб қўйиш, – Баширнинг сўзи хаёлимни бўлди. – Бироқ биз уларга сенга айтган гапларни айтмадик. Пулни шахсан ўзинг Яндарбиев-нинг қўлига топширасан!

– Шунча пулни бир ўзим олиб кетолмайман, – дедим хавотирланиб.

Носир ал-Баҳрий олдимга яқин келди.

– Биз сенга нақд пул бермаймиз. Юз купюралик тамғани олиб кетасан.

– Қачон йўлга чиқамиз? – сўрадим.

– Эртага Туркияга жўнайсизлар. Одамимиз сизлар-ни Озарбайжонга кузатиб қўяди. У ерда ҳам одамла-римиздан бирининг ҳамроҳлигида Грузия чегарасидан Чеченистонга ўтасизлар.

– Мен у ерда узоқ қолиб кетаманми?

Саволим ёкмади чоғи, Носир ал-Баҳрийнинг қошла-ри чимирилди.

– Қайтишга топшириқ бўлмагунча Яндарбиев билан бирга бўласан!

– Шерикларингга ҳушёр бўл. Ножўя қадам ташлай-диган бўлишса, йўлдаёқ қолдир! – деди Башир.

Мен зиммамга оғир вазифа юкланганлигини тушун-дим.

Амирийни ёлғиз қолдириб ташқарига чиққан Башир соқчиларига Қундуз шахрига жўнаш зарурлигини маълум қилди. Кутилмаган сафардан соқчилар хайрон бўлишмади, ўз хўжайинларининг вақт-бевақт фикрини ўзгартириб туришини яхши билишарди ва бунга кўникиб ҳам қолишганди. Улар бошлиқларининг машинасини ўртага олиб йўлга тушишди.

Хужжатларнинг сирли ғойиб бўлиши қўпоровчилик ишлари бошлиғининг амалга оширмақчи бўлган барча мақсадларини остин-устун қилиб ташлаш билан бир қаторда бунинг ортида турган одамларнинг кимлигини билиш истаги ҳам безовта қиларди. Гўзал хужжатларни қайсидир махфий хизмат идорасига топширмақчи бўлган. «Улар қизга хужжатлардан нусха кўчиришни ўргатишибди-ю, бироқ «Бармоғингни бўёқ суртилган лабингга текиза кўрмагин» дея маслаҳат беришмабди-да» деб ўзича фикр юритарди.

Гўзалга топшириқни ким берган? Кенгашнинг узок йиллар давомида ишлаб чиқилган махфий режаларидан ва булар Чегечининг қўлида сақланаётганидан ким огоҳ эди? Бу руслар билан ўзбекларнинг иши эмасми?

«Ахир ягона мақсад Россия ва Ўрта Осиё республикаларига қарши қаратилган-ку. Россиядаги стратегик аҳамиятга эга бўлган муҳим объектларнинг кулини кўкка совориш, Чеченистонни ишғол қилиш, жангариларнинг чегарани кесиб ўтадиган яширин йўллари чизмаси, мамлакат ичига ташланадиган кучларнинг қаерларда, нима ишлар қилиши, миллатлар ўртасида диний ва миллий можароларни келтириб чиқаришга мўлжалланган дастур албатта уларни мунтазам қизиқтириб келган. Қолаверса, Россияда ҳам, Ўрта Осиё республикаларида ҳам қўлга тушган кимсалар кимлардан топшириқ олишганини сайрашган. Чуваланиб кет-

ган ипнинг учи Амирий томонидан тузилган кенгашга келиб тақалган. Балки унинг изига тушган айғоқчилар чолни изма-из кузатиб, бу ерга келишгандир ҳам. Хужжатларга эгалик қилмоқчи бўлганлар Гўзални узок ўрганишган ва ниҳоят ишга солишган. Бунда ўзини покстонликман деб таништирган йигитнинг қўли бўлса ажаб эмас» деб ўйларди Башир...

Хужжатдаги маълумотларнинг ошкор бўлиши Амирий каби Баширни ҳам дунё аҳлига қонхўр қилиб кўрсатишга етарли далил бўла олади. Бундай режаларни ишлаб чиққан лойиҳачилар охир-оқибат ўз ажаллари билан бу дунёни ташлаб кетишмайди.

У аста-секин қоронғилик чўкаётган, йўл четида мажакланиб кетган танклар, замбараклар, снаряд ва бомбалар тушиб, хандақлар ҳосил қилган паст-баландликларга боқиб борар экан, хаёлидан шуларни ўтказарди. Тоғлар орасидаги лагерга етиб келганида тун ярим бўлганди. Уни йўриқчилар кутиб олишди. Башир чарчаган бўлишига қарамай, зудлик билан орқага қайтиши лозим эди. Чодирга киргач, бир пиёла қаҳва келтиришларини сўради. Лагерь бошлиғи билан амалга оширилиши лозим бўлган операция тўғрисида суҳбатлашди.

– Йигитларингдан йигирма бир нафарини ажратасан, – деди у бошлиққа.

– Муҳим топшириқ чиқиб қолдими?

– Ҳа, ўта муҳим топшириқ бор.

– Қаерга ташламоқчисиз уларни?

– Ўшга!

– Ўшга?

– Шундай.

– Йигитларимни Қирғизистонда қиладиган ишлари йўқ эди-ку.

– Аввал йўқ эди, энди бор.

– Қачон жўнашади? – сўради Баширнинг мақсадини тушунмаган лагер бошлиғи.

– Икки кундан кейин. Ҳозироқ абжир ва чаққон йигитлардан йигирма бир нафарини танла!

– Хизмат ҳақларини ким тўлайди?

– Мен! Фақат топшириқни бажариш шарти билан!

– Бу томонидан хотиржам бўлинг, Башир жаноблари, одамларим сизни хурсанд қиладиган даражада ишлашади. Фақат ҳақларини олдиндан тўласангиз бас!

– Йўлга чиқаётганларида ярмини тўлайман, топшириқни бажариб қайтганларидан сўнг қолганини олишади!

Хонага хизматкор кирди. Суҳбатга берилиб кетган Башир ва лагерь бошлиғи унга аҳамият беришмади.

– Улар бир неча соат ичида топшириқни бажариб, орқага қайтишади. Бу ердан жўнаб кетаётганларини ҳеч ким билмаслиги шарт.

– Топшириқни айтмадингиз?

– Йўлга чиқишаётганда одамларим маълум қилади. Улар автоматлар билан эмас, ханжар билан ишлашади.

– Тушунарли!

– Унутма, одамларингни бирортаси қўлга тушиши мумкин эмас. Ҳатто ўлганлар ҳам.

– Бунга «Соқов» операцияси деб номлар эканмизда.

Хизматкор қаҳвани стол устига қўйгандагина Башир хонада бегона одам борлигини сизди. Унга ўқрайиб қаради. Хизматкор унинг кўзларига лоқайд одамдек кўринди. Қаҳвани ичиб бўлишгач Башир ёнидан хари-тани олиб, курси устига ёйди.

– Қизил ҳалқа ичидаги белги одамларинг ҳаракат қиладиган жой. Қора чизиқлар эса улар бажарадиган ишлар.

– Тушунарли! – лагер бошлиғи қоғозларни олиб пўлат сандиққа солди.

– Яна бир бор огоҳлантираман. Одамларингни Қирғизистонга жўнашаётганини ҳеч ким билмаслиги шарт. Сир фош бўлгудек бўлса, бошинг кетади!

Башир ўрнидан турди. Жўнайдиган пайт бўлганди. Ташқарига чиқди. Тонг ёришиб қолганди.

У тушга яқин Кобулга кириб келди. Ёрдамчининг кўзларидан қандайдир нохушлик бўлганини ва буни айтишга ийманиб турганини сизди.

– Нима гап?

– Ҳозиргина Махдийдан хабар олдик. У белгиланган жойга етиб борибди. Ёрдамчи куч жўнатишимизни сўрамоқда.

Башир бир оз шошганини, одамларнинг йўлини ўзгартириш кераклигини тушунди.

– Мени Орифзода билан боғла.

Ёрдамчи телефон рақамларини терди.

– Эшитаман! – Орифзоданинг ингичка овози эшитилди.

Башир телефонни кўлига олди.

– Меҳмоналаримиз тунда йўлга чиқишади. Манзиллари ўзгарган. Уларни дала ҳовлида яхшилаб меҳмон қилиб, дўстимизнинг қароргоҳига жўнатасиз деган умиддаман. Хизмат ҳақингизни ўзингиз белгилайсиз.

Орифзода тагдор сўзларнинг маъносини тушунди.

– Яна нима гап? – гўшакни ёрдамчининг кўлига топшираётди сўради Башир.

– Бугун тунда ҳазратни ўғирлаб кетишибди, – деди ёрдамчи.

Баширнинг рангида қон қолмади.

– Ким?

– Ҳозирча аниқлолмаямиз, одамларимиз суриштиришмоқда.

– Соқчиларнинг кўзи қаерда эди?

– Улар хонага киришганида кийим-кечаклари сочилиб ётган экан. Ҳатто оёқ кийимини ҳам қолдириб кетибди!

Башир яраланган одамдай ингради.

– Уни юртимиздан тириклай олиб чиқиб кетишолмайди. Чегарадаги, Эрон ва Покистондаги одамларимизга хабар жўнатиш. Йўлларни назоратга олишсин!

Ичкаридан чиқиб келган соқчи Баширға Мулла Умарнинг мудофаа ишлари бўйича вазири чақираётганини маълум қилди. У машинаси томон борар экан, бир неча кадам нарида зимдан тикилиб турган одамни кўриб қолди. Унинг қора соқоли, чўзинчоқ юзи, салласининг остидан кўриниб турган оппоқ пешонаси ва маҳаллий одамларникига мутлақо ўхшамайдиган кўзлари танишдек туюлди, аммо тўхташга, нотаниш кимсага қайтадан нигоҳ ташлашга фурсат йўқ эди. Машинага ўтириши биланоқ ҳайдовчига вазирнинг қароргоҳига ҳайдашни буюрди. «Тойота» жойидан жилганда Башир ихтиёрсиз холда тагин ортига ўтирилди ва қорайтирилган ойнадан ўша нотаниш одамнинг ҳамон тикилиб турганини кўрди. Бирдан уни таниди ва ҳайдовчига қарата кичкирди.

– Тўхта!!

Ҳайдовчи тармозни босишга улгурмади. Баширнинг қулоғи гумбурлаган овоздан битиб қолаёзди. У ўзини машина билан бирга осмонга кўтарилаётганини, кейин машина гир айланиб бўлакларга бўлиниб, ҳар томонга сочилиб, ўзи ҳам ўтирган ўриндиғи билан айланиб бораётганини, чарақлаб турган қуёш қора тутун ичида қолганини ва ниҳоят кўзига қип-қизил олов кўринганини эслаб қолди.

* * *

Кўкка учиб, тўнтарилиб, парча-парча бўлиб кетган машинани кўрганлар унинг ичидаги одам тирик қолиши мумкин эмас деб ўйлашига шубҳамиз йўқ. Аммо Баширға жиддий жароҳат етмаганди. Юзи шилиниб, бир оёғи лат еб, ҳушини йўқотганди. Шифохонада ўзига келди. Оёғини гипслаб, тош осиб ётқизиб қўйишди. Соқчилар касалхонани ўраб олишди. Ичкарига бегона одамни қўйишмади. Жон Дэвид ўша пайтнинг ўзидаёқ воқеадан хабар топиб, касалхонага етиб келди.

– Дардингизга шерикман, – деди Баширнинг ёнига ўтирар экан. – Бу ишда кимларнинг қўли бўлиши мумкин?

– Гумоним инглизлардан, – деди Башир.

– Наҳотки?!

Жон Дэвид бу саволни шунчаки Баширнинг қалбидаги инглизларга бўлган муносабатнинг қай даражадалигини билиш мақсадида берди.

– Машинамга ўтираётганимда ўн беш кадамлар нарида турган одам диққатимни тортиб қолди. Унинг чехраси, айниқса мовий кўзлари Чарльзни эслатганди менга.

Жон Дэвид Башир айтган кимсани яхши танир, бироқ унинг Афғонистондан чиқиб кетганини кўзи билан кўрмаган бўлса-да, ёрдамчиларидан эшитганди.

– Афсуски, сиз айтган одам ҳозир бу ерда эмас, – деди бошини чайқаб.

– Гарчи хушимни йўқотган бўлсам-да, ўша ярамаснинг қиёфаси ҳозиргача кўз ўнгимда турибди.

Жон Дэвид табиатан тортишиб ўтиришни ёқтирмасди.

– Эшитишимга қараганда Амирий шу ердамиш? – дея гапни бошқа мавзуга бурди.

– Кеча эрталаб учрашгандик. Унинг бошига тушган ташвиш меникидан аянчли. Чегечи ўлим тўшагида ётганда кимдир қизи билан тил бириктириб, хужжатлардан нусха кўчириб олибди.

Бу хабар шу пайтгача инглизлардан шубҳаланиб юрган Жон Дэвидни кучли зарба еган боксчидек гангитиб қўйди. Лекин қалтис вазиятларда ўзини қандай тутишни яхши билгани боис, қиёфасида ҳам, сўзларида ҳам суҳбатдошида шубҳа уйғотмади.

– Демак, тизим фош бўлибди-да, – деди бошини чайқаб.

– Минг афсуски, ўн йиллар давомида ишлаб чиққан режаларимиз фанимларимизнинг қўлида.

– Хужжатни Чегечининг хонадонидан олиб чиқиб кетилишида сизни ҳеч ким айблай олмайди.

– Шундай-ку, бироқ йиллар давомида азоб чекиб қилган меҳнатларим, саралаб топган ишончли одамларим, уларга берилган махфий топшириқларим, Марказий Осиё давлатларида амалга оширилиши кўзда тутилган режаларнинг барбод бўлишини эсласам ичим ёниб кетади. Уни ким қўлга киритса ҳам бизни дунёга шарманда қилишга, бузғунчиликда айблашга етарли асос топган бўлади.

– Кўп диққат бўлманг, дунё азалдан шундай яралган. Сизу бизнинг вазифамиз шундай бўлгач, нолишнинг не ҳожати бор? Сиз ўн йил муқаддам ишлаб чиққан режалар бугунги кунда ўзининг кучини йўқотган деб ҳисобланг. Марказий Осиё давлатларига жўнатган одамларимизнинг кўпи қўлга тушди. Энди янги лойиҳалар, янги режалар устида бош қотириш фурсати келди. Амирий ҳам бизга дўст бўлмайди. У бизни узоқ вақт лақиллатиб юрди. Ким билсин, балки кенгаш аъзоларининг сирли ўлимида қўли бордир.

– Сиз ҳали ҳам Амирий жанобларини инглизларга сотилган деган шубҳадасиз?

– Иложсизки, мен ўз одамларимнинг сўзларига ишонаман.

– Бирор далил келтиринг?

– Вақти келса, исбот ҳам топилиб қолади.

– Ҳазратим ҳақида бундай фикрда бўлишингиз менинг қалбимга санчилган тикан азобидан кучлироқдир!

– Мен ўз фикримда қолишга одатланганман, Башир жаноблари. Маслаҳатим, сиз ҳам у ҳақдаги фикрингизни ўзгартирсангиз ёмон бўлмасди. Акс ҳолда, тушунганингизда қалбингизни виждон азоби ва сирли равишда ўлиб кетган сафдошларингизнинг руҳлари тинч қўймайди..

Баширнинг соқол босган юзидаги ўзгаришларни сезган Жон Дэвид ортиқча эхтиросларга берилиб кетгани-

ни тушунди. Унинг сўзлари тўшакда ётган Баширнинг хаёлини олисларга олиб кетганди. Кўнглидан кечаётган ҳар бир воқеа уни мушоҳада қилишга даъват этарди. Шу кунга қадар Жон Дэвид айтган сўзларни нега ўзи ўйлаб, муҳокама қилиб кўрмаганидан афсуслангандек бўлди. У Амирий ҳақида қанчалик кўп ўй сурмасин, унинг яхши-ёмон томонларини кўз олдига келтирмасин, бари бир ҳазратнинг пичоққа илинадиган нуқсонларини тополмади.

– Кимки бизнинг жонимизни олмоқчи бўлса, биз уларнинг жонини аввалроқ оламыз! – деди паст овозда.

Башир бу гапни нима мақсадда ва кимларни назарда тутиб айтганини Жон Дэвид тушунолмади. У вазиятни юмшатиш ва суҳбатдошининг кўнглига тасалли бериш мақсадида сўради:

– Амирийни ўғирлаб кетишган деб ўйлайсизми?

Башир бир оз жимликдан сўнг:

– Шундай, – деб жавоб қайтарди.

– Соқчилар қўйилмаганмиди?

– Уларни ўлдиришган.

– Сизнингча, бу ким томонидан амалга оширилган?

– Назаримда, ҳужжатларнинг изига тушган учинчи гуруҳнинг қўли борга ўхшайди.

Дэвид ўйга толди. Ҳар қалай Башир айтган учинчи тўданинг қўли бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас. Наҳотки ингизларнинг иши бўлса? Агар ўйлаганидек бўлиб чиқса, Баширнинг олдида ўзининг ҳақлигини бир карра исботлаган ва қалбида Амирийга бўлган меҳр ва ихлос чўғини сўндирган бўлади.

Жон Дэвид телефон орқали Покистондаги ёрдамчиси билан боғланди. Гўшакдаги овоз Баширнинг қулоғига чалиниб турарди.

– Дубайга самолёт қачон учади?

– Учиб кетганига ярим соат бўлди.

– Амирийнинг самолётда бор-йўқлигини аниқланг!

– Тушунарли, ўн дақиқадан сўнг сиз билан боғланаман.

Дэвид қўл телефонини филофга солиб, Баширга юзланди. Улар шунчаки гаплашиб ўтиришди. Яна телефон жиринглади. Дэвид четроққа чиқди ва қўнғироқ қилган одам билан гаплашди. Гўшакдан сўзлар эшитилиб турарди.

– Ҳазрат 85-ўриндикда. Уни қўриқлаб кетишмоқда.

– Кўздан қочирманг, кейинги топшириқни кутинг!

Юзларига кулги ёйилган Жон Дэвид Баширга юзланди.

– Тахминингиз ўз исботини топди, мухтарам Башир жаноблари. Амирийни ҳақиқатан ҳам ўғирлашган. Уни Покистон орқали ўз ватанига жўнатиб юборишгани маълум бўлди. Мени кечиринг, азизим, «ўғирлашган» деган сўзим бир оз ўринсиз, ўйлашимча, унинг ўзи қочган.

– Кимлар ёрдам берган бўлиши мумкин? – Баширнинг ранги оқариб кетди.

– Буни албатта аниқлаймиз! Лекин тахминим бор.

– Айтинг?

– Унинг қочишига сизнинг машинангизга бомба қўйган одам ёрдам берган!

– Нималар деяпсиз, Дэвид. Бундай бўлиши мумкин эмас. Амирий менинг олдимга нажот излаб келган. Ҳамиша мен билан ҳамкорликда ишлаш истагида бўлган.

– Бу гапларни у ўзининг тили билан айтган, шундайми? Аслида сизни хужжатларнинг ғойиб бўлишидан огоҳ этиш мақсадида келган. Мени кечиринг, Башир жаноблари, шу жойда сизга берадиган саволим бор. Айтингчи, хайрлашишдан олдин Амирийга сиз эрталаб учрашамиз деб айтганмидингиз?

– Йўқ, зарур иш билан бандлигимни айтгандим.

– Ўрталарингда биз тўғримизда гап-сўз бўлиб ўтганмиди?

– Шубҳасиз.

– Мана, кўрдингизми, Амирий барча сирларингиздан воқиф бўлган. Жўнаб кетишингиз биланоқ Чарльз ёки унинг одамлари билан алоқага чиққан. Сизни ўз томонларига оғдириб олишга кўзлари етмагач, машинангиз остига бомба жайлаштиришган. Бундан ортиқ яна қандай исбот ва далил керак?

Жон Дэвиднинг сўзларини эшитиб, Баширнинг юрагидаги Амирийга бўлган меҳр ўрнини адоқсиз нафрат эгаллади. Дэвид буни суҳбатдошининг кўзларидан уқиб турарди.

– Хўш, Амирий билан алоқани давом эттирасизми? – сўради у Баширдан.

– Афтини кўришни истамайман!

– Демак, ҳамкорликдан юз ўгирдингиз? – аниқлик киритиш мақсадида сўради ҳамон кўзлари ялтираб турган Дэвид.

– Ҳатто нариги дунёда ҳам!

– Сизнинг ҳукмингизни ижро этишга буйруқ берсам бўладими?

– Кечиктирманг!

Жон Дэвид жилмайди. Бу барча гина-кудуратлар ва кесатиқлардан холи бўлган табассум эди.

У телефон рақамларини терди.

– Эшитаман, жаноб.

– Карачи – Дубай йўналиши бўйича парвоз қилаётган «Боинг – 775» самолётида ҳазрат кетмоқда. Тўрт соатдан сўнг уйда бўлади. Уни ўз хонасида кутиб олинг!

– Сизни тушундим, жаноб!

Телефонини ўчириб, филофига солаётган Дэвиднинг беморга айтадиган гаплари бисёр бўлса-да, у билан хайрлашиш фурсати келганди. Баширдан эшитганларини зудлик билан бошлиқларига етказиш мақсадида хонадан шошиб чиқиб кетди.

Жон Дэвиднинг касалхонага жўнагани ва Башир билан қилган мулоқоти инглиз разведкасининг Афғонистондаги ходими Вейвсернинг эътиборидан четда қолди деб бўлмасди. Гарчи ичкарида бўлиб ўтган суҳбатни қулоғи билан эшитишнинг иложи бўлмаса-да, Жон Дэвид шу ердан туриб ўзининг одамларига топшириқ бериши мумкинлигини ва албатта бунда телефондан фойдаланишини биларди. Жон Дэвид ичкарига кириб кетиши биланоқ бошлиқларини бундан огоҳ қилиб қўйишни унутмади. Барча махфий хизмат идораларининг телефондаги мулоқотларни «илиб» оладиган махсус ускуналарлари бўлгани каби Афғонистон осмонида сузиб юрган юзлаб йўлдошлардан бири инглиз разведкасига қарашли эди. Фақат заминда бўлаётган воқеаларни суратга туширибгина қолмай, балки муҳим суҳбатларни ёзиб олишда ҳам улардан фойдаланиларди.

Вейвсер керакли одамлар билан боғланди. Унинг ускуналарини йўлдошдаги махсус кодлаштирилган рақамларга улаб беришди. Орадан ўн дақиқа ўтиб, Жон Дэвиднинг телефони жиринглаганида Вейвсернинг телефонидаги яшил чироқ ёнди.

Ўртада бўлиб ўтган суҳбатлар ўша пайтнинг ўзидаёқ Вейвсерга маълум бўлди. Амирийнинг ҳаёти хавф остида эканлигидан у қаттиқ ташвишланди. Вейвсер шошилинч равишда Дубайдаги резидентни огоҳлантирди.

– Дўстимизнинг ҳаётига сўнгги нуқтани қўйишмоқчи. Шошилинч чора кўр. У биз учун керакли одам.

– Унинг изига тушишган бўлишса, ҳаётини сақлаб қолишнинг иложини қилолмаслигим мумкин. Қолаверса, Дубай гавжум шаҳар. Топиб олишнинг ўзи азоб.

– Йўқотиб қўйсак, ишларимиз барбод бўлади.

– Ҳаракат қилиб кўраман!

Резидент Амирий самолётдан тушиши биланок, ўзига сездирмаган ҳолда уни назоратига олди. Бундан бир соат муқаддам, ҳали самолётнинг филдираклари ерга тегмасдан Жон Дэвиднинг одамларидан бири Амирийнинг хонасига яширинча жойлашиб олишга муваффақ бўлганди. Вейсернинг одами ҳазратни изма-из уйига-ча кузатиб келди. Бироқ уни ёлғиз ташлаб кетиб бўлмасди. Ҳеч бўлмаганда эҳтиёт бўлиш лозимлигини айтиб қўйди.

ДУБАЙ

Баширни кузатиб қўйган Амирийнинг хаёлига ҳар турли ўйлар келди. Аввало, бу ерга келганидан дили каттиқ оғриди. Башир ҳеч қачон америкаликлардан воз кечолмаслиги суҳбат жараёнида аён бўлди. Икковларининг ўрталарида бўлиб ўтган мулоқот қачондир инглизларнинг қулоғига етиб борса, улар Амирийни бир умрга кечирмасликларини биларди. Энди чолнинг бу юртда қолиши мумкин бўлмаганидек, Башир билан аввалги муносабатни давом эттиришга ҳам кўзи етмасди. Зудлик билан Кобулни тарк этиши, келган йўли орқали юртига равона бўлиши даркор. Шундай қилгандагина қисмати шериклариники каби фожиа билан тугамаслиги мумкин. Юрагини ҳар турли ваҳималар чулғаб олган Амирий Эдмонга қўнғироқ қилди.

– Салом, азизим! Бу менман!

– Танидим, ҳазрат!

– Сиз билан муҳим иш юзасидан маслаҳатлашмоқчиман!

– Қаердасиз?

– Кобулдаман!

– Кобулда?

– Шундай!

– Нега менга айтмай у ерга бордингиз?
– Кечиринг мени, Эдмон, вазият шуни тақозо қилган-ди. Учрашганимизда батафсил тушунтириб бераман!
– Ҳозир турган жойингизни маълум қилинг?
– Пойтахтнинг ўзидаги «Ором» меҳмонхонаси ёнидаги уйда турибман.

– Ярим соатдан сўнг олдингизга одамларимиздан бири боради.

– Уни қандай топаман?

– Сизга қўнғироқ қилади...

Ярим соат Амирийга йилдек туюлди. Бетоқатланиб, хаво етишмаётгандек телефон атрофида айланиб юрди. Алалоқибат телефон жиринглади.

– Мен Эдмоннинг ёрдамчисиман. Ўн дақиқадан сўнг ташқарига чиқсангиз.

– Ташқарига?! Ахир кўчада одамлар гавжум, сизни қандай топаман?

– Хавотир олманг, ўзим сизни топиб оламан! Фақат эгнингиздаги кўйлагингизнинг рангини айтсангиз бас.

– Ҳаворанг.

– Чап қўлингизда тасбеҳ бўлсин!

Топшириқни олган Амирий зудлик билан кийимларини алмаштириб, кўчага чиқди. Кўча у ўйлаганчалик гавжум эмасди. Қария қаёққа юришни билмай туриб қолди. Эдмоннинг ёрдамчисини йўқотиб қўйишни истамасди. Қўлидаги тасбеҳни кўкраги баробар кўтариб олганди. Қария бомбалар остида қолиб вайрон бўлган уйларга боққач, ўқлар тешиб ташлаган девор ёқалаб кўнгли тортган томонга юрди. У бирдан ўйлади. Башир «Хавфсизлигингизни таъминлайман, атрофга соқчиларимни қўяман» деб айтганди. Соқчилар ортидан кузатиб юришмаяптимикин? Эдмон билан учрашганини кўриб қолишса, ўша заҳотиёқ Баширнинг қулоғига етказишади. У ортга қайтмоқчи, хонасига кириб, эшикни ичкарисидан беркитиб ётмоқчи бўлди. Шунда орқадан

келаётган одамга ўзини уриб олди. Бу қирқ ёшлардаги йигит эди. Амирийнинг кўзига Баширнинг соқчиларидан бири бўлиб кўринди.

– Ҳазратим, ортимдан юринг!

Бегона йигитнинг паст овозда айтган сўзи Амирийнинг қулоқларига бемалол эшитилди ва олдинда кетиб бораётган йигитнинг изидан худди ипга боғлангандек эргашиди. Улар олдинма-кейин кетиб боришарди. «Бу ким? Баширнинг одамими ёки Эдмоннинг ёрдамчиси-ми? Қаёққа олиб кетаяпти мени?», Амирий хаёлидан ўтаётган саволларга жавоб тополмай боши қотарди. Улар бир чақиримдан мўлроқ масофани ортда қолдиришди. Нотаниш кимса бирор маротаба ортига қайрилиб, изидан эргашиб келаётган Амирийга қарамади. Гўё орқасида кўзи бордай, унинг келаётганига ишонч ҳосил қилиб, дадил одимлаб борарди. Йигит эпчил ҳаракатлар билан одамлар оқимидан чиқиб, чап томондаги очиқ турган эшикка ўзини урди. Буни зўрға илғаб қолган Амирий ҳам унинг кетидан кирди. Бу шу қадар тез содир бўлдики, уларнинг оломон оқимидан ажраб чиққанини ҳеч ким пайқамади.

Ичкарида одам кўринмасди. Нотаниш кимса ўзини Эдмоннинг ёрдамчиси эканлигини айтгандан кейингина Амирийнинг бетартиб тепаётган юрагидаги хаяжон бир оз босилди.

Амирий Башир билан бўлиб ўтган суҳбатни ипидан игнасигача сўзлаб берди.

– Сиз зудлик билан Дубайга қайтишингиз керак! – деди унинг сўзларини диққат билан тинглаган ёрдамчи.

– Бу ерда қолишингиз хатарли!

– Бу ердан Дубайга самолёт учмайди-ку?

– Одамларимиз сизни Покистонгача кузатиб боришади.

– Қачон жўнашим керак?

– Одамларимиздан бири тунда эшигингизни икки маротаба тақиллатади. Шунда кўркмай ташқарига чиқасиз. Кўк саллали, эгнига узун кўйлак кийган одам сизни кўриб ортига қайтади. Унинг изидан эргашасиз. Эллик қадам юрганингиздан кейин «Тойота»га кўзингиз тушади. Кўк саллали одам машинага ўтирмайди. Сиз эса ўша машинага чиқасиз!

Амирий бош ирғаб, розилигини изҳор қилди.

– Бугун тунда ухламай сергак ётишингизни маслаҳат бераман! Ҳозирок ўзингизга янги уст-бош ва пойабзал сотиб олинг. Хонани тарк этаётганингизда тўшакни йиғиштирманг, эски кийимларингизни, юкларингизни қолдилинг, ҳеч нарсага тегманг!

Амирий тунни ухламай ваҳима ва кўрқинч ила ўтказди. Назарида, Башир Эдмоннинг одами билан учрашганидан огоҳ бўлгандай, ҳали замон кириб, уни сўроқ қиладигандек туюлаверди. Ярим тунда, шундоққина ён-атрофда одамларнинг бақиргани ва милтиқларнинг овози эшитилди. Бу ҳар тунда бўлиб турадиган одатий хол эди. Амирийни баттар ваҳима босди. Деразадан бир неча бор ташқарига боқди. Кўзи автоматлардан отилаётган ўқларнинг тун қаърини ёриб, ўзидан пушти ранг из қолдириб номаълум томонларга учаётганини кўрди. Тонг ёришиб, муаззин азон чақиргандан сўнг теварак-атрофга сирли сукунат чўкди. Бироқ Эдмоннинг одамидан дарак йўқ эди. Амирий эшитмай қолмай деб эшик олдига яқин ўтириб олганди. Узоқ кутди. «Нима бало, унутишдими? Ёки аҳдларидан қайтишдими?». Чолни ваҳима гирдоби комига тортиб борарди. У бу ердан соғ-омон юртига кетолмаслигидан ва қисмати шериклариники сингари фожиа билан тугашидан ёмон чўчирди. Тонг ёришмоқда, ҳали замон Башир кириб келади. «Нега Эдмонга кўнғироқ қилдим» дея афсусланаётган Амирий ҳар иккиси учун кечирилмас гуноҳга қўл урганидан пушаймон бўла бошлади. Шунда... эшик

тақиллади. Паст овозда чертилган бўлсада, Амирий бу овозни аниқ эшитди. Юраги энтикиб, шошиб ўрнидан турди. Оёқ кийимини кийишни ҳам унутиб эшикни очди. Кўк саллалари одам унга тикилиб турарди. Кўзлари учрашгач, у ортига бурилди. Тун пардаси кўтарилиб бораётган паллада Амирий нотаниш одамнинг ортидан эргашди. Эллик қадам юргач, кўзи «Тойота»га тушди. Орқа эшик хиёл очиб қўйилганди. Чол ўзини ичкарига урди. Машина жилди. Ўриндиқларда ўтирган икки йигитнинг ҳеч бири Қандаҳорга етиб келгунча Амирийга бирор оғиз гап айтишмади. Карачига кириб келишганида улардан бири:

– Самолёт ярим соатдан сўнг парвоз қилади, ҳозирок чиптани рўйхатдан ўтказиб, жойингизни эгалланг! – деди чолнинг қўлига авиачиптани тутқазиб.

Амирий уни олди. Аэропортга кирганида яна оёғи қалтирай бошлади. Унутилган қўрқув вужудига ёйилди. «Башир мени ўғирлаб кетишган деб гумон қилса, балки одамлари қидираётгандир? Бу томонлардаги танишларига қўнғироқ қилган бўлса-я» деган кечинмалар хаёлидан ўтарди. Бу ерда ҳам Эдмоннинг одамлари чолни назорат қилишаётганини у хаёлига келтирмасди. Улар маълум дақиқалардан сўнг чолни сўзсиз, фақат имо-ишоралар ёрдамида бир-бирларига топширишарди. Самолётда ҳам Эдмоннинг қўриқчиси билан ён-ма-ён ўтириб кетаётганини билмасди.

Амирий аэропортдан таксига ўтириб, ўз уйи томон йўлга чиққанда Эдмон унга қўнғироқ қилди.

– Ҳазратим, яхши етиб олдингизми?

– Ҳаммаси жойида, азизим. Яхшилигингиз бир умр ёдимда қолади.

– Сизнинг идорамизга бераётган ёрдамингиз олдида булар сариқ чақалик қийматга эга эмас.

– Мени ортиқча талтайтириб юбордингиз, азизим!

– Янгиликдан хабарингиз борми?

– Қандай хабар экан?

– Баширнинг машинасига кимдир бомба қўйган экан, портлаб кетибди!

– Ўлибдими?

– Бу ҳали аниқланганича йўқ, аммо машина ёниб кетган!

– Худо бир фалокатдан асрабди мени, Эдмон. Яхшиямки жонимга сиз оро кирдингиз.

– Сизнинг жонингиз биз учун ҳаводек зарур, ҳазратим.

Амирий бу ишлар шунчаки тасодиф эмаслигини, кимнингдир қўли борлигини билди.

Машина қариянинг уйи олдида тўхтади. У машинадан тушиб, ичкарига кириб келганида қаршисидан хизматкор чиқди:

– Сизни йўқлаб меҳмон келди, ҳазратим, – деди Амирийга кўзи тушган заҳотиёқ.

– Ким экан?

– Кимлигини айтмади...

Амирий бир оз ўйга толди. Уни йўқлаб келадиган одамларнинг кўпини хизматкорлари яхши танирди.

– Айт, бугун ҳеч кимни қабул қилолмайман. Чарчаганман. Бошқа куни келсин!

– Шундай дедим, ҳазратим. Бироқ ўта муҳим иш билан келганмиш.

Амирийнинг хаёлига «Олдимга келадиганларнинг ҳаммаси муҳим иш билан келади» деган фикр келди. Негадир меҳмонни қайтаргиси келмади.

– Яхши, айт, хонамда кутаман!

Хизматкор бош эгиб, ташқарига чиқиб кетди. Амирий хонасига кўтарилди. Ичкарига кирди-ю, димоғига сигарета иси урилди. Одатда унинг хонасида ҳеч ким чекмасди. Яқин орада бу ерда кимдир бўлган? Амирий хизматкорни беижозат одам қўйгани учун жазолашни дилига тугиб қўйди. Шу пайт дераза пардаси кўтари-

либ, узун бўйли, озгиндан келган, сарғимтир юзини сепкил босган кимса чиқиб келди. Унинг совуқ башараси Амирийга нотаниш эмасди.

– Вальтер!

– Беижозат хонангизда чекканим учун узр, хазратим!

Амирий уни нима мақсадда бу ерда пайдо бўлганини тушунмади.

– Бу ерга қачон келдингиз? Ахир мен...

– Беадаблик қилганим учун кечиринг, хазратим.

Шароит шуни тақазо қилди.

«Башир ҳамма гапдан огоҳ бўлган» деган совуқ фикр чолнинг хаёлидан ўтди.

Вальтердан кечирим сўраш, тавба-тазаррулар қилиб ялиниб-ёлворишлар беҳуда эканлигини биларди. Вальтернинг бу ерга нима мақсадда кирганини кўкимтир кўзлари сотиб қўйганди. Биргина нарса жонига оро кириши ва боши узра айланиб турган ўлим шабадасидан халос этиши мумкин эди. Бунинг учун икки қадам наридаги иш столига етиб бориши ва тортмадан хамиша отишга шай турадиган тўшпончасини олиши даркор. Бироқ масофани босиб ўтишга Амирий чорасиз эди. Стол унинг кўрқув акс этиб турган кўзларига жуда ҳам олисда тургандек кўринди ва бу чексизликни босиб ўтиш учун Вальтернинг таъқиб қилиб турган ўткир нигоҳлари тўсиқ бўлиб турганини тушунди. Амирий хизматкор айтган одамнинг тезроқ хонага кириб келишини истарди. «Унга нима бўлди? Нега шу пайтгача дараги йўқ. Ортига қайтиб кетдимикин?».

Амирий боши узра айланиб юрган ўлим шарпасини ўзидан четлатиш, сўроқлаб келган одамнинг тезроқ киришини истаб, маълум дақиқаларни ютиш илинжида Вальтерни гапга солишга қарор қилди.

– Мени йўқлаб келганингиздан бошим осмонга етди... Сизни узоқ куттириб қўймадимми? Хабарингиз

бўлса керак, мен сафарда эдим... – қария пойинтар-сойинтар сўзлари билан қаттиқ ҳаяжонланаётганини сездириб қўйди.

Вальтернинг юпқа лаблари икки томонга тортилиб, оппоқ тишлари кўринди.

– Ҳаммасидан хабардорман, ҳазратим. Жон Дэвид сизни кутиб олишни каминанинг ихтиёрига топширганди, – деди босиқлик билан. Унинг юзидан кутилиши мумкин бўлган ҳар қандай хавф-хатардан ҳимояланишга шай турганини билиш мумкин эди.

Чол адашмаганини, барча тахминлари тўғри чиққанини тушунди. «Мен ўлимга маҳкум қилинганман. Ох, нега анави сўроқлаб келган одам кириб келмаяпти?». Қариянинг вужуди қулоққа айланди. Бироқ интиқлик билан кутаётган оёқ товушлари ҳамон эшитилмас, аксинча, Вальтернинг бир-бирига ишқалаётган бармоқларининг товуши худди ўлим онлари яқинлашиб келаётганидан дарак бераётгандай асабини бузарди.

Амирий икки одамнинг қотили сифатида содир этган жиноятдан қутилиб, Башир ва Дэвиднинг чангалидан қочиб, Ватанига – ўз уйига етиб келганида жон беришни асло истамасди. Вақтни чўзиш мақсадида қилаётган ҳаракатлари самарасиз эканлигини тушунди. Демак, бари тамом, шунча уринишлар зое кетди. Деворга осилган соатнинг чиққиллаши яшаш истагида типирчилаб турган юрагини Вальтернинг ихтиёрига топширишдан ўзга чораси қолмаганлигини эслатиб турарди.

– Ўзингизга берилган топшириқни бажаришингиз мумкин, – деди Амирий тақдирга тан бериб.

– Мени тўғри тушунганингиз учун минатдорман, ҳазратим! Бироқ қўлимни сиздек олийжаноб инсоннинг қонига бўяшни истамайман. Бу ишни ўз гарданингизга олсангиз, мени бир умрлик виждон азобидан қутқариб қолган бўлардингиз.

– Шуни истар экансиз, начора, розиман! Қуролингизни беринг!

– Афсуски, мен қуролсиз келганман!

– Сиздай одамнинг қуролсиз хонамга ташриф буюришига мутлақо ишонмайман!

– Бу гал ишонсангиз бўлади. Мен ҳақиқатни гапирмоқдаман.

– Унда қандай қилиб жонимни қўлингизга топширай? Осонроқ йўлини кўрсатинг.

– Ҳаёт нақадар ширин!

Вальтер шундай деб ёнидан заҳарли ампулани олиб, Амирийнинг олдига ташлади.

– Оғзингизга солсангиз кифоя, ҳазратим.

– Жонимни олишнинг осон йўлини топганингиздан мамнунман!

Тақдирга тан беришдан ўзга чораси қолмаган қария иккиланиб ўтирмади. Қалтираётган қўлини ампулага чўзди.

– Балки ўлимингиз олдидан бизга айтадиган васиятингиз бордир?

Амирийнинг назарида жосус уни масхара қилаётгандай туюлди ва оғзига олиб борган заҳар тутган қўлини пастга туширди.

– Афсуски, васиятларимни айтиб бўлганман!

– Кимга?

– Буни сизга қизиғи йўқ!

– Унда мени айтадиган муҳим гапим бор, – сўз бошлади Вальтер. – Биринчидан: сиз Гўзалдан ноўрин шубҳаланиб, уни ўлдирдингиз! Чегечининг сандиғидаги маълумотлар ўзбек разведкаси ходимининг қўлига тушганди! Иккинчидан: Кобулдаги ётоқхонангизда бизни чалғитиш мақсадида эски буюмларингизни қолдиришни унутмабсиз-у, бироқ Гўзалнинг хонасидан олиб чиққан ҳужжатларни эсдан чиқарибсиз!

Амирийнинг сочлари орасидан иссиқ ҳовур чиқиб кетди. Агар Вальтер ҳужжатлар русларнинг ёки қозоқларнинг қўлига тушган деганда ҳам бу қадар ваҳимага тушмаган бўларди. Ўзбекларнинг қўлидалигига асло тоқат қилолмади. Кўксига ўқ қадалган одамдай инграб юборди.

– Гапларим сизга бу қадар оғир ботишини билганимда индамасдим, ҳазратим. Яна бир гап ёдимдан кўтарилай дебди: сиз бошига тўппонча қўндоғи билан урган Ҳасан тирик қолган. У покстонлик эмас экан. Полиция уни қайси мамлакат фуқароси эканлигини аниқлаётган пайтда бечора йигит ўз жонига қасд қилган. Агар қўлингиздаги дорини ичиб юборсангиз, ўша марҳумларнинг рухларини шод қилган бўлардингиз!

Амирий адоий тамом бўлди. У кўзларини бақрайтириб турган жосуснинг қаршисида ўзининг ўлимдан қўрқаётганини сездиришни истамасди. Дорини оғзига солиб ютиб юбориши биланоқ жонига озор бераётган ва кейин бунданда баттар қийноқлардан қутулишини биларди. Чол «Ҳақ гапни айтдингиз» дея қўлидаги дорини оғзига олиб борди. Қалтираётган бармоқлари лабига етиб бормасидан қулоқларининг пардасини тешиб юборгудек қарсиллаган овоз эшитилди. Дори ерга тушиб кетди. Бу овоз қайси томондан келганини англолмаган қария кўзларини юмиб олди ва шу кўйи бир неча дақиқа турди. Кўзларини очганда кўкрагини чангаллаб, оёғи остида ётган Вальтерни кўрди. Қария қўрқув ила ортига ўгирилди ва эшик олдида турган одамга тикилиб қолди. Башараси танишдек туюлди ва бир оз ўтиб эслади.

«Хавотир олманг, афандим, бу парвоз олдидан бўладиган ҳолат» дея полициячилардан қутқариб қолган йигит эди.

– Менга иккинчи бор ҳаёт ато этдингиз, азизим. Бироқ ўз халоскоримнинг кимлигини билмаганимдан афсусдаман.

– Бунинг аҳамияти йўқ, ҳазратим.

– Камтарлик қилманг. Марҳамат қилиб ўзингизни таништиринг...

Нотаниш кимса ҳозиргина ўқ узилган ва оғзидан порох ҳиди анқиётган тўшпончасини қўлтиғи остидаги филофга жойлар экан, хотиржам сўзлай бошлади.

– Мени жўнайдиган вақтим бўлди, ҳазратим. Хонадонингизда ортиқ қололмайман. Мурдани ўзингиз бир ёқлик қиларсиз. – У шу сўзларни айтиб ортига бурилди ва эшик олдига етганда тўхтаб ҳазратга шу сўзларни қўшимча қилди.

– Ўзингизни эҳтиёт қилинг! Бизга ҳали керак бўласиз!

– Хавотир олманг, энди мен ўз уйимдаман!

– Ҳар қалай, маслаҳатимни инобатга олсангиз ёмон бўлмасди!

У бошқа гапирмай хонани тарк этди.

* * *

Вальтер топшириқни бажарган заҳотиёқ бошлиқларига хабар жўнатиши лозим эди. Орадан тўрт соат ўтса-да, телефон жирингламасди. Бошлиқлар у билан боғлиқ кўнгилсиз воқеа рўй берган бўлиши мумкин дея ташвишга тушишди. Вальтернинг телефонига кўнғироқ қилиш мумкин эмасди. Ўйлаганларидек, ноҳушлик рўй берган бўлса, гўшакни Амирий ёки унинг одамларидан бири кўтариши мумкин деб чўчишарди. Бошлиқлар Туркиядаги резидент билан боғланиб, Вальтернинг қаердалигини аниқлаш вазифасини унга топширишди. Резидент тўрт соат ичида турли хил нотаниш рақамлардан олти маротаба Амирийнинг уй ва қўл телефонига кўнғироқ қилди аммо гўшакни ҳеч ким

кўтармади. Бошлиқлар «Вальтернинг сирли равишда гойиб бўлишида Амирийнинг қўли бор» деган қарорга келишди. Қора ишларининг фош бўлиб қолишининг олдини олиш мақсадида кекса жосусни зудлик билан йўқотиш керак деган хулосада тўхташди. Амирийнинг уйига одам киритиб бўлмасди. Соқчилар баланд девор билан ўралган дарвоза ёнида кечаю кундуз хушёр туришарди. Бунинг устига камдан-кам ҳоллардагина кўчага чиқарди. Нима қилиш керак? Қариянинг ҳаётига оид барча маълумотлар қайтадан текширилди. Бошлиқлар чол кейинги пайтда юрак хасталигига чалинганлигидан ва қайси пайтларда дори қабул қилишидан хабар топдилар. Зудлик билан Амирий ўтирадиган хонанинг чизмаларини топишди. Эшик ва деразалар ўрнатилган жойлар ўрганилди. Ҳавонинг қайси пайтда, қайси томондан ичкари оқиб киришининг ҳам ҳисобини олишди. Шундан кейин раҳбарлар Истанбулдаги одамлари билан яна алоқага чиқишди, режалаштиришган тадбирни бажаришни резидентнинг зиммасига юклашди.

Амирий дори қабул қилишига санокли дақиқалар қолганда телефони жиринглади.

– Жаноб, мен сизни қимматбаҳо маълумотдан огоҳ қилмоқчиман... Ҳа, у сиз учун ўта қимматли ва муҳим, – деди. Унинг сўзлари пала-партиш эди.

Амирийнинг юраги ҳаяжондан дукиллади. Томоғига нимадир қадалгандек бўлди.

– Қулоғим сизда, қимматли маълумотингизни эшитишга тайёрман!

– Бироқ мен айтмоқчи бўлган хабарнинг қийматини тўлашингиз керак. Тагин эслатаман, у ҳаётингиз учун ўта муҳим.

Бу гапдан кейин қариянинг вужудига ҳаяжон ва кўрқув ҳисси ёйилди. Лаблари қуруқшаб қолди.

– Мен учун муҳим бўлган хабарни сиз кимдан олдингиз?

– Жаноб, хозир хабарни кимдан олганим у қадар ахамиятли эмас, муҳими мен айтмоқчи бўлган хабар кил устида турган ҳаётингизни сақлаб қолиши мумкин.

Амирийнинг нафаси қисилди. Худди хонада ҳаво йўқдек оғзини катта-катта очиб нафас симирадди.

– Айта қолинг тезроқ.

– Аввал пулини келишайлик, жаноб! Айтдим-ку, бу сиз учун ўта муҳим масала деб...

– Қанча сўрасангиз тўлайман, фақат тезроқ айтинг!

– Бундай хабарни телефонда айтиш, бунинг устига ҳақини келишмасдан қандоқ бўларкин, жаноб!

– Агар вақтингиз бўлса уйимга келинг!

– Ўйлашимча, мен етказмоқчи бўлган маълумотнинг нақадар қимматлилигини, ҳаётингиз учун ҳар қандай бойликдан устунлигини тушунмаётган кўринасиз...

Амирий қаттиқ ҳаяжонга тушди ва бақириб юборди.

– Юрагимни бетоқат қилмай айта қолсангизчи!

– Албатта айтаман, фақат... мен сизни узоқ йиллар яшашингизни, қандайдир бетайин одамнинг қўлида жон беришингизни мутлақо, ҳа, мутлақо истамайман...

Амирийнинг бардоши тугаб, қаттиқ асабийлашди. Энди унинг юраги атрофида оғриқ турганди. Нафас олиши қийинлашарди. Томоғига суяк қадалгандек овози узуқ-юлуқ чиқарди.

Қўнғироқ қилаётган кимса соатига қаради. Амирийнинг асабига қаттиқ таъсир қиладиган сўз айтиш учун яна бир дақиқа шундай ҳолатни ушлаб туриши лозим эди. Айни пайтда Амирий турган хонанинг олдига ахлат ташувчи машина келиб тўхтади ва устма-уст сигнал чалди. Қия очик қолган деразадан қандайдир ёқимсиз ҳаво ичкарига оқиб кирди. Қариянинг нафас олиши баттар оғирлашди. У деразани ёпмоқчи бўлди. Бу орада қўнғироқ қилаётган кимсанинг сўнгги сўзлари қулоғига чалинди.

– Мен хозироқ уйингизга етиб бораман, аммо сизни тирик кўришга сира ақлим етмаяпти, жаноб!

– Нима, сиз мени ўлиб қолади деб ўйлаяпсизми?

– Бу хабар сиз учун нақадар оғир бўлса-да, айтишга мажбурман, жаноб.

– Менга қаранг, тоқатимни тоқ қилиб юбордингиз-ку, қанақа одамсиз ўзи! Мен...

Нотаниш кимса гўшакни жойига қўйиб қўйди. Унинг сўзлари Амирийга қаттиқ таъсир қилганди. Баданини муздай тер босиб, оёқларидан дармон кетиб қалтирай бошлади. Ҳолсизланиб қолган чол қалқиди. Дераза томон юрди-ю, бироқ етиб боролмади. «Қаердан ҳам гўшакни кўтара қолдим? Боя жонимга оро кирган одамнинг сўзига хиёнат қилдим» ўйлади Амирий.

Унинг кучсиз юраги тобора тезлашар, бўғилар, юзлари кўқарар, белидан пастки қисмидан жон йўқдек совуқ тер чиқарди. Юрагини биров мижғалаётгандек оғриди. Қария йиқилиб тушмаслик мақсадида қўлларини деворга тиради ва суянганча кўзларини юмди. Боши узра ўлим шарпаси кезиб юргандек туюлди. Кўзларини очди, хонасига кириб диванга чўзилмоқчи бўлди. Бир қадам босди. Иккинчи қадамни босишга оёғини кўтаролмади. Йиқилиб тушди...

ЮРТДА

Алоқанинг узилиб қолиши Маҳмудовни ташвишга соларди. Икки ҳафтаки, Бўрондан сигнал келмасди. Берилган топшириқлар ҳақида ҳафтанинг сешанба ва шанба кунлари хабар жўнатиши лозим эди. «Нима бўлди? Қўлга тушиб қолдим ёки отишма чоғида дайди ўқ тегдим? Жангарилар шубҳаланиб қолган бўлса, Эргаш ўлимга маҳкум қилдим?» Ҳар қалай жангарилар ичида юрган ходимнинг кўнгилсиз воқеаларга рўпара келиши табиий.

Хаёлига ёмон ўйлар келган Маҳмудовнинг боши қотди. Йиғилиб қолган маълумотларни жилдга солиб, бошлигининг ҳузурига кирди.

– Аскарларимиз чегара чизигида аёл кишининг бошсиз жасадни топишибди. Афтидан, у биз томонга ўтмоқчи бўлган, – бошлиқ тортмадан икки дона сурат олиб Махмудовнинг олдига ташлади.

– Бу Червон хоним-ку, Рауф Ботирович! – деди расмдан кўзини узмай.

– Уни нега чегара яқинида ўлдиришгани бизни қизиқтирмоқда.

– Бўрон жўнатган хабарномага кўра, хоним Эргашдан юртга қайтишни кўп бор илтимос қилган. Бирок тўдабоши бунга розилик бермаган. Менимча, хоним қочган. Эргашнинг одамлари уни қувиб келишган ва чегарада ўлдиришган.

– Гапингиз ҳақиқатга яқин.

– Ҳозир лагердаги вазият мураккаблашган. Қўпчилик жангариларнинг ўзларининг алданганини тушуниб, юртга талпинишаётгани Эргашга ёқмаяпти.

– Қодир ҳақида хабар борми?

– Одамимизнинг маълум қилишича, Бол Зиё лагердан қайтиб келгач, толибонлар сафида хизматни давом эттирган. Унга полковник унвони берилган. Бирок Кобул яқинидаги жанглардан бирида вафот этган. Тўпланган маълумотлар Қодирнинг ҳақиқатан ҳам отишма чоғида вафот этганини тасдиқламоқда. Бирга хизмат қилган йигитлар, харбий комиссариатдан берилган маълумотлар бизни шундай фикрга келтирди.

– Юсуф Аҳмад ҳақида маълумот келдими?

– Ҳозирча ололмадик.

– «Ал-Ҳаққоний» мадрасасидаги йўриқчиларнинг шахси ўрганилдими?

– Ўрганилди, бироқ Қодир исмли шахс у ерда бўлмаган.

– Балки унинг исми шарифи ўзгартирилгандир?

– Бўлиши мумкин.

– Қодир топилмаса, ишни ёпишимиз керак.

– Ягона умидимиз Гафурдан. У топилмагунча суриштирув ишларини давом эттиришга рухсат берсангиз.

– Гафурнинг тириклигига ҳали ҳам ишонмоқдамисиз?

– Шундай! У Қодир билан ёнма-ён туриб мужоҳидларга қарши жанг қилган. Унинг тақдири ҳақида фақат Гафурдан ишончли маълумот олишимиз мумкин!

– Руслардан хабар борми?

– Ҳозирча жимлик. Мафия отаси Вадим Вольфовичнинг одамлари Гафурнинг изига тушган. Маълумотларга қараганда, Гафур руснинг катта миқдордаги бойлигини ўмариб қочган.

– Шундай бўлса, мафия отаси уни ернинг остига кирса ҳам топади. Бироқ мен унинг Россияга ўтишига ишонгим келмайди, – деди бошлиқ.

– Ҳамдўстлик мамлакатларида ҳам яшай олмайди.

– Қайси давлатга чиқиб кетиши мумкин? Вариантлар борми?

– Европага. Қўлида катта миқдорда маблағ бўлса, Мальта оролларида ўзи учун бошпана сотиб олиши мумкин.

– Европага ҳам сиғмайди.

– Балки Эргашга қарши тайёрлаш мақсадида қабул қилишар.

– Вадим Вольфовичнинг ишонган тоғи у ерда...

– Менда иккита тахмин бор. Биринчиси: мафия отаси уни топиб йўқ қилган, иккинчиси: оролларга қочиб кетган ва ҳозирда ўша ерда яшайпти.

Бошлиқ ўрнидан туриб дераза олдида келди. Тиккага келган қуёш нурлари полковникнинг юзига тушиб турарди.

– Бишкекдаги вазият мураккаблашиб бормоқда, – деди Рауф Ботирович ташқарига тикилганча, – Олинган маълумотларга қараганда, Башир Махдийга қўшимча куч жўнатишга қарор қилган. Қундуз вилоятига бориб, жангарилар тайёрлайдиган лагерь бошлиғи би-

лан учрашиб, яқин кунлар ичида йигирма бир нафар жангарини Қирғизистонга ташлашни режалаштирган. Ҳозир унинг ишончли одамлари Қирғизистонда миллат ва элатларни бир-бирига қарши қўйиш мақсадида тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бормоқда. Одамлар ўртасида саросима ва тушкунлик вужудга келган. Биз қирғиз ҳамкасбларимизни огоҳлантирдик, афсуски, улар томонидан кескин чоралар кўрилмаяпти. Бу масала ўз ҳолига ташлаб қўйилса, кўплаб одамларнинг қони тўкилади.

– Ҳуқуқ-тарғибот идоралари ходимларининг бу қадар сусткашлигининг сабабини тушунмаяпман.

– «Аждар ғор»дан ўғирлаб кетилган икки нафар генераллардан бири толибонлар билан ишлашга розилик берган. Унга катта миқдорда маблағ ваъда қилишган. Генерал наркотик моддаларни Қирғизистон орқали Россияга ва ундан чет мамлакатларга чиқариш учун имконият яратиб беришга ваъда берган. Толибонлар ўз юртларида етиштирилган героинларни хорижий мамлакатларда пуллашлари ва ундан келадиган катта фойда эвазига одамларини боқишлари ва қуроллантиришлари керак.

– Қирғизистон наркокуръерлар ўчоғига айланиб бўлди.

– Жангариларнинг мақсади ҳам шу!

– Қандай қилиб бўлмасин, Бўрон билан алоқага чиқиб, ундан Қундуздан келадиган жангариларнинг қайси йўналиш бўйича ҳаракат қилишларини, сони ва режаси ҳақидаги аниқ маълумотларни олишимиз керак.

– Жангариларнинг ўтиш вақти маълумми?

– Юборилган хабарномага қараганда, Баширнинг Тожикистондаги одами Орифзода уларни кутиб олади. Бироқ бизга айнан ўша жангариларнинг қайси координат бўйича ҳаракатланишлари номаълум.

Рауф Ботирович девордаги харита олдида келди.

– Улар ҳам Тоҷикистон орқали ҳаракат қилишадиган бўлишса, албатта бизнинг ҳудудимизни кесиб ўтишади, – деди харитадан кўз олмай. – Мақсадимиз – уларни бирлаштирмаслик. Бу қўп жиҳатдан Тоҷикистон чегарачиларига боғлиқ. Афғонистондаги ходимимиз кўпроқ ишлаши, вазиятдан бизни вақтида огоҳ қилиб туриши лозим. Яқин орада Бўрон билан алоқага чиқдингизми? – сўради Рауф Ботирович.

– Шу масалада олдингизга киргандим, – деди Махмудов.

– Нима гап? – сергак тортди полковник.

– Бўронни алоқага чиқмай қўйганига икки ҳафта бўлди. Жиддий сабаб бўлмаганда узоқ вақт жим қолиши мумкин эмасди.

– Нима сабабдан бедарак кетиши мумкин, ўргандингизми?

– Кейинги пайтда жўнатган маълумотларини кўтариб, қайтадан танишиб чиқдим. Ҳаммаси жойида. Эргаш ва унинг одамларида шубҳа уйғотадиган ҳаракатлар содир этмаган. Тўдабоши билан муносабати ҳам яхши. Толиблар томонидан хавф туғилиши мумкин эмас.

– Лагердагилар билан муносабати-чи?

– Ёмон эмасди.

– Балки Эргаш одамларини толиблар ичига ташлагандир?

– Бўлиши мумкин.

– Бўрон ёрдамчи топганмиди?

– Мурод исмли йигитга ишониб юрганди.

– Очиб қўйиши мумкинми?

– Бўроннинг айтишича у анчадан бери Эргашдан ўч олиш мақсадида юрган экан.

– Билиб бўлмайдими, хорижликлар жосусларни тайёрлашда ҳар хил усулларни қўллашади. Бўроннинг тирик ёки ўликлигини зудлик билан аниқланг.

– Тушунарли!

– Мирзааҳмад ҳақида марказ тўлиқ маълумот сўрашпти.

– Рауф Ботирович, Кобулда бизнинг Бўрондан бошқа одамимиз йўк.

– Йигитларингиздан бирини тезда Афғонистонга ташланг. Бўроннинг тақдири ҳақида бизга шошилиш хабар йўлласин. Мирзааҳмад билан Эргашнинг олаётган нафасидан ҳар соатда огоҳ бўлмоғимиз керак. Ҳарбий разведка бошқармасининг маълумотига қараганда, Амирий Туркиядан Покистонга келган. Орадан уч кун ўтиб разведка ходими уни яна Покистон аэропортида кўрган. Англия разведкаси агентининг кузатувида самолётга ўтирган. Унинг Покистонга нима мақсадда ташриф буюргани ва кимлар билан учрашгани ҳозирча бизга қоронғи. Аммо ишончим комил-ки, у Эргаш ёки Башир билан учрашган. Янги режалар ишлаб чиқишган. Улар истаган пайтда мамлакатимизга таҳдид солишлари эҳтимолдан йироқ эмас. Бундан ташқари алоқа бўлими Амирий айнан Покистонда бўлган куни Петрсон ўзининг Истанбулдаги бошлиғига қандайдир маълумотларни етказганлиги тўғрисидаги суҳбатни ёзиб олган. Афсуски, суҳбат матнини ҳозиргача тўлиқ ойдинлаштира олганимиз йўк. Янги жўнатиладиган ходим Бўроннинг тақдири билсин, мабода уни йўқотган бўлсак Мирзааҳмад жойлашган шаҳарга ўтиб, тўданинг ичига кирсин, қўлидаги одамлари ва уларнинг мақсадлари ҳақида бизни хабардор қилсин. Кейин Саманганга жўнасин, жангарилар орасидан Муродни топиб, у билан алоқага чиқсин! Лагерда ўз одамимиз бўлиши керак. Йигитларингиз ичидан шундай ходим топилади деган умиддаман!

Маҳмудов номзодни топиб қўйганди.

– Сиз айтган ходим бор, ўртоқ полковник.

– Ким?

– Капитан Қўлдошали Жайронов.

– Афғонистонда бўлганми?

– Совет қўшинлари таркибида хизмат бурчини айнан Афғонистонда ўтаган.

- Қайси қўшин таркибида?
 - Десантчилар қисмида.
 - Маҳаллий халқ тили, урф-одатидан хабардорми?
 - Шарқшунослик факультетини томомлаган.
 - Афғонистоннинг қайси шаҳарларида бўлган?
 - Хирот, Жалолобод, Қундуз, Қандаҳорда.
 - Яхши, Мирзааҳмад турган жой унга таниш экан.
- Ўзи билан гаплашдингизми?
- Жўнаш ҳақида буйрукни кутмоқда!
 - Ўн кун тайёргарликдан ўтиши керак. Тилмочлар билан ишласин!
 - Тушунарли!

КОБУЛ

Қўлдошали берилган топшириққа биноан учта йўналиш бўйича ҳаракат қилиши лозим эди. Биринчи навбатда Саманганга ўтиши, Муродни топиб, ундан Бўроннинг тақдирини суриштириши, тирик бўлса учрашиб, керакли топшириқларни бериб ортга қайтиши, мабода ўртадан олиб ташланган бўлса, ўрнига Муроднинг ўзини қолдириб, керакли топшириқларни бергач, Мирзааҳмад турган жойни аниқлаши керак эди. Амирийнинг Покистонга қандай юмуш билан келгани, кимлар билан учрашгани тўғрисидаги маълумотларни жамлаш эса учинчи вариантга тааллуқли эди.

Махфий зобит бир ҳафталик тайёргарликдан ўтгач, Афғонистонга жўнади. Белгиланган йўналишлар бўйича ҳаракат қилиб, Саманганга етиб келди. Эргашнинг одамларидан бири булоқдан сув ташиш учун келиб-кейтиши унга маълум қилинганди. Булоқ атрофида сувчини кутишга қарор қилди. Бироқ у эртаси куни келди. Аравакаш ёшгина йигит эди. Қўлдошалини «Шу ерлик одамлардан бўлса керак» деб ўйлади. У аравакашга ёрдамлашди.

– Бу ерга илгари сендан бошқа йигит келиб турарди, – деди у гапни олисдан бошлаб. – Кейинги пайтда кўринмай қолди?

– Мен янгиман, – деди аравакаш. – Исмини айтинг?

– Ўрта бўйли, қорачадан келган.

Аравакаш ўйланиб турди.

– Лагердагиларнинг ҳаммаси қорачадан келганди, хозир қоп-қора бўлиб кетган.

– Адашмасам Баҳромми, Бўронми, ҳар қалай шу исмларга яқин эди.

– Бўрон! Танийман уни!

– Юрибдими? Нега сув ташигани келмай қўйди?

– Уни Эргашбойга ёрдамчи қилиб тайинлашди...

– Э, кўтарилиб кетибди-да! – Қўлдошали ичида Бўроннинг тириклигидан қувонди.

– Лекин яқинда бошига мусибат тушди, – деди аравакаш пақирдаги сувни бочкага қуяр экан.

– Қандай мусибат?

– Лагердаги қуролларни олиб кетаётган машина йўлда портлаб кетди...

– Нима, сизларнинг қуролларингизни олиб қўйишдими?

– Йўқ, кимдир уни портлатиб юборган.

– Бунга Бўроннинг нима алоқаси бор?

– Ҳамма гап шунда-да, – ўзи билмаган ҳолда сирни оча бошлади аравакаш. – Қуролларни юклашаётганда Бўрон машина олдида турган экан. Толиблардан бирининг кўзи тушиб қолганмиш. Аксига олгандек, машина портлаганда айнан ўша толиб тирик қолибди. Бошлиқлари сўроқ қилса, «Машина олдида Бўрон турган, бомбани у жойлаган бўлиши мумкин» деб айтибди. Орадан икки кун ўтмай беш нафар толиб келиб, Бўрон билан Мурод исмли йигитни ушлаб кетишди. Эшитишимча иккисини ҳам дорга осишганмиш...

– Шундай де...

– Шунақа гаплар, ака.

Қўлдошалининг руҳи тушди. Аравакаш идишни сув-га тўлдириб, лагерга қайтди. Зобит Бўрон ва Мурод билан боғлиқ воқеани марказга маълум қилди. Марказ ходимига қуйидаги топширикни берди:

– Иккинчи вариант бўйича ишланг. Мирзааҳмад яшаётган жойни аниқланг. Сўнг Саманганга қайтинг. Аравакаш билан алоқага чиқинг. Шахсини, яшаган жойини, қандай мақсад билан Эргашнинг тўдасига кириб қолганлигини ўрганинг. Сизда унга нисбатан ишонч уйғонса, алоқачи сифатида фойдаланинг!

Қўлдошали Жалолободга жўнади. Мирзааҳмад яшаётган жойни топиш учун бир ҳафта вақт сарфлади. Лашкарбошининг қароргоҳи бозорнинг орқа томонида жойлашганди. Қўлдошали йўл ёқасида косибчилик дўкончасини очди. Ўтган-кетганларнинг оёқ кийимларига ямоқ солиб ўтирди. Бир куни жангарилардан бири ундан шубҳаланиб қолди:

– Қўзимга иссиқ кўриняпсан, – деди у косибнинг юзига тикилиб. – Сен бу ерда бежиз пайдо бўлиб қолмадинг!

Қўлдошали ўзи тенги бу одамнинг юзига тикилди, башараси нотанишдек туюлди.

– Мен қишлоқда косибчилик қилардим. Балки ўша ерда кўрган дирсан. – деди форс тилида.

– Алдама, кўзларинг менга таниш. Сени бу ерда эмас, Ўзбекистонда кўрганман!

– Кимгадир ўхшатяпсан мени...

– Сезиб турибман, ўзингни этикдўз қилиб кўрсатиб, бизни кузатаётган жосуссан!

– Адашдинг биродар, агар менинг кўзларимга жиддийроқ разм солганингда кўпдан бери овқатга тўймаганимни, қашшоқлигимни, қийналиб яшаётганимни сезган бўлардинг!

Жангари унинг юзига қараб-қараб кетди. Қўлдошали асбоб-ускуналарини йиғиштириб жилворгиси келди, аммо ишлаб чиқилган режа барбод бўлишини ўйлаб, ишини давом эттиришга қарор қилди. Бир оз ўтиб жангари иккита шеригини эргаштириб келди. Бири қуролини Қўлдошалининг елкасига тираб, иккинчиси кўлидан ушлаб уни маҳкамага олиб кетишди. Кичкинагина хонага қамаб қўйишди. Мирзааҳмад унга рўпара бўлишни истамеди. «Таниб қолса, ўлганимга шубҳа қилади» деб ўйлади. Баширга сим қоқди.

– Биз айғоқчини тутдик. Кўринишидан бизнинг юртимиздан ўтганга ўхшайди!

– Жосуслигини исботлайдиган далил топдингизми? Ёнидан бирорга ҳужжат чиқдимми?

– У билан гаплашмадим, аммо кўринишидан изимга тушган жосуслардан эканлигини сездим.

– Яхши, унга кўринманг. Мен одамларимни жўнатаман. Уни бу ерга олиб келиб, ўзимиз тергов қиламиз. Бундай одамнинг қўлга туширишни кўпдан бери кутаётгандик!

Башир ўша куниёқ соқчиларини жўнатди. Келиб Қўлдошалини Кобулга олиб кетишди.

Жосуслар етакчиси уни кўргандаёқ Мирзааҳмаднинг шубҳаси ҳақ эканлигига иқрор бўлди. Бу ҳақда Жон Дэвидни огоҳлантирди. Эргашнинг лагерида бўлган кўплаб кўнгилсизликларнинг бош сабабчисини излаб юрган Жон Дэвид учун махфий хизматчининг қўлга олиниши айни муддао эди. У бу янгиликни бошлиғига етказди.

– Унинг қўлга олиниши биз учун ҳозиргача мавҳум бўлган кўплаб муаммолар эшигини очиб беради. Ахир Эргашнинг лагеридан ўнлаб одамлар қочди. Қуроллар юклаган машина портлатилди. Юртидаги алоқачиларнинг барчаси қўлга олинди. Чеченистонга ташлаган ажнабийларни чегарада руслар тутиб олди. Москва-

да вагонга яширилган юз килограммдан ортиқ героин фош бўлди. Кенгашнинг аъзолари ўлдирилди. Булар ким томонидан амалга оширилганини асирга олинган жосусдан билиб олишимиз шарт. Жосусни сўроқ қилишда ўзингиз иштирок этинг. Баширнинг одамлари асирларга ҳайвонларча муносабатда бўлишади. Қийнаб ўлдириб қўйишлари мумкин. Пул, бойлик, уй-жой, дала ҳовли, қўйингки нимани хоҳласа ваъда қилинг! Агар унинг мақсадини била олсак, биз жуда катта маълумотларни қўлга киритибгина қолмай, балки Мулла Умарнинг бизга бўлган совуқ муносабатини қайтадан тиклаймиз. Унутманг, Дэвид, ҳар икки тўдада жосуснинг содиқ алоқачилари бор. Буни кўнглим сезиб турибди. Унинг шахсини билишимиз керак. Мени тушундингизми? У биз учун ўта муҳим.

– Тушундим, сэр!

– Яна бир гап, агар сиз алоқачиларнинг кимлигини аниқлай олсангиз, Чегечининг уйдаги махфий маълумотларни ўғирлаб кетган одамни ҳам топамиз.

– Ишончингизни оқлашга ҳаракат қиламан, сэр!

– Умидим сиздан. Бошингизга қўнган бахт ва омад қушини учуриб юборманг. Икки миллионлик чекни муддатидан олдин олишингиз учун сизда имконият туғилган. Мабода ўзингиз удда қилолмасангиз, олдига Фафурни киритинг! Умид қиламанки, у буни қойиллатади.

– Ҳозироқ ишга киришаман!

– Дарвоқе, тутқун қаерда?

– Тошли турмада.

– Яхши, у ердан қочиб кета олмайди.

– Сиз қамоқхонани кўрганмисиз, сэр?

– Унинг қурилганига юз йилдан ошган, шу кунгача бирорта маҳбус ўз оёғи билан чиқиб кетганини эшитмаганман. Яна бир гап, анча олдин мен турма нозирига немис овчаркаларини совға қилгандим. Борганингизда итларнинг тақдири билан қизиқиб қўйсангиз.

– Топшириғим бажарилди деб ҳисобланг, сэр!

Кечки пайт Жон Дэвид қамоқхонага келди. Башир унинг келишини ва қўлга олинган кимса билан учрашишини турма нозирига тайинлаганди. Нозир уни ертўлада ётган тутқуннинг олдига бошлаб кирмади.

– Сассиқ ва бадбўй ис кайфиятингизни тушуриб юбориши мумкин. Яхшиси шу ерга олиб чиқаман уни, – деди.

– Овора бўлманг, тақсир. Мен уни қандай дам олаётганини кўришим керак! – жавоб қилди Жон Дэвид.

Нозир имкон қадар хорижликни пастга олиб тушишни истамасди. Тўғрироғи ер остидаги хоналарда очлик, калтак азобларидан қийналиб ўлолмай жон талашиб ётган маҳбусларнинг аянчли аҳволини кўрсатишни истамасди.

– Хоналар қоронғи, бундан ташқари у ерда бит ва каналар бўлиши мумкин.

– Ҳечқиси йўқ! – эътироз билдирди Дэвид.

– Шифокорларнинг айтишича, тутқунларнинг айримлари тиф билан касалланган. Юқиб қолиши мумкин.

Жон Дэвид ўйланиб турди-да, «майли, олиб чиқинг» деб розилик билдирди.

Нозир ертўлага тушиб кетди. Бир оз ўтиб эти суягига ёпишиб қолган маҳбусни олдига солиб кирди.

Дэвид бир оз қисилган кўзлари билан унга назар ташлади.

– Қўлга тушганингни раҳбарларинг билиб бўлди, – деди худди унинг қисматига ачинган одамдек. – Энди сенга ишонишмайди. Маслаҳатим, бизнинг сўзларимизга қулоқ сол. Айтганимизни қил, ёмон бўлмайсан!

– Нима истайсиз?

– Сени қандай мақсадда ўтказишган бу ерга? Тўғри жавоб берсанг, ҳозироқ дарвозани очиб қўяман. Хоҳлаган томонингга кетишинг мумкин.

– Мени ким деб ўйлаяпсан? – эътироз билдирди тутқун. – Мен оддий этикдўзман.

– Сен этикдўз қиёфасидаги жосуссан! Мирзааҳмаднинг йигитлари ичидан ўзингга ёрдамчи топиш мақсадида келгансан. Эргашнинг тўдасида ҳам шундай алоқачинг борлиги, ундан махфий маълумотларни олиб туришинг бизга маълум.

– Маълум бўлса айбимни исботла, ким билан учрашибман? Юзлаштир!

– Далилим бўлганда сўроқ қилиб ўтирмасдим.

– Мақсадинг нима?

– Алоқачининг исмини айт!

– Танишларингдан бирортасига ўхшатыпсан!

– Сен ўзбексан!

– Афғонистонда уч миллион нафар ўзбек яшайди. Мен ўшаларнинг бириман!

– Гапни айланторма, саволимга тўғри ва аниқ жавоб қайтар!

– Сен кимсан ўзи?

– Биз Афғонистоннинг хавфсизлигини ўйлаймиз. Четдан кириб келган ҳар қандай одам унинг хавфсизлигига, амалдаги раҳбарларининг ҳаётига таҳдид солиши мумкин!

– Афғонистоннинг хавфсизлигига таҳдид солиш менинг қўлимдан келмайди!

– Сен разведка ходимсан. Эргаш билан лашкарбоши эса сенинг юртингдан қочиб ўтган. Мақсадинг унинг одамларининг қўли билан лашкарбошини ҳам, тўдабошини ҳам йўқ қилиш бўлган!

– Мен ўзбекларни яхши биламан, улар шу пайтгача Афғонистонга бирорта қурол-яроғ олиб кирмаган. Аксинча, йигирма беш йилдан бери уруш жафосидан азоб чекиб, қийналган халқни кийим-кечак, озиқ-овқат ва дори-дармон билан мунтазам таъминлаб келмоқда. Қани, менга айтчи, Афғонистонга бундай беғараз ёрдамни қайси давлат бермоқда? Мақсадинг бу ерда тинч-

лик ва барқарорликни юзага келтириш экан, нега оч ва қашшоқ халқнинг қўлига қурол тутқазасан?

Жон Дэвиднинг юзида заҳарханда кулги ўйнади. У лабини тишлади. Нима дейишни билмай ўйлашиб қолди. Хаёлига келган гаплар билан унинг тилини қисмоқчи бўлди.

– Бир пайтлар бу ерларни сен улуғлаётган юртнинг эгалари Темур, Бобурлар босиб олишганини биласан. Халқининг бошига оғир мусибатларни солганини китобларда ўқигансан. Одамларнинг қони ариқларда оққанини-чи? Бу тарих саҳифаларига битилган ҳақиқат!

– Одамларнинг қўлига қурол тутқазиб, уларни бир-бирига гиж-гижлаётган кимсалар, наҳотки сени мамлакатнинг тарихи билан чуқурроқ таништиришмаган бўлишса? Сен босқинчи деб билган одамлар бу юртда бунёдкорлик ишларини олиб боришган. Афғонлар билан ҳамжиҳат яшашган. Амур Темур, Ҳусайн Бойқаро, Навоий, Бобур Мирзо, Шохрух Мирзолар илм-фанни, маданиятни, маънавиятни ривожлантиришган. Мактаблар, касалхоналар, етимхонлар, сув иншоотлари қуришган, ерларни ўзлаштириб, боғ-роғлар барпо этишган. Навоий форс ва ўзбек тилларида ижод қилиб, икки миллатнинг манавиятини, адабиётини юксалтирган. Мустақил Афғонистон давлати 1747 йилда ташкил топган. Ўшанда Аҳмад Шох Дурдоний биринчи шох бўлган эди. Афғон амири Темуршоҳ билан Бухоро амири Амир Шохмурод ўртасидаги шартномага асосан Бухоро амирлигига қарашли бўлган Амударёнинг жанубидаги ерлар Афғонистонга берилганди. Шундан бери Ўзбекистон бу ўлкага фақат тинчлик тилайди.

– Ўзбеклар бундан манфаатдор бўлган-да!

– Манфаатдорлиги юртнинг тинчлиги, афғон халқининг осойишта турмуши, аҳолисининг фаравонлигида. Бундан-да буюк яна қандай манфаат бўлиши мумкин?! «Қўшнинг тинч – сен тинч» деган мақол айнан ўзбек-

нинг мақоли эмасми?! Улар бу юртда тинчлик ҳамда барқарорликнинг ўрнатилишини, дунё харитасида мустақил ва озод Афғонистоннинг пайдо бўлишини истайди. Яқин йиллар ичида Европанинг манамаман деган мамлакатларидан қолишмайдиган янги Афғонистон дунё харитасида пайдо бўлади. Яна шуни унутмагинки, бу мамлакатдаги тинчлик ва барқарорликни қурол билан ҳал этиб бўлмайди. Кимки қурол кўтариб кирибдими, демак, унинг нияти ёмон. Бу юртда деярли уч миллион ўзбек яшайди. Хориждаги ўзбекларни этник тараққиёти, маданияти бевосита Ўзбекистон билан боғлиқ... Сўзларингга кулоқ солсам, четдан қараганда, бизнинг халқларимиз тарихини чуқур биладиган инсонга ўхшайсан. Сен тан олишни хоҳламаган жиҳатларни айтиб ўтмоқчиман. Биргина мисол: мўғуллар дунёни забт этиш учун жуда кўп халқлар билан қирғинбарот урушларни олиб боришди. Очиқ майдонда жанг қилган ҳолатда мағлубиятга учрадилар ҳам. Шулардан бири айнан афғон ҳудудида бўлган. Фазна шаҳри яқинидаги Парвона жангида Султон Жалолиддин қўшинлари мўғулларни мағлуб этади. Жангда айнан афғонлар ва мовароуннаҳрликлар елкама-елка туриб, босқинчиларга қарши курашишгани учун ҳам ғалабага эришадилар. Бу икки халқнинг тарихи ва тақдири азалдан бир эканлигидан далолат бермайдими? Нима учун бу жиҳатларни айтиб ўтмадинг? Буларни сен ҳам яхши биласан-ку? Сабаби аниқ, сен билан бизнинг манфаатларимиз, қарашларимиз турлича. Чунки бу жиҳатлар сенинг манфаатларингга мос тушмайди. 1838 йилда бошланган инглиз – афғон урушидан буён бу мамлакатда тинчлик мустаҳкам қарор топгани йўқ. Халқ йиллар давомида ўзининг кўплаб жигарларидан, яқинларидан, фарзандларидан жудо бўлди. Уларнинг юрак-бағри эзилиб тундай тўкилиб кетган. Элнинг ягона мақсади, орзуси – тинчлик, осойишталик, барқарорлик. Лекин жаҳонни

ўз измига бўйсундирмоқчи бўлган сендай корчалонлар учун бу ўлкани хотиржамлик ўрнатишдан кўра қурол-яроғ синовларини ўтказадиган, жаҳон халқларининг тинчлигига раҳна соладиган маконга айлантириш муҳимроқдир. Ё менинг гапларим нотўғрими?

Жон Дэвид чуқур ўйга толди. Йигитнинг гапларини инкор қилишга асос топа олмади. Шу тобда кўкрагининг остидаги ўлиб бораётган виждони ўйғона бошлаган ва ўзининг тириклигини билдириш мақсадида юрагининг бир четида оғриқ қўзғотганди. Аслида бутун дунё халқлари каби ўзининг халқи ҳам Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик ўрнатилишининг тарафдори эканлигини яхши тушунарди. Жон Дэвид кимларнингдир сиёсати қурбонига айланаётганини англаб етди. Афсусларки, ҳақиқатни тан олиб, суҳбатдоши қаршисида бўйин экиси келса-да, бунга ғурури йўл қўймади.

– Менинг мақсадимни билдинг, хўш, ўзингнинг ниятинг нима? – сўради саволига жавоб ололмаган Қўлдошали суҳбатдошининг фикрини билиш мақсадида. – Сен ўзингга-ўзинг савол бериб кўрчи? Нима учун бу юртга келдинг? Бу юртда нима ишларни қиляпсан, мақсадинг нима? Фаолиятингнинг қанча қисми афғон халқининг манфаати учун мос келади. Ва қанчаси унинг зарарига ишлайди? Одиллик билан ҳукм чиқар. Бир нарса аниқ-ки, инсон ҳеч қачон ўзини ўзи алдаёлмайди. Виждони олдида барча ишларига иқроп бўлади. Хулоса қилиш эса сенинг ҳукмингга ҳавола.

Юрагида оғриқ турган Жон Дэвид маҳбуснинг олдида қололмаслигини ҳамда у билан баҳсни давом эттиролмаслигини тушунди. Бу билими етмаганидан эмас, Қўлдошали томонидан айтилган ҳақ сўзларнинг ростилиги ва қудратидан эди. Тангадек нур зулмат пардасини парчалаб ташлаганидек, адолат уни тезроқ ташқарига чиқишга ундади. Ўйинни бой берганини тан олди. Аммо қаҳрамонимизнинг юраги қанчалик эзилмасин,

хақиқат устун келмасин, бари бир ўзининг келажагини кўз олдидан кетказолмасди. Топшириқни бажармайдиган бўлса, бошлиқлари унга ваъда қилинган пулларнинг ярмини ҳам бермайди.

– Мен сен билан узоқ гаплашмоқчи эдим, афсуски, вақтим тизиз. Албатта яна кўришамиз деган умиддаман! – Жон Дэвид шу сўзларни айтиб хонадан чиқиб кетди. Уни панжара ортида нозир кутиб турарди.

– Рухсат берсангиз, бугун тунда йигитларим уни мулла минган эшакдай қилиб қўйишади, – деди у Дэвиднинг ортидан эргашиб борар экан.

– Кераги йўқ. Мен бошқа усул қўлламан! Ўзи оғзидан гуллаб қўйганини билмай қолади.

Дэвид машинасига ўтираётганда бошлиғининг сўзи ёдига тушди.

– Сизга совға қилинган итлар юрибдими?

– Улар қарамоғимизда, – деди нозир. – Кунига тўрт маҳал гўшт ейишади.

– Жуда яхши, жониворларни оч қолдирманг!

Дэвид машинасини ўт олдириб жўнаб кетди. Нозир темир дарвозага қулф солди. Қамоқхона ортидан итларнинг безовта хургани эшитилди.

ЮРТДА

Бир қозонда икки кўчқорнинг боши қайнамас деганларидек, Мирзааҳмад Эргашни кўрарга кўзи йўқ эди. Қалбини қасос оташи ёндирарди. Йўлини топиб, душманининг оёғига болта уришни пойларди. Одамлари кунора у ҳақда ёлғон-яшиқ гап-сўзларни келтириб туришарди. Орада ҳуқуқ-тартибот идораларининг ходимлари ҳам усталик билан икки «кўчқор» ўртасидаги зиддиятни кучайтирган кичкинагина хўракни ташлаб қўйишди. Баданига игнадек санчилаётган гаплар охир-оқибат Мирзааҳмаднинг сабр косасини тўлдирди.

«Хунаса билан ҳисоб-китобни жойига қўймасам бўлмайди» деди. Ишончли одамларини хонасига тўплади.

– Эргаш менинг ўрнимга кўз тикаётганмиш. Уни тутиб келасанлар! Осмонга чиққан бўлса оёғидан тортинглар, ерга кирган бўлса қулоғидан тортинглар! Эрталаб олдимда бўлиши шарт!

Эргаш бу топшириқдан беҳабар бўлса-да, «Ўрнимни олмоқчи эмиш» деган гап қулоғига етиб, асаблари қақшаганди. Одамларига уни обрўсизлантиришга ва яширинча ўч олишга топшириқ берганди.

Топшириқни олган Мирзааҳмаднинг йигитлари қоронғи тушганда тўртта гуруҳга бўлиниб, Эргашнинг изига тушишди. Одамларининг қаерда бўлишини билишарди-ю, аммо ўзининг қаердалигини билишмасди. Бир нечта тахминлари бор эди. Ўзларига маълум бўлган жойларга жўнашди. Йигитлардан бири уни қаерда бўлишини биларди. Шерикларини бошлаб ўша томонга жўнади. Шаҳардан ўн чақиримча олисдаги Соҳилобод шаҳарчасига тушишди. Янги қурилаётган уйлардан бирининг олдида тўхташди.

– Сизлар шу ерда туринглар, мен девор ошиб ичкарига кирай, Эргаш бўлса, хабар бераман, одамларимизни бошлаб келасизлар, – аскарлардан бири шерикларига шундай деб, ўзи девор ошди. Ҳовлида ҳеч ким кўринмас эди, аммо ичкаридаги уйнинг чироғи ёниқ бўлиб, тортилган пардадан унинг ёруғи ташқарига кўриниб турарди. Ичкарида одамлар борлигини шундан билса бўларди. Аскар оёқ учида юриб, дераза ёнига келди. Ойнага қулоғини қадади. Ғўнғир-ғўнғир овоз эшитилди. Эргашни товушини ажратиб ҳам олди. Кейин эшикни оҳистагина чертди. Елкасига чопон ташлаган уй эгаси чиқди. Остонада турган бегона одамни кўриб, рангидан қон қочди.

– Кимсан? Нега келдинг?

– Эргашбой шу ердами?

- Нима ишинг бор?
- Мен одамиман, гаплашишим керак!
- Гапинг бўлса менга айт! У банд!
- Ўзига айтишим зарур!

Уй эгаси унинг бошидан оёғигача кўз югуртириб чиқди. Кейин деди:

– Кир!

Аскар остонани босиб ўтди.

Эргаш йигитни таниди. Бу Мирзааҳмаднинг одамлари орасига киритган айғоқчиларидан бири эди. Кўзлари бежолигидан қандайдир нохушлик бўлганини пайқади.

- Нима гап, Арслон?
- Муҳим гап бор, хўжайин.

Улар қўшни хонага чиқишди.

– Мирзааҳмад одамларига сизни эрталабгача тутиб келишни буюрди. Ҳозир аскарлар шаҳарда сизни излаб юришибди.

- Мени нима қилмоқчи экан?
- Унга бошингиз керак!
- Бошим?! Лаънати қутириб кетибди-да!

Эргаш бир зум ўйланиб турди-да, айғоқчисидан сўради:

- Уйига қачон қайтади?
- Ярим тунда.
- Шотирлари кузатиб қўядими?
- Ўзи кетади.
- Яхши, бориб ишингни давом эттиравер.

Эргаш лашкарбоши билан учрашгиси келди.

– Мирзааҳмад хунаса одамларига мени тутишни буюрибди, – деди ичкарида ўтирган шерикларига. – Ҳозир аскарлар шаҳарда мени излаб юришганмиш.

– Мушукни ўлгиси келса, бўри билан ўйнашади, хўжайин, – кулди ўтирганлардан бири.

– Ҳозир унинг уйига борамиз. Ўша ерда ҳисоб-китоб қиламиз.

– Маъкул гап, танобини тортиб қўймасак, у баттар қутуради!

Эргаш шотирларини эргаштириб, шаҳарга жўнади. Бу пайтда Мирзааҳмад қароргоҳидан қайтадиган пайт бўлганди. Эргаш бошчилик тўрт йигит девор ошиб, ичкарига киришди. Гаражда уй эгасининг машинаси кўринмасди. Демак, у ҳали қайтмаган. Қасоскорлар гуллар орасига яшириниб, лашкарбошининг ичкарига кириб келишини кутишди. Ярим соатлар ўтиб, кўча эшик олдида машина тўхтади. Лашкарбоши дарвозани очиб, ичкарига кирди ва яна дарвозага қулф солиб, ёзилгани хожатхонага ўтди. Эргаш шуни кутганди. Одамларига имо қилди. Улар Мирзааҳмадни оғзига ифлос латтани тикиб, оғилга олиб киришди. У Эргашни таниди:

– Думларинг етказибди-да! – деди оёғи остига тупириб.

– Ёмон хабарнинг қаноти бўлади! – деди Эргаш. – Мен сенга нима ёмонлик қилдим-ки, тутишга буюрибсан? Қасдинг бўлса, ўзим борардим ўша искирт хонангга!

– Шаҳарда иккимиздан биримиз қолишимиз керак!

– Демак, менинг қолишим аниқроқ!..

Мирзааҳмад Эргашнинг ахдидан қайтмаслигини билди:

– Одамларинг билан мен томонга ўтсанг, сени ментларнинг чангалидан қутқариб қолишим мумкин, лекин бир шарт билан! – деди муроса йўлини танлаб.

Эргашнинг қизиқиши ортди.

– Қандай шарт экан?

– Одамларингдан иккитаси менинг йигитларим томонидан содир этилган учта қотилликни гарданларига олишади.

– О-о, жуда катта кетдинг-ку! Балки мен ҳам бирорта қотилликни бўйнимга олишим керакдир? Бугун одамларимни қаматсанг, эртага албатта ўзимни турмага тикасан. Сендан ҳар қандай аблахликни кутиш мумкин!

– Бу сенга берилган имконият. Ихтиёр ўзингда. Ментлар одамларингга қўшиб ўзингни ҳам қамашганда кўзинг очилади.

– Қамашмасидан аввал сен билан ҳисоб-китоб қилиб олсам, армоним қолмасди.

– Сен билан нариги дунёда ҳам келишолмаймиз!

– Мени кечир, ҳадемай тонг ёришади. Хотининг уй-фонмай, бажаридиган ишимни бажариб олишим керак!

Эргаш йигитларига қаради ва бармоғи билан тўсинни кўрсатди. Унинг ишорасини тушунган йигитлар тўсинга арқон осишди. Мирзааҳмад шунда кўрқувни ҳис этди. Кўзлари чаноғидан ирғиб чиқаёзди. Қочиб кетмоқчи бўлди, қароқчилар йўлини тўсишди. Мирзааҳмад уларни туртиб юборди. Эргашнинг одамларидан бири қорнига мушт туширди. Кейин қўлини қайиришди.

– Бундай қилма... мен сенга ва одамларингга тегмайман. Шаҳарни сенга топшираман. Айтган гапимни қайтиб олдим, ўлдирма! Истаган пулингни оласан! Бугундан бошлаб йигитларим измингда бўлишади!

– Эргаш шу пайтгача қароридан қайтмаган! Кейин сенинг орқаси шилта лашкарларингни менга кераги йўқ! – деди тўдабоши.

Йигитлардан бири уни сандал устига чиқарди ва бўйнига арқон солди. Иккинчиси сандални олди. Мирзааҳмад типирчилаб, осилиб, соатнинг капгиридай тебраниб қолди. Эргаш ёрдамчиларини эргаштириб, оғилдан чиқиб кетар экан, гурсиллаган товушни эшитмади. Арқон узилганди. Мирзааҳмад ерга тушганида ўпкасидаги димикқан ҳаво хуштак мисоли чийиллаб, бўғзини ёриб чиқди. Боши сандалнинг қиррасига тегиб, хушидан кетди. Бир соат ўтиб кўзини очди, лекин ўрнидан туролмади. Боши оғрирди. Ташқарида оёқ товуши эшитилди. Эшик қия очиқ турарди. Тонг ёришганди. Мирзааҳмад йўлакдан ўтиб бораётган аёлини кўрди.

– Ке... – овози зўрға чиқди.

Аёл чўчинқиради, атрофга аланглади. Кўзи оғилда букланиб ётган эрига тушди:

– Войдод!!

– Овозингни ўчир, – ингради Мирзааҳмад қўлини силтаб.

– Нима бўлди сизга, ким калтаклади? – аёл қўйлагининг этаги билан эрининг юзидаги қонни артди.

– Овозингни ўчир дедим, палакат...

– Нега мени чақирмадингиз?

– Чақирсам қутқариб қолармидинг? Менга қўшиб сени ҳам осиб кетишарди.

– Қайси уйингга ўт тушгур шу аҳволга солди сизни?

Мирзааҳмад бошини сиртмоққа илганларнинг кимлигини айтмади.

– Қоронғида танимадим, – дея минғирлади.

Лашкарбоши бўйнидан арқонни олиб, аёлига узатди:

– Эҳтиётлаб қўй. Сўраганимда берасан. Уларнинг бошини шунга илмасам, энамнинг сути ҳаром бўлсин!

Мирзааҳмад аёлининг қўлидан ушлаб ўрнидан турди, оғилдан чиқиб ётоқхонасига кирди. Бир пиёла чой ичиб, ўзига келди.

– Самадга тилпон қил, тезда кесин!

Ярим соат ўтиб, Самад келди. Мирзааҳмаднинг ахволини кўриб:

– Нима бўлди, хўжайин, ким калтаклади? – деб сўради.

– Падарингга лаънат Эргаш кечаси келишимни пойлаб ичкарида яшириниб турган экан. Одамлари оғилга олиб кириб, осиб кетишди. Бахтимга арқон узилиб, омон қолдим.

– Худо сизни асрабди, хўжайин. Йигитларга айтайми, тутиб келишади.

– Товуқ мия, уни тутиб бўлганда аллақачон гўштини гўштга, суягини суякка ажратардим.

– Қонга – қон, жонга – жон хўжайин!

– Идорада нима гаплар?

– Бугун тунда хунук иш бўлди, хўжайин. Қўшни мамлакатдан келаётган одамимизни мелиса тутиб олибди. Машинасининг орқасидан иккита ботинка қутида автоматнинг ўқини топиб олибди.

– Наҳс босмай ўлсин, пес, келиб-келиб ўзимизда қўлга тушадими?

– Нимасини айтасиз, хўжайин, қанча постлардан ўтган одам ўзимизда тумшуғидан илиниб турса-я!

– Ўзи қаерда?

– Қамаб қўйишган бўлса керак.

– Беш-ўн сўм бериб чиқиб кетса ўлармиди?

– Ҳаракат қилибди, бир лимон ташлайман деса ҳам қўйвормабди.

– Ўқни топиб олишган бўлса, сўроқ қилишади. Қардан, кимга олиб келаётгандинг деб қистовга олишади. Энди мени Худо урди, Самад. У хунаса сотади. Мирзааҳмад айтганди дейди. Бошимга бало бўлди. Ўзи шу етмай турувди.

Лашкарбошининг мақсади беш-ўн кун уйида яшириниб ётиш, кейин Эргашнинг изига одам қўйиб, қўлга тушириб, боя аёлининг қўлига тутқазган арқонга бошини илиш эди. Одами икки қути ўқ билан қўлга тушган бўлса, албатта мелиса бугуноқ уни сўроқлайди. Мирзааҳмаднинг фикри ўзгарди. У яна Самадга қаради:

– Савдогарнинг боласи ётибдими?

Самад хўжайин нимага ишора қилганини тушунди. Икки кун бурун ёшгина йигитни кўчада бегона қиз билан қўл ушлашиб кетаётганда тутиб олишганди. Қизни яланғочлаб, чинорга боғлашди, йигитни эса қароргоҳга олиб келиб, оёғидан осиб, отасини чақиртиришди. Унинг савдогарлигини билишгач, ўлпон солишди.

– Ўғлингнинг айби учун беш миллион тўлайсан. Бир кун муҳлат, топиб келмасанг, ҳар соатда бошидан бир челақдан совуқ сув қуямиз! – деб дўқ уришди.

– Ахир у қиз ўғлимга унаштириб қўйилган, бузук эмасди, қолаверса, ўғлим ёмон йўлга юрмайди, – ўзича тушунтиришга уринди савдогар.

– Суриштирдик, улар шаърий никоҳдан ўтишмаган. Шундай бўлгач, шариат қонуни бўйича бир-бирларига номаҳрамдурлар! – тушунтирди жангарилардан бири. – Яхшиси тезроқ уйинга чоп, айтган тавон пулини топиб кел! Йўқса, боя айтганимдек ҳар соатда бошидан бир пақирдан совуқ сув қуямиз!

Савдогар уйига чопди, қариндош-уруғларидан пул сўради. Бироқ айтилган пулнинг барини тополмади. Кечки пайт қароргоҳга келди. Ертўлага тушганида иккита жангари ярим ялонғоч йигитнинг бошидан сув қуяётганди. Совуқдан бадани кўкариб кетган, жикқа хўл бўлган боши кўкрагига осилиб тушган йигитнинг икки кўзидан ёш оқиб тушарди.

– Ота, мени бу ердан олиб чиқиб кетинг, – зўрға гапирди бола.

Савдогар ўғлининг ахволини кўриб додлаб юборди.

– Барака топгурлар, раҳм қилинглар, болам ўлиб қолади!..

– Бола керак бўлса, пулни топиб кел! – кулди жангари.

– Топиб келаман! Фақат уни қийнаманглар! У менинг ёлғиз фарзандим. Ўлиб қолса мен ҳам тириклай қабрга кираман! – ялинди ота жангарининг оёғига йиқилиб.

– Муддат тугади, боланг жазосини олиши керак! – Лашкар пақирдаги совуқ сувни йигитнинг бошидан қўйди. Йигит ҳеч нарсани ҳис этмасди. Фақат бадани титрарди.

Савдогар ўғлининг олдига келди. Уни бағрига босгиси, қалбининг ҳарорати билан танасини илитгиси келди. Жангарилар савдогарни судрашди.

– Яқинлашма!

– Эй Худо, бу не қўргилик!

Ота йиғларди. Бола инграрди.

– Эрталабгача кутинглар, уйимни сотиб, пулни топиб келаман! Фақат бир илтимосим, боламни қийнаманглар! Бошидан сув қуйманглар! – ялинди савдогар.

Жангарилар бош ирғашди. Ота икки кўзини ёшлаб, юрак-бағрини доғлаб чиқиб кетди.

Ҳозир Мирзааҳмаднинг эсига ўша йигит тушганди.

– Ўлиб қолди, – бепарволик билан қўл силтади Самад.

– Нега ўлади? Урдиларингми?

– Бошига ўн пақир яхна сув қуйгандик, шу таъсир қилган бўлса керак. Тунда кирсам, осилган жойида тарашадек қотиб қолибди.

– Мелиса биздан юз ўғирди. Прокурор ишимиздан кир қидирмоқда. Одамимиз ўқ билан қўлга тушди. Бир ой ичида идорамиздан тўртта одамнинг жасади чиқди!

– Ҳаммасининг айби бор-да, хўжайин!

– Айби ўлимга яраша эмасди, нодон! Сенлар бегоналарнинг гуноҳини бўйнига қўяман деб уларни уриб ўлдирдиларинг!

Мирзааҳмад бошини чангаллади. Бир фурсат ўйлашиб, Самаддан сўради:

– Ўлиги ертўладами?

– Осилиб турибди.

– Бировга билдирмай, жасадини бу ерга олиб кел! Отаси сўраса, боланг қочиб кетди де!

– Нимага?

– Тушларим булғаняпти, бир томондан мелиса изимга тушган, иккинчи томондан Эргашнинг одамлари осиб кетишди. Тирик қолганимни билишса, яна келишади. Қамалсам, турмада ҳам соғ қўйишмайди.

– Нафасингизни иссиқ қилинг, хўжайин...

– Гап қайтарма, ҳазилнинг мавриди эмас, айтганимни бажар!

Шу пайт телефон жиринглаб қолди. Мирзааҳмад Самадга юзланди. «Ол» дегандек ишора қилди.

- Эшитаман! – деди у овозини ўзгартириб.
Гўшакдан таниш овоз эшитилди.
- Хўжайин уйдадилар?
– Нима гап, тинчликми?
– Прокурор сўраяпти...
– Ҳозир борарканлар де!
Самад гўшакни жойига қўйди.
- Идорага борасизми, хўжайин?
– Прокурор мени бекордан-бекорга йўқламаган.
Борсам тумшуғимдан илинаман. Бу ердан тезроқ жилишим керак...
- Қаерга борасиз, хўжайин?
– Қаерга борсам ҳам сенга маълум қиламан, изимдан етиб борасан, яна бирга бўламан. Унгача бировга тишининг оқини кўрсатма!
- Самад эшик олдида етганида, Мирзааҳмад уни тўхтатди.
- Янганга айт, олдимга кирсин.
Самад чиқиб кетди. Уй бекаси кирди.
- Мағфират, кетмасам бўлмайди. Тилиннга эҳтиёт бўл. Нима қилиш кераклигини Самадга тушунтирдим. Мен бу ишни яхши ниятда бошлагандим. Одамларга фойдам тегармикин, жиноятчилик камаярмикин деб ўйловдим. Ёмонлар, нияти бузуқлар илакишди, илондай қўйнимга киришди. Йўлдан уришди. Пулга ўргатишди. Мендан берухсат одамларни қийнашди, қўйдаи оёқларидан осиб ўлдиришди.
- Балки ҳукуматдан кечирим сўрарсиз? – Ҳақиллаб ийғалаётган Мағфират кўзёшларини енгига артди.
- Қўлим кўплаб беғуноҳ одамларнинг қонига бўялган. Қон кўрмасам қалтирайдиган бўлиб қолдим. Қонунда мени жазодан асраб қоладиган бирорта модда йўқ. Ҳукумат гуноҳимни кечирмайди. Бир эмас, беш-олти бор огоҳлантиришган, ҳаволаиб, уларнинг айтганини қилмаганман...

Ярим соат ўтиб, Самад «Москвич»нинг орқа юкхонасида ўликни олиб келди.

– Ҳеч ким кўрмадимми? – сўради Мирзааҳмад.

– Ўзимизникилардан бошқанинг кўзи тушмади, хўжайин.

– Ўзимизникиларга ҳам кўрсатмаслигинг керак эди, тўнғиз!

– Кўпчиликдан яшириб бўлармиди, хўжайин!

Мирзааҳмад чўнтагидан бир боғлам долларни олиб, Самадга узатди.

– Манави билан дўхтирнинг оғзини юм. Юраги ёмон эди, тунда ушлаб қолибди деб қоғоз ол. Шу бўлмаса, имом жаноза ўқимайди. Кейин жасадни ўзинг ювиб, кафанла!

– Янгам-чи?

– Унинг тили кесилган, уйдаги гапни кўчага ташимайди. Энди мен кетдим!

Мирзааҳмад пулларни йиғиштириб, сумкага жойлаб қўйганди.

– Сенинг улушинг хонамда! – деди темир сандикнинг калитини топшириб. – Эртага шаҳарда ҳидинг ҳам қолмасин. Фрунзегга уч. (Фрунзе – Қирғизистоннинг пойтахти Бишкек шаҳрининг илгариги номи.) «Манас» меҳмонхонасининг 104-хонасига жойлаш. Одамларим сени ўша ердан топишади...

– Тушундим!

Мирзааҳмад Самадни бағрига босиб, уйдан чиқаётганда унга яна бир гапни айтди.

– Анави домланинг қизи бор-ку, оти Кароматмиди? Ўшани ўзинг билан бирга олиб кет. Биз борадиган юртда керак бўлиб қолиши мумкин!

– Тушундим, ака!

Мирзааҳмад ташқарига чиққанда тонг ёришганди.

У шу куни ўзига маълум бўлган яширин йўллар орқали Ўзбекистон чегарасини бузиб ўтди ва Қирғизистонда

пайдо бўлди. У ерда узоқ қололмади. Танишлари уни Баширнинг одамлари билан учраштирди. Лашкарбоши бошига тушган савдоларни уларга айтиб берди.

– Биз сизни қанотимизга оламыз. Эртагаёқ Афғонистонга жўнайсиз...

ШОҲИМАРДОН

Башир Эргашнинг ёрдамидан юз ўгириб, Орифзодага умид боғлаганди. Одамлари у билан боғланиб, Панж дарёсини кечиб ўтадиган йигирма бир нафар йигитни Шоҳимардон орқали Қамчиқ довоғига кузатиб қўйишга ёрдам беришини илтимос қилди. Каттагина маблағнинг ҳидини олган Орифзода бу илтимосни бажонидил қабул қилди. Келишилган куни «Жангарилар тунда дарё бўйига етиб келишди. Улар йўриқчиларнинг маслаҳатига биноан кичик-кичик гуруҳларга бўлиниб, чегарани кесиб ўтишди. Совқотган бўлишларига қарамай, тўхташ мумкин эмаслиги қаттиқ тайинланганди. Тонг ёришаётган паллада тоғ ичкарасидаги қишлоқлардан бирига кириб келишди.

Башир одам танлашда бир оз янглишганди. Йигирма бир нафар жангарилардан ўн нафари африкалик бўлиб, қолганлари покистонлик ва афғонистонликлар эди. Улардан учтаси қирғиз, тожик ва рус тилларини мукамал билишар, шу сабабли майда гуруҳларга бошлиқ этиб тайинланганди. Гуруҳ бошлиқларидан бири ўз шерикларини тошлар ортида қолдириб, йўл бошловчинини топиш мақсадида қишлоққа кирди. У вақтлироқ келганди. Дўконча ҳали очилмаганди. Кутишга тўғри келди. Ярим соатлар ўтиб, ёшгина бола эшикни очди. Жангари ундан тожик тилида сўради:

– Даданг қаерда?

Болага нотаниш одам келиши ва унга айнан шундай савол бериши олдиндан маълум эди.

– Дадам уйдалар. Нима ишингиз бор?

– Бориб, ўртоғингиз Ямин амаки келдилар дегин.

Бола ортига қайтиб кетди. Кўп ўтмай дадасини бошлаб келди. Бу Баширнинг таниши Орифзода эди. Унга одамларни айтилган манзилгача кузатиш ва ҳар бир жангарини иссиқ кийим билан таъминлаш вазифаси юклатилганди. Орифзода қалин пўстин тополмай, туя жунидан тўқилган чакмон сотиб олганди. Уларни жангариларга тақсимлаб берди. Ҳаммалари қуролларини елкаларига осиб, устидан чакмон кийишди. Бир оз ноқулай бўлса-да, баданлари иссиқдан яйраб кетди. Чакмонлар узун эди, қолаверса, африкаликлар бундай кийим кийишга одатланишмагани сабабли юрганларида оёқлари билан чакмоннинг етагини босиб олиб, қоқилиб кетишарди.

– Мунча ношуд бўлмасларинг! – олдинда бораётган Орифзода уларни койиб қўярди. – Қўлларинг билан этагини кўтариб олинглар! Бу юришларингда бир хафтада ҳам манзилга етиб боролмайсизлар!

Қор тошлар устини оппоқ тўшак мисоли қоплаганди. Ҳаво очиқ бўлгани сабабли, ёруғлик кўзни қамаштирарди. Жангарилар саллалари билан юзларини ўраб олишган, фақат кўзларигина кўриниб турарди. Навбатдаги довонга кўтарилишаётганда ҳавонинг туси ўзгарди. Изғирин сабаб учаётган қор учқунлари жангариларнинг юз-кўзларига уриб, кўз очишга имкон бермасди. Улар жонларини сақлайдиган бошпана йўқлиги боис юришга мажбур эдилар. Тўхтайдиган бўлишса, совуқда қотиб қолишлари мумкин эди. Ҳамминг оёғи музлаб қолганди. Африкаликлар тоғ йўлларида узок вақт машқ қилган бўлишса-да, совуққа чидашмади. Қалтираб, оёқларига тош боғлангандек қимирлатишга мадорлари қолмади. Орифзода шерикларини тезроқ юришга ундарди. У қор остида қолиб кетган сўқмоқни адашмасдан топиб борарди.

– Ҳа, бўш келманглар! Чаққонроқ ҳаракат қилин-
лар! – дерди гоҳ тожик, гоҳ рус тилида. – Икки соатдан
кейин қоронғи тушади. Йўлни тополмай қоламиз!

– Ҳолимиз қолмади, – дерди унинг тилига тушунган-
лар. – Шу ерда бир озгина дам ола қолайлик. Қорнимиз
ҳам очди.

– Қояларда тўхтаб бўлмайди! Озгина ҳаракатсиз
қолсаларинг қотиб қоласизлар! Тепадаги қорлар кўчиб
тушиши ва ҳаммамиз кўчкилар остида қолиб кетиши-
миз мумкин. Қани, бўлинглар, бу ёғи оз қолди.

Жангарилар худди йиқилиб тушадигандек бир-бир-
ларининг қўлларидан ушлаб, тиззаларигача қорга бот-
ган оёқларини базўр кўтариб, йўл бошловчининг изидан
эргашишга мажбур бўлишарди. Ҳаммалари ипга тизил-
гандек тепаликка кўтарилишарди. Иккинчи довоннинг
қоқ белига келишди. Шунда тўхташди. Қўпчилик ҳаво
етишмаётганидан бўғила бошлаганди. Бир иккитаси
юришга ҳоли қолмай, қор устига ётиб олди. Оппоқ ту-
ман на олд ва на орқа томонни кўришга имкон бермади.
Изғирин кучайганди. Бир жойда туриш хатарли эди.
Жангарилар тезда дилдираб, карахт бўлиб қолишди.

– Қани йигитлар, олға! – деди Орифзода. Унинг
қўлида қорбобонинг ҳассасидек узун таёғи бор эди.
Жангарилар бўйинларидан боғланган итдек чўкки сари
тирмаша бошлашди. Бироқ боя қор устига ётиб олган
уч африкаликнинг ўрnidан туришга холи ҳам, мадори
ҳам қолмаганди. Шериклари уларни қўлтиқларидан
олиб, ўринларидан турғазишди. Бироқ ҳеч қанча юр-
май яна ётиб олишди. Бу гал ҳеч ким ёрдамга келмади.
Ҳабашлар ётган жойларида абадий қолиб кетди. Ориф-
зода ортидагиларни илдамроқ юришга ундаб борарди.

– Биродарлар, яна бир ҳаракат қилсак, довонни забт
этамиз ва ғорга етиб борамиз! Ўша ерда эрталабгача дам
оламиз! Тўйиб овқатланамиз!

Бир чақиримча юришгач яна иккитаси йиқилди.

– Турларинг! – қор устида ўликдай чузилиб ётган шерикларини турғазишга уринишди жангарилар. Бироқ улар кимирлашмади...

Ҳамма ўзи билан ўзи овора эди, сўқмоқдан чиқиб кетмаслик, ҳолдан тойиб йиқилиб тушмаслик мақсадида бутун куч ва иродасини тўплаб, қор устида чўзилиб ётган шерикларини ташлаб кетиб боришаётганда ўлик сукунат чўккан тоғларни ларзага келтириб, автоматдан отилган ўқлар овози қулоқларига чалинди, турган жойларида қотиб қолишди. Айниқса, қўллари билан совуқ қорларни чангаллаб, ортида бир чангалғимланган қорни қолдириб, тепага тирмашиб чиқаётган Орифзоданинг йиқилиб тушишига бир баҳя қолди. «Ўқ қаёқдан келди? Кимга қарата отилди? Нахотки чегарачиларнинг қаршисидан чиқиб қолган бўлсак?. Барчанинг хаёлига шу фикр келди ва теварак-атрофга қарашди. Одам зоти кўринмади. Фақат анча нарида қолиб кетган икки жангари оппоқ қорни қип-қизил қонга белаб, жон беролмай типирчилаб, қор кўрпасини тўзитиб ётарди. Улар совуққа ҳамда йўл азобига чидамай, ўзларини ўз қўллари билан отиб ташлашга мажбур бўлишганди. Типирчилаб, ўлим билан олишиб ётганларга ҳеч ким эътибор бермади. Бир зумгина жон таслим қилишларини кузатиб туришди-да, кейин йўлда давом этишди.

Совуқ тобора забтига оларди. Кўз очиргани қўймасди. Чакмон ҳам уларнинг жонига оро кирмади. Баданларининг очиқ жойларини изғирин чаёндай чақиб оларди. Африкаликлардан яна бири ҳолдан кетиб, ўзини қор устига ташлади. Ҳеч ким унга аҳамият бермади. Ёғаётган қор унинг устига оппоқ кўрпа тўшаб, бир неча дақиқада кўздан яширди...

Ўн тўрт жангари ва бир йўл бошловчи энди пастлик сари юришди. Қор тинди, изғирин тўхтади, булутлар ёйилиб кетди. Аста-секин юлдузлар чақнаб чиқаётган осмон кўринди. Илиқ ҳаво жангариларнинг руҳини

кўтарди. Пастликка илдам тушиб келишди. Орифзода айтган ғорни топишди. Унинг оғзи майда тошлар билан тўсиб қўйилганди. Тошларни жойидан кўчиришди. Қаршиларида улкан махлуқнинг оғзи каби қорайиб турган ғор кўзга ташланди. Йўл бошловчи фонарни ёқди ва ортидан шерикларини эргаштириб ичкарига кириб борди. Ғор оғзи ўта тор бўлиб, бир одам зўрға сигар, аммо беш-олти қадам юрилгач, кенгайиб борарди. Ичкари ташқарига қараганда иссиқ эди. Бошқа жангарилар ҳам қўлларидаги фонарларини ёқишди. Ичкаридаги нарсалар кўзга бемалол ташланиб турарди. Орифзода тўхтади. Деворларга зайтун дарахти шохидан ясалган ёритгичлар ўрнатилганди. Уни ёқди. Йигирма чоғли одам ўтирадиган кенгликда тошдан ясалган курсилар кўринди.

– Эрталабгача шу ерда дам оламыз, – деди Орифзода шерикларига юзланиб. Кейин ўзи ғамлаб қўйган ўтинни олиб келиб, гулхан ёқди. Барчалари олов атрофига жамланишди. Қарахт бўлган баданлари аста-секин қизий бошлади. Жангариларнинг айримлари оч бўлишига қарамай, тошлар устига чўзилиб, устиларига чакмонларни ташлаб уйқуга кетишди.

Орифзоданинг назарида улар бир ярим кунлик масофани бир кунда босиб ўтишганди. Шу сабабли шерикларини тонгда уйғотмади. Мириқиб дам олишсин деб қўйиб берди. Жангарилар тушга яқин кўзларини очишди. Орифзода уларга овқат тайёрлаб қўйганди, тамадди қилиб, йўлга чиқишди. Шомга қадар йўл босишди. Алалоқибат, олислардан Шохимардон қишлоғи кўзга ташланди. Совуқ синганди. Изғирин тўхтаганди. Қор у қадар қалин эмасди.

Эртаси куни эрталаб қишлоққа яқин келишди. Африкаликларнинг юз териси совуқдан шилиниб, арчилиб кетганди. Бу билан одамлар орасига кириб бўлмасди. Улар бир ҳафта ғорда яшашга мажбур бўлишди.

Шоҳимардонда уларни бошқа йўл бошловчи кутиб турарди. Унинг вазифаси жангариларни довонга бошлаб бориш эди. Орифзода ўзига тегиши мумкин бўлган катта миқдордаги пулни айнан унинг қўлидан олди ва орқага қайтди...

* * *

Тимофей Андреевич билан Шодмон Бердиевлар тоғ ёнбағридаги ўрмонга чиқишни, дам олиб келишни анчадан бери режалаштириб юришганди. Бироқ вақт топишолмасди. Ниҳоят якшанба куни жўнашга қарор қилишди. Бир ҳафталик егуликларни юк халталарига жойлаб, йўлга чиқишди. Машинани тоғ ёнбағридаги таниш чўпоннинг чодирда қолдириб, баландликка яёв кўтарилишди. Шундоқ кўз ўнгиларида шовуллаб турган ўрмонзор ястаниб ётарди. Кўм-кўк либосга бурканган арчазорлар, қайинзорлар тўлқиндек чайқалиб турарди. Енгил соф ҳаво юракка қувонч, дилга сурур бахш этарди. Бу ерларнинг табиати ҳар қандай одамни ўзига маҳлиё айларди, асабларини тинчлантирар, шу сабаб икки дўст олти йилдан бери вақт топиб, ўрмонзорга келиб дам олиб кетишни одат қилишганди.

Тўрт соат йўл босиб, ниҳоят ўзларига қулай жойда чодир тикиб, шу ерда тунашга қарор қилишди.

– Чарчаганман, овқат егим йўқ, яхшиси эрталаб нонушта қиламиз! – деди Тимофей Андреевич.

– Майли, бир оз мизғиб ола қол, мен овқат тайёрлайман, пишганда уйғотаман!

Қуёш ўрмонзор узра ёйган қизғиш нурларини йиғиб олаётган палла эди.

Эрталаб иккиси ҳам барвақт уйғонишди. Дарахт шохларида бири олиб, бири қўйиб сайраётган қушларнинг хониши авжига чиққанди. Дўстлар қумғонда чой қайнатишди. Нонуштадан кейин милтиқларини елкага

илиб, тепалик томон кўтарилишди. Анча вақтдан буён Тимофейнинг кўзи дарахтларнинг шохида эди. Ҳеч бўлмаса кечки овқатга бирорта қирғовулми, тустовуқми отиб қайтишни ўйларди. Бундай қушлар одатда сайрашмайди. Шохларга қўниб, жимгина ўтиришади. Одамни кўришганида хатто нафасларини ютишади. Яхши овчи уларни қулоқлари билан топади. Анчагина юришгач, Шодмон тошлар ортидан келаётган товушни эшитиб қолди. Тўхтаб атрофга қаради. Бироқ ҳеч ким кўринмади. У Тимофейнинг енгидан тортиб тўхтатди.

– Эшитяпсанми? – деди Шодмон қўли билан овоз келган томонни кўрсатиб. – Ҳов анави жойда кимлардир бор!

Тимофейнинг қулоғига ҳам одам овози чалинди. Улар ўзларини дарахтлар панасига олиб, товуш келган томонга оёқ учида юришди. Ўйигирма-ўттиз қадам нарида доира қуриб ўтирган одамларда кўзлари тўхтади.

– Ким булар, овчиларми ёки ўрмон ходимларими? – паст овозда сўради Тимофей шеригидан.

– Ўрмонбегилар бўлса керак, – тахмин қилди Шодмон. – Қўлимиздаги милтиқни кўриб, жарима соламан деб пўписа қилишмаса бўлди. Юр, қайтдик.

– Ахир ҳозир ов мавсуми-ку. Рухсат берилган.

– Сен шундай дейсан. Улар буни тушунишни исташмайди. Ўзларининг қонунлари бор. Яхшиси ортга қайтайлик.

Улар ортга бурилишди. Шунда Тимофей эҳтиётсизлик қилиб қуриган ходани босиб олди. Қарсиллаган товуш тошлар ортида ўтирган бегоналарнинг қулоғига етиб борди. Шу заҳотиёқ ўринларидан сапчиб туришди ва дарахтлар орасида кетиб бораётган кимсаларни кўришди. Бир зумгина бир-бирларига қараб, нима қилишни билмай қолишди. Кейин худди унутиб қўйган буюмлари эсларига тушгандек, қочоқларнинг изидан чопишди. Етиб олишга кўзлари етмай, изларидан ўк

узишди. Тимофей билан Шодмон кўрқиб, боягидан ҳам илдамроқ чопишди. Изларидан ўклар қувар, дарахтларнинг танасига ботар, тошларнинг юзига урилиб, чийиллаб қайтарди.

Икки дўст анча жойгача чопиб боришди. Ўрмон ичида югуришнинг ўзи азоб. Гоҳ шох-шаббаларга қоқилишар, гоҳ қалин дарахтлар ичидан йўл тополмай қолишарди. Чарчашди. Юришга ҳам ҳоллари қолмади. Нотаниш кимсалар уларнинг изидан ҳамон қувлаб келишарди. Ортларидан ўқ отишарди. Ниҳоят ўклардан бири Шодмонни қулатди. Кўрғошин орқа миясидан кириб, пешонасини ёриб чиққанди. Йиқилгандаёқ жони чиққанди. Ёрдам кўрсатишга ҳожат қолмаганди. Тимофей қувиб келаётганларнинг қўлига тушмасликка, тутиб олишгудек бўлишса, уни ҳам отиб ташлашлари мумкинлигини тушуниб, ўзини чангалзор ичига урди. Қувлаб келаётганлар шу тариқа уни йўқотишди.

Тимофей Жониш чўпоннинг чодирига ўпкаси оғзига тиқилган ҳолда етиб келди. Машинасига ўтириб, зудлик билан шаҳарга жўнади. Кўйлаклари йиртилган, оёғининг тиззасигача лой сачраган, юзларини шохлар тилиб ташлаган ва қон доғлари қотиб қолган ҳолда ички ишлар бўлими идорасига кириб борди. Леонид Аркадьевич Сидоровга бўлиб ўтган воқеани батафсил гапириб берди.

– Ўрмон ходимлари шеригимни отиб ўлдиришди. Мен зўрға қочиб қутулдим, – деди ҳансираб.

– Қайси жойда? – сўради полковник.

– Кон тепасидаги ўрмонда.

– Нимага боргандиларинг?

– Дам олгани.

– Қуролларинг бормиди?

– Биз ўқ отмадик!

Полковник жиноят қидирув бўлими бошлиғи билан тезкор ходимлардан бирини ёнига олиб йўлга

чикди. Улар «Ўрмонбегилар браконьерларни эҳтиётсизлик туфайли отиб қўйишган бўлса керак» деб ўйлашганди.

Тимофей уларни воқеа жойига бошлаб борди. Шодмон қонга беланган ҳолда шохлар устида ётарди. Милиция ходимлари сал наридан одам изларини топишди. Ўқлар жанговар қуроллардан отилганидан далолат берарди. Сидоров Тимофейни жасад олдида қолдириб, ходимларини ёнига олиб, атрофни кўздан кечирди. Излар изқуварларни тоғ томон бошлади. Ўрмондан чиқишлари билан ғорга дуч келишди. Яқин боришди-ю, лекин ичкарига киришга улгуришмади. Бир пайтнинг ўзида икки автоматдан отилган ўқлар полковник билан жиноят қидирув бўлими бошлиғини тошлар орасига яширинишга мажбур қилди. Сидоров булар жангарилар эканлигини тушунди.

– Ўқ отишни бас қилинглар! – кичқирди Сидоров. – Биз милицияданмиз!

Ичкаридагилар жавоб қайтаришмади. Аксинча, автоматлардан яна ўқ отишди. Полковник нима қилишни билмади. Тошлар панасидан чиқса, ўққа ўзини тутиб бериши мумкин. Жиноят қидирув бўлими бошлиғи қўлига тўппончасини олиб, полковникнинг «Қайт, Гриша» деганига қулоқ солмай, ғор томон эмаклаб кетди. Бошлиқ қуролсиз эди. Жангариларни чалғитиш керак деган фикр хаёлига келди. Лекин қуруқ гап билан қандай чалғитсин? Қолаверса, улар полковникнинг гапини эшитишни эмас, уни тезроқ бир ёқлик қилишни ўйлашарди.

Сидоров тезкор гуруҳ ходимига юзланди.

– Зудлик билан идорага хабар бер, ходимларни жанговар ҳолда бу ерга жўнатишсин.

Ходим орқага қайтди. Шу пайт яна автоматлар тилга кирди. Гриша ғор оғзига яқин бориб қолганди. Автоматлар унга қаратилганди. Гриша ётган жойида бир

сапчиб, кейин тўнтарилиб тушди. Ўқлар илма-тешик қилиб ташлаган кўйлаги қип-қизил қонга бўялганди.

Полковник ўзининг ёлғиз ва қуролсиз қолганини билдирмаслик мақсадида овозининг борича атрофга қараб қичқирди:

– Саша! Тоҳир! Ўз одамларинг билан тепага чиқинглар, қолганлар ён томондан келинглар! Менинг буйруғимсиз ўқ отилмасин. Улар тириклай қўлга олинсин!!

Леонид Аркадьевич ўзи ўйлаб топган бу ҳийла билан жангариларни узоқ ушлаб туролмаслигини биларди. Орадан ярим соат ўтиб, улар полковникнинг ёлғизлигини сезиб қолишди. Жангарилардан бири ғор оғзига келиб, атрофни кузатди ва ҳеч ким йўқлигини билди. Шунда ҳаммалари бир вақтнинг ўзида ичкаридан чиқиб келишди. Леонид Аркадьевич қийин аҳволда қолса-да, ўзини йўқотиб қўймади. Қуролларнинг учини тўғри-лаб, важоҳат билан келаётган жангариларга қарата шундай деди:

– Таслим бўлинглар! Қуролларни ташланглар! Қонун сизларга енгиллик беради!

Жангарилар полковникка яқин келиб қолишганди.

– Юрагинга балли, бошлиқ! Бизни ярим соатдан кўпроқ бир ўзинг лақиллатиб, ғор ичида ушлаб турдинг. Мукофотга лойиқсан. Биламиз, бу қаҳрамонлигини бошлиқларинг тақдирламайди, аммо биз тақдирлаймиз!

Бошига рўмол ўраган жангари шундай деди-да, полковникнинг кўкрагига авоматнинг учини тираб, тепкини босди. Тириллаган овоз тоғу тошлар, ўрмонзорлар ичра таралиб кетди. Ўндан ортиқ қўрғошинни кўксига жойлаган Леонид Аркадьевич «их» деган овоз чиқармади. Бир муддат кўзларини жангарига тикканча тик турди, унинг оёғи йиқилишни истамай, бутун кучини жамлаб, металлургия заводи тепасида она юрт байроғи хилпираб турган томонга қараб йиқилди.

Бу пайтда тезкор вакил машинага ўтириб, идорага жўнаганди. Навбатчига горга қуролланган жангарилар жойлашиб олганини маълум қилди. Шаҳар ички ишлар бўлимининг ходимлари оёққа туришди. Ярим соатга қолмай, улар горга етиб келишди ва атрофни ўраб олишди. Полковник билан Гришанинг жасади ёнма-ён ётарди. Жангарилар эса қўринмасди.

ЧЕГАРАДА

Нихоят йўлга чиқишга топшириқ бўлди. Биз уч киши эдик. Шерикларим ажнабий эдилар. Қайси давлатдан Афғонистонга ўтишганини билмасдим. Мен тушунмайдиган тилда гаплашишарди улар. Ичи қора, раҳм-шафқатсиз ҳамда ниятлари ёмонлигини бир оз қисилган кўзлари сотиб турарди. Уларда шубҳа уйғотмаслик кераклигини ўйладим. Биз билан яна бир нотаниш киши келарди. У йўл бошловчи эди. Башир учаламининг ихтиёримизни унга топширганди. Унинг тулкидек муғомбирлигини чўзинчоқ юзи, ич-ичига ботиб кетган нурсиз, ҳеч ҳаракатдан тўхтамайдиган кўкимтир кўзларидан билиш мумкин эди. У биз билан гаплашмасди. Соқов одамдек имо-ишоралар орқали нима демоқчилигини билдирарди.

Биз Туркияга етиб келдик. Йўл бошловчи бизларни ўзига ўхшаган бир кимсанинг қўлига топширди. Кейин иккиси ўзларининг тилида узоқ суҳбатлашди. Гап оҳангидан ва важоҳатларидан ниманидир келишолмаётганликларини сездим. Тортишувдан кейин нотаниш одам қўлимизга Озарбайжонга учадиган самолётга чипта тутқазди.

– Аэропортда сизларни ўзимизнинг одамимиз кутиб олади, – деди у биз билан хайрлашаётиб. – Унинг рухсатсиз ҳаракат қила қўрманглар!

– Биз уни танаймиз-ку, – дедим.

– Сен танимасанг, у сенларни танийди. Аэропорт эшигининг олдида турасанлар. Олдиларингга келган одам «Яшар оғаникига меҳмонга келдиларингми» деб сўрайди. «Ҳа» деб жавоб қайтарасанлар. Шу сўз билан бир-бирларингни таниб оласизлар. У сенларни ўзи билан олиб кетади. Ортиқча савол бермаларинг. Сўрамаган нарсалари ҳақида валдираб юрманглар. Тилингни калта қилсанглар хавф-хатар яқинлашмайди. Тушунарлими?

Бош ирғадим.

Самолёт аэропортга кечаси қўнди. Майдалаб ёмғир ёғарди. Эшик олдида келдик. Олтмиш ёшлардаги паст бўйли, чўққи соқол одам олдимизга келди. Бизни узоқдан кузатиб турган бўлса керак форс тилида «Яшар оғаникига меҳмонга келдиларингми» деб сўради. Бош ирғишим билан у «Ортимдан юринглар» деди. Йўлнинг нариги четига ўтдик. Эски машинага ўтириб, номаълум томон жўнадик. Йўл бошловчи телефонда ким биландир боғланди. Машина тоғларга туташ адир олдида тўхтаганда тонг ёришганди.

Тоғлар бизни хўмрайиб қарши олди. Қўрғошин тусли булутлар чўққиларга бошини уриб сузарди. Теварак-атроф кўзга чиммат ортида қолгандек кўринарди.

– Шу тоғдан ошиб ўтишимиз керак! – деди йўл бошловчи.

Ҳаммамиз худди байрамга бораётган йигитлардек кийиниб олгандик. Оёғимизда туфли. Бунинг устига кийимимиз юпқа. Тоғнинг совуғи этимизни жунжиктирарди. Қорларни, тошларни чангаллаб тепаликка тирмашдик. Изғирин эсарди. Ҳаммамиз дилдирардик, юзимиз кўкариб борарди. Йўл бошловчи биздан олдинда борарди. Тўхтамасди. Туман қуюқлашарди. Қўқдан совуқ томчилар томарди.

Юз метрча юқорига кўтарилганимиздан кейин йўл бошловчи тўхтади. Толиққан ва совуқдан тарашадек қотган қўл-оёқларимизга дам бермоқчи деб ўйлаган-

дим. Бошимни кўтариб қарасам қаршимизда тўсиқ турарди. Олға юришнинг иложи йўқ. Йўлда давом этиш учун тўсиқдан ошиб ўтиш даркор. Барчамизнинг ўйимиздан «Адашиб қолдикмикин» деган фикр ўтди. Йўл бошловчи қўлини курак қилиб деворга ёпишиб қолган қорни туширди. Қизғиш харсанглар кўринди, битталаб кўчирди. Одам сиғадиган ўра очилиб, ёруғлик кўзга ташланди. Қалбимиз шу ёруғлик янглиғ ёришди. Ёнбошлаб ичкариладик. Ичкари қоронғи, иссиқ, аммо ёқимсиз ҳаво айланарди. Ортимга қарадим. Туман куюқлашганди. Олисда қорайиб турган ўнлаб шарпаларда кўзим тўхтади. Улар тирик жон каби ҳаракатланарди. Одамларми ёки тошларми – билолмадим...

Биз ипга тизилгандек йўлакдан кетиб борардик. Анчагина йўл босдик. Одам гавдасини тўғри тутиб, бемалол юриши мумкин бўлган кенгликка чиқиб олдик. Ҳавода кўнгилни ағдаргудек сассиқ хид аниқирди. Йўл бошловчи боши узра кўтариб олган фонардан таралаётган нур оёқларимиз остини ғира-шира ёритиб борарди. Йўлак бир оз кенгайди. Йўл бошловчи тўхтаб, бизларга қаради. Фонар шуъласи тушиб турган ялпоқ юзи кизғиш тусга кирганди.

– Бу ёнига ўзларинг кетаверасизлар, – деди менга юзланиб. – Икки қақиримдан кейин қаршиларингдан девор чиқади. Тошларни эҳтиётлаб кўчирасизлар. Ташқарида сизларни менинг танишим кутиб олади. У учовларингни Зелимхоннинг ҳузурига бошлаб боради. Эсларингда бўлсин, йўлда тўхтаманглар! Орқага қайтишни хаёлларингга келтирманглар. Худо ёр бўлсин!

У фонарни қўлимга тутқазди.

Йўлда давом этдик. Ташқарига чиқишга шошилардим. Дим ҳаводан нафас ололмай бўғилардим. Шерикларим бурнини кафти билан тўсиб олганди. Кўзимиз ёшланганди. Тинимсиз йўталардик.

Оёқларимиз остида майда-чуйда тошлар думалаб ётарди. Яқин орада бу ердан бирорта тирик жон ўтмага-ни билиниб турарди. Уч-тўрт чақирим масофа ортимиз-да қолганидан кейин кўндаланг ётган одамнинг чириб кетган суюқларига дуч келдик. Афтидан, унинг ўлгани-га эллик йилдан ошган бўлса керак.

Ниҳоят қаршимиздан ўша тошли девор чиқди. Манзилга етиб келганимизни билдирарди бу. Девор шуваб қўйилгандек текис эди. Тошларни кўчиришга кириш-дик. Ярим соатдан кўпроқ уриндик. Ниҳоят туйнук очилди. Ташқи дунё ярқ этиб кўзга ташланди. Тошлар-ни жойига тахлаб қўймоқчи бўлдик. Бироқ «Тегманг-лар» деган овоз келди.

Ўн қадамча нарида айиқ терисидан чопон кийган, ел-касига милтиқ осган, кўксини соқол қоплаган хумкалла одам турарди. Унинг юмолоқ кўзлари оддий одамнинг кўзларига ўхшамасди. Қошлари ўрнида ўт униб чиққан-дек эди. Гавдали, бўйи узун. Важоҳати бир пайтлар га-зеталарда шов-шув бўлган «қор одам»га ўхшарди. У ер остидан чиқдим, осмондан тушдим, билмасдик. Учала-миз ҳам уни кўриб ҳайратдан қотиб қолдик. «Қор одам» ҳар биримизнинг бошимиздан оёғимизгача кўз ташлаб:

– Ортимдан юринглар! – деб буюрди. Унга эргашиб, қор остидан чиқиб турган тошлар устидан пастлик сари эниб кетдик. Форнинг оғзини очик қолдирганимизнинг сабабини тушунмадим. Одатда махфий сақланадиган бундай жойлар дарҳол асл ҳолига келтириларди.

Фордан узоқлашганимиздан кейин йўл бошловчи тўхтади ва менга тикилиб турди-да, сўради:

– Исминг нима?

– Бўрон! – дедим.

У маъносиз жилмайди.

– Қани йўл бошлачи, «Қора афғон».

Нима сабабдан мени олдинга ўтказди – тушунмадим. Ортимда келаётган ҳар бир шарпага, ҳатто шерикла-

римнинг қадам ташлашларидан ҳосил бўлган товушга аҳамият бериб кетдим.

Ҳаммамиз чарчагандик. Оёқларимизни судраб бо-сардик. Бунинг устига оч эдик. Қанча юрганимизни билмайман, қарсиллаган овоз хаёлимни тўзитди. Бизни кимдир тепадан туриб нишонга олган деган фикр хаёлимга келди ва ўзимни ерга отдим. Бу орада иккинчи ўқ ҳам отилди. Шерикларимнинг иккиси олдимга йиқилди. Ўқ кўкракларига келиб текканди. Иссиқ қон отилиб чиқарди. Мен учинчи ўқнинг отилишини кутдим. Бироқ кутганим содир бўлмади. Бошимни кўтариб атрофга қарадим. Йўл бошловчи тепада тик турарди. Қўлидаги порох ҳиди анқиб турган автоматнинг учидан иссиқ ховур чиқарди. «Нега бундай қилди, нима сабабдан шерикларимни отиб, мени тирик қолдирди» деб ўйладим.

– Ўрнингдан тур! – буюрди йўл бошловчи. Қўзларидан мени ўлдириб мақсади йўқлигини сездим. Ўрнимдан турдим.

– Исми Латиф! – деди у.

– Нега уларни ўлдирдинг? – сўрадим овозим титраб.

– Булар бизга дўст бўлмайди, – жавоб қилди Латиф.

У автоматни ерга қўйди. Кейин қонга беланиб ётган мурдаларнинг чўнтақларини титди. Пул ахтараётган бўлса керак деб ўйладим. Мурдаларнинг ҳаменидан бир чангал пул, ханжар ва қандайдир буюмларни олди. У яна титкилашда давом этди. Ниҳоят бир парча қоғозни топди. Уни кўздан кечириб, менга узатди.

– Ўқи!

Араб имлосидаги форча сўзларни овоз чиқариб ўқидим.

«Мухтарам Хаттоб жаноблари!

Сиз кўпдан буён кутаётган икки нафар жангчим ниҳоят йўлга отланди. Улар сизнинг хизматингизни садоқат билан адо этишига ишонч билдираман. Иккиси ҳам бу дунёдаги барча амалларни бажариб, охиратдаги қарз-

ларини адо этиш мақсадида хузурингизга йўл олишди. Маломатлар бўлсинким, жаннатнинг сўлим гўшаларига талпинаётган йигитларимга қўшилиб «Қора афғон» ҳам эргашиб бораётир. Огоҳ бўлишингизни истардим, Мулла Умар уни Зелимхонга бериладиган маблағларни назорат қилиш мақсадида юбормоқда. Назаримда ҳазратнинг чеченга бўлган ишончи сусайган кўринади. «Қора афғон»ни сизнинг атрофингизда пайдо бўлиши бизнинг молиявий ишларимизга эмас, балки амалга оширмоқчи бўлган режаларимизга ҳам жиддий халакит бериши мумкин. Бундан ташқари Мулла Умар ўзига қарашли героинларини Зелимхонга мажбуран соттиришни режалаштирган. У наркотик моддаларни сотишдан бош тортгудек бўлса, одамларига қурол-аслаҳаларни етказиб бермайди. Шу сабабли Зелимхон унинг шартига қўнишга мажбур бўлган. Мулла Умарнинг даромадга бизни шерик қилмаслиги эса адолатсизликдир. Мактубни олган заҳоти йигитларимга ишора қилсангиз бас, улар «Қора афғон»ни шарпасиз йўқотишади. Сизга чексиз ҳурмат ила Мансур ал – Носир».

Вужудим қалтираб кетди.

– Мактуб олиб келишаётганини сен қаердан билдинг? – сўрадим Латифдан.

– Бунга менга топшириқ берганлар билишади, – жавоб қилди шеригим.

Мендан шубҳаланишларининг боисини шунда билдим.

Латиф ерда ётган автоматини олди. Йўлда давом этдик.

– Хатнинг мазмунига тушундингми, «Қора афғон?» – сўради шеригим.

– Мени ўлдиришдан мақсадларини тушунмадим, – дедим гўё юқоридаги гаплар мен учун аҳамиятсиздек. – Ахир уларга сидқидилдан хизмат қилаяпман! Менга ишониб бу ерга юбордилар!

– Сенга ўхшаган содиқ хизматкорларни юборишади бу юртга!

– Анави сен отиб ташлаганлар нима мақсадда ўтишган?

Латиф бошини кўтарди. Кўксини тўлдириб тоғ ҳавосидан нафас олди. Кейин кўзларини қаршимизда ясата-ниб ётган кенгликларга, тоғларга тикиб, ички бир дард билан гапида давом этди:

– Биз озодлик ва мустақиллик йўлида жанг қилмоқдамиз. Ҳеч кимни чақириб олганимиз ҳам йўқ четдан. Лекин Хаттобга ўхшаган ваҳший кимсалар ичимизга суқилиб кириб олган. Юртимизда жангарилар тайёрлайдиган ўнлаб лагерларни ташкил этишди. Катта миқдорда қурол-яроғ киритмоқда. Одамлари турли шаҳарларда қўпоровчилик ишларини амалга оширмоқда ва бу ишларни бизга тўнкашмоқда. Нотинчлик ва бузғунчиликдан кўнгиллари ҳузурланиб, ҳаловат топадиган хорижлик миллиардерлар Хаттобга ҳомийлик қилишмоқда. У эса ўзи амалга ошираётган ишлари билан ана шу бойларни, катта-катта компания бошлиқларини қўрқитиш йўлини ўйлаб топган. Мақсади – ўзини реклама қилиш, бойлик жамғариш. Бояги йигитлар эса жонларини пулга сотган. Россиянинг қайсидир шаҳарларига бориб, белига бомба боғлаб, одамлар гавжум жойларда ўзларини портлатиб юбориш мақсадида келаётганди.

Илон изи йўлдан қор кечиб борардик. Туман босган қорли чўққилар ортда қолганди. Қаршимизда кенг яйловлар ястаниб ётарди.

– Ёт!!

Шеригимнинг овозидан чўчиб тушдим. Қулоғимга гуриллаган овоз чалинди. Ўзимни ерга отдим ва тошлар орасига яшириндим. Осмонда иккита вертолёт пайдо бўлганди. Улар боя биз чиққан ғор тепасидан учиб ўтарди. Вертолётлар ғор устига бир нечта бомбани ташлади. Гумбурлаган даҳшатли овоз заминни ларзага келтирди.

Қорлар кўчди. Тошларнинг қарсиллаган овози бизнинг кулоқларимизга етиб келди. Қора тутун ва куюқ чанг ичида қолган фор яксон бўлганди. Вертолётлар ўз ишини бажариб орқага қайтганди...

– Ҳаммаси тамом! – деди Латиф ўрнидан туриб тош устига чўнқайиб ўтираркан.

– Нимаси тамом? – унинг гапидан хайрон бўлдим. – Бизга ҳеч қандай зиён етмади-ку. Яхшиям ташқарига чиқиб олганимиз.

– Сени нимага ҳам ақлинг етарди, – деди бош чайқаб. – Бу фор йўли икки юз йил муқаддам очилган. Айтишларича, юзлаб куллар кечаю кундуз ишлашган экан. Савдогарлар қўшни давлатларга шу йўлдан қатнашган. Инқилобдан сўнг транспортлар кўпайиб, ҳеч ким қатнамай қўйган ва кейинги авлод эсдан чиқариб юборган. Кексалардан бири икки йил бурун шу йўлни кўрсатиб қўйганди бизга. Қурол-яроғлар айнан шу йўлдан олиб ўтиларди...

– Ҳарбийлар хабар топишибди-да...

– Руслар ер тубида чувалчанг қимирласа хабар топади. Афтидан, улар Афғонистондан қурол олиб ўтадиган одамларнинг келишдан хабар топишган.

Бундан хабардор эдим. Бироқ уларнинг изма-из келишаётганини хаёлимга ҳам келтирмагандим. Форнинг оғзи не сабадан беркитилмаганлигини шунда тушундим.

Йўлда давом этдик. Латиф хомуш тортиб қолганди. Афтидан, уни бошлиқларига қурол олиб ўтадиган одамларнинг тақдири ҳақида гапириб бериш азоби қийнардди. Биз яна тепаликка тирмашдик. Шеригим чуқур ўйга толгандики, бошини эгиб, олдинга қарамас, ҳатто ортида келаётганимни унутгандек эди. Мен ундан бир неча қадам нарида келардим. Қийин аҳволга тушиб қолгандим. Бошлиқларимга мени Чеченистонга жўнатишаётганини маълум қилолмадим. Улар мени излашаётган бўлиши мумкин. Толиблар қўлимни боғлаб олиб кетишганини эшитишган бўлишса, ўлдириб юборишган

деб ўйлашгандир. Қандай қилиб бўлмасин тириклигимни маълум қилишим керак уларга...

– Аааа!

Қичқириқ юрагимни товонимга тушириб юборди. Қўрққанимдан кўзларимни юмиб олдим. Очганимда олдинда бораётган Латиф кўринмасди. Гўё ер ютгандек ғойиб бўлганди. У кетаётган жойда пардек тўзиб ётган қор кўчкилари кўринарди холос. На олдинга, на ортга юришни билмай турган жойимда ҳайкалдек қотиб қолгандим.

– Латиф, – деб қичқириб юбордим.

Жавоб бўлмади.

Беш дақиқалар жойимдан жилолмайд турдим. Ердан оёғимни узсам ўзим ҳам ўрага тушиб кетадигандек эдим.

Чуқур тубидан одамнинг инграган овози қулоғимга етиб келди. Ўзимга келдим. Шеригим ўрага тушиб кетганини билдим. Хушёрлик билан ўра тепасига келдим. Ҳозир бир қарич масофа ҳам менинг ҳаётимни ҳал қилиши мумкин эди. Оёғимни эҳтиёткорлик билан босдим. Бир оз энкайиб чуқурга назар ташладим. Тўрт метрча пастда Латиф букчайганча ўтирарди. Ёмон тушгани афтидан билинарди. Қўллари билан сонини силарди. «Тирик экан» деган фикр кўнглимдан кечди. Суюниб кетдим.

– Латиф, тирикмисан! Сабр қил, ҳозир тортиб оламан!

– Яқинлашма, тушиб кетсанг, иккимиз ҳам бу ердан чиқолмай музлаб қоламиз, – унинг заиф овози эшитилди.

Бундай пайтда арқон керак бўлади. Аммо у на менда, на Латифда бор эди. Атрофга боқдим. Биргина нажот дарахтларнинг шохи ва илдизида эди. Чўққининг тепасидаги кекса арчага кўзим тушди. Бироқ у ерга чиқиш ўлимдек азоб эди. Нишаблик. Қор ва тошларни чангаллаб юқорига кўтарилдим. Оёғим тойиб, кўп бор сирпаниб, ағдарилиб пастга юмлаб тушдим. Яна ва яна тирмашдим. Ниҳоят бир амаллаб арчага етиб бордим. Узун

шохни синдириб пастга олиб тушдим. Латиф ҳамон ўра ичида инграб ётарди. Шохни пастга ташладим.

– Ушла, Латиф, маҳкамроқ ушла!

У шохнинг учидан ушлади. Жон-жаҳдим билан тортдим. Иккимизнинг қўлларимиз шилиниб, қон оқди. Тиканли зирапчалар этимизга игнадек санчиларди. Оғриқни ўйлайдиган пайт эмасди. Шох ўртасидан узилиб кетди. Энди нима қиламиз? Нимадир ўйлаб топиш керак. Хаёлимга келган фикрни Латифга айтдим.

– Қайишингни олиб, шохга қўшиб оёғингдан боғла!

– Оёғим музлаб қолган, ҳеч нарсани ҳис этмаяпти, – жавоб қилди шеригим.

Кун қайтиб, қўрқинчли қоронғилик тушиб борарди. Совуқ забтига оларди. Изғирин турганди. Қор учқунлари юз-қўзимга тикандек санчиларди. Бир оздан сўнг Латиф музлаб қолиши мумкин. Қайишимни, жемферимни ечдим, уларни бир-бирига улаб, катта харсангга учини боғлаб иккинчи томонини пастга ташладим. Ўзим ҳам унга осилиб Латифнинг олдига тушдим.

– Нима қилаяпсан, жинни? Бунақада иккимиз ҳам шу ерда ўлиб кетамиз-ку.

– Сени ёлғиз ташлаб кетгандан қўра, иккимиз шу чуқурда ўлганимиз яхши! – дедим.

– Мен икки-уч йил ичида юзлаб афғонларни кўрдим, бирга жанг қилдим. Яраланганимда ташлаб қочишди. Бироқ сенга ўхшаган инсонпарварини учратмадим...

Латифнинг мақтовларига аҳамият бермадим.

Унинг бадани музлаганди. Кўкарган лабларигина титрарди. Оғзидан чиқаётган ҳовур ҳам совуқ эди. Зўрға гапирарди.

– Яхшиси, ўзинг жўнайвер. Сўқмоқдан тўғри борсанг, овулга чиқасан. У ерда Рамазон исмли чол сени кутиб олади. Менинг номимни айтсанг, сени қутаётган одамларнинг олдига бошлаб боради.

Қайишни унинг белига боғладим. Ўзим ясама арқонга осилиб юқорига тирмашдим. Бир амаллаб чиқиб олдим. Кейин арқонни торта бошладим. Латиф мурда каби оғир ва ҳаракатлана олмасди. Оғриққа чидамай бўқирарди. Оғзига келган шалоқ сўзлар билан мени ҳақорат қиларди. Ўзига қўшиб мени пастга судрарди. Кўп бор хандақ оғзига бориб қолдим. Кучим етмади. Латифни қайтариб жойига туширдим. Нафасимни ростлаб олмоқчи бўлиб тош устига ўтирдим. Қош қорайганди. Тун чимматга кирганди. Олисдан қарсиллаган овоз келди. Изғирин кучайганди. Баданим музлаб борарди. Шу ҳолда тураверсам музлаб қолишим тайин. Латифнинг ҳам овози чиқмай қолганди. «Хушдан кетган бўлса керак» деб ўйладим. «Нима қилсам бўлади. Наҳотки бир одамни тортиб олишга кучим етмаса? Йўқ, тортиб олишим керак!».

Юрагимнинг тубидан шундай садо келди. Ҳаракатга тушдим. Арқонни тортдим. Овозимнинг борича кичқирдим:

– Латиф!

Мана шу овоз менга ғайритабиий куч ато этганди. Шеригимнинг номини айтиб, кучимнинг борича арқонни тортардим. Бундай телба қувват қайдан пайдо бўлди билмадим. Боши елкасига осилиб қолган Латиф ўра оғзига келиб қолганди. Уни тортиб олдим. Бағримга олдим. Бадани тарашадек қотиб қолганди. Қор билан юзларини ишқаладим. Юрагини уқаладим. Лекин ўзига келмади. Уни тезроқ иссиқ жойга олиб бориш зарур.

Кўтариб йўлга чиқдим. Паст-баланд тепаликларга чиқиб туриш мени ҳолдан тойдирди. Шундай бўлса-да, елкамда ўлим ва ҳаёт остонасида турган инсоннинг тақдири мени тезроқ ҳаракатланишга ошиқтирарди.

Довондан ошиб ўтганимда чироқлар кўзимга ташланди. Бу Латиф айтган Рамазон бобонинг уйими?

Бизни шу кулбада кутмоқдами у? Итларнинг хургани кулоқларимга чалинди. Азоб-укубатларни ҳис эта бошладим. Қўзларимдан ёш оқиб тушарди. Ўпкам бўғзимга тикилиб қолгандек ҳарсиллаб нафас олардим. Эшикни тақиллатдим. Узун бўйли, бошидаги рўмолининг учини иягига боғлаб олган аёл чиқди. Елкамдаги одамни кўриб, ўзининг тилида нималардир деди. Сўзларига тушунмадим. У йўл бўшатди. Ичкарига кирдим. Латифни ерга ётқиздим-у деворга суянганимча ўтириб қолдим.

Уй эгаси Латифнинг юзларини силади. Кейин нимадир деди менга. Мовий қўзларидан «Шеригинг ўлиб қолибди» деган маънони уқдим. Қўрқиб кетдим. Аёл унинг кийимларини ечиб ташлади. Қўкрагига кулоқ тутди. Баданини ишқалади. Иссиқ чой ичирди. Ярим соатлар ўтиб Латиф қўзини очди...

– Сен мени ўлимдан қутқариб қолдинг. Энди биз туғишган оға-инимиз, – деди Латиф эртаси куни эрта-лаб белидаги ханжарни қинидан суғириб. – Бу бобомдан қолган. Юз эллик йиллик тарихга эга, лекин инсон конини тўкмаган. Ҳақиқий чечен ханжарини бегона одамга бермайди. Фарзандига, туғишганларига ҳадя қилиши мумкин. Сен энди менинг туғишган оғамсан. Эсдалик сифатида қабул қил. Худо ажалга омонлик берса, дунёнинг қайси бурчагида бошингга савдо тушса етиб бораман! – Латиф мени бағрига босди. – Яхшилигингни унутмайман, дўстим!

Ханжар жуда ажойиб эди. Узоқ ўтмишда ишланганлиги билиниб турарди. Сопи архарнинг шохидан нақш солиб ишланганди. Уни қўлимга олиб, чеченларнинг тамойилига биноан лабимга босдим:

– Ўлгунимча ёнимда олиб юраман!

Биз бир-биримизни қучоқлаб, юзларимизни юзларимизга босиб, юракларимизнинг дўстлигимизга гувоҳлик бераётгандек гурсиллаб уришини тинглаганча бир муддат қучоқлашиб ўтирдик.

– Сени кутишмоқда, тезда кетишинг керак, – деди Латиф мени бағридан бўшатар экан.

– Бундай ахволда сени ташлаб кетолмайман!

– Чечен мақсадига етмагунча ўлмайди. Умид қилман, сен билан яна кўришамиз.

Латиф уй эгасини чақирди. Ўзининг тилида нималарнидир тушунтирди. Аёл менга қараб қўйди-да, қўшни хонага бурилди. Қўлида тугун кўтариб чикди. Унда чеченларнинг устибошлари бор эди.

– Кийиб ол! – деди Латиф. – Бундай ахволда кўчага чиқсанг руслар ҳам, ўзимизникилар ҳам тутиб олишади.

Кийиндим.

– Ўғлингни чақир! – деди Латиф аёлга.

– Нима ишинг бор унда!

– Буни Грознийга бошлаб бориши керак. Бир ўзи йўлда адашиб ёки қўлга тушиб қолиши мумкин.

– Ўйлаб гапиряпсанми? Расул ёш бола. Отасини яқинда отиб ўлдиришди. Энди ўғлимдан жудо қилмоқчимисан? Уни ҳеч қаёққа жўнатмайман!

– «Қора афғон»ни шаҳарда одамларимиз кутишмоқда. У бориб қурол олиб ўтаётганларнинг ғор ичида қолиб кетишганини маълум қилиши керак.

– Бу билан менинг нима ишим бор, – аёл йиғлади. – Уруш қилаётган сенлар, унинг жафосини нега мен тортишим керак. Менга фарзандимнинг бахти керак!

– Агар топшириқни бажармасанг, билиб қўй, сен миллатингга хиёнат қилган бўласан! Боланг ҳеч қачон ўз юртини севадиган, миллатнинг озодлиги учун курашадиган ҳақиқий чечен бўлиб етишолмайди.

Йиғлаётган аёл ниҳоят ўрнидан турди. Кўз ёшларини артиб ташқарига чиқиб кетди. Бир оз ўтиб ўн ёшлардаги йигитчани бошлаб кирди.

– Бу боланинг исми Расул. Сени Грознийга бошлаб боради, Рамазон оғанинг қўлига топширади. Унга қурол-яроғ олиб келаётган одамларимиз ғор ичида нобуд бўлишганини маълум қил. Русларнинг иккита верто-

лѐти форнинг оғзини порлатиб ташлашганини, уларнинг барчаси фор ичида мангу қолиб кетганини айт. Йўлда рус аскарларига дуч келиб қолишларинг мумкин. Ўзингни соқов қилиб кўрсатасан! Ҳаётингни сақлаб қолишнинг ягона йўли шу. Тушундингми?

Бош ирғадим.

– Энди кетавер! Худо ёр бўлсин!

Биз хайрлашдик...

ЧЕЧЕНИСТОН

Кобулдан қайтган Зелимхон кенгаш аъзоларини йиғилишга чақирди. Улар ўн киши эди. Барчаси дала қўмондонлари эди. Анжуманга иккитаси қатнашмади. Улар ўтган кунги отишма пайтида ўққа учиб ҳалок бўлишганди. Кенгаш аъзолари Зелимхонни Кобулдан қуруқ қўл билан қайтмаганини билишарди. Тушкун кайфиятда кўриб ҳайрон бўлишди. Яндарбиев шерикларига Мулла Умар қўйган таклифларни айтмади. Унинг шартларидан хабардор қилса, албатта ёрдамдан қўл силташлари тайин эди.

– Биз Мулла Умар билан батафсил келишиб олдик. Сизларнинг таклифларингизни унга етказдим. Қийинлик билан бўлса-да, юз дона «Зенит» ракетаси ва қуролларни етказиб берадиган бўлди.

– Қачон келади ўша қуроллар? – савол ташлади кимдир.

– Ҳозир одамларимиз йўлда! Руслар чегарани қаттиқ қўриқлашмоқда. Кириш ва чиқиш йўлаклари тўсилган. Аэропорт уларнинг измида. Ягона йўл – бу аждодларимиздан қолган фор. Чегарачилар бу йўлни ҳозирча билишмайди. Сизларга очигини айтишим керак, Мулла Умар қуролларга қўшимча ўн фоиз устама қўйди. Танг аҳволга тушиб қолганимизни ҳисобга олиб унинг талабини қабул қилдим.

– Ҳаддидан ошибди-да! – ўтирганлардан яна бири
лукма ташлади.

– Ватан тақдирини қурол билан ҳал этиб бўлмайди!

– Уруш бизнинг ҳам жонимизга тегди, Зелимхон.
Ҳар куни ўнлаб қариндошларимизни, яқинларимизни
йўқотмоқдамиз!

– Ягона йўл – рус ҳукумати билан битим тузиш. Шу
бизнинг жонимизга оро кириши мумкин. Бундан ўзга
йўл йўқ! – деди Зелимхон.

– Биз бундай таклифни уларнинг олдига илгари
ҳам ташлаганмиз. Ўтказилган музокаралардан натижа
чиқмаган, – фикр билдирди четда ўтирган ҳарбий ки-
йимдаги одам.

– Тўғри, Қосим оға, улар таклифларимизни қабул
қилган бўлишса-да, кейин бузишди, – деди Зелимхон
ҳарбий кийимдаги одамга юзланиб.

– Ҳозир қўлимда русларнинг икки юзга яқин ҳарбий
тутқунлари бор. Соқчиларни кучайтирганман. Асирлар-
нинг бирортаси қочиб кета олмайди. Москвага буни маъ-
лум қиламиз. Бошлиқлар биз билан музокара ўтказишдан
бош тортадиган бўлишса, асирларни аяб ўтирмаймиз.

Ўтирганлар кичкиришди:

– Мақсадимиз – ғалаба!

– Мақсадимиз – озодлик!

– Биз шахсан Ельцин билан юзма-юз ўтириб мус-
тақиллигимизни тан олишини талаб қиламиз, – деди
Қосим оға ўтирганларга қарата. – Талабларимизни ино-
батга олгандан кейин асирларни озод қиламиз. У биз-
ларнинг арзимизни эшитмайдиган бўлса, Россиянинг
катта-катта шаҳарларида унинг хотирасидан ўчмайди-
ган воқеаларни ёдига солиб қўямиз.

– Халқининг тинчлигини, иморатларининг вайрон
бўлишлигини истамаса, албатта бизни қабул қилишга
рози бўлади, – деди яна бири кимса.

– Қўшимча қандай таклифлар бор? – сўради Яндарбиев.

– Москванинг қоқ марказидаги кўп қаватли иншоотлардан бирини портлатиш!

– Бу билан Ельцинни ғазаблантириб қўямиз. Менимча, музокаралар бир ёқли бўлмагунча қон тўкишларга барҳам бериш керак.

– Хўш, биз унинг олдига қандай масалаларни қўйшимиз мумкин?

– Кўриладиган масала битта, – деди Яндарбиев. – Чеченистоннинг мустақиллигини тан олдириш, ҳарбий қисмларни бир ой муддат ичида мамлакатимиз ҳудудидан олиб чиқиб кетиш.

– Асирга олинган аскарлар номидан мудофаа вазирга ва думага мактуб битиш, – деди Қосим оға бир оз бетоқатланиб. – Ўйлайманки, уларнинг тақдири Ельцинни жиддий ташвишга солади.

– Унутманлар, русларнинг қўлида ҳам бизнинг юзлаб асирларимиз бор. Улар ҳозир қамоқхоналарда ётибди. Уларнинг тақдирини ҳам ўйлашимиз керак.

– Давлат раҳбари билан бўладиган музокарада бу масала ўртага ташланади.

– Асирларни алмашадиган бўлсак ютқазамиз!

– Аэропортни, темир йўл вокзалини, телекоммуникацияларни ихтиёримизга қайтарсин!

– Яхши, мен сизлар томонингиздан билдирилган таклифларни ўрганиб, Москвага хат тайёрлайман! – деди Яндарбиев тортишувга яқун яшаш мақсадида.

У ҳамманинг кўз ўнгида Ельциннинг номига кенгаш аъзолари томонидан билдирилган талабларни ёзишга киришди.

КОБУЛ

Ғафур пойтахтга қайтди. У топшириқни бажарганидан эмас, кўпроқ Эргашнинг қўлига тушиб қолмаганидан мамнун бўлди. Дилмурод унинг қулоғини Мирза-

аҳмаднинг шу ердалиги ҳақидаги хабар билан қизитиб қўйса, иккисининг ўртасида жанг бошланади. Табиийки, тўдабоши душманини қанотига олиб, шу кунгача ундан яшириб юргани учун Баширни аямайди. Унга нисбатан юрагида адоват ўти аланга олади. Бироқ ўзи нима қилади? Эргашнинг кўзига чалинмагани билан бу юртда узоқ қололмайди. Бугун бўлмаса эртага албатта тўдабошининг одамларидан бирортаси кўриб қолиши мумкин. Қолаверса, теварак-атрофда Мулла Умарнинг жангчилари уяси бузилган арилардек тўзғиб юришибди. Уларнинг қўлига тушса фош бўлади ёки ўлдириб юборишади. Қайси тарафга боқса кўзига хатар кўринади. Тезроқ бу ердан силжиши керак. Пойтахтга бориб Петрсоннинг одамига қўнғироқ қилса, Венага жўнатиб юборар ёки бошқа топшириқ берар...

Фафур ўй-хаёллари билан вайронага айланган пойтахтга кириб келди. Ёдида қолган рақамларни терди. Бироқ қўнғироғига ҳеч ким жавоб бермади. У бетоқатланди. Вақт пешин бўлганди. Ҳали замон қоронғи тушади. Кўчада қолиб кетса, ўлдириб кетиши мумкин. Бунинг устига қорни очганди...

У карвонсаройга кириб овқатланди. Кейин бояги рақамларни қайтадан терди. Бу гал ҳам жавоб бўлмади. Нима бало, Петрсон унга ишламайдиган телефон рақамларини бериб қўйганми?

Фафур вақт ўтказиш мақсадида бозор айланди. Оёқлари чарчади. Яна қўлига телефонни олди. Бу гал ҳам жимлик. Фафурнинг боши қотди. Ўйлаб-ўйлаб кечани карвонсаройда ўтказишга аҳд қилди. Тунаш учун эллик долларга хона сотиб олди. Туни билан ухламади. Автоматлар сайраб уйқусини қочирди. Одамларнинг бақир-чақирлари тинчини бузди. Тонг ёришди. Отишмалар барҳам топди. Фафур пастга тушди. Нонуштадан кейин яна рақамларни терди.

– Қаердасан? – сўради гўшакни кўтарган одам.
Унинг овозидан ўзи тенги йигит эканлигини билди.

– Карвонсаройдаман.

– Сени кутаётгандим, ярим соатда етиб бораман!

Айтилган вақтда Петрсоннинг одами келди. У ўттиз беш ёшлардаги чуваккина йигит эди. Устида афғонларнинг кийими, оқиш юзини узун соқол қоплаганди.

– Ортимдан юр, – буюрди Фафур билан саломлашиб бўлгач.

Карвонсарой ортига ўтишди. Кўчалар одамлар билан гавжумлаша бошлаганди. Улар бозорга келган савдогарларга ўхшамасди. Кўпчиликнинг елкасида милтиқ, автомат осилган бўлиб, худди жангга кириб бораётган жангчиларни эслатарди.

Катта йўлга чиқишди. Фафурнинг кўзи йўлак четида ётган мурдага тушди. Биқинидан сизиб чиққан қон анча жойни эгаллаганди. Тунда чавақлаб кетишганми ёки отишганми – билиб бўлмасди. Юзига ташланган бир парча матони шабада учириб, учини қайирган ва шу жойдан пастга осилган жағи ҳамда сарғайиб кетган тишлари кўриниб турарди. Нарироқда бир ғилдираги чуқурга тушган «Тойото» турарди. Тепа қисми олиб ташланганми ёки снаряд учириб ташлаганми, ҳар ҳолда очиқ эди. Орқа капоти ўқлардан илма-тешик бўлиб кетганди. Улар машинага ўтиришди.

– Исмим Жон Дэвид, – ўзини таништирди йигит машинани ўт олдиришдан аввал. – Самангандан қачон кайтдинг?

– Икки кун бўлди.

– Топшириқ нима бўлди?

– Одамларимнинг қулоғини қизитиб қўйдим. Бугун эрта Мирзааҳмаднинг тириклигини Эргаш билади.

– Яхши. У сендан шубҳаланмайдими?

– Одамларим мени сотиб қўймайди.

– Ўйлайманки, улар энди бир-бирларининг гўштини ейишади.

– Сизларга ким керак? Мирзааҳмадми ёки Эргашми?

– Кучлилар керак. Бу юртда фақат зўравонлар яшайди.

– Венага қайтишим мумкинми?

– Шошилма.

– Аёлим ҳомиладор. Фарзанд кутяпти.

– Дарвоқе, кеча Петрсон телефон қилиб, Пайванинг фарзанд кўрганини айтди.

Ғафурнинг юзига табассум ёйилди.

– Ростданми?

– Ўғилли бўлдинг! Энди сени икки кишилашиб кутишади.

– Мен тезроқ унинг олдига қайтишим керак.

– Кетишингни мен ҳам истайман, лекин бошлиқлар муҳим топшириқ беришди.

– Буни менга нима алоқаси бор?

– Топшириқни сендан бошқа одам уддалолмайди.

– Қандай топшириқ экан?

Жон Дэвид шошилмади. Машина шаҳар чети томон кетиб борарди. Одамлар сийраклашганди. Гоҳи-гоҳида йўлдан қуролли аскарларга тўлган юк машиналари ўтиб турарди. Булар толиблар эканлигини Ғафур яхши биларди. «Тойота» муюлишдан ўтганда Ғафур уйнинг харисига осиб қўйилган яна бир жасадни кўрди. Осилганига икки-уч кун бўлган бўлса керак, шишиб кетганди. Жон Дэвид бундай манзараларга кўп дуч келган бўлса керак, аҳамият бермади.

– Яқинда толиблар биз тенги йигитни қўлга олишибди. Мутахассисларимиз унинг бу ерлик эмаслигини аниқлашди, – деди у билан гаплашганини яшириб.

– Ҳозир қаерда?

– Тошли қамоқхонада.

– Мен нима қилишим керак?

– Сени толибларга қарши курашган исёнкор сифатида унинг олдига киритамиз. У билан бир-икки кун ётасан. Гапга соласан. Мақсадини аниқлайсан. Бизнинг фикримизча, унинг бу ерда иккита алоқачиси бор. Бири Эргашнинг лагерида, иккинчиси лашкарларнинг ичида. Қандай қилиб бўлмасин биз уларнинг кимлигини билишимиз керак. Бу Петрсоннинг топшириғи!

– Бу шубҳами?

– Аниқ. Улар ойда бир-икки учрашиб турган. Муҳим маълумотларни қўлга тушган йигитга бериб туришган. Мирзааҳмаднинг шу ердалигини ҳам ана шу айғоқчилар маълум қилган.

– Бу хабарни ўша алоқачи жўнатган демоқчимисиз?

– Бундай қарорга келишга у қадар шошилаётганимиз йўқ. Агар ҳақиқатан ҳам биз шубҳа қилаётган кимса бу хабарни қўлимиздаги разведка ходимига берган бўлганда, Эргаш аллақачон Мирзааҳмаднинг тирик-лигидан огоҳ бўлган бўлур эди. Назаримда унинг яна бир одами бор. У лашкарбошининг тўдаси ичида...

– Ўзбеклар Мирзааҳмадни аллақачон ўлганлар рўйхатига тиркаб қўйишган...

– Биз ҳам шундай фикрда эдик, афсуски, икки ой давомида у билан боғлиқ кўп ишлар очилди. Кимдир унинг Афғонистонда яшаётганини ҳарбий разведка бошқармасига етказган. Шундан кейин Мирзааҳмаднинг қабри очилиб, жасади эксгумация қилинган. Экспертиза мурда бошқа одамники эканлиги тўғрисида хулоса берган. Ўзбеклар бундан қаттиқ ташвишга тушиб қолган.

– Демак, қўлга тушган жосус буларнинг барчасидан хабардор.

– Лекин алоқачининг кимлигини фош қилмаяпти. Унинг шахсини аниқласак кўп нарсаларни очган бўлардик.

– Ўша одам оддий жангарилардан бўлиши мумкин эмас. Бундай кимсани Эргашнинг яқинлари орасидан излаш керак.

– Ҳақиқатга яқин фикр. Оддий одамлар лагердаги сирлардан бу қадар воқиф бўла олмайди.

– Балки ўша яқин кишисининг кимлигини суриштириш, уларнинг изига тушиш керакдир.

– Бизда вақт етишмайди. Айғоқчини қўлга олганимизга ҳам бир ҳафтадан ўтиб қолди. Анча вақтни бой бердик. Қанчалик уринмайлик, уни гапиртира олмадик. Назаримда айғоқчини маълумот билан таъминлаб турган одам учрашувга чиқиш вақтини кутаётган.

– Сиз қўлга олган йигит разведкага алоқадор эканлиги аниқми?

– Мутахассисларимиз у билан икки кун тинимсиз ишлашди. Рус ва ўзбек тилларини мукамал билишини аниқлашди. Ўзбек тилидаги айрим сўзларнинг кўп ишлатиши, шевалар, талаффуз оҳанглари бу йигитнинг Фарғона водийсидан келганлигини фош қилди. Унинг суратини водийдаги одамларимизга юбордик ва бир ҳафтадан кейин жавоб олдик. Айғоқчининг исми Қўлдошали экан. 1983 – 1985 йиллар давомида Шўро қўшинлари таркибида Афғонистонда хизмат қилган. Генерал Громовнинг адъютанти бўлган. 1992 йилдан бошлаб махсус хизмат бўлимида ишлайди.

– Яхшигина маълумот тўплабсиз, Жон Дэвид. Мен у билан нима ҳақида гаплашишим керак?

– Бизни қизиқтирган нарса битта. Бу ердаги одамнинг кимлигини аниқлаш.

– Уни гапиртиришнинг бошқа йўли топилмадими?

– Биз қўлимиздан келган барча чораларни ишга солдик. Афсуски, ўзимиз кутган жавобни ололмадик. Сўнги имконият қолди.

– Яъни?

– Биринчиси – сени киритиб, сирини олиш. Шунда ҳам айтмаса, жасадини турмадаги итларга едириш!

– Мени унинг олдига киритиш сизни ташвишга солмайдими?

– Сен бизнинг ишончли одамимизсан. Кейин сен ҳеч қачон юртингга қайтиб бормайсан. У бизга ўзи билган барча ҳақиқатларни гапириб берган чоғида ҳам тошли турмадан тирик чиқолмайди. Мени тушунгандирсан?

– Тушунарли.

Машина йўлда бир меъёрда кетиб борарди. Шаҳар анча ортда қолганди. Сувсизликдан қақраб ётган кенгликлар бошланди. Гоҳи-гоҳида снаряд ва бомбалар тушиб хандаққа айланган чуқурлар, ёниб кетган танклар, бўлакларга ажралган БТРлар ва вайрона уйлар кўрина бошлади. Йироқдаги тошли турма худди қора мато ёпиб қўйилгандек кўзга совуқ ташланарди. Бир тўда одамлар йўлни кесиб ўтишди. Улар иккита майитни елкаларида кўтариб олишганди. Жон Дэвид машинани тўхтатди. Одамлар ўтиб кетгач йўлда давом этишди.

Машинани темир дарвозага етмасдан тўхтатди. Жон Дэвид «Етиб келдик» дея минғирлаб қўйди. Бу шаҳар турмаси эди. Қурилганига юз йилдан ўтиб қолган. Омониллохон давлат тепасига келганда шу бинони қурдирган ва ўлимга маҳкум этилган маҳбусларни шу ерда сақларди. Унинг анъанасини кейинги даврларда ҳукмронлик қилган давлат бошлиқлари ҳам давом эттиришди. Жумладан, Мулла Умарнинг ашаддий душманлари шу ерга келтириб ташланарди. Унинг деворлари одамнинг қулочига сиғмайдиган тошлар билан тикланганди. Бино олд томонга оғиб қолгандек, салгина ер силкинса қулаб тушадигандек кўринса-да, аслида уни ҳеч қандай зилзила вайрон қилолмасди. Шу пайтгача маҳбусларнинг бирортаси деворни тешиб ёки ер остини кавлаб қочиб кетмаганди.

– Мен шу ерда қоламан, – деди Дэвид дарвозадан ўтганда сўнг. – Бу ёғига сенга турма нозири ҳамроҳлик қилади. Эсингда бўлсин, бизни фақат Қўлдошалининг одами қизиқтиради. Исмини билиб берсанг бас. Истаганча пул, бойлик, дунёнинг хоҳлаган мамлакатидан

уй-жой ваъда қилавер. Сенинг хизматинг ҳам тақдирланади.

Жон Дэвид ён чўнтагидан бир парча қоғоз олиб Фафурнинг қўлига тутқазди.

– Бу чек, пулини ёзиш ҳуқуқини ўзига бер.

– Талтайтириб юбормаймизми?

– У айтадиган маълумотнинг баҳоси ҳар қандай бойликдан қиммат.

Ичкаридан чиқиб келган турма нозири уларнинг олдига етиб келди. Афтидан, у Жон Дэвиднинг бу ерга келишидан хабардор бўлса керак, у билан қуюқ саломлашди.

– Меҳмонни қабул қилинг! – деди Дэвид. – Мен икки кундан кейин келаман. Агар бирор янгилик бўлса, чақиринг!

– Тушундим, сэр!

Жон Дэвид нозирга инглиз тилида нималарнидир тушунтирди. Кейин Фафурга ғалати қараш қилди-да, бошини ирғади. У машинаси томон юрди ва «Тойота»га ўтириб, келган томонига қайтиб кетди.

Нозир дарвозани очди.

– Кир!

Фафур ичкарига кирди. Улар тош йўлакдан юриб боришди. Итларнинг овози эшитилди. Афтидан, улар очга ўхшарди. Бўйнига солинган темир занжирлар шарақларди. Назоратчи одамнинг билагидек келадиган темир панжарали эшикнинг қулфига калит солди. Темир эшик оғир ғийқиллаб очилди. Эшик ортида ер остига олиб тушадиган йўлакча бор эди. Фафурнинг димоғи бадбўй ва сассиқ исдан ёрилиб кетаёзди. Ертўла коронғи эди. Деворларга ўрнатилган маёқлар ўзларидан тутун аралаш қизғиш шуъла сочарди. Тошлар қон рангида жилваланарди. Қора саллали ва қора кийим кийган соқчилар деворлар олдида худди қоп-қора мумдек қотиб туришарди. Яна бир панжарали эшикка

дуч келишди. Улар энсиз, аммо поёни қорайиб турган йўлакдан ичкарига қараб юришди. Тошларга ўрнашиб қолган бадбўй исдан нафас олиш оғирлашарди. Фафур қусиб юбормаслик учун оғзига кафтини босди. Темир панжара ортида ўтирган маҳбуслар одам шарпасини сезишлари биланоқ ўрниларидан туриб, ғимирлаб қолишди. Эшиклар олдига келиб, озиб-тўзиб суякларигина қолган қўллари билан панжараларни маҳкам чангаллаб олишди. Булар сиёсий маҳбуслар эди. Хукумат тепасига келган толибларнинг адолатсизлигидан азоб чекиб ётишарди. Биринчи хонада қўлларига ва оёқларига кишан солинган тутқунлар ўтиришарди. Ҳаётдан умидларини узишганини кўзларидан билса бўларди. Назоратчини ғазаб ва нафратга тўла кўзлари билан таъқиб қилишарди. Иккинчи хонадаги маҳбусларнинг ҳолати янада аянчли эди. Бир қарашда хонада одам йўқдек кўринарди. Диққат билан қаралгандагина ердан чиқиб турган беш олтита бошни кўриш мумкин эди. Улар гўё танасидан узиб ташланган каллаларга ўхшарди. Аслида бўйинларидан пасти ерга кўмиб ташланганди. Маҳкумларнинг ёниб турган кўзлари, хиёл қимирлаётган лаблари орасидаги тишларинигина кўриш мумкин эди. Хонага вақти-вақти билан оч қолдирилган каламушлар қўйиб юборилар, улар одамнинг бурни, қулоқларига чанг солишар, ўткир тишлари билан узиб олиш учун тишлашар, чийиллаб бир-бирлари билан ўлжа талашшарди. Учинчи хонада очлик, калтак ва зулмдан азоб чекиб, ҳолдан тойган тутқунлар сақланарди. Уларнинг бадани устиларидаги кийимлари каби дабдала бўлиб кетганди. Юпқа қўйлак ортидан суякларигина кўринарди. Бу ердаги ҳаёт жонига теккан айрим маҳбуслар қадам товушлари қулоқларига чалиниши биланоқ эшик олдига келиб, чўпдек қўллари билан панжараларни ушлаб бақиршарди.

– Отиб ташла!!

– Ўлдир!!

Улар қанчалик баланд овозда бақиришмасин товушлари худди қудуқ тубидан чиқаётгандек бўғиқ ва кучсиз эди. Назоратчи уларнинг ёнидан беэътибор ўтиб кетмасди. «От!», «Ўлди!» дея бақираётган тутқунларнинг қаршисига келганда худди томоша кўрсатгиси келгандек аввал Ғафурга қаради, кейин ҳамёнидан уқаланиб данакдек бўлиб кетган бир ҳовуч қотган нон бўлакларини олиб ичкарига ташлади. Тутқунлар шу заҳотиёқ ўзларини ерга ташлашди. Назоратчи эса йўлида давом этди.

Назоратчининг қўлидаги резина таёқ қадамига ҳамоҳанг равишда ҳаракатланарди. Гоҳида жазо қуроли борлиги эсига тушгандек, боши баробар кўтариб, темир панжараларни чангаллаб нон ва сув сўраётган маҳбусларнинг қўлларига уриб ҳам қўярди. Хоналардан бирининг эшиги очилди ва ичкаридан замбил кўтарган иккита турма ходими чиқиб келди. Замбилда юзини соқол босган, кийимлари илма-тешик бўлиб кетган, ёввойи қиёфага кириб қолган, фақат суяги қолган одамнинг жасадини кўтариб чиқишди. Нозир унинг ўлган ёки ўлмаганлигини билиш мақсадида қўлидаги таёқ билан пешонасига бир-икки уриб қўйди.

– Қачон ўлибди? – сўради у ходимлардан.

– Шерикларининг айтишича, тунда қазо қилганмиш.
– жавоб қилди ходимлардан бири.

– Оёғига миҳ қоқиб кейин кўминглар.

Назоратчи топшириқни бериб йўлда давом этди.

– Бу одамлар анчадан буён ётганга ўхшайди? – сўради зўрға нафас олиб келаётган Ғафур панжара ортидагиларга ишора қилиб.

– Кимгадир бир йил, кимгадир беш йил бўлган, айримлар қамоқхонага қачон тушишганини ҳам унутишган, – беписандалик билан жавоб қилди назоратчи.

– Суд қилишмайдимми?

– Бу юртда маҳбуслар кўп, судьялар эса йўқ. Ҳаммаси шариат ҳукмини кутиб ётишибди.

– Буларнинг гуноҳи оғирми?

– Ҳаммаси Мулла Умар жанобларининг сиёсатига қарши чиқишган. Айримлари толибларга қўшилишдан бош тортишган, манави хонадагилар эса ҳазратининг буйруғи билан дорга осилган бузғунчиларнинг жасадини олиб ташлашган.

Ўн қадам юришга улгуришмасдан, йўлакда икки кишининг шарпаси кўринди. Улар очлик ва қийноқ азобидан қутилган яна бир маҳбуснинг жасадини олиб келишарди.

– Ҳали қамоқхонанинг адоғига етмасимиздан икки бандининг мурдасини олиб чиқиб кетишди. Бу ер қамоқхона эмас, мурдахонага ўхшайди. Кунига иккитадан одам ўлаверса қамоқхонада ҳеч ким қолмайди-ку?

– Аҳамият берма. Бугун иккитаси ўлса, эртага тўрттасини олиб киришади. Кўриб турганингдек, бўш хонанинг ўзи йўқ.

Ниҳоят қамоқхонанинг охириги бўлимига етиб келишди. Фафур мен учрашмоқчи бўлган маҳбус шу ерда бўлса керак деб ўйлади. Аммо назоратчи ўнгга бурилди ва одам чидаб бўлмайдиган даражада сассиқ, ифлос ва нам зинадан пастга туша бошлади.

Улар биринчи темир эшик қаршисида тўхташди. Назоратчи белига боғланган калитлардан бирини танлаб қулфга солди. Уни эринмасдан айлантириб қулфни очди. Хона қоронғи эмасди.

Туйнукдан бир чимдим қуёш нури тушиб турарди. Бурчакдаги тош супа устида сочлари ўсиб, кийимларини моғор босган маҳбус чўнқайиб ўтирарди. Қоматини тик тутишидан у қадар қари эмаслигини билиш қийин эмасди. Фафур ичкарига киришдан олдин маҳбусга диққат билан тикилди. Унинг олдида қолишни ўйлаб юраги сесканди.

– Кир! – буюрди назоратчи ашаддий жинойтчини олиб келгандек Фафурнинг елкасидан ушлаб ичкарига итарар экан.

Ғафур иккилагандек ичкарига оёқ босди. Нозир эшикни қулфлади, бироқ ортга қайтишга шошилмади. Бир фурсат кичкинагина тешикчадан уларга қараб турди-да, кейин йўлида давом этди. Белидаги тасмага боғланган калитларнинг шарақлаган овози, оғир лўк-кидоннинг ва занг босган ошиқ-мошиқларнинг гичирлаган овози Ғафурнинг қулоқларига чалиниб турди. Бу пайтда хона эгаси бошини буриб, ичига ботиб кетган кўзларини янги меҳмонга тикди. Ғафурнинг юрагида пичоқ санчилгандек оғриқ турди...

* * *

Турмада ҳамманинг ёдидан кўтарилиб, якка қолиб кетган маҳбус қандай оғир-азоб уқубатларни бошидан кечирса, шуларнинг ҳаммасини Қўлдошали ҳам бошидан кечирди. Ертўлага олиб тушишганига бир неча кун бўлса-да, дастлабки куниек бу ердан қочиб кетишнинг мутлақо иложи йўқлигини тушуниб етди. У қамоқхонадаги юзлаб одамларнинг аянчли аҳволига гувоҳ бўлди. Булар қандай гуноҳлари учун қуёш нури тушмайдиган нимқоронғи хоналарда ўлимини кутиб ётишибди? Ҳар кун битта-иккита маҳбус калтаклар азобидан, очликдан қийналиб ҳаётдан кўз юммоқда. Яна қанчалари санокли соатлардан кейин содир бўлиши кутилаётган ажални кутмоқда. Ҳар кун йўнлаб маҳбуслар сўроқ қилинади. Калтакларга бардош беролмай, қамоқхонани бошларига кўтариб дод солишади. Улар мамлакат тепасига келган кимсаларнинг қурбонига айланмаяптими? Уларнинг бу ерга келтириб ташланишига, очлик азоби-га гирифтор бўлишига, каламушларга таланиб, ўлим шарпаси кезиб, моғор ҳиди анқиб турган хоналарда бир тутам қуёш нурига термулиб ўтиришларига фаровон кунларга бўлган ишончу умид сабаб бўлмадимикин?

Қўлдошали ҳар куни шу ҳақда ўйлар ва ипдек чувалашиб кетган ўйларининг адоғини кўрмай хуноб бўларди. Қачондир терговчилар уни яна чақириб, ўзларининг қон иси анқиб турган сўроқ тегирмонидан ўтказишларини кутарди.

Хона эшиги зинага яқин бўлгани учун тепадан чиқаётган ва пастга тушаётган одамларнинг оёқ товушлари эшитилиб турарди. Хаёлларга чўмиб ўтирган бир пайтда эшик очилди. Остонда назоратчининг бесўнақай ва хунук башараси кўринди. У эргаштириб келган маҳбусни елкасидан итариб ичкарига киритди ва бир сўз айтмай яна эшикка қулф солди. Эшикни ёпаётганда унинг юзи яна ҳам хунуклашиб, қўрқинчли тус олди.

Фафур юракка қўрқув соладиган ва бадбўй ис уфуриб турган ифлос хонага олиб киришларини хаёлига келтирмаганди. У шинам хонада ўтириб берилган топшириққа асосан маҳбус билан ишлашни ўйлаганди. Ичкарига кириб хонадаги манзарани кўрганда талмовсираб, ақлидан айрилган телбадек ҳайрону лол қолди. Кўзлари қоронғиликка ўргангунча шу алфозда қотиб турди.

– Исминг нима? – Қўлдошали «меҳмон»ни шундай савол ила қарши олди.

Фафур ўзининг ҳақиқий исмини яширди. Жон Дэвид йўлда буни унга уқтириб қўйганди.

– Фолиб. Ўзинг кимсан? – деди.

– Бахтсиз бир маҳбусман, – жавоб қилди Қўлдошали.

– Ҳамма маҳбуслар ҳам бахтсиз, – жавоб қилди янги «меҳмон». – Қайси миллатдансан?

Қўлдошали маҳбуснинг юзига тикилиб турди. Одатда қамоқхонага келтирилган тутқунлар тергов хонасида сўроқ қилиниб, юзларида, баданларида қонли муҳрлар босилган, айримлари эса ҳушдан кетган ҳолда назоратчиларнинг ўзлари мурдани судрагандек судраб олиб киришарди. Бироқ янги маҳкумнинг на юзида, на бада-нида улар қолдирган белги кўринмади. Қолаверса, у ўз

оёғи билан юриб келганлиги, устидаги кийимларининг бутунлиги уни озгина бўлса-да хайрон қолдирди. «Бу кимсани менинг сиримни олиш мақсадида киритиш-мадимикин» деган хаёлга борди. Саволларга шубҳага ўрин қолдирмай жавоб қайтаришга қарор қилди.

– Ўзбекман!

– Исминг?

– Қўлдошали.

– Сени нега қамашди?

– Жосусликда айблашмоқда. Сени-чи?

– Толибларга қарши исён кўтарганим учун.

– Нахотки шундай гуноҳ иш билан шуғулланган бўлсанг? Қисматинг меникидан оғир экан.

– Янглишдинг, жосусларнинг қисмати меникидан беш баттар.

– Мендек оғир жинойтчининг олдига сени қўйишганини тушунмадим.

– Афтидан, бўш хона қолмаган бўлса керак. Мени бу ерда узоқ қолиб кетади деб ўйлаяпсанми?

– Мен бу хонада ёлғиз ётиб кўп нарсалардан хабардор бўлдим. Толибларга қарши исён кўтарганларни меҳмондек иззат-икром билан қабул қилишмайди.

– Нега бундай деяпсан?

– Билишимча, исёнчиларни аввал сўроқ қилишади, кейин дўппослашади, ҳушдан кетказиб ёки баданларини қонга белаб, кейин олиб киришади. Шу пайтгача ўз оёғи билан кириб келган маҳбусни учратмагандим. Афтидан, қамоқхона ходимлари сени қўлларида гул билан кутиб олишганга ўхшайди!

«Ғолиб» довдираб қолди. Жон Дэвид ҳам, турма нозоратчиси ҳам бу ҳақда уни огоҳлантиришмаган, айниқса, исёнчиларни қандай аҳволда қамоқхонага ташлашларини ҳеч бўлмаганда тушунтириб ҳам қўйишмаганди. Лекин маҳбус тезда ўзини ўнглаб олди.

– Мени сўроқ қилишди, чин кўнгилдан иқроор бўл, толиблар сафига қўшил, шунда сени озод қиламиз, – дейишди.

– Хўш, сен қандай жавоб қилдинг?

– Мен уларга имкон беринглар, бир-икки кун ўйлаб кўраман дедим.

«Ғолиб» бу сўзлар билан юзидаги қалин ниқобнинг бир қаватини йиртиб ташлаганди.

– Демак, озодликка чиқиб кетар экансан-да?

– Сени озодликка чиқиш ниятинг йўқми?

– Назаримда, бу ният мен учун орзуга айланиб қоладиганга ўхшайди.

– Озодликка бирга чиқамиз!

– Сўзларингга ишонсам бўладими? – ҳайратлангандек жавоб қилди Қўлдошали. У ўзининг ҳар бир сўзи билан шеригининг ниқобини йиртиб ташлашга ҳамда унинг асл башарасини кўришга ҳаракат қиларди. «Ғолиб»нинг юрагида умид шами ёнгандек бўлди. У маҳбуснинг олдига келиб ўтирди. Улар бир-бирларининг юзларига қараб туришарди.

– Бунинг учун менинг маслаҳатимга қулоқ солишингга тўғри келади.

– Шундайми? Унда қулоғим сенда.

Ғафур ўзининг ҳар бир сўзи билан мақсади сари интилаётганди. Сассиқ бу хона ҳозирданоқ унинг жонига текканди. Бу ерда бир неча кун эмас, балки бир соат ҳам ўтиргиси келмай қолганди.

– Афтидан, яхши йигитга ўхшайсан. – «Ғолиб» шундай деди-да, гапни нимадан бошлаш кераклигини билмай ўйланиб қолди.

– Дўстлар маслаҳати олтиндан қиммат дейишади. Тортинмай айтаверинг! – Қўлдошали унинг хаёлини тўзитади юборди.

Ғафур шеригининг юз-кўзларидан эмас, балки ҳозиргина оғзидан чиққан сўзидан ўз йўлига солишига ишонди.

– Одам дунёга бир маротаба келади, – деди худди буюк орзулари ушалаётган одамдек энтикиб. – Бу дунёнинг барча нозу неъматларидан бахраманд бўлмасдан қандайдир ғаламис кимсаларнинг қабих мақсадлари ва топшириқларини бажараман деб ўз жонини қийноқ ва азобларга қўйиш ғирт жинниликнинг ўзи.

– Нега буни аввалроқ ўйлаб кўрмадинг?

– Ҳақсан, гапларингга эътирозим йўқ, аммо мен турманинг қандай бўлишини унинг ичига кирганимда ва йўлақдан олиб чиқиб кетилаётган мурдаларга дуч келганимда, очлик ва қийноқлардан эзилиб кетган маҳбусларнинг оху зорларини эшитганимдагина ҳис қилдим. «Мен ким учун исён кўтардим, ким учун курашдим? Бунинг кимга ва нимага кераги бор эди. Ўлиб кетсам ким ачинади? Яхшиси толибларнинг сиёсатини қўллаб озодликда юрганим, улар тарафида туриб жанг қилганим маъқул эмасми» деб ўйладим. Ахир дунёнинг ҳамма бурчагида ҳам уруш бўлавермайди. Одамлар жаннатмакон жойларда айшу ишратларини қилиб, даври даврон суриб, шоҳона ҳаёт кечиришмоқда. Нега мен ўлиб кетишим керак? Бу юртнинг сиёсатини ёқтирмасам, бошқа юртга кетишим ва у ерда фаравон ҳаёт кечиришим мумкин-ку. Шундай эмасми?

Қўлдошали ҳамхонасининг юзидаги ниқобнинг яна бир чоки сўкилиб, башараси кўрина бошлаганини ҳис этди. Қулоғи «Ғолиб» айтаётган сўзларда бўлса-да, хаёли унинг кимлигини билишга кетганди. «Бу нуха ким? Юртимиздан ўтган Эргашнинг шотирларидан эмасмикин? Уни бежиз олдимга киритишмаган. Авра, алда, сирини бил дейишган».

Қўлдошали шеригининг юз-кўзларига тикилди. Бироқ ҳадеганда унинг кимлигини билолмади.

– Бундай ажойиб фикр каллангизга энди келганидан афсусдаман. Ярим соатлик қимматли умрингизни шу сассиқ хонада ўтказганингизга ачинапман. Ижозат бер-

сангиз, ҳозироқ турма назоратчисини чақираман, сиз унга таслим бўлганингизни айтасиз...

– Шошилманг, – овози қалтираб чиққан «Ғолиб»-нинг ранги ўзгариб кетди. – Эрталабгача сабр қилайлик. Ахир сиздек яхши дўстни бу ерда танҳо қолдириб чиқиб кетишим ғирт аҳмоқликнинг ўзи-ку! Биргаликда лаънати бу хонани тарк этамиз.

– Сизни тушуняпман, – деди Қўлдошали кулгисини зўрға яшириб. – Бироқ мени ниманинг эвазига бу ердан олиб чиқиб кетмоқчисиз? Аниқроғи, мени олиб чиқиб кетиш сизга нима учун керак бўлиб қолди? Жосусликда айбланаётган мендек кимса билан мулоқат қилганингиз учун сизнинг бир айбингиз икки бўлиб, жазолашлари мумкин-ку!

– Ажал шарпаси кезиб юрган бу хонада ёлғизликда ўлиб кетманг деб ачинапман. Агар рози бўлсангиз, бу ердан чиқибок Покистон орқали Европадаги мамлакатлардан бирига кетамиз. У ерда беклардек яшаймиз... Хўш, таклифим маъқулми?

– Қамоқхонадан сизни чиқариб юборишлари мумкин, аммо мени чиқаришмайди. Гуноҳим оғир.

– Бу дунёда ҳаммамизнинг гуноҳимиз оғир. Аммо мен йўлини топаман!

Ташқарида қадам товушлари эшитилди. Тепадан кимлардир тушиб келарди. Маҳбуслар нигоҳларини эшик томон қаратишди. Бирортасини олиб келишган бўлса керак деб ўйлади Қўлдошали. Булар ҳақиқатан ҳам турма назоратчилари эди. Улар қўлларидаги машъала билан қоронғи йўлакни ёритиб ўтиб кетишди. Қўшни хона эшигини очишди. Қаттиқ-қаттиқ гапирганлари эшитилди. Маҳбуслардан бирини оғизларига келган сўзлар билан ҳақоратлашади. Кейин қум тўлдирилган резина таёқнинг гурсиллаб урилгани-ю, маҳбуснинг жон ҳолатда қичқиргани эшитилди. Назоратчилар уни

узоқ савалашди. Маҳбус дод солди, бақирди ва ниҳоят хушдан кетган бўлса керак-ки, жим бўлиб қолди. Шундан кейин яна эшикнинг ёпилгани эшитилди. Назоратчилар тепага кўтарилишди.

Бу пайтда кун кеч бўлганди. Сим тўр ортидан юлдузларга тўлган осмон кўриниб турарди. Итлар безовталаниб хуришарди. Афтидан, олиб келган ўлжани олдиларига ташлашган бўлишса керак, жимиб қолишди. Туйнукдан бадбўй ис ичкарига кирди.

«Ғолиб» узилиб қолган суҳбатни давом эттиришга баҳона излади. Бироқ Қўлдошали «Қаттиқ чарчадим» деб тош супа устига чўзилди. «Ғолиб» нима қилишни билмай, зерика бошлаганди. Баданига тошлар орасидан ўрмалаб чиққан битлар тирмашарди. У тинимсиз кашланар, фаши келиб минғирлаб сўкинарди.

ЮРТДА

Шарифнинг фермасида бўладиган семинарга республиканинг барча вилоятларидан фермерлар, чорвадорлар билан бирга олимлар, мутахассислар, раҳбарлар келишганди. Фермер хўжалигида олиб борилаётган ишлар барчани қойил қолдирди. Наслдор молларни кўпайтириш тажрибаси ҳатто олимларда ҳам қизиқиш уйғотганди. Соғин сигирлар парвариш қилинаётган бўлим замон андозаларига тўлиқ жавоб берарди. Хориждан келтирилган ускуналар ёрдамида сут соғиб олинар, шиша қувурлар орқали сут қайта ишлаб чиқариш цехига ўтар, бу ердан эса қаймоқ, пишлоқ ва бошқа тайёр маҳсулотларга айлантирилиб, шаҳардаги савдо расталарига, болалар боғчаларига, касалхоналарга жўнатиларди. Швейцариядан келтирилган компьютер орқали сигирларнинг организмида етишмаётган моддалар аниқланар, танқис моддалар ўша заҳотиёқ маҳсусленталар орқали юбориларди. Соғин сигирларнинг ҳар

бирдан ўртача эллик литрдан сут соғиб олинаётганлигини семинарга ташириф буюрган чорвадорлар ўз кўзлари билан кўришди. Хўжаликдаги минг бош қора молнинг барчаси зотли ва наслдор эди. Гўштга боқиладиган новвосларнинг ўртача тирик вазни беш юз килограммдан ошиб кетганди. Улар ҳам шу ернинг ўзида сўйилиб, гўшлари олдиндан буюртма берилган шаҳобчаларга жўнатиларди. Янги қурилган колбаса цехида бир кунда ярим тонна маҳсулот ишлаб чиқариларди. Даладан ўриб келинган беда ва маккажўхори махсус ҳовузларга бостирилган, дағал хашак эса махсус тегирмонларда майдаланиб, механизмлар орқали ҳайвонларга етказиб бериларди.

Йиғилишда Шарифга сўз беришди. У бу ютуқларга қандай эришганини гапириб бериши лозим эди. Шариф минбарга қўтарилганида ўзига бир саволни берди. «Мен ким эдим?».

У ўз иш тажрибаси тўғрисида гапиришдан олдин мана шу саволга жавоб беришни лозим топди.

– Мен ким эдим? – бу сўзни у паст овозда айтган бўлса-да, ҳамма эшитди. Йиғилганлар фермер йигитнинг нима демоқчилигини тушунолмай, ҳайратланнинг оғзига тикилиб қолишди. – Ишларим тўғрисида гапиришдан аввал ўзим ҳақимда икки оғиз тўхталиб ўтсам. Мен адашган ва алданган инсон эдим. Ўз ватанига ва халқига хиёнат қилиш, мустақил диёримизнинг конституцион тузимини афдариб, ўзларининг янги давлатларини барпо қилиш мақсадида чет эллик ғаламисларнинг қўлидаги қўғирчоққа айланиб қолган, бугунги кунда Афғонистоннинг тоғу тошлари орасида бир тишлам нонга зор бўлиб, юракларини она юрт соғинчи азоблаётган Эргашнинг думини тутган, унинг қўлида хизмат қилган одам эдим. Мен кўплаб ёшлар қатори алдовлар ва ёлғон ваъдаларга ишониб, унинг сафига қўшилиб қолгандим. Унинг топшириғи билан бойвач-

ча бир одамни кўрқитиб, бойликларини олиб, Эргашнинг қўлига элтиб беришим лозим эди. Лекин мен бу қароримдан қайтдим. Юртдан олисда ватангадо бўлиб яшашдан ўз юртимда қолишни, унга сидқидилдан хизмат қилишни, элимизда бўлаётган оламшумул бунёдкорлик ишларига ўз хиссамни қўшишни, шу йўл билан хатойимни тузатишни лозим топдим. Ўлсам ҳам она замин тупроғида ўлай дедим. Давлатимиз раҳбарининг «Қўли қонга беланмаган, жангарилар сафига алданиб кириб қолганларни афв этиш тўғрисида»ги амнистияси менинг ҳаётимда кескин бурилиш ясади, янги ҳаёт остонасига олиб кирди. Элим гуноҳимни кечган экан, бундан кейин ўзимнинг бутун умримни, кучимни, билимимни, иқтидоримни мустақил юртнинг тинчлиги, фаровонлиги йўлига сарф қиламан деб онт ичдим. Чўлга келиб, қум барханлари ўрнида, одам юрса оёғи куядиган саҳрода икки юз гектар ерни ўзлаштиришга, боғу бўстонга айлантиришга аҳд қилдим. Қилган хатоларимни ювишим, ўзимни оқлашим, юрт тараққиётига хиссамни қўшишим, Ўзбекистон деган мамлакатнинг доврўғини дунёга танитишда оз бўлса-да улўшимни қўшишни ҳис этиб яшадим. Ҳукумат менга ишонди, энг оз фоизда қарз берди. Чорва ҳайвонларини сотиб олдим. Атрофимга қишлоқ ёшларини тўплаб, кечаю кундуз тиним билмай меҳнат қилдим. Кўриб турганларингдек, бугунги кунда шу даражага етиб келдим.

Аввало гуноҳларимни афв этган давлатимиз раҳбарига, биз ёшларга имконият яратиб берган ҳукуматимизга, мен билан ёнма-ён туриб меҳнат қилаётган қишлоқ одамларига таъзим қиламан. Мен эришаётган ютуқлар мана шу ёшлариникидир.

Ҳамма қарсақ чалиб юборди. Шариф ҳаяжонини босолмади. Унинг юзларини кўз ёшлари ювиб тушарди.

КОБУЛ

Ўзини «Ғолиб» деб таништирган қахрамонимиз турмадаги дастлабки кечанинг бу қадар узун ва зерикарли эканлигини ҳаётида илк бор ҳис этиши эди. У туни бўйи ухламади. Қўшни хонадаги назоратчилар калтаклаган маҳбус инграйвериб, кўзидан уйқуни қочирди. Қолганлар ҳам жим ётишмади. Қўпчиликнинг ўпкаси тугаган бўлса керак, тун ярмига келганда йўталган, хириллаган овоз авжига миниб, қамоқхонани тутиб кетди. Ташқаридаги итлар ҳам нимадандир безовта бўлиб, тонг ёришгунча хуришди. Бунинг устига бургалар тинчлик бермади. Баданини қашлайвериб терисини шилиб олаёзди. Кеча қизишиб кўп гапларни ўйламасдан гапириб, ўзини-ўзи ошкор қилиб қўйганини ўйлади. Бир кунда Қўлдошали билан яқинлашиб олишни ҳаёлига келтирмаганди. Маълумот бериб турадиган одамнинг кимлигини айтса борми, Жон Дэвиднинг ишончини оқлаб, юзи ёруф бўлади. Анчагина пул ундириб олиш имконияти туғилади. Ҳатто хотинининг олдига жўнаб кетишга рухсат бериши мумкин. Эҳ, қани энди ҳаммаси тезроқ ҳал бўлса, сассиқ хонани тарк этса. Ташқаридаги ҳаёт бағрига қайтса.

Хорижга учиб кетиш ҳақидаги гапларни эшитганда Қўлдошалининг кўзларидан чўғ ялтирагандек бўлди. Ахир яхши ҳаёт, фаровон турмуш кимга ёқмайди? Барча гапларни айтди, мақсадини яшириб ўтиришнинг ҳожати қолмади.

«Ниятимни билгани билан исмимни билмайди-ку, таклифларимни айтаман, гапларимга ишонмаса, чекни кўрсатаман. Пулнинг исини олса, рози бўлади. Биргина сўзни айтгани билан осмон узилиб ерга тушармиди?».

Қўшни хонадаги маҳбус қулоқни қоматга келтиргудек кичқирди. Унинг овози худди жон бераётган одамникидек аянчли эди. Ҳатто Қўлдошали уйғониб кетди. Кейин овоз бирдан сўнди.

Қўлдошали бошини кўтарди, юзини сим тўрдан эндигина уйғониб келаётган қуёшнинг олтин ранг нурлари ёритиб юборди.

– Тонг отдими? – сўради у тиззаларини қучоқлаб ўтирган шеригидан.

– Умримизнинг бебаҳо бир куни ертўлада ўтганидан пушаймонман, – деди «Ғолиб». Кейин ўзига-ўзи гапиргандек давом этди. – Инсонга ҳаёт бир маротаба берилади. Яшаб қолиш, ўйнаб-кулиш имкониятларидан фойдалана олмай қафас ичида ўтирганимга тоқат қилолмаяпман. Озодлик қадрини бугун тунда ҳис этдим. Ўйлаб боқсам, қилган ишларим ўтакетган аҳмоқлик экан. Менга нима эди. Бир ўзим қуролланган минглаб одамларга қарши чиқиб, уларни енга олармидим? Оломонга қарата: «Ҳой, мўминлар, толибларга эргашманг, улар келажагимиз душманлари» деб бақирганим билан гапимга ким қулоқ соларди.

– Афсусланияпсанми? – сўради Қўлдошали.

– Шундай, биродар. Аслида уларнинг чалган чилдирмасига ўйнаб, «Мулла Умар ҳазратлари бизни адолатли йўл сари бошламоқда» деб бақириб-чақирганимда бошимга бу мусибатлар тушмасди. Ҳали ҳам кеч эмас, бугуноқ турма нозирини чақиртираман. Хато қилибман деб ялиниб-ёлвораман.

– У кечиради деб ўйлайсанми?

– Бўлмасам-чи! Шундай қилсам нозир мени бошқа маҳбусларга ўрнак қилиб кўрсатади.

– Йигирма икки миллионли халқнинг барчаси Мулла Умарнинг этагини тутмас? Уларнинг орасида сен каби юрт тақдирини ўйлайдиган, халқни озодлик сари бошлайдиган, Афғонистоннинг бахтли келажаги учун курашадиган мардлар ҳам топилар?

«Ғолиб»нинг тили курмакляниб қолди. Ўйламай айтган гаплари билан юзидаги ниқобнинг яна бир пардасини йиртиб ташлаганди. Энди унинг башараси худ-

ди дока ортида тургандек Қўлдошалининг кўзларига аниқ-тиниқ кўрина бошлади.

– Истасанг сенга ҳам ёрдам бераман. Тезроқ бу ердан чиқиб кетасан, – деди овози қалтираб.

– Ёрдам бериш кўлингдан келармикин?

Бир оз ташвишга тушган «Ғолиб»нинг кўнглига маҳбуснинг кейинги сўзлари ёруғлик олиб кирди.

– Кафолат бераман!

– Унда мендан нима истайсан?

«Ғолиб» ҳамхонасининг кўнглига йўл топгандек бўлди ва бундан қувониб ҳам кетди. Унга яқин борди:

– Кўп нарса керак эмас. Мен сендан биргина нарсани сўраб билмоқчиман. Агар саволимга тўғри жавоб берсанг, ҳозирнинг ўзидаёқ сени бу исқирт хонадан олиб чиқиб кетаман.

– Гапингга ишонсам бўладими?

– Худони ўртага қўйиб қасам ичаман!

– Худони бизнинг ишимизга аралаштирма.

– Нима, сен Худога ишонмайсанми?

– Ишонаман, аммо у...

– Ҳаммамиз Аллохнинг қулимиз... – шеригининг мақсадини тушуниб, тезгина сўзини бўлди «Ғолиб». У шошганидан дилидаги гапларни тилига чиқариб юборди.

– Истагингни айта қол!

– Аввал ҳаммасини рўй-рост гапираман деб ваъда бер!

– Ҳаммасини рўй-рост гапираман!

«Ғолиб» гапни нимадан бошлашни билмай ўйланиб қолди. Кейин ўзи орзу қилган юртлар ҳақида оғиз очди.

– Менинг биргина саволимга тўғри жавоб берсанг, Швейцария, Австрия, Пальма оролларидаги шохона ҳаёт сенга ўз қучоғини очади.

– Ажойиб, худди жанатдагидек ҳаёт кечирар эканман-да. Мендан сўрайдиганингни тезроқ сўрай қол.

– Сендан терговчилар нимани сўрагани?

– Улар мени жосусликда айблаб, бу ерда кимлар билан учрашиб турасан деб сўраганди.

– Жуда яхши, сен учрашиб турадиган одамларингнинг кимлигини айт!

– Буни сенга нима қизиғи бор?

– Тезроқ бу моғор хиди келиб турган хонадан бирга чиқиб кетишимиз керак-да.

– Менинг олдимга бежиз киритишмаган эканда сени?

«Ғолиб» қизишиб кетганидан афсусланди. Саволни жавобсиз қолдирди. Энди у ошқора ўйинга ўтди:

– Хўш, розимисан?

– Сен айтган мамлакатлардаги қасрларда шоҳона ҳаёт кечиришнинг ўзи билан кун кечириб бўлмайди, – синашда давом этди Қўлдошали.

– Агар таклифимни қабул қилсанг сенга бошқа ҳадыларим ҳам бор.

– Ҳады дедимми?

– Ҳа, жуда катта ҳады!

– Назаримда мен «Граф Монти Кристо» романидаги қамокқа умрбод ҳукм қилинган чолга рўпара келиб қолгандайман.

– Унинг хазинаси оролда бўлса, меники шу ерда, чўнтагимда!

«Ғолиб» ҳамёнидан чек олди ва уни тутқунга узатди.

– Бу нима? – сўради Қўлдошали.

– Қоронғи хонада ўтиравериб, кўзинг хира тортиб қолган кўринади, биродар. Ахир бу чек-ку, истаган пулингни ёзиб олишинг мумкин.

– Истаган пулимни? – ҳайрон бўлди тутқин.

– Албаттада.

– Юз минг доллар ёзсам бўладими?

– Ёз!

«Ғолиб» мақсадига эришишнинг осон йўлини топганидан бахтиёр эди. Қўзлари чакнаб кетди.

– Лекин юз минг менинг қамоқхонада чеккан азобларимни қопламайди деб ўйлайман! – деди Қўлдошали ўртага чўккан жимликни бузиб.

– Унда икки юз минг ёз!

– Бунинг эвасига сен сўраган бояги гапни айтишим керакми?

– У одам Эргашнинг тўдасидан, шундайми? Номини айтсанг бас, ҳозироқ иккимизга турманинг эшиклари ланг очилади. Тоза нафас олиш учун ташқарига чиқамиз. Мен ўз йўлимга, сен эса хоҳлаган тарафингга равона бўлишинг мумкин.

– Йўқ, мен чекка бир миллион ёзаман! – унинг сўзларини эшитмагандек деди Қўлдошали. – Ахир пул дунё эшикларини очадиган калит-ку! Хоҳлаган жойингда фароғатда яшайсан. Шундай эмасми?

– Баракалла, энди ўзингга келдинг! Ёз!

Қўлдошалининг юзи жиддийлашиб борарди. Шеригининг юпқа лабларида совуқ табассум ўйнади. «Қоғозни қўлига олдим, демак, таклифга рози. Мен уни осонгина кўндирдим. Ахир бу тирранча умри бино бўлиб қўлига минг доллар ушлабдим? Миллион уни ақлдан оздириб қўяёзди».

– Нега ўйланиб қолдинг, тезроқ бўла қол? Мен бу ерда узоқ қололмайман. Нафасим қисаяпти. Ошқозоним касал. Кечадан бери туз тотганим йўқ. Сенинг бир офиз розилигингни ололсам мени уйимга жўнатишади. Хотиним яқинда ўғил туғибди. Ҳозир улар Австриянинг ажойиб шаҳри Зальсбургда мени кутишмоқда. Сени ҳам ўзим билан олиб кетишим мумкин.

– Мен нимада ёзаман, ахир ручка йўқ-ку! – «Фолиб»нинг сўзини кесди Қўлдошали.

– Ҳа-я, эсим қурсин. Ручка олиб киришни унутибман! Майли, ҳечкиси йўқ, ташқарига чиққанимизда ёзиб олаверасан. Энди чек сеники, ҳеч ким тортиб олмайд.

– Наҳотки бир оғиз сўзим учун миллиардерга айла-
ниб кетсам. Дунёнинг хоҳлаган томонига кетишим мум-
кин бўлса!

«Ғолиб» шеригининг елкасига қўлини ташлади:

– Бугун Парижда бўлсанг, эртага Токиода, ундан
кейин сеҳрли Америкада... Олдингда буюк имконият-
лар турибди. Бунақаси ҳаммага ҳам насиб қилавермайди!

– Менга айтчи шу пул билан мен юртимга қайтиб бо-
ришим мумкинми?

«Ғолиб»нинг ичидаги қувончни юзига олиб чиққан
табассум бирдан сўнди ва унинг ўрнини қаҳр эгаллади.
У ўзини зўрға босиб деди:

– Истасанг юртингга кетишинг мумкин... Лекин шуни
унутмагинки, бошлиқларинг сени қўлга тушганингдан ха-
бар топишган. Асир тушган одамга улар ишонишмайди.
Ишга қайтиб олишмайди ҳам. Балки қайтиб борганингдан
кейин биз билан алоқада бўлганинг учун қамаб қўйишар.
Маслаҳатим, қўлингдаги чекка истаган пулингни ёзгин-
да, мен айтган мамлакатлардан бирига жўнавор...

– Агар мени ушлашибди деб эшитсалар, билгинки,
сен тириксан!

– Сенга гап уқтириб бўлмаяпти. Ё бу ерда ётавериб
ақлдан озгансан ёки ўтакетган аҳмоқсан! Билиб қўй,
мени бу ерга олиб киришаётганда нозир шу пайтгача би-
рорта маҳбус озод этилган эмас деб айтганди. Бу ердан
чиқиб кетишнинг иккита йўли бор. Бири ўлим, иккин-
чиси айбни тан олиш!

– Мен бу пуллар билан дунёнинг истаган мамлака-
тида шоҳона ҳаёт кечиришим мумкиндир. Балки эр-
таклардагидек қасрларни сотиб ҳам оларман, бироқ
киндик қоним томган она-юртнинг биттагина ғуборини
харид қилишга бу пуллар етармикин?

– Биз кўриб, хис этиб турган дунё барчамиз учун ўт-
кинчидир. Одамнинг юрти бу жасади қўйилган замин
ҳисобланади. Агар ўша жасад қўйиладиган жой топилса!

– Бу сени менинг олдимга киритган даҳоларнинг ғоя-сими? Улар ҳақиқатни билиш мақсадида шу гапларни сенга ўргатишдими? Ҳақиқатни билиш истагида кирган одам юзига ниқоб тақиб кирмайди. Ҳақиқатни билиш истагида кирган одамнинг юраги тоза бўлади.

Қўлдошали қўлидаги қоғозни чўпга айланиб қолган панжалари билан ғижимлаб ташлади. Буни кўриб «Ғолиб»нинг капалаги учиб кетди.

– Нима қилаяпсан, аҳмоқ?! – қичқириб юборди у ва Қўлдошалининг қўлига чанг солиб. – Жинни бўлдингми? Чекни расво қилдинг-ку! – «Ғолиб»нинг назарида Венага элтувчи йўлнинг устига тоғлар қулагандек эди. – Мени бадном қилмоқчимисан? Мени Зальсбургда хотиним ва болам кутмоқда!

– Мени эса Ватан кутмоқда!

– Сени ўзим, мана шу қўлларим билан бўғиб ўлдираман!

– Мени ўлдириб нима фойда топмоқчисан? – жавоб қилди нафаси қайтган тутқун хириллаб. – Қахрамон бўлмоқчимисан? Биламан, менинг сирларимни олганиндан ёки ўлдирганиндан кейин ҳаётинг бошқача бўлади. Менга ваъда қилинган нарсаларга эгалик қиласан? Қани, ўлдир!

– Сен мана шу хонада итдек хор-зорликда, очлик ва ташналик азобида қийналиб ўлиб кетасан. Жасадинг қурт-кумурсқаларга ем бўлади!

– Қабрда ҳамма тенг!..

Вақт алламаҳал бўлиб қолганди. Ўз навбатида Қўлдошалининг кўзларидан ҳам уйқу қочганди. Унинг хира тортган хотирасида қаршисида ўтирган кимсанинг кимлигини билишга бўлган қизиқиш тинчлик бермасди. Эргашнинг шотирларини кўз ўнгига келтирди. Уларни кўрмаган бўлса-да, номларини эшитганди. Бўрон томонидан жўнатилган маълумотларда кўпгина жангариларнинг ҳаракатлари, феъл-атворлари, қилиқлари,

рухий ҳолатлари, одамлар билан муносабатда бўлиш усуллари баён этилганди. Ўша юртфурушларнинг орасида диққатини кўпроқ Фафур тортди. Қўлдошали у билан учрашмаган, аммо у ҳақда етарли маълумотларга эга бўлиб, расмларини кўздан кечирганди. Махсус хизмат вакилининг хаёли айнан унда тўхтади. Гаплари, ҳаракатлари, ажнабийларга хизмат қилиши ўша сотқинни ёдга солди.

Нихоят «Бу – Фафур» деган тўхтамга келди. Унинг Москвадалигидан хабардор эди. Қандай қилиб бу ерга қайтиб келган бўлиши мумкин? Рўпарасидаги йигит айнан хаёлига келган Фафур эканлигига иқроп бўлди.

Тун ярим бўлганди. Қўшни хонадаги тутқунлар қурқур йўтала бошлаганди. Кимнингдир оғриқдан инграши, йиғлаши, каламушлардан озор чекаётганларнинг кичқириғи авжига чиққанди. Ташқарида итлар ув соларди. Қўлдошали бошини кўтарди ва ҳамон тош устидан мункайиб ўтирган ҳамхонасига юзланди:

– Нега ухламаяпсан? – сўради Фафурга қараб.

– Уйқум келмаяпти...

– Уйқунг келмаяптими ёки ўлдириб қўяди деб қўрқаяпсанми?

«Ғолиб» шеригига хўмрайиб қаради.

– Табиат менга одам ўлдиришдек қабиҳ ишдан жирканиш хислатини ато этган. Ёмон фикрни хаёлингга келтирма. Бемалол оёғингни узатиб ётавер!

«Ғолиб» Қўлдошалининг сўзидан хотиржам тортиб узанди.

Тонг ёришди. Қўлдошали уйғонди. Кўзларини туйнукка қадади.

– Қара, – деди сим тўрдан тушиб турган қуёш нурларига боқиб. – Офтоб нурлари билан зулмат пардасини парчалаб ташламоқда. Хонани оз бўлса-да илитмоқда. Шу нурга тикилиб, бир нарса ёдимга тушди.

– Каллангга қандай бўлмағур фикрлар келди?

– Қуёш нурлари билан зулмат пардасини парчалаб ташлагани мисоли тинчлик, барқарорлик ва озодлик учун олиб борилган кураш жамият ва инсониятга тахдид солаётган ёвузликларни, уруш оловини ёқмоқчи бўлган кимсаларнинг ғаразли мақсадларини парчалаб ташлайди. Инсон фарзандининг ягона тилаги, мақсади, орзу-си, умиду армони тинчлик эмасми? Одамзод яралибдики, эзгулик мақсадида бунёдкорлик ишларини амалга ошираверади, тинчлик учун курашаверади. Керак бўлса, шу йўлда жонини фидо қилади. Сени бу хонага киритган одамлар буни яхши билишади. Улар «Кимдир бизнинг ишларимиз ҳақида ҳукуматни хабардор қилмоқда, кўплаб одамларимиз қамоққа олинмоқда, тузган режаларимиз амалга ошмай шарманда бўлмоқдамиз» дея ташвишланишмоқда. Шунинг учун сени яхшигина тайёрлаб олдимга киритишган. Сен ўзингнинг ҳаракатларинг ва гапларинг билан юзингдаги ниқобни дастлабки суҳбатимиз чоғидаёқ йиртиб ташлагандинг. Бу кеча мен сенинг кимлигингни билдим.

– Хўш, мен ким эканман, кимга ўхшатдинг? – овози титраб сўради «Ғолиб».

– Сен Ғафурсан!

Ғафур тахтадек қотиб қолди, аммо таслим бўлишни истамади.

– Адашдинг! Мен «Ғолиб»ман! – деб тонди.

– Исмингни ўзгартирибсан, ҳатто башарангни ҳам одам танимайди. Аммо бошингнинг орқа томонини ушлаб кўр. У ерда операциядан қолган чандиқ бор! – Бу ҳақда Бўрон юборган маълумотлардан хабардор эди.

– Гапим ёлғон бўлса, бошингни ушлаб кўр. Жароҳат қаерда ва қачон олинганлигини, ҳаётингни ким сақлаб қолганини айтиб беришим мумкин!

Ғафур қаттиқ изза бўлди. Ер ёрилса кириб кетишга тайёр эди. Бироқ ўзини қўлга олди. «Кимлигимни билса билар, кимга ҳам айта оларди. Бу ердан тирик ҳол-

да қочиб кета олмайди-ку» деб ўйлади. Энг ёмони шунда эдики, Қўлдошали билан энди иш тўғрисида гаплаша олмасди. Ўрталарида девор ҳосил бўлганди. Фафур ўйинни бой берганини тушунди. У эшик олдига борди. Овозининг борича назоратчини чақирди. Бир оз ўтиб у келди.

– Мени бу ердан тезда олиб чиқиб кетинг! – деди тешикчадан унинг қораси кўриниши биланоқ. Нозир эшикни очди...

ЧЕЧЕНИСТОН

Расул иккимиз йўлга чиқдик. Тоғлар орасидаги сўқмоқ бизни шаҳар маркази томон олиб борарди. Бу ерлар сокин ва табиати гўзал эди. Атрофга боқиб кўз яйрарди. Шаҳарга яқинлашганимиз сайин бошқа манзараларга дуч кела бошладик. Уруш қолдирган изларни кўриш ваҳимали эди. Деворларга санчилиб қолган ўқлар, бузилиб вайронага айланган иморатлар, танасидан узилиб тушган ва ёниб қорайиб кетган дарахтлар менга иккинчи Афғонистонни эслатди. Назаримда бу ерда давом этаётган уруш мен келган юртдагидан қолишмасди. Отилган ўқлар мамлакат аҳолисига нисбатан кўпроқ эди.

Йўлда бизни ҳеч ким тўсмади. Гоҳи-гоҳида юк машиналарида, БТРларда қуролланган аскарлар ўтиб турарди. Уларни қаёққа ва нима учун кетишаётганини билиб бўлмасди. Кўчаларда одамлар сийрак, уларнинг аксарияти чол-кампирлар ва болалар эди.

Биз чошгоҳда пойтахтга кириб келдик. Кўп қаватли биноларнинг айримлари иккига бўлиниб, баъзиларининг тепа қисми қулаб тушган, ҳатто қийшайиб қолганлари ҳам кўп эди. Кўчаларда рус аскарларини учратиш мумкин эди. Чоллар ва болаларни қаёққа ва нима учун кетишаётганини сўрашарди. Бизни ҳам тўхтатишди. Мен Латифнинг топшириғига биноан ўзимни соқов қиёфасида кўрсатдим. Ўрнимга Расул жавоб қайтарарди.

– Биз шаҳарга бобомнинг ҳолидан хабар олгани кет-
япмиз, – деди Расул рус тилида. – Бу менинг акам, у
соқов, гапиролмайди.

Боланинг рус тилида тутилмасдан равон сўзлаши
аскарларда шубҳа уйғотмади. Улар бизни узоқ ушлаб
туришмади. Ёнларимизни тинтиб, қўйиб юборишди.

Рамазон бобонинг уйи олдига етиб келдик. Расул
эшикни тақиллатди. Бир муддат ўтиб эшик очилди ва
остонада етмиш беш ёшлардаги қария кўринди. У ўзи-
нинг тилида шеригимга нималардир деди. Расул унинг
сўзларига жавоб қайтарди. Чол менга қараб қўйди, ке-
йин ичкарига бошлади.

– Сени кутаётган одамлар ҳозир Москвага жўнашга
тайёргарлик қўришмоқда. Унғача менинг уйимда тура-
сан, – деди чол ичкарига кирганимиздан кейин. – Қу-
роллар қачон келади?

– Афсуски қуроли олиб келаётган одамларимиз ёрга
киришганда ҳарбийлар вертолётда ёрнинг икки томо-
нини портлатиб ташлашди.

Рамазон столни муштлади.

– Чатоқ бўлибди! Бу хабар Зелимхоннинг қулоғи-
га етиб борса, ақлдан озиб қолиши мумкин. Дала қў-
мондонлари қуролларга кўз тикиб туришганди. Ягона
умидлари ҳам пучга чиқибди...

Қария столга дастурхон ёзди. Чой-нон келтирди.
Расул иккимиз тинимсиз йўл юриб чарчагандик. Бу-
нинг устига эрталабдан бери туз тотмаганмиз. Енги-
гина овқатландик. Кўзларимиз сузилиб турганини чол
сезди.

– Ҳозир жой солиб бераман, ётиб дам олинглар!

У қўшни хонага жой қилиб берди. Ётоқхонага кир-
дик. Бошимиз болишга тегиши биланоқ кўзларимиз
юмилди. Ярим тунда уйғониб кетдим. Шундоқ уйнинг
олдида отилаётган ўқлардан еру кўк титрарди. Одам-
ларнинг бақиргани эшитиларди. Уйнинг деразаларига

бир неча ўқлар келиб тегди. Ойналар синиб тушди. Биз бағримизни ерга бериб, кимирламай ётардик. Отишма узоқ давом этди. Кўчадан ўтаётган танк, БТР ва машиналарнинг овози қулоққа чалиниб турарди.

Мен бундай даҳшатли отишмани Афғонистонда ҳам кўрмаганман. Эрталаб турганимда борлиқ жимжит, тунда ҳеч нарса бўлмагандек эди. Дераза ёнига келиб, ташқарига мўраладим. Кўчадаги манзарани кўриб юрагим орқага тортиб кетди. Қонига беланган ўнлаб мурдалар йўлда, ариқ ичида чўзилиб ётарди. Ўқлар деворларни илма-тешиқ қилиб ташлаганди. Атрофда тирик жон кўринмасди. Фақат дайди итлар бурни билан ер искаб юрарди...

Бир оз ўтиб кўчаларда одамлар кўрина бошлади. Барчалари бошига оқ рўмол боғлаб олганди. Афтидан, улар бетараф бўлишса керак. Қонга беланиб ётган жасадларни йиғиштириб, машиналарга юклашарди.

Уй эгаси кўринмасди. Расул ухлаб ётарди. Қандайдир куч мени ташқарига тортарди. Рамазон оға қаерда қолди? Менинг етиб келганимни маълум қилиш мақсадида танишларининг ҳузурига кетдимиз? Омон бўлса қайтиб келар...

Остона ёнида учта жасад тўнтарилиб ётарди. Улар ўрта ёшдаги йигитлар эди. Кийимларидан шу ерлик бўлишса керак деб ўйладим. Нарироқда тагин бир жасад чуқурча ичида қўллари билан ерни чангаллаб қотиб қолганди. Кийимларидан ҳарбийлигини билса бўларди.

Титраган юрагимнинг тўлқинини босолмай, мурдалар орасидан ўзим билмаган томонга юриб борардим. Қулоғимга кимнингдир инграгани чалинди. Овоз ён томонимдан келарди, қайрилиб қарардим. Икки қадам нарида ётган мурданинг қўли билинар билинмас кимирларди. Кўп қон йўқотиб қолдан тойган бўлса керак. Ундан диққатимни ололмай қолдим. Байроқча кўтарганлар жасадларни машинага юклаб, мен томонга

келишарди. Оралиқ элик қадамча қолганди. Кийимлари қонга беланган бояги ярадор бошини хиёл кўтарди. Шунда унинг тириклигини билдим. Ўқ чап оёғига теккан бўлса керак, орқага қайрилганди. Шимининг йиртилган жойидан қон оқар ва асфальтга ёйилар, ундан кейин ариқдаги сувга келиб қўшиларди. Соқол қоплаган юзидан чеченми, русми – билиб бўлмасди.

Ярадорни ташлаб кетишга кўнглим бўлмади. Анавилар уни ўликлар сафига қўшиб, машинага улоқтиришлари ҳамда қайсидир чуқурга ташлаб, тириклай кўмиб юборишларини ўйлаб қолдим. Ярадор бошини кийшайтириб, нурсиз кўзларини менга тикканча турарди. Унинг кўзларидан ёрдам сўраётганини билдим. Олдига бордим. Шунда у ингради ва заиф овози билан ўзининг тириклигини билдирмоқчи бўлди. Музлаб қолган қўлидан ушладим. Ярадор кўзларини юмиб-очди. Уни мурдалар ичидан олиб чиқиб кетиш йўлини ўйладим. Уйга олиб кирсам Рамазон бободан бошим балага қолади. Ўлик юклаётганлар кўриб қолишса шубҳаланишлари тайин. Нима қилиш керак? Кўзим йўлнинг нариги томонидаги деворларини ўқлар тешиб ташлаган кўп қаватли бинода тўхтади. Бомбам, снарядми тушиб ёнбошлаб қолганди. Эшикнинг ярмини шағал аралаш тупроқ босган, деразалари ёниб кетганди. Уйнинг ичидан ҳам ёнғин рўй берган бўлса керак, қорайиб кетганди. Ер остига олиб тушадиган йўлакнинг ярмини тупроқ кўмиб ташлаганди. Ярадорни ертўлага олиб тушиб яшириш фикри хаёлимга келди. У эса ҳамон инграр, менга нимадир демоқчи бўларди. Машина моторининг гуриллагани унинг товушини ютиб юборди. Ярадорнинг қўлидан тутиб, бино томон судрадим.

Туйнук бизни ертўла ичига олиб тушди. Ичкари қоронғи эди. Уйғонаётган қуёшнинг тафтсиз нурлари ичкарига тушиб турар ва бўйрадек жойни ёритарди. Ҳавода сассиқ хид айланарди. Бу жойга анчадан буюн

одамзод тушмаган деб бўлмасди. Кирганлар ахлатларини қолдирганди. Ярадорни одамнинг назари тушмайдиган бурчакка – чиқиндиларнинг ортига ётқиздим. Унинг тирик қолишига умид йўқ эди. Вужуди музлаб борарди. Ўлим билан ҳаёт оралигидаги лаҳзаларни бошидан кечирарди. Шундай бўлса-да, ташлаб кетишга қўнглим бўлмади. Ёрдам бериш керак. Виждонимнинг буйруғи шундай бўлди.

Ташқаридагиларнинг овози эшитилиб турарди. Улар мен турган бинога яқинлашиб қолишганди. Ўзларининг тилларида бир-бирлари билан нима тўғрисидадир баҳслашишарди. Беш дақиқалардан кейин улар ўтиб кетишди. Ярадорнинг ёнига тиз чўқдим. Шимини йиртиб, қайрилган оёғини тўғриладим. Ўқ болдири-ни тешиб ўтганди. Гўшт парчалари осилиб қолганди. Қўрғошин томирга зарар етказмай чиқиб кетган, аммо ўзидан инфекция қолдирганди. Ярани сийдик билан ювиб боғладим. Қон оқиши тўхтади. Энди дори-дармон ичириш керак.

– Чидаб тур, дори олиб келаман! – ўзим сезмаган ҳамда қаердалигимни унутган ҳолда рус тилида сўзлаб юборганимни кейин билдим. Ярадор баттар сергакланди. Катта-катта очилган кўзлари билан менга тикилди. Унинг нигоҳларида мен тушунмаган маъно бор эди.

Ташқарига чиққанимда жасадларни ортган машина кўринмасди. Асфальт устидаги қонлар қуёш нурида жимирларди.

Рамазон оға ҳали ҳам уйга қайтмаган экан. Расул эса уйғонмаганди. Унга тикилиб ўғлимни эсладим. «Ҳозир у ҳам ухлаётгандир? Яраси битиб кетдимикин? Тушларига тоғорада олов тутган кимсалар кириб, тунлари чўчиб, алаҳсираб чиқмаяптимикин?» Ўғлимни соғиниб, юрагим ғалати бўлиб кетди. Кўзларимдан оқиб тушган иссиқ ёшлар юзимга томчиларди. Тиз чўкиб, қўлларим билан Расулнинг пешонасини силаётганимни кейин бил-

дим. Ўн ёшга тўлган бу бола ҳаётини хавф-хатарга қўйиб нега мени уруш бўлаётган, инсонлар қони тўкилаётган жанггоҳга бошлаб келди? Онасининг яккаю ёлғиз фарзанди. Аёлнинг боласини кузатиш олдидаги ҳолати кўз ўнгимда умрим бўйи жонланиб турса ажаб эмас.

Кўзларимда аччиқ ёш айланди.

Рамазон оға соат ўнларда келди. Расул уйғонди. Бирга овқатландик. Кўчаларда ҳаёт жонланиб қолганди. Одамлар, машиналар ўтиб турарди. Ҳаёлим ярадорда эди. Ўлиб қолмадимикин дея ташвишланардим. Тушдан кейин Рамазон оға кийиниб, уйдан чиқиб кетди.

– Қачон қайтишимни билмайман, сизлар ташқарига чиқманглар! – деб тайинлади чол кетиш олдидан.

– Мен уйга жўнашим керак? – деди Расул. – Онам тезда қайтгин деганлар!

– Сабр қил, ҳозир шаҳар нотинч. Тунда руслар шаҳарни босиб олишди. Ўзингни қўйиб юборолмайман. Эртага бир амаллаб йўлга солиб қўяман!

Рамазон оға боланинг пешонасини силади ва ташқарига чиқиб кетди.

Дераза олдида келдим. Қийшайиб, фишглари бўлак-бўлак бўлиб кетган бино кўзимга бошқача кўринди. Ертўладаги ярадор йўлимга илҳақ бўлиб кўз тикиб тургандек туюлаверди. Чолнинг ётоқхонасидан инфекцияга қарши дори топдим. Бир бурда нон ва баклашкадаги сувни қўйнимга яшириб ташқарига чиқдим. Расул қаёққа кетаётганимни сўради. «Тезда келаман» дедим унга. Кўчада одамлар боягидан сийраклашиб қолганди. Яширинча бир-бирларига хавотирли қараб қўйишарди. Ертўлага олиб тушадиган туйнук олдида келдим. Қуёш бинонинг орқа томонига ўтиб кетгани сабабли ичкари қоронғи эди. Биров кўрмаганига ишонч ҳосил қилгач пастга тушдим. Ярадор кўринмасди. «Қочиб кетибди-да» деб ўйладим. Унинг ўлмай қолганидан хурсанд бўлдим. Энди бу ерда қиладиган ишим қолмаганини,

тезда чиқиб кетишим зарурлигини тушундим. Туйнукка яқинлашганимда ўша таниш овоз қулоғимга чалиниб қолди. Қўзларим билан ертўланинг қоронғи бурчакларини текшириб чиқдим. Тирик жон кўринмади. Орқамга қайтиб, овоз келган томонга юрдим. Бурчакда ахлатлар йиғиндиси ортида мен олиб тушган ярадор ғужанак бўлиб ётарди. Иситимадан алаҳсирарди. Вужудди япроқдек титрарди.

– Вода...ааа... – ярадорнинг кимлигини қулоғимга чалинган сўзлари фош қилди. «Шу ерлик руслардан бўлса керак» деб тахминладим. Мен учун унинг миллати эмас, инсонлиги муҳим эди... Ярага тушган инфекциялар кучини кўрсата бошлаганди. Ёнимдан дорини олиб, икки донасини ичирдим. Шу пайт ичкари ёришиб кетди. Орқа томонда мен беҳабар бўлган эшик бор экан. Қуёш нурлари ертўладаги қоронғиликни ютиб юборди. Остонада елкасига қурол илган одамларнинг шарпаси кўринди. Улар ўзларининг тилларида нималарнидир сўзлашишарди. Биттаси пастга тушди. Фонарни ёқди. Нурлар зулматни қувди. Шеригимнинг руслиги, менинг бегона одамлигимни билса, улар шу ернинг ўзида ёқ иккимизни отиб ташлашади. Омон қолиш илинжида ўзимни ерга ташлаб, ярадорнинг ёнига калтакесақдай қапишиб ётиб олдим. Қуролли кимса фонар билан ертўланинг бурчакларини ёритарди. Аксига олгандек бемор ҳамон ўз тилида «вода» дея алаҳсирарди. Кафтимни оғзига босдим. У бўғилиб типирчилади. Ёруғлик худди олмос сингари тепамизни ёритиб ўтди ва биз яна зулмат пардасига ўралдик. Пастга тушган кимса шерикларига нималардир деди. Кейин ташқарига одимлади. Яратганнинг ўзи бизни уларнинг кўзидан асраганди. Гурсиллаб ураётган юрагим жойига тушди.

– Во...да...а, – кафтимни оғзидан олишим биланок ярадор шу сўзни тилга олди.

Унинг қуруқшаб қолган лабларига сув тутдим. Оғзидан иссиқ ховур чиқарди. У икки қултум сув ичди-да, кўзларини очди. Қоронғида қорачиқлари чўғдек ялтирарди. Руснинг ярасига малҳам суртиб боғладим. У бир оз ўзига келди. Чечен тилида нимадир деди. Сўзини тушунмаган бўлсам-да, раҳмат ўрнида қабул қилдим.

– Мана сенга нон-сув ва дори-дармон. Мен энди олдинга қайтиб келмайман!

Ярадор рус тилида гапирганимдан ажабланди.

– Нега менга рус тилида гапиряпсан? – сўради ташвишланиб.

– Иситмада ўзингнинг тилингда алахсирадинг. Шундан руслигингни билдим, – дедим ва ўрнимдан турдим. Шу лаҳза ташқарида автомат сайради. Кимдир мени нишонга олиб ўқ узгандек ерга ётиб олдим.

– Кетма... – ингради рус.

– Нима дейсан?

– Сен кимсан?

Менинг соф рус тилида сўзлашим унинг хайратини оширганини тушундим.

– Кўриб турганингдек икки оёқли инсонман!

– Жиддий сўраяпман.

– Афғонман.

– Толибонларданмисан?

– Шундай.

– Нега бу ерга келдинг?

– Мажбурлашди.

– Исминг нима?

Номимни яшириш хаёлимга келмаганди.

– Бўрон.

– Танишганимдан хурсандман. Рус тилида равон гапираркансан. Тилни қаерда ўргангансан?

Танишим мени гапга солишидан бирор мақсадни кўзлаётганини пайқадим..

– Ўзим ўрганганман! Сен кимсан, исминг нима? – гапни бошқа мавзуга бурмоқчи бўлдим.

– Чеченман! Исмин Нодир...

– Ишонди деб ўйлайсанг хато қиласан... Иситма хуружида ётганингда руслигингни билгандим.

У жим қолди. Ўзини фош қилиб қўйганини тушунди. Бироқ ниятим ёмон эмаслигини тушуниб, ялинувчан нигоҳ ташлаб деди:

– Ким бўлсанг ҳам раҳмат сенга! Ёрдам бермаганингда ўлиб кетардим. Мен ҳақиқатан русман. Исмин Михаил, фамилиям Кутузов. Сен тўғриси айт, афтингдан аффонга ўхшамайсан. Уруш кўрган одамларнинг бирортаси сенингдек раҳмдил ва меҳрибон бўлмайди. Назаримда ўзбек ёки туркмансан!

Михаилнинг сўзларига жавоб қайтармадим. Ташқарига қараб юрдим. Туйнукдан бошимни чиқаришим биланоқ Рамазон оғанинг уйидан чиқиб келаётган тўртта қуролли одамга кўзим тушди. Улар йўлнинг четидан, мен яширинган бинонинг ёнидаги йўлакдан келишарди. «Рамазон оғанинг шериклари бўлса керак» деб ўйладим. Уларнинг гаплари қулоқларимга чалина бошлади. Мен чеченлар деб ўйлаган одамлар ҳабашлар бўлиб чиқди. Улар ўзларининг тилларида нималардир дейишарди. Гапларини тушунмаган бўлсамда оҳанглари дан, бир оз асабийлашганларидан ичкарида қандайдир нохуш воқеа содир бўлганини тушундим. Ҳабашлар шошилишчи ёнимдан ўтиб кетишди. Улардан бирининг этигида қон доғлари кўринди. Ташқарига чиқдим ва Рамазон оғанинг уйи томон чопдим.

Ичкарига киришим биланоқ кўзларим оёғим остидаги эски гиламга сачраган қонга тушди. Бу изларни ичкаридан чиққан одам ўзининг оёқ кийимларидан мухр ургандек гиламга босганди.

Юрагим қинидан чиқаёзди. Биров бўғаётгандек нафасим қисди. Эшикни очсам кўзим даҳшатли манзарага

тушишини сезардим. Қўрқув ва ҳаяжон билан эшикни очдим.

Ерда чалқанча ётган Рамазон офани кўрдим. Унинг пешонасига ханжар санчилганди. Кўзлари очиқ қолган, жағи очилиб, сарғайган тишлари билан лабини тишлаганча қотганди. Ханжар санчилган жойдан сизиб чиқаётган қон ерга чакиллаб томарди. Чолнинг қўйлаклари йиртилиб кетганди. Афтидан, ўлими олдидан бояги одамлар билан олишганини атрофда синиб ётган чинни идишлардан, оёқ остидаги гиламнинг фикимланиб кетганидан билиш қийин эмасди. Расул қани? Боланинг номини тилга олишим биланоқ баттар қўрқиб кетдим. Онасининг ўғлини кузатиш олдидан бағрига босиб, кўз ёш тўкиб айтган сўзлари қулоғим остида жаранглади. Наҳотки... Ўзимни бола ётган хонага урдим.

– Расул!! – овозимни биландлатиб қичқирдим. Жавоб бўлмади. Уй ичи одамни ютадигандек совуқ сукунат ичида эди.

– Расул!!

Қўшни хонага ўтдим. Ичкарига кирдим-у додлаб юборишдан ўзимни тиёлмадим. Кўксига ханжар санчилган бола ерда чўзилиб ётарди. Онаси йўлга чиқишидан олдин сандиғидан янги қўйлак олиб кийдирганди. Ўша қўйлак қип-қизил қонга бўялганди. Ўзимни унинг устига ташлаб, ўкириб-ўкириб йиғлаб юбордим...

КОБУЛ

Нозирнинг телефон орқали чақиртирганидан кейин Жон Дэвид икки соат ўтиб қамоқхонага етиб келди. «Ғафур барча гаплардан воқиф бўлган» деб ўйларди. Бироқ уни нозирнинг хонасида қош-қовоқларидан қор ёғилиб ўтирганини кўриб, умидлари чиннидай синди. «Наҳотки гапиртира олмаган бўлса?» деган совуқ фикр дилидан ўтди. Шундай бўлса-да, сўради:

– Хўш, юртдошинг билан гаплашдингми? Одамларининг кимлигини айтдимми?

– Ўликни гапиртирса бўлади, аммо уни гапиртириш азоб.

– Демак, ҳеч нимани айтмабди-да?

– Қўлимдан келганича ҳаракат қилдим, афсуски иложини тополмадим.

– Чекни кўрсатдингми?

Ғафур ҳамёнидан ғижимланиб кетган қоғозни олди.

– Одам пулни топиши мумкин экан, аммо киндик қони томган юртни топиб бўлмасмиш!

– Афсус, умидим сендан эди, топшириқни урдалай олмабсан-да!

– Энди нима қилишим керак?

– Сен гапиртолмаган бўлсанг гапиртирадиган одам топамиз. Турмага тушган одам қандай қилиб бўлмасин бизнинг йўлимизга юришга мажбур ёки ўша ерда ўлиб кетади.

– Демак, энди мен бўшман, хотинимнинг олдига кетишим мумкинми?

– Сени Башир сўраяпти.

– У менга ўлим фатвосини ўқиган!

– Биз сенинг айбсиз эканлигингни тушунтирдик. Вольфович томонидан берилган пулларга хиёнат қилмаганингни айтдик.

– Ишондимми?

– Эргаш раҳнамо томонидан одамларини кийинтириш, қуроллантириш ва озиқ-овқат учун ажратган уч миллион долларни Швейцария банкига қўйган экан.

– Далил талаб қилмадимми?

– Қўлимизда банкнинг ҳужжатлари бор эди. Қўргандан кейин попуги пасайди. Қолверса, сен ўғирлаб кетган деган юз эллик килограмм героиннинг қаерга яширилганлигини ҳам айтдик.

– Ишонган бўлса ҳозиргача тўдабошини тинчитарди.
– Тўғри, ўша куниёқ отиб ташларди, афсуски ўрнига муносиб одам тополмаяпти.

– Мирзааҳмад-чи?

– Эргашнинг одамлари борган куниёқ терисини шилиб олади.

– Мен Баширнинг олдига қачон боришим керак?

– Ҳозир жўнаймиз.

Эшик олдида турган турма нозири Жон Дэвиднинг ишораси билан унинг олдига келди. У ҳамёнидан юз доллар олиб нозирнинг қўлига тутқазди.

– Қозини чақиринг, уни сўнгги бор сўроқ қилсин, шунда ҳам айтмаса, тўртинчи хонага ташланг. Энди у бизга керак эмас.

– Тушундим!

Жон Дэвид Фафурни ташқарига олиб чиқди ва машина-насиға ўтқазиб, Кобулга йўл олди.

– Тўртинчи қандай хона? – сўради Фафур машина жойидан жилгач.

Унинг юзидаги белгилар бу шунчаки қизиқиш эканлигини билдириб турарди.

– Сен қамоқхона ортида итлар борлигини билдингми?

– Туни билан ҳуриб ухлатишмади. Назаримда, улар оч эди...

– Жониворлар ўзлари ёқтирган гўштни ейишмаса безовта бўлишаверади.

– Итлар ҳам гўшт танлаб ейишадими? – хайрон бўлди Фафур.

– Ўрганиб қолишган.

– Ниманинг гўштини ейишади?

Жон Дэвид мийиғида кулиб қўйди.

– Ҳеч нарсани сезмадингми?

– Йўқ.

– Қирқ саккиз соат турмада ётиб ҳеч нарсани сезмаган бўлсанг, сендан яхши айғоқчи чиқмайди.

– Тушунтириброқ гапиринг?

– Турмада кунига икки-учта одам ўлади. Эътибор берган бўлсанг, атрофида қабр йўқ. Нозирлар мурдаларни бўлакларга ажратиб, итларнинг олдига ташлайди... Жониворлар одам гўштига ўрганиб қолган.

– Нақадар даҳшат! – Фафурнинг бадани жунжикиб кетгандек бўлди.

– Урушнинг қонун қоидаларидан бири шу!

Фафурнинг вужудида енгил титроқ турди ва шаҳарга етгунча бошқа гапирмай тўртинчи хонага ташланадиган Қўлдошаланинг тақдирини ўйлаб борди.

Башир қовоқ-тумшуғи осилган ҳолда уни кутиб олиб, худди боласини қойган отадек пўписа қилди.

– Нега менга учрамасдан қочиб кетдинг?

– Эргаш мени ўлимга маҳкум этганини эшитиб қолгандим...

– Кимдан?

– Вольфовичдан.

– У Англияда ўлиб кетди. Россия эшиклари сен учун яна очилди. Дўстларингни топ. Улар билан алоқани мустаҳкамла!

– Вольфовичнинг олдида мен ҳақ эдим.

– Ҳақлигингни билган экансан, менинг олдимга келсанг бўларди-да. Дўстларимиз русларнинг қўлидан қутқариб қолишмаганида, юртингдагилар аллақачон ўлдириб юборишарди.

– Бу менинг хатойим, тақсир.

– Хатони такрорлашдан эҳтиёт бўл!

– Ишончингизни оқлайман.

– Сени Эргашнинг ўрнига қўймоқчиман.

– Мени лагердагилар қабул қилишмайди. Эргаш ҳаммага ёмонотлиқ қилиб бўлган.

– Уларнинг миясини ўзинг тозалайсан.

– Қўлимдан келмайди...

– Маслаҳатимга қулоқ сол. Бугуноқ лагерга жўнайсан. Ишончли одамларнинг билан алоқага чиқасан. Улар атрофига содиқ йигитларни жамласин. Эргаш уларга тўланиши лозим бўлган пулларни хориждаги банкка қўяётганини айтсин. Шундай қилсанг, одамларнинг тўдабошига бўлган ишончи йўқолади. Юракларида адоват уйғонади. Лагерда исён кўтарилади ва ўзлари Эргашни ўлдиришади. Ўйлайманки, одамларнинг мен ўйлаган режани қойиллатиб бажаришади.

– Бунинг учун анча вақт керак.

– Узоғи билан беш-олти кунда ҳал бўлади.

– Ундан кўра отиб ташлаганимиз маъқул.

– Бўлмайди. Уни отадиган бўлсак тарафдорлари сендан шубҳаланишади. – Алангани ўзидан чиқариш керак!

– Бу масалани ўзим ҳал қиламан. Эргаш ўлдирилган куни менинг одамларим лагердагиларнинг кайфиятини кўтариш мақсадида иккита машинада озиқ-овқат ва кийим-бош, ичимлик олиб боришади. Бир йилдан бери тўланмай келаётган ҳақларини тўлаймиз. Фурсаддан фойдаланиб, Эргашнинг хориждаги банкларга қўйилган маблағларини уларга маълум қиламиз ва бу сизларнинг ҳақларинг эди деб айтамиз. Шу куни одамларим сени Эргашнинг ўрнига тайинлашади.

– Тушундим! Лагерда одамлар оз қолган, – деди Ғафур унинг эътиборини қозониш мақсадида. – Борлари ҳам бизга иш бермайди...

– Одам сонини кўпайтиришнинг кераги йўқ. Уларни боқиш ва кийинтиришга сарф қилинадиган маблағ улар келтирадиган фойдадан қимматга тушмоқда, – деди Башир. – Ҳозир ғоялар, мафкурлар урушади. Кимнинг ғояси кучли бўлса, ўша сиёсат майдонида ғолиб бўлади. Биз ўзимизнинг мафкураларимиз ва ғояларимиз билан манаман деган қудратли мамлакатларни тиз чўк-

тиришимиз керак. Бироқ бу осон эмас. Ғоялар билан мафкурлар жангида ҳам қон тўкилади, қурбонлар керагидан ортиқ бўлади. Зулм билан киритилган ғоялар инсониятнинг онгида узоқ йиллар сақланиб қолади ва ҳаёт уларни қўрқув, таҳлика остида яшашга мажбур қилади. Иккинчи ғояни қабул қилишдан доимо чўчиб яшайди. Буни Шўро давлатининг тимсолида кўриш мумкин... Лекин пул бўлса ҳар қандай ғояни товар сотиб олгандай сотиб олиш мумкин. Сенга яна бир гапни эслатиб қўйишим керак. Кенгаш барбод бўлди. Унинг аъзолари турли сабабларга кўра ўлди. Биз энди кенгашни шу ернинг ўзида тузамиз. Сенинг одамларингни боқиш ва кийинтириш учун аввало маблағ зарур. Пулни ўзинг топасан. Сенга сармоя топиш мумкин бўлган эшикларни очиб берамиз. Менинг ҳисоб-китобларимга кўра ҳозир Эргашнинг қўлида беш юз килограммга яқин тоза героин бор. Уларнинг талон-тарож бўлишига йўл қўймаслигимиз ва чегарадан ўтказиб пуллашимиз керак.

– Бу ишни удалайдиган одамларни топаман.

– Улар Россиядан ва бошқа мамлакатлардан ўзлари учун пулдор харидорларни излашсин.

– Сиз айтган одам Қозоғистонда яшайди.

– Ишонаман, лекин сен бажарадиган яна муҳим топшириқ бор.

– Ишончингизни оқлашга ҳаракат қиламан.

– Ўзинг биласан, сенинг ҳукуматинг бизнинг кўплаб одамларимизни қамади. «Дори»ларимизни талон-тарож қилди. Аммо «Ал-қасосу минал-ҳақ» дейишади. Биз аламимизни ичимизга ютиб яшай олмаймиз. Улардан қасос олишимиз керак. Бунинг учун Ўзбекистоннинг камчиликларини, нуқсонларини топиб дунёга жар солмоғимиз керак.

– Арзирли баҳона топилармикин?

– Топилади.

– Бу топшириқни мен бажаришим шартми?

– Ишни ўзимиз уддалаймиз, аммо айрим масалаларда ёрдаминг керак бўлади.

– Сўранг! – Фафурнинг қизиқиши ортди.

Башир мақсадини айтишга шошилмади, гапни узоқдан бошлади.

– Биздаги маълумотларга қараганда, бугунги кунда кўплаб ўзбек ёшлари европадаги бир қатор мамлакатларга ўқиш ва ишлашга боришмоқда. Айримлари эса тижорат ишлари билан шуғулланишяпти. Савдогарлар орасида содда ва ишонувчанлари кўп. Мақсадимизни амалга оширишда ана ўшалардан фойдаланиб қолишимиз керак..

– Қандай мақсад йўлида? – ҳеч нарсага тушунмаган Фафурни қаршисида турган Баширнинг сирли суҳбати тобора қизиқтириб борарди.

– Уларнинг ёрдами билан биз Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрўсига жудда катта путур етказишимиз мумкин.

– Сиз айтган савдогарлар бу ишда бизга ёрдам беради деб ўйлайсизми?

– Албатта!

– Савдогар халқи ҳалол ва имон-эътиқодли бўлади, лекин улар панд бериб қўйиши ҳам мумкин, – деди Фафур гарчи Баширнинг мақсадини тушуниб етмаган бўлса-да.

– Ҳаммаси ҳам эмас, улар ичидан ўзимиз излаган одамни топшимизга ишонаман. Биз уларни аввал Покистонга, кейин эса Афғонистонга олиб ўтамиз. Шу ерда бизга хизмат қилишади...

– Икки-учта йигитнинг қўлидан нима келарди? – Фафур ҳамон Баширнинг мақсадини англамади.

Башир тушунтиришга уринди.

– Гап шундаки, мана шу икки-учта йигит сиёсат майдониди бизга қўл келади. Уларнинг ёрдами билан биз ўзимиз ўйлаб юрган мақсадларимизга етамиз.

Фафур савол бермоқчи эди, Баширнинг қўл телефони жиринглаб суҳбатнинг белига тепди.

– Ярим соатда етиб бораман, – деди у қўнғироқ қилган одамга, кейин Фафурга юзланди.

– Гапларимни уқдингми?

– Тушундим, тақсир, – ҳозиржавоблик билан деди Фафур гарчи ҳеч нарсага тушунмаган бўлса ҳам.

– Унда оқ йўл, ҳозироқ лагерга жўна, одамларингни топиб ишга сол! Лагерьни қўлга олганингдан кейин биз яна кўришамиз ва бу масалада гаплашамиз.

САМАНГАН

Дилмурод қандай қилиб бўлмасин, лагердан четга чиқиш йўлини изларди. Топшириқ олган кунидан бошлаб тўдабошига яқинлашишга, у томонидан бериладиган топшириқларни вақтида бажаришга одатланганди. Лагерда бўлиб турадиган гап-сўзларни қулоғига етказарди. Ниҳоят тўдабошининг ишончини қозонди. Кунларнинг бирида Эргаш хонасига чақирди:

– Ишончли одамларингдан борми?

– Топилади, амирим! Нима хизмат?

– Ҳиротга боришинг керак.

– Ҳиротга? Тинчликми?

– Мухим топшириқ бор. Шуни бажариб келасан!

– Жоним билан!

– У ерда Холид исмли савдогар танишим бор, шаҳар марказига бориб одамлардан «Холиднинг дўкони қайси?» деб сўрасанг ҳамма кўрсатиб қўяди.

– Тушундим, амирим. Унга нима дейман?

– Менинг саломимни етказасан, кейин тўртта автомат олиб келганингни айтасан. Ҳар бирига ўн минг дол-

лардан беради, кам берса олмагин. Ҳозир қуролнинг баҳоси осмонга чиқиб кетган.

– Тушундим, амирим.

– Қурол олиб кетаётганингни бу ердагилар билма-син. «Эргашнинг куни қурол сотишга қолибди» деб устимдан кулишади. Шерикларингга эҳтиёт бўл.

– Хўп бўлади, амирим.

Эргаш каравотининг остидан қисмларга ажратилган тўртта автоматни олиб, иқирт латтага ўради. Кейин қонга солиб, Дилмуродга тутқазди.

– Ҳозироқ йўлга чиқ!

– Амирим, балки Мозори Шарифдами, Қундуздами пулласак бўлмайдами? Хирот узоқда...

– Йўл ҳақи бераман. Мозори Шарифга бориб машинага ўтириб жўнайсанлар...

– Дуо қилинг, амирим.

Эргаш ҳамёнидан икки юз доллар олиб, Дилмуродга берди:

– Худонинг ўзи ёмонларнинг кўзидан асрасин сен-ларни!

Дилмурод ташқарига чиқиб яқин танишларидан ик-китасини ёнига олиб йўлга тушди. Фафур томонидан берилган топширикни бажариш фурсати келганидан мамнун эди. Эргаш ишонадиган баҳоналар топишни ўйларди.

Эртаси куни тушдан кейин Хиротга келишди. Дил-мурод савдогарнинг дўконини сўроқлади. Кўпчилик уни беш қўлдек танир экан, кўрсатиб қўйишди. Холид автоматларни қабул қилиб олди. Бироқ пулига келган-да узоқ тортишди.

– Ҳар бирига беш минг доллардан тўлайман, – деб қайсарлик қилди.

Дилмурод эски савдогардай савдолашди:

– Хўжайин ўн минг доллардан кам берса олмагин деб тайинлаганлар, – деди.

– Унда қайтариб кетавер!

Дилмурод олиб келган матоҳларини латтага ўради.
Савдогар типирчилаб қолди.

– Ҳай, шунча йўл босиб келибсан, олти мингдан ола қол!

– Бўлмайдди, амак, хўжайин айтган пулни олиб боришим керак!

Дилмурод эшик томон йўналди. Савдогар ўрнидан туриб, бир неча қадам эргашиб борди. Қуруллар янги эди. Бунинг устига иккила магазин тўла ўқ эди.

– Балки етти мингга ташлаб кетарсан!

– Мен савдогар эмасман, амак. Амир айтган пулни олиб боришим шарт, кам берсам мени жазолайди.

Холид бошини қашлади. Ноилож «Ичкарига кир» деди. Пулни бериб, автоматларни олиб қолди. Дилмурод шерикларини бошлаб чойхонага кирди. Тамадди қилишди. Кейин ўзи ёлғиз шаҳар айланди. Бу шерикларини чалғитиш мақсадида қилинган ҳаракат эди. Кечки пайт орқага қайтишди.

Тўдабоши пулни кўриб ўзида йўқ хурсанд бўлди.

– Баракалла, менинг ишончимни қозондинг! Энди сени ҳам яқинларимнинг сафига қўшиб оламан.

– Раҳмат, амирим.

– Хўш, Ҳиротда нима гаплар? Бирор янглик борми? Дилмурод ўйлаб юрган режасини фош қилди.

– Амирим, – деди ташвишли қиёфада. – Шерикларимни чойхонада қолдириб, бозорда юрганымда олдимга бир йигит келди. «Кўзимга иссиқ кўринаяпсан, кимсан» деб сўради.

– Менинг одамим эканлигингни айтдингми? – ранги ўчиб кетган Эргаш шошиб сўради.

– Савдогарман, бу ерга тижорат ишлари билан келганман дедим.

– У сендан нимани сўради?

– Бир неча йилдан бери Мирзааҳмад исмли лашкар-бошининг хизматида юрганлигини, зеркиб қочиб кетмоқчи бўлганлигини айтди.

– Мирзааҳмад, қайси Мирзааҳмадни айтди?

– Лашкарлар бошлиғи Мирзааҳмад исмли йигитни-да.

– У ўлган, шахсан ўзим бошини арқонга илиб, офилнинг устунига осиб кетганман! – деди тўдабоши. Бу гапни ишонч билан айтишга айтди-ю, кейин иккиланиб қолди.

– Буни билмадим, ҳар қалай лашкарбоши Мирзааҳмаднинг номини тилга олди-қу.

Эргаш ўйланиб қолди.

– У қаерда экан ҳозир? – сўради бир оздан кейин.

Дилмурод ишонтира олганидан мамнун бўлди.

– Ҳиротда яшаяпти экан, атрофида ўттиз-қирқтача одамлари ҳам бор экан.

– Ўўў, – тўдабоши ўйланиб қолди. – Ҳиротда? Наҳотки тирик қолган бўлса? Йўқ, бошини ўз қўлларим билан сиртмоққа илганман. Ўлмай қолиши мумкин эмас.

– Балки бошқа Мирзааҳмаддир, – тасалли бермоқчи бўлди Дилмурод.

– Йўқ, гапингда жон бор, юрагим сезиб турибди. Бу ўша мен бошини сиртмоққа илган лашкарбоши бўлиши керак. Нега ишларим орқага кетяпти, нега Башир йигитларимнинг аҳволидан хабар олмай қўйди десам, гап бу ёқда эканда? Лаънати шу ергача ортимдан қувиб келган. Энди уни ҳеч ким қутқариб қололмайди. Боши сиртмоқдан омон қолган бўлса, ханжар билан узиб ташлайман!

Тўдабоши ўтиролмай қолди. Ўрнидан сапчиб турди.

Дилмурод Эргашнинг юрагига чўғ солиб қўйганди. Ўз ёғига ўзи қовурилар, душманидан ўч олиш йўллари изларди. Ичида ёнаётган олов тафтини босолмай, овоз чиқариб сўқинарди.

– Нега ўша итнинг шу ердалигини Башир менга айтмади? Яширишининг сабаби нимада? У менга дўст эмас! Менга қара, Дилмурод! Сен уни қаерда туришини, кимлар билан яшашини биласанми?

– Назаримда бозор атрофида турса керак.

– Менга мужмал жавоб қилма, анигини айт!

– Мен билан гаплашган йигит ўша томонга қараб кетганини ўз кўзим билан кўрдим.

Эргаш индамади. Бир оздан кейин каллакесар ёрдамчиларини чақиртирди. Уларнинг олдига ўн минг доллар ташлади.

– Мирзааҳмаднинг боши учун! – деди уларга.

– Қайси Мирзааҳмадни? – ҳайрон бўлишди қонхўрлар.

– Менга жони керак бўлган Мирзааҳмадни-да!

– Ахир унинг бошини ўз қўлингиз билан сиртмоққа илгансиз-ку, амирим?

– Шайтон ўша сиртмоқни узиб ташлаган экан!

– Бўлиши мумкин эмас!

– Афсуски, шундай.

Каллакесарларнинг қулоқлари тўдабошида бўлса, кўзлари пулда эди.

– Бу гал унинг калласини ўзимиз дорга иламиз!

– Дорга илишларинг шарт эмас, менга ўша бошни келтирсаларинг бас!

– Яшаётган жойини айтинг?

– Ҳиротда! Бозор олдидаги уйлардан бирида яшаётганмиш!

– Фотиҳа беринг, йўлга чиқайлик, – деди ханжарлари қонсираган жаллодлар.

Эргаш қўлларини кўтари, дуо қилди.

– Тангри мададкор бўлсин!

Каллакесарлар йўлга тушишди. Кечки пайт шаҳарга кириб келишди. Мирзааҳмадни топиш қийин кечди. Топшириқни бажармасдан орқага қайтишолмасди. Икки кун бозор атрофини кезиб чиқишди. Охири дара-

гини топишди. Сўраб-суриштирган одамларидан бири Мирзааҳмадни ярим тунгача бангихонада кайф-сафо килиб ўтиришини, уйи шу атрофдалигини айтди. Каллакесарлар унинг йўлини пойлашди. Мирзааҳмад ярим тунда уйига қайтди. Негадир шериклари кўринмас, ўзи ёлғиз келарди. Эргашнинг одамлари уни йўлда ҳам бўғизлашлари мумкин эди, бироқ бу ишни ичкарида бажаришни, ўлдиришдан аввал топган-тутган бойликларни бўлса олиб кетишни ниятлашгани учун ортидан изма-из кузатиб боришди.

Каллакесарлар уйга киришди. Ичкари қоронғи бўлгани учун ҳеч нарса кўзга кўринмасди. Улардан бири гугурт чакди. Шу пайт унинг бурчак-бурчакларидан ёритгичлар нур сочди. Атроф ёришиб кетди. Каллакесарлар тўрт томонларидан ўраб олган нотаниш одамларни кўриб қотиб қолишди. Улар «меҳмон»ларнинг қўлларидаги ханжарларни тортиб олишди. Ўртада кўзларида ғазаб чақнаган Мирзааҳмад турарди. Эргашнинг одамлари қопқонга тушганини билишди. Дуч келган кимсалардан Мирзааҳмадни сўраб хато қилишганини тушунишди. Мирзааҳмад уларни сўроққа тутди.

– Ким жўнатди сенларни?

– Эргашбой, – жавоб қилди улар. – Шайтоннинг бошини дорга илудим, тирик қолибди, бориб узиб келинглар деб олдимизга ўн минг доллар ташлади. Бизни кечиринг!

– Кечиринг?! Нега кечирим керак экан?! Сенлар тўғри олдимга келиб шу гапларни айтганларингда кечирим мумкин эди.

– Унинг аҳволига ҳозир маймунлар йиғлайди, йигитлар оч, ҳамма норози. Бизни қўйиб юборсангиз уларни сиз томонингизга бошлаб ўтишга сўз берамиз!

– Яқинда итдай хор-зор бўлиб ўлади у! – деди лашкарбоши.

– Мухтарам лашкарбоши, – ялинди яна бир тутқун.
– Бир қошиқ қонимиздан кечинг. Истасангиз бугундан
эътиборан сизнинг хизматингизда қоламиз.

– Мен сотқинлардан ҳазар қиламан!

Мирзааҳмад шундай деб шерикларига юзланди.

– Буларни бошига қоп кийдириңглар, бангихона
орқасидаги ахлатхонага олиб ўтиб, бўғизлаб ташлангар!

Лашкарбошининг одамлари тутқунларнинг боши-
га қоп кийдириб, ташқарига ҳайдаб чиқишди. Улар
йўл-йўлакай ялиниб-ёлворишар, омон қолиш учун
баҳона излашарди.

– Рухсат берсангиз Эргашнинг калласини ўзимиз
олиб келамиз! Фақат раҳм қилинғ, бизларни ўлдир-
манг!

– Юм оғзингни! – аскарлардан бири жавраётган ким-
санинғ бошига мушт туширди.

Ахлатхонага келишди. Атроф жимжит эди. Ди-
моқларига сассиқ ис уриларди. Лашкарлар тутқунлар-
ни тиз чўктиришди. Шунда улар бошларига қандай сав-
до тушганини сезиб, баттар кўз ёш тўкиб ялинишди.

– Илтимос, ўлдирманг, бир қошиқ қонимиздан ке-
чинг!

– Худо умрингизни зиёда қилсин!

– Қиёматгача хизматингизни қиламиз!

– Алдасак жисмимизни нимта-нимта қилиб ташланг!
Бу сўзларни эшитиб Мирзааҳмаднинг кўнгли бўшади.
Тутқунларни ўзининг йигитлари ичига қўшиб қўйгиси
келди.

– Бўшат! – деди у ёрдамчисига.

– Нима, қўйиб юбормоқчимисиз? – хайрон бўлди ёр-
дамчи.

– Ёш йигитлар экан, адашган, алданган! Бир қошиқ
қонидан кечдим.

– Эргаш бошингизни дорга илаётганда сизнинг илти-
жоларингизга қулоқ солганмиди? Бу йигитлар биз беҳа-

бар бошингизни узиб боришганда, у бир ой тантана қиларди. Ҳаммага мактанарди. Билиб қўйинг, у сизнинг душманингиз. Бу юртда икковларингдан бирларинг қолишларинг керак. Бугун буларни қўйиб юборсангиз, эртага бошқаси келади.

Мирзааҳмад ёрдамчисининг сўзларини тинглаб офилдаги воқеалар кўз ўнгида жонланиб, унинг ҳақлигига амин бўлди. Юрагидаги меҳр яна қаҳрга айланди.

Бошларига қоп кийгизилган, ерга тиз чўктирилган ва ўлимга маҳкум қилинган тутқунлар бўлиб ўтаётган суҳбатни эшитиб туришарди. Мирзааҳмадни қароридан қайтганидан қанчалик қувонишган бўлишса, ёрдамчининг сўзларидан шу қадар ваҳимага тушишди.

Ўртага жимлик чўкди. Тутқунлар нафасларини ичларига ютганча Мирзааҳмаднинг сўнги қарорини кутиб таёкдай қотиб туришарди. Бошларига қоп кийдирилганлиги учун улар лашкарбошининг одамларига қарата қўл силтаб қўйганини кўришмади. Уч йигит бир пайтнинг ўзида тутқунларнинг бошини узиб ташлади. Мирзааҳмад уларга тайинлади:

– Каллаларни қопа солиб Эргашнинг соқчиларига топшириб келасанлар! Бундан кейин менинг олдимга жўнатадиган одамларига нимани буюрган бўлса, ўша нарсани ўзига қайтараман!

Улар қошни олиб Саманганга жўнашди. Лагерга яқин жойда Эргашнинг соқчиларини учратишди.

– Бошлиғингга Мирзааҳмаддан совға! – дейишди уларнинг олдига қошни қўйиб.

Соқчилар «совға»ни кўтариб, тўдабошининг ҳузурига кириб келишди.

– Нима бу? – сўради тўдабоши оёғи остига қўйилган қопа ишора қилиб.

– Мирзааҳмаднинг одамлари ташлаб кетишди, – деди ҳеч нарсадан беҳабар бўлган соқчи.

Эргашнинг юраги орқага тортиб кетди.

– Оч!

Соқчи қопни очди. Ерга тарвуздек думалаб учта калла тушди. Бу ўзи жўнатган одамларнинг боши эканлигини тўдабоши таниди. Улардан бирининг қулоғига тикилган қоғозни олди. Унга шундай сўзлар битилганди: «Эргаш, кунинг битди. Бошингга мана шу одамларининг савдоси тушади».

Қалтираб кетган тўдабошининг тилига биргина сўз келди.

– Ярамас, ит! Мен қараб турадиган аҳмоқлардан эмасман.

* * *

Фафур Саманганга етиб келганида қош қорайганди. Кўчаларда одамлар сийраклашиб қолганди. Лагергача ўн олти чақиримча масофа қолганди. Йўллар нотекислиги сабабли эмас, балки бу ердаги жангариларнинг дастидан ҳайдовчилар у томонга қатнашдан юрак олдириб қўйганди. Эргашнинг одамлари қиёфаларини ўзгартириб, вақти-вақти билан яширинча бу ерларга келиб туришарди. Фафур шаҳарга келгандаёқ тўдабошининг одамларига рўпара келиб қолишдан чўчиди. Кийимини ўзгартиргани билан юзидан, юришидан таниб қолишлари мумкин эди. Шаҳарда Дўстумнинг аскарларидан ҳам эҳтиёт бўлишга тўғри келади. Бу ерлар унинг ҳудудига киради. Қўлга тушгудек бўлса тергов қилиб ўтиришмайди. Кимлигини билишади ва қутурган итни отгандай отиб ташлашади.

Тонг ёришгунча лагерга етиб олиш керак. Ҳамма қатнайдиган йўлдан юриш эса хатарли. Ҳар қадамда одамларга дуч келади. Уни кўздан асрайдиган бошқа йўл бор. Бунинг учун довондан ошиб ўтиш керак. Тик қоя, аммо масофа беш-олти чақиримга қисқаради, ҳеч кимнинг назари тушмайди. Сўқмоқни эса бир пайтлар Фафурнинг ўзи очган.

Фафур толибларга қарши курашаётган кучларнинг лагерини четлаб ўтди ва тепаликка қараб юрди. Осмонга ой чиққанди. Совуқ нурлари қояларни ёритарди. У тепаликка қаердан чиқишни эслаб қолганди. Қийналмай топди. Қорайиб турган қоя тик эди. Эҳтиёткорлик билан ҳаракат қилмаса, йиқилиб жон бериши ҳеч гап эмасди. Бироқ у бошига тушиши мумкин бўлган фожиани хаёлига келтирмади. Қандай қилиб бўлмасин, шу қояни забт этишга қарор қилди. Вақт эса зиқ. Ҳадемай қуёш уйғонади. Зулматнинг қора пардасини кўтаради. Тун чимматини йиғиштирмасдан қоянинг нариги томонига ўтиб олса бас, у ёқда ҳеч ким унга таҳдид солмайди. Кўздан яширадиган тошлар, ўр-жарлар, ғорлар бор.

Фафур ёлғизликдан зерикиб қолмай деб Самангандан кичкинагина радио сотиб олганди. Шу эсига тушиб қолди. Қўйнидан олиб мурватини буради. Дикторнинг «Тонгги концертимизни бошлаймиз» деган овози эшитилди. Қуй янгради, унга ҳамоҳанг қўшиқ жаранглади:

*Андиз ўсган тоғларда,
Отлар бевақт ўлмагай.
Яхши бўлса аёллар,
Эрлар юзи сўлмагай.*

Фафур яхдек тошларни бармоқлари билан чангаллаб, баландлик сари тирмаша бошлади. Қачонлардир бу жойда вулқон отилган бўлса керак, қизғиш тошлар тегирмонда майдалангандек шағал ҳолига келиб қолганди. Тошқин ва қор кўчкилари юқоридаги катта-кичик харсангларни олиб тушганди. Ҳар жой-ҳар жойда улар ўрнашиб қолганди. Оёқларини харсангга тираб, бир оз нафасни ростлаб олиш мумкин эди. У харсанглар томон талпинарди. Ҳофизнинг ширали овози борлик узра таралиб кетар, Фафурнинг кўнгли бундан эриб яйраб борарди.

*От минмаган от минса,
Чона-чона толдирар.
Боғ кўрмаган боғ кўрса,
Пайҳон қилар, сўлдирар.*

*Хушёр бўлгин жон элим,
Элдай сақлагин элингни.
Ёвларингга қўл берсанг,
Паймонангни тўлдирар.*

Фафур калтакесақдек тошга ёпишиб, вужуди қўшиқдан қувват олиб йўлда давом этарди. Қояга чиқиш шу кунгача чеккан азобларидан оғир эди. Оёқ қўйган жойидан тош парчалари сидирилиб, шовуллаб пастга тушарди. Қоянинг юксақлиги юз метрча келарди. Ножўя қўйилган қадам истаган пайтда уни худди тарновдан тушган қор кўчкисидек пастга олиб тушиши мумкин эди.

Фафур майда-майда тошларни чангаллаб, оёқларини эҳтиёткорлик билан ҳаракатлантириб қўшиқни тинглар, чарчоқни ҳис этмай тепалаб борарди.

*Бош кесилса ёронлар,
Сочга мотам тутилмас.
Қон қусилса ёронлар,
Ичар сувдай ютилмас.*

Тонг ёришиб борарди. Ҳофиз у билан ёнма-ён бо-раётгандек эди. Ёқимли овози тошларга урилиб садо қайтарар, кейин бўшлиқлар узра худди куш каби қанот кокиб, ундан йироқ-йироқларга таралиб кетарди. Бу пайтда Дўстумнинг аскарлари уйғониб, намоз ўқишга тараддуд кўришмоқда эди. Фафур лагерда ўрмалаб юрган одамларга қараб илжайиб қўйди. Ҳофиз эса хониш қиларди.

*Қайси юртда чинакам,
Ботир бўлса йигитлар,
Ўша ернинг эллари,
Ёвларга қул бўлмағай!*

Бирдан у маъюс тортиди. Қўшиқ радиодан эмас, шундай ёнида турган кўзга кўринмас одам томонидан унга қарата айтилаётгандек туюлди. Атрофга аланглади. Ҳеч ким кўринмади. Ҳофизнинг овози ҳамон жарангларди.

*Қайси юртда чинакам,
Ботир бўлса йигитлар,
Ўша ернинг эллари,
Ёвларга қул бўлмағай!*

Юрагига пичоқдек санчилган ва айни пайтда азоб бераётган оғриқни унутиш мақсадида Фафур қўлидаги радиони пастликка қарата улоқтирди. У тошларга урилиб, парчаланиб кетди. Тошларни боягидан илдамроқ чангаллаб чўққига интилди. Пастликдан йироқлагани сари тепалиқни ишғол қиладиган масофа қисқариб, борган сайин энди уни қандайдир хатар безовта қиларди. Ҳофизнинг қўшиғи қулоғи остида жаранглайверарди. Шунда... ҳеч кутилмаган ҳодиса рўй берди. Ер силкингандек шағаллар жойидан силжиб, қум каби шовуллаб кўча бошлади. Ўзи билан Фафурни ҳам пастга тортарди. У нима қилишини билмай қолди. Дуч келган насага чанг солар, афсуски, ушлагани жонига оро кирмасди. «Тошлар остида кўмилиб қоламан» деб ўйлади. Қўрқувдан кўзлари чаноғидан ирғиб чиқаёзди. Атрофда ушлайдиган бирорта харсанг кўринмасди. Эллиқ қадамча орқага қайтганди. Қорайиб турган жар тубида уни одамнинг қучоғи сиймайдиган тошлар кутиб турганини эслаб қичқириб юборди. Қўрқув акс этган овози

шовуллаб тушаётган тошларнинг шовқинига қўшилиб кетди. Шунда кутилмаган мўъжиза рўй берди. Кўзи яшин урган дарахтнинг илдизига тушди. Ана шу тахликали онларда, кўзига ўлим кўринган лаҳзада, ҳаёт билан видолашиш палласида ҳофизнинг қўшиғи қулоғи остидан яна бир бор ел каби учиб ўтди.

*Ёвларингга қўл берсанг,
Паймонангни тўлдирар.*

Фафурнинг кўзига илдиз қўл чўзиб турган ҳофиз бўлиб кўринди. «Йўқ, мен ёв эмасман» дея қичқирди ва жон-жаҳди билан томирга ташланди. Уни ушлади. Остидаги тошлар қорнини шилиб ўтса-да, илдизни қўйиб юбормади. Бу унинг учун сўнгги нажот эди. Соатнинг капгиридек осилиб қолди. Шағаллар бир-бирига урилиб, шарақлаб, охири тўхтади. Фафур қўрқа-писа тепага, кейин оёғи остига қаради. Тубида харсангларга тўла жар худди ажал домидек қорайиб кўринарди. Илдиз узилиб тушса, чархпалакдек айланиб пастга шўнғийди. Боши тошларга урилади. Инграмай ўлади. Ўқлар ичида юрган бўлса-да, ўлим ҳозиргидек кўзига бу қадар кўркинчли кўринмаганди. Юраги ҳозиргидек гурсиллаб урмаганди.

У йиғлаб юборди. Умрида илк бор қилган ишидан пушаймон бўлди, хатоларини тушуниб етди. Хотирасига сассиқ ва ифлос хид уфуриб турган хонада ётган Қўлдошали келди. У нега ўлимдан кўрқмади? Ўлимдан баттар азобларни бошидан кечириб ётибди-ку! Беҳисоб пулларга сотилмади. Руҳи ҳам тушмаганди. Ўлимнинг муқаррарлигини билса-да, «Мени Ватан кутмоқда» деди. Ўша сўз ҳозир Фафурнинг қулоқларида қайта-қайта жаранглади. «Мени Ватан кутмоқда». Нега у ота-онасини, хотинини, болаларини эмас, айнан туғилиб ўсган, вояга етказган юртини эслади, унга тал-

пинди? Балки юрагидаги кўрқувни хайдаган ҳам шу умиддир?! Биргина сўз учун миллионларни ваъда қилди. Пулни олиб дунёнинг истаган томонида хавф-хатардан олис жойларда яшаши мумкин эди-ку. Алоқачини фош қилганини бошлиқлари билиб ўтирибдими? «Қўлга тушиб қолди» деса ишонишарди ҳам. Ахир одамзодни ишонтирадиган баҳоналар ер юзида қалашиб ётибди-ку! Буни унинг ўзи ҳам билади, аммо истамади. Роҳат-фароғатга элтувчи йўлни эмас, ажал кўриниб турган қонли сўкмоқни танлади.

Фафур кўз олдига келган даҳшатли манзарадан бада ни жимирлаб кетди. «Ё Худойим-ей, ўзинг асрагин!».

Унинг ақли бир оз тиниқлашди. Аросатда қолганини, кимларнингдир қўлидаги қўғирчоққа айланганини англади. У виждон ва ақл-идрок қийноқларида қовурила бошлади. Қўлдошали кўз олдидан кетмасди. Ҳофизнинг қўшиғи қулоғи остида жарангларди.

*Ёвларингга қўл берсанг,
Паймонингни тўлдирар.*

«Қандай қилиб Қўлдошалининг ҳаётини сақлаб қолиш мумкин?» деган савол миясига урилди. Бу тошлар орасида нотайин кимсаларнинг топшириғини бажариб юргандан кўра, ҳаётининг сўнгги онларида юртига, юртдошига яхшилик қилиб жон беришни афзал билди...

Унинг зулмат қоплаган кўнгли бирдан ёришди. Намсиз лабларидан шундай сўз учиб чиқди:

«Ўлмасам сени қутқараман, Қўлдошали!» Унда умид кетидан сабр-тоқат, матонат пайдо бўлди.

Фафур олдига ягона йўл қолганини англади. Узилиб тушай деган қўлларини секин-аста илдиздан бўшатди. Эҳтиёткорлик билан тошлар устига оёқ қўйди. Шағаллар яна ҳаракатга келди. Оёғини кўтариб ёнбош томонга юрди. Жар остидан сув йўли ўтганди. Ҳозир қуриб

қолган бўлиб, айрим жойларда қўлмақ ҳосил қилганди. Бир ярим қулоч келадиган тупсиз жойдан сакраб нариги томонга ўтди. Ақлдан озган ёки дунёдан умидини узган кишигина шундай қила олиши мумкин эди! Ғафур қўлларидаги ва юзидаги қонни ювди. Чўп ёрдамида йиртилган қўйлагини ямади. Кейин ариқ ичидан кета бошлади...

МОСКВА

МАЪЛУМОТНОМАН

(махфий)

Амир ибн ал-Хаттоб (ҳақиқий исми – Собир бин Солиҳ ас-Сувайлим) 1969 йилнинг 14 апрелида, айрим манбаларда – 1963 йилда Иорданияда бой оилада туғилган. Етти нафар ака-укалари бўлган. Сингилларидан бири АҚШда яшайди. Уни «Қора араб» ёки «Аҳмад бир қўл» деб ҳам аташган.

Хаттобга нисбатан турли мамлакатларнинг халқаро террорчиликка қарши кураш олиб борувчи бўлимлари томонидан дунёнинг энг хавфли террорчиларидан бири сифатида қидирув эълон қилинган. Афғонистонда (1987–1992), Яқин Шарқда, Ироқда, Тожикистонда (1993) ва Чеченистонда (1995–2002) ўзининг гапи билан айтганда «яшил байроқ остида» жанг қилган.

Ёшлигида физика-математика бўйича мутахассис бўлишни орзу қилган. 1987 йили яқинлари уни олий маълумот олиши учун АҚШга ўқишга юбормоқчи бўлишган, лекин бу таклифни рад этган. Шариат қонунлари бўйича газовот жангларида иштирок этиш мақсадида олисларга жўнаб кетган.

Хаттоб 1985 йилдан бошлаб Покистон махсус хизмат идорасига қарашли бўлган Афғонистондаги мах-

сус лагерда тайёргарликдан ўтган. У билан разведка бошқармасининг юқори мартабали зобитларидан бири Хоёр Арудин шуғулланган. Кейинчалик Покистон разведкасининг Қирғизистондаги резидентидан керакли топшириқларни олиб турган.

1987 йили Афғонистонга келган ва бу ерда совет қўшинларига қарши курашда фаол иштирок этган. Жалолобод ва Кобул шаҳарларидаги жангларда мужоҳидларга намуна бўлган. Жанглардан бирида оғир яраланган. Қўлининг бир нечта панжаси кесиб ташланган.

1993 йили ҳокимият тепасига мужоҳидлар келгандан кейин у ўз уйига жўнаб кетади ва кўп ўтмай яна Афғонистонда пайдо бўлади. Тожикистон ва Ўзбекистонга қарши курашаётган қуролли тўдалар таркибига қўшилади. Унинг отряди Москва чегара қўшинларига қарашли 12-застава ҳарбийларига қарши қуролли ҳужум уюштиради.

1994 йил CNN радио канали орқали Чеченистонда уруш бошланганлигини эшитади ва у 1995 йилнинг январида 18 нафар ҳаммаслакларини олиб, Грозний шаҳрига келади. Бу ерда бўлғуси қотиллар таълим оладиган лагерлар тармогини барпо этади. Улар еттига бўлган. Жами ўн минг нафар жангари «таълим» олган. Асосий лагерга Хаттобнинг ўзи бошчилик қилган. Одамларнинг бурни, қулоғи ва бошқа тана аъзоларини кесиб ташлашда ўзи «курсант»ларга намуна бўлган. Қийнаб, азоблаб ўлдирилган инсонларни видео тасмага тушириб, уларни иқтисодий жиҳатдан қўллаб турган ҳомийларига юбориб турган ва бу билан уларнинг қалбида қўрқув ҳиссини уйғотмоқчи бўлган. Базанинг қолган олтита лагери террорнинг ҳар хил турларига ихтисослаштирилган. «Абу Жаъфар лагери» партизанлик урушига тайёрлаган, «Ёқуб лагери» оғир қурол-яроғлардан фойдаланишни ўргатиш бўй-

ича таълим берган. «Абу Бакр лагери»да қўпоровчи-ларни, «Давъат лагер»ида ташвиқотчиларни ва ёлгон ахборот тарқатадиган мутахассисларни тайёрлаган. Мафкуравий кураш усуллари чуқур ўргатилган. Тайёргарлик базаларида Тожикистон, Ўзбекистон, Қирғизистон, Қозоғистон, Шимолий Кавказ республикаларидан келган «курсант»лар жанговар таълим олганлар. Улар қатл этиш усулларини ўрганиб, ўз юртларига етарли тайёргарлик кўрган қўпоровчи-террорчилар бўлиб қайтганлар. Бундан ташқари лагерда Иордания, Покистон, Саудия Арабистони, Хитой, Миср, Малайзия, Фаластин мухторияти ва бошқа ўлкалардан келган ёлланма жангарилар ҳам таълим олишган.

Хаттоб Чечен урушида фаол иштирок этган. Россия ҳарбийларига қарши бир қатор операцияларга бошчилик қилган. Хориждаги ҳомийларидан мунтазам равишда мадад олиб турган. Одамлари гиёҳвандлик воситаларини сотиш билангина эмас, балки уларни етиштириш билан ҳам шуғулланган.

1996 йилнинг ёзида Россия ҳукумати раҳбарларига нисбатан суиқасд уюштиришни режалаштирган. 1 рақамли террорчи ҳисобланган Шамил Басаев билан мунтазам алоқада бўлган. 1996 йили Доғистоннинг Қадар ҳудудида яшовчи Фатима Бидагова исмли аёлга уйланган.

1992 йилдан бошлаб ўзининг Россия ҳудудидаги фаолиятини жонлантирган.

Хаттоб Саудия Арабистони фуқароси Шайх ал-Федал Муҳаммад Ол Шайх билан алоқада бўлиб, унга лагерь қуриш, жангарилар тайёрлаш ва қурол-яроғ харид қилиш учун маблағ сўраб, бир неча бор му-рожаат қилган.

Мамлакатнинг марказида содир этилган иккита теракт Евтушенкони жиддий ташвишга солиб қўйди. Улар бир пайтда содир этилганди. Ўнлаб одамларнинг қони тўкилди. Шу куни унинг ходимлари метро бекатидан иккита қўлбола бомба топишди. Хаттоб хориждаги радиостанция мухбирига берган суҳбатида теракт унинг одамлари томонидан содир этганлигини тан олди. Қўнгилсиз воқеа таҳлил қилинмай, Улус-Керт қишлоғидан нохуш бир хабар келди.

Псков дивизиясига қарашли десантчилар ротаси кишлоқни жангарилардан тозалаш мақсадида ташланганди. Кутилмаганда пайдо бўлган жангарилар тепаликни ҳалқа шаклида ўраб олишди. Отишма кечаю кундуз давом этди. Ёмғирдек ёғилаётган ўқларнинг ва снарядларнинг овози қулоқларни қоматга келтирарди. Ярадорлар жон беролмай дод соларди. Алоқа узилганди. Техника воситалари ўрнатилган жойга снаряд тушиб, уларни майда-майда бўлақларга ажратиб тупроққа қориштириб ташлаганди. Десантчилар танг аҳволга тушиб қолишди. Уларнинг олдида ёлғиз йўл қолганди. У ҳам бўлса таслим бўлиш, эгаллаб турган тепаликларни жангариларга топшириш. Бироқ улар буни хоҳлашмади.

Жангарилар ўз ғалабаларининг муқаррарлигига ишонишарди. Уларнинг сафини мунтазам қўшимча кучлар тўлдириб бораётганди...

Ниҳоят тепалик ишғол этилди. Жангарилар ғалабаларини нишонлашди. Кейин тошлар устида қолиб кетган мурдаларни юрак ва мияларига ўқ жойлашди. Ярадорларни эса бир жойга жамлашди. Уларни сафга тизиб, бир-бирларига қаратиб худди қўй сўйгандек бўғизлашди. Лекин тантана узоққа чўзилмади. Осмонда пайдо бўлган вертолётлар уларнинг хурсандчилиги-

га эмас, балки ҳаётларига ҳам сўнги нуқта қўйганди. Устма-уст ташланган бомбалар тепаликда тирик жонни қолдирмади. Одамнинг қучоғига сигмайдиган тошларни ҳам майдалаб, шағалга айлантириб ташлади.

Десантчиларнинг қисмати шаҳарда рўй берган икки-та терактни таҳлил қилаётган Евтушенконинг қулоғига ўша пайтнинг ўзидаёқ етиб келди. У зудлик билан ходимларини хонасига тўплади.

– Экспертиза хулосасига кўра, портловчи мослама ва метродан топилган бомбалар айнан Чеченистонда тайёрланган. Видеокамералардан бири тасвирга туширган жиноятчининг шахси ҳам аниқланди. У Хаттобнинг «Абу бакр лагери»да махсус тайёргарликдан ўтган Миср Араб Республикаси фуқароси Абдулҳоди ибн Саид Аббос бўлиб чиқди. Ҳар икки теракт айнан Хаттобнинг кўрсатмаси билан амалга оширилган. У бошчилик қилган отряд бугун тунда Улус-Керт қишлоғига ташланган тўқсон олти нафар десантчиларимизни битта қолдирмай қириб ташлади. Ярадорларни бўғизлашган. Хаттоб мамлакатимизнинг марказий шаҳарларида яна қўпоровчилик ишларини амалга оширмақчи эканлиги тўғрисида хорижий давлат мухбирларига баёнот берган. Бироқ мулоқот ҳозирча эфирга узатилмаган. Ходимимиз ана шу суҳбат матнини бизга юборган.

– Хаттоб ўртадан олиб ташланмас экан, мамлакатимизнинг марказий шаҳарларида портлатишлар содир этилаверади, – деди подполковник Маслов. – Унинг одамлари шу йилнинг ўзида мамлакатимизнинг йирик шаҳарларида олтига портлатишлар содир этди. Улар кўп қаватли турар-жой биноларини, мактаб ва болалар боғчасини, кино театрларни нишонга олишмоқда. Афсуски, «Аҳмад бир қўл»ни қўлга олишнинг иложи бўлмапти. Биз олти нафар ходимимизни унинг отрядига киритиш учун жўнатгандик. Беш нафари бедарак йўқолди. Қутузов эса отряд ичига киришга муваффақ бўлди.

- Унга қандай топшириқ берилган?
- Хаттоб амалга оширмоқчи бўлган режаларини, четдан келадиган қурол-яроғлар ҳамда ёлланган жангариларнинг кириб келиш йўлаklarини аниқлаш вази-фаси топширилган.
- У билан алоқа ўрнатилдими?
- Бир маротаба алоқага чиқди. Кейин алоқа узилиб қолган.
- Сўнги бор алоқага қайси кун чиққанди?
- Грозний ишғол қилинган тунда. Назаримда биз уни йўқотдик.
- Бошқа ходимларни ташлашга мажбурмиз. Грозний атрофида йигитларингиз борми?
- Олтин нафар ходим айнан Хаттоб жойлашган ҳудуд чегарасида туришибди.
- Яхши, уларни турли йўлаklar билан отряд жойлашган ҳудудга киритиш режасини ишлаб чиқинг.
- Тушунарли.
- Ўртоқ полковник, менда таклиф бор, – рухсат сўради майор Иванов.
- Марҳамат.
- Хаттоб Грознийда содир этилган суиқасддан кейин ёнига яқинларини ҳам йўлатмай қўйган. Отряди жойлашган ерга бориш учун ўнлаб соқчиларнинг қалқонини ёриб ўтишга тўғри келади.
- Таклифингиз?
- Яқинлари ичидан ишончли одам топишимиз керак.
- Бундай одамни топиш мумкинми?
- Ўрта Осие давлатларидан бирининг махсус хизмат идораси айнан Хаттобнинг яқинларидан бири билан алоқада бўлган.
- Бу маълумотни қаердан олдингиз?
- Хужжатлардан.
- Улар уни бизга беради деб ўйлайсизми?

– Хаттоб истаган пайда уларга ҳам таҳдид солиши мумкин.

– Унда бу ишни сизга топшираман, – деди полковник. – Зудлик билан ҳамкасбларимиз билан боғланинг. Вазиятни тушунтиринг. Ўша одам билан алоқага чиқиш учун бизга йўлак очишга ёрдам беришсин.

Евтушенко беш йил бурун «Ахмад бир қўл»ни ўртадан олиб ташлаш мақсадида ўнлаб мерганларни жўнатганди. Афсуски, минг қадамдан тангани урадиган йигитларнинг қўлидан иш келмади. Ҳамиша ҳадик ва хавфда яшашга одатланган Хаттоб ўз жойини ҳар кун иътиборини турарди. Махфий зобитларнинг барчаси қўлга тушди. Хаттобнинг ўзи уларнинг кўзларини ўйиб, тилларини кесиб, бошларини дарахтларга осиб кетди. Шундан кейин полковник қурбон беришни истамади. Бошқа тизим ишлаб чиққанди.

– Хаттоб яқин кунлар ичида четдаги одамлари билан алоқада бўлганми? – сўради у Масловдан.

– Мулла Умар ва Усама бин Ладен билан, – жавоб қилди подполковник. – Улар техника воситалари ёрдамида гаплашиб туришади. Бироқ суҳбат икки-уч дақиқадан ошмайди, шунинг учун алоқа жойини аниқлашнинг имкони бўлмапти.

– Хаттоб мактуб оладими?

– Одамларимизнинг маълум қилишича онасидан бир маротаба мактуб олган.

– Бунга анча бўлдими?

– Олти ой.

Евтушенко ўйланиб турди-да:

– Мактуб қайси йўлакдан ва ким орқали Чеченистонга кириши мумкин? – деб сўради.

– Ҳозирча аниқлай олганимиз йўқ, аммо вариантлар бор.

– Айтинг!

– Биринчиси – Афғонистондан, иккинчиси – Грузия орқали. Афғонистон орқали кириши ҳақиқатга яқинроқ. Бироқ мактуб ким орқали Чеченистонга киритил-

ганлигини аниқлашнинг иложи бўлмади. Одамларимизнинг маълум қилишларича, Хаттоб ҳар ойда бир маротаба онасидан мактуб олиб турган. Кейинги пайтда у кам ёзадиган бўлиб қолган.

– Хатни Иорданиядан Афғонистонга олиб келган одам уни кимнинг қўлига топширади?

– Менимча, «Аҳмад бир қўл»нинг ишончли одамларидан бирига.

– Яқин кишиси ким бўлиши мумкин?

– Бундайларни Мулла Умарнинг одамлари орасидан топиш керак, ўртоқ полковник.

– Алоқачи Хаттобнинг қўлига қуруқ мактубни топширмайди. Албатта Мулла Умар ёки Усама бин Ладеннинг махфий топшириқларини ҳам қўшиб Чеченистонга олиб келишади. Шундай бўлгач, мактубдан албатта Мулла Умар ёки Бин Ладен огоҳ бўлади.

– Бизнинг катта камчилигимиз ганимларимиз ичида одамимизнинг йўқлигида!

Полковникнинг хаёлига Бўрон келди.

– Тошкент билан боғландингизми? – сўради у Масловга юзланиб.

– Боғландим.

– Бўрон масаласида гаплашдингизми?

– Афсуски, бундан бир ой муқаддам Эргашнинг оморидан олиб кетилаётган қурол-аслаҳалар ортган машина йўлда портлаб кетган. Толиблар Бўрондан шубҳаланиб, уни ўлдириб юборишган экан.

Полковник хаёлга толди. Кейин қарорини айтди:

– Хаттоб онасидан мактуб олганига бир ой бўлган бўлса, ҳозир у яна мактуб кутаётган бўлиши мумкин. Одамларимиздан бири ўша мактубни унинг қўлига топшириши керак. Ҳозирданоқ режа ишлаб чиқинглар. Ишончли одам топинглар. Бу ишни узокқа қолдириб бўлмайди. Топшириқни бажариш учун ўн беш кун муддат бераман!

– Тушунарли! – дейишди ходимлар бир овоздан.

КОБУЛ

Хонада танҳо қолган Қўлдошали ўзини нималар ку-таётганини биларди. Бироқ кун бўйи олдига ҳеч ким кирмади. Эрталаб уйфонганида хонасида беўхшов, оф-тобда куйиб жизғанаги чиққан, пахмоқ соқоллари ўсиб кетган бир нусха кўзларини чўғдай ёндириб, қашқир-ники сингари сарғайган ўткир тишларини кўрсатиб ту-рарди.

– Нозир сени сўроқ қилиш учун қозини чақиртирди. Айтишича, у сен билан охирги маротаба суҳбатлашар-кан. Айтганини бажармасанг, сени тўртинчи қафасга ташлашармиш. Маслаҳатим, ҳали ёшсан, уларни ҳам, ўзингни ҳам қийнама. Нима сўрашса тўғриси айт. Тўртинчи қафасда одамни қандай жазолашларини би-ласанми? – деди бандига раҳми қилгандек ачиниб.

– Йўқ, – жавоб қилди маҳбус.

Назоратчи бош силкитди.

– Билмаганинг учун гапларимга аҳамият бермадинг. У ерга ўлимга маҳкум қилинганлар ташланади. Уларни қандай азоб ва қийноқлар билан ўлдиришларини эшит-гандирсан?

– Афсуски, беҳабарман.

Назоратчи ерга тупурди.

– Айтсам юрагинг ёрилиб, шу ернинг ўзида ўлиб қо-ласан!

– Одамзод бари бир ўлади, ярим соат қийнашар, бир соат қийнашар, жонимни оғритишар, кейин ўламан-ку! Ўлим олдидаги азоблар ҳам роҳат!

Назоратчининг лабларида мудҳиш табассум пайдо бўлди.

– Улар сени шунчаки ўлдиришмайди...

– Дорга осишадими?

– Бошингни арқонга илишса жон дегин, отишса ҳам бир ўқ билан тинчийсан!

- Зиндонбанд қилишадими?
- Асло!
- Каламушларга талатишадими?
- Бу енгил жазо-ку!
- Унда қандай ўлдиришади, айт!

– Итларга талатишади, – қамоқхоначининг лабларида сезилар-сезилмас ғолибона табассум ўйнади. – Улар одам гўштига ўрганишган! Одамхўр итлар кечадан бери оч, атайин овқат беришмаяпти. Сени уларнинг олдига киритишса, тириклай ғажиб, гўштингни нимта-нимта қилиб ташлашади. Аллоҳнинг ўзи асрасин сени!

Назоратчи хонадан чиқиб кетди. Ташқаридан итларнинг ҳургани эшитилди. Уларнинг очлиги товушларидан билинарди...

Қўлдошалининг юрагини саросима ўртади. Бу ердан тирик чиқиб кетишидан умидини узган бўлса-да, аммо ажали итларнинг ихтиёридалигини хаёлига келтирмаганди.

Пешиндан кейин эшик очилиб, узун бўйли, қотмадан келган одам Қўлдошалининг қаршисида пайдо бўлди. Қоп-қора юз-кўзлари унинг ўта бераҳм ва шафқатсизлигини фош қилиб турарди. Хонадаги сассиқ исга чидамай, оғзи билан нафас оларди. Бу қози эди.

– Ақлинг кириб қолган деган умиддаман. Шунча кундан бери тош устида ётиб ўзингнинг қадрингга етган бўлсанг керак. Биз сенга ёрдам бермоқчи ва юртингга қайтармоқчи эдик.

– Аллоҳ дилингизга яхшилик ва эзгулик солганидан хурсандман! – жавоб қилди Қўлдошали.

– Мабодо таклифларимни рад этадиган бўлсанг, сен билан тортишиб ўтиришга сарфлайдиган вақтимни ҳавога совурмай, ҳозироқ ортимга қайтганим маъқул.

– Мендан нима истайсиз, тақсир?

– Сендан кўп нарсани талаб қилмайман. Сўрайдиганим битта. Ростини айтсанг, Худони ўртага қўйиб қасам ичаманки, ҳозироқ бу хонадан иккимиз чиқиб кетамиз.

– Сиздек шариат пешвосининг гапига ишонсам бўлади-ми?

– Аллох йўлида қилинган ишнинг савобини ҳеч қандай мезон билан ўлчаб бўлмайди. Тангри ҳар биримизни эзгулик ва яхшилик сари етаклайди. Дилларимизни нурафшон этадиган нарса ҳам эзгулик ҳамда яхшиликдир.

– Ҳақ гапларни айтдингиз. Яратган эгам барчамизнинг қалбимизга тинчлик, барқарорлик, инсон инсонга нисбатан яхшилик қилиш, бошига мусибат тушганда ёрдам бериш тўғуларини солган. Уруш, одам ўлдириш, қон тўкиш, юртни вайрон қилиш динимизда қаттиқ қораланган. Зеро ҳадиси шарифда «Одамларнинг энг яхшиси одамларга манфаати этадиганидир» дейилмаганми, тақсир?

– Илмли йигитга ўхшайсан.

– Илм олиш фарз. Зеро илмли кишилар ҳамиша жаҳолатга, ҳақсизликка қарши курашиб келганлар! Адолат тарафида турганлар!

Қозининг чўзинчоқ юзида ғазаб тўнғиди. Кўзлари чаноғидан чиқиб кетадигандай олайди. Ҳозироқ ўзининг ҳукмини ижро этишга тайёр эди, бироқ ҳеч ким уdda қилолмаган, ҳаттоки беҳисоб бойликлар билан йўлига сололмаган қайсар бу йигитни ширин сўз билан, алдов ва ваъдалар билан таслим қилмоқчи бўлганди. Ахир бу ишни шунчаки зиммасига юкланган вазифа тақозоси ила қилмайди-ку. Оладиган эҳсони бор. Тилидан илтирос, ҳаммани қизиқтириб келаётган сотқиннинг кимлигини била олса бас. Башир ва Жон Дэвид анчадан буён шамол ўтиб юрган бўм-бўш чўнтагини ҳисобсиз пулларга тўлдиришади. Мавқеи ошади. Каттароқ ва нуфузлироқ мансабни эгаллайди. Янги барпо этилаётган ҳокимиятнинг бош қозиси бўлади. Шу орзулар, шу истаклар, шу умидлар уни ғазаб отидан тушириб, заҳарханда юзига нотабий табассум ато этганди. Бир сўз билан айтганда, юрагидаги қаҳр ва ғазаб қанчалик

жўш урмасин, уни ичига ютишга, заҳар томиб турган тилидан фақат бол сўзлар учиб чиқиши, шу йўл билан рўпарасида масҳара қилиб турган маҳбуснинг кўнглига йўл топишни мақсад қилди. Лекин калласи бўм-бўш эди. Хаёлига дурустроқ ўй-фикр келмасди. Аниқроғи, қозининг маҳбуслар билан ишлаш, уларни сўроқ қилиш борасида тажрибаси етарли эмасди.

– Сен гумроҳлик қилма, бўтам, – дея сўз бошлади қози қизариб кетган юзини буриб. – Сен тенги йўқ қудратли Мулла Умар ҳазратларининг қўлига тушгансан, ана шу зотнинг темир қўли сени халос этмоқчи, бундан фойдаланиб қол. Сен қилич билан ўйнашма, гап яширма. Ҳазратимнинг қаҳрини қўзғатадиган бўлсанг, додингни Худога айтсанг ҳам бу ердан чиқиб кетолмайсан! Танлаган йўлингнинг поёнида фақат ажал кўринаётганини ўйла. Ёшгина умринг завол бўлишини кўз олдинга келтир. Ҳаётинг ҳали олдинда. Сени порлоқ келажак кутмоқда.

– Мендан нима истайсиз? Сўрайдиганингизни тезроқ сўрай қолинг! – яна бояги саволини такрорлади махфий хизматчи.

– Бетоқатланма, шошмасанг ҳам айтаман. Сендан кўп нарсани талаб қилмайман. Сўрайдиганим бир оғиз сўз. У ҳам бўлса сенга махфий маълумотларни етказиб турган айғоқчининг кимлигини билиш. Айт, ким эди у? Эргашбойнинг одамлари ичидами?

– Айғоқчи? Қанақа айғоқчи?

– Ўзингни гўлликка солма, бўтам! Агар сенинг ўрнингда у бўлганида бошингдан кечираётган азоб-укубатларнинг бирортасига чидамай, аллақачон бизга барча гапларни айтиб берган бўларди. Ҳамманинг жони ўзига ширин. Хўш, унинг исми нима эди? Ўша бадбахт Эргашбойнинг тўдасидами?

– Қўйни ҳам оёғидан осадилар, тақсир, – деди Қўлдошали ғоят осойишта ва дадил туриб. – Мени бу ерда

ҳеч қандай танишим, ҳеч қандай махфий маълумот билан таъминлаб турадиган одамим йўқ.

– Беъмани гапларни айтиб, отанг тенги қарияни лақиллатма! Ичингдагиларни кўзларинг сотиб турибди. Биз бугун бўлмаса эртага уни топамиз, – деди такаббур қози. – Одамларимиз ҳозир Эргашбойнинг лагеридагиларни биттама-битта элакдан ўтказишмоқда. Мирзааҳмаднинг йигитларини ҳам ўрганяпмиз.

– Ҳукмингизни ўқинг, бундай тухматлардан зерикдим.

– Сени роса ўқитишибди, қийноқ ва азобларга кўниктиришибди. Афсуски, бизнинг қонунларимизни ўргатишмаган экан. Шундай усулларимиз ва қийноқларимиз борки, унинг биттасини қўлайдиган бўлсак, дунёга келганинга пушаймон ейсан!

– Мен инсонни қонун ҳимоясига олган юртда туғилиб ўсганман. Қонун кучи одамзод томонида бўлиб келган. Қонун одам ўлдиришни эмас, балки тарбиялаш, тўғри йўлга солишни буюради. Аммо сизнинг қонунларингиз инсониятни худди бўғма илон каби бўғиб ўлдиради. Одамларни ҳеч қандай суриштирувсиз авахтага тикади. Судсиз қамоқхоналарда ўлиб кетишади. Минглаб бегуноҳ инсонлар айбсиз отиб ташланмоқда. Уларни каламушларга талатиш, очлик азобида қийнаш ёки калтаклаш қайси давлатнинг инсоният устидан чиқарган қонунларида бор?

– Ҳар бир янги ҳукумат давлат тепасига келиши биланоқ ўзининг янги қонунларини ишлаб чиқади, – босиқлик билан гапида давом этди қози. – Биз давлат тепасига келдикми, демак, ўзимизнинг қонунимизни ишлаб чиқаришимиз лозим эди. Ишлаб чиққан қонунларимиз эса бугун ўзининг кучини кўрсатмоқда. Инсон устидан ҳукмронлик қилмоқда. У шу қадар қудратлики, одамларни таҳликага солиб қўйди. Инсоният ундан қўрқиб яшайди ва бизга сидқидилдан хизмат қилади.

– Агар сиз тузмоқчи бўлган ҳукуматни ҳукумат деб аташ мумкин бўлса, у инсон ҳуқуқларини, эркини, бахтини, орзу-истакларини худди моғор босган буюмдек оёқлар остида пайпасламоқда. Қотилларнинг қўлига қурол тутказмоқда. Миллионлаб инсонларни оғу билан заҳарламоқда. Қонунларингизнинг кучи шу бўлса, мен унга тупурдим.

– Шаккоклик қилма! – деди титроқ босиб ияги қалтираётган қози. – Бундай дабдабали гапларни йиғиштир!

– Тузган қонунларингиз билан мени кўрқитолмайсиз. Бундай қонунлар олдида таслим бўлмайман. Боя айтганимдек, мен инсон ҳуқуқлари, кадр-қиммати юқори баҳоланган, инсониятни азиз ва мукаррам деб билган улугъ юртда туғилиб ўсганман. Ватанни сотиб, унга хиёнат қилиб, хоин деган тавқи лаънатни пешонамга битиб озодликда яшагандан кўра, сиз айтмоқчи мана шу ахлат иси анқиб турган авахтада ўлганим афзал. Тинчлик, барқарорлик байроғини баланд кўтарган юртга содик ўғлон бўлиб ўлишнинг ўзи шараф! – Қўлдошали ўзининг «Озодлик декларацияси»ни баён этди.

– Менинг юзимга шундай гапларни айтишга уялмадингми? – деди қози гердайиб.

– Агар сиз чинданам қози бўлсангиз, бегуноҳ ўлаётган одамларни золимларнинг ўқидан, зулмидан асранг. Уруш қилаётганларга, қон тўкаётганларга, оғу етиштираётганларга қарши чиқинг. Бу хунрезликларнинг олдини олинг. Одамлар уруш кўравериб, қон кечавериб, кунига биттадан жигаридан жудо бўлавериб юракбағри титилиб кетган. Улар тинчликни, мустақилликни, озодлик ва эркинликни соғинган. Улар фақат тушларидагина жилмаяди, тушларидагини осойишталик бахтидан масрур бўлишади. Сиз халқингизга қарата шундай хитоб қилингики, ёмонлар қўлларидаги қуролларни ташласин! Шум ниятда келганлар азизлар яшаб ўтган муқаддас бу заминни тарк этишсин. Одамлар қўл-

ларига кетмон олиб, бомба ва ўқлардан бағри титилиб кетган ерни боғу роғларга, ғаллазорларга айлантиришсин. Ерга бир ховуч дон сепишса, бутун бир халқни тўйдириш мумкин. Шунда эл сизнинг номингизни шон-шарафларга буркайди. Шунда сиз Аллоҳнинг олдида ҳам, виждонингиз қаршисида ҳам бурчингизни ҳалол адо этган бўласиз! Ахир ҳақиқий қозининг вазифаси, бурчи юртда адолат ва ҳақиқат ўрнатиш эмасми, тақсир?!

Деразадан мўралаб турган қуёшнинг бир чимдим қизғиш нурлари маҳбуснинг соқол босган қорача юзини ҳамда ғазаб ва изтиробдан ёнган кўзларини ёритиб турарди. Қўлдошалининг сўзлари ва ҳаракати қозининг руҳиятига қаттиқ таъсир қилди.

– Бас! – қичқириб юборди у. – Отанг тенги одамга бу қадар беадаблик қилгани уялмайсанми, нобакор!

Қўлдошали сўзлари нишонга текканини билди. У аччиқланмади. Юзини буриб, туйнук олдига келди. Ундан қираётган тоза ҳаводан симириб-симириб нафас олди. У қозининг чиқиб кетишини кутарди.

Қози хонани тарк этмади. Ичида қандайдир куч исён кўтариб, ваъда қилинган бойлик ва амал уни жаҳл отидан тушишга, мурсою мадора йўлини ихтиёр этишга, муҳими, йигитнинг қўнглига йўл топишга ундарди. «Наҳотки биргина сўзни айттириб бўлмаса? Агар Башир билан Дэвидга ваъда бермаганимда, аллақачон бу бадбахтни ўлимга маҳкум этган бўлардим».

У сўнгги имкониятни ишга солди.

– Мана бу китобни ушла! – деди қўйнидан китоб олиб унга узатар экан. – Агар ҳақиқий мусулмон бўлсанг, рост гапни айтасан. Шунда сенга ишонаман. Шу муқаддас китобни қўлингга олмас экансан, демак, сен айғоқчининг кимлигини биласан. Ундан маълумот олиб турганинг ҳақ бўлиб чиқади.

Қўлдошали китобни қўлига олди.

– Сўзларимга ишонасизми? – сўради қозидан.

– Ахир мусулмон одам қўлига муқаддас китобни олгандан кейин ёлғон гапирмайди. Худонинг ғазабидан, икки дунёси кўйиб кетишидан, қиёматгача дўзах оташида ёнишдан қўрқади.

Қўлдошали китобни олди. Унинг қалин муқовасини пешонасига босиб, кўзларига суртди. Қозининг кўзлари чакнади, юзи табассумдан ёришди.

– Ҳақ гапни сўзла, бўтам! Айт, шайтон йўлдан оздирган, сенинг бошинга бу балоларни солган ўша бадбахт ҳозир қаерда? – ғазабини ичига ютиб, мулойим овозда сўради қози. – Унинг исми нима?

– Шу китоб ҳурмати айтган гапларимга ишонасизми? – яна бир бор сўради юраги зада бўлиб кетган банди.

– Мусулмон банда ёлғон гапирмайди, гуноҳи азимга ботмайди. Дўзах азобларидан қўрқади!

Қўлдошали ноилож китобни кўкрагига босди:

– У кўксимда, уриб турган юрагимда!

Қозининг юзи кўкариб кетди.

– Сен даҳрийсан, сен диндан озган жоҳилсан! Худонинг қаҳрига дучор бўлғайсан!!! – ғазабли оҳангда кичқирди қози.

Қозикалон йигитнинг қўлидаги китобни юлиб олди. Қўлдошаланинг туриши, овози, кўзи ва ҳаракати унинг руҳиятига қаттиқ таъсир қилганди.

– Ҳамтовоғининг номини айтишдан кўра ўлимни афзал билдингми? Унинг номини ўзинг билан нариги дунёга олиб кетмоқчимисан? Нима ҳам дердим? Мен сенга ўзимнинг сўнги қароримни айтдим. Энди қайтиб кўришмаймиз.

Қози бу ерда ортиқ қололмаслигини ва маҳбусдан сўз ололмаслигини тушуниб етди. Эшик ортида турган соқчиға қўли билан «Эшикни оч» деган ишорани қилди.

– Бу ақлдан озган банда ўлимга маҳкум этилди! – топшириқ берди у эшик олдида турган соқчиға ва ўзи илдам қадам ташлаб хонадан чиқиб кетди.

Икки нафар соқчи ичкарига кирди. Улар юзларининг ярмини қора мато билан тўсиб олишган, фақат ялтираб турган кўзлари кўриниб турарди.

Улар Қўлдошалининг қўлларини қайириб боғлашди, кейин қўлтиғидан кўтариб, ташқарига олиб чиқиб кетишди. Бу пайтда айрим хоналарда оғриқ ва очлик азобига чидаёлмай ётган тутқунларнинг оху зорлари авжига чиққанди.

Махбусни тепага олиб чиқишди. Ташқарида кун ботиб, аста-секин қоронғилик чўкаётганди. Ҳовлида соқчилар юришарди. Бандини қамоқхонанинг орқа томонига олиб ўтишди. Бу ерда ўнга яқин темир қафас ичида махсус боқилган итлар сақланарди. Ҳар бир қафаснинг тепасига рақамлар ёзиб қўйилганди. Итлар бегона одамни кўриб, тирноқлари билан қафасга ёпишиб ириллашди. Тўртинчи қафас олдига келганда соқчилар тўхташди. Ичкарида ўзининг катталиги ва баҳайбатлиги билан ҳар қандай одамнинг эҳсонасини чиқариб юбориши мумкин бўлган иккита ит ётарди. Булар катталиги шердай келадиган, бақувват, даҳшатли итлар эди. Уларнинг тумшуғидан қон иси анқирди. Чуқур ва ваҳший кўзларининг атрофи бамисоли ўтли гардиш билан ўралгандек кўринарди. Уларга яқинлашишга одамнинг юраги бетламасди.

Улар бандини кўриб оғизларини хиёл очиб, ўткир тишларини кўрсатиб ириллашди. Оғизларидан кўнгилни ағдаргудек бадбўй ис билан ҳовур чиқди. Баланд ва узун бўйлари, ичига ботган қоринлари, чақнаб турган юмалоқ кўзлари уларнинг очлигидан далолат берарди. Итлар одамни кўриши биланоқ ҳуришдан тўхтаб, олдинги оёқларини темир панжара устига қўйди. Бошларини баланд кўтарган махлуқлар оғизларини хиёл очиб, қип-қизил тилларини чиқариб ўлжага термулиб туришарди. Одатда улар ўлжани кўришлари биланоқ, худди бир-бирларидан қизғанишгандек ириллашарди.

Лекин ҳозир димоқларига урилган қандайдир таниш ис уларни ғазабдан туширди ҳамда ўлжага ташланиш ўрнига ортга чекинишди.

Қўлдошали қишлоқда катта бўлган. Болалигидан ит боққан. Бу жониворларга меҳри бошқача эди. Уларнинг руҳиятини яхши биларди. Қаршисидаги итлар одам гўштини еб катта бўлганини бир боқишдаёқ сезганди. «Наҳотки жонимни шулар олса?» деб қўнглидан ўтказди. Ичкарига кирганда ҳам ўзини йўқотиб қўймади. Итларнинг кўзига тик боқди. Шунда ҳамма кутган хол содир бўлмади. Мўъжиза рўй берди. Итлар одамнинг юз-кўзларидан қўрқув ва саросимани сезишмади. Ҳуришдан тўхташди.

Қозининг юрагидаги умид шами ҳали ҳам липиллаб турарди. Маҳбусни тўртинчи қафасга олиб боришганда «Балки қўрққанидан таслим бўлар» деб ўйлаганди. У панжарали деразадан маҳбусни кузатиб турарди. Соқчилар эшикни очишди. Шунда тутқун орқасига қайрилди. Нигоҳлари темир панжара орқасида ёниб турган бир жуфт кўзга тушди. Бу қози эканлигини дарров таниди. Кейин у худди хонасига кириб кетаётгандек қафас ичига қараб юрди. Қози деразадан кўзини олиб, нозирга юзланди.

– Ўлимга тик боққан одамлар ҳақида эшитгандим, аммо кўрмагандим, – деди. – Қаранг, худди кулбасига кириб кетаётгандек ўзини ажал чоҳига ташлади-я!

– Нимасини айтасиз, – деди бунга жавобан нозир. – Биз уни овқатдан ҳам, сувдан ҳам маҳрум қилгандик. Ўзим олдига тушиб, икки бор яхши гап билан ҳам, ёмон гап билан ҳам, ҳатто мана бу резина таёқ билан савалаб ҳам гапиртира олмадим.

– Ҳақиқатан ҳам ҳайратланарли ҳол!

– Иродасининг бу қадар мустаҳкамлиги мени ҳайратга солди. Аслида уни дастлабки куниёқ отиб ташлашимиз керак эди. Бироқ Башир жаноблари «Қандай

қилиб бўлмасин, гапиртиринглар, маълумот етказиб турган одамнинг кимлигини билишимиз керак» деб туриб олдилар.

– Махбус Башир жанобларидан ҳам кўпроқ Дэвидни қизиқтириб қолганини тушунмадим. Эргашга кимлар ёрдам бераётгани, кимлар маблағ билан таъминлаб келаётгани ва унинг юртидаги одамлари фош бўлаётган бўлса унга нима? Бунинг учун у жавоб бермайди-ку?

– Уларнинг ўртасида бўлаётган ишлардан афсуски, биз беҳабармиз, – деди овозини пастлатиб нозир. – Назаримда уларнинг ҳаракатидан Қўлдошалига махфий маълумотларни етказиб бераётган одам жуда кўп нарсалардан воқиф бўлса керак. Улар бекордан-бекорга уни қистовга олиб, сиз билан мен тасаввур қилолмаган маблағларни ваъда қилишмаётган. Бахтга қарши, уни гапиртириш ҳеч биримизнинг қўлимиздан келмади. Айғоқчининг номини ўзи билан нариги дунёга олиб кетадиган бўлди.

Бу пайтда Қўлдошали итлардан бирининг жунлари хурпайиб кетган, хумдек келадиган калласини силарди. Бу унга хуш ёқди ва бошини орқага ташлаб фингшиди ва олдинги оёқларига тиралиб керишиб қўйди. Қўлдошали иккинчи итнинг бошини ҳам шундай алфозда силади. Ўзининг жониворларга бўлган меҳрини қўллари орқали уларнинг юрагига етказганди. Турма нозири ҳам махбуснинг итлар томонидан ўлдирилишини томоша қилиш мақсадида дераза олдига келди.

– Қаранг, итлар негадир бурчакка қисилиб олишибди. Бундай ҳолни биринчи кўришим, – деди чанг босиб қолган ойнадан қафас ичида турган махбусга қараб.

Қози бош ирғаб қўйди.

– Ўтган ҳафтада бир махбусни айнан шу қафасга ташлатгандим, – дея гапида давом этди нозир. – Ичкарига кириши биланоқ итлар бир пайтнинг ўзида унинг бўғзидан тишлаб ерга ётқизиб, хаш-паш дегунча қорни-

ни ёриб ичак-чавоғини чиқариб ташлашганди. Ўшанда унинг гўштини икки кун ейишганди. Уч кун муқаддам яна бир маҳбусни тўртинчи қафасга ташлашга қарор қилгандик. Бечора қафас олдига келиб, итларнинг ва-жоҳатини кўрибоқ ўтакаси ёрилиб жон берди. Назаримда уларни фавқулодда махлуқ деб ўйлаган бўлса керак-да.

– Балки ҳозир итларингиз тўқдир? Одам гўштини ейиш жонларига теккандир?

– Бундай бўлиши мумкин эмас, қози. Итларим икки кундан бери ҳеч нарса татишмаган... Қараб туринг, яна икки-уч дақиқадан кейин уни ғажиб ташлашади. Итларда шундай феъл бор, аввалига индамай туришади, кейин оч қолишлари бирдан эсларига тушиб ўлжага ташланишади. Кўзингизни очиб юмгунингизча ҳар қандай тирик жонни тилка-пора қилишади.

Улар деразадан итларга тикилиб туришди.

– Итларингиз ажойиб. Афтидан булар хориждан келтирилган бўлса керак? – сўради қози.

– Буларни Дэвиднинг бошлиқлари бизга совға қилишган. Ҳаммаси ҳам одам гўштини еявермайди. Бешинчи қафасдагилар қочоқлар изидан қувишса, биринчи қафасдагилар туни билан қамоқхонани кўриқлаб чиқишади. Иккинчи қафасдагилар эса қочиб кетган маҳбусларни тутиб келади. Ўта ақлли жониворлар!

– Қўлдошалини нима учун емаганини билдингизми?

– Гўшт ейиш жонига теккандир-да?

– Фикрингизга қўшилолмаيمان-у, аммо бир нарса-ни аниқ айтаман. Менимча, маҳбусда ғайритабiiй қудрат бор.

– Ғайритабiiй қудрат?

– Шундай. У еган калтакларни бошқа одам еганда, азоб-уқубатларга бардош бера олмай ўлиб қоларди. Ёки ваъда қилинган бойликлардан боши айланиб жинни бўларди. Дэвид уни сотиб олиш учун одам боласи-

ни ҳайратга соладиган бойликларни ваъда қилди. Бари бир рози бўлмади.

– Қанча ваъда қилди? – қизиқиб сўради қози нозирга юзланиб. Пулнинг дарагини эшитиб, унинг кўзлари соққадай ўйнаб кетганди.

– Қўлига чек тутқазишди ва хоҳлаган пулини ёзиб олишни ихтиёрига берди!

– Наҳотки?!

– Гапимга ишонаверинг, тақсир!

– Нақадар улкан имконият! – хўрсиниб қўйди қози.

– Назаримда у катта бойнинг ўғли бўлса керак!

– Фикрингизда жон бор. Балки унинг кўнглига йўл топа оладиган бошқа нарса ўйлаб топиш керакдир! Башир жаноблари билиши керак бўлган сирни ўзи билан нариги дунёга олиб кетишига йўл қўймаслигимиз керак.

– Ундан сир олиб бўлмаслигига сиз ҳали ҳам ишонмаяпсизми, тақсир?

– Пулдан юз ўгиргани мени ажаблантирмоқда, Собир афандим. Ахир қайси аҳмоқ чекка хоҳлаган миқдордаги долларни ёзишдан бош тортади. Менга қаранг, балки мен яна бир бор уриниб кўрарман. Агар уни йўлга сололсам, сизнингча, Дэвид пулнинг қанча қисмини менга беради?

– Бир миллион етадими?

Қози типирчилаб қолди.

– Ҳазиллашманг...

– Ишонмаяпсизми?

– Ишоняпман, аммо...

– Лекин сиз уни қанчалик авраманг, қанчалик муғомбирлик ишлатманг, бари бир ундан гап ололмайсиз. Чунки унинг қалбида ўз юртига бўлган меҳр-муҳаббат, садоқат кучли. Қайсидир китобда ўқиганман, «Кимники қалбида ўз ватанига меҳр-муҳаббати кучли бўлса, уни ҳеч ким таслим қила олмайди».

Қози гап тополмай қолди. Шу пайт телефон жиринглади.

Йўлда Фафурни миршаблар тутиб олишди, афт-ангорини кўриб шубҳаланишди. Идораларига олиб кетишадиганда у бошликнинг қўлига юз доллар қистирди.

– Тақсир, сиз ҳам бола-чақали одамсиз, умид билан кўчага чиққансиз.

– Эс-хушинг жойида кўринади, – деди миршаб пулни хамёнига жойлар экан. – Уйимга кетяпман де. Бундай аҳволда ота-онанг кўрса сени танимайди-ку, баччафар!

– Тақсир, дўкондан кийим сотиб олмоқчиман.

– Пулинг борми? – сўради кўзларини ўйнатиб миршаб.

– Топилади...

– Кўрсат!

Фафур ҳар эҳтимолга қарши иккинчи чўнтагига эллик доллар солиб олганди. Пулни кўриб миршаб кўзларининг пахтаси чиқиб кетди.

– Пулни менга бер. Ҳозир сенга ажойиб кўйлак топиб бераман!

У қўйнига қўл солиб, тунда мурдалардан бирининг устидан ечиб олган кўйлакни олиб Фафурга узатди.

– Кийиб ол!

Миршаб пулни олиб, шерикларини эргаштириб жўнаб кетди. Фафур четга ўтиб кийинди. Кейин киракаш машиналардан бирини ёллаб Кобулга жўнади. Хаёлини «Қамоқхонага қандай қилиб кириш мумкин» деган фикр банд этганди. Соқчиларни ишонтирадиган баҳона излади. Машина Кобулга етиб келганида Фафур бошида оғриқ турғазган саволларга жавоб топгандай бўлди. Жон Дэвиднинг телефонига қўнғироқ қилди. Дэвид ўтган сафаргидек куттирмади. Тезда гўшакни олди.

– Эшитаман!

– Дэвид, бу мен, Фафурман!

– Қаердасан?

– Аввалги учрашган жойимизда.

– Нега қайтиб келдинг?

Фафур «Башир мени Саманганга жўнатганини айтибди-да» деб ўйлади. Демак, улар бир-бирлари билан боғланишган. Лекин ҳозир Фафур бу ҳақда бош қотирмади. У ўйлаган мақсадини Дэвиднинг қулоғига етказишга шошилди.

– Зудлик билан сиз билан учрашишим керак.

– Тинчликми?

– Кўришмасак бўлмайди?

– Гапинг шунчалик муҳимми?

– Афтидан, мен Қўлдошалининг алоқачисини билиш йўлини топдим!

– Баширга айтмадингми?

– Қайтиб келганимни ҳозирча унга айтмай турганингиз маъқул.

– Бугун сен билан кўришолмайман, вақтим зиқ. Бир жойга боришим керак.

– Ташрифингизни икки соатга кечиктирсангиз.

Дэвид жим қолди ва кейин шундай жавоб қилди.

– Яхши, ҳозир етиб бораман.

– Сизни қутаман!

Вақт шом бўлганди. У Дэвидни сўзларига ишонтира олсагина уни қамоқхонага олиб бориши мумкин, шубҳаланса шу ернинг ўзида хайрлашади. Қайтиб келганидан Башир хабардор бўлса, иш чаппасига кетади. Балки ҳозиргача Қўлдошалини ўлдириб қўйишгандир. Қамоқхонада маҳбусларни бекордан-бекорга ушлаб туришмайди.

Дэвид келди.

– Хўш, нима гап? – сўради Фафурни кўриши биланок.

– Мен тутқундан сир олиш йўлини топдим.

– Қандай йўл экан?

– Ҳозироқ мени унинг олдига бошлаб боринг.

- Ўйлаб топган режангни айт.
- Менга ишонинг, ярим соат ичида айғоқчининг кимлигини билиб чиқаман.
- Қандай қилиб?
- Фафур ёлғон гапиришга мажбур бўлди.
- Мен унга ярим миллион ваъда қилгандим. У эса бир миллион талаб қилганди.
- Аҳмоқ! Сўраган пулига нега розилик бермадинг?
- Сизнинг маслаҳатингизни олай дегандим.
- Бу гапни ўша куниёқ айтишинг керак эди.
- Ёдимдан кўтарилибди. Кейин у Башир билан учрашмоқчи эканлигини ҳам айтганди.
- Ҳозир Башир ишхонасида эмас, эргалаб қандайдир иш юзасидан идорасидан чиқиб кетган.
- Кетган бўлса қайтиб келади. Ҳозирча бу ҳақда унга индамаслик керак. Аввал кўндирай. Башир билан учрашишга рози бўлса кейин сизга айтаман.
- Дэвиднинг юрагида умид уйғонди.
- Турма нозири шу пайтгача топшириқни адо этган бўлса-чи?
- Ўлдиришни буюрганмисиз?
- Ушлаб туришим керакмиди?
- Фафурнинг вужудини совуқ тер қоплади.
- Балки тирикдир, улгурармиз, – деди.
- Дэвид турма нозирига қўнғироқ қилди.
- Бизнинг меҳмонимиз тирикми?
- Яқинда уни тўртинчи қафасга ташладик.
- Демак, бориб унинг суякларини кўришимиз мумкин экан-да?
- Дэвид, биласизми, мен қамоқхонада ўн йил ишлаб, ўнлаб маҳбусларни тўртинчи қафасга ташлаб, ҳаётимда илк бор мўъжизами ёки Худонинг қудратими, хуллас фаройиб ҳолга дуч келдим.
- Нима бўлди, очикроқ айтинг, ёки қочириб юбордингизми?!

– Айтсам ишонмайсиз. Балки келиб ўзингиз кўрарсиз.

– Юрагимни ўйнатмай тезроқ айта қолинг!

– У итларни худди ўзининг дўстларидек қучоқлаб ўтирибди!

– Ҳозироқ уни хонасига олиб кириг!

Дэвид билан Фафур қамоқхонага йўл олишди. Кун кеч бўлганди. Йўлларда толибларнинг соқчилари пайдо бўла бошлашганди. Улар ўтаётган машиналарни назорат қилишар, кимга тегишли эканлигини сўраб-суриштиришар, шубҳали кимсаларнинг машиналарини тортиб олиб, ҳайдовчиларни ўз идораларига олиб кетишарди. Дэвиднинг машинасини ҳам икки жойда тўхта-тишди. У толиблар етакчиси томонидан берилган рухсатномани кўрсатиб, постлардан ўтиб кетди. Машина қамоқхона дарвозасининг олдида тўхтади. Ичкаридан нозир чиқиб келди.

– Маҳбуснинг аҳволи қандай?

– Хонасига олиб кириб қўйдик.

– Ҳозироқ бу йигитни унинг олдида киритинг.

– Янглишмасам, бу йигит икки кун бурун унинг олдидан чиқиб кетганди.

– Адашмадингиз.

– Сиз маҳбусни тавбасига таянди деб ўйлайсизми?

– Тавбасига таянмаган бўлса-да, бу гал унинг юрагига йўл топгандаймиз!

– Худо омадингизни берсин... Сизга очиғини айтadиган бўлсам, маҳбусингизда қандайдир ғайритабиий қудрат мавжуд. Одамларим уни тўртинчи қафасга олиб кетишаётганда кўзларида заррача қўрқув ҳиссини сезишмади. Хонанинг эшиги очилганда одатда кўплаб маҳбусларнинг юраклари бардош беролмай, хушдан кетиб йиқилиб қолишар, айримлари дод-вой солиб еру осмонни ларзага келтиришар, баъзилари эса таслим бўлишарди. Аммо сизнинг маҳбусингиз ходимларимни

зўрлик ишлатишини кутмасдан, ўзи қафас ичига кириб борди. Мени ажаблантирган нарса шуки...

– Бу ҳақда кейин гапириб берасиз, Собир. Ҳозир бу йигитни унинг хонасига олиб кириг. Ярим соат суҳбатлашиб, биз учун муҳим бўлган маълумотни билиб беради.

– Шундайми? – Собир анча нарида турган соқчини чақирди. У шу заҳотиёқ бошлиғининг олдида ҳозир бўлди.

– Буни тўртинчи қафасдан олиб чиқилган маҳбуснинг олдига олиб кир!

Соқчи Фафурни бошлаб ичкарига кириб кетди.

– Агар вақтингиз бўлса, менинг хонамга кирсангиз, бир пиёла чой билан меҳмон қилардим...

Дэвид соатига қаради. Ярим соатни ташқарида тик турган ҳолда ўтказиб бўлмасди...

* * *

– Мени кўриб нимага қайтиб кирдийкин деб ўйлаётган бўлсанг ажаб эмас, – Фафур тошсупада ўтирган Қўлдошалига шундай сўзларни айтиб хонага кириб келди.

– Акаларинг ўргатган бирорта муҳим гап ёдингдан кўтарилган бўлса керак-да! Ахир сен қандай қилиб бўлмасин, ўзингга берилган топшириқни бажаришинг керак-ку, – деди бепарволик билан.

– Ажалга дуч келсанг, ақлинг кираркан. Лекин мен бу гал бошқа одам бўлиб олдингга қайтиб келдим.

– Бошқа одам бўлсанг нега афт-ангоринг ўзгармаган, кийимнингни ўзгартирибсан, холос. Аслида юзингга бошқа ниқоб тақиб олишинг керак эди.

– Кел, баҳслашиб ўтирмайлик. Вақт тиғиз. Бу ердан чиққанимдан кейин мени Эргашнинг олдига жўнатишганди. Йўлда ўлиб кетишимга бир баҳя қолди. Арчанинг кичкинагина томири ҳаётимни сақлаб қолди. Унда

осилиб турар эканман, кўп нарсаларни хаёлимдан ўтказдим. Сўзларингни эсладим. Хатоларимни англадим.

– Наҳотки англаб етган бўлсанг?

– Ҳа, кеч бўлса ҳам англадим.

– Нега унда яна бу ерга қайтиб кирдинг?

– Айбларимни сени бу ердан озод қилиш билан ювмоқчиман.

– Мени қутқарганинг билан юрагинг пок бўлармикин?

– Қилган хатоларимни ҳукумат кечирадим, йўқми – буни кейин гаплашамиз. Ҳозир қандай қилиб бўлмасин, сени бу ердан олиб чиқиб кетишни маслаҳатлашиб олсак.

– Мени қутқариш қўлингдан келармикин?

– Йўлини топдим. Бунинг учун фақат менинг гапимга қулоқ солишинг керак.

– Эшитаман!

– Сен Дэвидга бир миллионга рози бўлганингни айтасан...

– Дэвид ишонади деб ўйлайсанми? У сен ўйлаганчалик аҳмоқ эмас.

– Ишонмаганида мени бу ерга бошлаб келмасди.

– Мен нима қилишим керак?

– Башир билан учраштиришини талаб қиласан.

– Нега энди Башир билан учрашар эканман?

– Унга айтадиган муҳим гапларим бор дейсан.

– Ўша сўхтаси совуқ мени қабул қилармикин?

– Гапимни бўлмайдур. Биз йўлга чиқамиз. Табиийки, соқчилар ҳам бизни кузатиб боришади. Йўлда нима қилиш кераклигини менга қўйиб бер.

– Борди-ю сен ўйлаган режа амалга ошмасачи?

– Ошади, мен бунга ишонаман. Қолаверса, Дэвиднинг мақсади қандай қилиб бўлмасин, сендан маълумот олиб турган одамнинг кимлигини билиш.

– Кейин нима қиламан?

– Сени юртингга кузатиб қўяман.

– Ўйлаб топган режангни муваффақиятли чиқишига унчалик ишончим йўқ. Миллион долларга рози бўлганимга Дэвид ишонар, аммо Башир билан учрашишга йўл қўймаса керак.

– Улар сен ўйлаганчалик эмас. Ҳар иккиси ҳам офзингдан чиқадиган бир оғиз сўзингга маҳтал бўлиб туришибди.

Қўлдошали қандайдир томондан Фафурнинг ҳақлигига ишонгиси келди. Аммо бари бир Баширнинг олдига олиб боришларига у қадар ишонмади.

– Балки уни шу ерга чақир шар.

– Чақир шадиган бўлса, яна бир баҳона ўйлаб қўйганман, – деди Фафур. – Сен ўша маълумот бериб турган одамнинг исмини билмайман, аммо кўрсам танийман. У билан эртага учрашим керак эди. Ҳозироқ мени лашкарбошининг олдига олиб боринглар деб талаб қил.

– Билганингни қил, менга ўлим ҳукми ўқилганини унутма. Сен ўйлаган режа амалга ошмаса ёки хийла эканлигини билиб қолишса, сени ҳам менга қўшиб терингни шилишади.

Фафур айтган муддат тугаганиди. У эшикни тақиллатди. Соқчилардан бири келди.

– Бизни назоратчининг олдига олиб чиқинг!

Соқчи эшикни очди ва иккисини назоратчининг хонасига олиб киришди. Дэвид шу ерда эди. Қўлдошалини кўриб, «Кўндирибди» деб ўйлади.

– Бир миллионга рози бўлди, – деди Фафур Дэвидга яқин келиб. – Лекин у Башир билан учрашиши лозим экан.

– Башир билан?

– Шундай, унга айтадиган муҳим гапи бормиш.

– Баширни бу ерга чақиролмайман.

– Унинг талабини бажаришимиз керак.

– Унда мен Баширни хабардор қиламан, балки унинг ўзи келар.

– Йўқ, олдига борганимиз маъқул. Эртага махфий маълумотларни бериб турадиган одам билан кўришиши керак экан.

Дэвид ўйланиб қолди. Кейин Фафурга қаради.

– Яхши уни олиб борамиз, – деди ва нозирга юзланди. – Бизга иккита соқчи берсангиз.

– Улар тезда қайтиши керак.

– Хавотир олманг, у ерга борганимизда бизга Баширнинг одамлари ёрдам беради.

Улар бирин-кетин ташқарига чиқишди. Дэвид ҳар эҳтимолга қарши Қўлдошалининг қўлига кишан солишни буюрди. Соқчиларнинг ҳамроҳлигида пойтахтга йўл олишди.

Ташқарига росмана қоронғилик тушганди. Осмон булутли эди. Совуқ эпкин эсарди. Фафур ўйлаган режасини амалга ошириш учун пайт пойларди. Дэвиднинг олдиди соқчилардан бири ўтирарди. Орқа томонда яна бир соқчи келарди.

Биз илгариги бобларимизда айтиб ўтганимиздек, Фафур анча абжир ва қўл жангидан яхшигина хабардор эди. Бир ҳамла билан машинадагиларни тинчитиб қўйиш қўлидан келарди. Лекин пайт керак эди. Йўлда толибларнинг иккита пости бор. У ерда қуроолланган соқчилар ўтган машиналарни назорат қилишади. Ундан ўтиб олишгач у ёнига етти-саккиз чақирим масофа қолади. Шундан фойдаланиб қолиш лозим. Улар постдан ўтишди. Соқчилар Дэвиднинг машинасини таниб қолишгани учун йўлни очиб беришди. Постдан ўтишлари биланоқ Фафур ҳаракатга тушди. Олдин у кимга зарба беришни ўйлади. Соқчиларнинг иккиси ҳам қуроолланганди. Қўлларида автомат, белларида пичоқ ва тўппонча. Қўлдошали Фафурнинг қарашини тушунди ва соқчига яқинроқ сурилди. Шундай қилганида унинг автоматини олишига ҳалақит қилган бўларди. Фафур биринчи бўлиб олдиндаги соқчининг бошига мушт ту-

ширди. Дэвид шеригига нима бўлганини тушуниб етмай, энсасига келиб тушган зарбадан ёнбошлаб қолди. Орқадаги соқчи автоматни қўлига олишга улгурмади. Қўлдошали тирсаги билан соқчининг биқинига шундай ўхшатиб туширди-ки, қуролини ташлаб, оғриқ турган жойни чангаллаб додлаб юборди. Фафур машинани тўхтатди. Бу орада Дэвид бир оз ўзига келганди. Ёнидан қуролини олишга чоғланаётганда яна бир зарба миясининг қоқ ўртасига тушди ва узоқ муддат ўзига келмайдиган бўлди. Олдиндаги соқчи ҳушини йўқотганди. Фафур Қўлдошалининг қўлидаги кишанни ечди. Машинани вайронага айланган уйнинг олдида тўхтатди. Уччаларини кўтариб пастга туширишди. Қўлдошали соқчиларни ўзига келиб қолиши мумкинлигини ўйлаб қўл-оёқларини боғлаб ташлади.

– Олдимизда яна битта пост бор, – деди Фафур Дэвиднинг ерга тушиб кетган телефонини олар экан.

– Айланма йўл йўқми?

– Билмайман.

– Унда олға!

Фафур машинани ҳайдади. Икки чақиримча юришгандан кейин постга келишди. Ўнга яқин толиблар гулхан атрофида чой ичиб, айримлари наша тортиб ўтиришарди. Улардан бири йўлнинг ўртасига чикди ва қўли билан тўхташ ишорасини қилди. Бу ердан ҳужжатсиз ўтиб кетишнинг иложи йўқ эди. Қўлдошали автоматни қўлига олди. Фафурнинг қуроли ҳам отишга шай турарди. Соқчилардан бири автоматнинг учини уларга қаратиб турарди.

– Кимсизлар?

– Биз қамоқхонадан келяпмиз.

– Кимнинг одамисизлар?

– Башир оғанинг!

– Ҳужжатларинг?

Соқчи яқин келиб қолганди. Қўлдошали кўз қири билан унинг шерикларига қаради. Улар нима ҳақидадир баҳслашиб ўтиришарди. Қўлдошали автоматнинг тепкисини босди. Фафур ҳам қуролини ишга солди. Толибларнинг бирортаси ўрнидан туришга улгуролмади. Қўлдошали тезликни ошириб, қоронғида кўздан ғойиб бўлди. Лекин соқчилардан бири ўзини панага олишга улгурганди. У машина ортидан ўқ узди. Ўқлар ҳавода пушти ранг из қолдириб визиллаб ўтарди. Фафур машинанинг чайқалиб бораётганини сезиб қолди. Қўлдошалига қаради. Ўқлардан бири унинг елкасига текканди. Фафур тормозни босди. Ярадорни орқага олиб, ўзи рулга ўтирди. Шаҳарга кириб бўлмасди. Ҳар қадамда толибларни учратиш мумкин, қолаверса, уларни шаҳарда қиладиган ишлари ҳам йўқ. Фафур машина рулини Мозори Шарифга бурди. Қўлдошаланинг ахволи оғир эди. Оғриқдан инграрди.

Эрталабга яқин улар шаҳарга етиб келишди. Бу ёғига пиёда юриш керак эди. Одамлар уйғонишган. Кўчаларга қуролли одамлар чикқан. Истаган пайтда тўсишлари мумкин. Фафур машинани қир томон бурди. Қачондир бомба тушиб хандаққа айланиб қолган чуқурга туширди. Қўлдошалани кўтариб пастга олди.

– Ахволинг яхшими?

– Ўлмагудекман..

– Бир оз чидаб тур, ярангни боғлаб қўяман.

– Менга телефонни бер!

– Аввал ярангни боғлаб қўяй!

– Телефонни бер дедим!

– Тонг саҳарда кимни безовта қилмоқчисан?

– Айтганимни қил! – Қўлдошаланинг овози жиддий эди.

Фафур Дэвиддан тортиб олган телефони унга узатди.

– Энди ўн қадам нарига бориб тур, – ярадор автоматнинг учини шеригига тўғрилади. Фафур бир неча қадам ортга тисарилди. Қўлдошали керакли рақамларни тер-

ди. Бир оздан кейин гўшакни олган одамнинг «Эшитаман» деган сўзи Фафурнинг қулоғига ҳам етиб келди.

– Иккинчи манзилда... учинчи тирик...

– Уни кўрдингизми?

– Ҳа!

– Иккинчининг манзилини айтинг?

Қўлдошалининг жавоб қайтаришга холи қолмаганди. Қўлидаги телефон тушиб, тупроқ устида сирпаниб анча нарига бориб қолди. Ундан ҳамон нотаниш кимсанинг овози келарди.

– Алло, мени эшитяпсизми? Алло!

Фафур телефонни қўлига олди. Қўлдошали автоматга интилди. Бироқ унинг қувватсиз ва қалтироқ қўллари қуролга етиб бормади.

– Мен одамингизни қамоқхонадан олиб чиқдим. Уни юртга қайтармоқчи эдим. Бироқ йўлда бизни толиблар ўққа тутишди. У елкасидан яраланди. Ҳаёти қил устида турибди. Ёрдам беришнинг иложи йўқ.

– Сиз кимсиз, исмингизни айтинг?

– Мен Фафурман!

– Фафур?! Ҳозир қаердасиз?

– Мозори Шариф яқинидаман.

– Манзилни айтинг?

Фафур турган жойини яхши биларди. Айтди.

– Йигитларингиз яқинлашганда шу рақамга қўнғироқ қилишсин! Мен ҳамиша шу телефонда бўламан!

– Одамимизни чегарага олиб кела оласизми? Бунинг учун истаган талабингизни бажаришга сўз бераман!

– Бунинг иложи йўқ. У кўп қон йўқотди.

– Тўхтаб, бизнинг одамларимиз боргунча унинг олдида тура оласизми? Беш соат уни назорат қилиб туришга сўз беринг!

Фафур бир оз ўйланди. Қўлдошалини олиб кетиш учун келган одамлар, албатта уни таниб қолишлари мумкинлигини ўйлади.

– Яхши, мен унинг олдида тураман. Бироқ одамларингизнинг қораси кўриниши биланоқ ғойиб бўлман.

– Сиз қўрқманг, одамларим сизга тегишмайди. Балки ҳамкорлик қилармиз!

– Менинг оёғимдан бошимгача гуноҳ. Ҳамкорликка рози бўлиб, ўзимни сизнинг қўлингизга топшириб қўймоқчи эмасман. Бу ерда бажарадиган муҳим ишларим, тузатадиган хатоларим бисёр!

– Хатоларингизни бирга тузатамиз.

– Буни ўзим уддаламоқчиман. Аввал Эргаш билан ҳисоб-китоб қиламан, кейин Мирзааҳмадни тинчитаман.

– Улар бизга тириклайин керак.

Фафур бир оз ўйланиб турди-да:

– Мирзааҳмадни қўлингизга топширишга сўз берман, аммо Эргашни қайтариш қўлимдан келмайди.

– Нега?!

– Унга ўлим ҳукми ўқилган.

– Ким ўқиган ўша ҳукми?

– Керакли пайтда ўзим сиз билан боғланаман!

Фафур телефонни ўчириб қўйди. У бундан кейин бажарадиган ишлари ҳақида ўйлади...

ЮРТДА

ХАБАРНОМАДАН

Шошилини топшириқномага биноан қуйидагилар аниқланди:

Юсуф Аҳмад 1981 ва 1985 йилларда махсус топшириқ билан Пешовардаги Бадабер лагериди бўлган. Қўлга олинган Афғонистон ва Шўро аскарлари билан ишлаган. Лагерда жанговар тайёргарликдан ўтиш мақсадида келган хорижлик жангариларга қўпоровчилик ва диверсия ишларидан сабоқ берган. Асирлардан олинган маълумотларни ўз идорасига узлуксиз жўна-

тиб турган. Лагер портлатиб юборилгач Юсуф Аҳмад бошлиқларининг топшириғи билан Қандаҳордаги лагерда ишни давом эттиради. 1985 йилнинг 23 декабрида самолётдан ташланган бомба остида қолиб халок бўлади. Шу сабабли маълум қилинган шахснинг ҳаётига оид маълумот олиш имкони бўлмади.

Маҳмудов Покистондан жўнатилган маълумотномани Қодирнинг ҳужжатлари орасига тикиб қўяр экан, имкониятлардан яна бирига қизил қалам тортишга мажбур бўлди. Энди унинг қўлида иккита козер қолганди. Кучлар баробар. Қайси бири шубҳаларини асослайди, қайси бири шубҳаларига нуқта қўяди. Лекин орадан ҳеч қанча вақт ўтмай иккинчи умид ҳам сўнди.

Маҳмудовнинг умиди ёлғиз Фафурдан эди. Сўнгги бор Қодир билан учрашган, уни яқиндан билган шу. Тақдири ҳақида бирор нарса билиши аниқ. Агар у ҳам бирор фикр айтолмаса, шу пайтгача қилинган ишларнинг бари самарасиз яқун топади. Фафур афғонда тўрт йил юрди. Эргашнинг ёрдамчиси сифатида мамлакатнинг кўпгина шаҳарларидаги жангарилар тайёрлаш лагерларида бўлган. У ерда кимлар бор, қаердан келишган, нима ишлар қилишади – буларнинг бари унга аён. Мухими, бирга хизмат қилиб, у ерда қолиб кетган собиқ афғончиларни танимаслиги мумкин эмас.

Маҳмудов қўшни давлатлардаги ҳамкасблари билан боғланиб, Фафурни қўлга олишга ва Ўзбекистонга қайтариш тўғрисида топшириқномалар жўнатган бўлса-да, ҳозиргача жавоб бўлмади. Демак, Фафур у айтган мамлакатларга ўтмаган. Бошқа қаерга бориши мумкин. Ўлмаган бўлса шу пайтгача хабари чиқарди. Балки Қирғизистонда қолдимиз? Махдийнинг одамлари сафига қўшилиб кетмадимикин?

Маҳмудов айни пайтда Қодир ҳақида маълумотларни жамлашни давом эттирарди. Ходимлари «Олтинтопар» қишлоғида бўлиб, Қодирнинг шахсига оид

кўпгина маълумотлар келтиришди. Уларда фақат со-
биқ афғончининг яхши фазилатлари кўрсатилганди.
Ўртоқлари, ҳамқишлоқлари қахрамон йигит билан
фахрланишларини айтишарди. Ижобий маълумотлар
Маҳмудовнинг руҳига таъсир қила бошлади. Жангчи-
нинг жангда халок бўлганига ишончи ортиб борарди.
Агарда Фафур топилмаса, у билан алоқага чиқишнинг
иложи бўлмаса, Қодир учун очилган ишни ҳаракатдан
тўхтатишга мажбур.

Эшик тақиллади. Маҳмудов қоғозларни йиғишти-
риб, «Киринг» деди. Ёрдамчиси кирди.

– Қўлдошали алоқага чиқди, ўртоқ полковник!

– Тирик эканми?

– Яраланибди. Биз билан гаплашаётганда халок бўлди.

– Халок бўлди?

– Шундай. Чегарамиздан ўттиз чақиримча ичкарида.

– Қамоқдан қандай қочибди?

– Қидирувдаги Фафур қутқазган. Йўлда уларни то-
либонлар ўққа тутишган. Қўлдошали яраланган. Кўп
қон йўқотиш натижасида халок бўлган.

– Фафур тирик эканми?

– Шундай!

– У Афғонистонда бўлиши мумкин эмас, қандай қилиб...

– У биз билан боғланди!

– Мени ҳозироқ у билан боғланг!

– Бунинг иложи йўқ, ўртоқ полковник. Алоқа воси-
таси узилган, аммо керак пайтда ўзим сизлар билан
алоқага чиқаман, – деди.

– Унинг алоқага чиқишини бир соат ҳам кутолмай-
ман. Менга сув билан ҳаводек зарур! Қўнғироқ қилиши
билан мени боғланг!

– Тушунарли, ўртоқ полковник!

Маҳмудовнинг юрагидаги сўнган умид яна уйғонди.
Қўлидаги жилдни архивга эмас, пўлат сандиғига солди.

ЧЕГАРАДА

Ёрдамга келаётган жангариларнинг ўққа тутилиб, йўқ қилинганини эшитган Махдийнинг руҳи тушиб кетди. Алам устида чой ичиб турган пиёласини тошга уриб синдирди. Гарчи бақирмаган бўлса-да, пиёланинг овозини эшитган шериклари унга хавотирли қарашди. Махдийнинг кўзлари ғазабдан чакнаб турганини кўриб, қандайдир кўнгилсизлик бўлганини ва бу кўнгилсизликнинг оқибати яхшиликка олиб келмаслигини тушунишди. Биргина пиёланинг синиши кўпчиликнинг юрагида қўрқув хиссини уйғотганди. «Бизни пайқашибди» деб ўйлашди улар.

Махдийнинг боши қотди. Орқага қайтадиган йўл ёпилганди. Топшириқ бажарилмаса, Башир унга омонлик бермайди. Қундузга эмас, икки ой яшаган ғорга ҳам сизмайди. Олдинга юришнинг иложи йўқ. Олтмишта одами бутун бир армияга қарши чиқолмайди. Нима қилиш керак?

Махдий узок мулоҳазадан кейин Чимёнга кириб боришга қарор қилди. Ахир бу ерда уни қўллайдиган, кутиб оладиган, муҳими, унинг учун қўлига қурол олиб жанг қиладиган одамлар бор. Маълумотларда улар кутишаётгани айтилган.

Чегарачиларга жангарилар ўтадиган йўлак эмас, балки уларнинг қаерда туришгани ҳам маълум эди. Махдий бошлиғи билан алоқага чиққанда ҳарбий алоқа бўлими ходимлари уларнинг суҳбатини тутиб олишган ва Махдийнинг турган жойини аниқлашган эди. Ватан ҳимоячилари жанговар тайёргарликда туришарди. Махдий чегарани бузиб ўтиш йўлини ўрганди. Ҳозирги ўрни ичкарига кириб бориш учун қулай эди, бироқ тепаликнинг орти ясси текислик, пастга тушаётган одам олисдан кўзга ташланиб қолиши мумкин эди. Махдий бошқа жой излади. Ярим тунда одамларини эргашти-

риб йўлга чиқди. Жойнинг ўзгартирилиши ҳам жангарилардаги шубҳани кучайтирди. Улар икки кун йўл юриб, довлонлардан ошиб янги манзилга етиб келишди.

Махдий шубҳа билан яшашга одатланганди. Йўлга тушишдан аввал иккита жангарини аввалги жойида қолдирганди. Улар икки кундан кейин, белгиланган соатда пастга тушишлари ва аскарларни ўққа тутишлари лозим эди. Улар катта қийинчиликлар билан бўлса-да, Махдийнинг топшириғини бажаришди.

Тун қоронғи ва майдалаб ёмғир ёғиб турган бўлишига қарамай аскарлар чегара бузувчиларни пайқаб қолишди. Отишма бошланди. Жангарилардан бирига ўқ тегди, иккинчиси ортга қайтди. Бу пайтда Махдий чегарага етиб келганди. Биринчи вазифаси озик-овқат захирасини кўпайтириш, кейин эса уни қўллаш мақсадида бўлган қишлоқдаги танишлари билан алоқага чиқиш эди. Яйловларда мол-қўйлар ўтлаб юрарди. Жангарилар уларни бўғизлаб, этларини ўзлари билан тоғлар ичидаги қароргоҳларига олиб кетишди. Ўт-майсалар устига тўкилган қонлар аҳолида шубҳа уйғотди. Буни яхши ниятдаги одамлар қилмаганини билган одамлар чегарачиларни огоҳлантиришди.

Эртаси куни Махдийнинг одамлари ярим тунда зас-тавага ҳужум уюштиришди. Махди одамларига аскарларни ва зобитларни асирга олиш, штабдаги қурол-яроғларни қўлга киритиш вазифасини топширди. Лекин кутганидек бўлмади. Чегарачилар жангариларнинг ҳужумини қайтаришди. Махдий орқага чекинишга мажбур бўлди. Одамлари йўлда учраган биноларни, кўприкларни портлатиб кетишди. Шу тариқа тоғлар ичида кўздан ғойиб бўлишди. Жойлашган манзиллари икки давлатнинг оралиғидаги тоғлар эди. Душман изидан қувган аскарлар ичкарига киришолмади. Орадан икки кун ўтказиб, Махдий яна чегарага ҳужум уюштир-

ди. У қандай қилиб бўлмасин, танишлари билан алоқа ўрнатиши зарур эди. Улар Махдийни қўллаб-қувватлаши, озиқ-овқат билан таъминлаши, одамлари сафига қўшилиб жанг қилиши керак эди-да. Бироқ уни қишлоқда ҳеч ким қарши олмади. Ташкилотдан катта миқдорда маблағ олиб турган кимсаларнинг ваъдалари пуч эканлиги маълум бўлди. Бу Махдийнинг ишончини ва умидини ер билан битта қилиб ташлади.

Тошлар орасида беркиниб ётган Махдийнинг юраги худди сихга тортилган этдек қовуриларди. Қўлида чегара атрофидаги муҳим қурилишлар ва объектларнинг чизмалари бор эди. Уларни портлатиш тўғрисида топшириқ олганди. Энди у ана шу топшириқни бажаришга қарор қилди. Бунинг устига қўшни Қирғизистон ҳам аскарларини чегараларига келтирган, осмонда ҳарбий самолётлар, вертолётлар пайдо бўлиб қолганди.

Чорвоқ сув омборини портлатишга Махдийнинг ўзи раҳбарлик қилди. Ярим кечада олти нафар жангариларни эргаштириб омборга жўнаб кетди. Омборда икки миллиард куба метр сув захираси бор эди. Тўғонлар портлатилса, сув йўлида учраган ҳар қандай биноларни теккислаб кетиши ва шаҳар йигирма беш метр сув остида қолиши мумкин эди. Жангарилар тўғонни гранатометлардан ўққа тутишди. Бироқ туғон мустаҳкам бўлгани учун тирноқдек тош ҳам кўчмади. Кейин қўлбола миналар ўрнатишди, бу ҳам натижа бермади. Кейинги режаларини амалга оширолмадилар. Аскарлар етиб келишди. Махдий одамларини эргаштириб тоғ томон қочишга мажбур бўлди. Йўлда қишлоқ одамларидан икки-учтасини асирга олди. Кечки пайт ҳарбийлар жангарилар жойлашган ҳудудни ўраб олди. Қишлоқ аҳолиси ҳудуддан олиб чиқиб кетилди. Отишма бошланди. Қирғизистон ҳукумати жангариларни Кўктош довонидан ўтиб кетишлари мумкин деган тахминда бу ерга катта қуч ташлади.

Махдий ёрдамчиларини тўплаб, чегарачилар халқасини ёриб ўтиш мақсадида маслаҳатлашди. Тонгда застава биносини ишғол қилишга келишиб олинди.

Бир пайтлар жангариларнинг оч қолдирганликда айбланган ошпаз йиғилиш тугашини кутарди. Махдий холи қолгач унинг ҳузурига кирди.

– Мен сени чақирмагандим, нега кирдинг?

– Ҳисоб-китоб қилиш учун чақиришингни кераги йўқ!

– Қанақа ҳисоб-китоб!

– Хотиранг ўтмаслашиб қолибди-да! Мени ноҳақ ўғирликда айблаб, кўпчилик олдида дўппослаганингни унутдингми, ит?

Ит деган сўз Махдийнинг нафсониятига ўқдек ботди ва ошпазни ёмон ниятда кирганини тушуниб қўлини пастга туширди. Унинг пажналари тўшпончага югурганини сезган ошпаз қуролининг тепкисини босди. Ўқ Махдийнинг кўкрагига қадалди. Бир неча қадам нарида турган жангарилар тарсиллаган овозни эшитиб ўринларидан туришди. Етиб келишганда Махдий тошлар устида чўзлиб ётар, ошпаз эса аллақачон ғойиб бўлганди...

Махдийнинг ўз одами томонидан отиб ўлдирилиши тўдани баттар ташвишга солди. Унинг ўрнига тайинланган Абдурашид одамларни эргаштириб, Кўктош довони томон қочишга мажбур бўлди. Жангарилар аскарлар хужумидан қочгани билан осмонларда пайдо бўлган вертолётлардан омон қолмасликларини билмасдилар.

Еттинчи китоб тугади

МУНДАРИЖА

Шошилинч хабарнома	3
Кобул.....	3
Олтинтопар қишлоғи.....	14
Саманган	19
Юриш	29
Кобул	33
Дубай.....	60
Юртда.....	73
Кобул	79
Юртда.....	89
Шоҳимардон	100
Чегарада.....	110
Чеченистон	123
Кобул.....	126
Юртда.....	142
Кобул.....	145
Чеченистон	154
Кобул.....	163
Саманган	170
Москва	184
Кобул	192
Юртда.....	216
Чегарада.....	219

Адабий бадиий нашр

ИСОҚЖОН НИШОНОВ

**АФҒОН ШАМОЛИ
ҚОРА АФҒОН**

*Роман
Еттинчи китоб*

Тўлдирилган қайта нашри

Мухаррир
Жаҳонгир ЖҰРАЕВ

Мусаххих
Мадина МАҲМУДОВА

Бадиий мухаррир
Уйғун СОЛИҲОВ

Саҳифаловчи
Суннат МУСАМЕДОВ

Техник мухаррир
Умидбек ЯХШИМОВ

Лицензия рақами: АІ № 252, 2014 йил 02.10 да берилган.

Босишга 2016 йил 29.08да рухсат этилди.

Бичими 84x108^{1/32}.

Босма табағи 7,0. Шартли босма табағи 11,76.

Гарнитура «Peterburg». Офсет қоғоз.

Адади 5000 нусха. Буюртма № 175.

Баҳоси келишилган нарҳда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди.
100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

Мурожаат учун телефонлар:

Нашр бўлими – 147-00-14; 129-09-72;

Маркетинг бўлими – 128-78-43; 397-10-87;

факс – 273-00-14;

e-mail: yangiasravlodi@mail.ru

ДУБАЙ

Хизматкор кирганда Амирий гилам устида чўзилиб ётарди. Унинг буғдойранг юзидан қон қочган, пастки ияги осилган, сарғайган тишлари кўкарган пастки лабига қадалган, хиёл очилган нурсиз, сарғимтир кўзлари бир нуқтага қадалганди. Хизматкор уни кўргандаёқ юраги ортга тортиб кетди.

– Бейим, сизга нима бўлди? – у чўккалаб Амирийнинг кўкрагига қулоғини тутди. Чолнинг юраги сезилар-сезилмас тегиб турарди. Хизматкор ўрнидан турди ва телефон олдига бориб «тез ёрдам»га қўнғироқ қилди. Ярим соатлар ўтиб, шифокорлар етиб келишди. Улар ўлим уммониغا фарқ бўлаётган Амирийнинг томирига суюқлик улашди. Хаста юракнинг уриши бир оз барқарорлашди. Амирий кўзини очди. Шифокорлар бемор олдида ҳамширани қолдириб, ўзлари жўнаб кетишди. Кечга яқин анчагина ўзига келиб қолган Амирий унинг кетишига изн берди. Тепасида хизматкор қолди.

– Ўлмас, менга телефонни бер! – деди у хизматкорга.

– Бейим, сизга гаплашиш мумкин эмас, – жавоб қилди Ўлмас овози қалтираб.

– Телефонни бер дедим сенга... – овозини қўтариб талаб қилди Амирий.

Хизматкор телефонни хўжайиннинг қўлига тутқазди. Амирий титраб турган бармоқлари билан рақамларни терди.

– Баққол жаноблари, бу сизми?

– Ҳазратим, нечук овозингиз заиф?

– Ҳолим танг, азизим...

– Худо қувват берсин, хазратим...
– Тезда уйимга етиб келсангиз. Муҳим масалада сиз билан гаплашмоқчиман.

– Хизматингиздаман, бейим...

– Кутаман.

Хизматкор Амирийнинг қўлидан телефонни олиб жойига қўйди.

– Сув бер... – деди Амирий инграб.

Хизматкор хўжайинининг топширигини адо этди. Амирий сувдан бир хўплам ичди-да, сўнгра буюрди:

– Эшик олдида ҳушёр бўлиб тур, мени сўроқлаб Туркиялик мартабали меҳмон келади. Уни ҳузуримга бошлаб кир!

– Бош устига, бейим...

Хизматкор меҳмоннинг қачон келишини сўрамай чиқиб кетди. Эшик олдидаги кулбасига кириб кўзини йўлга тикиб ўтирди. Қоронғи тушди, тонг отди, бироқ Амирий айтган меҳмондан дарак бўлмади. Кечга яқин эшик қўнғироғи жиринглади. Хизматкор эшикни очди. Олтмиш беш ёшлардаги чўкки соқолли, қотмадан келган, узун бўйли кимса остонада турарди. Хизматкорга унинг афт-ангори нотаниш эди.

– Амирий жаноблари уйдадилар? – сўради меҳмон ўта мулойим ва ёқимли овозда.

– Бейим, қўнғироқ қилган одам сизми?

– Шундай, у киши мен билан учрашмоқчи эканликларини айтгандилар.

– Бейим сизни кутмоқдалар.

Хизматкор меҳмонни иккинчи қаватдаги хонага бошлади.

Амирий диванда оғир-оғир нафас олиб ётарди. Нурсиз кўзларини эшикдан кириб келган меҳмонга тикди ва уни таниб юзига енгил табассум ёйилди.

– Баққол жаноблари, таклифимни қабул қилиб келганингиз учун миннатдорман... Сизни уринтириб қўй-

ганимдан хижолатдаман. Узоқ йўл босиб келганингиз учун қадамларингизга рози бўласиз деган умиддаман...

– Сиздек инсоннинг таклифи мен учун ҳамиша бебаҳодир!

– Сизга қандай миннатдорчилик билдиришни билмайман, азизим.

– Ҳожати йўқ, ҳазратим.

– Очиғи келмайсизми деб иккилангандим.

– Хаста эканлигингизни аввалроқ эшитмаган эканман, ҳазратим. Беэтиборлигим учун каминани кечиринг.

– Ҳечкиси йўқ, азизим, – Амирий ёстиқдан бошини кўтариб меҳмонга юзланди, – аслида мен сизнинг олдингизда гуноҳкорман.

– Бандалар бир-бирларидан узр сўрашларининг ўзи кифоя, аммо Ҳақнинг олдида гуноҳ ишларга қўл урмайлик.

– Баққол жаноблари, хабарингиз бўлса керак, кенгашнинг бир неча нуфузли аъзолари сирли равишда ҳалок бўлишди. Туркон хоним ҳам, Чегечи жаноблари ҳам, Абдуллоҳ ҳам бизларни бу омонат дунёга қолдиришиб, дорилбақога рихлат қилишди. Назаримда мен ҳам ўз манзилимга етиб келгандекман.

– Рухингизни туширманг ҳазратим, ҳали ҳаммаси олдинда. Сизни ўзим энг яхши шифокорларга қаратаман. Худо хоҳласа, ҳеч нарса кўрмагандек соғайиб кетасиз.

Амирий меҳмоннинг сўзларига у қадар эътибор бермади.

– Каминанинг ягона мақсади парчаланиб кетган она Туркистонимизни ягона байроқ остида жипслаштириш эди. Шу мақсадда ўттиз беш йил курашдим. Атрофимга содиқ дўстларимни жамладим. Изимдан минглаб тарафкашлар эргашди. Уларнинг сони йил сайин ортиб бораётгани ўзингизга аён. Қўрқаманки, ўша бахтли кунларни кўриш каминага насиб этмайдиган кўринади.

– Яхши ният қилинг, ҳазратим. Сиз билан биз албатта кўзлаган мақсадимизга эришамиз. Ўша бахтли кунларни бирга нишонлаймиз. Шундай бўлгач, бундай шайтоний фикрларни хаёлингиздан қувинг!

– Баққол жаноблари, мен Аллоҳнинг хузурига пок ният ва ушалган орзуларим билан боришни ният қилгандим. Минг афсуслар бўлсинки, ниятимга етолмайдиганга ўхшайман. Шу боис сизни бу ерга таклиф қилдим.

– Мени ўзингизнинг орзуларингизга элтувчи йўлдаги чарчаб ҳоримас курашчи деб билинг, ҳазратим. Сиз бургут бўлсангиз, мен қанотингизман!

– Олдингизда гуноҳкорман, Баққол жаноблари, – меҳмоннинг мулоим овози Амирийнинг кўнглини баттар юмшатиб юборди. Унинг кўзларидан сизиб чиқаётган ёш қонсиз яноқларини ювиб, оқ чойшаб устига томарди. – Афв этишингизни сўрайман.

Баққол беозор сўзлари билан Амирийнинг тош қалбини юмшатиб юбораётганини сезар ва унга янада таъсир этадиган сўзлар топиб айтишга уринар, ўзини гина-кудурат сақламайдиган очик кўнгилли одам қиёфасида кўрсатишга уринарди.

– Бунга хожат йўқ, ҳазратим, – деди меҳмон Амирийнинг музлаб бораётган қўлларини кафтлари орасида ишқалаб. Бу илтифотлар Амирийнинг бир пайтлар унга нисбатан юрагида пайдо бўлган адоватларни, хусуматларни тан олишга хизмат қилди.

– Очиғи, бизга ўзларини дўст қилиб кўрсатган айрим кимсаларнинг сўзларига ишониб, сизни кенгашга аъзо қилиш фикрига қарши чиққандим. Энди ўйлаб боқсам, улар сиз билан бизларни бир-биримиздан жудо қилиш ҳамда бир-биримизга душман қилиб кўрсатиш мақсадида мендан фойдаланмоқчи бўлишган экан. Агар биз иттифок бўлганимизда, ҳамкорликда иш тутганимизда кўзланган мақсадимизга аллақачон эришган бўлардик.

– Бунга шубхам йўк, ҳазратим!

– Шундай фикрга келишингизга ишонардим, Баққол жаноблари!

– Ўйлашимча бу ишда сиз айбдор эмассиз. Сизнинг ўрнингизда мен бўлганимда ҳам шерикларимнинг сўзларига қулоқ тутишга мажбур бўлардим.

– Бу мен учун кечириб бўлмас гуноҳ, азизим.

– Ҳали ҳам кеч эмас. Биз албатта бирлашамиз! Мақсадларимиз йўлида астойидил курашамиз!

– Афсуски, фанимларимиз бизни дўстларимиздан айиришди, қўлларимизни кесиб ташлашди.

– Лекин ғояларимиз ўлмайди, улар абадийдир! Курашмоқ фурсати келди. Имкониятларимиз ҳали ҳам етарли. Ортимизда бели букилмайдиган, иродаси пўлатдан мустаҳкам ҳамкорларимиз турибди.

Амирийнинг қисқа-қисқа нафас олиши унинг қаттиқ хаяжонга тушганини билдирарди.

– Шу мақсадда сизни бу ерга чақиртирдим, Баққол жаноблари, – деди у худди ўзининг васиятларини баён қилаётгандек энтикиб. Баққол қариянинг бутун сир-синоатларини билиш мақсадида унга қисқа жавоблар қайтарар, кўпроқ унинг сўзларини эшитишни истар ва албатта, бераётган жавоблари билан руҳини кўтарарди.

– Хизматингиздан, бейим.

– Менинг сандигимда кенгашнинг ҳужжатлари сақланмоқда. Уларни сизга топшираман. Уйингизга борганингизда танишиб чиқасиз. Тўғри, энди у бир оз эскирди, бизга хоинлик қилган одамларнинг қўлига тушди. Аммо янги лойиҳалар ишлаб чиқишингиз учун оз бўлсада, асқотиб қолишига ишонаман.

– Йўл кўрсатинг, бейим...

– Ишончли одамларимиздан Башир билан Бўрон қолди. Мулла Умар ҳазратлари биз томонда. Усама

бин Ладен жаноблари бизнинг мақсадимиз йўлида маблағни аямайдилар. Эргашнинг қўлида юзлаб одамлари бор. Лекин у нафси шаталоқ отган, баднафс ва очкўз махлуққа айланиб қолди. Уни тезда ўртадан олиб ташланг, ўрнига Бўронни қўйинг. Умид қиламанки, тиришқоқ ва жонсарак бу йигит сизнинг ишончингизни оқлайди. Лагердаги одамларнинг таъминотини яхшилаш учун маблағни бошларидан сочинг. Менинг жамғармамда 100 миллион доллар бор. Шунинг кенгашининг ривожланиши учун сизга қолдираман. Сезиб турибман, «Нега маблағ оз» деган фикр хаёлингиздан ўтди. Ҳозир тушунтираман, азизим. Кенгашнинг ҳисоб рақамида бир ярим миллиард доллар бор эди. Мен бу пулларнинг бирор тийинига хиёнат қилмадим. Олти ой муқаддам «Скад» баллистик ракеталари сотиб олдим. Улар минг чақирим масофани яшин тезлигида босиб ўтади. Бирорта радар ёки локатор уни илғаб ололмайди. Тушган жойида портлаб, ўзидан зарарли моддаларни таратади. Салгина эпкин эсиб турса бас, унинг хиди бир сонияда икки-уч чақирим масофага тарқайди. Тарқалган ҳудуддаги нафас оладиган жон борки, барчасини заҳарлайди, фалаж қилади.

– Бу қуроллар ҳозир қаерда, хазратим? – Баққолнинг қизиқиши унинг овозидан сезилди.

– Мен сизга уларни яширган жойимнинг чизмасини топираман. Ўйлайманки, уларни топасиз. Бизни тан олишни истамаганларга мана шу қуроллар билан нима-ларга қодир эканлигимизни кўрсатиб қўясиз деб ишонаман.

– Яширилган жойнинг номини айтинг.

– Бу юртда сизга айтган қуролларни сақлаб бўлмайди. Одамларим уларни Афғонистонга олиб ўтиб, ишончли жойга яшириб қўйган. Сиздан бошқа ҳеч ким тополмайди. Башир билан учрашганингизда бу ҳақда

оғиз очманг, айтган тақдирингизда эса яширилган жойни фош қилманг. Бўронгина билсин. У тилини ҳамиша тишлари ортида қаттиқ ушлаб туришга қодир йигит эканига аминман.

– Бўронга ҳаддан ортиқ ишониб юбормаяпсизми, ҳазратим?

– Агар сиз у билан бир маротаба гаплашганингизда эди, бу саволни бермаган бўлардингиз... Ундан фақат ақлли фикрлар чиқади...

– Насихатларингизни ҳисобга оламан, ҳазратим...

– Бориб анави пўлат сандиқни очинг, унинг ичида яна бир сандиқча бор, уни ҳам очинг, кейин мен айтган рақамларни терасиз!

Баққол айтилган жойдан кичкинагина чарм жилдни олди-да, Амирийнинг қўлига топширди.

– Энди бу сизники, кўз қорачиғидек сақлашингизга ишонаман.

– Ишончингиз учун қуллуқ, ҳазратим...

– Жилд ичида қурол яширилган жойнинг харитаси бор. Унга ўта эҳтиёт бўлинг, бегоналарнинг қўлига тушиб қолса, сиримиз ошкор бўлади...

– Харитани кўз қорачиғимдек асрайман деб онт ичман, ҳазратим!

Амирийнинг юзи буришди. Титраётган юрагида санчиқ турганди.

– Столдаги дорини олиб беринг.

Баққол дорини олиб келди. Хаста ундан бир неча томчини кўкариб қолган лаблари устига томизиб ютди. Бир оз ўтиб ҳолати ўнгланди.

– Қутлуғ мақсадларимиз йўлида бизга ёрдам берадиган бошқа давлатларда ҳам анчагина ҳомийларимиз топилади. Улар сиз олиб борадиган хайрли иш учун миллионлаб маблағларни тикишга тайёрдирлар. Фақат уларнинг тилини топсангиз бас. Кенгашга ишончли ва

содик, сармояси бисёр одамларнигина жамланг. Бундай одамлар сизни қандай қўллашни яхши билишади... Баққол жаноблари, энди мenden умид қилманг. Бу тўшакда ўзимнинг сўнги нафасларимни олиб ётибман. Тузалиб қолган тақдиримда ҳам сизга ёрдам беролмайман. Эртагаёқ Афғонистонга учинг, Башир билан учрашинг, кенгашнинг фаолиятини қайтадан тиклаш ҳақида унга маълум қилинг. Кейин Бўронни топинг! У сизга қанот бўлади.

– Сўз бераман, ҳазратим, албатта сиз айтган топшириқларни бажараман!

– Хотиржам ўлишим ва охиратда руҳим безовта бўлмаслиги учун сизга ишонч ҳосил қилишим керак, азизим!

Баққол Амирийнинг совуқ пешонасига кафтини босиб қасам ичди.

– Топшириқларингизни албатта бажараман, ҳазратим!

ЧЕЧЕНИСТОН

Мен ўлиб ётган икки одамнинг жасадини қон иси уфуриб турган хонада қолдириб ташқарига чиқдим. Бу жойда қолишим хатарли эди. Қотилларнинг қўлига тушиб қолгудек бўлсам, ҳеч ким мени ажал сиртмоғидан сақлаб қололмасди. Ўзимни оқлайдиган, бу ерга Мулла Умарнинг топшириғи билан келганимни исботлайдиган далилим йўқлигини билардим. Бироқ қаёққа бораман? Ким паноҳига олади мени? Орқага қайтадиган йўл тўсилган. Руслар форнинг икки томонини порлатиб ташлаган. Тоғлардан ошиб ўтадиган бўлсам, албатта чегарачилар тутиб олишади, умримнинг давоми қамоқхоналарда ўтади. Қочсам изимдан ўқлар қувади.

Қўнглимдан кечаётган ҳар турли ўйлар юрагимдаги қўрқувни баттар кучайтирарди. Ўйлаб-ўйлаб, тезроқ

уйдан чикиб кетишга қарор қилдим. Ягона йўл шу эди. Эшик тутқичидан тутдим. Кўзим қонга беланган панжаларимга тушди. Бу Расулнинг қони эди. Танасини бағримга босганимда юққанди. Ошхонага ўтиб ювиндим. Кейин ташқарига чиқдим.

Бу пайтда қоронғилик чўкқанди. Совуқ эпкин изғирди. Осмон булутли эди. Қор ёки ёмғир ёғишидан дарак берарди. Миямда ҳамон «Қаёққа бориш керак?» деган савол айланарди. Уйдан узоқлашганимда Латиф берган ханжар ёдимга тушди. «Ёлғизнинг ёри Худо» деганларидек, бошимга тушиши мумкин бўлган мусибатлардан мана шу пичоқ қутқариб қолиши мумкин» деган ўй кўнглимдаги зулмат пардасини кўтариб ташлади. Беихтиёр қўлим кўйнимдаги ханжарга югурди.

Йўл четидан келаётган тўрт одамнинг шарпасини кўриб қолдим. Улар қуроолланганди. Мен томон келишарди. Гапга шу қадар берилиб кетишганди-ки, йўлга қарашмасди ҳам. Аллақачонлар қуриб, баданини ўқлар илма тешик қилиб ташлаган дарахт панасига ўзимни урдим. Бахтимга унинг йўғонлиги икки одамга жой бўладиган даражада улкан эди. Калтакесакдек ёпишиб олдим, қуроолли одамлар мени кўришмади. Мен тушунмайдиган тилда гурунглашиб ёнимдан ўтиб кетишди. Дарахтни кўйиб юбормасимдан машина овозини эшитдим. Унинг чироғи тиф мисоли қоронғиликни ёритиб, юз қадамча наридаги чорраҳадан тепага қайрилиб кетди. Устида ўнлаб қуроолли одамлар бор эди. Улар ароқ ичишган ёки наша чекишган бўлса керак, қийқириб бақиришарди. Уйдан чиққанимдан афсусландим. Бегона жойда кечаси юриш хатарли эканлиги хаёлимга келмаганди. Орқага қайтадиган бўлсам уйда ҳам қандайдир хавф-хатар кутиб тургандек туюлди менга. Кутузовнинг олдига тушиб, тонг ёришгунча унинг ёнида қолишга қарор қилдим. Бошқа чорам йўқ эди.

Дарахт панасидан чиқиб, бино томон чопдим. Қарши томондан келаётган олти нафар қуролли одамлар боя ёнимдан ўтиб кетган кимсалар билан нима ҳақидадир гурунглашишарди. Улар айнан Рамазон бобонинг уйи олдида учрашишганди. Мен ер остига тушишдан аввал туйнукдан уларни кузатдим. Гап таллашиб қолишди. «Ишқилиб чолнинг уйига киришмасин-да, кирадиган бўлишса, икки одамнинг жасадини кўришади» деган ўй юрагимни бурғилаб ўтди. Қуролли кимсалар мен кутганимдек бирин-кетин ичкарига киришди. Латиф хаёлимга келди. У мени бу ерга нима олиб келишимни яхши билган. Шерикларига Рамазон бобонинг уйига жойлашганимни айтган бўлиши мумкин. Балки анавилар мени излаб юришгандир?

Чамаси ўн беш дақиқалар ўтиб улар ичкаридан қайтиб чиқишди. Елкаларидаги автоматларни қўлларига олишганди. Безовта эдилар. Худди атрофда душман бордек белларини букиб, атрофга олазарак нигоҳ ташлашарди. Тахликага тушишганини ҳаракатларидан пайқадим. Улар катта-катта қадам ташлаб, келган томонларига жўнашди. Мени излашаётганига шубҳам йўқ эди.

Қалтираётган оёқларимни зиналарга қўйиб пастга тушдим. Рус мени кўриб ҳайрон бўлмади. Лекин сўради:

– Нега келдинг?

– Уй эгасини ва ўн ёшли болани отиб кетишибди, – дедим.

– Ким?

– Сенинг олдингдан чиқаётганимда кўзим икки-учта ажнабийларга тушганди. Улар Рамазон бобонинг уйдан чиқиб кетишаётганди. Ичкарига кирганимда иккиси ҳам қонига беланиб ётганини кўрдим. Бу уларнинг иши эканлигига аминман!

- Сен унинг уйида анчадан бери яшармидинг?
- Кеча келгандим...
- Қаердан?
- Афғонистондан.
- Афғонмисан?
- Афғонистондаги ўзбекларданман.

Кутузов ялтираб турган кўзларини менга тикиб, ўйланиб қолди. Назаримда ёлғон гапирганимни пайқаганиди.

- Ким жўнатди? – сўроққа тутишда давом этди рус.
- Мулла Умарнинг одамлари...
- Сенга қандай топшириқ беришган?
- Буни сенга нима қизиғи бор, – дедим сиримни яшириш мақсадида.

– Билишим керак. Агар сен менга Чеченистонга қандай мақсадда келганингни рўй-рост айтсанг, ёрдамим тегиб қолиши мумкин. Лекин билиб қўй, аниқ бир қарорга келмай ташқарига чиқа кўрма, сени тутган жойларида Рамазон бобо билан Расулнинг қотили деб отиб ташлашади.

Кутузовнинг сўзлари мени ўйлантириб қўйди. Унинг кимлиги менга аён эди. Қолаверса, ҳаётини сақлаб қолдим. Шундай бўлгач, рус менга ёмонликни раво кўрмаслигига ишонардим.

– Зелимхон билан учрашмоқчи эдим, – дедим бир оздан кейин.

– Қандай мақсадда?

Ўзим сезмаган ҳолда, қаршимда гўё яқин кишим тургандек, сиримни очиб қўйганимни бирдан тушуниб етдим. Бироқ унинг саволига тўғри жавоб қайтармасликнинг иложи йўқ эди. Ўйлаб кўрадиган бўлсам, кейинги ҳаётим кўп жиҳатдан русга боғлиқ эди. Бу ерда менга фақат Кутузовгина ёрдам бериши мумкин. Уни сотмаганимни ва бундан кейин ҳам сотмаслигим-

ни яхши биларди. Балки ҳақ гапим бу ердан соғ-омон юртимга қайтишим учун имконият эшикларини очиб берар.

– Зелимхон яқинда қурол-яроғ сўраб Мулла Умарнинг олдига борганди. У катта миқдорда қурол ва пул жўнатишга ваъда берган, мен эса пулларни, қуролларни қандай мақсад йўлида сарфланаётганини назорат қилишим керак эди.

– Қурол-аслаҳалар қачон келади? – сўзларим руснинг диққатини тортганини овозидан сездим.

– Ҳеч қачон келмайди.

– Нега?

– Қурол олиб ўтаётган одамлар ғор ичида абадий қолиб кетишди. Вертолётлар улар ичкарига кирганда ғорнинг кириш ва чиқиш йўлларини портлатиб ташлади.

– Пул-чи?

– Мухрни олиб ўтгандим. Рамазон бобо уни қўлимдан олиб, уйининг ичига яшириб қўйганди.

– Уни топиш керак. Бусиз Зелимхон сени қабул қилмайди.

– Энди у хонага қайтиб киролмайман, қолаверса, боя унинг уйига кириб кетган жангарилар албатта чолнинг ўлигини кўришган. Бориб бошлиқларига айтишган.

– Демак, улар сенинг шу ердалигингдан хабардорлар.

– Менимча, буни Латиф айтган бўлиши мумкин.

– Латиф деганинг ким?

– Мени чегарада кутиб олган одамнинг исми шундай эди. Йўлда ўрага тушиб, оёғи қайрилиб, юришга ярамай танишларидан бирининг уйида қолиб кетганди.

– У сенга бирор гап айтдимми?

– Қўлимдаги буюмни Рамазон бобога топширишимни тайинлаганди. Мен унинг топшириғини бажардим.

– Бошқа бирор кишининг исмини айтмадимми?

– Йўк, аммо ўзининг ханжарини берди. Айтишича, бу ханжар мени ҳар қандай балолардан асрармиш!

– Қани у?

Мен ханжарни олиб русга узатдим. Кутузов уни дарчадан тушиб турган ой нурига тутиб кўздан кечирди.

– Бундай ханжар ҳар кимда ҳам бўлавермайди. Қолаверса, чеченлар ўз ханжарларини фақат туғишганларига ёки яқинларига совға қилишади. Назаримда Латиф жангарилар ичида энг обрўли, каттагина лавозимга эга одам. У сени кутиб олиш учун чиқибдими, демак, бундан айрим кимсалар хабардор бўлиши керак...

– Буни қаердан биласан?

– Бу жанговор ханжар, сопидаги нақшлари бундан далолат бериб турибди.

– У «Бошингга бирор кулфат тушса, бизнинг одамларимизга ханжарни кўрсат» деб тайинлаганди.

Кутузов ханжарнинг сопини айлантирди. Соп худди резбали гайка мисоли айланиб ташқарига чиқди.

– Бу сенга қўшиб менинг ҳам ҳаётимни сақлаб қолиши мумкин, – деди у, – Кавказ жанговор ханжарлари ҳақида бирор нарса биласанми?

– Расул Хамзатовнинг «Ханжар сопидаги ёзувлар» китобини ўқиганман.

– Кавказ ханжарлари тўғрисида жуда кўплаб афсоналар, ривоятлар мавжуд. Истасанг шулар ҳақида сенга ҳикоя қилиб бераман.

– Яхши бўларди, эшитаман, – дедим.

– Ҳар қандай Кавказ ханжари устанинг қалб қўри, меҳри билан ясалади. Худди Алоуддиннинг сеҳрли чироғи каби сирли хусусиятларга эга. Маҳаллий халқ «Ханжар билан сеҳрли жинни чақириш мумкин» деб ишонишади. Жанг вақтида бу қурол жангчининг энг яқин йўлдоши, сирдоши, ҳалокатлардан қутқарувчи халоскори ҳисобланади. Шунинг учун ҳам уни тақиб

юриш ҳар бир кавказлик учун ота-боболаридан қолган удум. Жанговор ханжар ҳамиша ўз эгасига содиқ. Уни қўлига олиш биланок, руҳида кучли ўзгаришларни ҳис этади. Қўрқувни унутади. Жанговор ханжарлар ҳеч қачон, ҳеч кимга совға қилинмайди, сотиш ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Акс холда унинг эгасига ёки тортиб олган одамга руҳлар жиддий таъсир кўрсатиши мумкин. Бу ҳам маҳаллий халқнинг азалий удумларидан бири. Ханжарни жангга тақиб кирган жангчи ўзини ҳеч қачон ёлғизман деб ҳис этмайди. Ғалабага бўлган ишончи ортади. Агар ханжар эгаси яраланиб қолса, у албатта ханжар билан ярани тозалайди.

Жанг вақтида ўғирланган ханжар ҳеч вақт бахт ва омад келтирмайди. У ўғрининг уйига қўнгилсизликларни олиб келади. Жанговор ханжарларнинг бошқа ханжарлардан фарқи шундаки, у ўзининг узок ўтмиш тарихига эга. Ханжарнинг асосий қуввати ундаги руҳдир. Шунинг учун кавказликлар агар жангда ҳалок бўлишса, ханжарни эгаси билан бирга қабрга қўйишади. Ҳарбий ханжарлар ўзининг ўткир тиғи билан бошқа ханжарлардан ажралиб туради. Усталар уни ўта катта маҳорат билан ишлашади. Сопларига жило беришади. Қимматбаҳо тошларни ёпиштиришади. Ҳарбий ханжарлар шу пайтгача озодлик ва тинчлик рамзи ҳисобланиб келинган. Уларни фақат эркин, истаган пайтда жангга кириши мумкин бўлган жангчигина тақишга ҳақли. Жанговор ханжар тақиб юрган одам ҳеч қачон жангга киришдан бўйин товламаслиги шарт. Агар у ўзини жангдан олиб қочса, у лаънатларга лойиқдир. Жангчи ханжарини йўқотишга ҳақи йўқ, шунинг учун ҳам доимо сергак ва ҳушёр бўлган холда уни ёнида олиб юради. У ўз ханжарини дунёдаги энг яхши ханжар деб ҳис этмоғи, соғлом ақл ила уни ишлатмоғи даркор. Безаклар бериб ишланган яхши ханжар ҳамиша ўз

эгасига шухрат келтиради ва атрофдагиларнинг хурмат билан қарашларини тақозо этади. Кавказ ханжарлари ҳақида кўплаб афсона ва ривоятлар яратилган, китоблар ёзилган. Шундан бештасини айтиб беришим мумкин. Буларни эслаб қолсанг ёмон бўлмайди. Кейин бу ханжарни яшириб юрма, белинга тақиб ол. Шунда кўпчилик сенинг кимлигингни билади.

Кутузов бир оз ўйланиб турди-да, ханжар ҳақидаги бешта мақомни тилга олди.

– Биринчи мақом шайлик мақомидир. Белда ханжарнинг бўлмоғи шу қурол соҳибининг аждодларнинг жанговор анъанасига содиқлигини билдиради. Иккинчи мақом – чап қўлда ханжарни ушлаб туриши қурол соҳибининг вазиятни назорат қилаётганлигини ва воқеаларни диққат билан кузатаётганлигини, теварак-атрофдаги воқеаларга бефарқ эмаслигини билдиради. Учинчи мақомда чап қўл ханжарнинг қинида, ўнг қўл эса сопида бўлади. Бу эса унинг жангга шайлигини ёки алоҳида тантанаворлигини намоён этади. Қасамёд қилиш чоғида ҳам шундай ҳолатда турилади. Тўртинчи мақомда ханжарнинг бир қисми қинидан суғурилган бўлади. Бу ханжар эгасининг қурол билан таҳдид қилаётганига ишорадир. Бундай ҳолат билан ханжар эгаси рақибини ҳақоратлаши ёки овлоқроқ жойга – жангга таклиф қилиши мумкин. Бешинчи мақом ханжарни тўла қинидан чиқариб олиш. Бу ҳамлага тайёрлигини билдиради. Вазият яшин тезлигида амалга оширилади. У қанчалик абжирлик билан ҳаракат қилса, зафар шунчалик тез қўлга киритилади.

– Қойил, мен Кавказ жанговор ханжарлари ҳақида ҳеч нарса билмас эканман, – дедим Кутузовнинг ҳикоясидан қаттиқ таъсирланиб.

Кутузов жилмайиб қўйди, кейин гапида давом этди:

– Бахтинг бор экан, балки шу ханжар сенга омад эшикларини очиб беришга хизмат қилар.

– Мен Зелимхон билан учрашишим мумкинлигига у қадар ишонмаяпман. Чунки бу ердаги ажнабий жангарилар ҳеч сўраб-суриштирмай, дуч келганни отиб ташлашмоқда.

– Уларга фақат пул, бойлик керак. Одамларнинг уйларини талашмоқда, ўлдиришмоқда.

– Бундан Зелимхон хабардорми?

– Тишини тишига қўйиб юришга мажбур. Хўш, энди нима қиласан? – сўради Кутузов.

– Зелимхоннинг келишини кутаман.

– У билан учрашмоқчимисан?

– Афғонистонга қайтиб боришим учун бундан ўзга чора йўқ. Қолаверса, Мулла Умарнинг одамлари мени ўша ерда кутишмоқда.

– Зелимхоннинг қаердалигини биласанми?

– Рамазон бобонинг айтишича, у Москвага кетганмиш.

Шу пайт ташқарида одамларнинг бақиргани, кейин машинанинг овози эшитилди. Бунга жавобан алақа-ерда автоматлар сайради. Чарчаб хориган туннинг безовта, ташвишли онлари бошланди.

– Яхшиси эртага эрталаб йўлга чиққанинг маъқул, – маслаҳат берди шеригим, – кўчалардаги одамларга қўшилиб кетаверасан... Ҳозир ётиб дамингни ол!

Мен қаттиқ чарчаган бўлсам-да, кўзларимга уйқу келмади. Кутузовнинг кимлигини билишни хоҳлардим.

– Мен ҳақимда озми-кўпми маълумотга эга бўлдинг. Хўш, ўзинг кимсан?

– Шу ерлик русларданман, – деди Кутузов. Унинг ёлғон гапираётганини кўнглим сезиб турарди.

Тун узок, ухлаб қолиш мумкин эмас. Ҳар он ташқарида ўқ отиб юрган жангарилардан бир нечтаси бу ерга

тушиб, бизни кўриб қолиши мумкин эди. Шунинг учун ухламасликка, ҳушёр бўлишга қарор қилдим. Кутузовнинг кимлигини билиш истаги юрагимга тинчлик бермасди. У хавфсизлик хизмати ходими эканлигини бояги саволларидан сезгандек эдим. Қандай қилиб бўлмасин, мақсадини билишим керак. Хаёлимга дўстлик ҳақидаги бир ривоят келди. Шунини айтсам зора шеригим ўзининг кимлигини айтмаса ҳам ишора қилар деб ўйладим.

– Тун узок, – дедим гапни узокдан бошлаб, – зерикиб қолмаслик учун сенга бир ривоят айтиб берсам, эшитасанми?

– Жоним билан, – деди рус ёнбошлаб, мен томон юзини бурар экан.

– Искандар Зулқарнайн ўзининг саноксиз қўшинлари билан кўплаб давлатларни ишғол этди. Тез орада бутун дунё музаффар шоҳнинг оёқлари остида қоладигандек эди. Бироқ шиддаткор ҳукмдорнинг сарҳадларидаги бир кишлоқда исёнкор отлиқлар тўдаси пайдо бўлди. Улар босқинчиларга қарши яшин тезлигида ҳужум уюштирар, уларга катта талофот етказиб, яна тезлик билан ғойиб бўлишарди. Жангчилар ваҳима ва саросимага тушиб қолишди. Исёнчиларнинг кимликлари аён эди, бироқ уларни қўлга олиш йўлидаги ҳаракатлар самара бермасди.

Навбатдаги ҳужумда исёнчилардан бири яраланиб, отдан йиқилди ва душман қўлига асир тушди. Қўлоғини боғлаб, шоҳнинг ҳузурига келтиришди.

– Шерикларинг қаерга беркинишганини бизга айтсанг, беҳисоб бойликлар эгаси бўласан, – деди Искандар ва тутқуннинг оёқлари остига олтин у зарларни, марвариду ёқутларни сочди.

Бироқ тутқун шерикларини сотишни истамасди. Шундан кейин асирни калтакладилар, азобладилар,

қатл этиш билан қўрқитдилар. Шунда ҳам у дўстлари яширинган жойни сир сақлади.

Шоҳнинг боши қотди. «Қандай қилсак уни гапиртирамиз» деб яқинларига маслаҳат солди.

– Шоҳим, – деди донолардан бири. – Йигитнинг энг кадрли кишиларини унинг кўз ўнгида қийнаб ўлдиришимиз керак.

Шоҳнинг фармони билан тутқуннинг қишлоқдаги қари ота-онасини тутиб келтиришди.

– Қасоскорлар қаерга яширинганини айтмайдиган бўлсанг аввал отангни, кейин онангни ўлдираамиз! – деди Искандар.

Йигит лом-мим демади.

Кекса чолни ва кўзи ожиз онани фарзандининг кўз ўнгида қийнаб ўлдиришди.

Қасоскор жим эди.

Донишмандлар яна шоҳга маслаҳат беришди:

– Унинг гўзал хотини билан севимли фарзандини олиб келиб ўлдириш керак!

Искандарнинг лашкарлари ўша пайтнинг ўзидаёқ уларни олиб келишди. Асирнинг олдида аввал боласини, кейин аёлини қатл этишди. Шунда ҳам жангчи тилини тишлаб тураверди. Марду майдоннинг туғишганларидан бирорта тирик жон қолмади.

Искандарнинг яна боши қотди. Кимдир жангчининг кадрдон дўсти борлигини айтиб қолди. Уни ҳам тутиб келтиришди. Дўстининг шафқатсизларча қатл этилаётганлигини кўриб, асир лабларини тишлаб тураверди, фақат энди унинг кўзларидан ёш томчилари сирғалиб тушарди.

Шунда Искандар Зулқарнайн ажабланиб сўради:

– Ота-онанг, хотининг ва фарзандларинг қатл этилганида кўзингга ёш олиш тугул, кипригингни ҳам қоқ-

магандинг. Дўстинг ўлдирилганда йиғлаб юбординг. Нахотки у сенга туғишганларингдан ҳам азиз бўлса?!

Асирга тушгандан бери биринчи марта овози чиққан жангчи шундай жавоб қилди:

– Агар мен ота-онам ҳаётини хоинлик эвазига сақлаб қолганимда, улар мени дунёга келтирган кунларини лаънатлашар эди, хиёнаткорни боқиб катта қилишгани учун пушаймон бўлардилар. Ватаним озодлигини хотиним ҳаётига алмаштирсам, у мени тўшагимизни манфур кимсалар билан бўлишганликда айблаб нафратланган бўларди. Сотқинлик эвазига ҳаётини сақлаб қолган фарзандимдан эса орсиз, ғурусиз инсоннинг боласи сифатида халқ юз ўғирарди. Кўриб турганингиздек, менинг бошқа чорам йўқ эди.

Сен мендан ҳамма нарсамни тортиб олдим деб ўйладинг. Мен ҳеч бўлмаса ҳаёт синовларидан ўтган, бахт ва қайғумни бирга баҳам кўрган биттагина содиқ дўстим қолди-ку деб умид қилган эдим. Бироқ сен мен ўйлаганимдан кўра ақллироқ, бадкорроқ экансан, мени бу дунё билан боғлаб турган охирги бойлигимдан ҳам махрум этдинг...

Искандар Зулқарнайн жангчининг сўзини бўлди:

– Янги дўст топишинг мумкин эди-ку?

– Йўқ, эски дўстим ўрнини ҳеч ким боса олмайди. Юзта янги дўст унга тенг келолмайди. Кўз ёшларим – у билан видолашув ёшлари, асло сенинг олдингда ожизлигим аломати эмас.

Шоҳ баҳодирнинг сўзларини тинглаб, эҳтимол умрида илк бора чуқур ўйга чўмди. Нима ҳақда? Балки унга музаффарлик шарафини келтирган, бироқ бирор-та халқнинг бошини эголмаган уруш ҳақидадир? Ёки қурол кучи билан бутун жаҳонни эгаллаган бўлишига қарамай, унинг учун жонини беришга тайёр биттагина шундай инсоннинг дўстлигини қозона олмагани ҳақида

ўйлагандир? Балки беҳисоб мол-дунёга эга бўла туриб, ўзи учун энг қимматли бойлик – дўст ортирмаганлигини тушунгандир. Ўша онда Искандарга оддий жангчи ундан – буюк қўмондон ва жаҳонгирдан бахтлироқ кўринди.

Асир шафқатсизларча жазоланганлигини ҳис этган шоҳ уни қўйиб юборишларини буюрди. Қўли ечилган баҳодир Искандарнинг соқчисига ташланиб, унинг белидаги ханжарини суғуриб олди ва ўзининг юрагига санчди. Жон жангчи танасини тарк этарди, бироқ унинг юзи жуда хотиржам, на оғриқнинг, на қайғунинг белгиси кўринарди. Лабларидан жаҳонгирга қаратилган сўнги сўзлар учиб чиқди: «Сен менинг ҳамма нарсамни олдинг, шундай экан, ҳаётимни ҳам олақол...»

Ўтмишдаги жангчилар ҳозиргиларга қараганда бағрикенгроқ эдилар. Рақибнинг довураклилиги ва жасорати энг шафқатсиз душман қалбини ҳам забт этганди. Искандар мард жангчини иззат-икром билан дафн этиш тўғрисида фармойиш берди. Дафн маросимидан сўнг қўшинга қаҳрамон йигит ва унинг дўстлари яшаган қишлоқни тарк этишни буюрди.

Мен ривоятни тугатар эканман, негадир кўз олдимга ўғлим келди. Уни кўрмаганимга ҳам ўн беш кун бўлди. Кутузов чуқур хўрсиниб қўйди. Хомуш тортиб қолган афтидан нима ҳақидадир чуқур ўйга ботгани ҳамда менинг бу ривоятни айтишдан мақсадимни англаб етгани кўриниб турарди. Ўртадаги жимликни унинг ўзи бузди.

– Гўзал ривоят. Мен ҳам болалигимда бир ривоятни эшитгандим. Истасанг айтиб бераман.

Ташқарида милтиқларнинг овози янгради. Бақир-чақирлар авжига чиқди. Мен русга, рус эса менга қаради. Иккимиз бир биримизга тикилганча ўқ овозларининг тинишини кутдик. Бироқ отишма ярим соатдан кўпроқ чўзилди. Мен биров отишмадан қочиб

биз турган ер остига тушиб келмаса бўлди деб хавотирлангандим. Лекин бундай ҳол рўй бермади. Ўқ товушлари ниҳоят тинди. Одамларнинг овози ҳам ўчди. Лекин алламаҳалгача тепамизда даҳшатли отишма содир бўлганлигини эслатиб тургувчи порох иси димоғимизга уриб турди.

АФФОНИСТОН

Баққол кенгашнинг аллақачонлар фош бўлиб, унинг фаолияти билан қизиқиб келаётган айрим ташкилотларга сариқ чақалик аҳамияти қолмаган ҳужжатларини қўлга киритганидан мамнун бўлмаса-да, қўлига чек текканидан, бир неча йиллар муқаддам Амирий томонидан асос солинган кенгашнинг парчаланиб, унинг етакчилари ўлганидан, қолаверса, ана шу кенгашнинг тақдири ниҳоят ўз қўлига ўтганидан хурсанд эди. Ўзи икки бор кенгашга аъзо бўлишга уриниб кўрди. Отаси вафоти олдидан катта миқдордаги бойликни, тижорат дўконларини, кичкина заводини унга мерос қолдирганди. Улардан тушадиган ақчалар худди ирмоқлардан оқиб улкан денгизга қуюлаётган сув каби «Озод Туркистон» жамиятини ривожлантириш учун ташкил этилган жамғарманинг ҳисоб рақамини бойитиб борарди. Отаси бойликларининг саксон фоизини Чегечи томонидан асос солинган жамиятнинг истиқболли келажига сарфлашни васият қилибгина қолмай, балки ёлғиз фарзандининг шу жамиятнинг етакчиларидан бири бўлиб қолишига ишонганди. Бироқ Чегечи уни яқинига йўлатмади.

Баққол Чегечининг кўнглини овлаш йўлларини кўп излади. Пуллар ваъда қилди. Отасидан қолган мол-дунёларнинг маълум бўлагини кенгаш фондига киритишини айтди. Бироқ Баққолнинг барча саъй-ҳаракат-

лари саробга айланди. Шундан кейин дунёнинг турли бурчакларига сочилиб кетган аламзада кимсаларни атрофига жамлашга уринди. Афсуски, фурсат бой берилганди. Кўпчилик Чегечи томонига ўтиб кетганди. Уларни қўллайдиган давлатлар, ташкилотлар, идоралар чиқиб қолганди. Мулла Умар, Башир, Кашмирий, қолаверса, Усама бин Ладендек қўли узун кимсалар кенгашнинг ортида қалқон бўлиб туришарди. Баққолнинг миясига «Мақсадни пул билан эмас, балки қора кучлар ёрдамида амалга ошириш мумкин» деган фикр келди. У ўзининг нималарга қодир эканлигини кўрсатиб қўйишни жуда хоҳларди.

Бу ишда Хаттоб унга ёрдам бериши мумкин эди. Бир пайтлар у билан ош-қатиқ бўлган, уни катта маблағ билан таъминлаганди. Хаттобнинг айни чоғда Чеченистонда каттагина кучларга раҳбарлик қилиши Баққолнинг қалбида ўлиб бораётган истаклар орзусига ҳаёт сувини сепди. Одамларидан бирини унинг ҳузурига жўнатди. Айғоқчи Хаттобга ҳомийсининг қуруқ саломини эмас, балки каттагина эҳсони остидаги топширигини ҳам маълум қилди:

– Топшириқ сир сақланиши, бегоналарнинг қулоғига етиб бормаслиги шарт!

– Жаноблари хотиржам бўлсинлар, у кишининг топшириқлари тирик жоннинг қулоғига етиб бормаيدди, – ишонтирди Хаттоб.

– Агар сиз айтганингиздек бўлиб чиқса, жаноблари истаган пулингизни тўлашга қодирлар!

– Мен насияни ёқтирмайман, бунини Баққол жаноблари ҳам биладилар. Шунинг учун ўзларига маълум бўлган ҳисоб рақамимга бир ярим миллион доллар ўтказиб қўйсалар бас.

– Борган захотим бу талабингизни жанобларининг қулоғига етказаман.

Баққол Хаттобнинг ҳисоб рақамига талаб қилинган маблағни ўтказди. Хаттоб тез орада ишга киришди. Емиш излаб юрган оч кўшпақдек унинг атрофида гирдикапалак бўлиб юрган «овчи»лари Россиянинг турли бурчакларидан Осиё миллатига мансуб ёшларни алдов ва хийла йўли билан Чеченистонга олиб кела бошлашди. Хаттоб улар учун ўрмон ичкарасидан, ўқ овозлари эшитилмайдиган жойлардан лагер барпо этди. Чигиридан ўтган ёшларни ўша ерга жўнатди. «Яроқсиз» деб топилганлар ўрмон ичида адашиб, очликдан нобуд бўлиб кетди. Айримларини ўз одамларининг сафига қўшиб, атайин ўққа тутиб берди. Покистондан чақирилган йўриқчилар лагердаги йигитлар билан ўн беш соатлаб жанговор тайёргарлик машғулотларини олиб боришарди. Баққол жўнатилган видеотасмаларни эринмасдан, диққат билан томоша қиларди. Қутирган бўрилардек бир-бирига ташланаётган йигитларни кўриб, юрагидаги алам ва қасос алангаси баттар гуриллади. У лагердагиларга «Кулранг бўрилар» деб ном берди. Уларнинг кучи билан ҳамма нарсага эришиш мумкинлигини юрагидан ҳис этарди. «Яна битта лагер ташкил этсам, Чегечи менга бас келолмайди, бошини худди илоннинг бошини янчгандек мажақлаб ташлайман» деб ўйларди Баққол.

У йигитларининг тезроқ қайтишини кута бошлади. Уларнинг қўли билан Чегечини йўқотишни ўйлаб қолди. Юрагида алам ўти кун сайин ловуллаб, аланга олаётган пайтда қулоқларига бирин-кетин кўнглини хуш қиладиган ёқимли хабарлар чалина бошлади. Чегечи, Абдуллоҳ, Червон хонимларнинг ўлими ҳақидаги маълумотлар газеталарнинг биринчи саҳифасида босилди. Асосий рақибидан қутулганидан мамнун бўлган Баққол Амирийнинг ёлғизланиб қолганлигидан шодланди. Ахир Баққолнинг кенгашга аъзо бўлишига хай-

рихоҳлик билдирган ягона одам Амирий эди. Баққол қандай қилиб бўлмасин, у билан боғланиш йўлини излади. Узоқ бош қотиришга тўғри келмади. Амирийнинг ўзи телефон орқали йўқлади. Овозини эшитгандаёқ юрагидаги тошга айланиб бораётган орзулари рўёбга чиқишига амин бўлди. Ҳа, у янглишмаганди. Нимани ўйлаган ва режалаштирган бўлса, бари рўёбга чиқди. Кенгашнинг ҳужжатлари, юз миллион (гарчи арзимас бўлса-да) маблағи бўлган ҳисоб рақами қўлида. Бу кенгашнинг бундан кейинги ишларини фақат Баққолгина бошқаришга ҳақли эканлигини билдирарди.

Амирийнинг уйдан чиққан Баққол Афғонистонга жўнашга ва Башир билан учрашишга қарор қилди. Аслида икки тийинга қиммат одам деб биларди уни. Лекин у суянадиган кучлар айнан Афғонистонда. Шунинг учун Башир билан мулоқот қилишга мажбур эканлигини тушунди. «Амирийдек одам ҳужжатларни ишониб топширдими, демак, бундан Баширни ҳам хабардор қилиб қўйиш керак» деб ўйлади.

Башир Баққол ҳақида етарли маълумотга эга эди. Кенгашга аъзо бўлиш истагида юрганидан хабар топганди. Номзоди кўрсатилганда бетараф бўлганди. Аниқроқ айтиладиган бўлса, Баққолнинг ҳисобидаги беҳисоб маблағ Баширни қизиқтириб қолганди. Шу сабабли уни эски танишларидек кутиб олди.

– Мен ҳозир Дубайдан, ҳазратимнинг олдидан келяпман, – деди Баққол оқ оралай бошлаган соқолини бармоқларининг учи билан силаб.

– Амирий жанобларининг соғлиги жойидами? – сўради Башир. Мулойим овозда сўралган саволнинг жавобига эшикнинг очилиши ҳамда қаҳва олиб кирган хизматкорнинг кириши монъелик қилди. Хизматкор ичимликларни Башир билан меҳмоннинг олдига қўйди-да, патнисни дераза олдида қолдириб, сассиз чиқиб кетди.

– Бахтга қарши сизни қувонтира оладиган хабар айта олмайман. Назаримда ҳазратимнинг бир-икки кунлик умри қолган, – ниҳоят тилга кирди меҳмон.

– Во Аллоҳ, наҳотки бизни ташлаб кетсалар!

– Қаричилик-да, – деди Баққол бош чайқаб.

– Ёшлари саксондан ўтиб қолган бўлса-да, ҳали бардам эдилар. Биз у киши билан яқинда кўришгандик.

– Назаримда юраклари хаста.

– Ҳазратимнинг юраклари умр бўйи жамиятнинг равнақи йўлида куйиб ёнди. Беҳисоб азоб-уқубат чекдилар. Бир қатор сафдошларимиз қисқа фурсат ичида бирин-кетин у кишини омонат бу дунёга ташлаб кетишди. Буларнинг бари ҳазратимнинг юрагини адо қилган.

– Шундай! У кишининг орзулари Туркистон халқларини ягона байроқ остида бирлаштириш эди. Ҳазратим бошлаган ишни давом эттириш ва ниҳоясига етказиш, халқларимизни сиз айтгандек ягона туғ остида жамлаш энди сиз билан бизнинг у кишининг руҳлари олдидаги қиёматлик қарзимиздир!

– Салламно, Баққол жаноблари. Гапларингиздан мен устозларимиз ишини давом эттира оладиган асл ва мард ўғлоннинг қиёфасини кўриб турибман!

– Биргаликда ҳаракат қиламиз, азизим, – қўлини кўксига қўйиб таъзим қилди Баққол, – ҳазратим кенгашнинг барча ҳужжатларини каминага топширдилар.

– Кенгашнинг ҳисобида анчагина маблағ бор эди, бу ҳақда индамадиларми?

– Чекни қабул қилиб олдим, Башир жаноблари.

– Анчагина маблағи бор эди, – бетоқатлик билан саволини такрорлади Башир.

– Юз миллион доллар!

– Юз миллион?! Бўлиши мумкин эмас. Биз кенгашнинг сўнгги йиғинида кўришганимизда бир ярим миллиард маблағ борлигини маълум қилгандилар.

– Гапингизда жон бор. Ҳазратим буни менга айтдилар, ўша пулларнинг деярли барчасига кимёвий қуруллар харид қилибдилар. Бу бизнинг салоҳиятимизни кўтаришга ёрдам беради. Бундай қуруллар ҳатто айрим мамлакатларнинг ҳарбий базаларида ҳам бўлавермайди. Фанимларимиз бу ҳақда хабар топишса, албатта биз билан маслаҳатлашишга мажбур бўлишади.

– Нима бўлганда ҳам, кенгашнинг маблағини Амирий жанобларининг бир ўзи ўзлаштиришга ёки истаган нарсасини харид қилишга ҳақи йўқ эди. Бу ўтакетган беодоблик. Бизларни назар-писанд қилмаслик!

Баққол Баширнинг қаттиқ асабийлашганини сезди.

– Қизишманг, Башир жаноблари, ҳаммаси жойига тушади. Бир ярим миллиард нима бўлибди, менинг ҳисобимда икки миллиард маблағ топилади. Бундан ташқари мени қўллайдиган сармоядор танишларим етарли. Ишора қилсам бас, ҳисоб рақамимизга пуллар ёмғирдек ёғилиб тушаверади.

Баққолнинг оғзидан чиққан сўзлар Баширнинг чехрасида тўнғиб қолган ғазаб пардасини юлиб ташлади. Асабини босиш мақсадида қаҳвадан ичди. Кейин:

– Кечиринг, бир оз қизишиб кетдим, – деди узрхолик билан. – Ўша қуруллар қаерда экан?

– Шу ерда!

– Афғонистонда-я?

– Шундай!

«Нахотки мен беҳабар бўлсам» деган фикр Баширнинг миясида чақин мисоли ялтиради.

– Улар қаерда? Сиз бундан хабардормисиз?

Баққол сирни фош қилишни истамади.

– Афсуски, бу тўғрида гаплаша олмадик. Умид қиламанки, қуруллар яширилган жойни тез кунлар ичида билиб оламиз.

Орага бир дақиқалик сукунат чўкди. Баққол гап мавзусини буришга шошилди:

– Атрофимизга каттагина куч жамлашимиз керак, Башир жаноблари. Шунда қўлимиз истаган жойга етади. Мулла Умар жаноблари бу ишда бизга ёрдам берадилар деган умиддаман. Балки фикрларимни ҳазратнинг қулоғига етказарсиз?

– Ҳазратимнинг кайфиятлари бузилган. Юракларига қил сизмайди. Агар у кишининг кўнглини олмоқчи бўлсангиз, бир ишда ёрдам беришингизга тўғри келади.

– Бажонидил... Бирор ёрдамим тегса ўзимни бахтиёр ҳис этган бўлардим...

Башир икки кун муқаддам Мулла Умарнинг суҳбатида бўлган, синоларнинг шаҳар ва кишлоқларни ташлаб чиқиб кетаётганини, мудофаа қудратини мустаҳкамлаш учун оғир артиллерия ҳаводек зарур бўлаётганини эшитганди.

– Чиндан ҳам ҳазратимнинг кўнглини олмоқчи, ишончларини қозонмоқчи бўлсангиз, ўн дона «Град» сотиб олишга ёрдам беринг!

– «Град» дедингизми? Негадир бундай қурол борлигини эшитмаган эканман.

– У «Катюша»га ўхшайди. Машина ортиб юради. Олисдан туриб душманларни ўққа тутади.

– Бундай қурол қаерда сотилади?

– Афсуски, у сотилмайди, шартнома асосида давлатларнинг мудофаа вазирликларига етказиб берилади. Аммо йўлини топса бўлади. Тожикистонда русларнинг ҳарбий базаси жойлашган. Шу қисмда ўттиздан ортиқ «Град» бор. Ҳарбий раҳбарларнинг тилини топиб, уларни чегарадан олиб ўтса бўлади.

– Ишончли одамларингиз борми?

– Топилади.

– Унда сиз айтган қурол чегарадан ўтди деб ҳисоблайверинг!

– Бугуноқ бу янгиликни ҳазратимнинг қулоғига етказсам бўладими?

– Албатта, лекин бир оз фурсат берсалар бас!

– «Град»лар биз томонга ўтган кундан бошлаб ўзингизни ҳазратимнинг энг суюкли ва ардоқли кишиси деб ҳисоблайверинг.

– Бу ишда Эргашбек жанобларининг одамлари бизга ёрдам бериши лозим.

– Афсуски, бизнинг унга бўлган ишончимиз кун сайин йўқолмоқда.

– Сабаб?

– Сиздан яширадиган сирим йўқ, Баққол жаноблари. Эргаш кенгашга хиёнат қилганлиги, пулларни ўзлаштириб юборгани аниқланиб қолди. У нафақат маблағларимизни ўзлаштириб юборди, балки одамлари қўлга тушиб, бизларни шарманда қилди.

Баққол ўйланиб қолди.

– Уни лагердан четлатиш ва ўрнига бошқа одам тайинлашни маслаҳат бераман, – деди бир оздан кейин.

Башир меҳмонни кўп нарсалардан огоҳ қилиш лозимлигини тушунди. Қолаверса, у бу ерга қуруқ қўл билан келмаган. Гапларидан кенгашнинг кейинги фаолиятини ривожлантиришга, Эргашнинг тўдасидаги йигитларга каттагина маблағ тикишга қодирлиги сезилиб турарди. Шундай бўлгач, унинг фикрларига қарши чиқиб бўлмайди деб ўйлади.

– Эргаш тажрибали жангчи. Ортидан юзлаб йигитлар эргашиб келган. Уни четлатсак, йигитлари тарқаб кетади, – деди Баққол.

– Кейинги пайтларда ҳазратимнинг унга бўлган ишончи сусайди.

– Сабаб?

– Ҳазратим лагердаги йигитларнинг озиқ-овқати, кийим-кечаги учун ойига икки юз эллик минг доллар

маблағ ажратардилар. Қолаверса, Усама жаноблари хам йилига уч миллион доллар берардилар.

– Бу жуда катта маблағ! – хитоб қилди Баққол.

– Албатта, аммо Эргаш маблағларни одамларига сарф қилмаган. Айғоқчиларимизнинг маълум қилишича, лагерда озиқ-овқат етишмаётганмиш, йигитлар оч-юпун яшашаётганмиш. Бунинг оқибатида эса қочоқлар сони ортмоқда.

– Зудлик билан уни назорат остига олиш керак эди! – ўзини кенгашнинг раҳбари эканлиги эсига тушиб, дакки берган бўлди Баққол.

– Эргашга ўзимизга ишонгандек ишонардик. У ишончимизни поймол қилди.

– Бирор жазо қўлламоқчимисиз?

– Бу маълумотлар ҳозирча ҳазратимнинг ва Усама жанобларининг қулоғига етиб боргани йўқ.

– У ўзлаштирган маблағларни қаерга яшириши мумкин?

– Маълумотларга қараганда, Эргаш Европадаги давлатлардан бирининг хавфсизлик хизмати идораси ходими билан яширин алоқа ўрнатган. У билан пинҳона учрашиб, қимматли маълумотларни сотган. Бунинг эвазига улар Швейцария банкларидан бирида Эргашнинг яширин ҳисоб рақамини очишган. Тўдабоши ўзлаштирган пулларини ўша банкка қўяётган бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас.

– Агар гапларингиз исботини топса, Эргашнинг бошини дорга илиш керак!

– Буларнинг барчаси ҳозирча фараз. Исботлаш учун далиллар йўқ.

– Бу ўта қалтис масала... Тезроқ лагерга ишончли бошлиқ тайинлаш керак.

– Албатта, тез кунлар ичида лагерга айғоқчи ташлаймиз, – деди Башир чуқур хўрсиниб, – яна бир масала

бизнинг бошимизни қотирмоқда, Баққол жаноблари. Бундан кейин кенгашнинг тақдири кўпроқ сизнинг қўлингизда экан, бу масалада очиқ-ойдин гаплашиб олишимизга тўғри келади.

– Қулоғим сизда. Мен айнан шундай муаммоларни баргараф этиш мақсадида сизнинг олдингизга келганимни унутманг!

– Сизни махфий бир сирдан воқиф қилиб қўйсам. Биз Эргашнинг ўрнига янги одам топиш масаласини ҳам кўриб чиққандик.

– Хўш, ишончли одам топилдими?

– Топдик.

– Ким экан у?

– Мирзааҳмад!

Баққолнинг қошлари чимирилди.

– Кенгаш хужжатларини титкилаб бундай одамнинг исмини учратмагандим.

Башир лашкарбоши ҳақидаги барча маълумотлардан Баққолни воқиф қилди. Мирзааҳмаднинг номзоди унга маъқул келди.

– У билан кўришсам бўладими?

– Афсуски, бунинг иложи йўқ.

– Нечук?

– Бизнинг режаларимиздан у ҳозирча беҳабар.

– Сиздек одам унга ишонч билдирибсиз, шунинг ўзи менга кифоя, – деди Баққол бу ҳақдаги мавзуга яқун яшаш мақсадида, – қачон уни лагерга бошлиқ этиб тайинлайсиз?

– Боя айтганимдек, Эргашнинг айбларини исботлашим керак. Узоғи билан бир ой ичида ўз одамимизни лагерга бошлиқ этиб тайинлаймиз.

Баққол ўзини анча хотиржам тутиб олганди. У қаҳвадан ҳўплади.

Башир гап мавзусини ўз мақсадига буришга қарор қилди.

– Лагердаги йигитлар бугундан эътиборан каминанинг назоратида.

– Унда хотиржам уйимга қайтсам бўлади, – кулди Баққол.

– Лагердагиларнинг руҳини кўтаришимиз керак.

– Уларнинг таъминоти учун ойига икки юз эллик минг долларни мендан олиб турасиз. Ўйлайманки, бу пуллар уларнинг овқатланиши ва кийим-кечак харид қилиб олишлари учун етиб ортади.

– Ташаккур, Баққол жаноблари!

– Амирий жанобларининг айтишига қараганда яқинда кенгашга Бўрон исмли йигит қабул қилинган экан.

– Шундай!

– У анча мулоҳазали йигит экан.

– Фикрингизга қўшиламан.

– У билан учрашиб, суҳбатлашиш истагида эдим ...

Башир чўзинчоқ иягини узун бармоқлари билан эзфилади.

– Бахтга қарши у ҳозир бу ерда эмас. Ҳазратим махсус топшириқ билан уни Чеченистонга жўнатганлар.

– Чеченистонга? – Баққол кўзларини катта-катта очиб, Баширга тикди.

– Шундай!

– Жуда соз. У ерда менинг... – Баққол сирини фош қилишига бир баҳя қолди. Тезда тилини тишлади. Башир меҳмоннинг нимадир демоқчи бўлганлигини сизди ва қаршисидаги одамнинг кўзларига тикилди. Бироқ ундан садо чиқмагач, сўрашга мажбур бўлди.

– Нимадир демоқчи бўлдингиз, Баққол жаноблари...

Баққол устида совуқ сув қуйиб юборилган одамдек сесканди.

– Йўқ, шунчаки ўзим, – деди сохта табассум билан суҳбатдошига юзланиб. Бироқ ёлғон сўзлаётганлигини кўзлари сотиб қўйганди.

– Биз сиз билан бугундан эътиборан биргамиз, Баққол жаноблари. Илтимос қиламан, орамизда ҳеч қандай сир бўлмаслиги шарт. Ахир мақсадимиз бир бўлгандан кейин яшириладиган сўзлар сиз билан бизнинг фойдамизга эмас, зараримизга ишлаши мумкин.

Баширнинг сўзлари Баққолнинг юрагидаги тугунни ечиб ташлади.

– Бундай ўйлаб боқсам, менинг ўзгалардан яшириб келаётган айрим ишларимдан албатта сиз ҳам воқиф бўлишингиз керак экан, – оҳиста гап бошлади юзлари қизариб кетган Баққол.

– Кенгашнинг барча аъзолари бир одам. Фикрлари, қарашлари, мақсадлари бир-бирига мос келмаса, албатта мақсадга эришиб бўлмайди.

– Чеченистонда менинг «Кулранг бўрилар» лақабини олган йигитларим бор, – сўзида давом этди Баққол.

– «Кулранг бўрилар» дедингизми? Нега бундай ном қўйдингиз? – хайратланиб сўради Башир.

– Биласизми, бир пайтлар отам бўрилар ҳақида қизиқарли ҳикоя айтиб бергандилар. Ҳикоя қилишлари-ча кулранг бўрилар энг йиртқич ва шафқатсиз бўлишаркан. Овчиларнинг тузоғига, мерганларнинг ўқиға чап бериб кетишаркан, ҳатто бир парча эт деб туғишганларини ҳам ғажиб ташлашар экан. Мен лагердаги йигитларимнинг жанговор тайёргарлигини тасмада томоша қилганимда, уларга ҳеч қандай куч бас келолмаслигига амин бўлдим ва уларни «Кулранг бўрилар» деб номладим. Ўтда ёнмайдиган, сувда чўкмайдиган бу йигитларимга русларнинг «Альфа» гуруҳи ҳам бас келолмайди. Шундай дийдаси қаттиқ, тош юракли жангчилар бўлгандагина ҳокимиятни эгаллаймиз ва

унга абадий ҳукмронлик қиламиз. Фикримга қўшилсангиз керак, Башир жаноблари?

– Албатта! Амирий Ҳазратлари сизни кенгаш ишини бошқаришга тайинлаб хато қилмаганларига яна бир бор амин бўлдим!

Баширнинг сўзлари Баққолнинг руҳини кўтарди.

– «Кулранг бўрилар» қачон ишга киришади?

– Бу масалани яқин кунлар ичида биргаликда кўриб чиқамиз.

– Бўроннинг ёрдами керак эмасми?

– Бугундан бошлаб унинг ёрдами бизга ҳар нафасда асқотади.

– Эртагаёқ одамларимга тайинлайман, улар албатта Бўронни топишади ва сизнинг саломингизни етказишади.

– Дилимни хушнуд этдингиз, биродар!

– Бўроннинг Чеченистондалигини мендан эшитмадингиз, – овозига сирли тус бериб деди Башир.

– Сиз ҳам менинг «Кулранг бўрилар»им ҳақида ҳеч нарса билмайсиз.

Улар сирли жилмайишиб, бир-бирларининг қўлларини сиқиб қўйишди.

– Бўрон қачон ҳузурингизга қайтади?

– Буни Мулла Умар жаноблари ҳал қиладилар. У ерда ҳозир ҳаёт-мамот жанги кетмоқда. Руслар одамларимизни ҳар томондан ўраб, эгаллаб олган шаҳар ва қишлоқлардан қувиб чиқаришмоқда. Жангчиларимизнинг кўпи ҳозир ўрмонзорларда кун кечиришмоқда. Яқинда Мулла Умар жанобларининг топшириғи билан Кашмирий жанобларининг хонасида хорижлик маслаҳатчилар иштирокида махфий учрашув бўлиб ўтди. Россиянинг бир нечта шаҳарларида одамларни, болалар боғчаларини, мактаб ўқувчиларини гаровга олиш, портлатиш тизимини жорий этиш юзасидан қарор олинди. Қарорнинг бир нусхаси Кашмирий жа-

нобларининг пўлат сандиғида. Агар шу тизим амалга ошса, Чеченистондаги уруш тез орада барҳам топади ва Бўрон юртга қайтади.

– Гапингизга қараганда, ишлаб чиқилган тизим ўта муҳим аҳамиятга эга эканда, – батафсил маълумотга эга бўлиш мақсадида Баширни китиклаб сўради Баққол.

– Шундай, – қисқа жавоб қайтарди шеригининг фикрини тушунган Башир.

Икковлари суҳбат поёнлаб қолганини сезишди. Башир муддаога ўтди.

– Баққол жаноблари, боя айтганимдек, лагердаги йигитларнинг руҳини кўтариш ҳамда уларни ушлаб туриш учун маблағ даркор.

– Қанча?

– Камида уч юз минг доллар!

– Жуда соз. Уйга етиб борган кунимоқ сизнинг ҳисобингизга айтилган пул ўтади. Менга ҳисоб рақамингизни бера оласизми?

Башир ўқи нишонга текканидан беихтиёр жилмайди ва ҳамёнидан банк реквизитлари ёзилган кичкинагина қоғозни олиб Баққолга узатди.

– Мен пулларни бекордан-бекорга шамолга совурмайман... Улар ўз қудратини кўрсатиши керак.

– Тушунтириброқ айтинг, – шошиб сўради пулдан айрилиб қолишни истамаган Башир.

– Мен «Кулранг бўрилар»ни ташлайдиган жойларга сизнинг бу ердаги одамларингиз йўлак очиши зарур.

Башир нимадир демоқчи бўлди-ю, шу пайт ичкарига кириб келган хизматкорга кўзи тушиб, тили учидagi сўз бўғзида қотди. Хизматкор бўшаган идишларни, кейин лаганни олди. Унинг бармоқлари идиш тағидаги тугмадек нарсага тегди ва ичида «хаммаси жойида» деб ташқарига йўл олди...

АФФОНИСТОН

Чеченистонга қурол-аслаҳа олиб ўтишга уринган хорижлик жангариларнинг жасадлари ҳам юкларига қўшилиб тошлар остида қолиб кетган бўлса-да, бу билан қурол олиб ўтиш йўлаги тўсилди деб хотиржам бўлиш мумкин эмаслигини руслар яхши тушунишарди... Тоғли ҳудудлар қанчалик қаттиқ қўриқланмасин, қурол савдоси билан бойлик орттириш иштиёқида юраги ёнаётганлар яна нималарни ўйлаб топмайди дейсиз. Улар одамзод ҳаёлига келмайдиган қалтис жойларни излаб топишади. Чумолидек ҳар тешикка бош сукиб, тошларни кемириб бўлса-да, ер ости йўллари очишади, форларни излашади. Ҳаётларини хатарга тикиб, юракларини ёндираётган бойликни қўлга киритиш илинжида мақсад сари интилишади.

Кутузов марказга жўнатган маълумотномада жангарилар Мулла Умар билан боғланиб, ундан яна ёрдам сўрашгани маълум қилинганди. Хатарлиси шунда эдики, толибонлар етакчиси ўн дона «Стингер» ва «Зенит» ракеталарини чегарага етказиб беришга ваъда берган. Бу қуроллар жангарилар қўлига тушиб қолса, руслар самолёт ва вертолётларини қўкка олиб чиқишолмайди.

Кутузов бир кун ўтиб иккинчи хабарни жўнатди. Бу аввалгисидан даҳшатлироқ ва хатарли эди. Покистоннинг Афғонистон билан чегарадош вилоятида махсус лагерларда тайёргарликдан ўтаётган ажнабий жангариларни Россиянинг марказий шаҳарларига ташланиши, улар аҳоли зич яшайдиган турар-жой биноларига, мактаб, боғчаларга бостириб кириб, болаларни гаровга олишлари, шу йўл билан ҳукуматдан аскарларни Чеченистондан олиб чиқиб кетишни талаб қилишлари, рад жавоби олингудек бўлса, гаровга олинганларни портлатиб юборишни режалаштирганликлари маълум

килинганди. Маълумотномада мамлакат ичига ташланадиган ҳар бир жангарининг қўлида махсус йўриқномалар мавжудлиги таъкидланганди. Бироқ уларнинг қачон ва қайси йўлакдан кириб келиши номаълум эди. Руслар қулфнинг калити Афғонистонда деб билишди. Бундай масалалар Башир ёки Кашмирийнинг идорасида ҳал этилиши мумкинлигини аввалги маълумотлар тасдиқлаганди. Ташқи разведка бошқармаси раҳбарлари ходимлардан бирини Кобулга ташлашга қарор қилишди. Хавфнинг олдини олишнинг бундан ўзга чораси йўқ эди.

Беш нафар ходимлар орасидан капитан Шевчук танлаб олинди. У барча жиҳатлари билан раҳбарият томонидан қўйилган талабларга (фақат шошқалоқлиги ҳисобга олинмаганда) тўлиқ жавоб берарди.

– Топшириқ битта: қандай қилиб бўлмасин, Покистонда тайёргарликдан ўтаётган диверсантларнинг қачон ва қайси йўлак орқали мамлакатимизга ташланишини аниқлаш, – деди бошқарма бошлиғи Евдакимов. – Уларнинг қўлида нишонга олинган объектларнинг чизмалари бўлиши керак. Маълумотларга қараганда, диверсантларни чегарадан ўтказишни Башир гарданига олган. Бу хизмати учун ҳозирда шахси бизга маълум бўлмаган кимсалар унга миллион доллар ваъда қилишган. Башир яқин кунлар ичида албатта улар билан қаредадир учрашади. Кашмирийнинг пўлат сандиғида чизмалар бор. Имкон қадар Кашмирийга чиқишинг, сандиқ ичидаги чизмаларни олиб ўтишинг керак.

Топшириқни олган капитан Саид Халил номи билан Кобулга кириб борди. Ошхонага ишга жойлашди. Танланган жой Баширнинг идорасига яқин бўлиб, кириб чиқаётган одамларни кузатиш имконияти мавжуд эди. Унинг одамлари айнан шу ошхонада овқатланишар, айрим пайтларда бошлиқларига таом олиб кетишарди.

Шевчук ўткир чекист бўлибгина қолмай, балки мохир пазанда ҳам эди. Миллий таомларни қойилмақом қилиб пиширарди. Чекист уларга хизмат қилишни ўрнига қўйиб қўйди. Таомлари Баширга ҳам маъқул келди. Кунларнинг бирида ошпазни идорасига таклиф қилди.

– Овқатларингнинг таъмини қўмсайдиган бўлиб қолдим, – деди Башир ошпазга. – Агар қарши бўлмасанг, сени ўзимга ошпаз қилиб оламан.

– Ишга яқинда жойлашдим, бошлиғим рухсат бермаслиги мумкин. – деди Саид Халил.

– У билан ўзим гаплашаман. Ҳар қалай, менинг таклифимни рад этмаса керак.

– Худо хайрингизни берсин, оға. Менинг кекса ота-онам бор. Улар ишлаб топадиган пулимга қўз тикиб ўтиришибди.

– Қанча ҳақ оласан?

– Ишлаб топган пулим яқинларимнинг бир кунлик овқатига зўрға етади, оға.

– Сенга икки ҳисса маош тўлайман!

– Аллоҳ умрингизни зиёда қилсин, оға.

– Эртадан бошлаб сенинг иш жойинг мана шу идорада! Нима иш қилишингни ёрдамчиларим тушунтириб қўйишади.

– Бош устига, оға!

– Қулоғингда бўлсин, бу ердаги гап-сўзлар ташқарига чиккудек бўлса, бошингни ўз қўлинг билан дорга илишингга тўғри келади!

Саид Халилнинг вазифаси ходимларга чой, қаҳва тайёрлаб беришдан иборат эди. Бошқа пайтларда хоналарни тозалар, ерга тушган сигарета қолдиқларини териб юрарди. Кунлар ўтган сайин, оёқ-қўли абжир бу йигитнинг ишларидан Баширнинг кўнгли тўлиб борарди.

(Китобимизнинг аввалги саҳифаларида ҳурматли ўқувчиларимизга Башир билан Баққол ўртасида суҳбат кетаётган чоғда ичкарига қаҳва кўтарган хизматкор кириб келганлигига ишора қилиб ўтгандик. Бу Саид Халил номини олган рус разведкасининг ходими Шевчук эди).

Саид Халил Баққолнинг Дубайдан келганини, Башир билан муҳим масалада суҳбатлашишини сезганди. Жимитдек овоз узаткич мосламасини лаган орқасига ўрнатиб, тоқчада қолдирганининг сабаби уларнинг суҳбатидан воқиф бўлиш эди.

Саид Халил ташқарига чиққанда жиҳозни ажратиб олди. Ёзиб олинган суҳбатни зудлик билан марказга жўнатишни ўйлади. Алоқа воситасини ўзи ётиб турадиган, бомбалар тушиб, вайронага айлантириб ташлаган бинонинг ичига яширганди. Иш тугашига ҳали эрта эди.

Қуёш ботиши биланоқ Саид Халил ётоғига ошиқди. Ичкари қоронғи эди. Гугурт чақиб, фишларни санаб, кераклисини кўчирди. Одамнинг қўли сиғадиган тўйнуқ ичидан уяли алоқа воситасини олди. Сигнал пайдо бўлгач, Башир билан Баққолнинг суҳбати қайд этилган чип картани олиб, телефонга жойлади ва узатиш тугмачасига босди. Икки дақиқача ўтиб, «бип» деган сигнал келди. Бу маълумот етказиш поёнига етганидан дарак берарди. Саид Халил марказга агар янгилик бўлса яна алоқага чиқишини айтиб, жиҳозни ўчирди. Аппаратни эса жойига яширди ва фишларни аввалгидек жойига териб қўйди. Бу келганидан буён идорасига жўнатган илк маълумоти эди. Кўнгли хотиржам тортиб, моғор босган тўшак устига чўзилди. Қиладиган ишларини ўйлади.

Бино ичи сокин эди. Ҳар куни чириллайдиган ҳашаротларнинг овози эшитилмасди Улар гўёки ўз маконларини тарк этишганди... Ташқаридан қулоғига одам-

ларнинг қийқириғи, машиналарнинг сигнали чалиниб турарди. Кўзи илинганди, тарақлаган овоздан уйғониб кетди. Қоронғиликка мослашган кўзлари деразаси кўчиб тушган жойдан ошиб ўтаётган одамга тушди. Саид Халил ўрнидан турди. Товуш чиқармай дераза ёнига келди. Ташқарини ой ёритганди. Бу пайтда туйнукдан ошиб ўтган одам анча нарида кетаётганди. Чап елкасини бир оз пастга осилтириб юришидан таниди ва ихтиёрсиз ҳолда тилидан «Баширнинг соқчиси Айюбхон-ку» деган сўз учиб чиқди. «Нега бу ерга келди у? Баширнинг топшириғига биноан изимга тушганмикин? Марказга хабар жўнатганимдан воқиф бўлган, айрим сўзларни овозимни бир оз баландлатиб гапирганим. Эшитган, бориб Баширга айтади. Хали замон одамлари келиб, мени тутиб кетишади».

Саид Халилнинг миясида турфа фикрлар ўралашарди. Алоқа воситаларини олиб, зудлик билан бу жойни тарк этишни ўйлади. Лекин «Топширик нима бўлади, ахир энди Баширнинг ишочига кира бошлагандим-ку» деган савол йўлига тўсиқ бўлди. Қандай вазият юзага келмасин, топширикни бажармасдан ортга қайтишга ҳақи йўқлигини бутун вужуди ила ҳис этди. Саид Халил яна жойига қайтди. Энди унинг таваккал қилишдан ўзга иложи йўқ эди.

Эртаси куни у одатдаги вақтда ишхонасида пайдо бўлди. Эшикни Айюбхон очди. Саломлашдилар. Саид Халил соқчининг юзида ўзгариш сезмади.

– Тушликка ош дамлар экансан, бошлиқ тайинлаб кетдилар, – деди соқчи.

– Унда бозорга тушиб келишим керак. Пулни кимдан оламан? – сўради Саид Халил.

– Керакли масаллиқларни одамларимиз келтириб беришади.

Саид Халил бош ирғаб ошхона томонга ўтиб кетди. Айюбхон унинг изидан қараб қолди. Саид Халил йўл-йўлакай хаёлидан шундай фикрларни ўтказди: «Юз-кўзларидан шубҳали аломатларни пайқамадим. Ўзини гўё ҳеч нарса билмаган одамдек тутмоқда. Бу билан менга тузоқ қўймоқчими? Марказга юборган маълумотимни балки билмагандир. Сизганди ўша пайтнинг ўзидаёқ Баширға етказарди, одамлари келиб тугиб кетишарди. Муомаласидан ҳеч нарсадан беҳабардек. Бу йигитда нимадир бор, кутаман, биз бари бир яна тўқнашамиз».

* * *

Тонг ёришган бўлса-да, ерга бағрини бериб ётган бандилар ҳали ўзларига келишмаганди. Қоронғи хонадан зах ва пешоб ҳиди анқирди. Бу кимнингдир уйи бўлиб, қачонлардир бомба остида қолиб вайронага айланганди. Деворлари ёрилиб, ўртаси тешилган томи худди босиб қоладигандек қийшайиб турарди, баъзида томга босилган тупроқ тўкилиб турарди. Бандилардан бирининг қичқириви шерикларини хушига келтирди. Улар кўзларини очиб, ён-атрофга қарашди-ю, ўзлари билан кўнгилисиз воқеа рўй бергани эсларига тушди. Бурчакда ётган пахмоқ соқолли соқчи типирчилаб, ўзини гоҳ ўнга, гоҳ сўлга ташларди. Унинг ҳам, иккинчи соқчи билан Дэвиднинг ҳам қўл-оёқлари чилвир ипда боғлаб ташлангани боис ўринларидан туришолмасди.

– Сенга нима бўлди? – сўради иккинчи соқчи типирчилаётган шеригига қараб.

Унинг кўзлари косасига сиғмасди. Пешонасидан мунчоқ-мунчоқ тер қуюларди. Гапиролмас, фақат типирчилаб дод соларди. Шунда шериги девор тешиги томон ўрмалаб кетаётган илонни кўриб қолди. Бу кобра

эди. Шунда у пахмоқ соқоллига нима бўлганини фаҳмлади. Қийқириқ Дэвидни ҳам ҳушига келтирганди. У азобланаётган соқчининг фарёдига қулоқ солмади. Қўлларини чилвирдан бўшатиш учун чиранарди. Деворга суянган ҳолда сурилиб, шеригига ёрдам беролмаслигидан ўкинаётган ёш соқчига яқинлашди.

– Тугунни еч!

– Кўзим кўрмаса қандай ечаман, ўгирилишга ҳаракат қил, – жавоб қилди соқчи.

– Ўгирилолмайман, бармоқларинг билан пайпаслаб тугунни топ!

Соқчи унинг айтганини қилди. Бир амаллаб тугунни топди ва уни ечди. Дэвид увишган, қон қотиб қолган қўлларини укалаб, соқчининг билагини ҳам арқон азобидан халос этди. Илон захар солган соқчига ёрдам беришни ҳеч қайсилари хаёлларига келтиришмади. Вужуди терга ботган соқчининг нафаси қисиб, юраги бўғзига тикилганди. Дэвид ярим соатлик умри қолган, кўкариб кетган соқчига тикилиб:

– Сенга ёрдам бериш қўлимиздан келмайди, бизни кечир, биродар! – деди. Аслида соқчига ёрдам бериши, илон захрини сўриб олиши ва уни ўлим гирдобидан тортиб олиш имконияти борлигини биларди. Лекин истамади. Унинг тирик қолишидан ўлгани жосус учун афзал эди... Улар ажал қийноғида азобланаётган шерикларининг илтижосига қулоқ солмай, ташқарига чиқишди. Кун ёришиб қолганди. Бир-бирларига суяниб йўл бўйига етишди. Олисдан машина кўринди. У камокхона томондан келаётганди. Иккалалари бараварига қўл кўтаришди. Машина яқин келганда Дэвид хайдовчини таниб қолди.

– Содик-ку!

Ҳайдовчи тармозни босди.

– Бизни Башир жанобларининг идорасига ташлаб қўясан, – деди Дэвид унга.

– Ёнилғим оз, шаҳарга киролмайман!

Дэвид унинг қўлига юз доллар ташлади.

– Иложини топасан!

– Бир амаллайман, – деди хайдовчи пулни киссасига жойларкан..

– Фақат тезроқ!

Иккиси кузовга чиқишди. Машина ярим соат йўл босиб, Баширнинг идораси олдида тўхтади.

Башир эндигина идорага келганди. Дэвиднинг аҳволини кўриб юраги орқага тортди.

– Нима бўлди сенга?

– Фафур билан Қўлдошали кочди.

– Кочди?! – Башир қорақурт чаққан одамдек қичқириб юборди. Ранги ҳам кўкариб кетганди.

– Фафурни Саманганга жўнатгандим-ку!

Жон Дэвид бўлиб ўтган гап-сўзлардан уни хабардор қилди.

– Мулла Умар бизни ҳеч қачон кечирмайди. Икки-мизни ҳам дорга осади. Мен бу ҳақда Кашмирий жанобларини огоҳ қилишим зарур.

– Шошмасликни маслаҳат бераман – деди Дэвид, – назаримда улар ҳозирча шаҳардан чиқиб кетишмаган. Шу атрофда яшириниб юрган бўлишлари мумкин.

– Ўлимга маҳкум қилинган одамларнинг оёғи остида кулдиргичи бўлади. Жонларини сақлаш мақсадида кийикдан тез чопишади. Улар аллақачон чегарага етиб олишган.

– Мулла Умар уларнинг қочганини эшитса сени ҳам соғ қўймайди. Бу ишларнинг тепасида сен тургансан.

– Бироқ мен уларнинг қочишига шароит яратиб бермаганман. Таклифимизни қабул қилмагандан кейин Қўлдошалани ўлимга маҳкум этганман.

– Бу ишни вазминлик билан ҳал қилишимиз керак, – муроса йўлини танлади Дэвид. У ўзининг ночор аҳволга тушиб қолганлигини қарашлари билангина эмас, балки сўзлари билан фош қилиб қўйганди. Буни сезган Башир бир оз дадиллашди. Юрагида ўз манфаати учун хизмат қиладиган фикрлар чўғи алангалади..

– Қандай маслаҳат берасан?

– Ҳозироқ одамларингга топшириқ бер, қочоқларни изига тушишсин. Ишончим комил, уларни шу атрофда топишади!

– Фойдасиз, – эътироз билдирди Башир. Унинг ҳам юраги безовта эди. – Маслаҳатим ҳозироқ мамлакатни тарк эт. Акс ҳолда Қўлдошалининг ўрнига сени отишлари мумкин.

– Улар топилмас экан, мени бари бир отишади!

Башир унинг ғам чўккан кўзларига қаради.

– Ўзингга – ўзинг жазони тайинлаб бўлибсан. Энди бошлиқларингни хабардор қил. Мен эса Кашмирий жанобларини огоҳлантираман!

– Тўхта!

Башир Дэвидга тикилди. Унинг мовий кўзлари ичидаги қўрқувни фош қилиб турарди.

– Нима дейсан?

– Мен ўлишни ёки қамалишни истамайман. Яшашдан умидим бор. Ахир ҳали ёшман.

– Сени жазодан қутқариб қолиш қўлимдан келмайди.

– Амаллайсан!

Башир ўйга толди. Кейин сўради:

– Соқчилар қаерда?

– Улардан бири илон чақиб ўлди, иккинчиси остонангда.

– Ширин жонингни сақлаб қоладиган бирор нарсанг борми?

Дэвид бу ўлкада жонни сақлайдиган нарсани биларди.

– Қанча сўрайсан?

– Юз минг доллар, ундан камига келишолмаймиз.

– Бўлиб ўтган ишлар бошлиқларингнинг қулоғига етиб бормаслигига, менинг қамалиб кетмаслигимга кафолат берасанми?

– Пул ҳамма нарсадан ҳимоялайди. Лекин мен насияни, чекни хушламайман!

Дэвид чўнтаklarини тинтиб, беш минг доллар олиб Баширнинг олдига қўйди.

– Қолгани насиями?

Дэвиднинг юпқа лабларида кулги жилва қилди. Моувий кўзлари чакнади. Бу гал бошқа чўнтагига қўл солди. Ёнғокдек олмосни олди. Буни кўриб Баширнинг кўзлари ўйнаб кетди. У бундай жавоҳирнинг қиймати қанча бўлиши мумкинлигини яхши биларди.

– Назаримда сен таклиф қилган пулдан қимматроқ!
– деди Дэвид.

– Жонининг қадрига етган одамгина бойликнинг юзига қарамайди, – деди Башир пул билан олмосни чўнтагига яшираркан.

Башир ёрдамчисини чақирди.

– Ташқарида турган соқчини чақир!

Соқчи кирди.

– Қочоқларни турмадан олиб чиққанингни кимлар билади?

– Турма нозири.

– Нега уларни қочирдинг?

– Мен... – дудуқланди ранги оқариб кетган соқчи.

– Сен сотилгансан!

– Тақсир...

– Олдиндан тил бириктиргансан!

– Ё Парвардигор...

– Бу ишинг учун қанча пора олдинг?

– Яратган Эгамнинг қаҳрига учрай...

Баширнинг қўлида тўппонча қаердан пайдо бўлиб колганини Дэвид пайқамади, фақат тарсиллаб отилиб, соқчи кўкрагини чангаллаб ерга йиқилганида уни кўриб қолди.

– Гувоҳлар қолмаслиги керак, Дэвид жаноблари.

– Сизни ўз ишининг устаси деб айтишгани рост экан...

Башир ёрдамчилардан иккитасини ёнига олиб қамоқхонага жўнади. Нозир тутқунларнинг қочиб кетганидан ҳали беҳабар, аммо соқчиларнинг қайтиб келмаётганидан ташвишда эди. Баширнинг келганидан ажабланди.

– Тутқунларни америкалик сизнинг олдингизга олиб кетганди, – деди хайрон бўлиб. Баширнинг важоҳатини кўриб, юрагига ғулғула тушди.

– Улар соқчиларингни ўлдириб қочишган!

– Астафидуллоҳ!

– Ким сенга уларни қамоқхонадан чиқаришга топшириқ берди?!

– Дэвид...

– У ким сенга? Бир келгиндининг топшириғини бажариш ўз юртингнинг душманларидан афзалми? Сен Ватанингга, ҳазрат Мулла Умар жанобларига хоинлик қилдинг!

– Таксир...

– Сенинг бу хиёнатингни Мулла Умар жаноблари кечирмайди!

– Таксир...

– Сотқин!

Баширнинг тўппончасидаги ўқлардан икки донаси кетма-кет нозирнинг коптокдек қорнига қадалди.

Саид Халил эрталаб ишхонасига келганда, нохуш воқеа рўй берганини сезди. Айюбхон унинг қулоғига шишшиди.

– Ишлар чаток, Саид.

– Бирор жойга бомба тушдимми?

– Бомба тушса гўрга эди, ундан баттари бўлди.

– Тушунтириброк гапир.

– Мулла Умарнинг одамлари Баширни олиб кетишди.

– Нега олиб кетишади?

– Гуноҳ иш қилгандир-да!

– Афсус, энди мен ишдан ҳайдалибман-да!

– Хоҳласанг, сенга иш топиб беришим мумкин.

– Бу меҳрибончилигинг эвазига сенга берадиган ҳеч вақом йўқ.

– Таъмагир эмасман, савоб учун...

Саид Халил Айюбхоннинг сўзига аҳамият бермади. Ортига бурилди. Унинг кайфияти бузилганди. Ташқарига чиқаётганда Баширнинг хонасига қараб қўйди. Хиёл очик қолган эшикдан пўлат сандиқ кўриниб турарди. Чекистнинг юраги жиз этди. «Ичида мени қизиқтираётган нарса бўлиши мумкин».

– Менга бир пиёла қаҳва келтир! – ортидан қичқирди Айюбхон.

Бир оз ўтиб Саид Халил қаҳва олиб келди. Айюбхон унинг кўзларига тикилиб, қаҳвани қўлига олди. Саид Халил унинг ниманидир демоқчи бўлаётганини кўзларидан сезиб турарди.

Хонада Айюбхондан ўзга ҳеч ким қолмаганди. У қаҳвани ичиб бўлиб, Саидга юзланди.

– Рус тилида жуда чиройли гапираркансан, қаерда ўргангансан?

– Буни сенга нима дахли бор?

– Гапни айланторма, кимлигинг менга аён.

– Изимдан тушганингни сезгандим.

– Баширнинг топшириғи билан. У ҳаммадан шубҳаланади, айниқса янги келганлардан. Ҳар биримизнинг ортимизда одами бор.

– Демак, сени менинг изимдан қўйибди-да.

– Мен русман!

Саид Халил соқчининг қўзларига тикилди. Юз тuzилиши, ияклари, қулоғи билан кўзи оралиғидаги масофа, салласи орасидан чиқиб турган сарғиш сочлари, пешонаси ва қошлари ўртасидаги масофа унинг Европа миллатига мансублигини билдириб турарди.

– Рус бўлсанг нима қилишим керак?

– Исмин Сергей Васильевич Прохоров. 1953 йилда Москва яқинидаги Елец қишлоғида туғилганман. 1978 йили ҳарбий хизматга чақирилиб, бурчимни Афғонистондаги чекланган ҳарбий қисмда ўтаганман. 1981 йилнинг кузида мужоҳидлар асирга олишган. Улар мени Покистонга олиб кетишган. У ерда беш йил яшадим. Уч йил лагерда тарбиялашди. Менга Афғонистон фуқароси номига паспорт бериб, Кобулга ташлашди. Икки йилдан бери Баширнинг хизматидаман. У менинг Покистонлик эканлигимни билмайди.

– Нима мақсадда менга мутлақо қизиғи бўлмаган гапларни айтяпсан? – Саид Халил бу сўзларни унга ишонмаганлиги учун эмас, синаш мақсадида айтди.

– Юртимга қайтишни истайман! Бу ердаги уруш жонимга тегди. Тушларимда фақат ўликларни кўраман!

– Маслаҳатим, қоч! Амударёдан сузиб ўтсанг, Ҳамдўстлик мамлакатлари ҳудудига кириб борасан. Чегарачиларга тушунтирасан. Улар сени Россияга жўнатишади. Бунинг қийин жойи йўқ.

– Қамашади.

– Айбинг бўлмаса қўйиб юборишади...

– Айбим керагича топилади, лекин одам ўлдирманман. Покистондан қурол олиб ўтишда қатнашганман, холос...

Саид Халил нари кетди.

– Унда қандай гуноҳ қилгансан?

– Ҳарбий қасамёдимга хиёнат қилганман!

Кечки пайт Айюбхон яна унинг олдида пайдо бўлди.

– Башир ўзини ўзи отиб ўлдирибди, яқинда эшитдим. – деди шивирлаб.

Саид Халил кечкурун кулбасига қайтди. Йўлда миршаблар уни тўсишди. Кимлигини суриштиришди. Баширнинг идорасида ишлаётганлигини айта олмасди. Агар уни хоинликда айблашадиган бўлишса, Саид Халилни ҳам қамаб қўйишлари мумкинлигини биларди.

– Кимсан? Бемаҳалда қаердан келяпсан?

– Ишдан, – жавоб қилди Саид Халил.

– Қаерда ишлайсан?

– Карвонсаройдаги ошхонада.

– У ўтган кунни портлатиб юборилган! Гапларингдан ёлғоннинг иси келмоқда.

Саид Халилнинг тили тутилди. Миршаббоши шерикларига ишора қилди. Улар гумон қилинувчини олдиларига солиб миршабхона томон олиб кетишди. «Қандай баҳона топсам, булар сўзимга ишонишади? Ишонтиролмасам, қамашади. Бу дегани барча ишларнинг барбод бўлиши дегани. Миршаббоши мендан шубҳаланди. Энди осонликча қўйиб ҳам юбормайди. Балки ҳақиқатни айтганим маъқулдир».

Миршаблар Саид Халилни олдиларига солиб, ой нури тушиб турган тошлоқ йўлдан ўз идоралари томон кетиб боришарди. Йўлдан машиналар, одамлар ўтиб турарди. Ҳавода нохуш ҳид анқирди. Саид Халил қочишга қарор қилди. Одамлар гавжум жойга борганда ўзини уларнинг ичига уришни ўйлади. Бироқ бунга

улгурмади. Аниқроғи, бирдан қулоғига Айюбхоннинг овози чалинди. У ортига қайрилди. Айюбхон икки қадам ортда миршаббоши билан гаплашиб турарди.

– Мен Кашмирий жанобларининг хизматиданман, – деди миршаббошига. – Бу йигит бизнинг одамимиз. Қўйиб юборишингизни сўрайман.

– Кашмирий жанобларининг одами эканлигингизни тасдиқловчи хужжатингиз борми?

Айюбхон миршаббошига ёрлиғини кўрсатди. Форс ва инглиз тилида ёзилган ёзувларга кўз югуртирган миршаббоши илтифот билан Айюбхоннинг қоғозини қайтариб берди.

– Маъзур тутинг, Айюбхон. Бу йигит ошхонада ишлайман деб бизда гумон уйғотганди.

– У ҳақ гапни гапирган, чиндан ҳам у бизнинг ошхонамизда хизмат қилади. Лекин ўзингизга аёнки, бизнинг идорамизда ишлашини сир сақлашга мажбур.

– Яна бир бор маъзур тутинг, Айюбхон жаноблари, – таъзим қилди миршаббоши.

– Хечкиси йўқ, тақсир, бу сизнинг вазифангиз. Бурчингизни сидқидилдан бажардингиз.

Миршаббоши таъзим қилиб, шерикларини эргаштириб кетди.

– Бундан кейин уйингга кеч қайтмагин, – деди Айюбхон миршаблар нари кетгач, – агар улар сени миршабхонага олиб боришганда, кимлигингни рўй-рост айтмагунингча дарра билан савалашарди.

– Яхшилигингни унутмайман, – деди Саид Халил.

У хайрлашиб кулбасига кириб келди. Энди унинг фикру ёди Айюбхонда эди. «Ҳақиқатан ҳам гаплари ростми? Агар Покистондаги лагерда сабоқ олган бўлса, Россия худудига ташланадиган «десант»чиларнинг қаерда машғулот ўтаётганини билиши керак. Бироқ аввал бошлиқлар билан маслаҳатлашиш керак. Агар

улар алоқа ўрнатишга розилик беришгудек бўлишса, аввало Баширнинг сандиғидаги қоғозларни қўлга киритиш керак».

Саид Халил ётоғига келиб беркитган жойидан алоқа воситаларини олиб, асирга тушган аскар Сергей Прохоров ҳақида маълум қилди. Прохоров ўзи ҳақидаги гапларни рост айтганди. Унинг бедарак йўқолганлиги тасдиқланди. Марказ у билан шопилмасдан, эҳтиёткорлик билан ишлаш вазифасини топширди. «Энди у билан ишлаш керак» ўйлади чекист. Саид Халилнинг кўнглидаги шубҳалар оз бўлса-да тарқаганди.

ИСТАНБУЛ

Баққол Туркияга келган заҳотиёқ ўзининг эски кадрдонларига сим қоқиб, «Озод Туркистон» жамиятининг раиси этиб тайинланганлигини, кенгаш иши қайта кўриб чиқилишини, янги номзодлар қабул қилинишини маълум қилди. Эрталаб унинг қўл телефони жиринглаб қолди. Кўнғироқ қилаётган яқинларидан бири Мустафо афанди эди.

– Балки эшитмагандирсиз, Баққол жаноблари, – деди ҳаяжонини боса олмай Мустафо саломлашиб бўлгач.

– Бирор янгилик содир бўлдими, афандим? – шошиб сўради Баққол.

– Содир бўлганда ҳам ўта оламшумул воқеа рўй берди. Ҳа, гапимга ишонаверинг!

– Унда юрагимни пўкиллатмасдан айта қолинг тезроқ!

Мустафо томдан тараша тушгандек айтди-қўйди:

– Башир ўзини ўзи отиб ўлдирибди!

– Тушунмадим, – деди юраги ортга тортиб кетган Баққол.

– Башир ўз жонига қасд қилибди деяпман!
– Ё Раббим! Ахир бир ҳафта муқаддам биз учрашиб суҳбатлашгандик.

– Бу қисмат, афандим.

– Ҳа, бахтга қарши, эшитган бу хабарим мен учун ўта нохуш янгилик бўлди!

Мустафо Баққолнинг кўнгли чўкканлигини сизди.

– Тушунаман, афандим, бу қайғули хабарни сизга етказиш оғир эди менга...

Баққол бир дақиқа жим қолди. Гўшакдан Мустафoning пишиллаб нафас олиши эшитилиб турарди.

– Сиз билан кенгашадиган маслаҳатли иш бор, – ниҳоят тилга кирди Баққол, – Уйимга келиб кетишга вақт топа оласизми?

Мустафо Баққолнинг катта бойлик эгаси эканлигини биларди. Қандай қилиб бўлмасин, унинг ишончини қозонишни, шу йўл билан унинг яқин одамларидан бирига айланишни орзу қилиб юрарди. Жамиятни бошқариш чекига тушганини эшитганда, тезроқ унинг пинжига кириш орзусида юраги ёнганди. Таклифга эътироз билдирмади.

– Сиздек мухтарам зотнинг суҳбатида бўлиш каминанга учун шараф, азизим.

– Унда сизни уйимда кутаман. Бир пиёла қаҳва устидан бамайлихотир гурунглашиб оламиз.

Икки соат ўтиб, Мустафо шаҳарнинг қоқ белидаги Баққолнинг мухташам уйида ҳозир бўлди. Улар қўлларидан қаҳвани эрмак қилиб, гурунглашиб ўтиришди.

– Башир билан кенгаш ишини жонлантириш мақсадида гаплашгандим, афсуски, унинг вафоти менинг юрагимни худди бўрон киргандек ҳувиллатиб ташлади. Яхшики унинг Швейцария банкидаги ҳисобига маблағ ўтказмаганим.

– Ваъда берганмидингиз?

- Ҳа, икки юз эллик минг!
- Худо асрабди сизни.
- Ҳақсиз, афандим.
- Кенгашнинг бошқа аъзоларидан кимлар қолди?
- Мен танимайдиган яна бир йигит бор. Баширнинг айтишига қараганда, у анчагина ҳаракатчан, кенгаш ишига жон куйдирадиган фидойилардан эмиш.
- Эшитишимча, кенгашнинг ортида Мулла Умар, Кашмирийлар бор экан.
- Ҳақсиз. Бироқ улар кенгаш ортида туришади.
- Мулла Умар билан Кашмирий сизнинг кенгаш ишини қабул қилиб олганингиздан хабардорми?
- Мен Афғонистонда бўлганимда фақат Башир билан кўришдим. Назаримда у кенгашни бошқариш каминанинг зиммасига юкланганлигини Мулла Умарга ҳам, Кашмирийга ҳам айтган бўлса керак.
- Бир оз шошибсиз, афандим, – деди Мустафо бошини чайқаб. – Афғонистонга ўтганингизда ҳеч бўлмаганда Кашмирий билан кўришиб, танишиб олганингизда чўнг иш бўларди. Балки Башир сиз ҳақингизда уларга ҳеч нима демагандир?
- Йўқ, Башир мен тўғримда Мулла Умарга албатта айтган, – ишонч билан деди Баққол.
- Ишончингиз комилми?
- Албатта. Башир менга «Ҳазратимнинг кўнглини олишингиз керак», – деб тайинлади.
- Нима билан кўнглини олишингиз керак экан? – худди мактаб ўқувчисини сўроққа тутгандек савол бера бошлади Мустафо.
- Кўнглини оладиган нарса ўта хатарли бўлибгина қолмай, балки анчагина ақчани совуришга ҳам тўғри келади.
- «Кўйнидан тўкилса кўнжига» деган нақл бор. Пул кетса кетар, қандай қилиб бўлмасин Мулла Умарнинг

кўнглига йўл топинг. Балки бу борада каминанинг ёрдами аскотиб қолар?

Баққол Мустафонинг қўлидан кўп иш келишидан, қатор Европа давлатларидаги махсус хизмат ташкилотларида яқин танишлари борлигини биларди. Гапни узоқдан бошлади.

– Башир Мулла Умар синологининг ҳозирда эгаллаб турган шаҳар ва қишлоқларни бирин-кетин ғанимларига ташлаб чиқиб кетаётганидан қаттиқ ташвишда эканлигини айтганди...

– Ё Раббим! Бу қандай кўрғилик. Ҳазрат мамлакатни ўз тасарруфига олганини дунё рўзномалари жар солиб ёзишмоқда-ку...

– Назаримда ҳазрат ўз ғалабасига ҳаддан зиёд ишониб юборган. Ўз халқининг ғазабини келтирадиган ишларга қўл урди. Чолларнинг, болаларнинг бошини дорга илди. Муқаддас жойларни вайрон қилди. Унинг ғоялари инсоният манфаатига хизмат қилиш эмас, балки ўтмишнинг қора балчиғига ботиришдан иборат эканлигини кўпчилик тушуниб етди. Ўзини қўллаб келаётган давлатларни назар-писанд қилмай қўйди. Ўртада келишмовчиликлар, зиддиятлар юзага чиқди. Ҳозир синологнинг қўлида қуроллар, ўқ-дорилар қолмаган. Айрим пулдорлар унинг пинжига суқилиб кириб, ҳазрат билан алоқа қилиб турган давлатлар билан ўртасидаги муносабатни бузишга уринишмоқда. Мулла Умарнинг боши қотган. Мудофаа қудратини мустаҳкамлаш, одамларни ўзига жалб этиш тўғрисида қайғурмоқда. Унга оғир техникалар ҳаводек зарур. Башир «Агар ҳазратнинг кўнглини олмоқчи бўлсангиз ўн дона «Град» топинг. Шу қуролларни чегарадан ўтказиб берсангиз, Мулла Умар сизни ўз инисидай суйиб, одамларингиз учун барча шароитларни яратиб беради. Афғонистон

ўзингизники бўлиб қолади. Бу мамлакатда ҳар қандай ишни қилишга ҳақли бўласиз» деганди.

– Зўр имконият! – хитоб қилди Мустафо.

– Бироқ унинг шартини бажариш осон эмас.

– «Град» қандай қурол?

– «Катюша»га ўхшаган мослама.

– Уни топса бўладими?

– Тожикистонда русларнинг ҳарбий қисми жойлашган. У ерда ўтгиздан ортиқ «Град» бор эмиш.

– Демак, бу муаммони ечса бўлади... Рус генералларининг кўнглини оладиган одам топилса бас, қуроллар ўз-ўзидан чегарадан ўтаверади.

– Шу масалада сизнинг ёрдамингиз керак, афандим.

Мустафо ўзига билдирилган юксак ишончдан, айнан Баққолдек одамнинг иши тушаётганидан ичида мамнун бўлди.

– Ишончли дўстлар топилади, бироқ сиз томондан ҳам ишончли вакил бўлиши керак. Шунда бу масала осонроқ ечилади, афандим.

– Мен кенгаш раислигини яқинда қабул қилдим. Ҳозирча сиздан ўзга ишончли ҳамкорим йўқ.

– Яхшилаб ўйлаб кўринг, бу ўта жиддий масала, бу сизга бўлган юксак ишонч ва имконият. Мулла Умар билан яқинлашиш, дўстлашиш учун бундан ортиқ имконият қайтиб келмаслиги мумкин. Ҳар қандай бойликдан воз кечиб бўлса-да, ҳазратнинг ишончига киринг. Ўн дона қурол билан сиз бутун Афғонистоннинг эгаси бўлишингиз, истаган ҳудудга эгалик қилишингиз, одамларингизни жойлаштиришингиз мумкин.

Бу гаплардан Баққолнинг юрагига ўт тушди. Мустафо ўзининг ўтқир нигоҳлари билан буни илғаб олди ҳамда гапида давом этди:

– Сиз топадиган одам ҳам айнан Афғонистонлик бўлса, нур устига аъло нур бўлур эди. Кетмоннинг со-

пини ўзидан чиқариш керак-да, афандим! У Мулла Умар билан бевосита воситачилик қилади, талабларингизни ҳазратнинг қулоғига етказди.

Баққол ўйга толди. Кейин кўнглидан кечган гапни тилига чиқарди.

– Сиз айтгандек одам бор. Башир уни ўта зийрак, абжир эканлигини, ҳар қандай топшириқни бажариш қўлидан келишини айтганди.

– Ким экан у?

– Боя айтган йигитим.

– Исми?

– Бўрон!

– Бўрон?

– Шундай.

– Қаерда у?

– Ҳозир ҳазратнинг топшириғи билан Чеченистонда. Лекин қачон қайтишини ҳатто Башир ҳам билмаслигини айтганди.

– Гапларингизга қараганда, у ҳазратнинг ўта ишончли одами эканлиги билиниб турибди. Уни зудлик билан топинг. Кенгашнинг тизгини қўлингизда экан, бундан буёғига аъзоларингиз дунёнинг қайси бурчагида бўлмасин, уларнинг қандай нафас олаётганини билишингиз шарт. Бўрон билан алоқага чиқинг!

– Афсуски, ҳозирда унинг қаерда, қандай юмушлар билан бандлигидан мутлақо беҳабарман.

– Ҳаракат қилсак топамиз, – деди ишонч билан Мустафо.

Баққол меҳмонга ялт этиб юзланди. Унинг кўзларида «Барча умидим сиздан, Мустафобей» деган маъно акс этиб турарди. Мустафо буни илғабгина қолмай, балки ўзининг ҳар бир сўзи билан Баққолнинг бурни учидан кўринмас ип билан боғлаб, ўзига итоат қилишга мажбур бўлаётганлигини ҳам тушунди.

– У билан бўладиган учрашув ўта махфий ўтиши керак. Мулла Умарнинг одамлари хабар топгудек бўлса, ўртамизга нифоқ тушиши аниқ, – деди Баққол.

– Бу ёғини менга қўйиб беринг, афандим. Сизларни учраштириб қўядиган ишончли одам топаман. У Чеченистонга ўтиб, Бўронни жангарилар орасидан топади ва сизнинг топширигингизни етказди. Фақат у сиз билан бизни сотиб қўймаслиги шарт.

– Баширнинг сўзларига қараганда Бўрон кенгашнинг фаолияти учун жонини тиккан эмиш. Қолаверса, унинг тилини тишлари орасида маҳкам сақлашга мажбур қиладиган нарса бизнинг қўлимизда!

Улар кулишди.

– Уни Туркияга олиб ўтиш ҳам қўлимиздан келади..

– Наҳотки?

– Ишонаверинг, биз қайси ишга қўл урсак, албатта буни тутун чиқармайдиган қилиб бажарамиз!

– Бу ерда таниб қолишлари мумкин.

– Йўли топилади, афандим.

– Мени хабардор қилинг!

Мустафо жим қолди. Унинг сукут сақлаб туриши Баққолнинг юрагини пўкилатди.

– Таниш докторларим бор. Улар ҳар қандай ёшдаги, кўринишдаги одамнинг қиёфасини бир ҳафта ичида тукқан онаси танимайдиган даражада ўзгартириб беришга қодирлар.

– Тасанно! Қўлингиздан кўп ишлар келишига ақлим етганди, Мустафо афандим, – деди кўзлари чакнаб Баққол. – Бу ишга тезроқ киришишимиз керак!

– Менинг бир танишим бор. У билан учрашиб, бу масалада гаплашиб қўраман.

– Уни танийманми?

– Истасангиз учраштириб қўяман.

– Бошим осмонга етарди... Қачон қўришамиз?

– Истаган пайтингизда.

– У Чеченистонга ўтиб, Бўронни топишига ишона-сизми?

– Нафақат топади, истасангиз шу ерга келтириб ҳам беради.

– Мени ғоят бахтиёр этдингиз, Мустафо афандим. Ўша танишингиз билан тезроқ кўришаман деган умид-даман.

– Индинга сизга қўнғироқ қилиб, учрашув вақтини маълум қиламан.

– Мен сизлар учун ажойиб овқат буюртириб қўяман!

– Ҳозир менга ижозат берасиз. Қайтмоқчиман. Қиладиган юмушларим бор.

– Кечки овқат устида ажойиб суҳбатингиздан баҳраманд бўлиш истагида эдим.

Мустафо ўрнидан турди. Эшик олдида келганда муҳим гап ёдига тушгандек Баққолга юзланди.

– Ўйлайманки, менинг холисона меҳнатларим сиз томонингиздан муносиб тақдирланади, – деди овозига сирли тус бериб.

– Режаларимиз амалга ошса, кенгашнинг ҳисоб-ки-тоблари сизнинг қўлингизда бўлади! – жавоб қилди Баққол.

Мустафо жавобдан қониқиш ҳосил қилди.

– Ниятингизга етинг, афандим.

– Дарвоқе, Башир ўлган бўлса Мулла Умарнинг топшириғи нима бўлади? Ким сизларни бир-бирингиз билан боғлайди?

Баққол худди унутган нарсаси бирдан ёдига тушгандек Мустафога юзланди.

– Буни қаранг-а, ёдимдан қўтарилибди, сиз қандай маслаҳат берасиз, афандим? – Баққол меҳмонга умид билан тикилди. Унинг қўзларидан маслаҳатга мухтож эканлиги сезилиб турарди.

Мустафо ўзини янада Баққолга яқин олиш фурсати келганлигини тушунди.

– Менимча, Кашмирий жаноблари билан алоқага чиқадиган ишончли одам топишимиз керак!

Баққолнинг хаёлига яна Бўрон келди...

КОБУЛ

Кутилмаганда Мулла Умар Кашмирийни йўқлаб қолди. У ўша захотиёқ толибонлар етакчисининг хузурига йўл олди. Кашмирий қароргоҳда толибонларнинг шарқий фронт саркардаси Али Акмални учратаман деб сира ўйламаганди. Унинг ёқимсиз ва совуқ чехрасини кўргандаёқ кайфияти тушиб кетди. Қўлини узатар экан, ичидаги ғазабни юзага олиб чиққан юзини сохта жилмайиш билан яширишга уринди. Соқчилар Мулла Умарнинг пешин номозини адо этаётганини маълум қилишди.

– Синоларингизнинг Ҳирот шаҳрини ташлаб чиқиб кетганидан қаттиқ афсусдаман, – деди Кашмирий хамдардлик билдирган одамдек синиқ товушда.

– Буни мағлубият деб тушунманг, тақсир, – захархандалик билан жавоб қайтарди Али Акмал. – Шунчаки ҳарбий тактика ишлатдик. Сиздек тажрибали одам синоларимиз нима мақсадда шаҳарни қаршиликсиз ташлаб чиқиб кетишганини яхши биласиз деган умиддаман.

Бу гапларда аччиқ кесатик яширинганини Кашмирий тезда илғаб етди.

– Тактика юзлаб синоларни қурбон бериш эвазига эмас, балки ҳийла-найранг билан амалга оширилади. Қолаверса, кейинги бир ярим ой давомида синоларингиз иккита катта вилоятни, ўнлаб қишлоқларни фанимларимизнинг қўлига топшириб чиқиб кетишди. Бу ҳам ҳарбий тактикамиди, мухтарам Али Акмал жаноблари?!

– Назаримда биз ташлаб чиқиб кетган қишлоқ ва вилоятлар биз учун ҳеч қандай ҳарбий аҳамиятга эга эмаслигини билмасангиз керак, Кашмирий, – энди уларнинг ўртасида очиқчасига сўз жанги кетаётганди. – Синоларимиз у ерда қиладиган ишларини бажариб бўлишганди. Бу жойлар ғанимларимизнинг қўлига ўтгани билан улар бирор нарсага эриша олмайдилар.

– Вақти келиб, бой берилган шаҳарлар биз учун қандай аҳамиятга эга эканлигини тушуниб, бармоғингизни тишлаб қолмасангиз деб қўрқаман.

Али Акмалнинг сабр косаси тўлди.

– Мабода ҳазратимнинг олдига шу гапларни айтиш мақсадида келган бўлсангиз, огоҳлантириб қўйишим мумкин, биз бу ҳақда у кишини огоҳ қилганмиз.

Кесатиқ Кашмирийга қаттиқ таъсир қилди. Таслим бўлишни ўзи учун ор деб билса-да, ўзини Али Акмалга яқин кўрсатиш мақсадида:

– Менинг виждоним дўстларни сотишдан, улар ҳақида ёмон фикрга боришдан қийналади, – деди қалин лаблари кулгидан қийшайиб.

Али Акмалнинг юзида ҳам кулги ҳосил бўлди ва улар бир-бирларининг кўзларига қараб, ўзлари тушуниши мумкин бўлган маънони уқиб олдилар.

Шу пайт эшик очилиб, ичкаридан қоп-қора кийимдаги соқчи чиқиб келди.

– Ҳазратим сизни кутмоқдалар, – деди Кашмирийга юзланиб.

Мулла Умар пешин номозидан кейин яна ўзининг жойини эгаллаганди. Ҳар доимгидек дераза остида туя жуни солинган кўрпачада қўлидаги тасбехни ўгириб ўтирарди. Уни кўрган ҳар қандай одам «Ҳазрат ибодат билан машғул бўлса керак» деб ўйлаши табиий эди. Бироқ унинг фикри мамлакат тақдири билан банд эди. Қўлдан кетаётган вилоятлар, қишлоқлар,

синолар ўртасидаги келишмовчиликлар, айримларни душманлар томонига ўтиб кетаётгани кечаю кундуз хаёлини банд этар, қахрини қўзғатарди. Ташқаридан келаётган қурол-аслаҳалар, ўқ-дорилар, кийим-кечаклар, оқин сувдек оқиб келаётган маблағларнинг кети кўришиб қолганди. Мулла Умарга қаттиқ ишонган бойлар, ҳомийлар толибонларнинг кичик армия ва кучга эга бўлган душманлари устидан ғалаба қозонолмаётганидан, кейин эса эгаллаган шаҳарларни қаршиликсиз ташлаб чиқиб кетаётганидан, мамлакат аҳолиси ўртасида толибонларга нисбатан норозиликнинг кучайиб бораётганидан ташвишга тушиб қолишди. Уларнинг узокни кўзлайдиган нигоҳларида Мулла Умар кун сайин ожизланиб бораётгандек кўринарди. Шу мақсадда улар ўзларининг Афғонистонга ташлаётган сармояларини ўйлаб сарфлашга, бир пайтлар оғзини очиб қўйган маблағ тўла бўхчаларининг оғзини қисибга тушиб қолгандилар. Четдан келаётган ёрдам гарчи ҳали тўхтамаган бўлса-да, анча қисқариб қолганлиги толибонлар етакчисини жиддий ташвишга солиб қўйганди. Бунинг устига Покистондан ўтаётган қурол-яроғлар ғанимларнинг қўлига тушиб қолди. Бу катта йўқотиш бўлибгина қолмай, беҳисоб маблағларни ҳавога совуриш ҳам эди. Қуроллар айнан толибонларнинг қўлига ўтгандан кейин душманлар макр ишлатиб, устомонлик билан уларни тортиб олишди. Мулла Умар салкам бир миллиардлик қуролларнинг ҳақини тўлашни гарданига олишга мажбур бўлди. Айнан шу масалада жиндай зиддиятлар ҳам юзага келди. Қурол билан таъминлаб келаётган кимсалар Мулла Умарга «Аввалги қарзингизни тўлаб қўйинг» деган шартни қўйишди. Толибонлар етакчиси ҳақли бу талабни бажаришга мажбурлигини тушунган холда, улар билан юзма-юз бўлишдан ўзини олиб қочди. Бундан ташқари минглаб синоларни боқиш, кийин-

тириш, моддий жиҳатдан рағбатлантириш ҳам керак эди. Омбордаги захираларнинг таги кўриниб қолганди. Мулла Умар Чеченистонга жўнатилган қуролларга энди афсус қила бошлади. Сотувга чиқарган қорадориларга тўланадиган маблағнинг келадиган вақти аллақачон ўтиб кетганди. Бўрон унинг сўзларини Зелимхонга етказган, қуроллар одамларининг қўлига теккан бўлса, нега маблағдан шу кунгача дарак йўқ? Мулла Умар айнан шу саволга жавоб олиш мақсадида Кашмирийни хузурига чақиртирганди.

Кашмирий ичкарига кириб, енгил томоқ кирди ва хурмат юзасидан қўлини кўксига қўйиб бошлиғига салом берди. Мулла Умар вазминлашиб қолган бошини кўтарди, нигоҳини эшик томон қаратди. Кашмирийнинг келиб қўлини олиш учун бош силкиб ижозат берди. Жосуслар бошлиғи ҳазратнинг қўлини олди. Кейин дуо қилди.

– Чеченистондан хабар борми? – сўради Мулла Умар синиқ товушда.

– Куни кеча хабар олдик. Одамимиз Зелимхоннинг одамлари билан учрашибди. Буюмни уларнинг қўлига топширибди.

– Нега Зелимхоннинг ўзи билан учрашмай, унинг одамлари билан учрашади?

– Ҳазратим, Зелимхон ҳозирги кунда Москвада, музокаралар ўтказмоқда.

– Музокарадан ижобий натижа борми?

– Президент Зелимхоннинг талабларини инобатга олмади. У рус армияси Чеченистонда қолади деб очиқ айтди.

– Зелимхоннинг қўлидан бир иш келишига ишонмагандим.

– У сизнинг топшириқларингизни бажарди. Давлат бошлиғини юзма-юз музокарага ўтиришга мажбур қилди.

– Бу русни таслим қилди, шартига кўндирди дегани эмас.

– Дунё оммавий ахборот воситалари Зелимхоннинг Кремлдаги учрашувини руслар устидан қозонилган дастлабки ғалаба деб эътироф этишмоқда.

– Мухбирларнинг иши жар солиш, шов-шув кўтариш, бир-бирларига қайраш!

– Ельцин музокараларни Грознийда давом эттиришга ваъда берибди.

– У қачон келаркан Грознийга?

– Яқин кунлар ичида.

– Яндарбиевнинг ақли бўлса, бу имкониятдан фойдаланиб қолади. Мамлакатда уруш кетмоқда. Бу урушда бир қатор мамлакатларнинг кўнгиллилари катнашмоқда. Уруш бўлаётган юртда ҳар қандай тасодифлар, кутилмаган тўқнашувлар бўлиши табиий. Бунинг учун Яндарбиевни ва унинг тарафдорларини бирорта халқаро ташкилотлар айблай олмайди. Гапимни тушунгандирсиз?

Мулла Умарнинг мақсади Кашмирийга аввалдан маълум эди. Шу сабабли «тушундим» деб қўйди.

– Басаев деганлари ҳали ҳам тирикми?

– Тирик, ҳазратим.

– Яндарбиев удда қила олмайдиган ишларни у бажариши мумкин. Менинг мақсадимни унинг қулоғига етказиб қўйинг!

– Бу қутлуғ хабар бугуноқ унинг қулоғига етиб борди, – жавоб қилди Кашмирий.

– Одамингизга тайинланг, Яндарбиев билан учрашган заҳотиёқ аввалги ҳақларимизни қайтариб беришини талаб қилсин.

Кашмирий қурол-яроғлар билан боғлиқ воқеани айтиш мавриди келганлигини тушунди.

– Ҳазратим, камина сизнинг хушнуд қалбингизни ранжитиш фикридан йироқман. Аммо айрим нохушликлардан хабардор қилиб қўйиш менинг бурчим.

Мулла Умар хушёр тортди. Қоши чимирилиб, кўзини айғоқчилар етакчисига тикди.

– Қандай нохушликлар? – сўради овози титраб.

– Қурул-аслаҳа ва «дори» олиб борган одамларимиз яширин ғор ичидаги йўлакка киришганида руслар огоҳ бўлиб қолишган ва ҳеликоптер¹ билан ғорнинг кириш ва чиқиш томонларини портлатиб ташлашган.

Бу нохуш хабар толибонлар етакчисининг миясига бигиз санчгандек таъсир қилди. Ўтирган жойидан туриб кетди.

– Юз миллионлик қуруллар ғор ичида қолиб кетди-ми? – деди ўшқириб.

– Бахтга қарши шундай воқеа рўй берди, ҳазратим.

– Бу кимнинг ҳудудида бўлган?

– Зелимхоннинг ҳудудида. Одамлари юкни қабул қилиб олишган.

– Бу ҳақда Зелимхон хабардорми?

– Унинг одамлари ҳам ғор ичида қолиб кетган.

– Демак, жавобгарлик тўла унинг зиммасида. Биз қурулларни ва «дори»ни чегарагача етказиб бериш мажбуриятини олганмиз. У юк ҳақини юз фоиз тўлашга мажбур.

– Шундай.

– Одамнингизга хабар қилиг, Зелимжон бир ой муҳлат ичида қарзларини қайтарсин! Акс ҳолда... – Мулла Умар акс ҳолда нима қилишини билмай тилини тишлади.

– Тушундим, ҳазратим.

– Кейин босган ҳар бир қадамидан бизни огоҳ қилиб турсин. Ельцинни армиясини мамлакат ҳудудидан

¹ Хеликоптер – вертолёт

олиб чиқиб кетишга кўндира олмаса, бирорта давлатга қочиб кетиши мумкин!

– Ер кўррасининг барча нуқталарида айғоқчиларимиз бор. Шундай бўлгач, биздан қочиб қутулолмайди, ҳазратим.

– Эргашнинг одамларининг аҳволи қандай? – кутилмаганда сўраб қолди толибонлар етакчиси.

– Лагердаги шароит яхши эмас, ҳазратим, одамларининг кўп оч, озиқ-овқат етишмаяпти.

– Мен унга ҳар ойда икки юз эллик минг доллар тўлаяпман. Пулни нимага сарфлаётганини назорат қилдингизми?

– Лагердаги одамимиз Чеченистонга ўтиб кетганидан кейин у ердаги вазиятдан яхши хабардор эмасман, – гуноҳкорлардек паст овозда жавоб қайтарди жосуслар етакчиси. – Аммо муҳим бир янгликдан хабар топдим.

– Қандай янгилик экан?

– Эргашнинг хорижий банкларда сармояси бор экан.

– Қанча?

– Беш юз миллион.

– Бу сармояни қаердан олган бўлиши мумкин?

– Одамларимиз аниқлаяпти, ҳазратим.

– Агар мен озиқ-овқатга ажратган маблағларни беркиткча банкка қўяётган бўлса, зудлик билан унинг баҳридан ўтишга тўғри келади.

– Бир ҳафта ичида сизга аниқ маълумот етказаман, ҳазратим.

– Ўрнига одам тайёрланг!

– Мирзааҳмадни танладим.

– Лашкарлар бошлиғими?

– Шундай, ҳазратим.

– Менга маъқул! Яна бир гап, – деди Мулла Умар овозига сирли тус бериб.

– Қулоғим сизда, ҳазратим.

– Эргашнинг юртга қочиб ўтаётган одамлари телевизорларга чиқиб бизларни дунёга шарманда қилаётганмиш. Назаримда бизнинг жим туришимиз адолатдан эмас...

– Ҳақ гап, ҳазратим.

– Бирор ўйин ўйлаб топинг-ки, биз ўзбеклардан қасос олишимизга асос бўлсин. Масалан, хорижда юрган бозиргонларнинг икки-учтасини ушлаб келиб, синоларимизнинг ичига ташланг. Биз уларни мухбирларга рўпара қилиб, «Ўз хоҳишимиз билан толибон дўстларимизга ёрдам бериш мақсадида бу ерга ўтиб, қўлимизга қурол олиб жанг қилмоқдамиз» деб гапиртирамиз. Уларнинг бу гапларини дунё ахли эшитади.

– Жуда гўзал фикр, ҳазратим, – Кашмирий қўлини кўксига босиб деди. Айни чоғда унинг кўз ўнгига бундай ишларни қойилмақом қилиб удалайдиган одамларидан бири Зоир келди...

* * *

Ичкарига кириш учун навбат кутиб турган Али Акмал Кашмирий томонидан «Синоларингиз катта шаҳарларимизни душманларга қаршиликсиз ташлаб чиқиб кетмоқда» деб айтган таънаомуз сўзларини ҳазм қилолмай, жосуслар етакчисидан ўч олишни ўйлаб ўтирарди. Бу хабар билан Мулла Умарнинг қулоғини қизитгудек бўлса бас, тақдири қандай яқун топишини ўзгаларга нисбатан у яхшироқ тушунади. Кашмирий анойи эмас, ҳамма иликнинг ёғини ялашни хуш кўрса, у илоннинг ёғини ёқтиради. Мулла Умарнинг ўзига қарши турганини сезса, албатта унинг барча шубҳа ва гумонларини парчалаб ташлашга куч топа олади. Улар орасидаги муносабатни унча-мунча совуқ хабарлар

бузолмасди. Шўро ҳукуматининг аскарларига қарши биргаликда курашишган. У пайтлар Кашмирий анча чаккон ва уддабурон эди. Кечалари уйқуни, оромни билмасди. Деярли ҳар куни Шўро аскарларига, техникаларига талофот етказиб келар ва бу иши учун Мулла Умар томонидан муносиб тақдирланарди. Мулла Умар ўлдирилган аскарлар, пачақланган ҳар бир техника учун Покистонга ўрнашиб олган ҳомийларидан каттагина маблағ оларди. Арзимас қисмини Кашмирийга эҳсон қиларди. Аслида Кашмирийни маблағ қизиқтирмасди. Қачонлардир Мулла Умар мамлакат тепасига келгудек бўлса, каттароқ мансабни эгаллашни орзу қиларди. Унга яхши қўриниш, эътиборига тушиш мақсадида тиним билмай ишлади. Кутилмаганда содир бўлган воқеа ҳақиқатан ҳам орзуларини рўёбга чиқарди. Бир тўда мужоҳидлар қўшни давлатлардан ёрдам олишга кўзлари етмай, океан ортидан ҳомий излашга мажбур бўлишди. 1985 йилда олти нафар мужоҳиддан иборат делегация океан ортига сафар қилди. Улар сафида Кашмирий ҳам бор эди. Президент уларни шаҳар четидаги қароргоҳида қабул қилди. Мужоҳидлар Шўро армиясининг самолётлари ва вертолётларига қарши ишлатиладиган қурол талаб қилишди. Ўртада кичкинагина шартнома имзоланиб, уларнинг талаблари қондирилди, 1200 дона «Стингер» етказиб бериладиган бўлди. Бироқ бу қуролни Афғонистон ичкарасига тўғридан-тўғри олиб кириш ҳатарли эди. Кейин бу қурол айнан океан ортидан ўтганлиги сир сақланиши, ҳар қандай вазиятда ҳам русларнинг қўлига тушиши мумкин эмаслиги қаттиқ тайинланди.

Мужоҳидлар юртларига қайтиб келишди. Айтилган қурол чегарага етказиб келинди. Уни ичкарига олиб кириш ва мужоҳидларнинг қўлига топшириш учун уч киши танлаб олинди. Буларнинг сафида Кашмирий

хам бор эди. Қурол ўта эҳтиёткорлик билан дала командирларининг қўлига топширилди. «Стингер»лар ҳақиқатан ҳам рус авиациясига қаттиқ талофот етказди. Кунига икки-учталаб қирувчи самолёт ва вертолётлар осмондан парчаланиб тушарди. Ҳарбий раҳбарлар саросимага тушиб қолишди. «Бу қандай қурол, мужоҳидлар уни қаердан олишди» деган саволга жавоб топиш зарур эди. Разведка бошқармаси оёққа турди. Бир йил ўтиб оддий аскарлардан бири қурбон бўлган мужоҳидларнинг қўлидан «Стингер»ни тортиб олди. Шундан кейин бу қурол билан боғлиқ сирлар очилди. Кашмирий эса Мулла Умарнинг ишончини қозониб бўлганди.

Шўро аскарлари мамлакат ҳудудидан чиқиб кетгач, Мулла Умар ўз мақсадини амалга оширишга қарор қилди. Атрофига содиқ одамларини йиғди. Мамлакатни эгаллаш ва ҳукмронлик қилиш мақсадини ўз олдига қўйганини бутун афғон халқи биларди. Четдан уни қувватлайдиган ва ўқ отар қуролларини етказиб берадиган ҳомийлари худди ер остидан чиқиб қолган кўзикоринлардек кўпайди. Оқиб келаётган қуролларга омбори торлик қилди. Энди уни ишлатадиган, душманларига қарата ўқ узадиган сипоҳлар даркор эди. Мулла Умар бу муаммони пул билан ҳал қилди қўйди. Синолари сафига қўшилган ҳар бир аскар учун минг доллардан тарқатди. Оч ва қашшоқ оми одамлар унинг ҳузурига мисоли чигирткалардек ёпирилиб келарди. Етарли куч тўплаган Мулла Умар шу тариқа ҳукмронлик сари ўзининг қонли юришини бошлади. Йўлига тўғаноқ бўлган жон борки, унинг қонсираган, Худо томонидан ақл-фаросат деган буюк неъматдан Мосуво бўлган аскарларининг ўйламай-нетмай отган ўқларидан ер тишлади. Амалдорлар, бойларнинг уйига ўт кетди. Исёнчилар, давлат идораларининг собиқ раҳбарлари, бир пайтлар

Шўро тарафида турганлар дорга илинди. Тарихида ўзини ўзи талаган миллатни, элни ҳали кўрмаган юрт титради. Агар у инсон қиёфасида бўлганда эди, кўзларидан қонли жала оқиб, ўзини ўзи ўтга отган бўларди.

Мулла Умар урушни қандай шиддат билан бошлаган бўлса, Кобулни ҳам шундай шиддат билан эгаллади. Ҳамиша унинг изидан қолмайдиган, соядек эргашиб юрадиган Кашмирий учун энди мансаб курсисига ўтирадиган фурсат келган, имконият эшиклари очилганди. Мулла Умар унинг айғоқчилик санъатидан яхши хабардор эди. Бир пайтлар уни Покистондаги жосуслар тайёрлайдиган лагерга ўқишга юборганди. Кашмирий ўзининг нафақат абжирлиги ва чаққонлиги билан, балки ҳар қандай одамни лақиллатиб, сирини билиш қобилияти ила устозларининг марҳамати-га сазовор бўлганди. Лагер бошлиқлари ҳам Мулла Умарга ажойиб ва истеъдодли шогирд етказиб бераётганларидан фахрланишганди. Мулла Умар ҳамиша кўл остидаги мансабдору амалдорларнинг сирларидан огоҳ қилиб турадиган ишончли одамга мухтожликни хис этарди. Бу лавозимга айнан Кашмирийни лойик топди ва уни айғоқчилар бошлиғи лавозимига тайинлади. Бундай мансаб курсисига ўтиришдан Али Акмал ҳам умидвор эди. Бироқ тилга келиб, Мулла Умарни огоҳ этолмаганидан қаттиқ афсусланди. Мулла Умар буни кеч бўлса-да тушунди ҳамда унинг кўнглини ўқситмаслик мақсадида минг нафар синога бошлиқ этиб тайинлади. Лекин унинг дарз кетган юрагидаги армон босилмади. Кашмирийнинг ўрнини эгалаш истаги вақти-вақти билан ҳасад ўтида ёниб турган юрагини кемириб, ўзига-ўзи биргина сўзни гоҳ ичида, гоҳ овоз чиқариб такрорлаб турарди:

«Кашмирийнинг ўрни бари бир меники бўлади».

Асли Жалолободда таваллуд топган Али Акмални тақдир мамлакатнинг чет бир кишлоғидаги Мулла Умар билан Шўро ҳукумати ўз қўшинларини Афғонистондан олиб чиқиб кетишига бир йил қолганда рўбарў келтирди. Тақдирнинг тақозоси эмас, балки тирикчилик ташвишида юрган Али Акмал Покистонга иш ахтариб кетаётган пайтда бир гала толибонлар қуршовига тушиб қолди. Ўша куни Мулла Умар Шўро аскарларига қарши жиҳод эълон қилганди. Жиҳодга Али Акмал ҳам қўшилди. У болалигидан овчилик билан шуғулланган, ҳавас қилса арзигудек мерган эди. Шу ҳунари уни Мулла Умарга яқинлаштирди. Жиҳод толибонларга фақат кўплаб қурбонларни тухфа қилган бўлса-да, Али Акмал янги сафдошлари даврасида қолиб кетди. Кунларнинг бирида Умар уни ҳузурига чақиртирди ва топшириқ берди: «Шўро аскарлари жойлашган ҳудудга икки дона мина қўйиб келасан» деди. Топшириқ қалтис эди. Тошлар орасида, қазилган хандақлар ичида, аскарлар жойлашган бинонинг томларида тангани беҳато урадиган мерганлар пойлоқчилик қилишар, тунда ташриф буюрган ҳар қандай одам огоҳлантиришсиз снайпернинг ўқиға нишон бўларди. Буни Акмал яхши биларди, у миясига ўқ қадалган беш-ўнта шерикларининг жасадини кундуз кунлари оқ байроқ кўтариб судраб ҳам келганди. Ўзини ўлим кутаётганини билса-да, топшириқни рад этолмади. Рад этгудек бўлса, Мулла Умар пешонасига эмас, балки юрагига ханжар санчиши тайин эди. Акмал икки ўт орасида қолди ва ярим тунда Худога таваккал қилиб, Шўро аскарлари турган базага қараб илондек ўрмалаб кетди. Икки қўлида ўн килодан кам бўлмаган, ҳар бири товоқдек келадиган мина. Бағри билан тошларни, тупроқларни суриб борар экан, ҳар қадамда ўлим ҳиссини сезиб, кўзларидан ёш оқарди. Худодан ёлвориб сўрарди. «Ишқилиб жо-

нимни олмасанг бас, Аллоҳим». Пойлоқчи аскарларни ўша пайтда ғафлат босиб, уйқу элитгандими, ёки Акмалнинг оху зорларига Худонинг раҳми келдими, ҳар ҳолда бир амаллаб танклар чиқадиған дарвоза олдиға яқин борди. Ёнидан ханжарни суғуриб, тошдек қаттиқ тупроқни кавлади. Икки минани икки ёнга қўмди. Кейин ортиға қайтди. Дарвозадан узоқлашған сайин ҳаддан ортиқ Худоға илтижо қилганидан, беҳуда тўккан кўз ёшларидан кулгиси қистади.

Тонг саҳарда тревоға кўтарилди. Танкларнинг гуриллаган овози бутун бир қишлоқнинг тинчини бузиб юборди. Олисида Мулла Умар қўлидаги дурбинни кўзига тутиб, бутун нигоҳини мина қўмилған жойға қаратганди. Танклар улкан тошбақа мисоли ичкаридан чиқа бошлади. Шунда бири, кейин иккинчиси портлаб кетди. Осмонға кўтарилған қора тутун ва қизил аланға эндигина тун пардасини кўтараётған қишлоқнинг ҳамма томонидан яққол кўзға ташланиб турарди. Мулла Умар Али Акмал турған томонға қараб мамнун жилмайиб қўйди. Бу унинг хурсандлигини билдирарди.

Мулла Умарнинг қувончи маълум дақиқаларгина давом этди. Ҳали мина босиб портлаган танклар ёниб тугамасдан қишлоқда қиёмат кўпди. Ўнлаб жангчиларидан ва иккита танкидан айрилған аскарлар жазаваға тушиб танк ва БТРларни олиб чиқиб, аввалиға қишлоқни ўққа тутишди, кейин бостириб кириб, кўзға кўринған тирик жон борки, барини қириб ташлашди. Ҳар бир мурданинг танасига ўнлаб қўрғошинлар қадалди.

Мулла Умар ўзининг кичкинагина хатоси туфайли бутун қишлоққа қирон келтирганини тушунди ва бундан қаттиқ афсус чекди. Мурдалар ичида унинг яқинларидан икки киши ҳам қонға беланиб ётарди.

Мамлакатдан шўро аскарлари чиқиб кетганидан кейин толибонлар етакчиси Али Акмални Покистон-

га жўнатди. Унга ҳарбий тактикани яхши биладиган йигитлар ҳаводек зарур эди. Али Акмал бир йилдан кўпроқ лагерда ҳарбий тайёргарликдан ўтди ва яхшигина мутахассис бўлиб устозининг ҳузурига қайтди. Толибонлар етакчиси ҳамманинг олдида Али Акмалга қараб: «Сени бугундан бошлаб минг нафар синога фармондех этиб тайинладим» деди. Шу тариқа у ҳазратга яқин бўлиб қолганди. Бироқ Мулла Умар мерган шогирдининг ишларидан батамом мамнун деб бўлмасди. Кейинги бир ой ичида унинг аскарлари жойлашган ҳудудларда қаттиқ жанглар кетарди. Ҳар икки томондан қурбонлар етарли эди. Учлик иттифоқи Али Акмалнинг аскарларини бирин-кетин қишлоқлардан, кейин эса вилоят ҳудудидан қувиб чиқаришди. Бу хабар Мулла Умарни асабий ва тажанг қилиб қўйган, шунинг учун уни ҳузурига чақиртирганди.

– Одамларинг Ҳирот шаҳрини қаршиликсиз ташлаб чиқиб кетибди, – Мулла Умар бу гапни шогирдининг юзига қарамасдан айтди.

– Бу ҳарбий хийла, тақсирим, – жавоб қилди Али Акмал.

– Ҳарбий хийла? Агар шаҳар ва қишлоқларни қаршиликсиз ташлаб чиқиб кетишингни ҳарбий хийла деб қабул қиладиган бўлсам, эрта-индин Кобулни ҳам душманларимнинг қўлига топширар экансан-да! – зардали овозда деди Мулла Умар.

– Вақтинчалик чекинишни мағлубият деб ўйламанг, ҳазратим. Буни ҳарбийлар тилида тактика дейишди. Шаҳарни душманларимизга қаршиликсиз ташлаб чиқиб кетишдан мақсад, уларнинг қанча қуроли, техникаси, синолари борлигини аниқлаб олиш. Заиф томонларини ўрганиш. Шаҳар ичида содиқ ва ишончли айғоқчиларимиз қолган. Улар душманларимизнинг заиф нуқталарини, қурол-аслаҳа сақлайдиган омбор-

ларини, душманларнинг қачон, қаерда ва қайси пайтда жамланишини ўрганишмоқда. Ичкаридан ишора бўлиши биланоқ биз уларга қақшатгич зарба берамиз. Синоларини тутдай тўкиб ташлаймиз, қурол-аслаҳаларини ўлжа қилиб оламиз!

Али Акмал бу сўзларни шундай ишонч билан айтдики, Мулла Умарнинг юрагидаги қаҳр музи эриб, ўрнини шогирдининг ажойиб саркарда эканлигига бўлган ишонч ҳислари эгаллади.

– Сен шуни унутмагинки, атрофимиздаги одамларнинг кўзи бизда. Улар ишимиздан хабардор. Кичкинагина қишлоқни душманларимизга ташлаб чиқадиган бўлсак, бизни мағлуб бўлди деб жар солишади. Бундай хатоларни такрорламаслигингни истайман.

– Ҳазратим, халқ сизнинг мамлакат тепасига келганингизни қўллаб-қувватламоқда. Мамлакатнинг учдан икки қисми тасарруфингизда. Шундай бўлгач, халқ сизга ишонади, ортингиздан эргашади. Улар сизни ўзларининг халоскори деб билишади. Халқ ҳокимият тепасига яна шўропарастлар, муқаддас динимизни ҳурмат қилмайдиганлар, бенамозлар ўтириб қолишидан қўрқади. Шундай бўлгач, бизни айрим чекинишларимизни мағлубият деб тушунмаслигингизни илтимос қилардим. Ғалаба биз томонда! Ортимизда халқ бор!

Бундай олқиш ва мақтовлардан Мулла Умарнинг туси ўзгариб, лабларига кулги ёйилиб, тундваш чехраси очилиб кетди. Али Акмал буни тезда илғади ва дилига туғиб келган сўзни айтиш фурсати келганини тушунди.

– Ҳазратим, – дея ҳушёрлик билан сўз бошлади бир зумлик жимликдан кейин Али Акмал. Мулла Умар шогирдини ўта муҳим гап айтишга чоғланаётганини сезди ва у томонга юзланди. Уларнинг кўзлари бир лаҳза учрашди. – Хабарингиз борми-йўқми, билмадим, бир

янгиликдан сизни огоҳ қилиб қўймоқчиман. Бу менинг сизнинг олдингиздаги шогирдлик бурчим бўлибгина қолмай, балки вазифам ҳамдир..

– Қандай хабар экан? – сўради толибонлар бошлиғи. Унинг овозида хавотир акс этарди.

– Кеча тунда тошли турмадан Ўзбекистондан ўтган жосус қочган.

– Нима?! – Мулла Умар оғир зарбага учрагандек қалқиб тушди.

– Шундай, ҳазратим. У бир ўзи эмас, балки унинг олдига гап олиш учун киритилган Фафур исмли кимса ҳам қочган.

– Қандай қилиб қочади, мен ҳокимият тепасига келганимдан буён бу қамоқхонадан одам тугул, қуш ҳам учиб чиқиб кетолмаган!

– Ҳазратим, сиз ҳақсиз, бахтга қарши, бу ишда бизнинг ишончли одамларимиздан бирининг қўли бор.

– Ким у?

– Мен буни ўз кўзим билан кўрмадим, аммо гуноҳкор кулоқларим эшитди.

– Айт!

– Маҳбуснинг қочишига Башир билан америкалик Жон Дэвид ёрдам беришган.

Мулла Умар ўтирган жойида бақа бўлиб қолди. Кейин ўзига келди.

– Далилинг борми?

– Ўша куни кечки пайт Дэвид қамоқхонага келган. Турма нозирига Фафурни Баширнинг идорасига олиб бормоқчи бўлганлигини айтган. Нозир Баширга қўнғироқ қилган. У эса маҳбусларни соқчилар ҳамроҳлигида унинг идорасига кузатиб келишларини тайинлаган. Нозир икки соқчини қўшиб, Фафур билан жосусни Баширнинг ҳузурига жўнатган. Улар йўлда ўзаро тил бириктиришиб, соқчиларни уриб ҳушларидан кетказиш-

ган. Кейин қўл-оёқларини боғлаб, эгасиз уйга ташлаб кетишган. Соқчилар эрталабгача қолиб кетишган. Тонг палласида улардан бирини илон чақиб ўлган. Дэвид билан иккинчи соқчи Баширнинг олдига келиб, бўлган воқеани айтган. Улар ўртасидаги гапларни менинг яқин одамларимдан бири эшик ортида туриб эшитиб қолган. Башир Дэвид тутқунларни қочириб юборганлиги тўғрисидаги хабарни унинг бошлиғи Петрсонга етказмоқчи бўлган. Қўрқиб кетган Дэвид ёнидан қимматбаҳо олмосни олиб, бу ишни бости-бости қилиш мақсадида унга топширган. Башир айбни турма нозирга тўнкамоқчи бўлган. У гувоҳ қолдирмаслик мақсадида иккинчи соқчини ва турма нозирини хоинликда айблаб отиб ташлаган.

Али Акмалнинг сўзларини эшитар экан, толибонлар етакчисининг туклари орасидан совуқ тер чиқиб кетди. Юраги ғазаб оташида ёнди.

– Бу ишлардан Кашмирий хабардорми? – сўради у.

Ёрдамчи бундай савол берилишини кутганди ва жавоб ҳам топиб қўйганди.

– Ҳазратим, Кашмирий жаноблари ер остида илон кимирласа билади. Шундай бўлгач, Башир жанобларининг ишидан сизни огоҳ этмагани мени ажаблантирмакда.

Мулла Умар бирдан повулласа-да, тезда жаҳлидан тушадиган, анча мулоҳазали одамлар тоифасидан эди.

– Бу воқеа кеча тунда содир бўлган бўлса, Кашмирийнинг беҳабар бўлиши ҳақиқатга яқинроқ. Баширнинг тузимни ичиб, тузлигимга тупуриши эса юзсизлик. У жосусларни қочирган экан, демак, жазога лойиқ.

Али Акмал қайсидир жиҳатдан ўзининг мақсадига эришиш йўлида бир қадам олға силжиганди. Ҳазратнинг «Бориб ишингни давом эттир» деган топширигини олгач, у орқага бурилди ва эшик олдида турган соқчига

кўзи тушди. «Ўртада бўлиб ўтган махфий суҳбатга ҳеч қандай гувоҳ йўқ» деб ўйлаган Али Акмал адашганини тушунди. Ичига муз киргандек бўлди.

«Мулла Умар ҳозироқ Баширни топтиради. Сўроқ-савол қилади» деб ўзича ўйларди у, «Башир ҳам анойи эмас. Толибонлар учун каттагина меҳнати синган. Ўзини оқлайдиган сабабларни топа олади ва қайсидир жиҳатдан Мулла Умарнинг қаҳридан қутилиб қолиши мумкин. Умарнинг соқчилари билан ош-қатиқ. Албатта улардан Мулла Умарнинг ҳузурига кимлар кирганини ва сирни ким унинг қулоғига етказганини сўраб-суриштиради...» Али Акмал энди қўрқув алангасида ёнарди.

* * *

Мулла Умарнинг ҳеч кимга итоат этмайдиган соқчилари эрталаб Баширнинг идорасига келишди. Бу пайтда Башир машинасидан тушаётганди. У соқчиларни кўрди, нима сабабдан бу ерга келишганига хайрон бўлди. Бош ирғаб саломлашиб ичкарига кириб кетмоқчи бўлди, аммо соқчилар қутилмаганда унга ташланишди. Узун бўй, қотмадан келган, ҳамиша сергак ва ҳушёр тортиб юрадиган диверсантлар сардори буни пайқамай қолиши мумкин эмас эди. Баширнинг киссасига солмоқчи бўлган қўлига тўшпонча эмас, балки олмос илашиб чиқиши мумкин эди. Бироқ қўлларини қимирлатишга улгурмади. Соқчилардан иккитаси қўлини, биттаси бўйнини қайиришга, тўртинчиси эса биқинига қурол тирашга улгурди.

– Ортиқча ҳаракат қилишингиз фойдасиз, муҳтарам Башир оға! – деди соқчилар бошлиғи юзида заҳарханда табассум билан.

– Бу нима қилганингиз? Одамларим олдида мени шарманда қилмоқчимисиз? – Баширнинг тилига шу сўз келди.

Ҳақиқатан ҳам эшик олдида беш-олтита ходимлари уни кутиб олиш учун ичкаридан чиқиб келишганди. Улар ёнларидаги қуролларини олишга қўлларини югуртиришди. Буни соқчилар бошлиғи сезиб қолди ва табассум ёйилган юзи қаҳр-ғазабга тўлиб:

– Ҳеч ким ортиқча ҳаракат қилмасин! Биз Мулла Умар жанобларининг топшириғини адо этиш учун келдик! – дея қичқирди. Шундан кейин уларнинг чакқон қўллари шалвираб пастга тушди ва билагига кишан урилган, бели букчайган Баширнинг машинага чиқишини жимгина кузатиб туришдан ўзга чоралари қолмади...

Соқчиларнинг машинаси Мулла Умарнинг қароргоҳига келиб тўхтади. Ичкаридан чиқиб келган олти нафар соқчи машинани ўраб олди.

– Марҳамат, тушинг. – Соқчилар бошлиғининг ҳар бир сўзи мулоийм тарзда айтилган бўлса-да, кесатиклар билан йўғрилганди.

Башир соқчига ўқрайиб қаради. Унинг қараши шу қадар даҳшатли ва хунук эди-ки, соқчи Башир бутун ғазаб ва нафратини кўзлари орқали сочаётганини тушунди.

Башир пастга тушди. Соқчилар унинг қўлидан ушлаб ичкарига бошлашди. Бу пайтда Башир қўлига кишан солиниб, толибонлар етакчисининг ҳузурига олиб келишаётганининг сабабини англаб етганди.

Ичкарида Мулла Умар ўзининг барча ишларини бир четга суриб, ҳузурига ҳеч кимни киритмай Баширни кутаётган эди. Кўрган заҳотиёқ унинг шумлик ва муғомбирлик чўғи ёниб турган кўкимтир кўзига тикилиб турди-да:

– Сотқин! – деди. Бу сўз хазратнинг гичирлаган тишлари орасидан ҳуштак мисоли чийиллаб чиқди.

– Бу ҳақоратингиз қайси хизматларим эвазига мукофот, ҳазратим? – ўзини айбсиз ва мағрур кўрсатишга уриниб деди Башир.

– Ҳали сен хизматларингга мукофот олишни унутиб қўйдингми, хабис? – заҳархандалик билан жилмайиб қўйди Мулла Умар. – Қилмишларингни мендан яшироқчи бўлдингми? Хоинларни каттагина бойлик эвазига қочириб, душанларим сафини кўпайтироқчимидинг?

– Ҳазратим, ўлимдан огоҳман, бироқ сиз айтаётган гаплардан мутлақо беҳабарман. Нечук мендан шубҳа қилурсиз? Шунча йил хизматингизни қилиб, ўзимнинг содиқлигимни исботлай олмадимми?

– Кўп нарсаларни исботладинг, бироқ буларнинг барини хоинлигинг йўққа чиқарди!

– Ё Раббим!

Мулла соқчиларга:

– Чўнтақларини титинглар! – деб буюрди. Соқчилардан бири Баширнинг чўнтақларига қўл солди ва бармоқларига илинган буюмларни олиб ерга ташлади. Баширнинг юрагини алам ўртади ва Дэвиддан олган олмосни ўша заҳотиёқ киши билмас жойга яшириб қўймаганидан пушаймон бўлди. Олмос унинг ички чўнтагида, рўмолчасига ўроғлик турарди. Соқчининг қўли кўкрак чўнтагига етганда «Тамом, бари тугади, мен тузоққа тушдим» деб ўйлади. Ниҳоят соқчи рўмолчани тортди. Қатлари орасидан олмосни олиб, Мулла Умарга узатди. Толибонлар етакчиси уни ёруғликка солиб, синчиклаб томоша қилди. Олмос юракка ўхшарди. Жигарранг тусда товланарди. Мулла Умар бундай қимматбаҳо жавоҳирларнинг қийматини яхши биларди. Уни кўрган заҳотиёқ қиймати ҳақиқатан ҳам юз минг доллардан кам эмаслигини хаёлидан ўтказди.

– Бундай нодир буюм қандай қилиб сенинг қўлингга тушиб қолди? – сўради толибонлар етакчиси.

– У бобомдан қолган, мерос, – жавоб қайтарди Башир олмос худди ўзининг мулкидек хотиржам оҳангда.

– Шунинг учун ҳамиша ёнимда олиб юраман!

Мулла Умар олмосни томоша қилиб бўлгач, Башир-га юзланди:

– Қандай фазилатлари бор?

– У мени бевосита коинот билан боғлаб туради. Руҳий ва жисмоний куч ато этади. Нафис пушти ранги кўзга, юракка қувват беради, хавотир ва қўрқувларни йўқотади.

– Яна?

– Яшин уришдан сақлайди, хотирани мустаҳкамлайди.

– Яна?

– Менинг билганларим шу.

Бошқа пайтда бирор одам тошларга сиғиниб, уларни «илохий кучга эга» деб айтганда, Мулла Умар уни ўша захотиёқ даҳрийликда айблаб, жаллоднинг ихтиёрига топширган бўларди. Ҳозир Баширнинг сўзларини жимгина тинглади.

– Муҳимини айтмадинг, – деди толибонлар етакчиси бачканалашиб бораётган суҳбатга яқун яшаш мақсадида. – Бундай буюм жосусларни қочириш хислатига ҳам эга. Шу олмос деб сен бизга хиёнат қилдинг, ишончимизни оқламадинг, сотилдинг. Агар ҳақиқий жангчи бўлсанг, ўзингга-ўзинг жазо тайинла!

Террор ва диверсия ишлари бошлиғи Мулла Умар барча ишлардан хабардор эканлигини тушуниб етди. Далилий ашё Умарнинг қўлида, ўзини оқлашнинг зарурати йўқ. Қаршилиқ қиладиган бўлса, айбини тан олмаса, Мулла Умарнинг ғазабига учрашини, шаҳар марказида, оломон ичида бошини сиртмоққа илишини

яхши биларди. Лекин оломон олдида шармандали ҳолда ўлишни истамасди. «Бу хабарни ким Мулла Умарнинг қулоғига етказди? Ким кўрган ва эшитган бўлиши мумкин? Хонада ҳеч ким йўқ эди-ку. Балки турма но-зири тирик қолгандир. Йўқ, у ўлган, бир эмас иккита ўқ отилган унга. Бири қорнига, иккинчиси нақ юрагига санчилган. Хоин ким бўлиши мумкин?»

– Мени ўлдирмоқчимисиз? – сўради синиқ товушда бошини эгиб, чувалашиб кетган фикрларини жамлаб Башир.

– Сен бизга шарорат қилдинг! Сотқинга берилади-ган бундан ортиқ жазо бўлиши мумкинми?

– Ҳаётимни сақлаб қолишнинг ҳеч қандай иложи йўқми, ҳазратим? – унинг овозида ялиниш ва ўтинч зуҳур эди.

– Биласан, мен сотқинларни ҳеч қачон кечирмаганман. Жазонинг бошқа енгил чорасини ҳам қўлламаганман, – Мулла Умар унга гўё дўстига насиҳат қилаёт-гандек секин ва ғазабсиз оҳангда гапирди.

Башир тақдирга тан беришга мажбурлигини чуқур хис этди. Ҳеч қандай ялиниш, илтижолар Мулла Умарнинг аҳдидан қайтаролмаслигини, қарорини бу-зиш мумкин эмаслигини тушуниб турарди.

– Қуролимни беришсин!

Мулла Умар жосуснинг мақсадини тушунди.

– Лекин бу иш ҳовлида бажарилгани маъқул. Қон томган жойда ибодат қилиб бўлмайди! Ташқарига чиққанингда соқчилар қуролингни беришади – деди.

– Шу пайтгача сизга садоқат билан хизмат қилдим, ҳазратим, – деди сўнгги илинж билан Башир гарчи Мулла Умар қарорини ўзгартирмаслигини тушунган бўлса-да. Унинг кўзлари аччиқ ёшга тўлганди. – Шунча йил қилган хизматим кичкинагина гуноҳимни ювиш-га арзимаслигини ўйлаб кўрмаган эканман.

Мулла Умар индамади. Хақиқатан ҳам у содиқ хизматкор эди. Саккиз йил давомида Мулла Умарнинг хизматини итдек содиқлик билан бажарди. У ўзнинг ғанимларидан эмас, Умарнинг душманларидан ўч олишни ўрнига қўйиб қўярди. Ҳеч ким, ҳатто энг тажрибали мутахассислар ҳам хаёлга келтириши мумкин бўлмаган жойларда қўпоровчилик ишларини қойилмақом қилиб амалга оширарди. Оломон жамланган жойларга, қаттиқ қўриқланадиган биноларга, амалдор ва мансабдорларнинг машиналарига устомонлик билан миналарни жойлаштириб чиқиб кетарди-ки, буни тажрибали ва ҳушёр тансоқчилар ҳам пайқамай қолишарди.

Башир Мулла Умар мамлакат тепасига келган дастлабки кунларда ўзини кўрсатди. Қурувчи-инженер бўлганлиги боис ер ости йўлларини яхши биларди. Ўттиз нафар Шоҳ Маъсуднинг синолари форга яшириниб, толибонларга қақшатгич зарбалар беришарди. Юзлаб толибонлар уларнинг қурбонига айланди. «Уларни қандай йўқотиш керак» деган савол саркардаларнинг бошини қотирарди. Башир Мулла Умарнинг топшириғи билан бу муаммони бир ўзи ечди. Анҳор сувини форга тўғрилади. Икки соат сув оқди. Аскарлар димиқиб, жасадлари сув юзига қалқиб чиқди. Шунда Мулла Умар Баширнинг топқирлигига тан берди ва диверсия ишлари бўйича ўзига ёрдамчи қилиб олди...

Соқчилар Баширни ташқарига олиб чиқишди. У қуриб қолган дарахт олдида тўхтади. Дарахтнинг шохлари тепадан тушаётган ёруғликни тўсиб турарди. Башир унинг йўғон, ғадир-будир танасига суянди. Соқчи Баширнинг қуролини қайтариб берди. Ҳовлида иккисидан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Бироқ анча нарида, деразалар ортида уларни ўнлаб нигоҳлар кузатарди.

Соқчи тўппончани маҳкумнинг қўлига тутқазар экан овозини баландлатиб деди:

– Ичида бир дона ўқ бор, умид қиламанки, жонингизни қийнамайдиган ва иккинчи ўққа ҳожат қолдирмайдиган қилиб отасиз, – кейин паст овозда қўшиб қўйди, – сизнинг кирдикорларингиз ҳақида ҳазратимни Али Акмал хабардор қилди...

«Али Акмал»!

Баширнинг назарида ҳали пешонасига тирашга улгурмаган қуролдан ўқ учиб чиққандек, миясини паचाқлаб ташлагандек бўлди. Агар у шу ерда бўлганда, сира иккиланмай ягона ўқни унинг калласига жойлаган бўларди. Башир бундай хиёнатни бошқалардан кутса бўларди, аммо Али Акмалдан ҳеч кутмаганди.

– Агар ундан қасос олсангиз, руҳим шод бўларди, Жобир, – паст овозда шивирлади Башир. – Хонамдаги сейфда икки юз минг доллар бор. Калит машинамининг орқа ўриндиғида. Ҳозироқ бориб олинг!

– Буни албатта уddaлайман деб қасам ичаман, – пичирлади Жобир.

Алам ва изтиробларда юраги ўртаниб, вужуди титраб тўппончани пешонасига тираган Башир Жобирнинг сўзига ишонди ва айни пайтда ўша хоин Али Акмал жазосиз қолмаслигидан мамнун бўлгандек эди. Баширнинг қўлидаги тўппонча титрарди. Унинг табиатига қўрқоқлик ёт эди. Лекин ўзига ўлим ҳукми ўқилганда ва тўппончани пешонасига тираб турганда буни илк бор ҳис этди. Аллақаерда автоматларнинг овози янгради. Кейин гумбурлаган товуш қулоқларини батанг қилаёзди. «Бозор томонда отишма бошланди» ўйлади у ўзича. «Мени кечир, Парвардигорим». Бу унинг сўнги сўзи бўлди. Стволдан учиб чиққан ўқ терисини куйдириб миясига қадалди ва худди пармадек айланиб иккинчи томонидан суякни ўпириб чиқиб кетди. Баширнинг қўлидаги тўппонча оёғи остига тушди. Кейин ўзи гурсиллаб ерга қулади...

Деразадан боқиб турган ўн биринчи нигоҳ юзига фотиха тортди...

МОСКВА

Ниҳоят Кутузов ўзининг идораси билан боғланди. Икки ҳафтадан кўпроқ вақт давомида бедарак бўлиб кетгани боис раҳбарият ундан умидини узганди. Ўша тунда бўлиб ўтган отишма пайтида ҳар икки томондан кўплаб одамлар қурбон бўлганди. Жасадлар машиналарга юкланиб олиб кетилаётгани телевизорда ҳам кўрсатилганди. Москва «Кутузов отишма чоғида ҳалок бўлган» деган қарорда тўхтаганди. Уни излаш ва хабар кутиш фойдасиздек туюлганди. Ўтаётган кунлар бу шубҳанинг ҳақлигини исботларди. Агар чекист нафас олаётган бўлса, ҳар қандай шароитда ҳам алоқага чиқиши, ўзининг ҳолати тўғрисида маълумот жўнатиши шарт эди. Бўлим бошлиғининг қўлида анчагина маълумотлар жамланиб қолганди. Уларни бошлиғига етказиш мақсадида хонасига кирди. Бошлиқ шамоллаб, бир ҳафта касалхонада даволаниб бугун ишга қайтганди.

– Ўтган куни тунда Бошқирдистонлик фуқаро Москва марказида теракт содир қилишга уринаётган пайтда қўлга олинди. У экстримизмнинг янги ўчоғини очишга ҳаракат қилган. Ёнидан қўлбола портлатгичлар топилган, – ахборот берди қўлидаги жилдни очиб.

– Шериклари борми? – сўради Евдакимов.

– Дастлабки сўроқ жараёнида шериклари ҳақида ҳеч қандай маълумот ололмадик. Ходимларимиз унинг уйини тинтишганда «Макаров» тўпшончаси, ўқ-дорилар, қўлбола портлатгич мосламалари, шунингдек, радикал диний оқимга тарғиб қилувчи адабиётлар топилган.

– Бундай одамлар ёлғиз ҳаракат қилмайди. Атрофида шериклари бўлиши керак.

– Тергов-суриштирув ишлари давом этмоқда. Бунга аниқлик киритамиз, ўртоқ генерал! Экспертларнинг маълумотига қараганда, ҳозир мамлакатнинг 55 та ре-гионида экстремистик гуруҳ аъзолари фаолият олиб бораётганлиги аниқланган.

– Сабаблари таҳлил қилинми?

– Ўргандик, ўртоқ генерал!

– Хўш?

– Биринчидан: четдан экстремистик ғояларни олиб ўтувчилар сони кўпаймоқда. Булар асосан хорижлик-лар.

– Улар қайси давлатлар орқали кириб келишмоқда?

– Асосан Тожикистон орқали. Афғон-тожик чегара-сининг катта қисми тоғли ҳудуд бўлгани сабабли, бу ерлар умуман назорат қилинмайди. Ҳарбий разведка-нинг берган маълумотига қараганда ҳозир бу жойлар-да 1,5 минг жангарилар ин қуриб олишган. Мухими, Тожикистон фуқаролари Россия ҳудудига бемалол ви-засиз кириб келишлари. Шу сабабли террорчилар че-гара чизикларидан муаммосиз мамлакатимиз ҳудудига ўтишмоқда. Маълумотларга қараганда, кейинги пайт-да ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари томонидан қўлга олинган жангариларнинг кўпи Афғонистондан ўтишгани, уларнинг қўлида Тожикистон фуқаролиги-ни тасдиқловчи паспорт бўлгани аниқланган. Қандай қилиб улар Тожикистон паспортини қўлга киритишга-ни ҳам маълум. Иккинчидан: мутахассисларнинг айти-шига қараганда, радикалларнинг мамлакат ҳудудига кириб келиши ўта хавфли. Улар ҳокимият тепасига ке-лишларини очикдан-очик айтишмоқда. Одамларни ўз томонларига оғдириш мақсадида ҳар ишга тайёрлар. «Ҳар қандай муаммоларни фақат шариат ҳукми билан ҳал этамиз» деб жар солишмоқда. Мамлакатдаги айрим камчиликлар, хусусан порахўрлик ва оғир жиноятлар-

нинг кўпайиши, халқнинг бу ҳолатларга нисбатан бўлган норозилиги айнан радикалчиларга қўл келмоқда.

– Бу уларнинг эски ашуласи. Порахўрлик, қотиллик каби оғир жиноятларни биздагига нисбатан ўзлари кўпроқ қилишади. Одамларнинг бошларини узиб ташлаш, дорга илиш айнан улардан чиққан. Ўзларининг қонунларини ўрнатишганда ҳам бу жазони бекор қилишмайди. Фақат одамларнинг кўзларига ўзларини покиза, беозор, ҳалол, ҳақиқатгўй кимсалар қилиб кўрсатишади.

– Уларнинг қонунлари ўрганилиб, таҳлил қилинганда кўп жазолар одамларни қийнаб, азоблаб ўлдириш билан боғлиқлиги аниқланди.

– Қўлга олинган радикаллар қайси давлатларда тайёргарликдан ўтишган?

– Ходимларимиз томонидан берилган маълумотларга қараганда, улар нафақат Афғонистонда, балки Саудия Арабистонидаги махсус лагерларда ҳам сабоқ олишган. Улар маҳаллий халқни телевизор кўришда айблашмоқда. Халқ ўртасида маст-аластлар, порахўрлар, оғир жиноятчилар сони ортиб бораётганини рўқач қилишмоқда. «Сизларнинг қонунларингиз ишламаяпти, бизнинг ўрта асрлардаги шариат қонунларимиз ҳамма учун баробар» деб жар солишмоқда.

– Яна қандай маълумотлар бор?

– Икки кун бурун Октябрск шаҳрида «Хизб-ут-Таҳрир» экстремистик гуруҳи аъзоларидан бир нечтаси милицияга қаршилиқ кўрсатган. Отишма чоғида улар қириб ташланди. Уларни бартараф этишда бронотехника ва ОМОН иштирок этди. Жангарилар етакчиси 44 ёшли Ингушетиялик Башар Плева Челябинск шаҳрида қўлга олинди. Челябинск ва Петровск йўналишининг 398-чақиримидаги Бирока шаҳарчасида 20 килограмм бомба топилиб, зарарсизлантирилди. Ўр-

мон ичидаги лагерда 5 нафар жангари йўқ қилинди. Айнан улар Перм шаҳар йўл ҳаракати хавфсизлиги постига ҳужум уюштиришганди. 18 ёшли кулинария техникуми талабаси Бадиков қўлида пичоқ билан Октябрск шаҳар ички ишлар бўлимига кириб келган ва милиция ходими Вильмир Миннихановнинг баданига пичоқ санчган. Йигитчанинг ёнидан кичкинагина мактуб топилган. Унда «Октябрскда ва бутун дунёда шариатнинг қонуни ҳукмронлик қилиши керак» деган ёзув бўлган. Октябрскдаги ходимларимиз халқаро террорчилик ҳаракати тўдасини фош қилдилар. Улардан 18 дон қўлбола бомба тортиб олинди.

– Яқин Шарқда қанча бошқирд жангарилар бор?

– 50 нафар. Сурияда эса 200 дан ортиқ. Улар дунёнинг бир қатор мамлакатларидан борган жангарилар билан жанговор тайёргарликдан ўтишмоқда. Ҳарбий разведка бошқармасидан олинган маълумотга кўра, уларнинг бир қисми йўқ қилиб ташланган. Суриядаги «Катаиб ал-Мухажирин» тўдасида айнан Бошқирдистондан борган экстеримистлар борлиги ҳақида ҳам маълумотлар олдик.

– Уларнинг сони қанча?

– Юздан ортиқ.

– Улар ичига одамларимиздан ташланганми?

– Бизнинг ташкилотимиздан киритилмаган, аммо ҳарбий разведканинг икки ходими борлиги маълум.

Генерал бир муддат жимликдан кейин бўлим бошлиғига юзланди:

– Кутузовдан хабар борми?

– Кеча алоқага чиқди.

– Узоқ вақт жим бўлиб кетганининг сабабини суриштирдингизми?

– Яраланибди.

– Ахволи оғирми?

– Унга қандайдир йигит ёрдам бериб, ҳаётини сақлаб қолибди.

– Маҳаллий халқ одамлариданми?

– Шахсини ҳозиргина аниқладик.

– Ким экан?

– Бўрон Аҳмедов. 1954 йилда Ўзбекистон Республикасида туғилган. 1977-79 йилларда чекланган совет қўшинлари таркибида хизматни Афғонистонда ўтаган. Генерал Крамаренконинг тилмочи бўлган. 1994 йилнинг охирида унинг топшириғи билан Афғонистонга ўтган ва мужоҳидлар қўлига асир тушган. Ўзбек разведкаси билан боғланган. Бир қатор муҳим операцияларни амалга оширган. Жумладан, жангариларнинг мақсадларини аниқлаб, ўзбек чекистларини хабардор қилиб турган. Бир ойча муқаддам Мулла Умарнинг шахсий топшириғи билан Чеченистонга ўтган.

– Мулла Умардек одамнинг ишончини қозониш ҳазилакам иш эмас. Умар унга қандай топшириқ берган бўлиши мумкин?

– Буниси ҳозирча ўзбек ҳамкасбларимизга ҳам маълум эмас. Улар ўз ходимларининг Чеченистонга қандай топшириқ билан ташланганидан беҳабар. У бошлиқларини бу ҳақда хабардор қилишга улгурмаган.

– Гапингиздан ўзбек разведкаси Бўроннинг айни пайтда Чеченистонда пайдо бўлиб қолганидан беҳабар, шундайми?

– Назаримда, Мулла Умар ўта муҳим топшириқ билан уни Чеченистонга жўнатган ва бу ҳақда унинг ўзини аввалдан хабардор қилмаган бўлиши керак.

– У бир ўзи ўтган деб ўйлайсизми?

– Ҳақиқатан ҳам толибонлар бошлиғининг топшириғи билан ўтган бўлса, ёлғиз жўнатишган. Ахир бундай ишлар махфий сақланади.

– Кимдир уни Чеченистонгача кузатиб борган ва чегара чизигида кутиб олган бўлиши керак. Ахир Грознийда Мулла Умарнинг одамлари керагидан ортиқ топилади.

– Шундай, аммо унинг қандай мақсадда ўтганини билишимиз керак.

– Муҳими, биз Мулла Умар томонидан берилган топшириқни аниқлашимиз керак. Кутузовга маълум қилинг, Бўроннинг қандай топшириқ олганини зудлик билан аниқласин!

– Тушунарли!

– Тошкент билан боғландингизми?

– Худди шундай, ўртоқ генерал!

– Улар қандай жавоб қилишди?

– «Ҳар қандай топшириқ биз орқали бажарилиши керак» деган таклифни ўртага ташлашмоқда.

– Таклифни инобатга олишга мажбурмиз. Улар ўз ходимларини икки томонлама ишлашини ёқтиришмайди. Кутузов биз томонимиздан берилган топшириқни қачон бажаришга киришиши ҳақида хабар бердими?

– У шу пайтгача чегарачиларимизга маълум бўлмаган ғордан ўқ отар қуролларини олиб ўтишга уринган толибонларнинг одамлари вертолётчиларимиз томонидан йўқ қилинганлигини маълум қилди. Назаримда, бу хабарни у Бўрондан олган бўлиши керак. Асирга олинган аскарларимизнинг қаерда сақланаётганлиги тўғрисида ҳозирча маълумот йўқ.

– Биз уларни зудлик билан қутқаришимиз керак. Адашмасам, уларнинг сони ҳозир икки юздан ортиқ. Кутузовга маълум қилинг, зудлик билан ҳарбий асирлар сақланаётган қамоқхонанинг қаердалигини аниқласин ва бизга аниқ координаталарни жўнатсин!

– Асирлар орасида беш нафар хорижлик мухбирлар, уч нафар экспертлар ҳам бор. Жангарилар уларни айғоқчиликда айблаб қамашган.

– Мамлакат раҳбари яқин кунлар ичида Грознийга ташриф буюради. Ельцин Грознийга борадиган бўлса, у ердаги вазиятдан ҳар соатда хабардор бўлиб туришимиз керак. Басаев давлат раҳбарининг Грознийга ташриф буюришига тиш-тирноғи билан қарши туради. Ҳарбий асирлар сақланаётган жойни аниқлаб, зудлик билан уларни озод қилишга мажбурмиз.

– Бу топшириқни Кутузов Бўрон билан маслаҳатлашиб амалга оширади. Нима бўлганда ҳам у жангарилар орасида. Асирларни қаерда сақланаётганлигини фақат у аниқлаши мумкин.

– Тошкентга маълум қилинг, ҳозирча бизнинг Бўронга берадиган муҳим топширигимиз айнан асирлар сақланаётган объектни аниқлаш! Уларнинг ҳам ўз одамларига етказиши мумкин бўлган топшириқлари бўлса олинг!

– Ҳозиргина Кобулдан янги маълумот олдик. Шевчук ўтган ҳафта Баширнинг маконига ошпаз бўлиб ишга жойлашганини хабар қилганди. Бугунги берган маълумотига кўра, у Баширнинг Айюбхон исмли соқчиси билан танишган. Ходимимизнинг маълум қилишича, Айюбхоннинг асли исми Сергей Васильевич Прохоров, 1956 йилда Москва шаҳри яқинидаги Елец қишлоғида туғилган. 1981 йили мужоҳидларга асир тушган. Уни Покистонга олиб ўтишган. Бу юртда беш йил яшаган. Покистон фуқаролигини олган. Махфий хизмат маҳкамалари уни Вазиристондаги жангарилар тайёрлайдиган лагерга ташлашган. 1995 йили эса Афғонистон фуқароси номига расмийлаштирилган паспорт билан Кобулга жўнатишган. Икки йил толибонлар сафида жангларда иштирок этган. Ҳозирда Баширнинг

соқчиларидан бири сифатида унинг идорасида хизмат қилмоқда.

– Бу маълумотларни Шевчук кимдан олган?

– Айюбхон ўзининг руслигини, юртига қайтмоқчи бўлганлигини унга маълум қилган.

– Нима сабабдан айнан бизнинг ходимимизга бу ҳақда оғиз очган? Унинг руслигини қаердан билган? Балки Шевчук қандайдир ҳаракатлари билан ўзини фош қилиб қўйгандир? Бекордан-бекорга у юртга қайтиш ҳақида гапирмайди. Шевчукка маълум қилинг: Айюбхон билан жуда эҳтиёткорлик билан алоқада бўлсин. Бирор хавф тувилгудек бўлса, орқага қайтсин. Биз у жўнатадиган маълумотга қўз тикиб ўтирибмиз. Ҳозир Айюбхоннинг ота-онаси, оиласи ҳақида маълумотларни йиғинг. Зарур бўлган пайтда унга чиқиш йўллари ишлаб чиқиш керак.

– Шевчукнинг хабарига қўра, кеча эрталаб Мулла Умарнинг одамлари Баширни ўз идорасидан тутиб кетишган. У Мулла Умарнинг ҳузурида ўзини отиб ўлдирган.

– Ишимиз чаппасига кетибди. Одамимиз Баширнинг ёнига жойлашган пайтда-я! Бу биз учун ўта катта йўқотиш. Энди Баширнинг ўрнига Умар кимнидир тайинлайди.

– Бўни Шевчук яхши тушунади. Вазиятни тез англаб етадиган ходим. Балки янги бошлиқ келгунча бирор йўлини ўйлаб топар.

– Ундан янги маълумот келгандан кейингина бир қарорга келамиз, – деди Евдакимов.

ТОШКЕНТ

Ходимлардан бирининг вафоти, иккинчисининг бедарак кетиши Маҳмудовни жиддий ташвишга солганди. Бўроннинг тақдири ҳамон жумбоқлигича қолганди. Қисмати билан боғлиқ бир қатор вариантлар ўрганилди, бироқ уларнинг бирортаси полковникнинг безовта юрагига таскин бера олмади. «Қандай кўнгилсизлик рўй берган бўлиши мумкин? Ўзини ўққа тутиб берадиган ландовурлардан эмас. Қалтис вазиятлардан чиқиб кетиш йўлини топади. Кенгашга аъзо бўлгандан кейин Эргашнинг унга бўлган муносабати кескин ўзгарганди. Ўзининг қонли ханжарини унга қарши ишлата олмасди. Бўронга заррача зиён етгудек бўлса, Башир тўда бошининг бошида қонли тегирмон тошини айлантиришини яхши тушунарди. Ёлғиз Баширгина Бўроннинг тақдирини бир томонга суриши мумкин. Бўрон эса ҳозирча унинг гашига тегадиган, кўнглида шубҳа уйғотадиган ишга қўл урмаган» хаёлидан ўтказди полковник.

Лагердан хабардор бўлиб туриш учун янги алоқачи топиш ва уни Афғонистонга ташлаш, тўда ичидаги вазиятлардан огоҳ бўлиб туриш лозим эди. Гарчи қўлида кам сонли жангарилар қолган бўлса-да, Эргашнинг нијати ҳали ўзгармаганди. Таслим бўлиши кераклигини, бундан буёғига ҳеч нарсага эриша олмаслигини тушунса-да, ҳомийларига ўзини кўрсатиш, шу йўл билан пул ишлаш мақсадида вақти-вақти билан чегара атрофидаги қишлоқларга ҳужум қилиб туриши, диверсия ишларидан сабоқ олган одамларини мамлакат ичига ташлаши мумкин эди. Юрт ичидаги тарафдорларининг, эски гумаштларининг барчаси асирга тушди деб бўлмасди. Қўлга олинганларнинг баъзилари «Биз хатомизни тушуниб етдик» деб кўз ёш тўкиб, тавба қилишган бўлишса-да, уларнинг орасида ҳали ҳам бир пайтлар Эргаш

томонидан миясига қуйилган манфур ғоялар таъсиридан чиқолмайдиганлари учраб турарди. Қилмишлари учун жавобгарликка тортилганлар орасида ҳам ғоялар таъсирида қарахт бўлиб юрганлар топиларди. Шундай бўлгач, хушёрлик ҳаводек зарур эди. Уларнинг олаётган нафасидан хабардор бўлиб турилмаса, яна эски тегирмонларига сув қуйишни давом эттиришлари мумкин эди. Эргаш қамалган ва бурчак-бурчакларда писиб юрган одамларидан фойдаланиш мақсадида ўз одамларини уларнинг олдига жўнатмаслигига биров қафолат бера олмасди.

Маҳмудовнинг ёлғиз умиди Ғафурдан эди. Гарчи у Эргашнинг лагерига қайтиб боролмаса-да, яқинларини ишга солиб, лагер ичидаги воқеалардан хабардор бўлиб туриши мумкинлигини ўйлаганди. Полковник дастлабки суҳбат чоғида унинг аввалги жинойтлари учун енгиллик яратиб беришга қафолат берган бўлса-да, «Эргашдан ўч олиб, кейин сиз билан боғланаман» деб суҳбатлашишни истамаганди. Қўлдошалининг жасадини олиб ўтиш учун жўнатган одамлари орқали ҳам ўз таклифини билдирмоқчи бўлганди, бироқ Ғафур улар билан учрашишни хоҳламади. Маҳмудовнинг қоронғи дилини ёритган нарса шу бўлди-ки, у алдамади, хиёнат қилмади. Жасаднинг тепасида ходимлар етиб боргунча турди. Шунинг ўзи унга бўлган ишончни кучайтирди.

Мана, орадан бир неча кун ўтди. Полковник Ғафурнинг алоқа воситасига бир неча бор қўнғироқ қилиб кўрди. Бироқ телефон ўчирилганди. Маҳмудов унинг алоқага чиқишини кутишдан ўзга чораси қолмаганлигини тушунди.

Маҳмудов Ғафур билан алоқага чиқиш тизимини ишлаб чиқаётган бир пайтда марказ иккита муҳим маълумотни юборди. Уларнинг иккиси ҳам полковникка тегишли эди. Биринчиси Башир Мулла Умар томо-

нидан хоинликда айбланиб, отиб ўлдирилгани бўлса, иккинчиси Дэвид машинаси билан портлаб кетганлиги ҳақида эди. Полковникнинг назарида ҳар икки жосуснинг ўлими шунчаки тасодиф эмасди. Уларнинг изига кимдир тушган, ёки бошлиқларининг ғазабига учраган.

Эшик тақиллаб, ичкарига майор Кенжаев кириб келди.

– Ҳозиргина янги маълумот олдик, – деди у полковникнинг олдидаги курсига ўтирар экан.

– Афғонистонданми? – сергак тортиб сўради Маҳмудов.

– Россиядаги ҳамкасбларимиз жўнатишибди.

Полковник руслар Бўрон билан қизиқиб қолишганидан хабардор эди.

– Қандай янгилик экан?

– Русларнинг ходими Бўронни Чеченистонда учратибди...

– Чеченистонда?

– Шундай, ўртоқ полковник.

– Қизиқ...

– Отишма чоғида рус чекистларидан бирининг ҳаётини сақлаб қолганмиш.

– Бизнинг одамимиз эканлигини улар қаердан билибди?

– Улар Бўрон тўғрисида аниқ маълумотга эга эмас. Фақат ўзбек эканлигини фараз қилишмоқда. Шунинг учун унинг шахси ҳақида биздан маълумот сўрашмоқда.

– Қизиқ. Бўрон қандай мақсадда Чеченистонга ўтиб қолган бўлиши мумкин?

– Назаримда толибонлар етакчисидан жиддий топшириқ олган бўлиши мумкин.

– Топшириқ олганда бизни хабардор қилган бўларди.

– Алоқага чиқишга улгуролмагандир...

– Бўлиши мумкин, аммо Мулла Умар у ерга фақат ўзининг ўта садоқатли ва ишончли одамларинигина жўнатади. Жангарилар қаторида бориши мумкин эмас.

– Жўнатган сўнги маълумотида Башир уни Мулла Умарга рўпара қилмоқчи бўлганлигини хабар қилганди.

– Қизик, улар орасида қандай мавзуда суҳбат кетган бўлиши мумкин? Кенгаш тарқади, аъзолари ўлди. Мулла Умар Бўрондан қандай мақсадда фойдаланмоқчи?

– Тахминимча, Мулла Умар одамимизни жангариларга қўшиб жўнатган бўлиши мумкин, – фикр билдирди майор.

– Жангариларнинг деярли ҳаммаси катта бойликлар эвазига Чеченистонга ўтишади. Улар бир қатор мамлакатларнинг яширин полигонларида йиллаб махсус тайёргарликдан ўтишган. Бўрон эса ҳеч қандай тайёргарликдан ўтмаган. Буни толибонлар етакчиси яхши билади. Қолаверса, у Бўронни Чеченистонга ўқ отиш учун эмас, балки шахсий манфаатларини кўзлаб юборган бўлиши ҳақиқатга яқинроқ.

– Мен икки ой ичида Бўрондан олинган маълумотларни таҳлил қилиб чиқдим. Зелимхон билан Мулла Умар ўртасидаги учрашув менинг эътиборимни кўпроқ жалб қилди. Учрашувда толибонлар катта миқдорда қурол-яроғ билан бирга қорадори жўнатишга ваъда берган.

– Учрашувнинг бўлиб ўтганига бугун бир ой бўлди.

– Демак, қурол ва қорадори йўлга чиққан. Бўрон ўзининг сўнги маълумотини юборганига ҳам бир ой бўлди. Назаримда, Мулла Умар қурол ва қорадори олиб ўтган одамларига қўшиб Бўронни Чеченистонга жўнатган.

– Афсуски, улар ёрдан ўтишаётганда рус вертолётлари кириш ва чиқиш йўллари порлатиб ташлаган. Ўнлаб одамлар ёр ичида абадий қолиб кетишган.

– Унда нега Бўрон тирик? Қандай қилиб Зелимхоннинг одамлари билан учрашган?

– Ҳа, ҳақиқатан ҳам бу саволларга аниқ жавоб топиш муаммо.

– Балки унинг Чеченистонда юриши биз учун муҳим эмасдир?

– Бундай қарорга келишингизга қаршиман, – деди полковник эътироз билдириб. – Террорчилар фақат бизнинг эмас, балки дунёдаги эрксевар, тинчликсевар мамлакатларнинг душмани. Улар истаган пайтда, исталган давлатга тажовуз қилишлари, истаган жойларида қўпоровчиликни амалга оширишлари мумкин. Улар бор экан, биз ҳам, руслар ҳам, америкаликлар ҳам хотиржам яшай олмайди. Чеченистон биздан бир неча минг чақирим йироқда бўлса-да, у ердаги жангариларнинг қандай нафас олаётганлигини, нимадан озиқланаётганлигини билишимиз керак. Улар эртага бу ерда ўзларининг мудҳиш ишларини амалга оширмайди деб ҳеч ким кафолат бера олмайди. Биз ҳар қандай агрессияга, ҳар қандай тажовузкорликка қарши тайёр турмоғимиз керак. Бу бизнинг бурчимиз. Бўрон у ерда экан, албатта бизни қизиқтирган айрим нарсаларга жавоб топишимизга тўғри келади. Агар ёдингизда бўлса, 1993 йилда Марказий Осиёдан, шу жумладан бизнинг юртимиздан ўнлаб жангарилар алдов йўли билан у ерга бориб қолишган. Айримларининг шахси, мақсади ҳозиргача бизга маълум эмас. Бўрондан улар ҳақида маълумот кутамиз.

– Русларнинг хабар беришича, Амирий ҳам вафот этган. Ўлимидан аввал туркиялик Баққол исмли миллатчини ҳузурига чақиртирган. Кенгаш ҳужжатларини унга топширган. Баққол ўша пайтнинг ўзидаёқ Афғонистонга учган. У ерда Башир билан учрашган. Кенгаш ишини қайтадан кўриб чиқиш масаласини

муҳокама қилишган. Русларнинг маълум қилишича, Баққол икки йил муққадам Хаттоб билан алоқага чиқиб, бир миллион доллар эвазига Чеченистонда жангарилар тайёрлайдиган махсус лагер ташкил этишни илтимос қилган. Ҳозир йигирма нафар йигит шу лагерда жанговор тайёргарликдан ўтишмоқда. Баққол уларни «Кулранг бўрилар» деб номлаган. У «Кулранг бўрилар»ни ўз манфаати йўлида исталган мамлакатга ташлаши мумкин. Башир «Ҳозир Мулла Умар танг аҳволда, аскарлари шаҳар ва қишлоқларни ташлаб чекинишмоқда. Агар сиз ҳазратга ўн дона «Град»ни Тожикистондаги рус ҳарбийларидан олиб, чегарадан ўтказиб берсангиз, ҳазратим умр бўйи сиздан миннатдор бўларди ва одамларингиз учун мамлакатнинг истаган жойидан лагер учун жой ажратиб берарди» деб айтган. Баққол таклифни қабул қилган. Сухбат давомида Башир Бўроннинг номини ҳам тилга олиб ўтган.

– Қизиқ, биз ўйин ниҳоясига етмоқда деб ўйлаб адашган эканмиз. Баққол Бўронга бежиз қизиқиб қолмаган. Уни ўз манфаати йўлида ишлатмоқчи шекилли.

– Бўроннинг ҳаёти хавф остида. Уни тезроқ чақириб олишимиз керак.

– Бироқ «Кулранг бўрилар» мени ташвишлантириб қўйди. Қандай мақсадда уларга бундай ном берилган? Улар Афғонистонга бежиз ташланмайди. Баққол нималарнидир кутмоқда. Балки уларни Эргашнинг йигитлари ичига ташлар.

– Лекин Башир ўлди.

– Тушунарли.

– Баққол ҳақида бизда маълумот борми?

– Туркиядаги резидентимиздан ҳозиргина олдик.

Майор жилд ичидан бир варақ қоғоз олди:

МАЪЛУМОТНОМА

– Баққол Ризо Омон ўғли. 1946 йилда Туркиянинг Измир шаҳрида савдогар оиласида таваллуд топган. 1965-67 йиллари АҚШда молия ва иқтисод йўналиши бўйича таълим олган. 1970 йилдан 1978 йилгача савдо-тижорат ишлари билан шуғулланади. 1978 йили отаси вафот этади. У ўзлига Саудия Арабистони ва Швейцария банкларида жами 978 миллион доллар маблағни, бешта давлатдаги дўконларини, иккита кичик заводини мерос қолдиради. 1986 йил Баққол Дубай шаҳрида бўлиб ўтган хориждаги туркий халқларнинг анжуманида иштирок этади. Амирий билан шу ерда танишади. Сиёсат майдонига айнан шу одамнинг таъсири остида кириб қолади. 1989 йили улар яна Туркияда учрашишади. Баққол сармоясининг ярмини кенгаш жамғармасига киритиш таклифини билдиради. Бироқ Чегечи розилик билдирмайди. 1990, 1992, 1994 йилларда улар Дубай ва Истанбул шаҳарларида учрашишади.

– Баққол Башир билан илгари ҳам учрашганми?

– 1993 ва 1996 йилларда Туркияда ва Покистонда кўришишган.

– Демак, улар эски кадрдон. Башир унинг каттагина сармоя эгаси эканлигини билади.

– Шундай.

– Кашмирий билан муносабати дурустми?

– Биздаги маълумотларда уларнинг учрашишгани қайд этилмаган. Шундай бўлса-да, Кашмирий Баққолнинг катта мулк эгаси эканлигидан хабардор.

– Башир ўлди. Баққол қандай қилиб бўлмасин, Мулла Умарнинг ишончига киришга, унинг топширигини бажаришга ҳаракат қилади. Бунинг учун Кашмирийга

чиқади. «Град» операциясига албатта Кашмирий раҳбарлик қилади.

– Баширнинг вафоти Баққолнинг қулоғига етиб борган. Энди унинг ягона ва ишончли одами Кашмирий бўлади. Улар тез кунлар ичида учрашишади, «Град» операциясини амалга ошириш режасини ҳамкорликда ишлаб чиқишади. Бироқ бу учрашув қачон ва қаерда бўлади?

Маҳмудовнинг жиддий ташвишга тушгани унинг сўзларидан билиниб турарди.

– Баққол энди Афғонистонга қайтиб ўтмаслиги мумкин. Улар музокараларни алоқачи орқали давом эттиришади.

– Фикрингизда жон бор. Биз қандай қилиб бўлмасин, ўша алоқачини топишимиз керак. У бизга Амирийнинг Афғонистонга яширган қуролларини топишда ёрдам бериши мумкин.

– Учрашувда Бўроннинг номи кўп бор тилга олинган. Балки ундан фойдаланишар?

– Бўронни Чеченистондан чақириб олишга Мулла Умар розилик бермайди.

– Балки Фафур ёрдам берар, – таклиф киритди Кенжаев.

– Унинг бутун фикр-ёди Мирзааҳмадни тутишда. У билан ҳисоб-китоб қилмагунча бизнинг топшириқларимизни бажармайди. Қолаверса, у ишончимизни қозонгани ҳам йўқ! Мен у билан тезроқ алоқага чиқишни истайман. Қодирнинг тақдири фақат унгагина маълум. Биз тезроқ Бўрон билан алоқага чиқишимиз керак. У билан гаплашиб олганимиздан кейин бу ишларни бажаришга йўлак очамиз. Ҳозир бизнинг олдимизда ўта муҳим иш турибди, – деди полковник майорга юзлашиб.

– Эшитаман!

– Бўроннинг ўглининг тақдири ҳақида ўйлаб кўришимиз керак. Менимча, у Афғонистонга қайтиб ўтмаса керак. Шунинг учун фарзандини Ватанга қайтаришимизга тўғри келади. Бу сиз билан бизнинг инсонпарварлик бурчимиз!

– Бу ишда ҳарбий разведка бошқармаси ёрдам берар?

– Йўқ, ўзимиз уддалаймиз!

– Ўғли яшаётган жой бизга маълум эмас-ку?

– Бўрон фарзанди яшаб турган қишлоқни яхшилаб тушунтирганди менга. Муҳими, чегарадан ўтадиган одам топиш.

– Ўзимизда форс ва афғон тилларини яхши биладиган ходимлар йўқ. Биргина Сайдалиев бор эди, ҳозир у касалхонада. Балки марказдан ёрдам сўрармиз.

Маҳмудов бош чайқади. У бир муддат жим қолди. Кейин бошини кўтариб, майорнинг қўзларига тикилди. Кенжаев бошлиқнинг муҳим гап айтишга чоғланганини сизди.

– Бизда шундай ходим топилади, – деди ишонч билан.

– Ким экан? – майорнинг юзида ажабланиш аломатлари зоҳир эди.

– Катта лейтенант Сабина Раҳмонова!

– Ахир у...

– Чигал вазиятларда аёллар қўл келади.

– Тўғри, у тилни билади, аммо чегарадан ўтишга тайёр эмас.

– Бир ҳафта муддат ичида ўзингиз тайёрлайсиз!

– Москвага қандай жавоб хати жўнатайлик?

– Бўрон энди бизга иш беради. Тайинланг, уларнинг ходими Бўрон билан алоқани давом эттирсин. Қандай топшириқ билан Чеченистонга борганини бизга маълум қилсин. «Кулранг бўрилар» жойлашган координатларни, уларнинг исми шарифларини, туғилган жойларини ва қачон Афғонистонга ўтишларини аниқласин!

– Тушунарли.
Кенжаев ўрнидан турди...

КОБУЛ

Дэвид ёнидаги олмосни Баширга бериб, унинг зулмидан осонгина қутулдим деб ўйлаган бўлса-да, юрагига қишнинг қахридан қаттиқ совуқ соя тушганди. Дукиллаб тепаётган юраги уни қутилиши мумкин бўлган даҳшатли хатарлардан огоҳ этарди. Башир бўлиб ўтган ишларни ўз раҳнамоларига айтмаслиги мумкин-дир, аммо бошлиқлари Фафурнинг ишлари ҳақида кунора маълумот сўраб турибди. Бунга қандай баҳона топиш мумкин? Уни қўлдан чиқариб юбориш мутлақо мумкин эмас. Москвадаги қамоқдан чиқариш, Венага жўнатиш ва яна Афғонистонга қайтариш учун ҳазилакам маблағ сарф қилиндими? Қанчадан-қанча ходимлар уни озод қилиш учун ойлаб киприк қоқмай режалар ишлаб чиқишди. Уни Эргашнинг ўрнида қолдириш, кейинчалик унинг чапдаст қўли билан режалаштирилган муҳим лойиҳаларни амалга оширишга Дэвиднинг раҳбарлари катта умид боғлашганди. Бахтга қарши, Фафурнинг ўзбек разведкасига алоқадор деб тахмин қилинган жосусни ҳам бирга олиб кетиши шу тизимда ишлаётган ходимлар учун мудҳиш хато эди. Шундай бўлгач, бу ишни ҳеч қачон, ҳеч нарса билан беркитиб бўлмайди. Баширга пора бериб, ундан мадад кутгандан кўра, бўлиб ўтган воқеадан бошлиқларини хабардор қилганида, балки улар бирор маслаҳат берган ёки йўл кўрсатишган бўлармиди? Энди у ўзининг йўл қўйган хатоларидан виждони қийнала бошлади.

«Эсиз олмосим».

«Фафурнинг ўзи разведкага алоқадор эмасми? Ҳарбийлар уни Эргашнинг ишончига кириш, бу ердаги

вазиятдан хабардор бўлиб туриш мақсадида Афғонистонга ташлашмадимикин? Тўдабошининг, кейин бу ердагиларнинг ишончини осонгина қозонди. Ўлимга маҳкум этилиши, четга қочиши аввалдан режалаштирилган сценарий асосида ташкил этилмаганми? Москвадаги турмадан қочишига балки руслар имконият яратиб беришгандир? Нима қилганда ҳам, Фафур ҳаммани лақиллатди.

«Энди нима бўлади? Шу ҳақда ўйлашим керак».

Дэвид эртанги кунни кўз олдига келтирганда бадани қалтираб, боши енгил айлангандек бўлди. Ҳеч қандай сабаб трибуналнинг темир панжара ортидаги совуқ ва суякларга ботадиган қора курсисига ўтиришдан сақлаб қололмаслиги икки карра иккиннинг жавобидек аён эди унга. Суд Дэвидни камида ўттиз йилга озодликдан маҳрум этади. Ҳеч қандай амнистия тегмайди. Жазони мамлакатнинг четидаги ит бормас, совуқ жойлардаги офир колониялардан бирида, якка камерада ўтказди. Ўттиз йил. Бу узоқ муддат. Ҳар қандай матонатли одамни танҳолик адо қилади. Каламушдек ичини кемиради. Қайтиб уйига келишига ҳам кафолат йўқ. Келганда ҳам ўпкаси тугаб, соғлигини йўқотиб, бели букчайиб ҳеч нарсага ярамайдиган, эрта-индин келиши муқаррар бўлган ажалини кутиб яшайдиган ҳолда қайтади... Бундай даҳшатли ўйлар Дэвиднинг юрагини пичоқ мисоли тиларди. Қамоқхонанинг тор, зах, нимқоронғи ҳужраси, деворларига ўрнашиб қолган кўнгилни беҳузур қилгувчи ачимсиқ хиди, пол остидан чиқадиган бурга ва қон сўрувчи каналар – буларнинг барчаси кўз ўнгида жонланди.

– Йўқ, мен ўлишни, умримни қамоқхонада ўтказишни истамайман. Мен инсон бўлиб дунёга келганман, бир кун бўлсада озодликда яшашим ва шу озодликда ҳаётга кулиб боқиб жон беришим керак!

Дэвид шундай қарорга келди. «Бироқ хурликда яшаш учун нима қилмоқ керак?» деган савол яна уни хаёлларнинг чуқур гирдобига фарқ айлади. «Бу ерда қолиш керак эмас, тезроқ қочиб керак».

Шу пайтда Дэвиднинг ён телефони жиринглаб қолиб, хаёлини тўзатиб юборди. Қўнғироқ қилаётган бошлиғи Петрсон эди.

– Қайдасан? – сўради у одатдагидек қўпол оҳангда.

Дэвиднинг оёғида қалтироқ турди.

– Ҳар доимги жойимданман, сэр! – жавоб қайтарди.

– Зудлик билан хузуримга етиб кел!

– Тинчликми, сэр?

– Зарур иш чиқиб қолди.

– Ҳозир бандман. Тушдан кейин ўтсам бўладими?

– Ўша зарур ишларингни йиғиштир!

Дэвиднинг юраги бошлиғининг бежиз чақирмаётганини сезиб увишиб кетди. Қандайдир сўзлар билан унинг мақсадини билишни истади.

– Башир билан учрашмоқчи эдим, сэр...

– Башир билан? – Гўшакдан Петрсоннинг хуштак чалгани эшитилди, – сенинг янгиликлардан хабаринг йўқми дейман?

Дэвиднинг юраги шув этди.

– Қандай янгилик экан? – сўради тили тутилиб.

– Мулла Умарнинг одамлари яқинда Баширни тутиб кетишибди. Башир унинг маконида ўзини ўзи отиб ташлабди.

– Бўлиши мумкин эмас, ахир...

– Бу мамлакатда ҳамма нарса бўлиши мумкин. Ахир бу ўлкани Афғонистон дейдилар. Қисқаси тезроқ етиб кел!

«Бари тамом» ўйлади телефонни ўчириб қўяр экан Дэвид, «Баширни тутиб кетишганидан хабар топшибдими, демак, бу ишда менинг қўлим борлиги аниқланган. Мулла Умар уни сўроқ қилган. Миясидаги барча

фикрларни суғуриб олган. Балки Мулла Умарнинг одамлари кечаги воқеалар хусусида Петрсонни ҳам хабардор қилишгандир. Уни қутилмаганда йўқлаб қолиши бежиз эмас. Қандайдир сир бор!».

Дэвид қочишга қарор қилди. Бироқ қаерга? Ким унга бошпана беради? Қутилмаганда унинг хаёлига Британия разведкасининг ходими, эски таниши Вейвсер келди. У билан муҳим маълумотларни алмашиш жараёнида танишиб олганди. Унинг Афғонистондан чиқиб кетишига ва бирор давлатдан бошпана топишига фақат угина кўмаклашиши мумкин. Петрсонга ниманидир баҳона қилиши керак. Бормаса баттар шубҳаланади. Дэвид хаёлига келган ишни амалга ошириш учун машина рулини шаҳар бозорига бурди.

Бу ерда қурулларнинг барча турлари каби портловчи мосламаларни истаганча топиш мумкин эди. У оломон орасидан ўтиб, қурул-яроғ сотиладиган бозорга ўтди. Савдогарлар хорижликларни тезда ажратиб олишар ва уларнинг пулларини олиш мақсадида ўраб олишарди. Бундай одамлар қурул олишдан кўра сотиш учун келишарди. Дэвид қурулфурушлар даврасига тушиб қолди.

– Сотадиган қурулингиз борми? – сўради уни ўраб олган савдогарлардан бири инглиз тилида.

– Мен ҳеч нарса сотмоқчи эмасман. – жавоб қилди Дэвид.

– Унда харид қиласизми, сэр? Сизга қанақасидан керак? Бизда русларнинг барча қуруллари бор. Инглиз тўппончалари ҳам топилади.

– Нима десамикин... мен қурул олмоқчи эмасман, – деди шовқиндан қулоқлари шанғиллаб кетган Дэвид қўлларини елкаси баробар кўтариб. Унинг сўзларини эшитган айрим қурулфурушлар тарқаб кетди. Дэвид ёнида қолган қурулфурушга паст овозда деди:

– Менга портловчи мослама керак.

– Топилади, сэр, – у бир оз жонланди. Бозорда улар ажнабийлардан куролларни ўн, йигирма баробар арзонга олишса, сотиш чоғида устига ҳатто эллик баробардан ҳам кўпроқ устама кўйиб пуллашарди. Савдогарнинг катта даромад топишга кўзи етди. Овозини шериклари эшитиб қолмаслиги учун пастлатиб сўради:

– Қанақасидан керак сизга, сэр?

– Механизмли мина.

– Топамиз, сэр

– Инглизларникими?

– Йўқ, хитойларники...

– Ишонч йўқ...

– Инглизларники қиммат туради.

– Қанча?

– Минг доллар. Русларники ҳам бор. Бир чақирим олисдан туриб бошқарилади.

– Қанчага берасиз?

– Икки минг доллар, ўта ишончли, сэр. У билан ҳар қандай мақсадингизга эришасиз!

Дэвид русларнинг минаси ҳеч қачон панд бермаслигини биларди. Ўшани олишга қарор қилди.

– Мен сизга бир ярим минг доллар бераман, қолганига ўзимнинг икки стволли, ўттиз олтинчи калибрли тўппончамни қолдираман!

– Бизда бундай тўппончаларнинг харидори кам, сэр. Лекин уни уч юз долларга олиб қоламан.

– Балки беш юз долларга олиб қоларсиз? Бу арзимас чойчақадек гап.

– Инглиз тўппончаларини бизда у қадар ёқтиришмайди.

Дэвид тортишиб ўтиришни истамади. Иккисининг ўртасида бўлиб ўтаётган мулоқот қулоқларига чалинган савдогарлар яна уларни ўраб олишаётганди.

– Яхши, уч юз долларга бичамиз, қолганига нақд пул тўлайман, юринг, четроққа чиқайлик.

Улар гавжум бозордан йироқлашишди ва одамлардан холи бўлган жойга ўтишди. Дэвид ёнидан бир минг еттиз юз доллар чиқариб, уни тўппончасига қўшиб савдогарга узатди. Қурулфуруш чакмонининг тугмаларини ечди. Унинг белига ўнлаб портлатгич мосламалар жойланганди. Чакмоннинг ички чўнтакларидан ўндан зиёд ўқ отар қуруллари кўриниб турарди. Савдогар белидаги портловчи мосламалардан бирини олиб Дэвидга узатди. Бу русларнинг яқинда ишлаб чиқарилган, узоқдан портлатишга мослаштирилган минаси эди. Дэвид бундай мосламани илгари ишлатиб кўрмаган бўлса-да, дўстларидан унинг таърифини кўп эшитганди.

Дэвид зудлик билан бозорни тарк этди. Машинасига ўтириб, бозордан узоқлашди. Одамлар унчалик гавжум бўлмаган ошхона олдида тўхтади. Машинадан тушиб, кузов остига минани жойлаштирди. Шу пайт телефони яна тилга кирди. Кўнғироқ қилаётган Петрсон эди.

– Нима бало, нега шу пайтгача етиб келмаяпсан? – ўшқирди Петрсон.

– Овқатландим сэр. Ҳозир йўлга чиқаман!

– Жин урсин сени! Қаердасан?

– Бозор олдидаги ошхонадаман, сэр.

Петрсоннинг йўғон овозидан қандайдир таҳликанинг иси келарди. «Унинг кўнғироқ қилгани айни муддао бўлди» ўйлади жосус. Одамлар йўлдан тинимсиз ўтиб турарди. Уларнинг кўпи ёш болалар эди. «Бу ерда режани амалга ошириб бўлмайди» ўйлади Дэвид ва машинани юргизди. Ҳали ошхонадан узоқлашмаган пайтда бошига катта салла ўраган, хомсемиз кимса қўл кўтарди. Унинг қиёфаси судхўрларга ўхшаб кетарди.

– Мени карвонсаройга ташлаб ўтсанг, – деди ўзининг тилида. Унинг овозидан қўпол, тўнг одамлиги сезилиб турарди.

Карвонсарой бу ердан ўн чақиримча нарида эди. Дэвид унга олдинги ўриндикдан жой кўрсатди:

– Марҳамат, ўтиринг.

Уч чақиримча юришгач Дэвид машинасининг тормозини босди. Гавжум бозор анча олисда қолганди. Бу ерда деярли одамлар кўринмасди. Гоҳ-гоҳ машиналар ўтиб турарди. Йўловчи шубҳалангандек унга қаради.

– Нега тўхтадинг?

– Радиатор қизиб кетди, сув қуйиб олай, – деди қўлига челакни олиб, – сиз дамгингни олиб ўтириб туринг.

– Тезроқ кимирла, мени дўстларим кутишмоқда!

– Беш дақиқа.

Дэвид сув идишни қўлига олиб пастлик томон чопкиллаб кетди. Шу ерда Кобул дарёси сувнинг бир қисмини кичкинагина каналга қуярди. Дэвид пастликка тушганда ортига қаради ва судхўр ўз жойида ястаниб ўтирганини кўрди. Ёнидан пульта чикарди.

– Ўзинг кечиргин, Раббим!

Жосус чўқиниб, тугмачани босди.

Қулоқларнинг пардасини тешиб юборгудек гумбурлаган овоз келди. Дэвид бошини кўтарганида қип-қизил аланга ичида қолган машинаси том баробар баландликдан пастга қараб тушаётганди. Ерга тушганда яна гумбурлаган товуш янгради. Бироқ у аввалгисидан анча кучсиз эди. Атрофга олов сачради. Анча нарида келаётган машиналар тўхтаб қолди.

– Алвидо, Петрсон. Умид қиламанки, машинамда портлаб кетганим ҳақидаги ёқимли хабар сени хушнуд этади ва бу ҳақда бошлиқларингни хабардор қиласан!

Дэвид ўзини сувга ташлади ва эни ўн беш қадам келадиган каналдан сузиб ўтди. Қирғоқда уни кўздан яширадиган тошлар, дарахтзорлар бор эди.

ИСТАНБУЛ

Баққолнинг бир финжон қаҳвасини ичиб, сирли суҳбатидан кўнгли тўлиб ташқарига чиққан Мустафо кўлидаги кичкинагина таёқчасини айлантириб, йўлакчадан уйи томон кетиб борарди. Унинг хурсандлигини ва хаёлидан ширин уйлар кечаётганлигини чехрасидан билса бўларди. Бу қадар мамнун бўлишининг боисини тушуниш мумкин эди. Бир ой муқаддам инглиз махфий хизмат идорасининг Истанбулдаги агенти Лу билан учрашиб, айнан Чегечи режалаштирган жамиятнинг собиқ ходимлари ҳақида суҳбатлашишган ва бу мулоқотда ким кенгашнинг янги раиси этиб тайинланишини ўзаро муҳокама қилишганди. Мустафо раислик Баширнинг чекига тушишини башорат қилган бўлса, Лу бу лавозимга четдан бири келишига ишонганди. Ҳар иккисининг башорати ҳозирги кунга қадар ўз тасдигини тополмаганди. Бу шунчаки тортишув бўлса-да, Лунинг бу музокарадан кўзлаган яширин мақсади борлигини Мустафо хаёлига келтирмаганди. Ҳазил-хузул гаплар орқали ўша кунги учрашув чоғида Лу кенгаш ичига Мустафонинг кириши кераклигини шунчаки айтиб ўтгандек бўлди. Аслида шунчаки деб айтган бизнинг ушбу сўзимиз замирида катта умид ва улкан режалар яширинганди. Бунинг учун Мустафога Амирийдек қудратли шахснинг ҳузурига кириши учун ҳеч ким йўлак очиб беролмасди. Аниқроқ айтадиган бўлсак, Мустафо кенгашга аъзо бўлиши лозим эди. Бироқ Мустафо Чегечи билан яхшигина муносабатда бўлса-да, кенгашга аъзо қилишини сўрай олмасди. Таклиф айнан Чегечидан чиқишини кутарди. Назарида, Чегечи уни ҳамма томондан синаб кўраётгандек туюларди. Фурсатни интиқлик ила кутаётганда Чегечи, кейин эса бошқалар сирли равишда ҳалок бўлишди. Муста-

фонинг уч йилдан буён кутаётган орзулари саробга айланди. Бироқ у умидсизликка тушмади. Янги раиснинг тайинланишини кутишга қарор қилди. Бироқ у Мустафони ёнига йўлатадими – йўқми – буни олдиндан айтиш амри маҳол эди. У яна тўр ичига тушиб қолди. Юрагидаги истак хаёлидан кўтарилмади. Илгаригидан кўпроқ ўйлай бошлади. Лу ора-сира сим қоқиб, Мустафонинг юрагидаги оғриқни янгилаб қўярди:

«Аъзо бўлсангиз яхши бўларди».

Ниҳоят Мустафонинг кўнгил осмонида қуёш чарақлади. Яқин танишларидан бири бўлган Баққол унга кўнғироқ қилиб, кенгашни бошқариш ўз чекига тушганини, Башир билан учрашиб келганлигини айтди. Бу янгилик Мустафонинг ҳувиллаб қолган қалбига қувончлар олиб кирди.

Бўлиб ўтган суҳбатни хотирлаб, йўлакда гўё ўзидан бошқа одам йўқдек, тарвақай қадамлар билан кетиб бораётган Мустафо бундан бу ёнига Баққол унинг маслаҳатларига ҳамиша муҳтожлик сезишидан, қолаверса, «Град» операциясига ёрдам беришидан умидвор бўлганидан ич-ичидан қувониб, юраги гурсиллаб қаттиқ урарди. У ора-сира чўнтагидаги қўл телефонини ушлаб ҳам кўрди. Луга кўнғироқ қилишни ва бу хушxabарни унга тезроқ етказишни хоҳларди. Қувончдан кўзлари ёнган Мустафо атрофга боқар, ўтиб бораётган одамларга туртилиб-суртилиб кетганига ҳам аҳамият бермасди. Йўл ёқасидаги қаҳвахоналарга қараб қўярди. Ўчакишгандек, назари тушган жойларда одамлар гавжум эди. Мустафонинг тоқати тугади. Қўлига телефонини олди-да, таниш рақамларни босди. Лу уни куттирмади. Телефон жиринглаши биланоқ гўшакни қулоғига тутди ва ҳамишагидек мулойим овозда:

– Эшитаман, Мустафобей, – деди.

– Овозингизни эшитганимдан бахтиёрман, – жавоб қилди Мустафо.

– Товушингиздан менга бирор янгилик айтмоқчилигингизни кўнглим сезиб турибди.

– Сиз ҳеч қачон адашмайсиз, жаноб Лу.

– Учрашамизми?

– Мен сизни уйим олдидаги қаҳвахонада кутсам бўладими?

– Узоғи билан ярим соат муҳлат берсангиз...

– Зарурроқ ишингиз бормиди?

– Ванна қабул қилаётган эдим.

– Кутаман!

Мустафо телефонини ўчириб, чўнтагига тикди. Тез юрганидан эмас, балки қаттиқ ҳаяжонланганидан терга ботганди. Қаҳвахонага кириб, бурчақдаги бўш ўринни эгаллади. Бу ер ташқарига қараганда салқин ва сокин эди. Хизматкорга муздек ичимлик буюрди. У яна ўйга чўмди... Луга айтадиган гапларини миясида пишитиб олди.

Лу «Ванна қабул қилаяпман» деб ёлғон гапирганди. У Мустафо билан бўладиган учрашувга ҳамиша эҳтиёткорлик билан ёндашарди. «Бу одамдан ҳамма нарсани кутса бўлади» деб ўйларди ва эҳтиёт чорасини кўриб кўярди. У ўзининг ёрдамчиларига кўнғироқ қилиб, Мустафо билан учрашишини ва учрашадиган жойининг манзилини маълум қилди. Ёрдамчилари ўша захотиёқ айтилган жойга етиб боришди. Мустафони ҳамда қаҳвахонани назорат остига олишди. Объект тозалиги маълум қилинганча, Лу қаҳвахонага кириб келди.

– Жаноб Лу, мен сизга ажойиб хушхабар олиб келдим. Эшитсангиз қувончдан юрагингиз ёрилиб кетишига шубҳам йўқ!

– Фақат юрагимни ёриб юбормайдиган даражада бошиқлик билан айтсангиз, – ҳазил қилиб деди Лу.

– Жамиятга ким раис этиб тайинланганлигини биласизми?

Лу Амирий ўлимидан олдин Баққол билан учрашганини, Баққол эса Афғонистонга ўтиб Башир билан музокара ўтказганидан хабардор эди. Бу борада индамасликка қарор қилди.

– Афсуски, беҳабарман, афандим, – деди унга ҳайратланган кўзларини тикиб.

– Сизни қўп янгиликлардан беҳабарлигингиз мени ташвишга солмоқда.

– Бир ҳафтадан буён бетоб бўлиб, ташқарига чиқмай кўрпада ётгандим...

– Худо сизга соғлиқ ато этсин!

– Ташаккур, Мустафобей. Хўш, ким раис этиб тайинланибди?

Мустафо ўта муҳим сирни фош қилаётгандек суҳбатдоши томон энгашиб, дўрдоқ лабларини Лунинг катта қулоғига яқинлаштириб шивирлади:

– Амирий ўлди, ўрнига Баққол афанди раис этиб тайинланибди!

– Ишонгим келмайди...

– Қутмаганмидингиз?

– Тушимга кирибдими...

– Сизу биз ўйламаган одамлар кенгашни ўз қўлига олди.

– Ҳақиқатан ҳам бу ўта муҳим янгилик! – хитоб қилди Лу қўлларини ёйиб.

– Яна бир ажойиб янгилик, айтсам ёқангизни ушлайсиз.

– Наҳотки...

– Баққол мени уйига таклиф қилди. Худди яқин одами билан гаплашгандек дардлашди.

– Бу чиндан ҳам қутилмаган, хайратланарли янгилик!

– Бўлмасам-чи!

– У сизга қаттиқ ишонган, афандим. Хўш, нималар ҳақида гурунглашдиларинг? – Лунинг вужуди қулоққа айлаган, Мустафонинг хаяжони унинг юрагига ҳам қўчганди.

– Биласизми, Лу, Баққол афанди Дубайга – Амирийнинг уйига борибди. Аниқроғи Амирий уни чақирибди. Бечора чол ўлим тўшагида ётган экан. Бориши биланоқ кенгашнинг барча ҳужжатларини қўлига топшириб, «Бундан буён кенгашни ўзингиз бошқарасиз» деб васият қилибди.

– Баққолни кенгаш раиси бўлишини мен ҳақ қачон хаёлимга келтирмагандим.

– Нимасини айтасиз, девонасифат бу одам кенгашни бошқаришини ким ҳам хаёлига келтирибди! Муҳими унда пул бор. Баққол Амирийнинг ҳузуридан чиқиб қаерга борибди денг?

– Хўш?

– Тўғри Афғонистонга – Баширнинг ҳузурига учибди.

– Ё тавба, у билан суҳбатлашибдимиз? – сўради Лу.

– Башир «Кенгаш ишини жонлантиришни истасангиз, аввало Мулла Умарнинг кўнглини олишингиз керак» дебди. Баққол эса «Бунинг учун нима қилишим керак» деб сўрабди. Башир «Ўн дона «Град»ни қўшни Тожикистондаги рус ҳарбийларининг базасидан олиб ўтиб берсангиз бас, ҳазратим сизнинг бу ердаги одамларингиз учун ёрдамини аямайди. Афғонистон сизнинг иккинчи Ватанингизга айланади. Одамларингизга мамлакатнинг истаган ҳудудидан жой олишга, кўнглингиз тусаган ишларни қилишга ҳақли бўласиз» деб тайинлабди. Баққол бу ишда мендан ёрдам сўради. «Сизсиз мен ҳеч нарса қилолмайман» деди. Унга «Танишларим бор, улар билан маслаҳатлашиб кўрай» дедим. Бу ишда мени ўзингиз қўллаб юборсангиз яхши бўларди, Лу жаноблари. Агар Баққолга оз бўлсада ёрдамим тегиб қолса, мени кенгашга аъзо қилиб олишига шубҳам йўқ..

– Қийин масала, лекин йўлини топамиз, – деди Лу шеригининг кўнглини кўтариш мақсадида. – Лекин озгина кутиш керак.

– Кутиш керак бўлса кутамиз, бироқ Баққолни менга бўлган ишончи сўнмаслиги керак. Эрта-индин олди-га бориб, уни ишонтиришим керак.

Лу бармоқлари билан иягини эзгилаб, бир нафас жим қолди. Кейин:

– Бунинг учун Баққолнинг яқин одамларидан бири бизга ёрдам бериши керак, – деди. – Биз унга Тожикистонга кириши учун йўлак очиб берамиз. Керакли одамлар билан учраштирамиз. Шундай ишончли одам топиладими?

Мустафо ўйланиб қолди ва Баққол айтган йигит ёдига тушди.

– Бор, – деди ишонч билан.

– Ким экан у?

– Бўрон!

– Адашмасам, бу йигит кенгашга яқинда аъзо бўлганди.

– Жуда тўғри. Лекин ҳозир у Афғонистонда эмас.

– Нега?

– Баққолнинг сўзларига қараганда, Мулла Умар қандайдир топшириқ билан уни Чеченистонга ташлаганмиш.

– Чақириб олса бўлар?

– Баққолга мен шундай фикрни билдирдим.

– Рози бўлдимиз?

– «Одамларимга хабар жўнатаман» деди. «Биз уни Афғонистонга эмас, Туркияга олиб ўтишимиз керак» дедим.

– Жуда ақлли таклифни билдирибсиз, Мустафобей. У таклифингизни маъқуллаган бўлса керак деган умиддаман.

– Бошқа иложи ҳам йўқда...
– Муваффақият сари дастлабки қадам ташланибди.
– Лекин бунга Бўрон рози бўлармикин?
– Шундай йўл топиш керак-ки, Бўрон Туркияга ўтишга ўзи мажбур бўлсин.

– Чамамда биз унга катта маблағ тикишимизга тўғри келади. Ахир пул ҳар қандай одамнинг киндигини ликиллатади-ку, Лу жаноблари, ёки гапимга қўшилмай-сизми?

– Бўронни Туркияга ўтганлигини Мулла Умарнинг жосуслари билмаслиги шарт. Кашмирийнинг «қулоқ»лари ернинг остида илон қимирласа хабар топишади. Сезиб қолишгудек бўлишса, ўртада низо чиқиши, ҳатто кенгашни тарқатиб юбориши мумкин.

– «Град» операцияси бажарилгандан кейин биз ҳам Бўроннинг баҳридан ўтамиз қўямиз.

– Қўлидан иш келадиган одамни эҳтиёт қилиш керак, Мустафобей. Агар барча ишлар бизнинг сценарийимиз асосида кетса, Бўронни бизга топширасиз.

– Сизга? Нима қиласиз уни?

– Ўйлаб қўйган режаларимиз бор...

– Ўйлаб қўйган ўша режаларингиздан мени хабардор эта оласизми?

– Албатта, бу режалар сизнинг маслаҳатингиз асосида амалга оширилади.

Бундай ёқимли сўзлар Мустафонинг кўнглини кўтарибгина қолмай, балки ўзининг Луга яқин эканлигидан фахрланиш туйғусини ҳам уйғотди..

– Биз сизга қаттиқ ишонамиз, Туркияда сиздан ўзга бизнинг содиқ ва ишончли дўстимиз йўқлигини такрор ёдингизга солиб қўймоқчиман, Мустафобей, – деди гаши айлантириб Лу.

Туркнинг кўзлари ёнди.

– Хизматингиздан!

– Баққолнинг ишончига чуқурроқ кириб бориш қўлингиздан келади. Энди у барча ишда сизнинг доно маслаҳатингизга зор. Вақти-вақти билан уйига чақириб туради.

– Бунга шубҳа қилмайман! – мағрурланиб қўйди Мустафо.

– Мен шунчаки қизиқувчи сифатида ўрталарингда бўлиб турадиган суҳбатдан бохабар қоламан деган умиддаман.

– Мен қулф бўлсам, сиз калитсиз, Лу жаноблари. Кенгаш аъзолари орасидан муносиб жой олишим сиз томонингиздан бериладиган маслаҳатга боғлиқ, азизим.

– Баққол билан қачон кўришасиз?

– Юрагига чўғ ташлаб келдим. Эрта-индин ўзи йўқлаб қолади.

– Ўйлашимча, бу галги учрашувда «Град»ларни чегарадан яширинча олиб ўтиш масаласида очиқ-ойдин гаплашиб оласизлар.

– Шубҳам йўқ!

– Сиз унга «Танишим рус ҳарбий бошлиқлари билан учрашиб маслаҳатлашадиган бўлди, унгача Бўронни Чеченистондан Туркияга олиб ўтиш масаласини ҳал қилишингиз керак» деб тайинланг. Бўрон келгунча биз камида бир ой ютамиз. Бу орада барча муаммоларни ҳал қилиб улгурамыз.

– Мен ҳам шундай фикрдаман. Эҳтимол, ҳозир Баққол Бўронни бу томонга олиб ўтиш тўғрисида бош қотираётгандир? Балки унинг ўтишига ўзингиз ёрдам берарсиз?

– Бу ўта жиддий масала, афандим. Лекин ҳаракат қилсак удалаймиз. Аввалига ўзи уриниб кўрсин, қўлидан келмаса, бизга чиқишга мажбур бўлади.

– Мен сизларни учраштираман, қандоқ бўларкин? – суҳбатдошининг кўзларига тикилди Мустафо.

– Бундай ташаббус унинг ўзидан чиққани дуруст, афандим.

– Фараз қилинг, танишинг билан учрашмоқчиман деди.

– Таклиф қилса, албатта кўришамиз! Учрашганларингда сиз «Град»ларни олиб ўтиш масаласида танишларим билан маслаҳатлашдим, улар ҳаракатни бошлаб юборишди, лекин сиз томонингиздан ҳам ишончли одам бўлиши кераклигини айтишди» деб юрагига чўғ ташлаб қўйинг.

– Фикрларингизни унга етказаман.

– Сухбат қандай яқунланишидан қаътий назар, Баққолнинг хонасидан чиқишингиз биланоқ менга қўнғироқ қилинг.

Лу ўрнидан турди. Мустафонинг қўлини қисиб хайрлашди. У эшик томон борар экан, бошидан шляпасини олиб, ялтираган пешонасини дастрўмолчаси билан артиб қўйди. Бу унинг шу қаҳвахонанинг бурчагида ўтирган аёлга «Ҳамма иш жойида, Мустафонинг каерга боришини назорат қил» деган ишораси эди...

ЧЕЧЕНИСТОН

Яндарбиев беш нафар маслаҳатчиси билан Москвада ёмон кутиб олинмади. У миллий либосда бўлиб, бошига ўзининг қоракўлдан тикилган сеvimли қалпоғини кийиб олганди. Шериклари эса қимматбаҳо костюмларда эдилар. Ельцин меҳмонларни Кремлдаги резиденциясида қабул қилди. Музокаралар яширин тартибда бўлмаса-да, журналистларнинг иштирокисиз ўтказилди. Президентнинг чехрасидан бир оз кайфияти бузилганлиги сезилиб турарди. Меҳмонлар икки соатга кечикиб келишганди. Узун, катта банкет залида давлат маслаҳатчилари, ҳарбий бошлиқлар, вазирлик

ва идораларнинг раҳбарлари жамланишганди. Улар аллақачон ўз жойларини эгаллаб, давлат раҳбарининг чиқишини кутишарди. Яндарбиев бошчилигидаги делегация аъзолари ўзларига ажратилган жойларга ўтиришга шошилишмас, улар эшикка яқин жойда президентнинг чиқишини кутишарди. Зелимхон бетоқат эди. Музокарада нима дейиш лозимлигини такрор ва такрор миясида пишитиб оларди. Бу ерга келишдан аввал ўргатилган барча гапларни яна бир бор эслашга уринарди. Муҳими, музокара бошланмасдан у ўз таъсирини президентга ўтказиб қўйишни мақсад қилганди. Уни Москвага кузатганлар буни алоҳида таъкидлашганди.

Ниҳоят эшик очилди, Ельцин залга кириб келди. Унинг синчков кўзлари эшик олдида турган кавказлик меҳмонларга тушди. «Нега шу пайтга қадар ўз жойларини эгаллашмай, эшик олдида туришибди?» деган савол кўнглидан ўтди. Ўтирганлар раҳбарни ўринларидан туриб кутиб олишди. Ельцин ўз жойига келиб тик турганларга қарата:

– Марҳамат, ўтиринглар! – деди йўғон овозда. У бу таклифни ўз одамлари қатори меҳмонларга ҳам қарата айтганди. Ҳамма жойини эгаллади. Бироқ чечен делегацияси аъзолари ҳамон тик туришаверди. Ельцин ўткир нигоҳини яна уларга ташлади. Кутилмаганда Яндарбиев бир неча қадам босиб залнинг ярмига келди-да, президентга қарата:

– Биз сиз билан бундай тартибда музокара олиб бормаймиз! – деди. Унинг овози қалтираб чиқди. Ўтирганлар каби Ельцин ҳам Зелимхонга шишинқираган қовоқлари остидаги кўзларини тикди. Афтидан, унинг яна нимадир дейишини кутди. Зелимхон қўшимча қилди:

– Сиз билан музокараларни юзма-юз ўтирган ҳолда ва ўзингиз билан ёлғиз олиб боришни талаб қиламиз! Биз мустақил Чеченистон давлатининг вакилларимиз!

Ельцин Яндарбиевнинг шу пайтга қадар ўзига ажратилган жойга ўтирмаганлигининг сабабини тушунди. Залга жимжитлик чўкканди. Ўтирганларнинг барчаси нафасларини ютган кўйи Ельциннинг қандай қарорга келишини кутишарди. Яндарбиевнинг юзи қизарганди. Асабийлашганидан енгил титрарди. Эшикка яқин турган ҳарбий кийимдаги зобит кўзларини Зелимхонга тикканча қотиб қолганди. Ельциннинг кайфияти яна бузилди. У шартта ортига бурилиб, зални тарк этиши мумкин эди, бироқ ўзини қўлга олишга куч топа олди. Залга анчагина одамлар жамланганини ўйлади. Уларни ташлаб чиқиб кетиш одобсизлик эди. Ғазабини ичига ютди. Зўраки бўлсада, жилмайди, оқариб кетган юзи енгил табассумдан ёришди. «Тоғлик элчилар» билан жиддий муносабатда бўлишга ва бу жиддийликни музокара якунига қадар сақлаб туришга қарор қилди.

– Мени бу ердагилардан яширадиган сирим йўқ, – деб жавоб қилди. Ельцин, – шундай бўлгач, таклиф этилганлар ўз ўринларида қолишади!

Ельциннинг йўғон овозда айтган сўзлари Яндарбиевга худди генерал олдида турган аскарга берилган буйруқдек таъсир қилди. Залдагиларнинг иштирок этиши зарурлигини ҳам тушуниб етди.

– Мен сиз билан музокараларни юзма-юз ўтирган ҳолда олиб борилишини талаб қиламан! – деди такроран тоғлик ўлка элчиларининг бошлиғи.

Ельцин Яндарбиевга тикилганча жим қолди. Ўтирганлар бир-бирларига қарашди.

– Агар шуни хоҳлайдиган бўлсаларинг, розиман, – деди президент ва ўнг томондан юриб, залнинг ўрта-сидаги курсига келди. Унга жой бўшатишди. Шундан кейин Зелимхон ва унинг шериклари ўз ўринларини эгаллашди.

Музокараларда ҳар икки томоннинг асосий ва муҳим мақсадларидан бири Чеченистондаги жанговор ҳаракатларни зудлик билан тўхтатишга қаратилганди. Учрашувдан кейин чечен делегацияси аъзолари йигирма минут ўзаро маслаҳатлашиб олиб, кейин фикрларини баён қилишни лозим топишди. Ельцин таклифни қабул қилди. Залда Яндарбиев одамлари билан қолди. Йигирма минутдан кейин музокаралар яна давом эттирилди. Якуний ҳужжатларда учта масала қайд этилди: биринчи – июндан Чеченистон ҳудудида ҳар қандай ҳарбий жанговор ҳаракатлар тўхтатилади, икки ҳафта муддат ичида республика ҳудудида сақланаётган тутқунларнинг барчаси озод этилади, ҳар икки томондан тузилган махсус комиссия аъзолари ўз ишларини давом эттиришади ҳамда жанговор ҳаракатларни тўхтатиш ва асирга тушганларни қутқариш мақсадида аниқ механизмлар ишлаб чиқишади. Бу қарорлар Москвадаги музокаралар якунланганидан сўнг икки кун ўтгач кучга кириши кўзда тутилганди.

– Шартномалар белгиланган муддатда кучга кирадими? – сўради биринчи бўлиб Яндарбиев.

Ельцин шундай жавоб қайтарди:

– Бизда ҳокимият ягона! Чеченистонда-чи, у ҳам ўзига тегишли бўлган мажбуриятларни бажаришга тайёрми?

– Бизда ягона ҳокимият кучлироқдир! – ишонч билан жавоб қайтарди Яндарбиев. Кейин қатъий таъкидлади: – Барча дала командирлари менинг буйруғимни сўзсиз бажаришади!

– Унда биз Чеченистондаги энг муҳим масала – тинчлик масаласини ҳал этдик деб ишонамиз!

Анжуман сўнгида давлат раҳбари қисқача маъруза қилди ва «Энг муҳими биз Чеченистонда тинчлик ва барқарорликни ҳал этдик» деб такрор таъкидлаб ўтди.

Ички ишлар ва мудофаа вазирлари тегишли топшириклар олганини ҳамманинг олдида эълон қилди. Ельцин бу кунни «Тарихий кун, тарихий воқеа» деб атади.

АФФОНИСТОН

Дэвид тўғри башорат қилганди. Унинг машинаси портлаб кетгани ҳақидаги хабар ўн беш дақиқадан кейин Петрсоннинг қулоғига етиб борди ва бу хабарнинг қай даражада тўғри ёки сохталигини аниқлаш мақсадида унинг ўзи воқеа жойига етиб келди. Тутаб, иссиқ ховур чиқиб турган машина қисмлари атрофга сочилиб кетганди. Ундан нарироқда гўладек қорайиб кетган одамнинг танаси бир неча бўлакларга ажраб ётарди. Уни таниб бўлмасди. Қорайиб жишга айланиб қолган этини ёриб суяклари чиқиб қолганди. Петрсон даҳшатли манзаранинг устидан чиқди. Ҳақиқатан ҳам машина Дэвидга қарашли эканлигига ишонч ҳосил қилди. Бу теракт ким томонидан амалга оширилганлигини ўйлаб узоқ бош қотирди. Бироқ аниқ қарорга келолмади. Анча синчков, тажрибали ходим ҳисобланган Петрсон ҳолатни синчликлаб ўрганди-ю, аммо машина ғилдираги ёнида тизза қисмидан узилиб кетган оёқдаги кийим – маҳсига эътибор бермади. Агар мана шу оёқ кийим унинг назарини элаб ўтганда эди, мурда Дэвид эмаслигини тушуниб етган, ҳамда бошини қотирган жумбоқларга осонгина жавоб топган бўларди.

Петрсоннинг бу ерда қиладиган иши қолмаганди. У машинасига ўтирди ва қароргоҳига қайтиб кетди. Идорасига кирган захотиёқ телефон орқали ўзининг Вашингтондаги раҳбарига воқеа ҳақида маълум қилди.

– Сэр, нохуш хабар билан дилингизни ранжитишни истамагандим...

– Нима гап, тинчликми? – ваҳимали овозда сўради бошлиқ.

– Дэвиднинг машинасига кимдир бомба қўйган экан, хозиргина шаҳардан чиқаверишда портлаб кетибди.

– Дэвиднинг ўзи омонми?

– Бахтга қарши, унинг танаси ҳам парчаланиб, ёниб кетган.

– Бу кимнинг иши бўлиши мумкин?

– Аниқ гап айтолмайман, сэр...

– Балки муттаҳам Мулла Умарнинг одамларининг ишидир? Лаънати биздан юз ўгирди, аламини олиш мақсадида ҳар қандай қабихликни қилиши мумкин.

– Онт ичиб айтаманки, бу ишда хорижлик жосусларнинг қўли бор.

– Бундай тахминга келишингизнинг сабабини тусунтириб бера оласизми, Петрсон?

– Бу тахмин эмас, сэр, ҳақиқат.

– Мен асосли гапларгагина ишонаман.

– Унда ишонаверинг, сэр.

– Айтинг?

– Бу ишни аниқлаш учун менга икки соат муҳлат беринг, сэр!

– Икки соатдан кейин қўнғирофингизни қутаман!

– Албатта!

Петрсон телефонини ўчирди. Ўриндикқа суянганича Дэвидга уюштирилган суиқасдни таҳлил қила бошлади. У Дэвиднинг машинасига портловчи мослама қўйиш кимга зарур бўлиб қолганини тахмин қила бошлади. Узоқ ўйдан кейин ҳам аниқ қарорга кела олмади. Ички бир туйғу «Бу ишда айнан толибонларнинг қўли бор» деб нидо қилиб, бошлиғининг фикрида тўхташга мажбур қиларди. Икки соат ўтди, телефон қилиш фурсати келганди. Петрсон аппаратни қўлига олди ва ке-

ракли рақамларни терди. Бошлиқ уни маҳтал қилмади, гўшакдан унинг дўриллаган овози келди:

– Қулоғим сизда, Петрсон. Хўш, қандай қарорга келдингиз?

– Афсуски сизнинг фикрингизга қўшилишга мажбур бўлдим, сэр!

– Кеч бўлса ҳам ақлингиз кирганидан хурсандман!

– Яхши тилак билдирганингиз учун миннатдорман, сэр.

– Балки бошқа тахминларингиз бордир?

– Бошқа тахмин тополмадим.

– Дэвиднинг ўлмай қолиши мумкинмиди?

– Нималар деяпсиз, сэр. Ахир мен унинг ёниб кетган ва бўлакларга ажраб кетган жасадини ўз кўзим билан кўрдим.

– Янглишмадингизмикин?

– Онт ичиб айтаман, сэр, Дэвид бизни ташлаб абадиёт сари кетди. Балки ҳозир унинг руҳи менинг хонамда кезиб, сўзларимни тинглаб турган бўлса ажаб эмас.

– Лекин мен ишонмайман! Дэвид тирик!

– Бўлиши мумкин эмас, сэр.

– Сиздан нохуш хабарни эшитганимдан кейин алоқа бўлимига кириб, Дэвиднинг икки кундан бери ҳаракатланган координаталарини ўрганиб чиқдим. Ҳозир ҳам у ҳаракатда. Истасангиз унинг айни чоғда қаерда кетаётганини айтиб беришим мумкин.

Петрсон ҳар бир жосуснинг кийимига ёки оёғига ўрнатилган махсус мослама сунъий йўлдошдаги аппаратлар ёрдамида алоқа бўлимидаги мониторда кўришиб туришидан хабардор эди. Жумладан Дэвиднинг оёғига ҳам шундай мослама боғланганди.

– Балки бу қандайдир англашилмовчиликдир, сэр, – деди Петрсон бир оз жимликдан кейин. Унинг овозидан ҳали ҳам ишонмаётганини билиш мумкин эди.

– Англашилмовчилик? Бундай хатога сиз йўл қўйишингиз мумкин. Менинг ходимларим аниқ ишлашларини, кичкинагина бўлса-да, хатога йўл қўймасликларини яхши биламан.

– Мен унинг изига ҳозироқ тушаман, координаталарни айтинг!

– Яхши... – бошлиқ Дэвид кетаётган жойни маълум қилди.

* * *

Дэвид қаёққа кетаётганини ўзи билмасди. Мухими, воқеа содир бўлган жойдан олисларда бир-икки ҳафта одамларнинг кўзига ташланмай туришни, кейин эса шаҳарга қайтиб, инглиз разведкаси ходими билан учрашишни мақсад қилиб қўйганди. «Ҳозир Петрсон машинамни портлаб кетганини эшитган ва бошлиқларига бу ҳақда маълум қилган» ўйларди у.

Дэвид қишлоққа кириб келганда булутлар орасидан гоҳ кўриниб, гоҳ кўринмай турган қуёш ботиб, қоронғилик чўка бошлаганди. Теварак-атрофда одамлар кўринмасди. Паст-баланд тепаликлар устида беш-олти тошли бинолар бўлиб, уларнинг оралиғи юз метрдан йироқ эди.

Дэвид қаршисидан чиққан дастлабки ховлига девордан бўйлади. Ичкарида ҳеч ким кўринмади. Дераза ойнасидан ичкарида ёниб турган тошфонарнинг бир чимдим қизғиш шуъласи ташқарига тушиб турарди. Дэвиднинг назарида бу жой тинч ва осудадек туюлди. Шу ерда тунашга қарор қилди. Кўча эшик ичкаридан тамбаланганди. У девордан ошиб тушди. Дераза ёнига яқинлашиб, ойнадан ичкарига мўралади. Йигирма беш ёшлардаги аёл кигизга тиззалаганча нимчасининг йиртиғига ямоқ солиб ўтирарди. Аёлни кўрганда Дэ-

виднинг кўнгли бузилди. Аёллар билан қачон бирга бўлганини ҳам унутаёзганди. Жосус атрофда яшаётган одамларнинг уйкуга кетишини кутишга қарор қилди. Ортга чекинди, панароқ жой излади. Уйнинг орқа томонидаги кичкинагина оғилга кўзи тушди. Ўша ерга яширинишга қарор қилди.

Ичкарига сомон босилганди. Бурчақда бўйнидан боғланган иккита эчки ковуш қайтариб ётарди. Улар одам шарпасидан ҳуркиб типирчилади. Дэвид ўзини сомон устига ташлади. Димоғига ёқимли ис урилди. Рухида ўзгариш ҳосил бўлди. Бир пайтлар отаси ҳам уйда мол боқарди. Дэвид унда ҳали ёш бола эди. Отаси иккиси далага чиқиб пичан йиғиштириб, оғилнинг бурчагига босиб қўйишарди. Дэвид пичанга кўмилиб ётишни хуш кўрарди. Миясида болаликнинг ширин хотиралари уйғонди ва кўзларига ёш қалқиб чикди.

Эшик ғийқиллаб очилди. Қўлига тошфонар тутган бояги жувон кириб келди. Чироқни устундаги илгакка илди. Бир сиқим сомон олиб эчкиларнинг охурига ташлади. Бу унинг ётиш олдидаги доимий машғулоти эди. Орқага қайтаётганда қаршисида бегона одамнинг пайдо бўлганини кўриб, таёқдай қотиб қолди.

– Кимсан? – сўради у.

Дэвид жилмайди.

– Адашдим, эрталабгача шу ерда қолсам майлими?

Аёл унинг овозидан бегона юрт одами эканлигини сизди.

– Кет!

Чироқнинг шуъласи аёлнинг юмалок, буғдойранг юзини, қора қошлари остидаги шахло кўзларини ёритиб турарди. Хипча бели, дуркун кўкраклари, сарвдек қомати уни янада хушбичим қилиб кўрсатарди.

Жосуснинг танасида хирс кўзғолди. Жувонга яқинлашди.

– Юз доллар бераман! Бир кечага, розимисан?

– Йўқол!

Дэвид еб қўйгудек тикилиб турган жувоннинг биладигдан ушлаб ўзига тортмоқчи бўлди. Жувон ортга тисарилди.

– Бунча ноз қилмасанг, майли, икки юз оласан, фақат тонг ёришгунча...

– Чик! – жувоннинг овозидан қаттиқ нафратланаётганлигини, ҳеч қандай бойлик, хатто зўрлик ҳам ахдидан қайтаролмаслигини билиш мумкин эди.

Дэвид унинг билакларидан ушлади ва секин ўзига тортди. Аёл силтаниб, йигитнинг темирдек қўлларидан чиқиб ортга чекинди. Дэвид эшикни гавдаси билан тўсиб олди. Кейин у томон бостириб кела бошлади.

– Йўқ дема, фақат эрталабгача бирга бўламыз. Сен америкаликларнинг қандай эркак эканлигини билмайсан.

Аёл орқаси билан юриб, елкаси тошли деворга урилди. Дэвид кўйлагининг тугмаларини бўшатди. Аёл абжирлик қилди. Дэвиднинг қўлтиғи остидан ўтиб эшик олдига бориб қолди. Қўлидаги бешликни қайдан олганини Дэвид пайқамай қолди. У аёл томон яқинлашди. Важоҳати ўта қўрқинчли эди. Ҳеч қандай илтижо уни хаёлига келган қабоҳатдан қайтаролмаслигини билдириб турарди.

– Яқинлашма!

Инсон руҳиятини яхши биладиган Дэвид аёлнинг қаҳру ғазаб ва айни чоғда қўрқув акс этиб турган кўзларига боқиб, бу ожизанинг қўлидан одам ўлдириш келмаслигини уқиб олди. Шунинг учун ҳам тап тортмай олға юрди. Дэвид ҳар қандай рақибнинг қўлидаги қуролни абжирлик билан тортиб олишни, ҳамла қилгудек бўлса, чап беришни яхши ўзлаштирганди. Касбининг тақозосига кўра бундай усулларни машқ қилавериш, устаси фаранг бўлиб кетганди. Бироқ жувон

хамла қилмади. Бешликни маҳкам ушлаганча ортга чекинишда давом этди. Дэвиднинг юзида кулги ўйнардиди, ҳарсиллаб нафас олар, ора-сира «Қочма, ҳаммаси яхши бўлади» деган сўзларни айтиб қўярди. Аёл бурчакка қадалиб қолди. Энди ҳеч қаёққа юришнинг иложи қолмаганди. Олдида иккита йўл турарди: Дэвиднинг талабига рози бўлиш ёки...

– Қўлингдагини ташла! – буюрди Дэвид аёлнинг қопқонга тушганини сезиб.

Аёл бир оз шаштидан тушгандек кўринди. «Таслим бўлди» ўйлади Дэвид ва кўйлагини ечиб ташлади. Жувоннинг юзи қисқа фурсат ичида таниб бўлмас даражада ўзгариб кетганди. Катталашган кўзларида нафрат ўти акс этарди. У санчиқнинг сопини ерга, учини эса кўкрагига тираб турарди.

– Яқинлашма!

– Сен қафасдасан, бошқа чоранг йўқ, қушчам!

Дэвид аёл томон қадам ташлади. Уларнинг ораси икки қадамли масофа эди. Жосус қўлини чўзди, шунда аёл гавдасини орқага ташлади ва бор кучи билан кўкрагини паншахага урди. Ўткир санчиқлар жувоннинг этига ботиб, нозик суякларини қирсиллатиб ўпкасини тешиб ўтди. Гийқиллаб очилган эшикнинг товуши оғзидан қон оқаётган аёлнинг қулоғига чалинганда у оёқда қалтираб турарди. Кўкрагига осилиб тушган бошини кўтаришга зўрға куч топди. Елкасига автомат илган йигит остонада турарди. Бу унинг турмуш ўртоғи эди. Уларнинг кўзлари учрашди. Аёл қонли лаблари билан эрига табассум қилди. Бу табассум орқали у ўзининг поклигини изҳор қилганди. Кейин ерга йиқилди. Дэвиднинг қулоғига эса шарақлаган сас чалинди. Бу ниманинг овози эканлигини сезди. Қўрқув ила ортига қайрилди ва автоматнинг учини ўзига тўғрилаб турган одамни кўрди...

ЧЕЧЕНИСТОН

Иккимиз айтган ҳикояларнинг мазмуни орқали бизлар бир-биримизни яқиндан таниб олдик деб ўйлагандим. Кутузов ҳаётимни сақлаб қолиш учун қўлидан келганча маслаҳат берди. Зелимхонга чиқиш йўллари ҳақида бош қотирдик. Ўнлаб вариантлар ишлаб чиқдик. У билан кўришмасдан ортга қайтолмасдим. Акс ҳолда, мени икки томонда ҳам ўлим кутарди. Афғонистонга қайтиб боришга, аммо ўша муртад, каллакесар жаллодларнинг топшириғини бажариб эмас, балки боламни кўриш учун ҳам у юртга қайтишга мажбур эдим. Жигаримнинг бир парчаси ўша ерда қолган-ку. Болам ҳар куни тушларимга киради. Кечалари ўқлар овозидан уйғониб кетганимда «Дада» деган овозини эшитгандек бўламан. Шошиб-пишиб ён-атрофимни пайпаслайман. Бўғзимга аччиқ нарсалар қадалади. Чидамайман. Ўзим сезмаган ҳолда гапириб юбораман: «Қанисан, қайдасан, жигаримнинг бир бўлаги?». Бироқ қучоғим бўм-бўш, уни тополмайман. Болам деб чўзган қўлларим совуқ тошларга тегади. Ичимни тилиб қандайдир аччиқ нарса кўтарилади ва бўғзимда қадалади. Юрагим олов мисоли ёнади. Унинг тафтига бир қумғон сув қўйса қайнайди. Мен уни ўқлар ичида, осмонида қон иси уфуриб турган юртда қолдирганимдан изтироб чекаман. Гўё визиллаб учаётган ўқлардан бири унинг митти юрагига бориб санчиладигандек, жигаргўшам ўт-оташ ичида қоладигандек типирчилайман. «Омон-мисан, жоним болам!?».

Ҳаммасига қўл силтаб, боламнинг олдига кетгим келади. Аммо Зелимхонни кўрмай Афғонистонга қайтиб борсам, толибонлар бошлиғи мени ўша заҳотиёқ оттириб ташлаши, энг даҳшатлиси, фарзандимни қатл этишга фармон бериши муқаррар эди. Ҳаётим ва тақ-

дирим худди ўргимчак тўрига тушиб қолган ҳашарот-никидек хатарда эди. Зелимхон билан учрашиш мени ана шу тўрдан халос этарди.

– Бу ерда сени Мулла Умарнинг одамлари кутмоқда. Уларга эҳтиёт бўл. Сафнинг бошида ҳам, охирида ҳам юрма. Худо омадингни берсин, – деди Қутузов мени кузатиш олдидан. – Биз яна учрашамиз деган умиддаман!

Рус қўлимни қисиб қўйди. Ташқарига чиқдим. Тун чимматини кўтарганди. Кўчалар одамни ютиб юборадигандек совуқ ҳамда қўрқинчли кўринарди кўзга. Мен келган йўлимни аниқлаб, Латифнинг ёнига боришим керак. У билан учрашиш ҳаётимни сақлаб қолиш учун ягона имконият эди. Бироқ йўл кўзимга нотанишдек кўринарди. Бу ердаги кўчалар бир-бирига ўхшаш эди. Муюлишдан ўтган заҳотимоқ олти нафар қуролланган жангариларга ўзимни уриб олаёздим. Уларнинг қиёфалари шу даражада қўрқинчли эди-ки, даб-дурустдан дуч келган одамнинг юраги ўйнаб кетиши ҳеч гап эмасди. Улар Зелимхоннинг одамлари эканлиги афтидан билиниб турарди. Икки нафар қоратанли улардан ажралиб турарди. Қуролли кимсалар ўз тилларида нимадир дейишди менга. Тушунмаганимни имо-ишоралар билан англатдим. Кейин рус тилида гапиришди. Форс тилида жавоб қайтардим. Улар шубҳаланишди ва қуролларини кўкрагимга тўғрилаб, олдиларига солиб номаълум томонга ҳайдаб кетишди. Бир чақиримча масофани босиб ўтганимиздан кейин икки қаватли бино қаршисидан чиқдик. Бу уларнинг қароргоҳи эканлигини билдим. Снаряд темир дарвозанинг бир бўлагини букиб, қийшайтириб ташлаганди. Иккинчи снаряд эса йўлакка ётқизилган цемент коплаларни парчалаб, хандақ ҳосил қилганди. Дарвоза ёнида турган соқчилар шерикларини таниб, эшикни очишди. Ичкарига кирган заҳотим димоғимга наша

ва қон хиди урилди. Ерда ўнлаб ярадорлар инқиллаб, инграб, оғриққа чидамай йиғлаб ётишарди. Улар қонга беланганди. Хеч ким бизга қайрилиб боқмади.

Иккинчи қаватга кўтарилдик. Икки йигит замбилга солинган мурдани кўтариб пастга тушиб келарди. Сўл томонда ярадорлардан бири жон таслим қилолмай, зинапояга бошини қўйганча инграб ётарди. Ўқ қадалган кўкрагидан қон томарди. Тепа қаватдаги деразаларга қора пардалар осилганди. Каттагина зал нимқоронғи эди. Деразадан кирган ўқлар деворда даҳшатли нақшларни ҳосил қилганди. Уларнинг олдида сачраган қонлар ва қонли бармоқ излари муҳрланганди. Дарча олдида қуролланган одамлар полга тўшини босиб, снайпер винтовкаларини ташқарига қаратиб ётишарди.

Биз чап томонга қайрилдик. Энсиз йўлакдан юриб, залнинг охирида тўхтадик. Йигитлардан бири шерикларига нимадир деб, ўзи ичкарига кириб кетди. Кўзим икки қадам нарида ётган ярадорда тўхтади. У ўлим талвасасида алаҳсираб ётарди. Ўқ кўкрагига қадалган бўлса керак, кийимлари кип-қизил қонга бўялганди. Кўп қон йўқотганидан ҳолдан тойганди. Кўзлари хиёл очиқ турарди. У сўниб бораётган нигоҳлари билан шерикларидан ёрдам кутарди. Йигирма ёшлардаги бу йигитнинг ҳаётини сақлаб қолиш фурсати ўтганини унинг эндигина мўйлови сабза ураётган, оқариб, ўлим аломатлари зоҳир бўлган юзидан билиш мумкин эди. Ундан нарироқда яна бир мурда ётарди. Афтидан, у яқиндагина жон таслим қилган бўлса керак, танаси таёқдек қотганди.

Ичкарига кириб кетган йигит қайтиб чиқди. Шерикларига нимадир деди ва мени ичкарига бошлади. Остонани босиб ўтишим биланоқ нашанинг кўнгилни айнитадиган иси димоғимни ёриб юбораёзди. Девор ёнида ёши ўтиб қолган, юзларини соқол босган ҳарбий

кийимдаги икки одам ўтирарди. Мен остонада тўхтадим. Улар қизариб кетган кўзларини худди душманларига қарагандек менга қадашди. Иккисининг сержаҳл юзларидан, катта-катта кўзларидан ўтакетган бераҳм, шафқатсиз одамлар эканлигини билиш қийин эмасди. Улар нигоҳларини мендан олишиб, бир-бирларига қарашди. Ўз тилларида ниманидир гаплашишди. Менинг шахсим билан қизиқишаётганини гап оҳангларида сездим.

Афғонистондан ўтганимни форс тилида маълум қилдим. Мулла Умарнинг номини эшитиб юзларида ўзгариш рўй берди. Кўзларидаги қаҳр ва ғазаб учқунлари йўқолди. Ханжарни қўйнимдан олиб, уларга кўрсатдим. Иккиси уни кўздан кечирди. Бири соқчига нимадир деди. У ташқарига чиқиб кетди. Беш дақиқа ўтмай башарасидан афғонларга ўхшаш йигитни бошлаб кирди. Нима мақсадда келганимни унга тушунтирдим. У сўзларимни тингларкан, кўзларимга тез-тез боқиб кўярди. Бу ерда ҳар бир сўзимни ўйлаб, мулоҳаза қилиб гапиришим кераклигини англадим.

– Биз сени кўпдан бери кутмоқдамиз. Тамға қаерда? – сўради патак соқолли кимса. Унинг бўйи паст эди.

– Мен Зелимхон билан учрашишим керак. Бу ҳазратимнинг топшириғи, – унинг саволига шундай жавоб қайтардим.

– У ҳозир мамлакатнинг тақдирини ҳал қилиш билан банд. Тамға қаерда?

Йўлдаги воқеаларни айтиб бердим,

– Ўша ажнабийларнинг башарасини эслаб қолдингми? – сўради пахмоқ соқолнинг ёнидаги кимса.

– Кўрсам танийман.

Тилмоч типирчилаб қолди. Айниқса қурол ва «дори» олиб ўтаётган кимсаларнинг фор ичида портлаб кетганини айтганимда унинг рангида қон қолмаганди.

– Ҳозир бизни Рамазоннинг уйига бошлаб борасан. Кейин ўша ажнабийларнинг изига тушамиз!

– Тамғани ажнабийлар топиб олишган бўлиши мумкин, ахир улар уйни остин-устун қилиб титиб ташлаган, – дедим.

Улар сўзимни тинглашни исташмади. Ўн нафар қуролланган жангарига қўшилиб Рамазон бобонинг уйига жўнадик. Йўлда тилмоч мени гапга тутди. Қурол ва «дори» олиб ўтаётган одамлар фор ичида портлаб кетишганини яна бир бор унга гапириб бердим.

– Тамғани қандай қилиб бўлмасин топиш керак. Акс холда, ҳазратим сени ҳеч қачон кечирмайди.

– Мен уни Зелимхоннинг одами Латифнинг қўлига топширганман. Бироқ у йўлда ўрага тушиб оёғи синиб қолди. Шундан кейин тамғани менга қайтариб берди ва Рамазон исмли чолнинг қўлига топширишимни тайинлади. Мен тамғани олиб келиб, унинг қўлига топширганман.

– Бу билан Мулла Умар жанобларини ишонтиролмайсан.

– Латиф гувоҳ.

– Рамазоннинг қўлидан нотаниш одамлар тамғани тортиб олганига ҳам гувоҳинг борми?

Нима дейишни билмай қолдим.

– Назаримда сен Рамазон бобони ажнабийлар ўлдирган деб нотўғри айтдинг. Ажнабийлар буларнинг энг ишончли ва содиқ одамлари. Уларни ушлаб сўроқ қилишга ҳақлари йўқ. Ажнабийлардан шубҳаланаётганигни айтсанг ёки бирортасини мана шу деб кўрсатгудек бўлсанг, ўша пайтнинг ўзидаёқ улар сени ўлдириб юборишади. Ҳатто Мулла Умар ҳам ҳаётингни сақлаб қололмайди.

Бошим узра ўлим шарпаси кезиб юрганини ҳис этдим.

Уй ичи ағдар-тўнтар қилиб ташланганди. Жангарилар бу ердан нимани ахтаришганини тушуниш қийин эмасди. Улар қидирган буюмларини топишганига ичкаридаги манзарани кўрган одам ишонарди. Даҳлизда Рамазон бобонинг шишиб кетган жасади ётарди. Атрофга ёйилган қонлар қотиб қорайиб қолган, унга пашшалар ўтирганди. Эшиқдан нарироқда, деразага яқин жойда Расул чўзилиб ётарди. У худди онасининг бағрига талпинаётгандек қўлларини олдинга чўзганча қотиб қолганди. Боланинг кўзлари очик, садафдек тишлари юпқа лаблари орасидан чиқиб турарди.

Мурдаларнинг аянчли аҳволи жангариларни заррача бўлсада ташвишлантормади. Қиёфаларидан улар одатий, кўриб юрган манзараларига дуч келганини англаш мумкин эди. Мени сўроқ қилган кимса хонани диққат билан кўздан кечирди. Кейин ортига қараб, «Салмон» деб хитоб қилди. Эшик ортида турган мен тенги йигит «Буюринг, Зобур оға» деб мурожаат қилди. Зобур унга нимадир деди. Йигит ёнидан сопига мрамар тошлар қадалган ханжарини олди-да, хонага зимдан назар ташлади. Кейин ўйнаб турган кўзларини ерга қадади. Мен ханжар билан ниманидир тилиб ташласа керак деб ўйлагандим. У бундай қилмади. Ерга тиз чўкди. Ханжарни бармоқлари ёйилган кафти устига қўйди. Ҳамманинг нигоҳи унга қадалганди. Салмон қўлини қонга бўялган гиламга яқинлаштириб, хонани айланиб чиқди. Ханжар гоҳи-гоҳида қийшайиб қоларди. Салмон эса ўша томонга юрарди. У қўшни хонага ўтди. Зобур унинг ортидан эргашди. Мен эшикка яқин турганим учун Салмоннинг ҳаракатларини бемалол кузатиб турардим. Уйнинг бурчагига бориб тўхтади. Ханжар қўлидан тушиб кетадигандек учи пастга қараб турарди. Салмон гиламнинг учини қайирди. Полос остида даста-даста пуллар тахланиб ётарди. Зобур

уларни олиб, қўйнига тикди. Унинг юзи илк бор табас-сумдан ёришганини кўрдим. Салмон ишини давом эттирарди. Ҳамманинг нигоҳини ўзига жалб қилганди. Худди бомба излаётгандек эҳтиёткорлик билан ҳаракат қиларди. Назаримда ханжарнинг ялтираб турган тиғи сирли ойна каби ер остидаги нарсалардан унга хабар бераётгандек эди.

Салмон қўшни хонага ўтди. Бу Рамазон бобонинг ётоғи эди. Зобурнинг ортидан эргашдим. Салмон хона ўртасида тўхтади. Бошини кўтариб биз томонга қараб сирли жилмайди. Кўзларидан излаётган нарсасини топганлигини билиш қийин эмасди. У ханжарини қинига тикди.

Салмон гиламни кўтарди. Бўёқ суртилган пол кўринди. Тахталар бир бирига шу қадар зич қилиб ёпиштирилган эди-ки, бу жойда ер остига олиб тушадиган йўлак борлиги ҳеч кимнинг хаёлига келмасди. Салмон бир амаллаб қопқоқни кўчирди. Қоронғи йўлак кўзга ташланди. Зобур ёнидан ёриткични олиб, нурларини пастга қаратди. Юзи жиддий қиёфа касб этганди.

Салмон бошлиғининг фонарини олиб пастга тушди. Қулоғимга шиша идишларнинг жаранлагани, қандайдир темир-терсақларнинг тарақлагани эшитилиб турарди. Ўн дақиқалардан кейин Салмон қўлида матога ўралган буюмни кўтариб чиқди. Мен уни танидим. Салмоннинг чўзинчок, ўликнинг ранги урган юзи ёришганди. Зобур ўз тилида нимадир деб унинг қўлидаги нарсани олди. Тилмоч ортимда пайдо бўлган, елкам оша унга қараб турарди. Унинг кўзлари боя мен кўрган кўзларга асло ўхшамасди.

– Бахтинг бор экан, – деди у қулоғим остида шивирлаб. – Энди булар сенга ишонди. Ўлмайсан!

Зобур шерикларини эргаштириб, ташқарига қараб юрди. Эшик олдига борганда уни тўхтатдим. Тилмоч

орқали мурдаларни дафн этиш кераклигини, рози бўлса, бу ишни ўзим бажаришимни айтдим.

– Йўллар эсингда қолдими? – сўради у.

– Ҳаммаси эсимда, – жавоб қилдим.

– Ўзимизникилар тўсишса, менинг номимни айт! Ўрисларнинг қўлига тушиб қолсанг ўлдим деб ҳисоблайвер!

Зобур ёрдамчиларини эргаштириб кетди. Тилмоч эшик олдига борганда менга қараб қўйди. Унинг кўзларидан нимадир демоқчи бўлганини англадим.

Ҳовли этагидан белкурак топдим. Девор олдидан икки кишини бағрига сиғдира оладиган қабр қазिशга киришдим. Ер қаттиқ эмасди, лекин дарахт томирлари кўп бўлганлиги боис анча вақтимни олди. Мен мусулмон одатига кўра жасадларни ювдим. Расулни қабрга кўтариб бораётганимда кўкрагим шишиб кетди. Негадир уни маҳкам бағримга босиб олгандим. У кулиб тургандек, хиёл очиқ қолган кўзларини тикиб, «Қаёққа олиб кетяпсиз мени» деяётгандек эди. Русларга дуч келганимизда «Бу менинг акам, соқов, гапиролмайди» деб айтган сўзлари ҳозир ҳам қулоғим остидан кетмасди. Титраётган лабларимни қанчалик қаттиқ тишламай, ичимдаги ўкирик охири бўғзимни ёриб чиқди. Қабр тепасига келганимда йиғлаб юбордим. Ўғил бола укам бўларди. Икки ёшларда эди. Атак-чечак юра бошлаганди. Қизамиқ илашдими ёки бошқа касалликка чалиндими, иссиғи кўтарилиб бир кечада ўлди. Укамнинг йиллар хотирамдан ўчириб бораётган кулча юзи, қалин қора қошлари, чаросдек порлаб турган ўйноқи кўзлари, эндигина чиқиб келаётган тишлари, юмалок ширмондай ёқимли чехраси кўз ўнгимда намоён бўлди. Мен уни қанчалар суярдим! Кун бўйи елкамдан туширмай кўтариб юрардим. Уни тупроққа қўйиб келганимиздан кейин ҳар кун тушларимга кирарди. Юрагим

эзилиб, хаста бўлиб қолгандим. Онам баттар эзилди. Жудоликка чидамай, жигари шишиб, укамнинг йили келмай вафот эди. Бу йўқотишлар мени телба қилиб қўяёзганди. Кейин Лайлони, арава устида тўлғоқ тутиб, қон йўқотиб фарзандини дунёга келтириб, ўзи дорилбақога рихлат қилган Зебони, олисларда қолиб кетган жигаримнинг бир парчаси – фарзандим Ёдгорни эсладим. Бу хотиралар вайрон қалбимни, ситамларга тўлиб тошган юрагимни баттар мижғилаб ташлаганди. Мен йўқотган одамларнинг барчаси оғир қийинчиликнинг, мухтожликнинг, урушнинг қурбонига айлангандилар. Бунинг учун кимни айблай, замонними, тақдирними, амал-мансаб, ҳокимият учун курашиб, одамларнинг қонини тўкаётган ёвуз кимсаларними? Қурол ишлаб чиқариб, шуҳрат ва обрў топишга уринаётган, дунёнинг устунига айланишни истаётган манманларними? Уруш нималигини билмаган, яхши-ёмонни фарқлай олмайдиган норасида бир гўдакнинг совиб қотиб қолган жасадини қучоқлаб турар эканман, уларнинг бари-барига лаънат ўқидим.

Расулни қабрга қўйгим келмасди. Назаримда у менинг бағримда ухлаб қолган, хали замон кўзини очиб уйғониб, «Бўрон оға, қачон мен онамнинг олдига кетаман» деб қоладигандек эди. Боланинг совуқ танаси бағримда илиб борарди. Кўзларимдан оқиб тушаётган аламли ёшлар тинмасди. Бироқ тақдир ҳукмига итоат этишга мажбур эдим. Лабларимдан кўнглимдан кечган ўйлар учиб чиқарди: «Хайр болажон. Охиратинг обод бўлсин. Илоҳим, сен бу юртдаги урушнинг сўнги қурбони бўлгин. Илоҳим, ер юзидаги жамики инсонлар уруш туфайли йўқотган фарзандлари, яқинлари, дўстлари, жигарлари учун қон қусиб аза тутмасин. Ҳеч бир ота-она фарзанд доғида ер чангаллаб бўзламасин. Алвидо, менинг жажжигина, меҳрибон дўстим!».

Бағримдаги болани минг азоб ва алам билан лаҳадга қўйдим. Йиғлаб-йиғлаб устига тупрок тортдим. Қуръон тиловат қилдим.

Бу пайтда қоронғи тушганди. Ўрнимдан турдим. Эшик олдига борганда ортимга қайрилдим. Тупрок иси анқиб турган қабрга ўз қўлим билан қўйган Расул ва Рамазон бобо билан видолашдим. Улар худди қабр ичидан бошларини чиқариб тургандек кўринди кўзимга.

– Алвидо!

Ташқарига чиқдим. Кутузовнинг олдига кириб ўтишга қарор қилдим. Бундан бу ёғига Зобурнинг ихтиёрида бўлсам, унинг рухсатисиз ҳеч қаёққа кетолмайман.

Руснинг овқати қолмаганидан хабардор эдим. Уй ичидан топган егуликларимни икки шиша винога қўшиб у ётган бинога қараб жўнадим.

Кутузов келишимни кутмаганди.

– Тамғани топиб олиб кетишди, – дедим.

– Топилмаганда Мулла Умарнинг олдига қайтиб боролмасдинг, – деди рус.

– Тилмоч тамға топилмаганда сени ҳам Рамазон бобога қўшиб кўмиб кетардик деб айтди, – дедим ярим ҳазил, ярим чин аралаштириб.

– Ундан эҳтиёт бўл!

– Мулла Умарнинг одамлари тамға Зелимхоннинг одамларининг қўлида эканлигини билишармикин?

– Сен гаплашган тилмоч унинг одами... Бугуноқ бу ҳақда унга маълумот жўнатади.

– Кўнглим сезганди.

Кетиш учун ўрнимдан тураётганимда рус:

– Бўрон, тўхта! – деди менга жиддий назар ташлаб. Унинг овозини эшитиб, қаршимда бегона одам тургандек ҳис қилдим ўзимни. Ой шуъласида ялтираб турган

кўкимтир кўзларидан қандайдир муҳим маълумотни айтишга чоғланаётганини пайқаб қолдим.

Жойимга ўтирдим.

– Маҳмудовдан салом, – деди у кўзларимга боқиб.

– Маҳмудовдан, ким у Маҳмудов? Мен бундай одамни танимайман, – дедим кўзларимни унинг нигоҳларидан узмай.

– Мен Москва билан боғландим. Раҳбариятга сен ҳақингда маълумот жўнатгандим. Тошкентдан эканлигини кўнглим сезганди. Бошлиқларим сенинг идоранг билан боғланиб, биз учун ёрдамнинг зарурлигини айтишиб, уларнинг розилигини олишибди. Энди ҳамкорлик қилишимизга тўғри келади.

Раҳбарларимнинг розилик берганидан эмас, балки улар менинг тириклигимдан, Чеченистонга келиб қолганимдан огоҳ бўлишганидан мамнун бўлдим. Кутузовнинг сўзларида ҳеч қандай муболаға яширинмаганини сездим.

– Тошкент мендан қандай маълумот кутмоқда? – сўрадим Кутузовдан.

– Зелимхон эртага одамлари билан учрашади. Сен Зобурнинг атрофидан жилма. Тамғанинг топилиши сени Зелимхон билан учраштиришга ёрдам беради. Зелимхон қурол ва қорадори олиб ўтиши керак бўлган одамларнинг тақдири ҳақида сўраб-суриштиради. Шунинг учун у сени эҳтиёт қилишга мажбур. Сен уларнинг гор ичида қолиб кетганини кўрган ягона гувоҳсан. Бу ҳақда фақат сенгина Мулла Умарни ишонтиришинг мумкин. Акс ҳолда, толибонлар етакчиси Зелимхоннинг сўзларига ишонмайди.

– Мулла Умар анойи эмас. Йўқотишларини қандай қилиб бўлмасин Зелимхоннинг гарданига юклашга ва ундан ҳақини ундириб олишга ҳаракат қилади. Қолаверса, қурол ва қорадори олиб ўтаётган одамлар унинг

худудида ўлган. Бунинг учун жавобгарлик Зелимхоннинг зиммасига юкланади.

– Сен Зелимхонни яхши билмайсан. У ҳам Мулла Умардан қолишмайди. Пулни тўлашдан бўйин товлаши мумкин. Жанг энди бошланади.

– Бу уларнинг иши, ўзлари ҳал қилишсин, – дедим баҳсга яқун ясаш мақсадида.

– Мен бу гапларни сен улардан эҳтиёт бўлишинг кераклигини назарда тутиб айтмоқдаман. Зелимхон қандай қилиб бўлмасин, сендан фойдаланиш йўлини топади. Агар Мулла Умарнинг қулоғига қурол ва қорадори олиб ўтаётган одамлари фор ичида қолиб кетганлиги ҳақидаги хабар етиб боргудек бўлса, гувоҳ сифатида сени чақириб олиши мумкин. Ахир қурол билан «дори»нинг пулини назорат қилиш, уни Мулла Умарнинг қўлига етиб боришини тезлаштириш сенинг вазифанг, шундай эмасми?

– Фақат буларни эмас, – дедим Кутузовнинг саволига жавобан, – олиб ўтган тамгадан қанча купюра ясалганини, уларнинг қанчаси одамларга тарқатилганлигининг ҳам ҳисобини олишим керак. Шунга қараб Мулла Умар бўнак олади.

– Сен ўта қалгис ўйинга кириб қолибсан. Эҳтиёткорлик билан ишлашингни маслаҳат бераман. Ножўя бир қадам ташласанг, хатар уммонига шўнғийсан. Сен сирот кўпригидан ўтиб бораётган одамга ўхшайсан. Аслида чекистнинг вазифаси шундай!

– Мен қандай топшириқни бажаришим керак?

– Биринчидан: бизни чет элдан келган жангариларнинг етакчилари, улар амалга оширадиган ишлар кизиқтиради. Иккинчидан: Зелимхоннинг президент билан бўлиб ўтган учрашувдан кейинги мақсади нима? Учинчидан: ҳозир унинг қўлида икки юздан ортиқ рус ҳарбий асирлари сақланмоқда. Улар қаерда? Биздаги

маълумотларга қараганда хорижлик жангарилар рус харбий базаларини йўқ қилиш бўйича махсус режа ишлаб чиқишган. Қандай қилиб бўлмасин, ўша режадан воқиф бўлишимиз керак. Бундан ташқари чеченлар асирга олинган ўз одамларини озод қилиш мақсадида Россиянинг турли шаҳарларида қўпоровчилик ишларини, мактаб, боғча болаларини гаровга олиш режасини ҳам ишлаб чиқишган. Бу қачон ва қаерда, кимлар томонидан амалга оширилади? Биз шуларни аниқлашимиз керак.

– Тушунарли, – дедим. – Бироқ бу ишларни бажариш учун вақт керак.

– Тушунаман. Шошилма. Олдимга ҳар куни келишининг ҳожати йўқ. Мен бу ерда узоқ қолмайман. Оёғим тузалиб қолди. Жойимни ўзгартиришим керак.

– Сени қаердан топаман?

– Келгуси ҳафтанинг охирида шу ерга келасан. Анави туйнук остидаги биринчи қаторнинг олтинчи гиштини кўчирасан. Янги манзилимни ёзиб ўша жойда қолдираман.

Ўрнимдан турдим. Зобурнинг олдига бориш вақти бўлганди... Ташқарига чиққанимда муҳим гап ёдимга тушди. Кутузов орқали бошлиқларимга боламни Афғонистондан она юртимга олиб ўтишларига ёрдам беришларини илтимос қилсам бўларди. «Майли, бу ҳақда келгуси учрашувда айтарман» деб ўйладим ва жангариларнинг қароргоҳи томон йўл олдим...

АФҒОНИСТОН

Петрсон навигатор орқали Дэвиднинг йўналиши аниқланган сўқмоқдан дарё ёқалаб, тоғларга туташиб кетган яйловдан шимол томон кетиб борарди. Бу жойларда одамлар кам яшар, асосан чорвадорлар ис-

тиқомат қилишарди. Олис-яқинлардан тошлардан кўтарилган яккам-дуккам бинолар кўзга ташланиб турарди. Ерлар тошлоқ бўлганлиги боис сув бошқа жойларга нисбатан сероб бўлса-да, деҳқончилик қилишга ўнғайсиз эди. Шунга қарамасдан, одамлар узоқ йиллар давомида ўзлаштириб олган ерларига лалми буғдой сепишарди. Бу мамлакатда энг қиммат икки нарсанинг бири автомат бўлса, иккинчиси дон эди. Бироқ ҳосилни йиғиштириб олишга ҳеч ким кафолат бера олмасди. Еру самодан келадиган табиий офатлардан кўра одамлар томонидан етказиладиган зарарлар даҳшатлироқ эди. Лекин наилож, деҳқонлар таваккал қилишга мажбур бўлишарди. Қишдан тишларининг қавагида асраб чиққан уруғлик донларни сепишарди. Пойтахтда бўлаётган уруш бу жойларга ҳам ўзининг қуюқ соясини ташлаганди. Олислардан отилган снарядлар кўпроқ шу кенгликларга келиб тушар, экинларни ёппасига пайҳон қилар, куйдириб кулга айлантириб ташларди. Яна жизғанаги чиқиб қолган далалар фарзандидан жудо бўлган она мисоли юрак-бағри куйгандек қорайиб қоларди.

Бу йил ҳам деҳқонлар яйловга умид билан уруғ сочишганди. Қишда қалин қор ёғди. Ниш урган экинлар қорнинг оппоқ кўрпаси остида қолди. Баҳор келиб, ер остидаги иссиқ тафт сабаб унган уруғлар кўкка бўй чўзганда кунлар бирдан илиб кетди. Деҳқонлар Худога илтижо қилишди. Экинлар сарғайиб, қурий бошлаганда кўкдан ёмғир ёғиб берди. Буғдой шу қадар гуркираб ўсдики, тошлар устидаги ям-яшил экинзорни кўрган ҳар қандай одамнинг кўзи қувонарди. Деҳқонлар ўз экинзорларига боқиб ҳосилнинг мўл бўлишини, қаҳатчилик ва очарчиликдан омон-эсон чиқиб олишларини умид қилиб, ич-ичларидан қувонишди. Бахтларига пойтахт ва унинг атрофида бўлаётган урушлар

кун сайин кучайса-да, бу ерларга бирорта бомба ёки снаряд келиб тушмади. «Бу ҳам Худонинг асрагани, бола-чақаларимизга раҳм қилгани» деб қувонишарди деҳқонлар.

Қишлоқ имоми Мурод бобо ҳар кунги беш вақт намозда уруш оловини ёқаётган, бир-бири билан жанжаллашиб, ражишиб, жиққамушт бўлиб қон тўкаётган биродарларига инсоф тилаш билан бирга, уларнинг қуролларидан отиладиган бирорта снаряд мана шу ғаллазорларга келиб тушмаслигини Худодан астойдил сўраб дуода бўларди. Барчанинг назарида оқсоқолнинг дуоסי ижобат бўлаётганди. Буғдойлар гуркираб ўсди, тизза бўйига етганда бош чиқариб сарғая бошлади. Деҳқонлар энди янада хушёр тортиб қолишди. Ўз ерлари атрофига қапа тикиб, худди ердан ёки кўкдан келадиган балою офатдан сақлаб қоладигандек шу ерда тунайдиган бўлишди. Ниҳоят ҳосил ҳам пишди. Олтин рангига кирган буғдойзорни кўриб одамларнинг кўзлари ёшга тўлганди. Улар ўроқларини қайраб, ҳосилни йиғиштиришга тараддуд кўришаётган бир паллада, юракларини таҳликага солиб келган воқеа ниҳоят содир бўлди. Бунини ҳеч ким, ҳеч қачон кутмаганди. Худди атайин қилингандек бўлди-да.

Ўша куни деҳқонлар Мурод бобо бошчилигида дала тепасига чиқишди. Донларини кўтаролмай бошлари эгилган, тоғ томондан келётган эпкиндан чайқалиб турган буғдойзор одамларга қарата «Мана, меҳнатларингга яраша ҳосилни бердим. Болаларинг бўрсилдок нонларни ейишади, очарчилик жафосини унутадилар» деяётгандек шовулларди. Қайралган қиличдек ўткир ўроқларини белларига қистиришиб, дала бошида тизилишиб турган деҳқонлар оқсоқолга юзланишди.

– Дуо қилинг, Кадхудо (оқсоқол). Раҳмдил, меҳрибон Эгам бизларнинг қиши билан қилган илтижолари-

мизни қабул қилди, бола-чақаларимизга, беморларимизга шафқат қилди, муножотларимизни тинглади. Сўраганимиздан ҳам мўл ҳосил берди.

Барча қўлини кўтариб, қувончдан ёшланган кўзларини фалакка тикди.

Оқсоқол чуқур тин олди. У ҳам яқин йиллар ичида ҳозиргидек бахтиёр бўлмаганди. Гурсиллаб ураётган юрагининг товуши қулоқларига чалиниб турарди.

– Ўзингга беҳисоб шукрлар бўлсин, эй ўн саккиз минг оламини яратган Парвардигорим! – кўкка боқиб нидо қилди Мурод бобо. – Бизнинг оҳу зорларимизни инобатга олдинг. Бола-чақаларимизга, қарияларимизга, хастаю беморларимизга раҳм-шафқат айладинг. Уларнинг ризқу насибасини бердинг. Шукрлар бўлсин Сенга! Умид билан тошлар устига сочган уруғимизни еру кўкдан келадиган бало-қазолардан, офатлардан асрадинг. Кутганимиздан ҳам зиёда мўл ҳосил бердинг. Поялар бошоғини кўтаролмай қадини эгиб турибди. Бу мўл ҳосилдан нишона. Бунинг учун Сенга ва фақат Сенга ҳамду саноларимизни изҳор қиламиз, эй инсонларнинг раҳмдил ва меҳрибон Раббиси! Насиб қилса, ҳосилни ўриб-йиғиб, донларни қозноқларимизга олиб кириб олсак, қўй сўйиб сенинг ҳақингга қурбонлик қиламиз. Ўзинг баракасини бергин, Аллоҳим! Омин!

Ўнлаб одамларнинг оғзидан бир пайтнинг ўзида омин деган сўз гуррос янграб чиқди-да, буғдойзор узра худди қанот қоққан қушлардек ёйилиб кетди. Меҳнатдан қадоқ бўлган қўллар қувончдан ёришган, севинчдан чақнаган юз-кўзларни оқин сув каби силаб-сийпаб тушди. Энди улар белларига қистирилган ўткир ўроқларини қўлларига олиб, ўримга тушишлари мумкин эди. Хаяжон ва шодликдан юраклари энтикиб турган атрофдагиларнинг кўзи Мурод бобода тўхтади. Ахир уруғни шу одам сепган, шу одам фотиҳа берди,

ундан олдин экинга ўроқ солишга кимнинг ҳам хадди сиғарди. Ахир бу одобсизлик. Одамлар «Ўримни ўзи бошлаб берсин» деб унга қараб туришарди. Мурод бобонинг кўзлари ҳам жиққа ёшга тўлганди. Уйдаги набиралари, келинлари айнан у олиб борадиган донга кўз тикиб ўтиришибди. Икки кундан бери болаларнинг қорни нонга тўймай қулдирайди. «Бобо, буғдойимизни қачон ўрамиз» деб ҳол-жонига қўймай сўрашгани сўрашган. Мана, ўша кун ҳам етиб келди. Мурод бобо фотиҳа бергандан сўнг айнан унинг хира тортиб, ёшга тўлган кўзларига набиралари кўринди.

«Бобо буғдойимизни қачон ўрамиз», болаларининг овози гўё ёнида тургандек қулоқлари остида такрор ва такрор жаранглади. «Ўримни бошладик, жўжиқларим» пичирлади оқсоқол ич-ичидан отилиб келаётган қувончдан энтикиб.

У ўроғини қўлига олиб, «Бисмилло, ўзинг баракасини бергин, Тангрим!» дея яна бир бор қўкка боқиб Яратгандан куч-қувват тилаб, пайкал томон юрди. Барчанинг кўзи ҳамон оқсоқолда эди. Уларнинг куч-ғайрати шу қадар жўш урган эдики, агар Мурод бобонинг қўлидаги ўроқ пояларга тегса бас, ҳаммалари арконни узган шердай экинзорга ташланишарди.

Мурод бобо бир тутам буғдой поясини бармоқлари билан сиқимлаб, илдизига ўроқ ураман деганда кутилмаган офат содир бўлди. Аллақаердан учиб келган снаряд икки терак бўйи баландликдан, уларнинг шундоқ тепасидан чийиллаб, қулоқларини қоматга келтиргудек учиб ўтди-да, буғдойзорнинг қоқ ўртасига келиб тушди. Шундай даҳшатли гумбурладика, тоғларнинг чўққисидаги тошлар кўчиб, пастга думалаб тушди. Гангиб қолган одамлар ақл-хушларидан бегона бўлиб, ҳайкалдек донг қотиб қолишди. Снаряд тушган жойдан бир уюм тупроқ отилиб, байрам кунлари фалакка

қарата отилган мушакдек чор томонга сочилиб кетди. Тупроққа қўшилиб тошлар ҳам осмону фалакка учди, кизғимтир шуълалар сочди. Булар чўғлар эди. Улар ўттиз, қирқ кадам нарига тушди ва ўша ердан, ўша пайтнинг ўзидаёқ гуриллаб аланга кўтарилди. У тилини ўзидан узоқларга чўзиб буғдойзорни ямлаб ютар, комига тортарди. Қўлига ўроқ тутган дехқонлар нима қилишни билмай, кўраётганимиз тушми, ўнгми дегандек серрайиб, тошдек қотганча туришарди. Улар ўзларига келганда рўпаларидаги буғдойзор ўрнида қоп-қора кулга бурканган майдон турарди. Донлар қорайиб, иссиқ тафт чиқариб тутарди. Осмонни дон ва снаряднинг хидлари уйғунлашган ис босганди. Бола-чақаларининг ризки нобуд бўлган одамларнинг боши ҳам бўлганди. Уларнинг кўзларидан ёшлар ҳалқаланиб оқиб тушарди. Афсус ва надоматдан кўзларини яширадиган жой топишолмасди. Дехқонлар бирин-кетин ҳушларига келиб, яқин кишиларидан жудо бўлгандек бир-бирларини бағриларига босиб, ўкириб йиғлаб юборишди. Саксон ёшли Мурод бобо эса қўлидаги ўроқни маҳкам чангаллаганча, бели букчайиб, қалтираган оёқларини тик тутолмай дир-дир титраб турган жойида йиғларди. Унинг қўлида бир тутам буғдой пояси осилиб турарди.

Шу пайтда улардан бир неча кадам наридан дехқонларнинг ташвишидан, уларнинг кўнглидан кечаётган ғам-аламларидан беҳабар бўлган узун бўйли, қотмадан келган, қишлоқча кийиниб олган бир одам кетиб борарди. У гоҳ-гоҳ билагадаги соатга ўхшаш компаснинг ликиллаб турган кўрсаткичига боқиб қўярди. Ярми қизил кўрсаткич унинг қаёққа бориши кераклигини кўрсатарди. Бу Петрсон эди. У узоқ ва тинимсиз йўл юрганидан терга ботганди. Унинг қийғирникидек ўткир кўзлари офтоб нурида жимирлаб ёнаётган алангага ва тоғ эпки-

нида бир оз қийшайиб кўкка ўрлаётган тутунга тушди. Шунда буғдойзорга ўт кетганини, боя тепасидан визиллаб учиб ўтган снаряд даланинг қоқ марказига тушганини фаҳмлади. «Буғдойзор ёниб кул бўлибди-да» деб қўйди ичида. Бу унинг учун ҳеч қандай аҳамият касб этмасди. Икки гектардаги ҳосилни қишлоқ одамлари интиқ кутганини, осмондан келган бало уларнинг бошига қай даражада оғир мусибат солганини хаёлига ҳам келтирмасди. Буғдойзорнинг ёниши билан неча пуллик иши бор. Бошлиқлари ундан «Далага снаряд тушдими, йўқми» деб сўрашмайди. Уларнинг ўз дардлари, ўз ташвишлари бор. Сунъий йўлдош орқали аниқланган йўлдан бориб, Дэвидни яширишиб олган жойидан тезроқ чиқариши зарур. Петрсон билан бутун бир идоранинг ходимлари ҳозир алоқа боғлаб, унга йўл кўрсатиб маслаҳат бериб туришибди. «Яна уч юз эллик олти метр юрсангиз объектга етиб борасиз. Ҳар эҳтимолга қарши эҳтиёткорлик чорасини кўринг. Дэвидни толибонларнинг ашаддий каллакесарлари қўлга олган бўлиши мумкин. Улар ходимимизнинг изига тушишган. Бизга оламжаҳон пулга сотишади. Қандай қилиб бўлмасин, уни каллакесарларнинг қўлидан қутқаринг. Оғизларидан чиққан пулни тўлашга ваъда бераверинг. Ҳисоб-китобни кейин қиламиз. Сизнинг меҳнатингизни, Ватанингизга бўлган садоқатингизни, жонингизни хатарга қўйиб, ходимимизни душманлар қўлидан соғ-омон қутқариб чиққанингизни қадрлаб, раҳбарият сизни юксак мукофотга тақдим этади».

Манзилга яқинлашган сайин Петрсоннинг юраги хаяжондан гурсилларди. Дэвидни бу томонларга келиб қолиши разведкачини ажаблантирарди. «Нима мақсадда бу тоғли қишлоққа келган бўлиши мумкин? Машинасининг портлатилиши ва унинг ичида Дэвиднинг эмас, бегона одамнинг мурдасини қолдириб кетилиши

бу ходисанинг унинг мамлакатига қарши навбатдаги теракт эканлигини очиқ-ойдин билдириб турарди. «Бу ишда Мулла Умар одамларининг қўли бўлмасин-да. Бусиз ҳам кейинги пайтда ўртадаги муносабат кескинлашиб бормоқда. Худо кўрсатмасин, агарда ўйлаганимдек бўлиб чиқса, вазият баттар кескинлашади».

Дэвид ҳеч қачон у билан маслаҳатлашмасдан бу ерларга ўзича келмайди. Қолаверса, унинг тоғлар остидаги чакалакзору тошлар босиб ётган мана шу қишлоқда қиладиган иши ҳам йўқ. Уни қўлга туширишган, шубҳа туғдирмаслик мақсадида машинасини портлатиб ташлашган. Кимгадир бу ўйин керак бўлиб қолган. Агар бунга аниқлик киритгудек бўлса, Дэвидни душманлар қўлидан олиб чиқиб кета олса, ваъда қилинаётган мукофот нақд.

Петрсон гуриллаб ёнаётган буғдойзорга бир зум тикилиб қолди. Бу орада олов бутун майдонни эгаллаб олганди. Ёниб бўлган жойлардан қора тутун кўтариларди. Дэвид қўлидаги компасга қараб олди-да, яна борар манзили томон илдамлади. Одамларга кўринмагани, кимлигини ва тошлар тепасига жойлашган гугурт қутисидек бу қишлоқ томон қандай мақсадда кетаётганини билдирмагани маъқулдек туюлди. «Ҳозир уларга яқинлашгудек бўлсам, худди ёввойилардек устимга ташланиб, ғажиб ташлашади» деб ўйлади. У бир пайтлар сув оққан, эндиликда қум аралаш майда шағаллар босиб ётган зов-дара (тоғ оралиғидаги чуқур) га тушиб олди. Бу орада у билан боғланиб турган одамлар Дэвидгача икки юз саксон икки метр қолганлигини маълум қилишди. Қуёш тобора пастлаб, қайноқ тафти сўниб борарди. Петрсон анча ҳолдан тойганди. Оёқлари қақшаб оғрирди. Тош устига ўзини юз тубан ташлади. Ўн беш дақиқа ўтиб Петрсоннинг ёнидаги аппарат тилга кирди.

– Нима гап, Петрсон, нега ҳаракатдан тўхтаб қолдингиз?

– Чарчадим, – шивирлаб деди у.

– Манзилга тезроқ етиб боринг, бошлиқлар сиздан жавоб кутишмоқда. Лаънатилар Дэвидни қийнаб, сирларимизни билиб олишлари мумкин. Улар одамзодни қандай азоблашни билишади. Дэвид бу ваҳший қийноқларга дош беролмаслиги мумкин.

– Тушунарли, мана, ўрнимдан турдим, йўлдаман!

– Етиб борган захотингиз ҳолат бўйича бизга маълум қилинг. Бу иш билан шахсан давлат раҳбарлари кизиқишмоқда.

Петрсон ўрнимдан турди. Қадамини илдамлатди. Тез орада манзилга етиб борди. Аппаратдан узлуксиз эшитилаётган товуш Дэвидни айнан шу ерда эканлигини билдиради. Бироқ тошлоқ ва чақир тиканаклар босган жойда ҳеч ким кўринмасди. Петрсон атрофга аланглади. Икки-уч қадам у ён бу ёнга юрди. Бироқ аппарат унинг турган жойидан силжимасликни буюрарди. У оёқлари остига қаради. Ер кавланган, тошли тупроқ нам эди. Суғирилган ўт-ўланлар сўлиб қолганди. «Дэвид ер остида. Уни ўлдиришган ва кўмишган». Петрсон ҳамкасбининг ўлдирилганлигини исботлаш учун унга ўрнатилган қузатув мосламани ечиб олиши керак эди.

Бу пайтда қуёш оқ қалпоқ кийган чўққиларни қизил ранга бўйиб бошлаганди. Атрофда одамлар кам кўринарди. Петрсон таваккал қилишга жазм қилди. У учли тош билан ерни қазий бошлади. Ўттиз сантиметрча қазигач Дэвиднинг мурдаси кўринди. У жасадни ташқарига чиқарди. Дэвид ўлмаган, шунчаки ухлаб ётган қиёфада эди. Кўкрагига қадалган ўқлар унинг қўйлакларини қизил ранга бўйиб ташлаганди. Демак, уни азоблашмаган, қийнашмаган, отишган. Отганда ҳам

узоқдан эмас, беш метр чамаси наридан ўқ узишган. Ўқ кўкрагига, юрагидан анча пастга санчилган. Бундай пайтда одам дарров ўлмайди. Дэвиднинг жони лаҳад ичида узилган...

Петрсон тажрибали жосус эди. Гарчи унга мурдалар билан боғлиқ воқеаларни ўргатишмаган бўлишса-да, тажрибасида бундай ҳолатларга кўп бор дуч келганлиги боис, мурданинг танасини ушлаб, теридаги ўзгаришлардан «Дэвид камида бир сутка муқадддам ўлдирилган» деган фикрда тўхтади. У адашмаганди. Нима мақсадда, ким томонидан ўлдирилган деган саволга жавоб топиш ниятида Петрсон атрофни кўздан кечирди. Бироқ яқин теварақда тўкилган қонни топа олмади. Уни бошқа жойда – узоқроқда отишган. Жасадини эса судраб келишган. Петрсон яна нарироққа юрди. Бу ерда ҳам тошлар устига сачраган қон доғлари қотиб қолганди. Уч-тўрт қадам нарида яна шундай доғларга дуч келди.

Петрсоннинг нигоҳи тепаликдаги тошли уйга қадалди. У каттагина яйлов устига қурилган, атрофи тошлар билан қўрғон қилиб ўралганди. «Дэвид мана шу қўрғон ичида ўлдирилган» деган қарорга келди резидент. Унинг бу қарорини қуриб бораётган гиёҳларнинг синиб, мажақланиб қолгани ҳам исботлаб турарди...

У мурданинг оёғидаги темир мосламани ечиб олди. Ҳамкасблари ўша заҳотиёқ у билан боғланишди.

– Петрсон, бизга маълум қилинг, Дэвидга нима бўлган, у тирикми? – сўрашди шериклари.

– Бахтга қарши, у ўлган, – жавоб қайтарди ғамгин оҳангда Петрсон.

– Ўлган?

– Шундай.

– Бизга аниқ айтинг, ўлганми ёки ўлдирилганми?

– Ўлдирилган.

Ҳамкасби жим қолди. Бир оз ўтиб у яна топширик берди:

– Ўлим сабабини ҳамда кимлар томонидан ўлдирилганлигини аниқланг!

– Ўлим сабабини хозироқ маълум қилишим мумкин. Дэвид «Калашников»дан беш қадамча наридан туриб отиб ўлдирилган. Унга ҳеч қандай жисмоний куч ишлатилмаган. Юзида, баданида калтак зарбларидан ҳосил бўлган доғлар, белгилар топилмади.

– Атрофда кимлар яшаши билан қизиқинг. Биз сиз билан яна боғланамиз!

– Дэвиднинг қотили бу ерда эмас, уни пойтахтдан излаш керакка ўхшайди, – деди Петрсон.

Унинг бу сўзларини алоқачи эшитмади. У аппаратни ўчириб қўйганди.

Петрсон ҳамкасбининг жасадини жойига қўйиб, устига тупроқ тортди. Тоғлар томондан эсаётган совуқ эпкини ўзи билан қоронғилик пардасини тўшаб келарди. Уйларда чироқлар ёна бошлади. Петрсон бу уйларнинг бирортасига кира олмасди. У ортга қайтишга қарор қилди.

* * *

Чуқур ўйга чўмган, ғам ва ташвишдан боши эгилган, ҳамон сўпоқ тош устида дўмбайиб ўтирган Мурод бобо қоронғилик чўкканини, осмон ой ва юлдузларга тўлаётганини билмасди. Совуқ эпкини куйган дон хидини атайин унинг димоқларида ўйнаётгандек эди. Чолнинг бутун орзу-умидлари даладаги хозиргина ёниб тугаган сомонга ўхшаб кулга айланганди. У уйига, болаларининг олдига боришни истамасди. Ахир фарзандлари, набиралари «Бобомиз дон олиб келади» деб йўлига кўз тикиб ўтиришибди-да. «Бобо, қани буғдой» деб сўраш-

са қандай жавоб беради уларга. Ахир ҳаммалари оч, бир хафтадан буён қоринлари нонга тўймайди. Эрта-лаб субҳи содиқда ўроқни қўлига олиб далага келаётганида набираларига бугун янги ўрилган буғдойнинг донидан олиб келишни ваъда қилганди. Бачалари унинг изидан қувониб, «Тезроқ қайтиб келинг, бобожон» деб қўча бошигача кузатиб қўйишганди. Шундан бобонинг юраги эзиларди, шундан афсусланиб кўз ёш тўкарди. У шу қадар чуқур ўйга ботган эди-ки, қулоқлари ортидан келаётган одамнинг тошларга урилиб овоз чиқараётган қадам товушларини ҳам илғамади.

– Ассалому алайкум!

Мурод бобо қишлоқ одамларини овозидан танирди. Нотаниш бу товуш чолни сергаклантирди:

– Ва алайкум...

– Бу ерда ёлғиз ўзингиз нима қилиб ўтирибсиз?

– Зироатимдан, ойлаб кўз тикканимдан айрилдим, болам...

– Буғдойзорга ўт кетибди-да, ота? – деди Петрсон ачингандек бош чайқаб.

– Буғдойзорга ҳам, одамларнинг уйига ҳам, умидларига ҳам ўт кетди, болам...

– Уруш-да, ота. Ахир урушда нималар бўлмайди. Вақти келиб тинчлик замонлари ҳам бўлар.

– Ёшим саксондан ўтди. Қирқ йилдан бери бу юртининг боши урушдан, жанжалдан, тўс-тўполондан, қон тўкишдан чиқмайди. Юртда қаҳатчилик, очарчилик.... Қишлоқнинг одамлари ҳар йили шу ерга буғдой сепишади, беш йилдан бери бирор маротаба ҳосилини йиғиштириб ололмаймиз. Бомба тушиб ёниб кетади ёки ичи қоралар ўт қўйиб кетади. Бу йил Худодан астойдил сўрагандик. Қўлимизга ўроқ олганимизда дала ўртасига снаряд тушиб, ҳосил ёниб кетди. Урушнинг оти ҳам

уруш, ўзи ҳам. Ким урушни бошласа, икки хисса азоб чекади. Аллоҳ қачондир уларни ҳам жазолайди...

– Фарзандларингиз бордир, ота?

– Уч ўғлим бор. Уруш уларни ҳам ўз гирдобига тортди. Катта ўғлим Мулла Умарнинг синоларига қўшилиб кетди. Ўртанчаси Дўстумнинг йигитлари сафида, кичигини билмайман – ким томонида туриб, кимга қарши жанг қиляпти. Бу уруш ака-укаларни ҳам бир-бирига фаним қилиб қўйди, болам. Энг ёмони, бир қориндан тушган оға-инилар худди қашқирлардек бир-бирларини ғажишмоқда, бир-бирларига қурол ўқталиб ўқузишмоқда. Ота боланинг, ака уканинг қонини тўкмоқда. Ўғилларимнинг саккиз фарзанди уйимда, менинг бағримда, бир тишлам нон топсам бўлиб бераман. Бари оч...

– Сиз хув анави уйда яшайсизми, ота? – Петрсон қўли билан қоронғилик қаърида чироқ нури кўриниб турган тош устидаги бинога қараб сўради. Бу айнан Дэвид отилган бино эди.

– У ерда катта ўғлим туради, менинг уйим унинг тепасида.

Петрсон чолнинг сўзига аниқлик киритиш ва гумонини тасдиқлатиб олиш мақсадида яна саволга тутди:

– Ўғлингиз толибонлар сафида хизмат қилса, болаларининг ҳолидан хабар олмайдими? Ахир Мулла Умар жаноблари ўз синоларига яхшигина ҳақ тўлайди...

– Ҳақ тўлайди? – деди ўзига ўзи гапиргандек паст овозда Мурод бобо, – ўша пулни қаердан олади Мулла Умар?

Петрсон чолнинг сўзларидан керакли маълумотни олиб бўлганди. Чол билан валақлашиб ўтиришга вақти ҳам, тоқати ҳам йўқ. Тезроқ идорасига бориб Дэвид айнан толибонлар томонидан отиб ўлдирилганлиги ҳақидаги маълумотни раҳбарларига жўнатиши зарур.

Унинг ҳар бир саволи ўзининг фойдасига хизмат қиларди.

– Ўғлингизнинг оти нима, балки мен танирман?

– Самад, – жавоб қилди чол, – сени танитай турибман, овозингдан бу ернинг одамига ўхшамайсан. Кимсан? Исминг нима?

– Худо омадингизни берсин, бобо, мен кетдим, ишим тифизроқ эди...

Петрсон ўрнидан турди ва идораси томон шошилди.

ЧЕЧЕНИСТОН

Кечки пайт мени йўқлаб қолишди. Олдимга кирган тилмоч: «Тезроқ юр, сени Зелимхон чақиряпти» деди. У билан учрашишни кўпдан орзиқиб кутаётгандим. Кийимларимни алмаштириб, тилмочнинг ортидан эргашдим. Йўл-йўлакай у Зелимхон билан хушёр бўлиб гаплашишни уктириб, салгина адашсам ёки жиддий турмасам барча айблар вақти келиб менинг гарданимга тушиши мумкинлигидан огоҳ этди.

– У сендан ғорда қолиб кетган қуроллар ҳақида сўраши мумкин. Унутма, жавобларинг шунчаки сенинг фикринг эмас, балки Мулла Умар ҳазратларининг фикри бўлади. Сен Афғонистон давлати номидан гапирасан. Мулла Умар ҳозир пулга муҳтож. Зелимхон биздан катта миқдорда қарздор. Бу ердаги вазият ҳам яхши эмас, руслар кун сайин унинг одамларини ҳар томондан қисиб келмоқда. Қарзларни тезроқ қайтариб бериш лозимлигини таъкидлайсан. Тамғани қабул қилиб олишганидан бери тинимсиз ишлатишмоқда. Аллақанча купюралар чиқариб ташлашди. Лекин бизга сариқ чақа наф келтирмаяпти. Буни ҳам ёдига солиб қўй. Нима қилиб бўлса ҳам пулни ундир!

Мен тилмочнинг сўзларини бош ирғаб маъқуллаб бордим. Йўлакнинг этагига етиб келганимизда эшик олдида беш-олти нафар қуролли соқчилар турарди. Афтидан, улар ичкарига бегона одамларни киритишмасди. Тилмоч уларнинг тилида нимадир деди. Соқчилар бизни ичкарига қўйишди. Эшикдан киришим билан нигоҳим юқорида ўтирган ориқ, бошга қорақўл терисидан қалпоқ кийган, соқол босган юзлари заъфарон одамда тўхтади. «Бу Яндарбиев» дедим ўзимга ўзим. Бетартиб терилган стулларда ўндан ортиқ ҳарбий кийим кийган одамлар ўтиришарди. Уларнинг сафида ажнабийлар ҳам бор эди Барчасининг важоҳати, афт-ангори қўрқинчли ва ваҳимали эди. Ичкарига кирганимда ҳамма менга қаради. Тилмоч Зелимхонга нимадир деди. У менга қараб рус тилида «ўтир» деди. Таниш бу сўз қулоғимга чалиниши биланок рўпарамдаги курсига ўтиришга чоғландим. Бироқ зудлик билан ўзимни тўхтатиб олишга куч топа олдим. Бу ерда айтилаётган ҳар бир сўзга эътибор беришим, ўзимни қаердан келганлигимни ва кимлигимни худди олаётган нафасимдек унутмаслигим даркор эди. Таржимон унинг сўзини форс тилига ўгиргандан кейингина бўш стулга ўтирдим. Зелимхон рус тилида гапирарди.

– Биз олдимизга қўйган мақсадимизга эришдик. Музокараларда келишувларни имзоладик. Давлат бошлиғига ўз таъсиримизни ўтказдик. Чеченистондаги ҳарбий ҳаракатлар 1 июндан бошлаб тўхтатиладиган бўлди. Шартномалар имзоланди. Руслар ўз қўшинларини босқичма-босқич юртимиздан олиб чиқиб кетадиган бўлишди.

– Сиз уларнинг ваъдаларига ишондингизми? – савол ташлади орқароқда ўтирган юзини қоп-қора соқол босган кимса. Бу аллақачон рус ҳукумати томонидан ўлимга маҳкум этилган Шамил Басаев эди.

– Ельцин ички ишлар ва мудофаа вазирлари Куликов ва Грачевларга бу ҳақда махсус топшириқ берди.

– Мен сиз олиб борган музокаралардан қониқиш ҳосил қилмадим, – деди Басаев. – Биз айтган талабларни унинг олдига қўя олдингиз, аммо ечими ҳал бўлмади. Ельцин сизни ўз таъсири остига олди ва қоғозлар билан алдади..

– Биз бари бир мамлакатда тинчлик ўрнатилиши йўлида бир қадам бўлса ҳам олға босдик. Бу учрашувнинг галабаси эмасми? Ҳозир Грознийда одамлар қони сув бўлиб оқмоқда. Кунига ўнлаб яқинларимизни йўқотмоқдамиз. Уларнинг ичида болалар, кексалар бор. Бизга қон тўкишдан кўра, музокаралар столида аниқ бир қарорга келиш ва мамлакатда тинчлик ўрнатиш афзал!

– Бу шоирона гап! Уруш бўлгандан кейин одамлар ўлади, иморатлар вайрон бўлади, буларнинг ўрнини тўлдириш мумкин, аммо муқаддас галаба-чи? Бутун дунё бизга кўз тикиб турибди. Оғзаки гаплар билан, чиройли столлар атрофида ўтириб, қандайдир қоғозларни тўлдириш билан урушни тўхтатиш, шонли галабага эришиш мумкин эмас. Урушда фақат қурол билан жанг қилиниб, қурбонлар бериб, дарё-дарё қонлар тўкиб галаба қозонилади! Руслар бизни қурол билан, зўравонлик билан тиз чўктиришлари мумкин, аммо енга олмайдилар! – Басаев бу гапларни шу қадар қаҳр билан айтди-ки, қалтираб олдидаги столни бир-икки муштлаб ҳам қўйди.

– Агар менинг ишимдан қониқмаган бўлсангиз, марҳамат, Россия раҳбари яқин кунлар ичида Грознийга ташриф буюради, музокарани сиз давом эттирасиз! – Яндарбиевнинг сўзларидан аччиқлангани сезилиб турарди.

– Ҳали у бу ерга келмоқчими?! – Басаев ўрнидан туриб кетди. – Йўқ, мен бунга йўл қўймайман! Билиб

қўйинг, агар у Грознийга келадиган бўлса, бу юртда абадий қолиб кетади!

Ельцин у билан ҳеч қачон музокара курсисига ўтирмаслигини, Москва уни қонхўр, террорчи ва бандит деб эълон қилганини бу ерда ўтирганларнинг барчаси яхши биларди.

– Биз уни ҳурмат ва эҳтиром билан кутиб олишга, хавфсизлигини таъминлашга маъсулмиз, – жавоб қилди Зелимхон. – Мен барча дала командирларига бу ҳақда махсус топшириқ бераман!

– Менинг мақсадим уни бу юртда абадий олиб қолиш! – Басаев мушти билан яна столни муштлади. – Ўзимнинг юзга яқин мерганларимни аэропортга, йўлларга териб қўяман. Уни гул билан эмас, ўқлар билан кутиб олишади! У ташриф буюрадиган кун мен ёрда сақланаётган икки юздан зиёд рус аскарларини қатл этаман. Уларни менинг одамларим қўриқлашмоқда. Шундай бўлгач, тутқунларнинг тақдири менинг қўлимда.

– Шуни унутмангки, – деди Зелимхон ғазабини ичига ютиб. – Русларнинг қўлида ҳам бизнинг уч юздан ортиқ одамларимиз бор. Улар бизнинг энг яқин сафдошларимиз, яқинларимиз, оға-иниларимиз. Яримдан кўпи командирлар, хорижлик биродарларимиз.

– Зелимхон, руслар мен қўллайдиган жазони қўллай олишмайди. Сиз асирдаги одамларимизнинг ташвишини чекманг. Уларни ўзим қутқариб оламан!

– Қизишманг, Шамил. Ҳар бир ишни ўйлаб, фикр ва мулоҳаза билан адо этишимиз керак. Кичкинагина хато биз имзолайдиган тинчлик шартномасини йўққа чиқариши мумкин. Биз асирларни бошма-бош алмаштираемиз, шунга келишиб олганмиз!

– Юмшоқ курсиларда ўтирганда ваъдалар берилверади, жимжимадор имзолар чекилаверади. Тутқун-

ларнинг тақдирини ҳеч қандай қоғоз ҳал этмайди! Бу шартномаларнинг ортида мен ва менга ўхшаган юрт озодлиги учун жонини тиккан дала командирларининг тақдири турибди. Улар сиздан бизларни тутиб беришни талаб қилишади!

– Сиз жонингиздан қўрқманг, шахсан ўзим сизни ҳимоямга оламан!

– Мени ҳимоянгизга олишдан аввал ўзингизни ўйланг сиз!

Тортишувлар узоқ давом этди. Охир-оқибат аниқ тўхтамага келишолмай тарқаб кетишди.

Зелимхон мени хонасида олиб қолди. Тилмоч йўлда қулоғимга қуйиб қўйган сўзларни айтиш фурсати келганди.

– Тамғани қабул қилдим. Мулла Умар ҳазратлари ўз ваъдаларида турганидан мамнунман. Уларнинг бўнақларини тез орада сенинг қўлингга топшираман. Бироқ ваъда қилинган қуролларни ололмадик.

– Биз келишувга биноан қуролларни ва қорадорини айтилган жойгача келтириб бердик. Одамларимиз сизнинг аскарларингизга ёрдам бериш мақсадида уларни мамлакат ичкарисигача олиб киришга ёрдамлашишди. Бироқ русларнинг вертолётлари юк олиб келаётганлар ёр ичига киришганда унинг икки томонини портлатиб ташлади. Оқибатда менинг юртдошларим ҳам ёр ичида абадий қолиб кетишди. Мулла Умар жаноблари сиздан қарзларингизни тезда қайтаришингизни талаб қилмоқда. У киши ҳозир пулга муҳтожлар!

Гапим Зелимхонга ёқмади. Ранги ўзгариб кетди.

– Қарзларни албатта қайтараман, бироқ ёр ичида қолиб кетган қуролларга ва қорадорига ҳақ тўламайман. Чунки сизлар олиб ўтган қуроллар аскарларимнинг қўлига етиб келмади.

– Сиз Мулла Умар ҳазратлари билан қуролларни чегарага етказиб бериш ҳақида келишиб олгансиз. Биз шартни адо этдик. Ғор сизнинг ҳудудингизда.

– Мен қанча ва қандай қуроллар олиб келинганлигини билмайман, қолаверса, буни тасдиқлайдиган гувоҳ йўқ! – деди Зелимхон аччиқлангандек.

Мен ёнимдан қуролларнинг номлари ва қиймати ёзилган, уларни етказиб бериш манзили кўрсатилган битим қоғозини олиб унинг олдига қўйдим. Кейин тилмочга кўз қиримни ташладим. У сўзларимдан мамнун бўлганлигини сездим. Зелимхон қоғозга тикилиб турди-да, ранги ўзгариб менга қаради.

– Катта миқдордаги пулларни бир ўзим ҳал қилолмайман. Шерикларим билан маслаҳатлашиб олишимга тўғри келади. Боя кўрдинг, бу ерда ҳозир ҳеч ким бировни тан олгиси келмайди, – деди бояги шаштидан тушиб...

– Мулла Умар жаноблари мендан жавоб кутмоқда!

– Жавобни бир ҳафтадан кейин оласан! – у бу гапи билан суҳбат якунланганига ишора қилиб ўрнидан турди.

* * *

Кутузов билан учрашишим керак эди. Аввал ётган жойига бордим. Айтилган фиштни кўчирдим. Кичкинагина дарча ичидан бир энлик мактубни топдим. У қоғозга ўзининг қаерда бўлишини ёзиб, у ерга борадиган йўлларнинг чизмасини чизиб қолдирганди. Қандай қилиб бўлмасин, уни топиб гаплашишим зарур. Гарчи у яширинган жой мен турган ердан олис бўлмаса-да, кўчада юриш хатарли эди. У томонда жангарилар кўпроқ изғишарди. Таваккал қилишга қарор қилдим. Шом қоронғисида йўлга тушдим. Осмон булутли эди. Кулранг булутлар ерга майда томчиларни ташлаб ғарб томон йўл оларди. Момақалди роқ сал ўтмай ёмғир савалаши-

дан дарак берарди. Бир оз ўтиб шундай ҳам бўлди. Момақалди роқ гумбуради, ранги ўчиб кетган кулранг булутлар карвони кўз ёш тўкди. Ёмғир тобора кучаярди. Кўчада ҳеч ким қолмаганиди. Бир ўзим гоҳ чопқиллаб, гоҳ туядек лўкиллаб борардим. Ёмғир тобора жадаллашарди, беш-олти қадам нарини кўз илғамасди. Бундай об-ҳаво шароитида ҳеч ким мени таъқиб қилмаслигига ишончим комил эди. Шароит қийин бўлса-да, Кутузовнинг янги маконини топиб бордим. Йўлак мени ер остига олиб тушди. Чекист бу ерда бомба тушиб, вайронага айланган бинони ўзига бошпана қилиб олганиди. Ичкари қоронғи эди. Оёқларим кўнглим буурган томонга қараб ҳаракатланарди. Йўқ, адашмаган эдим. Олдиндан сезиш ва ҳис этиш қобилиятим панд бермаганиди. Туйнук олдида Кутузов турарди. Биз бир ҳафтадан кўпроқ вақт мобайнида кўришмаганидик. Саломлашдик. У мени ичкарига таклиф қилди. Устимдаги кийимларим жикқа ҳўл бўлганиди. Ечиб ташладим.

– Бошлиқларингдан хабар келди, – деди у ичкарига кирганимиздан кейин, – улар ўғлингни юртга қайтариш мақсадида ўз одамларини Афғонистонга ташлашибди. Иккинчи хушхабар – Туркиялик Баққол исмли миллиардер кенгашнинг раиси бўлибди. У сенга қаттиқ қизиқиб қолганмиш.

– Амирий-чи, наҳотки у кенгашни бегона одамнинг қўлига топшириб қўйган бўлса?

– У вафот этибди.

– Баққол исмли одам борлигини шу пайтгача эшитмаган эканман.

– Унинг бу ерда «Кулранг бўрилар» лақабли тўдаси бор экан. Лекин уларнинг қаерда жойлашганини ҳеч ким билмайди. Ҳатто бизнинг одамларимиз ҳам. Шу тўдани топишинг, ичига киришинг, мақсадини, қанча аъзоси борлигини, улар қайси мамлакат фуқароси

эканлигини аниқлашинг керак. Бу ўта жиддий топширик. Бошлиқларинг бу ишни тезроқ аниқлашинг лозимлигини айтишмоқда.

Бу ерга келганимга ўн беш кундан ўтиб қолди. Жангарилар ичида таниш орттирдим. Сухбатларида бўлдим. Аммо уларнинг бирортасидан «Кулранг бўрилар» тўғрисида эшитмагандим. Қандай аниқлаш мумкин? Ким ёрдам беради менга?

– Менда ҳам янгилик бор, – дедим Кутузовга.

У озиб суяклари чиқиб, соқол босган юзини мен томон бурди. Кўзлари қоронғида ялтирарди.

– Эшитаман!

– Асирга олинган рус аскарлари ва ҳарбий бошлиқлар, беш нафар хорижлик мухбирлар сақланаётган жой маълум бўлди.

– Наҳотки? Ахир биз асирлар сақланаётган жойни уч ойдан бери аниқлай олмаётгандик. Ҳатто уч-тўртта ходимимиз ҳаётини ҳам йўқотди.

– Айтганингдек, бу камоқхонанинг қаердалиги қаттиқ сир сақланаётган экан.

– Жойнинг номини айт! – тоқатсизлик билан сўради чекист.

Мен тутқунлар сақланаётган жойнинг манзилини маълум қилдим.

– Қимматбаҳо маълумот! – қувониб кетганидан овозини кўтариб қичқирди Кутузов.

– Яна муҳим маълумот бор.

– Айта қол!

– Зелимхон билан Басаев ўртасида тортишув сал бўлмаса жанжалга айланиб кетаёзди. Яндарбиев президентни яқин кунлар ичида Грознийга таширф буюришини маълум қилди. Басаев эса «Ельцин Чеченистонга келадиган бўлса, унинг жасади абадий шу тупроқда қолиб кетади. Мен юзга яқин мерганларимни аэропортга,

кўчаларга, учрашув бўладиган жойларга ташлайман, асирларни айнан Ельцин ташриф буюрадиган кунда ўлдираман. Бу унга қурбонлик бўлади» деди. Уларни Басаевнинг одамлари қўриқлашаётганмиш.

– Басаев авваллари ҳам президентга суиқасд уюштириш билан жар солиб келган. Ундан бундай ишни кутса бўлади. Бу ўта ташвишли ҳолат, зудлик билан чора кўришимиз керак. Лекин сендан бир илтимос, Басаевнинг одамлари орасидан танишинг борми? Бунинг сенга ҳам, менга ҳам фойдаси тегиши мумкин.

Ўйланиб қолдим. Бу ўлкада орттирган танишларимни эсладим, кўз олдимга келтирдим. Аммо уларнинг қайси бири Басаевнинг одами эканлигини билмасдим.

– Йўқ. – дедим.

– Қандай қилиб бўлмасин, таниш топишинг керак. Басаев одамларининг кўпи ашаддий жиноятчилар, пулга ўч одамлар. Бундай одамларнинг тилини топса бўлади. Улар «Кулранг бўрилар»нинг қаердалигини билишлари мумкин.

– Бу ишга эртагаёқ киришаман!

– Ҳозир бошлиқларингга ҳар икки маълумот ҳақида ахборот бер. Улар Москва билан боғланишади.

Кутузов қўлимга алоқа воситасини тутқазди.

САМАНГАН

Яқин орада Эргашнинг таъби бу қадар тиррик бўлмаганди. Ишончли ва содиқ одамларини йўқотиш, четдан келадиган ёрдамнинг тўхтаб қолиши, Мулла Умар аскарларининг чекиниши, Абдурашид Дўстумнинг Мозори Шарифда ўз ҳукмронлигини мустаҳкамлаши – буларнинг барчаси тўдабошининг орзу қилган келажагига қора парда тортаётганди. У фақат одамларини эмас, балки бойликларини ҳам бой берганди. Бу ердан

кетса қаердан бошпана топади, ким паноҳига олади? Кетиш учун маблағ даркор. Топганлари оёғи ҳам, қўли ҳам етмайдиган давлатларнинг банкида ётибди. У ерга бориб бўлармиди? Қаноти остига тортадиган ҳимоячиси йўқ. Изига тушганлар тутиб олади. Кейин, хемирсиз тошлар орасидан бир қадам ташқарига чиқолмайди. Бу юртда одамнинг ҳаёти, тақдири, келажаги бевосита пул деган савил билан боғлиқ. Ҳозир оз бўлса-да, имконияти мавжуд, пул топиши мумкин. Қўлида одамлари бор.

«Зори бозор» қабристонига яширилган хазина тўдабошининг қоронғи дилини ёритиб юборди. Анчадан бери уни эсламай қўйганди. Сал бўлмаса унутаёзибди. Биргина бу хазина Эргашни ҳалокат ёқасидан қутқариб, орзу қилган фаровон келажагининг эшикларини очиб бериши мумкин. «Неъмат ўлиб кетди. Бўрон қаергадир даф бўлди. Қачон қайтиши ёлғиз Худогагина аён. Қабр устига тош терилган деганди. Шундан хазина кўмилган қабрни топса бўлади. Лекин кимни жўнатиш керак? Ишонадиган одам қолмади-ку».

Эргаш узоқ мулоҳазадан кейин «Зори бозор»га ўзи боришга қарор қилди. Ёнига бирорта ёрдамчи олса бас. Икки кун вақт кетади. Ақллилар керак эмас, итдай ишлайдиган, лақма, гўл ва содда йигитлардан топиш керак. Бундай одамларни бойлик билан иши йўқ, қорни тўйса бас.

Лагерда Ортик исмли йигит бўларди. Икки йил бурун одамлари мардикор бозоридан топиб бу ерга жўнатишган. Милтиқнинг фақат овозидан эмас, ўзидан ҳам қўрқади. Жангарилар мажбуран қўлига қурол ушлатиб қўйишган, аммо шу пайтгача битта ўқ отмаган. Қуролини кўп бор ташлаб юборган. «Менга кетмон беринглар, мана бу тақир ерларни чопай, тошлар устида гулу райҳонлар ундирай, буғдой сепай. Милтиқ ушлаш гуноҳ, ўқи отилиб кетса, одамларга тегса қон тўки-

лади, ўлади. Охиратда мен яратган Эгамнинг юзига қандай қарайман, қандай қилиб унга жавоб бераман» деб йиғлагани-йиғлаган. Жангарилар уни аврашади, кўрқитишади, алдашади: «Душман бостириб келса, сени пақ-пақ қилиб отади, қўлингда милтиқ кўрса тегишмайди, ўзимизники дейишади».

Бечора йигит уларнинг алдовларига лаққа тушиб, автоматни қучоқлаб, кечалари уларнинг ўрнига пойлоқчилик қилиб чиқади. Дунёда бундай содда ва гўл одамлар бунча кўп бўлмаса?

Эргашнинг хаёлига мана шу дали-девона йигит келди. Овқатни кўп ейишини ҳисобга олмаганда қорнидан бошқа ташвиши, ғами йўқ. Уни хонасига чиқиртирди.

– Иккимиз бир жойга бориб келамиз, – деди Эргаш.

Ортиқнинг катта-катта кўзлари ялтиради.

– Юртгами, хўжайин? Тўғриси қишлоғимни жа соғиндим. Узоқдан бўлса ҳам уйимизни бир кўрсам дейман. Хи...хи!! – унинг кулгиси момақалдироқдек гумбурлади.

– Юртга эмас, – унинг сўзини кесди Эргаш, – бошқа жойга.

– Тўғрисини айтаверинг, хўжайин, бугун тушимда уйимизни кўргандим. Хи...хи!!

– Ҳадеб кулаверма, мен жиддий гапиряпман.

– Тушундим, хўжайин. Хи...хи!!

– Ҳозир ҳеч қаёққа кетмагин, шу атрофда айланиб тур, чақирганимда кирасан.

– Милтиғимни ташлаб кетаман, хўжайин. Хи... хи!!

– Белкурак билан ханжарингни ол!

– Ханжарни нима қиламан, хўжайин, белкуракнинг ўзи бўлади менга. Ер чопишга ўнғайроқ. Хи... хи!!

– Билганингни қил!

Ортиқ уруш ҳақида эшитавериб, отишмаларда ўққа учган мурдаларни кўравериб юрак олдириб қўйганди.

– Биз борадиган томонда милтиқли одамлар йўқми, хўжайин? – сўради хавотирланиб.

– Қўрқма, бизга ҳеч ким тегмайди!

– Шундай дейсизу, хўжайин, бари бир милтиқли одамлар қўрқинчли-да. Аччиғи чиқса пақ этиб отади. Мени эса ўлгим келмайди, уйимга қайтгим, зироат билан машғул бўлгим келади. Дон сепсам, экинга сув тарасам, боғлардан олмалар терсам дейман...

Ортиқнинг қўзлари ёшланди. Эргашнинг кўнгли бузилди...

Кечки пайт улар йўлга чиқишди. «Зори бозор»га эртаси куни тушдан кейин етиб келишди. Эргаш Ортиқни хилват жойда қолдириб, ўзи қабристонга ўтди. Бўроннинг сўзларини эслади. Тепасига тошлар қўйилган қабрларни ахтарди. Бундай қабрлар беш-олтита эди. Қайси бири бўлиши мумкин? Эргаш хуноб бўлди. Ярим соатдан кўпроқ айланди. Кейин ўйга толди. Қабрлар тепасидаги тупроқларнинг қачон тортилганининг ҳисобини олди. Ниҳоят иккита қабрга белги қўйди. Қайтиб келганда Ортиқ бошини тошга қўйиб ухлаб ётарди. Эргаш оёғи билан туртиб уйғотди.

– Овқат олиб келдингизми, хўжайин? Қорним жудаям очиб кетди. Хи... хи..

– Секинроқ кул, нафсингга ўт тушгур. Бирортаси эшитиб қолса иккимизни пақиллатиб отиб ташлайди.

Ортиқнинг юрагига ваҳима оралади. Қовоғи осилиб, кайфияти бузилди. Эргаш халтасидан овқат олиб унинг олдига қўйди.

– Манавиларни захрингга ют!

Ортиқ овқатга қайрилиб боқмади. Тиззаларини қучоқлаганча бошини эгиб ўтираверди.

– Нима бало, онаси ўлган одамдек қош-қовоғинг осилиб қолди.

– Мени сўкманг-да, хўжайин... Гапларингиз юрагимни оғритяпти.

Эргаш кулди.

– Сенда ҳам юрак борми, девона! Билмаган эканман.

– Юрак бўлмаганда кишлоғимни соғинармидим, хўжайин. Онам ҳар куни тушларимга қиряпти. Мени қақирадилар. Уларни кўраман, аммо улар мени кўрмайдилар. «Хой онажон, мен бу томондаман» деб бақираман, бироқ товушимни онагинам эшитмайди. Айтинг, қачон юртимизга қайтиб кетамиз?

Ортиқнинг кўзларидан оқиб тушаётган лойқа ёшлар соқол босган ялпоқ юзини ювиб тушарди. Эргаш унинг саволига жавоб беришни истамади. Одамларнинг ухлашини кутиш керак. У Ортиқнинг кўнглини кўтаргиси келди. Шундай қилса яхши ишлайди.

– Ортиқ, – деди Эргаш овозига сирли тус бериб.

– Лаббай, хўжайин...

– Бир гап сўрасам тўғриси айтасанми?

– Уятли гап эмасми? Хи...хи!!

– Бирорта қизни севганмисан?

– Хи...хи!! – Ортиқ бошини чайқади. Унинг дил қулфи очилганди. – Хўжайин...хи...хи!!

– Тўғриси айтавер. Бу ерда иккимиздан бошқа жон йўқ!

– Келинг, хўжайин, одамни хижолат қиладиган саволларни берманг! Хи... хи!!

– Уялма! Мени ҳам шундай сўзларни эшитгим, маза қилгим келади. Айниқса севишганлар ҳақида эшитсам, юрагимда ўлиб бораётган умидлар, орзулар тирилгандек бўлади.

Ортиқ хўжайиннинг оғзидан шу пайтгача бундай сўзларни эшитмаганди. Шу сабабдан унинг саволи ғалати туюлди, қалбида аллақандай илиқлик уйғонди.

Олисда сўфнинг азон чақиргани эшитилди. «Хуфтон бўлибди, яна бир соат кутиш керак ўйлади Эргаш».

– Бу томонларга келишдан олдин Салима деган қизни яхши кўрадим. Қўшнимиз эди. Хи... хи!!

– Чиройлимиди?

– Хи...хи!!

– Севгингни изҳор қилганмисан?

– Битта хат ёзганман..

– Ҳали сен ёзишни ҳам биласанми?

– Ўртоғим Турдиали ёзиб берганди-да. Хи... хи!!

– Нима деб ёзган?

– Сизни севиб қолдим деб. Хи...хи!!

– У жавоб ёзганми?

– Тошингни тер деб ёзган...

– Аввал шеър ёзиш керак эди.

– Хатимда шеър ҳам бор эди.

– Эсингдами?

– Шеър меники эмас, Турдиалиники эди...

– Ҳали ҳам ўша қизни яхши кўрасанми?

– Хи...хи! Яхши кўраман!

– Юртга қайтиб борсак, ўзим Салиманинг уйига совчи бўлиб бораман!

– Ростданми, хўжайин. Хи...хи!!

Улар овқатланишди. Ортиқнинг кайфияти кўтарилиб, иштаҳаси очилганди.

– Энди ишга киришамиз, – деди Эргаш юзига фотиҳа тортиб.

– Ишга? Қоронғида қиладиган нима иш бор, хўжайин?

– Белкурагингни олиб, орқамдан юр.

Эргаш тепага кўтарилди. Изидан Ортиқ эргашди. Тун қоронғи эди. Ой юзини булутлар тўсганди. Қабристоннинг деворидан ошиб ўтишди. Тўдабоши белги қўйган қабр тепасида тўхтади.

– Шу қабрни очасан! – буюрди у.

– Қабрни... нималар деяпсиз, хўжайин...йўқ...
Қабрни очиш гуноҳ. Худонинг қаҳри келади.

– Айтганимни қил!

Ортиқ кўрқиб кетди. Ортга тисарилди.

– Ўл десангиз ўламан, аммо қабрни очмайман!

– Бу қабр ичида майит йўқ. Менинг бойликларим яширилган. Йигитларим кўмиб кетишган!

– Сўзингиз чинми? Ишонсам бўладими, хўжайин?

– Шу пайтгача ёлғон гапирганмидим. Қани, бўл тезроқ!

Ортиқ иккиланиб қўлидаги белкуракни қабрга санчди. Тупроқларни кўчириб четга улоқтира бошлади. Эргаш четда унинг ишини кузатиб турарди. У ҳақиқатан ҳам қаттиқ ишларди. Ҳаш-паш дегунча бир кўтарим тупроқни улоқтириб ташлади.

– Девга ўхшайсан, Ортиқ, – деди Эргаш унинг ғайратига ҳаваси келиб. – Бир ўзинг бешта одамнинг ишини қиласан. Қишлоқда ҳам шунақа ишлармидинг?

– Бир ўзим қирдан олти гектар ерни ўзлаштирганман, хўжайин. Хи...хи! Ўша ерга ўрик, олма кўчатларини ўтказганман. Орасига буғдой сепардим. Уйимизга бир мошин буғдой кирарди. Лекин раис бува бу ерни пахтазор қиламиз деб ерни олиб қўйган!

– Индамай туравердингми?

– Айтдим бу ернинг тупроғида пахта унмайди деб. Баччағар «Гапингдан пахта душманининг ҳиди келяпти, айтиб қаматиб юбораман» деди.

– Сени кўрқитган у аблаҳ.

– Гапингиз ҳақ, хўжайин. Кейин бориб кўрсам пахта экмабди, кўчатларим сувсизликдан куриб қолибди. Бир алам қилди, бир алам қилди. Сизга тўғриси айтсам, эккан дарахтларимнинг ҳар бирини қучоқлаб зор-зор йиғлаганман ўшанда...

Қабрнинг пастки қаватидаги тупроқ ҳам олинди. Гувала билан урилган қабр оғзи кўринди. Эргашнинг юрагига ваҳима тушди. «Хазина кўмилган бўлганда қабр оғзи гувала билан урилмаган бўларди. Бу эмас».

– Тўхта!

Ортиқ тўхтади.

– Бу мен хазина кўмган қабр эмас.

– Нима? Ҳали мен бошқа қабрни кавладимми? Нима ишлар қилиб қўйдим. Эй Худо, тавбамни қабул қил. Ўзинг кечир!

– Ортимдан юр!

Эргаш белги қўйилган иккинчи қабрнинг тепасига борди. Ортиқ белидан пасти лаҳад ичида пишиллаб нафас олганча арвоҳдек қотиб Худога илтижо қиларди.

– Нималар қилиб қўйдим! Энди арвоҳлар мени тинч қўймайди. Охиратим қуйди. Аллоҳнинг қаҳри қўзийди. Ё Парвардигор!!

– Ҳой, жинни, тавбаларингни лагерга қайтгандан кейин қиласан. Тезроқ олдимга кел! – кистади тўдабоши.

– Йўқ, мен энди қабр очмайман, хўжайин, – деди зорланиб. – Аллоҳнинг ғазабига учрадим. Энди аҳволим не кечади? Қиёмат кунигача дўзах оташида ёнадиган бўлдим. Ё Худо, билмай қилган айбим учун ўзингдан кечирим сўрайман!

Ортиқ гапириб йиғларди.

– Ҳой, гапимни эшитяпсанми, хунаса?! Ҳе онангни... – Эргашнинг аламли сўзлари жимжитлик чўккан қабристоннинг ҳамма томонига ёйилиб кетди. Ортиқ жойидан жилмади. Эргашнинг ўзи унинг олдида борди.

– Гапимни эшитдингми, жинни? Юр!

– Мен топширифингизни бажармайман, хўжайин. Керак бўлса ўзингиз очинг!

Тўдабошининг кўзлари қоронғида чўғдек ялтирарди
– Ўлгинг келяптими, девона? – унинг қўлида тўппонча борлигини Ортиқ кейин кўриб қолди.

– Отмоқчимисиз? – сўради Ортиқ паст овозда, – отсангиз отаверинг, мен уйимни ташлаб чиққан кунимок ўлганман. Руҳим Аллоҳнинг хузурида!

– Очмайсанми?

– Аллоҳнинг ғазабидан, мурданинг руҳидан кўрқаман!

– Мен улардан кучлироқман. Сенинг ҳаёт-мамотинг менинг қўлимда! Айтганимни бажармасанг, итни отгандай отаман. Шу қабрга ювиқсиз, кафансиз кўмиб кетаман!

Ортиқ йиғлаб юборди.

– Қани, бўла қол, вақт ўтяпти. Хазинани олиб, тезроқ бу ердан жилишимиз керак!

Ортиқ бошини кўтарди ва ёш тўлган кўзларини Эргашга тикди.

– Яхшиси мени отинг, хўжайин, майли кафансиз бўлса ҳам шу қабр ичига кўмиб кета қолинг. Худонинг хузурига гуноҳ билан боргандан кўра, кафансиз кўмилганим афзалроқ.

– Ит эмган, ўлдираман!

Эргаш бу сўзни шу қадар ғазаб ва нафрат билан айтди-ки, беихтиёр қўлидаги тўппончанинг тепкисини босиб юборганини ўзи кеч сизди. Гарчи мўлжал олмаган бўлса-да, ўқ Ортиқнинг томоғини тешиб ўтган, тирқираб қон отиларди. У қалқиб кетди, бироқ йиқилмади. Қўллари билан бўйинини чангаллади. Қон унинг тупроқ ўтирган кийимларини ювиб тушарди. Ортиқ чайқалди, кейин гуп этиб қабр ичига йиқилди...

Бир оз фурсат ўтиб, қўлида чироқ тутиб шу томон келаётган бир тўп одамларнинг сўзлари Эргашнинг қулоғига чалинди.

«Милтиқ қабристоннинг ўртасида отилди».

«Кимлар тунда қабристонга келиб, ўқ отиши мумкин?».

«Ўлганлар ҳам тинч ётмайдиганга ўхшайди».

Ўз хатосини англаб етган Эргаш тўппончасини қўйнига яшириб, девордан сапчиб ўтди-да, қоронғилик қаърида кўздан ғойиб бўлди.

КОБУЛ

Дэвиднинг ўлиmidан хабар топган бошлиқлар қаттиқ ташвишга тушишди. У Башир билан олти ойдан кўпроқ ишлаган бўлса-да, мана шу қисқа фурсатда унинг ишончини тўла қозониб бўлганди. Башир орқали толибонларнинг яқин келажакдаги ишлари, режалари ҳақида жуда кўп маълумотларни жамлаганди. Ва айни дамда ўз идораси Баширнинг қўли билан қилиши мумкин бўлган ишларини ҳам бажартиришга муваффақ бўлганди. Ҳали олдинда қилиниши керак бўлган ишлар қалалишиб ётарди. Энди Баширнинг ишончига қира оладиган ходим топиладими? Мана шу нарса раҳбарларни ташвишга солганди.

Бошлиқлар Петрсонга зудлик билан Кашмирий билан учрашишни ва Дэвиднинг қотилини топиб, улар ўртасида қандай можаро келиб чиққанини аниқлаш вазифасини топширишди. Ахир Дэвиднинг ўлдирилиши қандайдир муҳим воқеалар билан боғлиқ бўлиши мумкин-ку.

Хаёлидан ҳар турли ўйлар кечаётган Петрсон тушдан кейин Кашмирийнинг ҳузурига жўнади.

– Муҳтарам Кашмирий жаноблари, – деди резидент бўш ўриндиққа ўтирар экан. – Сизни ноҳуш воқеадан хабардор қилиб, дилингизни ранжитмоқчи эмасман...

– Менинг дилимни ранжитиш мақсадида айтадиган гапларингизни дўстона қабул қилишга сўз бераман.

Иккиланмай айтаверинг. Хўш, менинг юртимда сизнинг юрагингизга озор етказадиган қандай нохушликлар рўй берди?

Петрсон жилмайди. Табассуми зўраки эканлиги сезилиб турарди.

– Афсуски, мен айтадиган хабар юртимга нисбатан жуда катта нохушлиқдир.

– Очиқроқ айтаверинг, нима демоқчи бўлганингизни тушунмайроқ турибман.

– Ёрдамчимни соқчиларингиздан бири отиб ўлдирибди...

– Менинг одамим ҳеч қачон ўз дўстларига қарата ўқ узмайди. Балки бу шунчаки миш-миш ёки душманларимиз томонидан уюштирилган навбатдаги фитна бўлса керак.

– Қани энди сиз ўйлагандек фитна бўлиб чиқса!

– Далилингиз борми?

– Самад исмли соқчингиз ёрдамчимни ўз қишлоғига олиб кетиб, ўша ерда отиб ўлдирган!

– Бундай совуқ хабарни кимдан эшитдингиз?

– Эшитмадим, балки кўзим билан жасадини кўрдим.

– Кўрдим деган гапингизни қандай маънода тушунмоқ керак?

Петрсон воқеани бир бошдан ҳикоя қилиб берди.

– Ёрдамчимнинг машинаси шаҳардан чиқаверишда портлатилган. Унинг ичида куйиб кетган одамнинг жасади топилди. Мен машинани танидим ва бошлиқларимга ўша пайтнинг ўзидаёқ маълум қилдим. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай марказдан менга Дэвид тоғли қишлоққа кетиб бораётганлигини маълум қилишди.

– Буни бирортаси кўрибдими?

– Унинг оёғидаги темир ҳалқача спутникка уланганди. Ходимларимиз уни қаерда вафот этганини текшириш мақсадида сунъий йўлдош орқали боғланишган.

– Ёрдамчингизнинг қотили Самад эканлигини ҳам сунъий йўлдош орқали аниқладингизми?

– Мен ёрдамчимнинг изидан бордим. Қишлоққа кираверишдаги уйнинг олдида унинг жасадини топдим. Жасад ҳовлининг четига кўмилган. Қон томчилари қотиллик айнан Самаднинг уйида рўй берганини исботлаб турибди.

– Нима учун отганини ҳам аниқлагандирсиз? – Кашмирийнинг саволи Петрсоннинг қулоқларига худди масхаралаётган кишининг қочиримидек эшитилди.

– Буни биргаликда аниқлаймиз. Талабим – Самадни топтириб келсангиз. Раҳбарларим ёрдамчимнинг қандай мақсадда ва кимлар томонидан ўлдирилганини билишни ишташмоқда. Мен буни шахс сифатида эмас, балки ҳукуматим номидан талаб қиламан.

– Сир бўлмаса айтингчи, мухтарам Петрсон, ўша ходимингизнинг исми нима? Мен уни танийманми?

– Танийсиз. У Жон Дэвид эди!

– Жон Дэвид. Бу Башир билан ош-қатиқ бўлиб юрган ходимингизми?

Кашмирий мийиғида кулиб қўйди. Петрсон буни пайқаб қолди ва гаши келди.

– Нега ош-қатиқ сўзига урғу бердингиз? Улар ўртасидаги яқинлик сизга ёқмасмиди?

– Ходимингиз бир ҳафта бурун Башир билан тил бириктириб, гуноҳ иш қилганлигини биласизми?

Петрсоннинг ранги ўчди. У Дэвиднинг ўзбек разведкасига алоқадор деб шубҳаланилган йигит билан шуғулланиб юрганидан хабардор эди.

– Аниқроқ гапиринг!

– Аниқроғи шундан иборатки, айнан Дэвид ўзбек айғоқчисини ва Фафурни турмадан олиб чиқиб, қочириб юборган...

Бу янглик Петрсонга кучли зарбадек таъсир қилди.

– Гапингизга ишонмайман.

– Бугун бу сир ошкор бўлди. Дэвид ушбу ҳолатни сиздан яшириш мақсадида Баширга юз минг долларлик олмосни пора сифатида берган. Башир эса айғоқчиларни қочишида турма нозири билан соқчини айблаб, уларни отиб ташлаган. Одамларимиздан бири улар ўртасидаги суҳбатни эшитиб қолган ва Мулла Умар ҳазратларининг қулоғига етказган. Кеча соқчилар Баширни тутиб келиб сўроқ қилишган. Тинтув қилинганда ёнидан олмос топилган. Башир айбига икром бўлиб, ўзини отиб ўлдирган. Дэвиднинг нима мақсадда тоғли қишлоққа борганини ва Самад томонидан отиб ўлдирилганлигини сиз айтмоқчи бўлганингиздек, аниқлашимиз керак. Ҳақиқатан ҳам бу сирли жумбоқ, Петрсон.

Петрсон Кашмирийнинг сўзларини эшитиб тахтадек қотиб қолди. Наҳотки Фафур қочиб кетган бўлса? Бу хабар бошлиқларининг қулоғига етса нима дейишади? Петрсон ҳар иккиси учун боши билан жавоб бериши керак. Резидентнинг қўз ўнгида ҳарбий трибунал гавдаланди.

– Сиз янглишдингиз! – хитоб қилди Петрсон, – Фафур ҳам, Дэвид ҳам бизга хиёнат қилмайди!

– Қани эди сиз айтганингиздек бўлса! Мен ҳам хурсанд бўлардим.

– Дэвиднинг ёнида сиз айтган олмоснинг бўлиши мумкин эмас. Гувоҳ керак!

– Гувоҳ керак дедингизми? Албатта гувоҳ топамиз. Оғзаки гапга ким ҳам ишонарди!? Акс ҳолда, барча айбларни бизнинг гарданимизга ағдаришингиз мумкин.

Бундай қўпол муомала Петрсонни аччиқлантирди. Лекин у қийин вазиятларда ўзини қўлга олишга куч топа оларди. Иродаси темирдай мустаҳкам эди.

– Мени аввал Самад билан учраштирсангиз!

Кашмирий эшик олдида турган соқчига Самадни топиб келишни буюрди. Ўзи эса ёрдамчисининг хонасига чиқиб, икки кун муқаддам пойтахтдан чиқаверишда, дарё бўйида портлаб кетган машина ичидаги одамнинг шахсини аниқлаш вазифасини топширди. Орадан икки соатлар ўтиб ичкарига узун бўйли, қотмадан келган, турқ-тароватидан баджаҳллиги билиниб турган кўкимтир кўзли йигитни бошлаб кирди. Бу Мурод бобонинг ўғли Самад эди.

– Ҳовлинг этагидан бу жанобнинг ёрдамчисини жасади топилганмиш. Уни сен отиб ўлдирганмидинг?

– Шундай, оға.

– Нима учун?

– Уйга қайтганимда оғил ичидан хотинимнинг овозини эшитиб қолдим. Ичкарига кирсам нотаниш кимса аёлимни зўрламоқчи бўлаётганини кўрдим. Эшикни очиб, ўз номусини сақлашга уринган аёлим паншаха учини ўзининг кўкрагига санчиб ерга йиқилганини кўрдим. Мен жаҳл устида ўша кимсани отиб ташладим. Бор гап шу, оға!

Кашмирий «Мана, кўрдингизми» дегандек резидентга қараб қўйди. Петрсон тилини тишлари орасига олди.

– Мен бир нарсага ҳайронман, – деди Петрсон. – Менинг ёрдамчим қандай қилиб сизнинг қишлоғингизга бориб қолган?

– Бу саволингизга жавоб беролмайман, – деди Самад. – Мен билганимни ва кўрганимни айтдим.

Самад Кашмирийнинг ишораси билан хонадан чиқиб кетди.

– Самаднинг ўрнида мен бўлганимда ҳам шундай йўл тутган бўлардим, мухтарам Петрсон.

– Бу билан бутун айбни ёрдамчимнинг бўйнига юкламоқчимисиз?

– Афсуски, уни оқлолмайман. Бизда бегоналар эри бор аёлларнинг номусига тажовуз қилса ўлимга маҳкумдир. Қонун шунақа!

– Тушунаман, аммо Дэвид нима сабабдан ўттиз чақирим олисдаги қишлоққа бориб қолди деган савол менга тинчлик бермаяпти.

– Бу саволга жавобни ўзингиз топишингиз керак. Бу борада мен сизга ҳеч қандай ёрдам беролмайман, – деди Кашмирий ўртадаги баҳсга яқун яшаш мақсадида.

Шу пайт эшик очилди ва ичкарига Кашмирийнинг ёрдамчиси кириб келди.

– Дарё бўйида портлаган машина ичидаги одамнинг шахси аниқланди, оға.

– Хўш, ким экан у?

– Савдогар Ашрафий. Одамларимиз Дэвидни қурол бозорига кириб, пулт билан бошқариладиган мослама сотиб олганини ҳам аниқлашган.

– Мослама сотган одамнинг шахси аниқми?

– Албатта!

– Бўшсан!

Ёрдамчи чиқиб кетгач, Кашмирий Петрсонга юзланди.

– Менинг назаримда Дэвид Баширнинг қўлга тушганидан хабар топган. Ўзини қандай жазо кутаётганини кўз ўнгига келтирган. Сценарий тузиб, ўзини машина билан портлаб кетгандай кўрсатмоқчи бўлган. Айнан шу мақсадда бозордан мина сотиб олган. Йўлда Ашрафийни машинага олган ва ниманидир баҳона қилиб уни рулга ўтказган.

Кашмирийнинг фикрлари ҳақиқатга яқинлигини ичдан эътироф қилган Петрсон ўйланиб қолди.

– Сиздан бир илтимосим бор, Кашмирий жаноблари, – деди анчадан кейин.

– Бажонидил!

– Бояги гаплар ўртамизда сир сақланиб қолишини истардим.

– Дэвиднинг хоинлигини назарда тутмоқдамисиз?

– Хоинлик деманг, бунинг учун далил ва исбот керак!

– Мен ҳам бу сирни жар солиб ҳаммага ошқор қилмоқчи эмасман. Нима қилганда ҳам, Башир бизнинг содиқ одамларимиздан эди. Унинг гуноҳларидан кўра бизга қилган хизматлари қадрланади...

Петрсон индамади. У ўрnidан турди. Хайрлашиш учун Кашмирийга қўл чўзди. Ташқарига чиққандан кейин қаёққа юришини билмай туриб қолди. Хаёли ўзида эмасди. Кашмирий Дэвиднинг ишларидан тўлиқ хабардор. Фафур билан турмадаги жосусни қочириб юборганини ҳеч кимга айтмайман дегани билан ишонч йўқ. Эрта-индин оғзидан гуллайди. Сир очилса, уни умрбод қамоқ кутмоқда. Нима қилиш керак?... Петрсон миясини бурфилаётган бу саволга жавоб топиши кераклигини тушунарди...

АФФОНИСТОН

Эргаш йўлнинг ярмини лўкиллаб чошиб ўтганди. Ит қувган соқовдек ўпкаси бўғзига тиқилиб хансирарди. Манзилга келган бўлса-да, юрагидаги қўрқув ва ваҳима босилмаганди. Қўлга тушиб қолмаганига, йўлидан қароқчилар чиқиб қолмаганидан мамнун эди. Хазинани тополмади, бироқ бошлаб борган одамани ўз қўли билан отиб ўлдирди. «Бир ҳисобда тўғри иш қилдим, агар у тентак тирик қолганида, бу ерга келиб қабр очганини ҳаммага айтиб мени шарманда қиларди» деб ўйларди.

Эргаш ўзининг тошли кулбасига кириб келганда лагерда жимжитлик эди. Жангарилар ухлашарди. Соқчилар мудраб ўтиришарди. Улар Эргашнинг яқинлаш-

ганини сезмай қолишди. Бошқа пайт бўлганда тўдабоши уларнинг адабини берган бўларди. Ҳозир эса буни истамеди. Ичкарига киришдан аввал соқчилардан бирини ёнига чақирди.

– Маннофни чақир, тезда олдимга кирсин!

Соқчи топшириқни олган заҳотиёқ чодир томон чопди. Зум ўтмай ўзи тенги, бироқ паканароқ йигитни эргаштириб келди. Манноф уйқусираган кўзларини ишқалаб Эргашнинг хонасига кирди.

– Иш чаток, – деди Эргаш унга қарамасдан. – Ошпазнинг айтишича, омборда егулик бир тишлам нон, бир сиким гуруч қолмабди. Озиқ-овқат топмасак, йигитлар очдан шишиб ўлади.

– Буюринг, хўжайин!

– Ёнингга икки-учта довюрак, тилига маҳкам йигитларни олиб ҳозироқ қишлоққа чиқ. Уйда дон, молқўй, парранда сақлаётган одамларни аниқла!

– Қишлоқдаги одамларнинг аҳволи бизникидан баттар, хўжайин. Икки кун олдин одамларим қишлоқнинг хар бир хонадонини кўздан ўтказиб чиқишди. Икки куннинг бирида чоллар, болалар очликдан шишиб ўлмоқда. Ейдиган ҳеч вақолари қолмаган.

– Мен билмайман, бир иложини топ. Мени маломатдан қутқар. Ака-укачилик шунда керак бўлади. Одамларим калтакка, азобга, қийноқларга чидаши мумкин, лекин очликка чидашмайди. Бир кун овқат емаса, мени ҳам ғажиб ташлашади.

Манноф ўйга чўмди. Миясига келган фикр қоронғи дилини ёритди. Эргашга юзланди.

– Бир йўли бор, хўжайин.

– Хўш, – Эргаш жон киргандек сергак тортди.

– Лекин сизга малол келмасмикин, дилингизга оғир ботса олдиндан кечирим сўрайман, – иккиланиб мақсадини очди Манноф.

- Гапиравер! Ўлимдан бошқасига тайёрман!
- Омборда ортиқча қурол-аслаҳалар, ўқ-дорилар бор...
- Хўш...

Манноф қўрқа-писа кўнглидан ўтган гапни тилига чиқарди:

- Шуларни шаҳарга олиб тушиб пулласак дейман...
- Хатарли, лекин гапингда жон бор.
- Нимаси хатарли, хўжайин, ахир йигитларимизнинг кўпи ҳалок бўлди, қанчаси қочиб кетди. Мулла Умарнинг одамларидан беш юзта йигит бор деб қурол олгансиз. Ҳозир юзтача одамингиз қолди. Сафимизга ҳеч ким қўшилмай қўйди.

– Шундай дейсану, аммо қачондир Мулла Умарнинг одамлари келиб «Қурол-яроғлар қани?» деб сўраб-суриштириб қолишса нима дейман? Уларни катта пулга қакиб, гарданимга илиб қўйишади.

- Бунинг иложини топса бўлади, хўжайин.
- Айт!

– Кейинги пайтларда лагеримиздан беш-олтита йигитлар қочди. Қуроллар учун жавобгар бўлган Фафур ҳам ғойиб бўлди. Сиз қуролларни айнан ўшалар ўғирлаб кетган деб гап тарқатасиз. Биз эса маъқуллаймиз...

– Уларнинг қочганига анча бўлди, нега шу пайтгача бундай фикр хаёлимга келмадийкин-а?

– Ҳали ҳам кеч эмас, хўжайин. Мен қуролларни сотиб келганимдан кейин, сиз омборни тафтиш қилдирасиз. Ҳисоб-китоб қилишганда нималар камлиги ойдин бўлади. Шунда мен омбор атрофида қочоқ йигитларнинг айланиб юришганини кўргандим деб айтаман. «Нега вақтида мени хабардор қилмадинг» деб сўрайсиз. Мен эса «Қўрққандим» дейман. Беш-ўн дарра урдирсангиз ҳам майли, калтак билан ўлиб қолмайман. Шу баҳона йигитларни бир-икки ой боқиб турамиз.

Унгача Худо йўлингизни очиб Мулла Умар ҳазратларининг хузурига бориб пул ундириб келасиз.

– Мулла Умарнинг олдида юзим шувут. Айтган топшириқларининг бирортасини бажармадим. Менга бўлган ишончи кундан-кун сўнмоқда...

– Ваъдани бераверинг, хўжайин. Уни ҳам боғлаб бермаган. Ўқ ичида юрибди. Душманлари бисёр.

Эргаш ўйга толди. Маннофнинг сўзларида жон бордек туюлди. Бу юртда энг қимматбаҳо нарса бу – қурол. Бирорта одам йўқки уйида қурол сақламаган бўлса.

– Ишончли одамларингдан борми? – сўради қурол сотишдан бошқа иложи қолмаганлигини тушунган тўдабоши.

– Топаман, хўжайин!

– Кимлар?

– Дилмурод билан Хайрулло!

– Дилмурод бўлмайти, маҳмадона, оғзидан гуллаб қўйиши мумкин. Бошқасини топ!

– Маъқул, ишга қачон киришамиз?

– Ҳозироқ йўлга чиқасизлар. Тонг ёришгунча қишлоқдан чиқиб кетасизлар. Бизни таниганларнинг кўзи тушса гап болалайти.

– Автоматлардан олайликми?

– Автоматларга тегма. Яхшиси икки яшик граната ол. Бу автоматга қараганда арзонроқ бўлса-да, олиб юришга қулай.

– Пулига гўшт, гуруч, ун олайликми?

– Ҳаммасига эмас, бир қисмига савдо қилинглар, қолганини белингга туғиб олиб кел. Ишлайдиган жойи чиқиб қолади.

Манноф анча зийрак ва ҳар қандай ёмонликнинг олдини олишни ўйлаб иш тутарди.

– Хўжайин, – деди эшик олдида келганда ортига қайрилиб. – Бир гап эсимга тушиб қолди.

– Нима дейсан?

– Мабода толибонларми, Дўстумнинг одамлари тутиб олишса нима қиламиз?

– Мени сотмайсан, васаллом!

– Қамаб қўйишсачи?

– Қамаб қўйишса, ўзим қутқараман!

– Дуо қилинг!

– Тангри ёр бўлсин!

Кўнгли ғаш бўлган Манноф чодирга кириб шерикларини уйғотди. Кейин омборхонага ўтиб, гранаталарни қопга жойлади.

Уларни лагердан чиқиб кетаётганини соқчилардан бошқа ҳеч ким кўрмади. Қишлоққа етиб келишганда тонг ёришганди. Одамлар бомдод номозини ўқиб бўлишганди. Қуролфурушлар йўловчи машиналардан бирини ёллаб, Мозори Шарифга жўнашди. Икки соатча йўл юриб шаҳарга етиб келишди. Манноф бу ернинг бозорини, қурол сотиладиган жойни яхши биларди. Милтиқ, автомат, тўппончалар бозори илгаригидек гавжум эмасди. Бу ердан қуролнинг барча турларини топса бўларди. Кейинги пайтда уларнинг нархи осмон баробар кўтарилганди. Манноф автомат олиб келмаганидан афсусланди. Ўнта бўлганда тўрт баробар фойдасига пулларди. Маълум қисмини уриб қолганда ҳам Эргашнинг овзи қулоғига етарди. Лекин гранаталарга харидор чиқмади. Бир маротаба ишлатилиб йўқ бўлиб кетадиган нарса кимга ҳам керак? Шундан таъби тирриқ бўлди. Нима бўлганда ҳам, олиб келган нарсасини сотиш керак. Қайтариб борса, Эргаш ғазаб отига минади. Ишонмай қўяди.

Маннофнинг боши қотиб турганда харидор келди. У гранаталарни кўтарасига сотиб олмоқчилигини айтди, бироқ тўлайдиган ҳақи Маннофга маъкул келмади.

У бир пайтлар савдо билан шуғулланган, харидорнинг кўнглига йўл топишда унча мунча одам унинг ол-

дига туша олмасди. Харидорнинг қўнглига илондай кириб, гранаталарни мақтаб, уларнинг нақадар кучли эканлигини оғзини қўпиртириб таърифлади. Харидор унинг сўзларига лаққа ишонди.

– Ҳеч бўлмаса донасига юз доллардан беринг. Кам бўлмайсиз, оға. Пулингиз ўзингиз билан кетади. Қандай мақсадда ишлатсангиз ҳам барака топасиз. Бу жуда нодир ва ишончли гранаталар, ҳеч қачон панд бермайди. Яна ўн доллар қўшинг...

Харидор унинг ширин сўзларидан қўнгли ийиб, ўн доллардан қўшганини ўзи пайқамай қолди. Барака қилиб қўл силташди. Манноф ва шерикларининг қоронғи дилига ёруғлик кирди. Лагерга қуруқ қўл билан қайтмасликларидан, тўдабошининг топшириғи бажарилганидан бахтиёр эдилар. Харидор гранаталарни биттамабитта санаб, ўзининг чарм сумкасига жойлади. Кейин киссасидан кармонини чиқариб пул санай бошлади. Манноф ва унинг шериклари яқин орада бу қадар қўп пулларни кўришмаганди. Кўзлари ўйнаб кетди.

Манноф пулларни олишга улгурмади. Қаердандир пайдо бўлган миршаблар бунга халақит беришди. Кийимларидан толибонлар эканлиги билиниб турарди. Улар қуролфурушлардан шубҳаланишди.

– Гранталарни қаердан олгансанлар? – ўдағайлади миршаббоши.

Манноф эсанкираб қолди. У кимлигини ва қуролларни қаердан олганини айтиши мумкин эмасди.

– Мен гранаталарни қаердан олдиларинг деб сўраяпман! – қаттиқроқ овозда ўшқирди миршаббоши. Унинг ялпок, соқол босган, чўтир ва қўрқинчли юзи ғазабланганидан кўкариб кетди. Вужуди титрарди. Ундан ҳар қандай ёмонликни кутиш мумкин эди. Бу ерда миршабларнинг буйруғига итоат этмаган одамлар отиб ташла-

ниши ҳам мумкин эди. Миршаббошининг ёрдамчилари қўлларидаги автоматларни уларга тўғрилашди.

– Биз Эргашбой жанобларининг йигитларимиз, – бу сўз қаттиқ кўрқиб кетган Маннофнинг тилидан ихтиёрсиз ҳолда чиқиб кетди.

– Қайси Эргашбойнинг?

Маннофнинг тили яна курмакланиб қолди. Энди гапиришга мажбурлигини англади.

– Мулла Умар ҳазратларининг паноҳидан жой топган Эргашбойнинг!

Миршаббоши ўйланиб турди-да, юзи ёришиб сўради:

– Самангандан келдиларингми?

– Тақсир, – Маннофнинг юзига бир оз қизиллик югурди. Ютинганида кекирдагидаги бедананинг тухумидек нарса тепага-пастга кўтарилиб тушарди. Миршаббошининг тунд юзи лабларига югурган табассумдан ёришди. Сарғайиб кетган тишлари кўринди:

– Шундай демайсизларми? Оббо сизлар-ей!

– Тақсир...

– Яхши, яхши... Бугранаталарни негасотяпсизлар? – Билишимча, Эргашбой жаноблари ҳазратимнинг олди-га бориб қурол-аслаҳа сўрагандилар. Ҳазратим бундай қуролларни четдан қиммат нархда сотиб оладилар. Ҳозир ўзларининг синоларига ҳам қурол-яроғ, мана бундай гранаталар ҳаводек зарур бўлиб турибди.

Маннофнинг афти буришиб кетди. Миршаббошининг сўровига қандай жавоб қайтаришни билмай дудқланди. Унинг қалтираб туриши айни чоғда миршаблар бошлиғида шубҳа уйғотди. Яна башараси тундлашди.

– Балки буларни Эргашбой жанобларининг омборидан ўғирлаб келгандирсизлар?

Манноф устидан бир пақир иссиқ сув қуйиб юборилгандек типирчилади.

– Тақсир... Ўғирламадик... ахир биз у кишининг ишонган, содиқ йигитлариданмиз...

– Сўзларингиз негадир қовушмаяпти. Юзларингиз ҳам ичингиздаги қўрқувни сездириб турибди. Ҳозир гранаталарни олиб, Эргашбойнинг ҳузурига борамиз. Агар булар ўғирлик бўлмаса, мен сизларни қўйиб юбораман, дурустми?..

– Тақсир... Биз ўғрига ўхшаймизми? Ўғирлаган бўлсак Худо урсин, қўлимиз кесилсин...

Маннофнинг сўзлари эмас, балки туриши ҳам миршаббошининг шубҳасини баттар кучайтирди.

– Мени алдай олмайсанлар, Эргашбой жаноблари ўлса ўладики, аммо қуролларини бозорга олиб чиқиб соттирмайди.

– Тақсир, одамларимиз оч, егулик қолмаган, шуларни пуллаб, озиқ-овқат олиб кетмоқчи бўлгандик...

– Сезиб турибман, гапларингдан ёлғоннинг ҳиди келмоқда. Ҳазратим Эргашбой жанобларининг йигитларини озиқ-овқат билан таъминлаш мақсадида ойига икки юз эллик минг доллар пул ажратганлар. Мана, сенларнинг кимлигинг энди фош бўлди. Бу гранаталарни Эргашбой жанобларининг қўзини шамғалат қилиб, омбордан ўғирлаб чиқиб сотмоқчи ва пулини белингга тугиб лагердан қочмоқчи бўлгансанлар. Мен ҳозирок учалангни тўдабошининг ҳузурига олиб бораман. Юзлаштираман. Ҳақиқатан ҳам Эргашбойнинг ўзлари гранаталарни сотишни буюрган бўлсалар, қўйиб юбораман, агар алдаган, ёлғон гапирган бўлсаларинг, ўғирлик қилганликларинг учун шарият қонуни бўйича қўлларингни чопиб ташлайман.

Манноф ва унинг шериклари Худонинг зорини қилишди. Ялиниб-ёлворишди. Миршаббоши айтганидан қайтмади. Учаласини олдига солиб лагерга жўнади.

Эргаш Маннофнинг чўнтаги пулга тўлиб, озиқ-овқат билан қайтишини интиқиб кутарди. Нима қилиб бўлса ҳам йигитларини бир ой ушлаб турса, Мулла Умарнинг олдига ўзи боради. Вазиятни тушунтиради. Кенгашнинг пароканда бўлиб кетганини айтади. «Бу ёруғ оламда сиздан ўзга меҳрибоним қолмади» деб оёғига йиқилади. Илгариги хатолари учун узр сўрайди. Тавба қилади. «Одамларимни ҳозироқ синоларингиз ичига ташлайман. Улар сизнинг муқаддас ғоянгиз йўлида жиҳодга қирадилар» деб айтади. Шундай қилса одамларини боқиш ташвишидан осонгина қутулади.

Қун қиёмга келган бўлса-да, Маннофдан дарак йўқ эди. Эргашнинг юрагига ғулғула тушди. «Гранаталарни сотиб, пулларни белга тугиб қочиб кетмадимикин» деган хавотир тинчлик бермасди. Қулбаси торлик қилиб нафаси қайтди, тепаликка чиқиб сўпоқ тош устига ўтирди кўзларини йўлга тикди. Яқин орада ҳеч кимни бу қадар ориқиб кутмаганди. Унинг олисларга қадалган кўзларига иссиқ ҳовур сочаётган тошлардан ўзга нарса кўринмади. Йўл ғўё сароб каби жимирларди. Анчагина фурсат ўтиб, шу томон келаётган усти очик «Митцубиши» кўринди. У ортидан оппоқ чанг бурқситиб лагер томон келарди. «Ким бўлди?» ўйлади Эргаш. Яқин орада унинг олдига ҳамкорларидан бирортаси келишини айтмаганди. Машина яқинлашди. Шунда Эргаш кийғирнинг кўзларидек нигоҳларини тикиб машина ичида ўтирган одамлардан бири Манноф эканлигини кийимларидан таниб қолди. «Озиқ-овқат ортиб келишаётган» деб қувониб кетди. Аммо машина яқинлашганда умиди саробга айланди. Машинада ўтирганларнинг тўрттаси қуролли одамлар эди. Эргаш соқчиларга буюрди:

– Йигитларга айт, қуроллансинлар!

У пастга тушди. Бу орада машина лагерга кириб келганди. Эргаш одамларининг қўлга тушганини тушуниб етди. Миршаббоши унинг олдига келди. Нотаниш бўлишса-да, эски танишлардек бир-бирларини бағриларига босиб омонлашган бўлишди.

– Биз мана бу одамларни бозорда граната сотаётганда қўлга олдик, – деди миршаббоши ортида турган Маннофга ва унинг шерикларига имо қилиб. – Суриштирсак, «Эргашбойнинг одамларимиз, лагерда егулик қолмаганлиги сабабли бу қуролларни сотиб, пулига озиқ-овқат харид қилмоқчимиз» дейишди. Мен «Эргашбой жаноблари оч қолсалар қоладиларки, қурол-яроғ сотмайдилар, ахир ҳазратим бундай қуролларни четдан катта маблағ эвазига харид қилиб, жанобларига берганлар» деб айтдим. Шунда булар Худони ўртага қўйиб қасам ичишди. Шунини исботлаш учун сизнинг хузурингизга келдим.

Тўдабоши еб қўйгудек йигитларига қаради:

– Ўлимдан хабарим бор, мухтарам миршаббоши, аммо бу баттол, ярамас, эгри қўллар менинг омборимдан граната ўғирлаганидан беҳабарман.

– Хали сиз бу ярамасларга ҳеч қандай топширик бермаганмидингиз?

– Тепамда Худо турибди, мухтарам миршаббоши. Мен ҳазратим томонидан инъом қилинган қуролларни бозорга олиб чиқиб соттиргандан кўра, оч қолиб ўлганим афзал!

– Биламан, Эргашбой жаноблари. Сизнинг ҳазратимга бўлган адоқсиз меҳр-муҳаббатингиз ва садоқатингиз бизларга ибрат бўладиган даражада.

– Камтарона сўзларингиз билан каминани шод этдингиз, мухтарам миршаббоши. Буларни энди менга қўйиб беринг. Учаласини шундай азоблаб додини берайки, дунёга келишганига минг бор пушаймон бўлишсин!

Миршаббоши лаб учида кулди ва қўлларини кўксига қўйиб минатдорчилигини изҳор қилди.

– Камина сиздек ҳурматли жаноб бу ўғриваччаларни азоблаш учун сарф қиладиган кучингизни душманларимизга сарф қилишингизни истардим. Бу итларга «Агар мени алдасаларинг, ўғрилиқ қилганликларинг рост бўлиб чиқса, шариат қонуни бўйича қўлларингни кесаман» деб айтгандим. Ваъда улуг нарса, мухтарам Эргашбой жаноблари. Бу қарзни охиратга ўзим билан олиб кетишни истамайман.

Эргаш нима дейишни билмай ўйланиб қолди. Миршаббоши кетгандан кейин ҳам буларни хиёнат қилгани учун жазолаши тайин эди. Бироқ унинг ўйлаган жазоси миршаббоши томонидан бериладиган жазодан енгилроқ эди. Одамларини унинг ихтиёрига топширгиси келмади.

– Сиздек мўътабар одамни арзимас нарса деб уринтириб қўйиш менга иснод, тақсир!

– Ярамас ўғриваччаларнинг ўғрилиқ қилганини эмас, балки уларга қандай жазо берганимни ҳазратининг қулоқларига етказаман. Шунда улар мендан мамнун бўладилар!

Бу гапларни эшитиб Эргашнинг туклари орасидан совуқ тер чиқиб кетди.

– Тақсир, – деди овозига сирли тус бериб, – ҳазратим бу ҳақда эшитсалар қандоқ бўларкин а? «Эргашбой ўзини ўзи бошқаролмай қолибди, яна йигитлари орасида қочоқлар, ўғрилар пайдо бўлибди» деб ўйламайдилари? Менга ҳам бир оз муносабатлари ўзгариб қолмасмикин...

– Гапингизда жон бор, Эргашбой жаноблари, лекин мен бунинг йўлини топдим. Сиз омборингиздан қурол ўғирланганлиги ҳақида менга айтган бўласиз. Мен эса буларни тутиб, сизнинг олдингизга олиб келган бўла-

ман. Шундай қилсак ҳазратимнинг иккимизга бўлган ишончлари кучайса кучаядики, хафсалалари пир бўлмайди.

Тўдабоши қайсар табиатли бу одамни ўз мақсадидан қайтаролмаслигини ўйлаб, нима дейишни билмасдан тилини тишлаб қолди.

Манноф ва унинг шериклари қўллари кесилишини қўз олдиларига келтириб типирчилаб, ҳушдан кетишаёзди. Манноф чидамади:

– Хўжайин... ахир ўзингиз...

– Юм оғзингни ит, қилғилиқни қилиб мендан муруват кутяпсанми? – қичқирди Эргаш.

– Мана, кўрдингизми, Эргашбой жаноблари, бу ит-ваччалар сиздек улуғ бир зотни айблашга ҳам уринишмоқда! Қўйиб берсангиз, бу ишга сизни ҳам шерик қилдилар! – минғирлади миршаббоши.

– Сокчилар!! – овозининг бориचा қичқирди тўдабоши.

Тўрт нафар қуролланган йигит унинг қаршисида ҳозир бўлишди.

– Буюринг, хўжайин!

– Учаласининг оғзини боғланглар, ошхонадан чопқини олиб чиқиб, миршаббоши жанобларининг қўлига топширинглар!

Эргаш топшириқни бериб, хонасига кириб кетди...

ЧЕГАРАДА

Сабинани кутиб олиш ва уни чегарадан ўтказиб қўйиш вазифаси застава бошлигининг зиммасига юклатилганди. Бироқ дарёнинг нариги томонида қизни кутиб оладиган ва унинг хавфсизлигини таъминлайдиган ходим йўқ эди. Сабина чегарани кесиб ўтгандан кейин ўргатилган йўналишлар орқали ҳаракат қилиши ва Саманганга етиб бориб, Валийнинг хонадонини топиши лозим эди.

Ўша куни ҳавонинг туси ўзгариб, осмонни булут қопламаган бўлса-да, қалин туман тушганди. Об-ҳавонинг ноқулай бўлишига қарамай, застава бошлиғи Сабинани қайиққа ўтказиб, чегаранинг нариги томонига жўнатди. Тун ярим бўлганди. Бундай об-ҳаво шароити чегарачиларга ноқулайликлар туғдирарди. Наркобизнес вакиллари, Эргашнинг одамлари айнан мана шундай шароитдан фойдаланиб қолиш пайида бўлишарди. Яқинда икки юз килограмм наркотик моддани олиб ўтишга уринган наркокартел жангарилари чегарачилар томонидан ўққа тутилгани боис ҳудудда бир оз осудалик ҳукм сурарди. Застава бошлиғи шуни ҳисобга олганди. Чегарачилар қайиқда дарёнинг сўл томонига қараб ҳаракатланишди. Сувнинг шовқинини ҳисобга олмаганда бу томонда ҳам жимжитлик эди. Оқим қайиқни бир оз нарига суриб кетганди. Чегарачилар Сабинани соҳилда қолдириб, ўзлари тезда ортга қайтишди. Қиз тиззасидан баланд сувни кечиб, қамишзор оралаб қуруқлик томон юрди. Сув совуқ эди. Туман қалинлиги боис икки қадам нарини кўз илғамасди. Қалин қамишзор қизнинг кўзига ваҳимали ва қўрқинчли кўринарди. Дахшатли қўркув вужудини қамраб олганди. У ярим соатдан мўлроқ қамишлар ичида юрди. Бадани, айниқса оёқлари қарахт бўлиб қолганди. Тўшиғидан пасти балчиққа ботиб кетарди. Ниҳоят у қуруқликка чиқиб олди. Ерга ўзини ташлади. Бир муддат ётгандан кейин ҳолсиз танасига қувват кирган Сабина яна ўрнидан турди. У юриши кераклигини, шундагина томирларидаги муздек қон исиши, вужудини қамраб олган қарахтлик тарқаб кетиши мумкинлигини яхши тушунарди.

Туман ҳали ҳам ёйилмаганди. Қиз қайси томонга юришни билмай ўйланиб қолди. У таваккал қилишдан ўзга илож тополмади. Бораётган йўллари нотекис эди.

Қаршисида паст-баланд тепаликлар ястаниб ётарди. Одам излари кўзга ташланмасди. Шундан адашганини билди. Туман тарқашини кутиб бўлмасди. Имкон қадар чегарадан узоқлашиш лозим эди. Тонг ёришса афғон чегарачилари кўриб қолишлари мумкин. Сабина уч соат йўл босди. Тонг ёришди, аммо туман тарқамади. Шунда қиз тепаликка чиқиб қолганини англаб етди. Пастлик кўринмасди. У яна юрди. Нихоят туман тарқади. Кенгликлар кўзга ташланди. Сабина йўлдан адашганига иқрор бўлди. Бориши лозим бўлган қишлоқни тахмин қилди. Назарида у шимол томонда қолиб кетганди. Бироқ ортга қайтишнинг имкони йўқ эди. Бу пайтда кун аллақачон ёйилиб бўлганди. Қирда ҳамон одам изи кўринмасди. Ёмғир ювиб ташлаган жарликлар, бўри ва тулқилар кавлаб ташлаган уячалар кўзга ташлана бошлади. Узоқлардан бўрининг увиллагани қулоғига чалинди. Сабина пастлик томон тушиб борарди. Бирдан қаршисидан иккита баҳайбат бўри чиқди. Улар қизнинг келишини кутиб тургандек кичкинагина қоя ёнида туришарди. Қиз уларни кўриб тўхтаб қолди. Орадаги масофани тўрт қадам ажратиб турарди. Бу тасодиф эмасди. Бўрилар оч эди, анча олисдан одам исини олишганди. Тумшуклари билан хавони симириб, одамзод қолдирган исни ҳидлаб чопкиллаб келишганди. Улар ўлжага ёниб турган кўзларини тикиб туришарди. Узоқ йўл юришганидан терга ботган туклари хурпайиб кетганди. Бир ҳамла билан қизга ташланиб ғажиб ташлашга тайёр эдилар. Айниқса, паст бўйли, сариқ юнгли, боши гавдасига қараганда анчагина катта бўлган урғочи бўри қиздан кўзини узмасди. Сабинанинг юраги титраб кетди. Тугунда тўппонча бор эди. Бироқ уни қўлига олмаганидан афсусланди. Бўриларга ўлжа бўлганини, ҳеч қандай тасодиф уларнинг оғзидан қутқариб қололмаслигини англаб

етди. Лекин бўрилар негадир қизга ташланишга шоши-
лишмасди. Иккиси ҳам тишларини кўрсатиб ириллаб
туришарди. Урғочи бўри олдинги оёқларини бир оз
букиб, гавдасини хиёл ортга ташлаб қизга ташланишга
шайланди. Оёқлари ердан узилди ва яшин тезлигида
одам баробари кўтарилиб, баҳайбат оғзини очиб ел-
дек учиб қизнинг устига сакради. Сабина кекирдаги-
га унинг ўткир тишлари келиб қадалишини сизди ва
кутилмаганда бошини чангаллаб ерга ўтириб олди.
Бўри унинг устидан қуюндек учиб ўтди. Унинг бир
оз намиққан, сутга тўлган елинидан анқиб турган сут
хиди қизнинг димоқларига урилди. Сабина шу аснода
тугундан тўппончасини олишга улгурганди. Ўлжани
йиқита олмаганидан аччиқланган бўри тишларини фи-
чирлатиб, ириллаб ортига қайрилди. Бу гал гавдасини
чўзиб, бошини елкаси ичига тортиб, ўтириб олган қиз
томон кела бошлади. Яқин келганда кўкрагини куйди-
риб тешиб, ошқозонидан тепароқ жойга қадалган иссиқ
нарсадан мувозанатини йўқотди ва тошлар устига гур-
силлаб йиқилди. Иккинчи бўри эса ҳамон кўзларини
қизга тикиб турарди. Ўқ овозидан қўрқиб кетганди.
Ёниб турган кўзларини қиздан олмай, секин-аста ортга
тисарилди ва бароқ думини чотлари орасига олиб, орқа
оёғининг бирини ерга қўймай лўкиллаб қоянинг нариги
томонига ўтиб кетди. Шунда Сабина унинг чўлоқлиги-
ни кўрди. Қиз умри мана шу кимсасиз адирлар орасида
интиҳо топишидан, жасади қашқирларга ем бўлиб ке-
тишидан ёмон кўрққанди. Яраланган бўри қонга ботиб,
типирчилаб, ғингшиб ўрнидан туришга, қочиб қолиш-
га чоғланарди. Тошлар ва тупроқлар қонга беланган-
ди. Ҳамон совуқ урган одамдек дилдираётган, нафаси
бўғзига тиқилиб ҳансираб ҳолсизланиб қолган Сабина
ўтирган жойида таёқдай қотганди. Бир оз ўтиб кўрқув-
лар, ҳаяжонлар босилди. Бўрининг қизга тикилган

совуқ кўзлари очилганча қотиб қолганди. Қон аралаш сўлак оқиб тушаётган оғзи андак йирилиб, ўткир тишлари пастки лабига ботганча жон таслим қилганди.

Сабина ўрнидан турди. Унинг юраги ҳамон қафасини ёриб чиққудек гурсиллаб тепарди. У йўлда давом этди. Қуёш илиқ тафти ила заминни иситиб, кўкка ҳавола-ниб борарди. Теварак-атрофда одамзод кўринмасди. У тушгача йўл босди. Яқин-йироқдан бирорта кулба кўзга ташланмади. Кўрганлари тошлар, паст-баланд дала-қирлар бўлди. У яна бўриларга дуч келиб қолармикинман деб қўрққанди, бироқ уларга рўпара келмади.

Қиз кечки пайт кичкинагина қишлоқ олдидан чиқди. Панага ўтириб нафас ростлади. Овқатланди. Йўлдан чиқиб кетганига ишонди. Энди у борадиган манзилни топиб олиши лозим эди. Эртаси куни тушдан сўнг Саманганга кириб келди. Саманганнинг барча йўлларини, қишлоқларини харитадан ўрганганди. Шундай бўлса-да, Валий яшайдиган уйни топишга қийналди.

Валий ичкарида, Ёдгорни овқатлантириб ўтирарди. Кириб келган аёлни танимади.

– Мен Кобулдан келдим, – деди Сабина ўзини таништириб.

– Сизга ким керак?

– Мен Бўроннинг синглизиман.

– Синглизиман?

– Шундай.

– Бўрон ота-онаси ҳақида гапирганди, аммо синглизиман борлигини айтмаганди.

– Ота-онамиз бомба остида қолиб ўтиб кетишган. Ўша куни мен қўшнилардан бириникига чиқиб кетгандим.

Валийнинг кўнглида ишонч уйғонди шекилли, ўрнидан турди.

– Кечиринг, танимабман, марҳамат, ўтиринг!

Ёдгор қизга кўзларини тикиб турарди.

Сабина болани кўлига олди.

– Бу менинг жиянимми?

– Шундай.

– Акам Зебонинг ўлганлигини, ўғил кўрганини айтганди, исми нима?

– Ёдгор!

Сабина болани қўлига олди. Лабларига ёпишган овқат қолдиқларини артди. Кейин бағрига босди, юзларидан ўпди.

– Худди акамнинг ўзи.

– Бўроннинг кетганига бир ойдан ошиб қолди. Дом-дараксиз. Қаердалигини балки сиз биларсиз?

– Мулла Умар ҳазратлари бирор топшириқ билан бошқа бир давлатга жўнатиб юборган бўлишлари мумкин. Кетаётганда уйимизга кириб, беш-олти ой ичида қайтмасликларини айтгандилар.

– Сиз болани олиб кетиш учун келдингизми?

– Валий қийналиб қолмасин деб тайинлагандилар.

– Жиянимни беролмайсан сизга. У синглимдан қолган ёдгорлик. Олиб кетсангиз мен бу уйда ёлғизланиб қоламан.

– Фақат вақтинча олиб кетаман. Бўрон қайтгандан сўнг у яна шу ерга келади.

– Болани сизга бериб юборолмайман!

– Унинг тарбияси билан шуғулланишимиз керак. Болага парвариш керак. Рангига қаранг, бечора озиб-тўзиб кетибди. Бунақада касал қилиб қўясиз.

– Ўзим яхшилаб қарайман, лекин сизга бермайман!

Сабина жим қолди. Маҳмудов болани олиб ўтиш тўғрисида иккита вариант ишлаб чиққанди. Биринчиси – ўзини боланинг Кобулдаги аммаси эканлигини айтиб, Ёдгорни Валийнинг розилиги билан юртга олиб ўтиш, розилик бермаган тақдирда эса олиб қочиш. Қиз хар икки вариант бўйича ҳаракат қилиши лозим эди.

– Икки-уч кун жиянимнинг олдида туришимга рух-
сат берарсиз...

– Албатта!

САМАНГАН

«Қирқ йил қирғин бўлса ажали етган ўлади» деган нақл ҳаётда ўз исботини кўп бор топган бўлса ажаб эмас. Ўша куни Эргашнинг одамлари ғор оғзида Чўтирни автоматлардан ўққа тутишди. Бироқ изидан қувган ўқларнинг бирортаси нишонга аниқ тегмади. У ўқлар овозини эшитмагандек, теварақдаги тошларнинг парчаланиб, уқаланиб тушаётганига парво қилмасдан қоронғи йўлакдан ичкарилаб кетаверди. Шунча кундан бери ғор ичида яшаб, унинг бу қадар узунлигини билмасди. Илоҳий куч қўлидан етаклаб бораётгандек туюлди. Тошларга қоқилмади, бошини уриб ҳам олмади. Шу кетишда бир соатдан мўлроқ юрди. Ўқ овозлари тинди. Изидан қувлаб келаётганлар ортда қолиб кетди. Чўтир тўсиққа дуч келди. Бу йўл тугаганини билдирарди. У тўхтади, ортига қайрилди. Қоронғиликда кўзига ҳеч нарса кўринмади. Ҳатто қурт-қумурсқаларнинг, илонларнинг ялтираб турган кўзлари ҳам ялт этмади. Чўтир деворни пайпаслади. Шунда мўжиза содир бўлди. Ангишвонанинг оғзидек ёруғликдан ичкарига нур кириб турарди.

«Тўсиқ ортида бўшлиқ бор».

У тошларни кўчиришга киришди. Бу азоб эди. Катта-катта сангларни олишга кучи етмасди. Чўтир жон-жаҳди билан ишлади. Азоб-уқубатла бир амаллаб тошларни жойидан кўчирди, думалатди. Тошлар икки, баъзан уч қават қилиб терилганди. Ҳар бир тош жойидан кўчганда ёруғлик кенгаярди. Ичкарига нур кирарди. Уч соатдан кўпроқ ишлади. Бадани, кийим-

лари жикқа терга ботганди. Охири толиқди. Пўсти арчилган қўллари ачишиб оғрирди. Бу ердан тезроқ чиқиб кетиш истаги уни яна оёққа турғазди. Тошларни қулатди, бироқ уларни четга суришга кучи етмасди. Тепадан тушган тош сал бўлмаса босиб қолаёзди. Ўзини олиб қочишга зўрға улгурди. Кўчган тош ўрнида бош сиғадиган туйнук очилганди. Хансираб, ҳаллослаб нафас олаётган Чўтир тош устига чиқиб, бўйнини чўзиб ташқарига боқди. Адирликлар, кенгликлар, паст-баланд яйловлар кўринди. Ёшли кўзлари илғаган жойлар унга таниш эди. Лагер қайси томондалигини дарров чамалади. Юрагидаги қасос ўти яна аланга олди. Ташқарига чиқиш учун ишни давом эттириши, туйнукни кенгайтириши даркор эди. Яна ишга киришди. Бунинг учун биргина тошни жойидан олиб ташласа бас, боши, елкаси сиғади. Чўтир қўлига кичикроқ тош олиб, иккинчи тошни уриб майдалашга киришди. Бир бўлакни кўчиргунча ўнлаб тошлар уқаланиб кетди. «Эргашдан қасос олишим керак, бунинг учун ташқарига чиқишим керак» дерди жон-жаҳди билан чираниб.

Қоронғи тушди. Қахрамонимиз холдан тойди. Қорни ҳам очганди. Бир зум дам олмоқчи бўлди. Орқасини сўпоқ тошга қўйиб кўзларини юмди. Лекин уйқуси келмади. Кўзига Эргаш кўринаверди. Туйнук ортида тургандек туюлди. Чўтир баттар ғазабланди.

«Сендан қасос олмагунча чарчашга, дам олишга ҳақим йўқ».

Қасоскорнинг вужудида ғайритабиий куч уйғонди. Ўрнидан турди. Туйнукка яқин борди. Осмондаги юлдузлар мана шу кичкинагина туйнукдан кўриниб турарди. Тоғдан пастга чўзилиб кетган қияликни ой нури ёритиб турарди. Ичкарига тунги салқин ҳаво оқиб кирарди. Чўтир қўлига тош олиб яна харсангни майдалашга киришди. Шу қадар қаттиқ ва тинимсиз ишла-

дики, буни фақат танасида кучи тўлиб тошган бақувват одамгина бажариши мумкин эди. Ниҳоят шапалоқдек жой қўчиб тушди. Яна икки қаричча жойни очиш керак. Тепадаги харсанг ниҳоятда йирик бўлиб, тагидаги тошларга жуда маҳкам ёпишиб кетган эди. Агар уни силжитса, бемалол ташқарига чиқиш имкони бўларди. Чўтир мўлжалдаги жойни кўчирганда тонг ёришганди. Ташқари унинг кўзига кенгроқ ва гўзалроқ кўринди. Ичкарига уйғонаётган қуёшнинг заррин нурлари ёпирилиб кирарди. Ҳозиргина ўйилган тешикдан кирган салқин ва ёқимли ҳаво ичкаридаги қўланса ва рутубатли ҳавони ҳайдади. Тошлар остидан турли курт-қумурсқалар чиқиб тум-тарақай қочди, кулча бўлиб ётган катта илон чўзилди-да, гумдон бўлди.

«Энди ташқарига чиқиш мумкин».

Чўтир бунга ошиқмади. Дам олиши лозим эди. Билаклари, бармоқлари қаттиқ оғрирди. Кафтининг териси арчилиб қизариб кетганди. Очликдан ҳолдан тойганди. У ёнбошлаб кўзларини юмди. Тошлар устида эмас, балки юмшоқ кўрпа устида ётгандек ором олди. Пешинда уйғонди. Тиккага келган офтоб Чўтирнинг қорайган, соқол босган юзига иссиқ нурларини таратарди. Ичкари ёп-ёруғ эди. Зулмат чекинганди. Чўтир ўрnidан турди. Атрофни кузатди. Нигоҳи ерда сочилиб ётган суякларда тўхтади. «Бу одамнинг суяклари-ку» деди ўзига ўзи. Жасаднинг кийимлари чирий бошлаганди. Тугмалар, қайиш ва унга осилган ханжаргина қолганди. Мурда боши томонида турган «Калашников»ни олишга чоғланиб қўлини чўзиб ётгандек эди. Автоматнинг устига чанг ўтирган, дастаси чирий бошлаганди. Чўтир тугмаларни қўлига олди. Тамға жасад Шўро армиясининг аскарларидан бириники эканлигини билдирарди. «Уни бекорга гор ичига қамаб кетишмаган» ўйлади Чўтир. «Бу ерда нимадир бор»...

У атрофни кузатди. Автоматни қўлига олиб, унинг яроқлилигини текширди. Магазин тўла ўқ. У автоматдан ғор ичига қарата ўқ узди.

«Қурол ишлатишга яроқли».

Жасаднинг оёқ томонида ҳарбийларнинг қопчаси ётарди. Чўтир уни қўлга олиши биланоқ титилиб, ичидаги нарсалар ерга сочилди. Булар гўшт консерваси эди. «Овқат», жилмайиб қўйди у. Ханжар ёрдамида улардан бирини очди. Овқат айнамаган, аммо бир оз хидланганди. Уни паққос туширди. Қорни тўйди, энди ташқарига чиқса бўларди. Бироқ уни «Аскар нима сабабдан ғор ичида қолиб кетган» деган савол ўйлантириб қўйди. «Бекорга ғор ичига қамаб кетишмаган» деган фикр такрор унинг хаёлидан ўтди. Чўтир атрофни қўздан кечира бошлади.

Қуёшнинг олтин нурлари ичкарини ёритиб турарди. Тош деворлар шунчаки тикланмаганлигини Чўтир пайқаб қолди. Оёғи билан тепди. Икки-учта тош қулади. Чўтир ўзини орқага олди. Енгил чанг кўтарилди. «Нима учун бу девор ўрнатилган экан?» ўйлади у. Кейин тошларни хатлаб, ичкарига кирди. Қўзи каттагина сандиққа тушди. У михлаб ташланганди. Чўтир қопқокни тош билан уриб бузиб сандиқни очди. Сандиқ ичидан турли туман тилла, кумуш буюмлар чиқди. Уларнинг орасида олтиндан ясалган хайкалча ҳам бор эди. Чўтир олтинларни тўкди. Улар ҳар томонга сочилиб кетди. У хазинанинг устига ўтирди. Буни кимлар бу ерга келтирганини, нариги хонадаги аскарни бу ерда қолдириб, йўлакни баҳайбат тошлар билан тўсиб кетишганининг сабабини ўйлади.

Бойликлар Чўтирни қизиқтирмади. Юраги фақат қасос иштиёқида тепарди. Лабларидан биргина сўз тушмасди.

«Энди қўлимда қурол бор».

Окшомда Чўтир ташқарига чиқди. Бу ерлар ҳақиқатан ҳам таниш жойлар эди. Қояга чиқиб лагерни кузатди. Жангарилар илгаригидан анча камайиб қолгандек кўринди кўзига. Эргашнинг кулбаси ҳам кўриниб турарди. Чўтир узоқ тикилди унга. Ичкаридан ҳеч ким чиқмади ҳам, кирмади ҳам. Демак, тўдабоши йўқ.

«Қаёққадир кетган. Қайтишини кутаман».

Чўтир яна ичкарига кириб, ер билан битта бўлиб ётган олтинлар устига чўзилди. «Боя еган овқатим айниб қолган, қорнимни безовта қилади» деб ўйлаганди. Қорни бир оз дам бўлди, аммо ўтиб кетди. Эртаси куни яна қоя устига чиқиб лагерни кузатди. Эргаш кўринмади.

«Зори бозор»дан қуруқ қўл билан қайтган тўдабоши сўнги умиди ҳам пучга чиққанига амин бўлди. Манноф сал бўлмаса уни шарманда қилаёзди. Яхшики миршаббоши унинг сўзларига қулоқ солмади. Учласининг қўлини билагидан кесиб ташлади. Энди Эргашнинг умид қиладиган ҳеч вақоси қолмади. Пулсиз қаёққа ҳам борарди? Тақдир бу ўлкага абадий маҳкум этган экан, Мулла Умарга итоатгўй бўлиб яшашдан ўзга чораси йўқлигини тушунди. Миясида биргина фикр айланарди.

«Қандай қилиб бўлмасин яна унинг ишончига киришим керак».

У хонасига қамалиб, Мулла Умарнинг олдида бориш учун баҳонаю сабаб изларди

Эртаси куни куёшдан аввал уйғонган Чўтир Эргашнинг эшиги олдида беш-олтита одам тўпланиб турганини кўриб, тўдабошининг шу ердалигини англади. «Демак, интиқом онлари келди» деди қўлларини мушт қилиб. У хонасига кириб автоматни яхшилаб кўздан кечирди, ҳар эҳтимолга қарши аскарнинг ханжарини белига тақиб олди. Кеч бўлишини интиқлик ила кутди.

Қош қорайди. Чўтир пастга тушди. Лагерга яқин борди. Тошлар орасидан Эргашнинг кулбасини кузатди. Ярим соатлар ўтиб у елкасига чакмон ташлаб ичкаридан чиқиб келди. Букри одамдек эгилиб атрофга қаради. Соқчилар атрофини ўраб олишди. Кейин хожатхонага ўтди. Чўтир ўрнидан туриб кетаёзди. Хозирок бориб хожатхона ичида отиб ташлагиси келди. Бироқ соқчилар кўриб қолишидан ҳайиқди. У қасос олмасдан ўлиб кетишни истамасди. Ўша кун қасос олишнинг иложини тополмади. Тонгга яқин инига қайтди. Кейин аниқ қарорга келди:

«Ёмғир ёғишини ёки шамол туришини кутаман».

Бу тухфа узоқ куттирмади. Икки кун ўтиб, кечки пайт хавонинг туси бирдан ўзгарди. Тоғлардан ёпирилиб тушган булутлар лагер тепасида туриб қолди. Бу кучли жала ёғишидан дарак берарди. Чўтир автоматни кўлига олиб, ёрдан чиққанда ёмғир ёға бошлаганди. Гоҳида чақин чақиб, момақалди роқ гумбурларди. Жангариларнинг барчаси ўз чодирларига кириб кетишган, тўдабошининг эшиги олдида киприк қоқмай ўтирадиган соқчилар ҳам ўзларини панага тортишганди. Бундай имконият ҳамиша ҳам бўлавермайди. Чўтир тошлар орасидан юриб, қоя ва тепаликлардан ошиб пастга тушди. Лагерга яқинлашган сайин юрагини қасос алангаси билан бирга ҳаяжон ўртай бошлади. «Ишқилиб бирортаси кўриб қолмасин, мақсадимни амалга оширгунча қўлга тушиб қолмай, ётоғига кириб ўзимни танитай, афт-ангоримни кўрсин. Шунча азоб-уқубатларни елкамда кўтариб юрганимни, қасос олишни кутиб шу кунга қадар қоронғи ёр ичида ажалга бўйин эгмай яшаганимни билиб қўйсин, шунда хуморим босилади, шунда юрагимни ёндираётган оташга сув сепилади, шунда мен баридан рози бўлиб, автоматдаги жамики ўқни қоқ пешонасига жойлайман» деб пичир-

лаб борарди. Дилидан ўтаётган бундай фикрлар унинг хаста юрагига қувват, мадор бўларди. Эргашнинг кулбаси кўринганда тўсиққа дуч келгандай бўлди. Багтар хаяжон босди. Юрагининг гурсиллаб тепиши қулоқларига бемалол эшитилиб турарди.

«Ишқилиб бирортасининг кўзи тушиб қолмасин-да».

У қаддини тик тутиб юролмасди. Кўкрагини ерга бериб, секин-асталик билан товуш чиқармай, худди эчки-эмардек эмаклаб борарди. Ёмғир тобора забтига олар, кетма-кет момақалди роқ гумбурларларди. Чодирлардан ахён-ахёнда банги соқчиларнинг йўталгани эшитилиб турарди.

Судралиб бораётган Чўтирнинг хаёлидан минг турли ўйлар ўтарди. «Қандай ўлдиришим керак? Кирибоқ отиб ташласам битта ўқ билан тинчийди. Лекин у қанчадан-қанча одамларни қийнаб, азоблаб, тириклай терисини шилдириб ўлдирди-ку. Кўзининг гавҳарини нур билан куйдирди-ку. Нега мен уни битта ўқ билан тинчитим керак экан? Йўқ, уни отиб ўлдирмайман, аввал азоблайман, қийнайман, терисини шиламан, кўзларини ўяман, кейин юрагини суғуриб оламан. Шунда мен ўнлаб шерикларимнинг ўчини олган бўламан».

Ёмғир дақиқа сайин тезлашарди. Гўё биров осмондан челақлаб сув тўкаётгандек эди. Кўкда қоп-қора булутлар қуюни айланарди. Ерда ёйилиб лойқа сув оқарди. Момақалди роқ гумбурлаб, чақин чақнарди. Атроф ёришиб кетарди. Қаршисидаги ивиб қолган чодирлар ярқ этиб кўзга ташланарди. Чўтир чақин чаққанда биринчи чодирдан чиқиб, иккинчисига ўтиб кетаётган одамни кўриб қолди. Шу захотиёқ ерга ёпишди. Ёмғир суви оғзига кириб кетди. У мисоли ариқ ичида сузиб бораётган одамни эслатарди. Борлиққа яна зулмат чўкди. Чўтир тўдабошининг кулбасига яқин келиб қолганди. Соқчилар ўтирадиган жой бўм-бўш. «Улар ўз хо-

наларига кириб кетишган бўлса керак» ўйлади Чўтир. Аммо улар чодирнинг нариги томонида, тепасига клён-ка тортилган жойда ўтиришганини кейин сезиб қолди.

Чўтир эшикка яқинлашди. Ичкарига кириш учун уйчанинг эшигини овоз чиқармасдан очиш лозим. Эргаш ўта зийрак ва эҳтиёткор одам. Тиқ этган товушдан сергак тортади. Қуролини ҳамиша ёстиғи остига қўйиб ётади. Чўтир автоматнинг учини эшикка тиради. Айни чоғда кимнингдир хириллаган овозини эшитиб қолди. «Мени кўриб қолишди» деган хаёлдан сал бўлмаса тепкини босиб юбораёзди.

Юзлари лой бўлиб кетган Чўтир орқасига қаради. Ҳеч ким кўринмади. Товуш ёнбош томондан келганди. Соқчилардан бирини йўтал тутганди. Чўтир уларни тинчитмасдан туриб Эргашнинг олдига киролмаслигини англади. Секин ўрнидан турди. Иккинчи қўлига ханжарни олди.

Ёмғир жадаллашди. Шу қадар шиддат билан ёғардики, бир қадам нарини кўз илғамасди. Қасоскор оёк учида юриб, соқчилар ўтирган жойга яқинлашди. Уларнинг иккиси ҳам бошларини елкалари орасига қисиб, дилдираб ўтиришарди. Биринчи соқчи юрагига ханжар санчилганда ихраб асфаласофилинга кетди. Мудраб ўтирган шериги эса чўчиб уйғонди. Кўзларини очиб, қаршисида пичоқ ушлаган кимсани кўрди. Қўрқувдан талвасага тушиб бақирмоқчи бўлиб оғзини очди-ю, аммо улгурмади. Чўтир кафти билан унинг оғзини ёпди ва нафаси ичига тушиб бўрилгунча кафтини босиб турди.

Чўтирнинг шошилмоғи даркор эди. У автоматни қўлига олди ва яна Эргашнинг кулбаси олдида пайдо бўлди. Эшик очишга узатилган қўллари айни дамда момақалдироқнинг гумбурлашига тўғри келди. Ичкари коронғи эди. Эргаш тахта ётоқда хуррак отиб ухларди.

Чўтир гор ичида узоқ муддат яшаб, кўзлари қоронғиликка ўрганиб қолганди. Тўдабошининг тепасига борди. Автоматнинг учини унинг пешонасига тиради. Манглайига совуқ ва оғир нарса ботганини сезган Эргаш чўчиб уйғонди. Тепасида турган одамни кўрди-ю, кўрқиб кетди. Кўнглидан шундай ўй ўтди:

«Одамми бу ёки арвоҳми?»

– Кимсан? – ниҳоят унинг тилидаги кишан ечилди, – берухсат нега кирдинг?!

Чўтир «Сендан ўч олгани келдим» деган маънода гудранди. Шундагина тўдабоши уни таниди.

– Бу сенмисан? – деди овози титраб. – Нега автомат кўтариб турибсан, ол пешонамдан! Сени ўз укамдек кўраман. Лекин ўзинг кетиб қолдинг...

У атайин баланд овозда гапирди. «Тансоқчилар қарда қолди? Наҳс босиб ухлаб қолишдими? Овозимни эшитмаяптими» хаёлидан ўтказди у. Тўдабошининг титроқ қўллари ёстиқ томон силжирди. Чўтир чўғдек ёниб турган кўзларини тўдабошидан олмай, тинимсиз гудранарди. Нафрат ва ғазабини босолмасди. Ўзи сезмаган ҳолда овози биландлаб борарди. Эргаш тўппончасини яширган жойидан тезроқ олишга уринар, бироқ қалтис ҳаракат қилишдан кўрқарди. Кўрқув акс этган кўзларини тепасида турган қасоскорга тиккан Эргашнинг тилидан меҳрли сўзлар учиб чиқарди.

– Биламан, сен менга кўп яхшилиқлар қилдинг, мен эса инсофсизлик қилдим. Кел, гина-кудуратни унутайлик, яна ака-укадек бирга яшайлик. Яхши кунлар келса, ўзим даволатаман...

Чўтир ҳамон гудранарди. Кўзларидан дув-дув ёш тўкиларди. Момақалдиروقнинг уни ўчди, ёмғир шаштидан тушди. Фақат яшин чақнади, унинг ўткир нурлари туйнукдан кириб, ичкарини, тўдабошининг кўрқувдан дилдираб турган вужудини ва айни чоғда

ёстик остидаги тўшпонча томон силжиётган қўлини бир зумгина ёритди. Чўтирнинг кўзлари буни илғаб, автоматнинг тепкисини босиб юборганини сезмай қолди. Бир нечта ўқ Эргашнинг миясини тарвуздек ёриб ташлади. Шу тариқа ўз киндик қони томган муқаддас ва азиз юртнинг тинчини бузган, қанчадан-қанча одамларнинг ёстигини қуритган, кўплаб ёшларни йўлдан оздириб, уларни ўз она Ватанларига қарши қўйган қонхўр бу кимсанинг қисмати яқун топди...

ДУБАЙ

Кашмирийдан муҳим топшириқни олган Зоир Эрон орқали Дубайга жўнади. У ўзбекистонлик савдогарлар жойлашган меҳмонхонани топиши ва бу ердаги ўзбеклар билан алоқа ўрнатиши, улар орасидан ишончли ёшлардан камида иккитаси билан «ишлаши» лозим эди. Бир-икки ҳафта савдогар йигитларнинг изидан кузатиб юрди. Уларнинг қаерга боришлари, қайси бозорларда савдо қилишлари, ким билан учрашишлари, муҳими қандай буюмларга қизиқишларини ўрганди. Улар орасидан ибодатни қанда қилмайдиган намозхонлардан иккитасини мўлжалга олди. Айғоқчи йигитларнинг йўлига қармоқ ташлади. Ишдан кейин хуфтон намозини бирга ўқийдиган, ошхонада биргаликда тамадди қиладиган бўлди. Ўзини покистонлик савдогар сифатида таништирди. Кечки пайтлар йигитларни хонасига таклиф қилди. Юртидан олиб ўтган матоларни уларга арзон нархда насияга берди. Йигитлар буюмларни минг хижолат билан олишди...

Ўша куни уларнинг бозори чопди. Матоларни кўтарасига пуллашди. Зоир ўйлаб юрган режасини амалга оширадиган фурсат келганини сизди. Чўнтаккесарлардан иккитасини ёллади. Улар оломон гавжум жойда

савдогарларнинг чўнтагини тозалашди. Йигитлар меҳмонхонага киришганда таги кесилган чўнтаклариди ҳеч вақо йўқлигини пайқашди.

– Улуғбек, пулларим йўқ, – деди буғдой юзли йигит шеригига юзланиб. Унинг ранги оқариб кетганди.

Улуғбек шошиб ҳамёнига қўл солди. Чўнтаги тиф билан кесилганини кўриб, эси оғиб қолаёзди.

– Менинг пулларимни ҳам шилиб кетишибди!

– Қаерда олдирган бўлишимиз мумкин? Чўнтагимда салкам юз минг дирхам бор эди.

– Меники ҳам сеникидан кам эмасди.

– Эртага Зоир амакига пулни қайтаришимиз керак.

Энди нима қиламиз?

– Полицияга арз қиламиз!

– Гумондор одам йўқ-ку? Шубҳанг кимдан деса, кимни кўрсатамиз?

Эшик тақиллади. Йигитлар бир-бирларига қарашди. Уларнинг чакнаб турган кўзларида «Кимдир пулимизни топиб олган, олиб келгандир» деган маъно бор эди. Улуғбек эшикни очди. Остонада Зоир турарди.

– Ассалому алайкум, йигитлар! – Зоир таъзим билан ичкарига кирди.

– Ва алайкум ассалом, Зоир амаки!

Йигитларнинг тушкун ҳолатини кўриб сўради:

– Нима гап, хомуш кўринасизлар?

Йигитлар пулларини олдириб қўйишганини яширишмади.

– Ҳай-ҳай, чакки бўлибди, – бошини чайқади Зоир.

– Биз сиздан олган буюмларни сотиб бўлгандик.

– Боя хўжайиним «Пулларни олиб кел» деб буюрганди.

– Қарзимизни бир ой ичида қайтаролмаймиз, Зоир амаки!

– Хўжайинимга нима дейман, ахир у ҳақ талаб қилмоқда.

– Ёрдам бермасангиз бўлмайди.

– Мени хижолатга қўйдиларинг-ку, пулни олиб бормасам бошлигим ишдан ҳайдаб юборади. Бола-чақали одамман, ишсиз қоламан! Менга ҳам раҳм қилинглар!

– Бизга бир ой муддат беринг, илтимос!

– Бу узоқ муддат, хўжайиним рози бўлмайди.

– Унда йигирма кунга рухсат беринг...

Зоир амаки ўйланиб турди-да:

– Йигирма кун ичида пул топишга қўзларинг етади-ми? – деб сўради йигитларга раҳми келгандек.

Шунда йигитларнинг қоронғи юраги ёришди.

– Худонинг ўзи меҳрибон, бир йўлга солар.

– Йигирма кун аслида узоқ муддат эмас, бироқ бошлигимга нима дейман?

– Биз сизнинг очиқ қўнгилли инсон эканлигингизни биламиз, амаки, бошлигингизга бор ҳақиқатни айтинг, сабр қилишини тушунтиринг, инсофга келар.

Зоир чўзинчоқ иягини бармоқлари билан мижғилади.

– Тағин қочиб кетади деган хаёлга борманг, – қўшимча қилди Жавлон.

– Астаффируллоҳ, бундай фикрни фақат елкасига шайтон минган одамгина хаёлига келтириши мумкин. Сизларга ишонмаганимда катта миқдордаги молни насияга берармидим!? Мен бошқа нарса ҳақида ўйламоқдаман! – деди Зоир амаки.

– Хаёлингизга бирор жўяли фикр келган бўлса, айтинг, йўлингизга юрамиз! Фақат ҳалол юмуш бўлса бас!

– Ҳай-ҳай, Жавлонбек, дилимга тиф санчманг. Му-сулмон одам ёмон ўйни қўнгилига келтирса, шайтоннинг измига бўйсунган бўлади, қалбидан имон қўтарилади.

– Минг бор узр, амаки...

– Менинг калламга бир фикр келди, дўстларим, – Зоир амаки икки ёнида турган йигитларга қаради ва уларнинг елкасига қўл ташлади.

– Айтинг! – Йигитларнинг кўзлари ялтиради.

– Биласизлар, мен покистонликман, бу ерга тижорат мақсадида келганман. Бизда ишлаб чиқарилаётган матоларга бу юртда эҳтиёж баланд. Агар таклифимни қабул қилиб, мен билан Покистонга борсаларинг, у ердан катта миқдорда «мол суриб келамиз. Ўйлайманки, қарзларингни йигирма кунга қолмасдан узасизлар. Ўзларинг ҳам анчагина пул ишлаб олишларинг мумкин..

– Яхши бўларди, биз тайёرمىз, – деди шошқалоқлик билан Жавлон.

– Аммо чўнтагимизда пулимиз йўқ, қолаверса, чега-радан бизни ўтказишмайди, – шеригининг сўзини бўлди Улуғбек.

– Бу ёғини менга қўйиб беринглар, ўзим уддалайман.

– Биз эрталабгача ўйлаб кўришимиз керак.

– Бу сизларнинг ишларинг, мен раҳмим келганидан, қарзларинг анчагина эканлигини, бунча пулни топиш осон эмаслигини ўйлаб айтаяпман!

– Қачон йўлга чиқамиз? – сўради ноилож қолган Улуғбек.

– Истасаларинг, эртага.

– Биз розимиз!

Шундай қилиб улар эртаси куни Покистонга учиб кетишди. Меҳмонхонага тушишди. Бу ерда бир кун дам олишди. Кечки пайт Зоир йигитларнинг хонасига кирди.

– Вазиристонга жўнаймиз, – деди у, – биз излаган мато айнан у ерда ишлаб чиқарилади. Арзонроқ оламиз!

Учовлари Вазиристонга йўл олишди. Йигитлар Покистонни яхши билишмасди. Биринчи бор келишлари эди. Кўзлари қуролли одамларга, уруш қолдирган даҳшатли изларга тушганда юраклари орқага тортиб, келганларига пушаймон бўла бошлашди..

– Негадир кўнглим ғаш, – деди Улуғбек шеригига, – назаримда биз тузоққа тушганга ўхшаймиз.

– Хавотир олма, Зоир амаки яхши инсон экан, – деди Жавлон. – Уч кундан бери биз билан юрибди, ни-яти бузук бўлганда бу ергача бошлаб келмасди.

Улар тоғли қишлоқда тўхташди. Қоронғи тушиб колганди. Одамлар оз эди. Ҳар эллик қадамда бит-та пахсали уй қад кўтариб турарди. Ялт этган чирок кўринмасди. Онда-сонда итлар ҳурарди. Улар ташландиқ уйга жойлашишди. Йўл босиб чарчашганди. Тезде ухлаб қолишди. Тонг ёришар палласида беш-олти на-фар нотаниш одам хонага кириб келишди. Қўлларида қурол. Юзлари соқол босганидан кўринмас, фақат кўз-лари ва тишларигина ялтираб турарди. Йигитлар уйғо-ниб кетишди. Зоир амаки кўринмасди.

– Тезде кийининглар! – буюрди қуролли одамлар-дан бири. – Бу ердан кетамиз!

– Қаёққа? – кўзларини зўрға очиб сўради Жавлон.

– Дўстларимизнинг ҳузурига! – иршайди нотаниш кимсалардан бири.

– Биз ҳеч қаёққа бормаймиз, – деди Улуғбек. – Уйи-мизга қайтиб кетамиз!

– Биздан қанча қарзларинг борлигини унутманглар. Пулни ким тўлайди? – қурол ушлаган яна бир одам гапга суқилди.

– Мардикорчилик қилиб бўлса ҳам ҳақингизни қай-тарамиз! Бизларни келган жойимизга элтиб қўйинглар!

– Буни аввалроқ ўйлаш керак эди. Сизларни бу ерга олиб келгунча анча маблағ сарфладим. Буларни ким тўлайди?

– Ўлмасак қайтарамиз!

– Гапни калта қил! – буюрди учинчи бири Улуғбекка яқин келиб.

– Сиз бизнинг ўртамиздаги суҳбатга аралашманг, – Улуғбекнинг жаҳли чиққанди.

– Сен ҳали бизнинг кимлигимизни билмайсан шекилли!

Қуролли одам автоматнинг қўндоғи билан Жавлоннинг елкасига урди. Йигит инграб, қўли билан қўндоқ тушган жойни чангаллаб ерга ўтириб қолди.

Қуролли одамлар йигитларнинг кўзларини боғлашди. Ташқарига олиб чиқиб машинага ўтқазилди. «Тойота» номаълум томонга жўнади. Тонг ёришганди. Машина икки соатча юриб тўхтади. Чор атрофдан одамларнинг овози келди. Тутқунларни машинадан тушириб ичкарига олиб киришди. Кейин кўзларидаги боғични ечишди. Тасбеҳ ўгириб ўтирган олтмиш беш ёшлардаги одам савдогарларга узоқ тикилиб туриб:

– Мусулмонмисанлар? – деб сўради.

Йигитлар бош ирғашди.

– Мусулмон одам ҳамиша бир-бирига ёрдам бериши керак, – деди у. – Бугундан бошлаб сенлар мусулмон биродарларингга ёрдам берасанлар. Улар билан бир сафда туриб даҳрийларга, динсизларга қарши жиҳод қиласанлар! – У ёнидаги тугунни олиб йигитларнинг олдига ташлади. – Кийиниб олларинг!

– Таксир, – деди Жавлон. Қўндоқ тушган елкаси ҳамон ачишиб оғирди, – бизлар бозиргончилармиз, бу ерга ўз ихтиёримиз билан келганимиз йўқ. Покистонлик бир биродаримиз «Ҳамкорлик қиламиз» деб бошлаб келганди. Одамларингиз ётган жойимиздан кўзимизни боғлаб ўғирлаб келишди. Қўйиб юборинг, юртимизга қайтамиз!

– Қайсарлик қилма! Бугундан эътиборан шу ер сенларнинг юртинг. Ўзларингни Мулла Умар ҳазратларининг йигитиман деб ҳисобланглар! Унинг синолари сафида туриб, динсизу даҳрийларга қарши жанг қиласизлар!

– Тақсир, биз, алҳамдуллоҳ, мусулмонмиз. Исломда бир мусулмон бошқа мусулмонга қарши қурол кўтармайди, мусулмон мусулмоннинг умрини хазон қилмайди деб айтилган.

– Беш вақт намозимизни қанда қилмаймиз, – Жавлон қарияни инсофга чақириш мақсадида шеригининг гапини қувватлади. – Аллоҳнинг буюрган фарзларини адо этамиз. Қалбимиз Аллоҳ талога ҳамда унинг бандаларига бўлган меҳр-муҳаббат билан лиммо-лим. Қўлимизга қурол олиб, Эгамнинг суюкли бандаларига қарши курашсак, уларга қарата ўқ узсак, қонини тўксак охиратимиз куйиб кетмайдими? Бизни бундай йўлга бошламанг. Рухсат беринг, юртимизга қайтайлик.

– Сенларни миянг заҳарланган. Қаерда ва кимнинг олдида турганларингни унутганга ўхшайсанлар! Билиб қўйинглар, агар Мулла Умар ҳазратларининг синолари таркибига кирмас экансизлар, бу ердан омон чиқиб кетолмайсизлар!

Унинг сўзларига жавобан Улуғбек шундай жавоб қайтарди:

– Мусулмон мусулмонни ўлдирса, қиёматгача жаннат эшиклари очилмайди, тақсир... Ислом дини инсонийлик динидир. Ҳазрати Одам Атомиздан то Ҳазрати Пайғамбаримизга қадар ўтган барча пайғамбарларнинг мужодала ва ҳаракатлари ҳам шу хусусда эди.

– Биз жиҳод жангига кирганмиз! Бу урушда ҳалок бўлган ҳар бир одам шаҳид кетади.

– Қуръони карим таълимотига кўра, мусулмон одам Ватанига душман бостириб келса унинг ҳимояси йўлида жиҳод қилади. Бир миллатнинг, бир юртнинг, бир диннинг одамлари ўзаро урушиб қон тўкишса, бу жиҳод дейилмайди. Бундай урушнинг олдини олган, уни тўхтатган, одамларни, элатларни, қа-

билаларни яраштириб қўйган инсонгагина жаннатнинг эшиклари очилади.

– Бас!! – қичкириб юборди қария. – Сен тирранчалар менга ақл ўргатма! Жиход нималигини сенлардан яхшироқ биламан!

Қария эшик олдида турган соқчиларга қараб амр қилди.

– Буларни кийинтириб, қўлларига қурол тутқазиб, синопларнинг ичига ташла. Ўшаларнинг орасида юрсин!

Соқчи йигитларни олдига солиб ташқарига ҳайдади.

Қария кўрпача остидан қўл телефони олиб рақамларни терди.

– Ассалому алайкум, Кашмирий жаноблари.

Гўшакдан мулойим овоз келди:

– Ва алайкум, мухтарам Бурхониддин ҳазратлари! Овозингизни эшитганимдан бахтиёрман...

– Дубайдан олиб келинган йигитлар қўлимда. Улар билан гаплашдим. Сўзларидан, юзларидан биз кутган одамларга ўхшамайди. Назаримда уларни бу ерда сақлашнинг фойдаси йўқ.

– Биз ўзимиз уларни тарбиялаймиз. Синопларингизга тайинланг, уларни қочириб юборишмасин. Бу ердаги шароитга кўниккунларигача кўз-қулоқ бўлиб туришсин! Милтиқ отмаса отмас, аммо қўлига қурол тутқазиб қўйишсин! Вақти келиб улар душманларимизни шарманда қилишда бизга қўл келади!

– Мақсадингизни илғадим, узоқни кўзлаб иш тута-сиз-да, Кашмирий жаноблари!..

– Буларнинг барчаси сизнинг доно маслаҳатларингизнинг маҳсулидир!

– Ўғитларимни унутмаганингиз учун бир умр сиздан миннатдорман, Кашмирий жаноблари!

Бурхониддин сирли жилмайиб, телефони ўчирди.

Бурхониддиннинг хонасидан чиққан соқчи Улуғбек билан Жавлонни ташқарига олиб чиқди-да, уларни эшик ёнида турган қуролли одамнинг қўлига тошпирди.

– Буларни кийинтир!

У йигитларга ўзбек тилини бузиб «Юр» деб амр қилди ва ҳовлининг нариги томонидаги уйга бошлади. Олдиларига бояги тугунни ташлади:

– Тезда кийимларингни ечиб, мана буларни кийиб олинглар!

– Кийимларимизни бурга босмаган, бунга хожат йўқ, – эътироз билдирди Улуғбек.

– Айтганимни бажар! Бу кийимларинг билан йигитларимиз орасида яшай олмайсан. Улар сенларни хорижлик эканликларингизни билишса, масхаралашади.

Йигитлар тугунни ечиб, кийимларини алмаштиришди. Пахмоқ соқол иккита автоматни келтириб йигитларнинг олдига ташлади.

– Буларни елкаларингга илиб олинглар!

Йигитлар қуролларга қарашмади.

– Бизга қурол керак эмас!

Пахмоқ соқол жилмайиб қўйди.

– Қурол ушламасаларинг, ҳазратим эллик дарра уришни буюрганлар. Тезда буларни олиб, елкаларингга илиб олинглар!

Жавлон шеригига қаради. Улуғбек пинагини бузмади.

– Урса урар, эллик даррадан қўрқиб, қўлимга қурол оладиган бўлсам, калтак еб ўлиб кетганим афзал, – деди у автоматларни оёқлари билан суриб ўзидан узоқлаштираркан.

Шу пайт ичкаридан Бурхониддин чиқди. У йигитларнинг олдида тўхтади.

– Нега қуруллар ерда ётибди? – сўради пахмоқ соқолдан.

– Булар «Бизга қурул керак эмас» дейишяпти, ҳазратим.

Бурҳониддиннинг юзи қизариб, қошлари хурпайди.

– Керак бўлмасаям елкаларингга илиб олларинг!

Йигитлар бир-бирларига қарашди.

– Биз бозиргончилармиз, тақсир, жангчи эмасмиз!

– Шу пайтгача менинг гапимни биров икки қилмаган. Сен тирранчалар нега отанг тенги одамга гап қайтарасанлар?

– Биз адолатли фикр айтаяпмиз, тақсир. Сиз ҳақнинг ҳимоячисиз!

– Ҳозироқ қурулларни қўлларингга олмасаларинг жазолайман!

– Калтаклаш билан қўрқитманг, бари бир қўлимизга қурул ушламаймиз! Биз тинчликсевар, адолатли юртда туғилиб ўсганмиз! Бизга одамларни қийнаш, отиш, ўлдиришни эмас, балки инсонларга меҳр-муҳаббат, раҳм-шафқат билан қарашни ўргатишган.

– Сенлар чиндан ҳам талтайиб кетибсанлар. Ўзларингни қаерда ва кимнинг рўпарасида турганларингни унутган кўринасанлар! Бу ерни Афғонистон дейдилар!

– Биз қаерда бўлмайлик озод ва мустақил, эрк ва ҳақиқат, озодлик ва тинчлик сиёсатини олға сураётган юртнинг фарзандлари эканлигимизни ҳис этиб яшаймиз ва бундан ғурурланамиз!

– Шаккоқлар!!

Ҳазрат нафрат билан тишларини ғичирлатиб бақирди.

– Даррабозга айт, ҳар иккисини элик даррадан саваласин!

– Бош устига, ҳазратим.

Бурҳониддин ичкарига кириб кетди. Пахмоқ соқол йигитларнинг олдига қайтди.

– Назаримда сенлар ҳали дарранинг захрини татиб кўрмаганга ўхшайсанлар. Ҳозироқ тавба қилиб, ҳазратининг оёғига бош уринглар. Акс ҳолда, баданларинг калтақдан моматалоқ бўлиб шилиниб кетади. Бир йилгача азоби эсларингдан чиқмайди!

– Қийноқдан қутилишнинг йўли тавба қилишми ёки ҳазратнинг оёғига йиқилишми?

– Қуролни олсаларинг бас. Мен ҳазратининг олдига кириб, «Йигитлар инсофга келишди, қуролларни олишди» деб айтаман. Шунда у киши бояги аҳдларидан қайтадилар. Қани, бўла қолларинг, айтганимни бажаринглар!

– Бизнинг қурол ушлашимиз нима учун сизларга керак бўлиб қолди? Аввал бизга шуни тушунтириб беринглар.

– Хорижлик меҳмонлар келишади. Улар сизлар билан суҳбатлашишади. «Биз толибонларга ёрдам бергани ўз хоҳишимиз билан келдик, улар билан биргалишиб жиҳодда қатнашамиз» деб айтсаларинг кифоя. Улар сизлар билан икки оғизгина гаплашиб қайтиб кетишади, вассалом! Шундан кейин ҳазратим сизларни уйлариингга кетишларинг учун ижозат берадилар.

– Мақсадларингни энди тушундим, – деди Улуғбек гижиниб.

– Баракалла, – пахмоқ соқол яна автоматларга ишора қилди, – Қани, олинглар!

– Бориб ҳазратингга айт, йигитлар лафзидан қайтмас экан де!

Пахмоқ соқолнинг туси ўзгарди:

– Унда ўзларингдан кўрларинг! – деди афтини буриштириб.

У гавжум бўлиб турган одамларнинг олдига борди. Уларга нимадир деди, ҳаммалари йигитларга қараб қаҳ-қаҳ отиб кулишди. Хиёл ўтмай, қўлида дарра уш-

лаган, узун бўйли, кенг гавдали, юзида қонхўрлиги акс этган кимса келди. У қон хиди анқиб турган қўйлагининг енгини билагигача шимариб олганди. Силовсиннинг кўзларидек қўрқинчли кўзларини ўқрайтириб йигитларга қаради. Бироқ уларнинг кўзларида қўркувни сезмади. Даррабознинг афт-ангори шу қадар қўрқинчли ва ваҳимали эдики, бу одамдан ҳамма нарсани кутса бўларди.

У йигитларни олдига солиб, ҳовлининг ўртасига бошлаб борди. Бу ерда одамнинг тиззаси баробар, ялпоқ ва силлиқ қоп-қора кунда турарди. Унинг силлиқ юзасида қорайиб қотиб қолган қон доғлари кўзга ташланарди. Даррабознинг ўзи Жавлоннинг устидаги кийимларни ечиб ташлади.

– Ёт! – амр қилди даррабоз форс тилида.

Ҳовлидаги одамларнинг кўзи унда эди. Икки қўлига биттадан автомат ушлаб олган пахмоқ соқол эса беш-олти қадам нарида худди парвозга шайланиб турган қарчиғайдай типирчилаб турарди. Жавлоннинг қарашини, «Автоматларни олиб келинг» дейишини илҳақлик ила кутарди. Бироқ на Жавлон, на Улуғбек унга қайрилиб боқмади.

Жавлон тиззалаб ўтирди, белидан юқори қисмини кунда устига қўйди. Унинг оппоқ баданига қиёмга келган қуёшнинг иссиқ нурлари тушиб турарди. Атрофдагиларнинг кўзи даррабозда эди. У белига қистирилган етмиш сантиметрлар чамасидаги теридан тайёрланган камчи – даррани қўлига олди. Худди шу пайт пахмоқ соқол Жавлоннинг олдига яқинлашди. Меҳрибонлик ила қулоғига шивирлади:

– Қуролни ол, тавба қил... Азобдан қутулсан! Қани, бўла қол, ёлғондан бўлса-да тавба қилдим де. Анави одамлар гапингни эшитсин. Мен физиллаб боғриб Бурҳониддин ҳазратларининг олдига кириб, «Йи-

гитлар қуролни қўлларига олишди» деб айтаман! Нега анграйиб турибсан? Бўла қол! Бир оғиз сўзни тилингга олсанг бас...

– Ўлгин келса олиб кел! Биринчи бўлиб сени отаман! – деди Жавлон.

Пахмоқ соқол қўрқиб кетди ва орқасига чекинди. Агар даррабоз йигитларни саваласа, кейин уларни ҳеч қачон, ҳеч қандай зуғумлар билан қўрқита олишмаслигини ҳазрат яхши биларди. Унга айнан шундай топшириқ берган: «Алда, авра, қуролни олишга мажбур қил». Олмадими, демак, ўзидан қўрсин. Пахмоқ соқол даррабозга маъноли ишора қилиб қўйди.

У қўлидаги даррани шошмасдан, бир маромда Жавлоннинг икки кураги ўртасини мўлжаллаб урарди. Дарра тушган жой ўша пайтнинг ўзидаёқ қавариб чиқарди. Ёрилган жойлардан қизил қон сизиб оқар, терисидан сирпаниб, кунда устига томарди. Жавлон оғриққа чидамади. Инграб юборди. Бешинчи зарбадан кейин бошини кўтариб орқасига қаради. Ёшланган кўзлари Улуғбекда тўхтади. У ҳам дўстига қараб турарди. Уларнинг нигоҳлари учрашди. Жавлоннинг қарашларида «Нима қилай, талабларига рози бўлаверайми?» деган савол йўқ эмасди. Улуғбек буни сергаклик билан илғаб олди ва бошини чайқаб қўйди. Жавлон тушунди, бошини кундадан осилтириб, кўзларини юмганча тишини тишига босиб калтаклар зарбига чидашга қарор қилди. Элигинчи дарра урилганда у хушини йўқотганди. Бадани қонга бўялганди. Териси тиф билан тилингандек ёрилганди. Кунда устида қон қотиб қолганди. Даррабоз бир қўли билан йигитнинг сочидан чангаллаб, иккинчиси билан шимининг тасмасидан тутиб, мурдалардек кўтариб четроққа ташлади. Кундага ётиш навбати Улуғбекники эди. У ўзи ечинди. Кунда устига ётди.

– Хўш, сен ҳам аҳдингдан қайтмадингми? – сўради пахмоқ соқол.

– Отаман десанг ҳам аҳдимдан қайтаролмайсан! – жавоб қилди Улуғбек.

...Икки ўртоқ узок вақт беҳуш ётишди. Улар кўзларини очиб ўзларини қоронғи хонада кўришди. Оғриқдан баданлари зирқирарди. Ёрилган жойлардан қон оқарди. Қимирлашнинг иложи йўқ. Салгина ҳаракатланишса, ёрилган баданлари туз сепгандек ачишарди.

– Бундан кўра ўлдириб қўя қолишгани афзал эди, – деди Жавлон, – яна нималарни ўйлаб топишаркин! Қўлимизга қурол олганимиз билан улар нимага эришади? Балки айтганларини бажарармиз?

– Уларнинг мақсади бошқа, – деди Улуғбек, – қўлимизга қурол тутқазиб, хорижлик мухбирларга «Мана, бизларнинг сафимизда Ўзбекистондан келган кўнгилли жангчилари ҳам бор» деб мақтанишади. Бу билан улар мамлакатимизни обрўсизлантиришади. Уларнинг мақсади – юртимизга тош отиш!

– Энди қўйиб юборишармикин?

– Булардан бундай илтифотни кутиб бўлмайди. Фақат ўлиб қутилиш мумкин.

– Қочиш керак!

– Қаёққа, кўрмадингми атрофни жангарилар ўраб олишган. Биз нотаниш одамлармиз. Ҳар қандай жангари биздан шубҳаланади. Бу ерда бизга ким ҳам ёрдам беради.

– Азоб-уқубат чекиб ётаверамизми?

– Худонинг ўзи бир йўлга солар.

АФФОНИСТОН

Чўтир Эргашнинг миясига бир нечта ўкни жойлаб, унинг ўлганига ишонч ҳосил қилгач, совуқ ва айни дамда кўрқинчли тусга кирган мурдага қараб: «Сен ҳокимиятни эгаллаш мақсадида қўлингга қурол олгандинг ва ўзингга ўхшаганларнинг қўлига ҳам қурол тутқазгандинг. Ўзинг шу қуролнинг қурбонига айландинг» деб қўлидаги автоматни унинг устига ташлади. Кейин оғир азоблардан қутулган, елкасини босиб турган вазмин юк қулаб тушган, шу пайтгача қийналиб келаётган виждон азобидан фориф бўлган холда ташқарига чиқди. Ёмғир тинган, булутлар чокидан сўкилган, кўкда балқиб турган оппоқ ой ғуборлардан ҳоли бўлган замин узра ёддуларини сочиб турарди. Ҳавони ёмғир хиди тутганди. Ўқ овозини эшитган жангарилар аллақачон қўлларига қуролларини олиб, ярим яланғоч, айримлари яланг оёқда чодирларидан ташқарига чиқишганди. Улар тўдабошининг хонасидан чиқиб келаётган Чўтирни кўришди ва уни танишди-ю тўхташди. «Ё Алҳазар» дея ёқа ушлашди. «Бу Чўтирку! Наҳотки шу пайтгача ўлмаган бўлса» деб ажабланишди. Уни тўдабошининг хонасига нима мақсадда кирганини ва нима сабабдан бошини мағрур кўтариб, на кўрқувни, на ўлимни хаёлига келтирмай чиқиб келаётганини кўриб, ичкарида қандай воқеа рўй берганини тушуниб етишганди. Эргашнинг яқинларидан бир нечтаси чопқиллаб ичкарига кириб кетишди. Бир оз ўтмай ковоқ-тумшуклари осилиб қайтиб чиқишди-да, Чўтирга ташланишди. Уни ур-калтак қилишди. Лойга белаб дўппослашди. Чўтир финг демади. Қаршилиқ кўрсатмади ҳам. Охир беҳуш бўлиб, жони узилгандек лойда чўзилиб ётиб қолди. Тепадан ёмғирдан ҳосил бўлган лойқа сувлар унинг устига тушарди.

Эргашнинг ўлимини эшитган Кашмирий ташвишнинг тиконли кўрпасига ўралди. Шошилинч равишда машинасига ўтириб, Мирзаахмаднинг хузурига жўнади.

– Эргашни отиб ташлашибди, – деди лашкарбошини кўриши биланок.

– Бу хабарни кўпдан бери кутаётгандим, – Мирзаахмад елкасини босиб турган юкдан халос бўлган одамдек енгил хўрсинди, – Эргашнинг ўлими хақидаги хабарни эшитмай ўлиб кетармикинман деб кўрқардим. Аллохга минг бор шукрлар бўлсинки, муродим ҳосил бўлди.

– Бу қадар хурсанд бўлишингиз маънисини тушунтириб беролмайсизми? – Кашмирийнинг овозидан аччиқлангани билинди.

– Сабаби кўп, тақсир...

– Огоҳ этинг!

– Бир ой мукқадам у баттол учта каллакесарини бошимни узиш учун олдимга жўнатган экан. Худога ёмонлигим йўқ экан, Ўзи асради. Одамларининг мақсадини йигитларим пайқаб қолишган экан, келиб айтишди. Мана шу хонада уларни ўзим кутиб олдим. Менга нимани раво кўрмоқчи бўлишган бўлса, мен ҳам уларга шу нарсани қайтардим.

– Эргаш кейинги пайтларда ҳаддидан ошиб кетганди. Бизнинг ҳам измимизга юрмай қўйганди. Усама жаноблари томонидан лагердагиларнинг таъминоти учун бериладиган уч миллион долларни яширинча Швейцария банкига жойлаб қўйган экан.

– Ундан ҳамма нарсани кутса бўлади. У ҳеч қачон сизга ҳам, Бин Ладен жанобларига ҳам дўст бўлмайди. У қўйнимизга кириб олган илон эди.. Хўш, энди лагердагилар нима қилади? Ўрнига кимнидир қўймоқчи бўлсангиз керак?

– Лагердагилар аллақачон қочиб кетмадимикин деган ташвишдаман...

– Буни кутса бўлади.

– Сиз ҳозироқ лагерга жўнашингиз керак. У ердаги тартиб-интизомни қўлга олмасангиз одамлардан айри-либ қоламиз. Шунча қилган ҳаракатларимиз саробга айланади. Одамларнинг тарқаб кетиши обрўйимизни ер билан тенг қилади.

– Мендан бошқа номзод йўқми, тақсир? – иккилан-ди Мирзааҳмад.

– Бор, лекин улар бизнинг ишончимизни оқлай олишмайди. Сиз бизнинг ишончли одамимизсиз. Эргаш уддалай олмаган ишларни фақат сиз уддалашингизга кўзимиз етиб турибди...

Мирзааҳмаднинг кўз ўнгидан патак ўғрилар, фирибгарлар, товламачилар, қотиллар ўтди. Уларни қонли қамчиси билан савалаган. Айримлари Эргашга эргашиб бу ерга ўтишган. Эргаш ўлгани билан улар шу ерда. Мирзааҳмадни унутишмаган. Кўрганда танишади, қийноқлар ёдларига тушади. Пайт пойлаб қасос олишади. Шундан чўчиди.

– Жоним билан бораман, аммо...

Кашмирий лашкарбошининг мақсадини тушунди.

– Сизнинг хавфсизлигингиз учун мен жавобгарман. У ердагиларнинг тизгинини қўлингизга тутқазиб қўяман.

– Бунга шубҳа қилмайман, аммо улар мени қабул қилмайди.

– Хавотирингиз ўринсиз. Одамларим эрталаб лагерга етиб боришган. Улар сизнинг номингиздан ҳаммага кийим-кечак, озиқ-овқат ва минг доллардан маблағ инъом қилишди. Бундан кейин улар очарчилик ҳамда қийинчиликни кўришмайди, – деди Кашмирий гўё лашкарбошининг кўнглидан кечаётган гапларни кўзидан уқиб олгандай. – Бўйни йўғонларнинг кўпи ўлиб кетди. Кўпчилиги ёшлар. Ўйлайманки, уларни ўзингизга ўргатиб, йўлингизга солиб оласиз.

Кашмирийнинг сўзлари Мирзааҳмаднинг кўнглидаги хавотирни юмшатди.

– Хавфизлигимни таъминлайсиз деган умиддаман.

– Ишончли одамларим атрофингизда бўлишади. Гапингизга кирмайдиганларнинг қулоғини тортиб қўйишади.

Мирзааҳмад таклифни инкор этишга асос тополмади.

– Мен йўлга тайёрман! – деди ниҳоят.

– Сизни ташқарида машина кутиб турибди. Мухим бир гапни эслатиб қўяй, лагерга борган захотингизок барчанинг кўз ўнгида Эргашбойнинг қотилидан қасос олишингизга тўғри келади.

– Нега айнан мен?

– Чунки одамлар сизнинг Эргашга ҳеч қандай адоватингиз йўқлигига ишонишлари керак.

– Бу ишни йигитларимдан бирига топшираман...

– Асло бундай қила кўрманг, – Кашмирий лашкарбошининг сўзни кесди. – Қотилнинг шахсан сиз томонингиздан жазоланиши уларни ҳамиша кўрқувда ушлаб туришга хизмат қилади!

– Қотил қочиб кетмаганми?

– Менга хабар беришларича, унинг ўзи қочишга уринмаган. Ҳозир зиндонда.

– Дуруст, мен ҳамманинг кўз ўнгида унинг пешонасига ўқ қадайман!

– Асло бундай қила кўрманг, бир ўқ билан одамни ўлдириб ҳеч нарсага эришолмаймиз. Қаҳрингиз каттиқлигини одамлар сиз томонингиздан бериладиган фаройиб усулдаги жазодан билишсин. Аввал бўйинини узиб ташланг, терисини шилдилинг, кейин эса терисига сомон тикиб, лагернинг ўртасига осиб қўйинг. Одамларни қўлга олишнинг бундан маъқул усули йўқ! – кулди Кашмирий.

– Хаёлингизга бундай гўзал фикрлар қаёқдан келади, мухтарам Кашмирий жаноблари!

– Касбимиз шунақа!

Улар ташқарига чиқишди.

– Бу машина бугундан бошлаб сизнинг измингизда. Ҳозироқ йигитларингиз билан сизни Саманганга элтиб қўяди, – деди Кашмирий Шўро аскарларидан қолиб кетган юк машинасини кўрсатиб.

Улар хайрлашишди.

Лашкарбоши ёрдамчиларига барча йигитларни тўп-лашни буюрди. Ярим соат ичида улар жамланди. Кийим-кечакларини йиғиштириб машинага ўтиришди.

Мирзааҳмад юрагини чангаллаб лагерга кириб келди. Узоқдан у ердаги сокинликни кўриб юраги андак таскин топди. Кашмирийнинг одамлари лагерга етиб келишган экан. Анчадан бери тўнтариб қўйилган қозонларда билқиллаб шўрвалар қайнарди. Жангариларнинг устида янги кийимлар. Шамол ўтиб қолган чўнтакларига минг доллар тушганидан барчанинг кайфияти кўтарилганди. Улар Мирзааҳмадни кўриб бақириб, қичқириб, автоматлардан ўқлар узиб кутиб олишди. Бу унга бўлган норозилик эмас, балки кийноқ ва азоблардан қутқарган халоскорга бўлган эҳтиром эди. Лашкарбоши ўзига қадалган нигоҳларда қаҳр-ғазаб учқунларини кўрмади. Шундан кейин хавотирни унутди. Минатдорчилигини қўлини кўксига қўйиб, бир оз қаддини букиб изҳор қилди. Оёғи ерга текканда Кашмирийнинг насихатини эслади. Қаршисида турган жангариларга кўзини ўқдек қадаб:

– Дўстим Эргашбойнинг қотили қаерда? – сўради.

– Шу ерда, мухтарам лашкарбоши! – жавоб қилишди улар.

– Тезда олдимга келтиринглар!

– Ҳозир етказиб келамиз!

Уч-тўртта жангари чодир ортидаги зиндонга чопишди. Бир оз фурсат ўтиб қўллари орқасига қайрилган, кийимлари, юзлари лойга беланган, башарасини одам таниб бўлмайдиган тутқунни олдиларига солиб келишди. Мирзааҳмад унинг афт-ангорини кўргандаёқ юраги титраб кетди. Қулоғи кесиб ташлаган, чўяндек қорайиб кетган юзи суяқдан иборат бўлган бу кимсага ачингандек ҳам бўлди. «Ифлослар, сени итдан баттар қийнашибди-ку» деган фикр хаёлидан ўтди. Жангарилардан бири Мирзааҳмаднинг қулоғига шипшиди:

– Қулоғини Дўстумнинг одамлари кесиб ташлашган. Тилини эса ўзи тишлаб ғажиб ташлаган, гапиролмайди, соқов...

Барчанинг кўзи лашкарбошида эди. Қандай ҳукм ўқишини кутишарди. Атрофдаги бирорга одам унинг жазога тортилишини истамасди. Кўпчилик ачинарди.

– Ханжар!

Кимдир лашкарбошининг қўлига ханжар тутқазди.

Мирзааҳмад кичрайиб ичига ботиб, худди маймуннинг кўзларидек кичкинагина кўзларидан ёш сизиб чиқаётган Чўтирга яқинлашди. «Сени аллақачон ўлдиришган экан-ку» деди паст овозда. «Кўлимни қон қилишни истамайман, аммо атрофдаги мана бу махлуқларга ўзимнинг кимлигимни, нималарга қодирлигимни кўрсатиб қўйишим керак. Мени кўришганда оёқ-қўллари дилдираб туришсин».

Чўтир лашкарбошининг қўлидаги ханжарни кўрган, ўзини қандай жазо қутаётганини билса-да, кимир этмасди. Унинг кўзларига тикилиб тураверди. Атрофни ўраб олган ўттизга яқин одам нафасларини ичларига ютишганди. Эргашнинг қотилининг қисмати қандай яқун топишини ҳеч ким билмасди. Мирзааҳмад Чўтирнинг боқишларига чидамади. Нигоҳини олиб қочди.

– Аслида сени тақдирлашим керак эди, аммо жонингни олишга мажбурман, кечир... – лашкарбоши бу сўзларни яна ҳам паст овозда шивирлаб айтди. Чўтир унинг гапларини эшитди, аммо қилт этмади. Кўзларини олиб қочмади, юммади ҳам. Мирзааҳмад қўлини кўтарди. Ханжар офтоб тифида ярақлади. Чўтир жилмайди. Калласини бир оз кўтарди. Бўйнида ҳосил бўлган оғриқдан инграмади. Узилган томиридан вишил-лаб қон отилаётганда ҳам кўзларини қотилдан узмади. Аввалгидек тикилиб тураверди. Лашкарбошининг бардоши чидамади. Қаршисида арвоҳ тургандек ортга тисарилди. Чўтирнинг кўз олди бирдан қоронғилашди. Оёқларидан мадор кетиб ерга йиқилди...

Мирзааҳмад ўзи учун ажратилган чодирга жойлашди. Кашмирийнинг соқчилари унинг кулбасини тезда ўраб олишди. Шунда бўлса-да, Мирзааҳмаднинг юрагини кўрқув тарк этмасди. Кечалари «Соқчилар ухлаб қолмадимикин» деб хавотирланиб, бир-икки ташқарига чиқарди. Боши ёстиққа текканда хаёлида кимдир ичкарига кириб устига ташланадигандек, худди Эргашнинг куни бошига тушадигандек туюларди.

Келган куниёқ бу ердаги одамларни ўрганди. Ким қандай гуноҳ қилган, нима сабабдан бу томонга қочиб ўтган, Эргаш билан муносабати қандай эди – буларни таҳлил қилди. Жангарилар орасида муқаддам унинг қоронғи ертўласида оёғидан осилган, дарра билан саваланганлар топилмади. Шундан кейин юраги жойига тушди. Хотиржам тортди. Атрофига садоқатли одамларни жамлади. Қўрғонини мустаҳкамлади. Бир пайтлар пойтахтдан немис овчаркасини харид қилиб олганди. Шу унинг овунчоғи, юпанчига айланди. Ҳамиша уни ёнида олиб юрар, ўзи овқатлантирар, кечалари ҳам ёнида ётарди. Ит хўжайинига ўрганиб қолганди. Орти-

дан қолмасди. Ташқарига чиқиб кетганда ҳам исидан топиб борарди.

Лашкарбоши бу ерда ҳаётига таҳдид соладиган одам йўқлигига ишонч ҳосил қилиб, безовта юраги таскин топиб соқчилар сонини қисқартирди. Лекин лагернинг шундоқ биқинидаги оғзи тор, тошлардан қурилган уйчада бир жуфт кўз кечаю кундуз уни таъқиб қилаётганини лашкарбоши хаёлига келтирмасди...

Саккизинчи китоб тугади.

МУНДАРИЖА

Дубай.....	3
Чеченистон	10
Афғонистон.....	23
Афғонистон.....	37
Истанбул	52
Кобул.....	60
Москва	84
Тошкент	92
Кобул.....	101
Истанбул	108
Чеченистон	116
Афғонистон	120
Чеченистон	127
Афғонистон.....	139
Чеченистон	152
Саманган	160
Кобул.....	169
Афғонистон.....	175
Чегарада.....	186
Саманган	192
Дубай	201
Афғонистон	215

Адабий бадиий нашр

ИСОҚЖОН НИШОНОВ

**АФҒОН ШАМОЛИ
КУЛРАНГ БЎРИЛАР**

*Роман
Саккизинчи китоб*

Тўлдирилган қайта нашри

Мухаррир
Маъмура ҚУТЛИЕВА

Мусаххих
Мадина МАҲМУДОВА

Бадиий мухаррир
Уйғун СОЛИҲОВ

Саҳифаловчи
Суннат МУСАМЕДОВ

Техник мухаррир
Умидбек ЯХШИМОВ

Лицензия рақами: АІ № 252, 2014 йил 02.10 да берилган.

Босишга 2016 йил 29.08да рухсат этилди.

Бичими 84x108^{1/32}.

Босма табағи 7,0. Шартли босма табағи 11,76.

Гарнитура «Peterburg». Офсет қоғоз.

Адади 5000 нусха. Буюртма № 176.

Баҳоси келишилган нарҳда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди.
100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

Мурожаат учун телефонлар:

Нашр бўлими – 147-00-14; 129-09-72;
Маркетинг бўлими – 128-78-43; 397-10-87;
факс – 273-00-14;
e-mail: yangiasravlodi@mail.ru